

МИНГЙИЛЛИК МАЪРУЗАСИ

WE

THE ROLE OF THE

IN THE

21 *Century*

ТАЛАБАЛАР УЧУН ҚИСҚА БАЁН



ТОШКЕНТ
2003

Ўзбекистондаги БМТ ваколатхонасининг
Ахборот маркази томонидан Ўзбекистон ҳукумати ҳамда
БМТ Тараққиёт дастурининг “Ракамли ривожланиш ташаббуси” дастури, БМТ
болалар жамғармаси ва Қочоқлар ишлари бўйича
БМТ Олий комиссар бошқармасининг Ўзбекистондаги
ваколатхоналари ҳамкорлигида ўзбек тилида чоп этилган.

Ўзбек тилига Рашид Раупов таржимаси
БМТ архиви ва Анатолий Рахимбаев суратлари
Компютер ва дизайн ишларини
Сергей Абатуров амалга оширди

Briefing Papers for Students
DPI/2161 - 3000 - Uzbek - July 2003
Published by the United Nations Office
Information Centre, Uzbekistan



Ўқитувчиларга мурожаат

Мингйиллик маърузаси: инсониятнинг умумий келажаги

Хар ўқув йили билимларга янги билимлар қўшиш, шунингдек куч-қудратни сафарбар этиб янги ютуқларга эришиш учун бир олам умид бахш этади. Шу каби, янги мингйилликнинг бошланиши ҳам кўз билан илғаб бўлмайдиган орзу-умидлар ва янги имконият ҳиссиётларини инъом этади. Бироқ бу давр, шунингдек янги хавф-хатарлар ҳам олиб келиши мумкин.

Бутун дунёда мисли кўрилмаган миқёсдаги бойлик тўпланган, аммо инсониятнинг олтидан бир қисми даҳшатли қашшоқлида яшайди. Фан ва техника катта ютуқларни қўлга киритди, лекин биз қурғоқчиликлар олдида, ОИТС офати олдида ожиз аҳволда қолмоқдамиз. Кейинги 55 йилда инсоният кенг қўламли урушлардан фориғ бўлди, аммо кўплаб мамлакатлар этник можаролар ва геноцид туфайли зор қақшамоқдалар. Биз Ойни забт этдик, бироқ бизнинг яшаб турган сайёрамизни экологик таназзул ўз домига олмоқда.

Биз келажагимизни қандай кутиб олишимиз керак ва у томонга йўл бошлаш учун кимга мурожаат этишимиз керак?

Бу саволга Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби Кофи Аннан жавоб беради. Бош котиб ўзининг “Биз, халқлар: XXI асрда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг роли” маърузасида инсоният олдида турган муаммолар обзорини тақдим этади ва уларни амалий ҳал этишни тавсия қилади. Ушбу ҳужжат “Мингйиллик маърузаси” номи билан машхур бўлиб, БМТ томонидан 2000 йил, 6 - 8 сентябрда ўтказилган Мингйиллик саммити арафасида тайёрланган. Аслини олганда, маъруза дунёдаги барча раҳбарларни муаммоларни англаб олиш, уларнинг қўламини аниқлаш, энг оқилона ечимларни топиш ва консенсусга эришиш учун баҳс-мунозаралар олиб бориш бўйича зарур восита билан таъминлайди.

Маъруза жамиятнинг барча қатламларига мансуб одамлар учун мўлжалланган. Инсоният келажагини барқарор этишда, ҳар бир одам, сўзсиз ўз ролини ўйнаши зарур; шунинг учун инсониятни олға етаклаш борасидаги курс муҳокамасида ҳар ким мкони борича иштирок этиши лозим.

Бу жараёнда, Сиз, ўқитувчилар муҳим рол ўйнашларингиз мумкин. Сиз ўқувчиларингизга Бош котиб ғояларини ва у Бирлашган Миллатлар Ташкилоти учун мўлжалланган ўша ролни тушунтиришингиз ва бу билан болаларни иштирок этишларини қўллаб-қувватлашингиз мумкин. Мен Сизга “Мингйиллик маърузаси”да тилга олиб ўтилган мавзуларни дарсингиз режаларига киритишни тавсия этаман. Сиз тарих, география, халқаро муносабатлар ёки атроф муҳит билан боғлиқ фанлардан дарс берганларингизда маърузадан нафақат фанингизга мос келадиган, бали жуда фойдали ғоялар ва масалаларни топиб оласиз.


Сизнинг вазифангизни осонлаштириш учун Жамоатчилик ахбороти депарamenti Бош котиб ўз маърузасида тилга олиб ўтган асосий мавзуларнинг қисқача обзорини ишлаб чиқди. Бундай қисмларнинг ҳар бирида муҳокама этилаётган масаланинг умумий шарҳи ва унга тегишли энг сўнгги маълумотлар келтирилади, эътиборга муҳтож бўлган ёки янада кўпроқ саъй-ҳаракатлар сарф этиш зарур бўлган соҳалар кўрсатиб ўтилади ва улар учун зарур бўлган фактлар берилди. Ҳар бир қисмда, шунингдек ўқувчилар учун, уларнинг маҳаллий, миллий ва халқаро даражалардаги тадбирларда иштирок этишларини қўллаб-қувватлаш учун фаолият турлари тақдим қилинган.

Бу қисқача шарҳлар қуйидаги мақсадлар учун тайёрланган:

1. Инсоният юзма-юз келаётган муаммоларни ёшлар яхшироқ тушуниб олишлари учун ёрдам бериш;
2. Уларни ташланаётган ижобий қадамлар билан таништириш;
3. Ёшларга, улар ёрдамида порлоқ келажак яратиш борасида БМТ иш олиб бораётган ўша кўрсонли йўللарни тушуниб олишларига қўмаклашиш;
4. Уларга ушбу фаолиятда қандай иштирок этиш учун амалий ғоялар бериш.

Бизнинг инсон ҳуқуқлари, атроф муҳит ва можароларни ҳал этиш борасидаги қарашларимизни ўзгартирган ҳолда дунё кейинги эллик йилдаги кенг қўламли ҳаракатларнинг бирқанчасини айнан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти туфайли амалга оширди. Янги мингйиллик муаммоларини ҳал этиш учун бизга ҳам шунда куч-ғайрат ва ихлос-садоқат лозим.

Бу муҳим ишда сиз, албатта ёрдам бера оласиз.



**БМТ Бош котиби томонидан тақдим этилган
Мингйиллик маърузаси**

— Мухтасар хулоса

БМТ бош котиби Кофи Аннан март ойининг охирида “Биз халқлармиз: Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг XXI асрдаги роли” деб номланган маърузасини эълон қилди. У “Мингйиллик маърузаси” номи билан кенг кўламда эътибор қозонди.

БМТ Бош Ассамблеясининг 55 - махсус сессияси - Мингйиллик саммити (2000 йил, 6-8 сентябр) арафасида тайёрланган маъруза БМТнинг глобаллаштириш давридаги ролига бағишланган. Маърузада Бош котиб глобаллаштириш ҳаммага фойдаси тегиши учун бўйсундиришга йўналтирилган ҳаракатлар режасини тавсия этади. Ўзида БМТнинг ўтган 55 йиллик тарихий миссиясини қарийб тўла-тўқис акс эттирган маъруза дастурларни амалга ошириш бўйича аниқ мақсад ва ташаббусларни ўзида мужассам қилган. (Маърузанинг асосий йўл-йўриқлари қуйида мухтасар ҳолда тақдим этилмоқда).

1 Янги аср - янги чақириклар

Янги мингйиллик ва Мингйиллик саммити ҳеч қачон ҳозирги дамдагидек бир-бирлари билан боғлиқ бўлмаган дунё халқларига ўзларининг умумий тақдирлари тўғрисида фикрлашиб олиш учун нодир имконият беради. Улар, ўз раҳбарлари келажакка оид вазифалар доираси атрофига чизик тотиб юришганига ва тегишли чораларни уларнинг ўзлари қабул қилишларига ишонч боғлайдилар. Агар аъзо давлатлар масала моҳиятига биргаликдаги кучайтирилган жавобгарлик ҳисси билан кириб бора олса, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бундай масалаларни ҳал этишга кўмаклаша олади.

1945 йилда халқаро муносабатларга янги тамойиллар жорий этиш мақсадига таяниб Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бир неча соҳаларда катта ютуқларга эришди. Бу - Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг янги юзйилликда одамлар ҳаётига аниқ ва сезиларли ўзгаришлар олиб кира оладиган қилиб қайта қуриш имкониятидир.

2 Глобаллаштириш ва бошқариш

Глобаллаштиришнинг фойдаси кўз олдимизда: янада тезкор иқтисодий ўсиш, янада юксак турмуш шароити, янги имкониятлар. Бироқ бу жароёнда, аллақачон салбий таъсир ўзини намоян этмоқда, чунки бу фойдалар ҳаддан ташқари нотекис тақсимланаяпти, чунки ҳозирга қадар глобал бозор ҳамжиҳатликдаги ижтимоий мақсадларга асосланган қоидаларга амал қилмайди.

1945 йилда асосчилар *халқаро* дунёнинг очик ва ҳамкорликка асосланган тизимини яратган эдилар. Бу тизим ўз вазифаларини бажарди ва глобаллаштиришни ҳаётий ҳақиқатга айлантирди. Шунинг оқибатида биз ҳозир *глобал* дунёда яшамоқдамиз. Мана шу илғорликка тенглашиш бугун жаҳон раҳбарлари олдида турган марказий вазифадир.

Ҳозирги янги дунёда гуруҳлар ва баъзи одамлар чегара орқали, давлатларнинг иштирокисиз бир-бирлари билан тобора кўпроқ тўғридан-тўғри ҳамкорлик қилмоқдалар. Бу эса муайян хавф-хатарга ҳам олиб келади. Жиноятчилик, гиёҳвандлар, терроризм, ифлосланишлар, касалликлар, қурооллар, қочоқлар ва мигрантлар - буларнинг ҳаммаси у ёқдан-бу ёққа илгаригига қараганда катта тезликда ва катта ҳажмда ҳаракатланмоқда. Одамлар ўзларидан узоқларда содир бўлаётган воқеалардан келиб чиқиши мумкин бўлган хавф-хатарлардан ташвишга тушмоқдалар. Шунингдек, улар баъзи мамлакатлардаги ноҳақликлар ва бераҳмликлардан қаттиқ таъсирланадилар ва бундай ҳолларга қарши давлатлардан қандайдир чора-тадбирлар қабул қилишни кутадилар. Бироқ, шунингдек янги технология ҳам бир-бирларини тушуниш ва биргаликда ҳаракат қилиш учун имкониятлар яратади. Агар биз глобаллаштиришдан яхши имкониятларга эришадиган ва салбий ҳолатлардан қочадиган бўлсак, яхши бошқаришни ва биргаликда қандай яхши бошқаришни ўрганишимиз керак.

Бу - қандайдир жаҳон ҳукумати заруриятини ёки давлатлар таназзулини англамайди. Аксинча, давлатларни мустаҳкамлаш зарур. Ва улар бир-бирларининг кучларини умумий қоида ва кадриятларга асосланиб, биргаликда, умумий институтлар доирасида фаолият кўрсатган ҳолда тўплашлари мумкин. Шу институтлар бизнинг давримиз ҳақиқатини, жумладан, кучларнинг тақсимланишини акс эттириши керак. Улар давлатларнинг нодавлат субъектлари билан, жумладан глобал компаниялар ҳамкорлиги учун саҳна бўлиб хизмат қилиши керак. Кўпгина ҳолларда улар ўзгариб турадиган глобал кун тартибини тезда илғаб оладиган сиёсат масалалари бўйича унчалик расмийлашмаган тармоқлар билан тўлдирилиши керак.

Бойликларни тақсимлаш борасидаги бугунги кундаги ғоят катта нотенглик, миллиарддан ортиқ одам яшаб турган аянчли шарт-шароит, баъзи минтақалардаги эндем можаролар кўламининг кенгайиши ва табий муҳитнинг тезлик билан ёмонлаша бориши, - бу омиларнинг ҳаммаси, биргаликда, фақат, агар ҳамманинг розилиги билан ушбу аҳволни тузатиш чора-тадбирлари кўрилмаса, тараққиётнинг ҳозирги моделини беқарор қилиб қўяди. Энг йирик олти континентда, яқинда ўтказилган жамоатчилик фикри сўрови, одамлар худди шундай чора-тадбирлар қабул этилишини хошлаётганлигини тасдиқлаб турибди.

3 Камбағалликдан холос бўлиш

Кейинги ярим аср мобайнида бекиёс иқтисодий ютуқлар қўлга киритилди. Бироқ ҳалигача 1,2 миллиард одам кунига бир АҚШ долларидан кам маблағ ҳисобига кун кечирмоқда¹.

¹ Ушбу нашрда, бундан буён долларнинг қайси мамлакатга тегишлиги аниқ кўрсатилмаган ўрин АҚШ доллари деб қабул этилсин.

Ҳаддан ташқари қашшоқликни, мамлакатлар ўртасидаги, шунингдек баъзида унинг ичидаги ҳаддан ташқари нотенглик билан қиёслашнинг ўзи бизнинг инсонийлик шаънимизга ҳақорат ҳисобланади. Мана шу омилнинг ўзи кўплаб муаммоларни, жумладан можароларни чуқурлаштириб юборади. Дунё аҳолиси тез суръатлар билан кўпайиб бормоқда, айниқса, бундай ўсиш камбағал мамлакатлар учун кўпроқ хосдир. Биз 2015 йилга қадар дунёнинг ҳамма бурчакларида қашшоқлик кўламларини ярмига қисқартириш учун чора-тадбирлар қабул қилишимиз керак. Бу борадаги устувор соҳалар қуйидагилардир:

- **Изчил ўсишни таъминлаш.** Бу - барча ривожланаётган мамлакатлардаги одамларни, аввало глобаллаштириш шарофатидан баҳраманд бўлишини таъминлашни билдиради.
- **Ёшлар учун имкониятлар яратиш.** 2015 йилга қадар ҳамма болалар маорифнинг барча даражаларида, ўғил болалар ва кизалоқлар учун тенг шароитда бошланғич мактаб таълими билан камраб олиниши керак. Шунингдек, ёшларни яхши иш билан таъминлаш йўллари топиш зарур.
- **Соғлиқни сақлаш ва ОИТС билан курашга кўмаклашиш.** Соғлиқни сақлаш соҳасидаги илмий тадқиқотлар дунё аҳолисининг 90 фоизига дахл қилаётган муаммоларни ҳал этишга қайта мослашиши керак. 2010 йилга бориб биз ёшлар ўртасида ОИТС вируси юқиши коэффицентини 25 фоизга қисқартиришимиз керак.
- **Харобазорларни ободонлаштириш.** Биз 2020 йилга қадар харобаларда яшаётган 100 миллион кишининг турмуш шароитини яхшилашни мақсад қилиб қўйган “Харобаларсиз шаҳар” ҳаракат режаларини қўллаб қувватлашимиз керак.
- **Африка билан бирдамлик.** Маърузада экспертлар ва флантропик жамғармаларга Африкада қишлоқ хўжалигининг кам маҳсулдорлиги муаммолари билан шуғулланишлари учун чорлов мужассам. Шунингдек, унда Африка мамлакатлари ҳукуматларига камбағаллик кўламларини қисқартиришга биринчи даражалидан ҳам юксакроқ эътибор беришга ва қолган мамлакатларга бу ишда кўмаклашишга қатъий чорлов ифода этилган.
- **“Сонлар кўприги” ўтказиш.** Янги технологиялар тараққий этаётган мамлакатларга тараққиётнинг бошланғич босқичидан “сакраб ўтиш”нинг мислсиз имкониятини яратади. Уларнинг халқлари янги ахборот дастурларидан энг яхши даражада баҳраманд бўлишини таъминлаш учун ҳамма имкониятлар ишга солиниши керак.
- **Глобал бирдамлик намоёниши.** Бой мамлакатлар камбағал мамлакатлар маҳсулотларига ўз бозорларини янада кенгроқ очиб қўйишлари, қарзларнинг оғир юкларини янада кўпроқ ва янада тезроқ енгиллатишларини таъминлаш ва катта ҳажмларда тараққий этишларини кўзлаб мақсадга яна ҳам аниқроқ йўналтирилган ёрдам такдим этишлари керак. Дунёни қашшоқлик балосидан қутқариш, бу - ҳар биримизнинг ишимиз. Бу вазифани бажармасликка асло ҳаққимиз йўқ.

4 Ваҳималардан халос бўлиш

Давлатлар ўртасидаги урушлар бизнинг давримизда унчалик кўп учрамайдиган воқеадир. Бироқ кейинги ўнйилликда ички урушлар 5 миллиондан ортиқ одамнинг ҳаётига зомин бўлди ва жуда кўплаб одамларни ўз уйларини ташлаб кетишга мажбур этди. Айни пайтда ҳамон оммавий қирғин қуроллари даҳшат уруғини сепмоқда. Биз ҳозир хавфсизлик борасида худуд ҳимояси ҳақида қанча ўйласак, одамларни ҳимоялаш ҳақида ҳам шунча қайғурмоқдамиз. Қирон келтирувчи можаролар хавфи билан ҳар бир босқичда шуғулланиш керак:

- **Бартараф этиш.** Можаролар, кўпроқ бой мамлакатларда, айниқса, уларнинг ёмон бошқарилаётганида ва этник ҳамда диний гуруҳлар ўртасида кескин нотенглик мавжуд бўлган ҳолларда содир этилмоқда. Можароларни бартараф этиш учун энг яхши йўл - соғлом ва ҳисоб-китобли иқтисодий тараққиёт билан барча гуруҳлар адолатли ифода этилган инсон ҳуқуқларини, элатлар ҳуқуқларини ва сиёсий механизмларни бирга қўшиб олиб боришга кўмаклашидир. Бундан ташқари, қуроолларни, пулларни ёки табиий ресурсларни ноқонуний бериш муаммосини ҳам ёритиш зарур.
- **Заифларни ҳимоя этиш.** Қўпол бузғунчиликлар жазосиз қолмаслигига эришишимиз учун биз халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқларининг меъёрларини таъминлашнинг самарали йўлларини топишимиз керак.
- **Интервенция дилеммаси.** Миллий суверенитетдан ҳуда-беҳуда ҳуқуқларни бузаётганларга ва ўз биродарлари ҳаётига тажовуз қилаётганларга қалқон сифатида фойдаланилмаслиги керак. Оммавий қирғинлар олдида - Хавфсизлик Кенгаши томонидан руҳсат этилган қуроолли аралашув, ундан юз ўгириб бўлмайдиган зарур восита ҳисобланади.
- **Тинчлик ўрнатиш операцияларини кучайтириш.** Мингйиллик ассамблеясига тинчлик ўрнатиш операцияларининг барча жиҳатларини таҳлил қилиш учун Бош котиб томонидан тузилган олий даражадаги гуруҳнинг тавсияларини кўриб чиқиш таклиф этилади.
- **Мақсад сари йўналтирилган санкциялар.** Яқинда санкцияларни аниқ кўзлаган мақсад учун қўллаган ҳолда, қандай қилиб уларни янада нозик воситага айлантириш масалаларини ўргана бошладик. Хавфсизлик кенгаши келажакда санкцияларни қўллаш тартибини ишлаб чиқишида буни ҳисобга олиши керак.
- **Қуроолларни қисқартириш.** Бош котиб барча аъзо давлатларни ўқ отиш қурооллари етказиб беришни яна ҳам кучлироқ назорат қилишга қатъий даъват этади ва ўзининг мавжуд ядро қурооллари хавфини қисқартириш ҳамда уларни бошқа тарқатмаслик ишига содиқлигини яна бир бор тасдиқлайди.

5 Келажакимиз барқарорлигини таъминлаш

Ҳозир биз келгусидаги авлодларга шу сайёрада яшаш учун шароитни таъминлашнинг ғоят муҳим эҳтиёжи билан юзма-юз келиб турибмиз. Биз болаларимиз меросини номақбул хатти-ҳаракатларимиз учун тўлов сифатида талон-тароҷ қилмоқдамиз. Шу боис бой мамлакатларга ҳам, камбағал мамлакатларга ҳам шундай чақирик лозим: ишнинг бу ҳолатини ўзгартириш зарур! Бу муаммо ечимига 1992 йил Рио-де-Жанейрода бўлиб ўтган Конференция асос солди, Азон қатламни бузувчи моддалар бўйича Монреал протоколи эса муҳим кадам ташлади. Бирок бизнинг бошқа соҳалардаги таъсиримиз жуда кучсиз, жуда суст ва жуда кечиккан ҳисобланади. 2002 йилда биз олиб бораётган баҳс-мунозараларимизни жонлантиришимиз ва қуйидаги жабҳаларда қатъий чора-тадбирларни қабул этишга тайёргарлик кўришимиз лозим:

- **Иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш.** Глобал исиб кетиш хавфини камайтириш учун карбонат ангидрид ва бошқа “парник газлари” ажралиб чиқишини 60 фоизга қисқартириш зарур. Бу тадбир, балки энергия самарадорлигини таъминлаш ва энергиянинг қайта тикланадиган манбаларидан янада кенгроқ фойдаланиш йўллари билан амалга оширилиши мумкин. Бу ишдаги биринчи кадам

1997 йилги Киото протоколини амалга ошириш бўлиши мумкин эди.

- **Сув ресурслари бўҳрони ва уни ҳал этиш.** Маърузада, Сув ресурслари бўйича халқаро форум доирасида, министрлар даражасида кун тартибига қўйилган 2015 йилга қадар хавфсиз ва арзон сувдан баҳраманд бўлолмаётган одамлар сонини икки баробар қисқартиришдан иборат Конференция томонидан юклатилган мақсадни қўллаб-қувватлашга қатъий чорлов мужассам. Шунингдек, маърузада сув тўпланадиган ҳавзалар ва ўтлоқлардаги сув ресурсларидан янада самарали фойдаланган ҳолда сарф этилган ҳар бирлик сув ресурсларига нисбатан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши маҳсулдорлигини кўпайтириш имконини бериши мумкин бўлган “яшил инкилоб”га даъват этилади.
- **Тупроқлар муҳофазаси.** Қишлоқ хўжалиги экинзорлари қисқариб кетаётган айти шароитда дунёнинг кўпайиб бораётган аҳолисини озик-овқатлар билан таъминлаш борасидаги энг кўп умидлар, балки биотехнология билан боғлиқ бўлса ажаб эмас, бироқ унинг хавфсизлиги ва атроф муҳитга таъсири тўғрисида қизғин баҳслар кетмоқда. Бош котиб биртомонлама характердаги ушбу масалани, ундан камбағаллар ва очлар ютқазмайдиган тарзда ҳал этишга ҳаракат қилиб, бу борадаги сиёсатни ишлаб чиқиш бўйича тармоқ ташкил этади.
- **Ўрмонлар, балиқ захиралари ва биологик рангбарангликни сақлаш.** Бу соҳаларнинг барчасида сақлаб қолиш энг муҳим аҳамиятга эга. Ҳукумат ва хусусий сектор бу йўналишда қўлни қўлга бериб ишлаши керак.
- **Янги бошқарув этикасини шакллантириш.** Бош котиб тўртта устуворликни тавсия этади:
 1. Жамоатчиликка таълим бериш.
 2. “Яшил” молиявий ҳисобот - атроф муҳит масалаларини иқтисодий сиёсат доирасидаги ҳисоб-китоблари.
 3. Меъёрлар ва омиллар.
 4. Янада аниқроқ илмий маълумотлар.

Халқлар ҳам, ҳукуматлар сингари табиатдан оқилона фойдаланиш ва уни бошқариш борасида янги ахлоқий қоидаларни шаклланиши тарафдори эканликларини билдиришлари лозим.

6 Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг янгиланиши

Бу вазифаларнинг барчасини қудратли Бирлашган Миллатлар Ташкилотисиз амалга ошириш жуда мушкулдир. Бирлашган Миллатлар Ташкилотини мустақкамлаш ҳукуматларга, айниқса, уларнинг хусусий сектор, ноҳукумат ташкилотлари ва бошқа кўптомонлама муассасалар билан консенсус ечимларни қидириб топиш мақсадида биргаликда ишлашга тайёрликларига боғлиқдир. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бошқалар фаолиятини рағбатлантириш учун катализатор каби ҳаракат қилиши керак. У ўз фаолиятида янги технологиялар, айниқса, ахборот технологиясидан тўлиқ фойдаланиши керак. Бош котиб қуйидаги соҳаларда тадбирларни амалга оширишни тавсия эди:

- **Бизнинг асосий устуворликларимиз.** Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг обрўси унинг ҳукмфармолиги туфайли эмас, балки у тақдим этаётган кадрятлар, глобал меъёрларни ўрнатиш ва барқарор этиш борасидаги унинг роли, умумий

хавотир ва ҳаракатларни рағбатлантириш қобилияти, одамлар турмушини яхшилаш бўйича амалий ишларидан ҳосил бўладиган ўша ишонч туфайли ошиб бормоқда. Биз ушбу имтиёзни, аввало ҳуқуқ устуворлигининг муҳимлигини қаттиқ туриб ҳимоя қилган ҳолда ривожлантиришимиз керак. Шу билан биргаликда биз бунга Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ўзини, айниқса, унинг самарали иш олиб бориши ва катта обрў-эътибор қозониши учун Хавфсизлик Кенгашини ислоҳ қилиш йўли билан мослаштиришимиз керак. Биз, шунингдек Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан фуқаролик жамиятлари ташкилотлари, хусусий секторлар ва жамғармаларнинг ўзаро алоқаларини кенгайтиришимиз керак.

- **Ўзгаришларни амалга ошириш учун тармоқлар ташкил этиш.** Биз расмий институтларни халқаро муассасалар, фуқаролик жамияти ташкилотлари ва хусусий секторлар ҳамда миллий ҳукуматларни умумий мақсадларга эришиш йўлидаги интилишда сиёсатни ишлаб чиқиш бўйича бирлаштирадиган норасмий тармоқлар билан тўлдиришимиз керак.
- п **Рақамлар технологиясига уланиш.** Биз янги ахборот технологиясидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг самарасини яна ҳам ошириш ва унинг дунёнинг қолган қисми билан ўзаро алоқасини яхшилаш учун фойдаланишимиз керак. Бироқ бунинг учун биз ўзгаришларга қаршилик кўрсатиш маданиятини бартараф этишимиз керак. Бош котиб ахборотлар технологияси секторидан бизга бу ишда кўмаклашишни сўрайди.
- **“Сокин инқилоб”ни илгари суриш.** XXI аср эҳтиёжларини қондириш учун, биз реал тузилмавий ислоҳотларга, аъзо давлатлар ўртасида устуворлик борасидаги янада аниқроқ консенсусга ва одатдаги бошқарувни камроқ интрузив назорат этишга зарурат сезмоқдамиз. Бош Ассамблея, масалан янги мандатларни ишга солишнинг аниқ муддатларини белгилаш ва аниқ натижаларга мўлжалланган бюджетни яратиш тизимини жорий этиш борасидаги қарорларни қабул этиши керак.

7 Саммит эътиборига ҳавола

Бош котиб янги юзйилликда алоҳида муҳим аҳамиятга эга бўлган, Ўзгаришнинг руҳини ифода этувчи олти муштарак қадриятни санаб ўтади:

озодлик;

тенглик ва бирдамлик;

бағрикенглик;

зўравонликлардан юз ўгириш;

табиатга ҳурмат-эътибор;

ва умумий жавобгарлик.

У Мингйиллик саммитини, хоҳиш иродаси сифатида, ушбу қадриятларни барқарорлаштириш чораларини кўриш учун маърузанинг асосий қисмларидан олинган қатор резолюцияларни қабул этишга даъват қилади.

Мингйиллик саммити: янги даврнинг янгича қиёфасига чизгилар

Мингйиллик саммити Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 2000 йил 6 сентябрдан - 8 сентябргача, унинг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳида ўтказилди. Унда 100 нафар давлат бошлиқлари, 47 ҳукумат раҳбарлари, уч нафар валиаҳд шахзода, беш вице-президент ва учта бош министр ўринбосари қатнашган олий даражадаги уч кунлик учрашув – тарихдаги жаҳон лидерларининг энг йирик форумига айланди. Уларнинг мунозаралари мавзуи Бош котиб томонидан тақдим этилган “Мингйиллик маърузаси” бўлди.

Олий даражада қабул этилган бу декларацияда жаҳон лидерлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотига, инсоният оиласининг “унинг ёрдамида биз узимизнинг тинчлик, ҳамкорлик ва тараққиёт борасидаги умумий интилишларимизни амалга оширадиган” ғоят зарур умумий хонадони сифатида ўз ишончларини таъкидладилар.

Декларация халқаро муносабатлар учун “хаётий муҳим” ҳисобланган олти асосий қадриятни белгилаб беради. Улар қуйидагилардир:

1. Озодлик;
2. Тенглик ва бирдамлик;
3. Бағрикенглик;
4. Зувонликлардан юз ўгириш;
5. Табиатга ҳурмат ва эътибор;
6. Умумий масъулият.

Декларацияда тинчлик ва қуролсизланиш соҳасидаги қатор тадбирлар, жумладан БМТни можароларни бартараф этиш учун, тинчлик ўрнатиш операциялари ва улар билан боғлиқ вазифалар учун зарур бўладиган ресурслар билан таъминлаш зарурати қайд этилади. Шунингдек, лидерлар жаҳон гиёҳвандлик муаммоси ва халқаро жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги ўзларининг журъатларини ифодаладилар. Бундан ташқари улар оммавий қирғин қуроллари, айниқса ядро қуроллари қисқартиришга ҳаракат қилажакларини, айни пайтда ўқотар қурооллар билан савдо қилишни бартараф этиш борасида иш олиб боражакларини изхор этдилар.

“Биз эркакларни, аёлларни, болаларни қашшоқликнинг таҳқирловчи ва ғайриинсоний исканжасидан халос этиш учун саъй-ҳаракатларнинг аямаймиз”, - дейилади декларацияда. Лидерлар камбағаллик қўламларини қисқартиришнинг аниқ муддатларини белгилаб чиқдилар:

- 2015 йилгача қашшоқли шароитида яшаётган одамлар сонини икки баробар қисқартириш;
- 2015 йилга қадар болалар ва қизларни умумий бошланғич таълим билан таъминлаш;
- 2015 йилгача оналар ўлимини тўртдан учга қисқартириш;
- 2015 йилга қадар ОИТС касаллиги ва унинг вируслари тарқалишини бартараф этиш;
- 2020 йилгача камида харобаларда истиқомат қилаётган 100 миллион одамнинг турмуш шароити яхшилаш.

Давлатларнинг лидерлари, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти борасида, БМТнинг сиёсатини ишлаб чиқувчи бош маслаҳат ва вакиллик органи сифатида Бош Ассамблеянинг асосий аҳамиятини эътироз этдилар. Шунингдек улар «Хавфсизлик Кенгашини ҳар томонлама ислоҳ этиш учун саъй-ҳаракатларни жадаллаштириш»дан иборат ўзларининг даъватларини ифода этдилар. Бундан ташқари, БМТ ўз вазифаларини бажариши учун уни илгаридан келишиб олинган ресурслар билан ўз вақтида таъминлашга қарор қилдилар. Лидерлар декларацияни «бу каби умумий мақсадларни ва уларга эришиш борасидаги интилишларни ўзларининг қаттиқ туриб қўллаб қувватлашлари»ни тасдиқлаш билан якунладилар.

Асосий статистик маълумотлар

- 2,8 миллиард киши ёки Ер юзи аҳолисининг қарийб ярми кунига 2 АҚШ доллари қийматидан камроқ пулга кун кечирадилар. 1,2 миллиард киши ёки 20 фоизга яқин аҳоли 1 доллардан камроқ қийматга эга бўлган пулга яшайдилар.
- Камбағалларнинг кўпчилиги Жанубий Осиёда яшайдилар (уларнинг 522 миллиони бир доллардан камроқ пулга тенг маблағ билан истиқомат қиладилар). Камбағалларнинг энг юқори ҳиссаси Саҳрои Кабирдан жанубдаги Африка мамлакатларига тўғри келади. Бу ерда одамларнинг 46,3 фоизи - минтақанинг қарийб ярим аҳолиси камбағалликда ҳаёт кечирадилар.
- Қарийб бир миллиард одамлар саводсиз: бир миллиарддан ортик одам тоза ичимлик суви билан таъминланганмаган; қарийб 840 миллион одам очлик исканжасида ёки озиқ-овқатлари етарли эмас; беш ёшгача бўлган барча болаларнинг учдан бир қисми қоринлари тўймаганликдан азоб чекадилар.
- Камбағалларни, даромади тирикчилик ўтказишга етмайдиганларни асосий ижтимоий таъминот хизматларидан бирдай баҳраманд этиш учун 80 миллиард доллар зарур бўлади, бу - бутун жаҳон даромадининг 0,5 фоиздан камроғига тенгдир.
- Ер қурраси аҳолисининг бешдан бир қисми (20 фоизи) катта даромад олиш мумкин бўлган мамлакатларда яшайди, улар ҳиссасига жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 86 фоизи тўғри келади. Энг камбағал мамлакатларда яшайдиган бешдан бир қисм аҳолига эса ялпи маҳсулотнинг атиги бир фоизи тўғри келади.
- Дунёдаги учта энг бой кишининг сармояси жаҳоннинг энг камбағал 48 мамлакатининг биргаликдаги ялпи ички маҳсулотидан ортикрокдир.
- 1998 йилда тараққий этаётган мамлакатлар томонидан грант сифатида олинган ҳар бир долларга қарзни узиш чоғида 13 доллар тўлашга тўғри келади.



Камбағаллик

“Мен халқаро ҳамжамиятни энг юксак даражада... ўз олдига қашшоқлик шароитида яшаётган одамлар сонини икки баробар камайтиришга, яъни бу исканжадан 2015 йилга қадар 1 миллиард кишини олиб чиқиб кетиш мақсадини қўйишга чақираман”.

Бош котиб Кофи Аннанинг “Мингйиллик маърузаси”дан

Камбағаллик қопқони

Охирги пайтларга қадар камбағаллик, асосан даромаднинг борлиги ёки йўқлиги нуқтаи назаридан қараб чиқилган. Инсоннинг камбағаллиги унинг яхши овқатланиш имкони ёки уйининг қандайлиги билан белгиланган. Аммо камбағаллик даромаднинг ёки қабул этилган калориянинг камлигига қараганда ғоят кенг кўламдаги тушунчадир. Бу - узок, соғлом ва онгли ҳаёт кечириш ҳамда яхши турмуш даражаси, озодлик, кадр-қиммат, ғурур ва ўзгаларни ҳам кадрлаш даражасига эришиш учун кенг кўламда зарур бўладиган имкониятлар ва танлаш ҳуқуқидан маҳрумликдир.

Одамлар пана-пастқамларда, омонат бошпаналарда, ноқонуний кириб олган кулбаларда, энг кам ижара ҳақи тўланадиган, фақирона уйларда ёки ахлатхоналар ёнида - бу жойлар уларга жудаям ёқиб тушганидан яшамайдилар. Бошқа иложлари йўқ.

Ер қуррасининг, бозор учун ғоят зарур - пули кам бўлган, маълумоти кам бўлган, малақаси кам бўлган ва айни пайтда саломатлик борасида бир олам муаммолари мавжуд қарийб ярим аҳолиси ўз ҳаёт тарзини яхшилаш имконига эга бўлмаган ҳолда камбағаллик исканжасида яшамокдалар.

Камбағалликнинг кўплаб жиҳатлари бор, улар мустаҳкам доира ташкил этган ҳолда бир-бирлари билан маҳкам боғланиб олган:

- Саломатлигининг ночорлиги, касалликлар ва меҳнат қобилияти йўқлигининг ўзи одамларга тўлиқ иш кўни меҳнат қилиш имконини бермайди, бу ҳол уларнинг даромадини чегаралаб, камбағалликдан қутилиш учун маблағ топиш имкониятидан маҳрум этади. Айниқса оила бошлигининг саломатлиги муаммоси - даромадни кескин чегаралайди, умуман, касаллик оиланинг моддий асосларини издан чиқариб юборади. Бу ҳолда даромад камайиши билан бирга дори-дармон сотиб олишга, медицина

хизматларига, оиланинг бемор аъзосини парваришlashга қўшимча харажатлар зарур бўлади.

- Мактабни тугалламаганлар ҳам камбағаллар сафига қўшиб қўйилади. Балки, бунга уларнинг кам ҳақ тўланадиган ишда ишлаётганликлари ёки ишсизликлари сабаб бўлса керак. Ўқитиш харажатлари зарурати ёки болалар ишлаб оилага ёрдам беришлари туфайли камбағал оилалар болаларини мактабда ўқитишлари мушкул. Натижада улғаяётган авлод яхши таълим-тарбия ололмайди, кейин улар ҳам ўз навбатида кам иш ҳақи тўланадиган жойларда ишлашга мажбур бўладилар.
- Кўпгина мамлакатларда камбағалларнинг асосий қисмини аёллар ва болалар ташкил этади. Хотин-қизлар камбағаллик ботқоғидан чиқиб кета олган мамлакатлардагина уларнинг болалари умидли келажакка юз бура оладиганга ўхшайди, бундай имконият чегараланган жойларда эса камбағаллик авлоддан авлодга ўтаверади. Кўп ҳолларда мактабни аввало асосан қиз болалар ташлаб кетадилар, чунки уларни уй-рўзгор ишларига ёрдамлашишга ёки кичкинтойларга, укаларига қарашишга эртароқ жалб этадилар. Бироқ тажрибалар шуни кўрсатадики, хотин-қизлар таълимини сармоёлаш нафақат бор-йўғи одилона тадбир, балки бу шунингдек, оилани яхшироқ овқатлантиришга, медицина хизматидан яхшироқ баҳраманд бўлишга ва янада кучлироқ, кенгрок иқтисодий имкониятларга томон юз буришга имкон яратадиган омил ҳамдир.
- Африканинг кўпгина минтақаларида ОИТС тарқалиб кетишининг асосий сабабчиси камбағаллик бўлмоқда. ОИТС фақатгина шахсий азоб-уқубат эмас, балки у қатор мамлакатларда иқтисодий ва ижтимоий кризисларнинг асосий сабабчисига айланди, чунки у аҳолининг бир қисми иқтисодий фаоллигини барбод қилмоқда ва шу билан камбағалликни бартараф этишни қийинлаштирмоқда. 1999 йилда бутун дунё бўйича 34 миллион киши ОИТС вирусини билан зарарлангани ҳисоблаб чиқилди, мана шу эпидемия туфайли 2010 йилга бориб фақат Африканинг ўзида 40 миллион бола етим бўлиб қолиши мумкин.
- Бош котиб Кофи Аннан “Мингйиллик маърузаси”да таъкидлашича “бирмунча аниқ эҳтимоқлар борки, айниқса, этник ва диний ҳамжамиятлар ўртасида бир қадар нотенглик мавжуд бўлган камбағал мамлакатлар бой мамлакатларга қараганда можаролар гирдобига бирмунча осон тортилиб кетишлари мумкин”. Ростдан ҳам БМТнинг бошқа манбалари гувоҳлик беришига қараганда, 38 энг камбағал мамлакатнинг 20 тасида айни пайтда ёки қурулган тўқнашувлар давом этмоқда, ёки улар фақат яқиндагина урушдан чиқиб олганлар.

■ Камбағалликнинг илдизлари

Камбағаллик кўплаб саноати тараққий этган мамлакатларда ҳам мавжуд ва у тараққий этаётган дунёнинг ҳам бутун-бутун минтақалари учун одатдаги ҳолдир. У миллий ва халқаро даражада чуқурлашиб кетган носоғлом вазиятдаги маҳаллий ҳолатларнинг чалкаш гирдобида илдиз отади. Бу - ҳар хил даражаларда ва шунингдек инсон эҳтиёжларини тизимлаштиришга ўхшаган қатор конкрет ижтимоий шароитларда намоён бўлувчи иқтисодий жароёнлар маҳсулидир. Кейинги маълумотлар борасида ўйлаб кўринг.

Баъзи мамлакатлар ўз қарзларини молиялаштиришга - соғлиқни сақлаш ва маорифга сарфлаши зарур бўлган маблағдан ортиқроқ пул сарфлашга мажбур бўлмоқдалар.



Илгариги тузумлар томонидан ўрнатилган қарзларни тўлаш мажбуриятлари, баъзан тараққий этган мамлакатларнинг муваффақиятли чиқмаган маслаҳатлари оқибатида, ёки тузумнинг коррупциялашгани сабабли кўпгина мамлакатларнинг мустаҳкам қашшоқлик доирасини ёриб ўтиш қувватлари бирмунча сустлашиб қолди. Африканинг Сахрои Кабир жанубидаги мамлакатлари қарз хизмати учун экспортдан тушадиган даромадларнинг 14 фоизини, яна бир камбағал минтақа - Жанубий Осиё эса 22 фоизини сарф этади. Лотин Америкаси ва Кариб хавзаси мамлакатлари худди шу мақсад учун ўзининг экспортдан тушадиган даромадларининг учдан бир қисмини сарф этадилар.

- Кейинги йилларда Танзаниянинг қарз хизматлари учун тўлови унинг бирламчи соғлиқни сақлаш харажатларидан тўққиз марта; бошланғич таълим харажатларидан - тўрт марта ошиб кетди.
- Гондураснинг қарзлари қиймати унинг экспортининг 208 фоизига тенг, қарз хизматлари учун тўлов давлат харажатларининг 55 фоизини ташкил этади.

1999 йилда Халқаро валюта фонди ва Бутунжаҳон банки қарзлари кўп 41 камбағал мамлакат қарзларини энгиллатишга йўналтирилган катта қарзлари бўлган камбағал мамлакатлар бўйича интенсив дастур қабул этдилар. Мазкур дастур ушбу мамлакатларга тааллуқли бўлган 70 фоизгача, яъни 170 миллиард долларга яқин қарзни энгиллаштириши кутилмоқда. Аммо ҳозирга қадар ушбу мамлакатларнинг бирортаси бундай ёрдам олиш ҳуқуқини қўлга киритган эмас. Очигини айтганда, қарз хизматлари ҳар қачон ҳам бекаму кўст амалга оширилавермайди. Умуман, иқтисодий тараққиёт учун зарур бўладиган сармояларни даражаси ошишини ҳисобга олмаганда қарз энгиллашганда ҳам унинг хизмат ҳақи соғлиқни сақлаш ва маорифга сарф этиладиган асосий пулдан ортиқроқни ташкил этади.

Савдо ва тизимни қайта қуриш сиёсати билан боғлиқ омиллар ноқулай оқибатлар келтириб чиқаради.

Кўпгина тараққий этаётган мамлакатлар чет элдан қандайдир даромадлар ишлаб олиш учун қайта ишланмаган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг экспортига суяниши керак, аммо бу маҳсулотларнинг баҳоси нисбатан паст ва мунтазам арзонлашмоқда. Айни вақтда ёқилғига, шунингдек, саноат молларига ва қайта ишланган товарларга халқаро бозорнинг баҳоси ошди. Бунинг устига, кўпгина тараққий этган мамлакатлар ривожланаётган мамлакатлардан келаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишга ҳаддан ташқари кўп чеклашлар жорий этди, бу ҳол уларнинг бозорини косоқ қилди. Даромад кам олинганлиги туфайли кўплаб мамлакатлар камбағалликнинг мустаҳкам ҳалқасини экспорт орқали ёриб чиқолмадилар. Импорт харажатлари ошаётган айни пайтда пасайиб кетган экспорт баҳоси тўлов балансларида муаммоларнинг пайдо бўлишига, қарзларнинг кўпайишига олиб келади. Баъзи ҳисоб-китобларга қараганда, 1992 йилдаги баҳоларнинг арзонлашиб кетишидан кўрилган зарар Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг ўша йил учун ёрдам маблағидан ошиб кетган эди. Ёрдам маблағи 58 миллиард бўлгани ҳолда, зарар 65 миллиард долларга етган. Валютанинг қадрсизланишига сабаб бўладиган тизимни қайта қуриш сиёсати туфайли баъзан вазият мураккаблашди.

- Бундан биров илгари ўз озиқ-овқат маҳсулотлари ўзига етарли Индонезия импортдан бир йилга 20 миллион тонна гуруч қарз бўлиб қолди. Бу - 90-йилларда Осиё кризисидан кейин валюта кучли (500 фоиз) қадрсизланган пайтда ҳалокатли оқибатларга олиб келди ва маҳаллий шароит шундай бўлиб қолдики, мамлакат ичкарасида ишлаб чиқилаётган озиқ-овқатлар етмай қола бошлади. Чет эл гуручининг баҳоси кескин кўтарилиб кетди ва баъзи ҳисоб-китобларга қараганда, бунинг оқибатида 100 миллиондан ортиқ индонезиялик камбағаллар сафига қўшилишга мажбур бўлдилар.

Активлари кам бўлган камбағалларнинг капитал ва кредит билан мулоқоти чегараланиб қолади.

Кўплаб мамлакатлардаги аксарият одамлар тақдири қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ ва ерга ҳар доим ҳам эгаллик қилолмаслик қишлоқ жойларидаги камбағалликнинг асосий сабабларидан бири бўлиб қолмоқда. Дунёдаги камбағалларнинг, асосан ё ерлари йўқ, агар бўлса ҳам бор, дейишга арзитайди. Яъни бу ерлар ёмон бўлиб, қишлоқ хўжалиги учун яроқсиз; кўпинча бундай ерларга бўрон ва селлар, умуман табиий офатлар катта талафот келтиради. Баъзан уларнинг устидан Филиппиндаги гасиенд тизими сингари ердан фойдаланишнинг деярли феодал тартибларини абадийлаштириб турувчи ерга эгаллик қилишнинг алмисокдан қолган тизими босим кўрсатиб туради. Арзимас даромад билан ишлаб чиқаришни яхшилаш учун маблағни қўлга киритиш борасидаги имкониятнинг ночорлиги орасидаги қопқонга тушиб қолган деҳқонларнинг олға томон қадам ташлашларига рағбатлари бўлмаслиги табиий ҳолдир. Қишлоқ жойларидаги камбағаллар имкониятларини чегаралаб қўйган кўплаб ортга тортувчи омиллари бартараф этиш учун қишлоқ инфратизимида ер ислохотлари ўтказиш, уни давлат томонидан сармоялаш, кредитлар ва баҳо барқарорлигини амалга оширган ҳолда технология ва маркетинг хизматини йўлга қўйиш талаб этилади.

Бандлик учун етарли имкониятларнинг йўқлиги.

Қишлоқ жойларидаги кўплаб одамлар камбағалликдан қутилиш учун ўз ватанларидаги ёки бошқа мамлакатлардаги шаҳарларга иш қидириб кетиб қоладилар. Аммо кўпчилик мамлакатларда тирикчилик ўтказиш учун энг кам миқдордаги маблағни ишлаб олиш мумкин бўлган етарли даражадаги дурустроқ ишчи ўринлари йўқ. Бундай ҳолларда камбағаллар ўзларини норасмий деб аталадиган секторга урадилар. Ишчи кучлари техника янгиликларини ўзлари билан алмашлаётганлари ва шу каби бюджетнинг қисқариши оқибатида расмий секторларда ҳам иқтисодиётнинг ривожланишини қисқартираётганлари сабабли мазкур секторда босим ортиб бормоқда. Бироқ норасмий секторда ишлаганлар ҳам зўрға-базўр тирикчилик ўтказадилар ва улар ижтимоий ҳимояга олинмайдилар ёки бундай муҳофаза даражаси ғоят паст. Ҳисоб-китобларга қараганда дунёдаги меҳнатга лаёқатли уч миллиард одамнинг 140 миллиони ишсиз ҳисобланади.

Инфратизимларнинг хилма-хиллиги, маориф, соғлиқни сақлаш ва репродуктив саломатлик соҳаларида асосий ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имкониятининг йўқлиги.

Асосан канализация ёки тоза сувлар бўлмаган районларда яшайдиган камбағаллар касалга кўпроқ чалинадилар. Уларнинг медицина хизматлари эҳтиёжи учун ҳам кўпинча маблағлари бўлмайди. Айни пайтда камбағаллар истиқомат қиладиган районларда яшаётганлар учун соғлиқни сақлаш, репродуктив саломатлик борасида етарли ахборотлар ҳам йўқ. Демак, кўпинча, уларга касалликлар юқиши ва уларнинг келиб чиқиши хавф-хатарини олдини олишлари учун нима қилишлари кераклиги тўғрисидаги маълумотлар етиб бормайди.

Ижтимоий ҳаётдан бебаҳра қолиш

Ҳар бир мамлакатда ҳам сохта, олди-қочди гаплар, тусмол фикрлар айланиб юравериши мумкин, баъзи ҳолларда у ёки бу ирқ, дин ё бўлмаса жинс вакилига сиёсатнинг ўзи ҳам - ҳокимият эгаси, ёхуд яхши иш эгаси бўлиш учун тўсқинлик қилиши мумкин. Кўпинча бу сохта, тусмол ва олди-қочди фикрларнинг қонуний асослари бўлмайди, бунинг устига улар туб аҳоли орасида жинсий тафовут ва икки ёнма-ён элат мавқеи ўртасида камситиш манбаига айланиши мумкин. Бундай ҳолларда, балки қандайдир муайян бир вақт учун бу каби имкониятлардан бебаҳра қолган одамлар турмуш шароитларини яхшилаш яна ҳам адолат асосида иш билан таъминлаш каби саъй-ҳаракатларни жорий қиладиган сиёсат зарур бўлади.

— Камбағалликка қарши кураш стратегияси

Камбағалликни бартараф этишга йўналтирилган дастур доирасида аниқ мақсадлар белгиланган ва уларга эришиш учун барча саъй-ҳаракатлар жамланган эди. Мана шу ёндошувга биноан камбағаллик кўламларини қисқартириш борасида, 1970 йилдан бошлаб дуёнинг барча минтақаларида бирдай бўлмасида, талайгина ютуқлар қўлга киритилди. Камбағаллик кўламларини қисқартиришга эришишнинг катта қисми Шарқий Осиёга, асосан Хитойга тўғри келади. Тараққий этаётган мамлакатларда болаларнинг ўлими 40 фоиздан ортиқроққа, катталар ўртасида саводсизлик 50 фоизга қисқарди. Эндиликда таваллуд топганлар ўн йил узоқ яшаш имконига эга, бошланғич ва ўрта мактабларга қатнаётган болаларнинг сони 50 фоизга ўсди. Аммо кейинги бир неча йилда тескари, аксинча бўлган оқибатлар ҳам кузатилди, улкан муаммолар ҳамон ўз ечимини топмаяпти.

Миллий ва халқаро даражада камбағаллик билан кураш борасидаги сиёсат учун масъул шахслар ўртасида кейинги йиллар тажрибаларига асосан, сиёсатнинг ишлаётган-ишламаётгани хусусида ўсиб бораётган консенсус пайдо бўлди. Камбағаллик кўламини қисқартириш бўйича муваффақиятли тадбирлар пакетининг бир қисмига айланган сиёсат таркибига қуйидагилар киради:

Барча иқтисодий ўсишларни кенг асосда ўзида жамлайди:

Иқтисодий ўсиш камбағалликни бартараф этишда энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади, аммо унинг ўзи масалани ҳал эта олмайди. Камбағаллик кўламини қисқартиришда иқтисодий ўсишнинг самарадорлиги - ўсиш структурасига, мавжуд нотенглик даражасига ва ўсишдан кўрилатган фойданинг қандай тақсимланаётганига боғлиқ.

Даромадларнинг нотенглиги - иқтисодий активлар (ер, шунингдек саноат ва молия капитали) ҳамда таълим ва маҳорат кўринишидаги “инсон капитали”нинг тақсимлаш функциясидир. Ҳукуматлар даромадлар ва активларни янада одилона тарқатиш борасида кўпроқ иш олиб боришлари лозим.

Камбағалликни қисқартириш борасидаги ўсиш самарадорлиги, шунингдек, тараққий этиш учун имконият яратиш даражасига камбағаллар яшаётган ва ишлаётган районлар, минтақаларда бандлик муаммосининг ҳал этилганига боғлиқ. Кўп ҳолларда иқтисодиётнинг расмий секторида Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари (Жанубий Корея, Тайван, Малайзия ва бошқалар)ни ҳисобга олмаганда бандлик учун етарли даражада имконият яратиб берилмади. Энди иқтисодиётнинг норасмий секторига эътиборни қаратишга тўғри келади.

- Бош котибнинг “Мингйиллик маърузаси”да қайд этилганидек, ҳар қандай мамлакатда ялпи ички маҳсулотларнинг бир фоизга ўсиши энг камбағал 20 фоиз аҳоли даромадининг кўпайишига олиб келиши мумкин. Аммо тузум адолатли асосга қурилмаган мамлакатларда бундай ҳол амалга ошмайди, чунки жамиятнинг камбағалларга фойда келтиришига йўл қўйилмайди.
- Инсон омилини сармоялаш асосига қурилган жадал иқтисодий тараққиёт ёрдамида нималарга эришиш мумкинлигига Хитой мисол бўла олади. Хитой ва жаҳоннинг бошқа мамлакатлари ўртача даромади даражаси ўртасидаги фарк бундан қирқ йил илгаригига нисбатан 50 фоиздан ортиқроқ қисқарди.

— Қайта кўриб чиқиш билан камбағалликни аниқлаш

БМТ эндигина ташкил этилган вақтларда камбағаллик минимал даражадаги калорияни қўлга киритиш лаёқати ёки талабни қондириш учун келиб турадиган энг кам миқдордаги даромад нуктаи назаридан ўлчанган (даромад нуктаи назаридан белгиланадиган камбағаллик). Бу минимал даража “камбағаллик чегараси” билан белгиланар эди, даромади ва калория

истеъмол қилиш даражаси шу чегарадан паст бўлган одамлар камбағал ҳисобланар эдилар. Халқаро амалиётда фойдаланиладиган камбағаллик даромад бўйича таққосланадиган одатдаги ўлчов, бу - кунига бир ёки икки доллар (АҚШнинг 1993 йилги 1 ёки 2 долларига тенг бўлган харид қилиш лаёқати) ҳисобланади. Камбағалликни ўлчашда ҳам баъзи ўзгаришлар юз берди, яъни бу ўлчовга унинг турли жиҳатларининг баъзиларини, шунингдек, юқорида тилга олиб ўтилган айланма алоқаларни ҳам киритишга интилишлар кўзга ташланди.

1970 йилда Халқаро меҳнат ташкилоти ушбу тушунча доирасини шунчалик кенгайтириб юбордики, натижада камбағалликка - асосий талаб-эҳтиёжларни қондиришга ноқобиллик сифатида қарала бошланди. Саксонинчи ва тўқсонинчи йилларда бу тушунча ўз доирасига яққаланиб қолиш, ночорлик, заифлик ва хавфсизлик кафолатининг йўқлиги, шунингдек фаровон яшаш имкониятлари ва қобилиятдан маҳрумлик сингари муҳим жабҳаларни ҳам камраб олиб яна бир ўзгаришни бошидан кечирди.

1999 йилда иқтисодиёт бўйича Нобел мукофотига сазовор бўлган бутун дунёга таниқли эканомист Амартия Сеннинг рағбат бахш этувчи ишлари туфайли БМТнинг Тараққиёт дастури камбағаллик муаммосини инсон тараққиёти нуқтаи назаридан ҳал этишга йўналтирилган чора-тадбирлар қабул этди. Эндиликда камбағалликка бир қадар қониқиш ҳосил этувчи турмуш тарзини таъминлаш учун танловнинг ва имкониятнинг йўқлиги сифатида қаралади. Ҳар бир мамлакат учун алоҳида тузилган Аҳолининг камбағаллик индекси узоқ умр кўриш, маориф ва иқтисодий омиллардан маҳрумлик нуқтаи назаридан ўзига хос манзарани намоян этади. Камбағалликка янги нуқтаи назар билан қараш янги кузатувларга олиб келади. Масалан, янгича ёндошув нуқтаи назаридан қараганда АҚШнинг жуда кўп сондаги аҳолиси. ўртача даромад мамлакатда юқориликка қарамай, ғоят қашшоқ аҳволдадир.

Бироқ айни пайтларда жаҳон иқтисодиётининг ўсиш истиқболлари бирмунча паст. Жаҳон иқтисодиёти етарли даражада ишчи ўринлари ташкил этиш ёки камбағалликка сезиладиган даражада таъсир кўрсата олиши учун жуда секин ўсаётганга ўхшайди. Ҳатто саноати тараққий этган мамлакатлар ҳам асосий сабаби камбағаллик ҳисобланган ишсизликнинг юқори даражаси домида қолиб кетган кўринади. Бу ҳол эса мамлакатларни камбағаллик ботқоқидан уларни ўсиш тортиб олишига ишонмасликларни борасида, улар бевосита камбағаллик кўламларини қисқартиришга йўналтирилган аниқ қадамларни ўзлари ташлашлари зарурлиги хақида ўйлаб кўришга мажбур этади.

Агар ўсиш атроф муҳитни инқирозга олиб келиш ҳисобига содир бўлганда, бу ҳол ҳам аҳолининг камбағал қатламлари кун кечиришлари учун асосий бўлган манбани йўқолишига олиб келади. Чунки ҳаёт мана шу ресурсларга боғлиқ. Шундай экан, тараққиёт сиёсати камбағалларнинг ижтимоий ва иқтисодий муҳитига нисбатан аниқ ва ёрқин ишлаб чиқилган бўлиши керак.

- 1992 йилда Рио-де-Жанейрода ўтказилган “Ер муаммолари бўйича олий даражада учрашув”дан сўнг Филиппин ҳукумат, фуқаролик жамияти ва хусусий бизнес вакилларидан тузилган Барқарор тараққиёт кенгаши таъсис этган биринчи мамлакат бўлди. Энг асосий фирмалар ва корхоналар қўшимча маҳсулотлардан қайта фойдаланиб, ифлосланиш даражасини назорат этиб ва қасаба уюшмалари билан тузилган коллектив шартномага экологик ҳолатни ҳам киритиб барқарор тараққиёт бўйича ташаббусни ҳаётга татбиқ этиш устида мунтазам иш олиб бордилар.

Глобаллаштириш қудратини ишга солиш:

Кўплаб мамлакатлардаги йирик корпорациялар хусусий шахслар кўл остида фаолият кўрсатаётгани, кўплаб одамлар ҳаётига бевосита таъсир этадиган бу улкан корхоналарни очиш,

ёпиш ва фаолиятини қайта куриш хусусида фақат ана шу кишилар қарор қабул этишлари каби нодир янгилик янги мингйилликнинг ҳаётий ҳақиқатидир. Глобаллаштириш ва юксак иқтисодий интеграция деб аталган жараён мамлакатларга кўплаб ижобий бозор имкониятлари ва бандлик имкониятларини тавсия этади. Лекин бу билан боғлиқ хавф-хатарлар ва муаммолар ҳам маавжуд. Давримизнинг ҳозирги пайтларида камбағал мамлакатлар ва қашшоқлар тез-тез бу жароённинг қурбони бўлиб турадилар. (Барча “қарши” ва “қарши эмас”ларга батафсил маълумот олиш учун “Глобаллаштириш” бўлимига қарашни тавсия этамиз) Мамлакатлар глобаллаштиришга қуйидагича тайёргарлик кўришлари керак:

- Ўз саноати соҳасининг рақобатбардошлигини ошириш билан;
- Глобаллаштириш туфайли нималарнидир йўқотадиган муаммоларини ҳал этиш билан;
- Паст иш ҳақи, ёмон иш шароити ва атроф муҳитни поймол этиш асосида рақобатдан қочиш учун технологияларни такомиллаштириш ва меҳнат самарадорлигини ошириш билан.

Буларнинг ҳаммаси бажарилган тақдирда ҳам ҳеч нарса кафолатланмаган. Бозорлар глобаллаштиришсиз тўлдирилаверади, кўплаб саноати тараққий этган мамлакатлар тарифлари ва квоталари билан ўз бозорларини хомоя этадилар ва тараққий этаётган мамлакатлардан келтирилган товарларни камситишларга дучор этадилар. Савдо сиёсатини такомиллаштириш ва камбағал мамлакатларнинг бой мамлакатлар бозорларига киришлари учун имкон берадиган янада адолатли қоида ва шартлар ўрнатиш керак. БМТ Бош котиби барча тараққий этган мамлакатларни - кам тараққий этган малакатлардан келадиган экспорт товарларини божларсиз ва квоталардан озод қилиб киритиш имкониятларини яратиш масаласини кўриб чиқишга чақирди. Ҳукуматлар ва халқаро ташкилотлар ҳам шунингдек, ўзгарувчан молиявий оқимларнинг салбий таъсирини юмшатадиган меъёрлаш сиёсатини ишлаб чиқишда мамлакатларга ёрдам бериш устида иш олиб боришлари лозим.

Оқилона бошқариш, ҳисоб-китоб юритиш ва аҳолининг иштирокига ёрдам бериш:

Ҳукуматлар томонидан ўз ишларини ҳалол ва адолатли, коррупциядан холи тарзда бажарилиши; бу жароёнга аҳолининг қўшадиган ҳиссаси борасида очик қарорлар қабул этиш; шунингдек, қабул этилган қарорлар билан боғлиқ кейинги саъй-ҳаракатлар бундай тадбирлар камбағалликка барҳам бериш учун зарурдир. Қуйидаги омиллар жуда муҳим аҳамият касб этади:

- Оқилона бошқариш - ҳукумат томонидан ўз ишларини ҳалол ва адолатли бажариш (“Бошқарув” бўлимига қаранг);
- Ошкоралик: қабул этилган қарорлар аҳоли томонидан қўшиладиган ҳисса учун ва уни синчиклаб ўрганиш учун очик бўлиши керак.
- Ҳисоб-китоб билан иш юритиш: кейинги саъй-ҳаракатларни қабул этилган қарорларга ва тараққиёт имтиёзлари ҳамда камбағаллик кўламини қисқартиришга, асосан бунга камбағалларнинг эришишлари учун ҳаракат қилиш каби қоидаларга мувофиқлигини таъминлаш.

Бу муваффақиятларнинг калити фуқаролик жамияти, шунингдек, энг камбағал одамларнинг сиёсатни, айниқса, бевосита уларга тааллуқли бўлган сиёсатни ишлаб чиқишга иштироки масаласини ҳал этиш қўллаб-қувватлаш жараёни ўйнаши мумкин бўлган ўша роладир. Камбағалларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш ва камбағалликни бартараф

етиш ўртасида аниқ алоқа мавжуд. БМТнинг Тараққиёт дастури ҳисоботида камбағалликнинг 2000 йилги ҳолати тўғрисида куйидаги маълумотлар келтирилади:

- Ҳиндистондаги Андра Прадеш штатида аёллар ўз-ўзига ёрдам гуруҳларига бирлашдилар. Улар ўз маҳалладошларининг жамғармаларини ишга солиб, уларга кенгайтирилган кредит имкониятларини яратган ҳолда ва бутун эътиборни қўлидан иш келадиганларни тўплашга қаратиб аёллар учун маош манбаларини яратдилар, бу билан кўпгина аёллар турмуш шароитини яхшиладилар. Гуруҳ маҳаллий аҳолини олинган қарзнинг хайрли натижаларини намоён этишга сафарбар қилди, шунингдек, болалар меҳнатини қисқартиришга ёки бутунлай бартараф этишга ва қизлар ҳамда жувонлар аҳволини яхшилашга ҳаракат қилдилар.
- Камбоджеда ҳам худди шунингдек, маҳаллий ҳамжамият камбағалликка қарши ўз лойиҳаларини ишлаб чиқди Қишлоқ аҳолиси ўз муаммоларини ҳал этиш йўлларини кидириш борасида “ақлий жиҳод” эълон қилдилар, улар ушбу масалаларни қандай ечиш мумкинлиги борасида мансабдор шахсларга саволлар бердилар, ўзларининг фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.
- Болгарияда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарадиган ташкилотлар касб-хунар таълимини йўлга қўйдилар, янги корхона ва фирмалар ташкил этишга кўмаклашдилар, атроф муҳитни муҳофаза этишга киришдилар ва можароларни бартараф қилдилар.

Асосий хизматлар тақдим этиш ва бюджет сиёсати:

Камбағалликка таъсир этиш давлат ресурслари қандай сафарбар этилаётгани ва сарф қилинаётгани билан ҳам боғлиқдир. Ҳукуматнинг харажатлар, солиқ ва ҳазина устуворликлари билан боғлиқ бўлган адолатли ва беғараз давлат бюджети сиёсати, шунингдек, иқтисодий ўсишга, нотенгликларни қисқартиришга ва тараққиётни камбағаллар учун янада фойдалироқ бўлишига ёрдам бериши керак. Камбағалларга фойда келтираётган, улар иштирокида олиб борилаётган сиёсат мисолини Ҳиндистон, Бразилия ва Угандада кўриш мумкин.

Турмуш шароитини яхшилаш ва камбағаллик даражасини қисқартириш фақатгина мавжуд ресурсларга боғлиқ бўлмай, балки иқтисодий-ижтимоий устуворликлар ва ҳукуматнинг сиёсатига ҳам боғлиқдир. Камбағалликнинг турли жиҳатлари таъсирини ҳатто, даромад жуда кам бўлган ҳолларда ҳам қисқартириш мумкин. Камбағаллик муаммоларини ҳал этишда адолатли ўсиш учун ёрдам берадиган бошқа стратегиялари билан биргаликда давлатнинг соғлиқни сақлашга ва маориф соҳасига сарф этаётган харажатлари айниқса, муҳим ҳисобланади. Бу каби ижтимоий сиёсат тадбирлари куйидагиларни амалга ошириши мумкин:

- Камбағаллик ва қашшоқлик кўламларини қисқартириш;
- Одамларнинг кўпроқ натижалар берадиган қобилиятлари ва имкониятларини оширишлари.
- Уларнинг саломатликка ва бошқа танглик ҳолатларига, қашшоқликка кўрсатган таъсири оқибатларини бартараф этишга ҳукумат сарф қилиши керак бўлган маблағ ҳажмини қисқартиришлари.

Коста Рика, Куба, Шри Ланка ва Ветнам каби мамлакатлар, шунингдек, Ҳиндистоннинг Керала штати ўзига тенг даражадаги ва иқтисодий ресурслари яна ҳам кўпроқ бўлган мамлакатларга қараганда соғлиқни сақлаш шароитларини яхшилашга, ўлимни яна ҳам камайтиришга ва юқори саводхонликка эриша олди. Ҳар жон бошига йиллик даромад роппароса 350 доллар бўлган Ветнамда, бундай даромад 3310 доллар бўлган Жанубий Африкага нисбатан

болалар ўлими анчагина кам (ҳар мингта тирик туғилган гўдак ҳисобига -60 болага нисбатан 31 бола), катталар саводхонлиги юқори даражада (84,6 фоизга нисбатан 92,9 фоиз)дир.

Ҳинд океанидаги унчалик ката бўлмаган орол-давлат Маврикий ўзининг ҳарбий бюджетини қисқартирди ва сармояларни жадал тарзда соғлиқни сақлаш ва маорифга сарфлади. Бугун мамлакатнинг барча фуқаролари санитариядан баҳраманд бўлмоқдалар, 98 фоиз аҳоли тоза сув билан таъминланган ва 97 фоиз чақалоқлар малакали медицина ходимлари ёрдамида туғилмоқдалар.

Жинслар тенглигига эришиш:

Эркаклардан ҳам кўра кўпроқ аёллар мутлоқ камбағаллик шароитида яшамоқдалар. Уларнинг кўпчилигида иш жойи, талаб этиладиган ихтисослик йўқ, ишсизлик ўсиб бораётган шароитда биринчи бўлиб ишларини шу аёллар йўқотадилар. Ушбу ҳол уларни яна ҳам ночорлик ва қашшоқлик домига осон тушдиган қилиб қўяди. Бу феномен - камбағаллик феминизацияси дейилади.

Бирок, юқорида эслатиб ўтилганидек, тажрибалар гувоҳлик берадики, қизлар ва аёллар таълимини сармоялаш ўз таъсирини яхши овқатлантиришда, соғлиқни сақлашдан баҳраманд бўлишда ва фертилликни пасайтиришда аниқ кўрсатади. Қизлар ва жувонларга таълим беришга ҳамда хотин-қизлар ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга аста-секин ва мунтазам эътибор жалб этилмаса камбағалликни бартараф қилиш қийин деган фикр кенг доирада тан олинган. Ҳисоб-китобларга қараганда, турли жинслар ўртасида таълим борасидаги фарқни бартараф этиш жон бошига ялпи миллий маҳсулотларнинг 0,5 фоиз ўсишига ёрдам бериши мумкин.

Камбағаллик кўламларини қисқартиришнинг миллий ва халқаро мақсадли кўрсаткичлари:

90-йилларда тинч тараққий этиш масаласига бағишланган қатор халқаро конференциялар ўтказилди, уларнинг марказий мавзуи камбағалликка барҳам бериш бўлди. 1995 йилда ўтказилган Ижтимоий тараққиёт бўйича бутунжаҳон учрашуви камбағаллик сабабларига қуйидаги омилларни кўшиб, унинг мазмунини кенгайтирди:

- асосий хизматлардан баҳраманд бўлиш
- сермахсул бандлик
- турмуш кечириш учун барқарор имконият манбалари
- ҳимояланганлик ҳисси
- нотенгликларни қисқартириш
- камситишларни бартараф этиш
- ўз ҳамжамияти хаётида иштирок этиш

Олий даражадаги учрашувда камбағалликни бартараф этиш бўйича 117 мамлакат ўз зиммасига мажбуриятлар олдилар. Учрашувдан кейин бу мамлакатларнинг мўлжалга олинган миллий кўрсаткичларни ўрнатишлари ва камбағалликни бартараф этиш бўйича сиёсатни ишлаб чиқишлари қутулган эди. БМТ Тараққиёт дастурининг 2000 йил учун камбағаллик масалалари бўйича ҳисоботига қараганда “2000 йилдан бошлаб 97 мамлакат (69 фоиз) камбағаллик билан курашнинг аниқ, мустақил режаларини ишлаб чиқди, уларнинг 40 фоизи камбағаллик кўламларини қисқартиришни миллий режаларига киритдилар”.

- Бутунжаҳон учрашувларининг қарорлари бажарилиш суръатини кўриб чиққан, 2000 йил

июнда Женевада ўтказилган Конференция тан олдики, кейинги беш йил ичида “учрашув ўтказилган даврларданоқ глобаллаштириш қабул этилган мажбуриятларнинг адо этилиши ва учрашувнинг мақсадларига эришиш учун янги чорловларни олға сурди... Мамлакатларнинг ўзаро янада жипсроқ боғлиқликлари иқтисодий зарбаларнинг миллий чегаралар орқали бир-бирларига аниқроқ ўтишига олиб келди, шунингдек, ўсиб бораётган нотенглик замонавий халқаро ва миллий институционал тузулмаларнинг шу каби иқтисодий ва ижтимоий сиёсатнинг заиф томонларини намоён этиб қўяди ва уларни тегишли ислохотлар ўтказиш йўли билан мустаҳкамлаш муҳимлигини таъкидлайди”.

Ҳозирги пайтда жаҳон иқтисодиётининг аста-секинлик билан ўсаётганини эътиборга олганда, мамлакатлар ўз саъй-ҳаракатларини иқтисодий ўсишни тиклашга сафарбар этишлари керакка ўхшайди, камбағалликни бартараф этиш бўйича мўлжалдаги кўрсаткичларга қисқа вақт ичида эришишнинг иложи йўқдир.

Янги мингйилликда кўзланган мақсадлар: Бош котиб Кофи Аннан ўзининг “Мингйиллик маърузаси”да муҳтожлик домидан бутунлай озод бўлиш - бутун инсоният олдида турган энг биринчи даражали вазифа эканини кўрсатиб берди. “Эркак бўлмасин, аёл бўлмасин, биз ўз яқинларимизни аянчли ва ғайриинсоний қашшоқлик чангалидан тортиб олиш учун саъй-ҳаракатларимизни аямаслигимиз керак,” - деди у. Бош котиб ўз докладада қуйидаги еттита мақсадни белгилаб беради ва уларга эришишнинг аниқ муддатларини кўрсатади:

- 2015 йилга бориб кунига бир доллардан кам маблағ ҳисобига кун кечириётганлар сонини икки баробарга қисқартириш;
- 2015 йилгача камбағалликдан азоб чекаётганлар сонини икки баробарга қисқартириш;
- 2015 йилга қадар хавфсиз ичимлик сувларидан бебаҳра бўлганлар сонини икки баробар қисқартириш;
- 2015 йилга бориб барча қизлар ва болаларни тенг асосда бошланғич таълим билан таъминлаш;
- 2015 йилга бориб ОИТСни тўхтатиш ва ҳатто, ортга қайтариш ва безгакни бартараф этиш;
- 2015 йилга бориб оналар ўлимини тўртдан учга, гўдаклар ўлимини учдан иккига қисқартириш;
- 2020 йилга бориб харобаларда яшаётган камида 100 миллион кишиларнинг турмуш шароитини яхшилаш.

Аmmo бу мақсадларга қандай эришиш керак?

Бош котиб бой мамлакатларнинг ҳукуматлари қабул этишлари керак бўлган аниқ тадбирларни тавсия этади. Улар қуйидагилардир:

- Бирмунча камбағал мамлакатларда тайёрланган товарларни, уларнинг бозорларига эркин бориши учун имконият яратиш;
- Ташқи қарзларни йўқотиш;
- Тараққиёт учун янада кўпроқ ёрдам кўрсатиш;
- ОИТСга қарши самарали ва муносиб вакциналар ишлаб чиқиш борасида фармацевт компаниялар билан ҳамкорлик.

== Ўқувчиларга тавсия этиладиган фаолият турлари

БМТнинг мактаб киберканали (5 ёшдан 12 ёшгача бўлган болалар учун)
<http://www.un.org/Pubs/CyberSchoolBus/poverty2000/index.html>.

БМТ мактаб киберканалидан фойдаланинг. Камбағаллик бўйича модул етти қисмдан иборат, жумладан, кириш ва хулоса, шунингдек, овқатланиш, соғлиқни сақлаш, турар жойлар, маориф ва иқтисодий хавфсизлик. Ҳар қайси қисм тўрт бўлимга бўлинади: кириш, синф ишларининг турлари, ўз ҳамжамиятига хизмат қилиш фаолияти ва ниҳоят, Интернетда бериладиган сайтлар, дунёдаги одамларга ёрдам бериши мумкин бўлган қарорлар ва дастурларнинг мисоллари ҳамда хизмат турлари тавсия этиладиган манбалар секцияси.

1. Болалар кўплаб ишларни бажаришлари мумкин

КИДС:<http://www.kids.maine.org/prog.htm>. Бу саҳифа ўрта ва юқори синф ўқувчилари учун мўлжалланган. Уларда очлик ва камбағалликнинг чуқур илдишлари, аҳолининг энг кўп зарар кўрган гуруҳлари, мазкур муаммоларни ҳал этишга мисоллар ва ўқувчилар кўрсатишлари мумкин бўлган ёрдам акс этади. Турли-туман имкониятларни тадқиқ этинг ва уларни муҳокама қилинг.

2. “Камбағаллик ва тараққиёт тўғрисида йигирма савол” саҳифасига кириб боринг. Бу Бутунжаҳон банкининг куйидаги сайтида: <http://www.worldbank.org/poverty/quiz/index.htm>

3. Ўз шахрингиздаги камбағалликнинг ҳолатини тадқиқ этинг. Камбағаллар кимлар? Улар қандай қилиб бундай аҳволга тушиб қолдилар? Сиз камбағаллик тўғрисидаги маълумотларни қаердан топдингиз? Сизнинг шахрингиздаги ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлари камбағалликнинг олдини олиш борасида нима чоралар кўраётгани тўғрисида суриштиринг.

4. Ишлаб турган камбағаллар нуқтаи назаридан Қўшма Штатларда фаровонлик масаласини кўриб чиқиш учун машқлар бажаринг: <http://www-unix.oit.umass.edu/~folbre/econ105/homewk5.htm>. “Ночорлик: ёлғиз она нафақа ва кам ойлик иш ҳақиға қандай кун кечиради” мақоласини ўқинг: <http://192.211.16.13/CURRICULAR/labor/ends.html>

5. Матбуотда камбағаллик масалалари қандай ёритилаётганини кузатинг. Маҳаллий газетадан камбағаллик ҳолати ёки камбағал одамлар ҳақида ёзилган тафсилотларни топинг. Мана шу тафсилот асосида камбағалликни сиз қандай тушунасиз?

== Кейинчалик ўрганиб олиш учун

Халқаро меҳнат ташкилоти: <http://www.ilo.org/geneva2000>

БМТ: Ижтимоий тараққиёт мақсадларида олий даражадаги бутунжаҳон учрашуви, 1995: <http://www.un.org/esa/socdev/wssd/index.html>

БМТ: Ижтимоий тараққиёт ва кейинги ҳаракатлар мақсадларида олий даражадаги бутунжаҳон учрашуви: <http://www.un.org/esa/socdev/geneva2000>

БМТ Тараққиёт дастури/ Инсон тараққиёти тўғрисида ҳисобот: <http://www.undp.org/hdro/index.html>

БМТ Тараққиёт дастури/ Камбағаллик ҳолати тўғрисида 2000 йил учун ҳисобот: <http://www.undp.org/povertyreport>

БМТ Тараққиёт дастури/ SEPEDнинг камбағаллик масалалари бўйича саҳифаси:

<http://www.undp.org/poverty/>

ЮНИСЕФ: <http://www.unicef.org>

Бутунжаҳон банкининг камбағаллик масалалари бўйича тармоғи:

<http://www.worldbank.org/poverty/index.htm>

Тараққиётни тадқиқ этиш институти, Сассекс. Буюк Британияда камбағаллик бўйича Элдис йўлбошловчиси:

<http://ntl.ids.ac.uk/eldis/pov/pov.htm>

“Ягона дунё” камбағаллик бўйича йўлбошчиси:

<http://www.oneworld.org/guides/poverty/index.html>

Оксафам:

<http://www.oxfam.org.uk>

“Соушлуоч” ташкилотлар мажбуриятларини бажаришдаги тараққиёт мониторинги:

<http://www.socialwatch.org/1999/eng/chartings/base02a.htm>

Турли қарашлар ва камбағаллик мезони:

Ренат Лок Дессален (БМТ Тараққиёт дастури)нинг қарашлари, обзори ва камбағаллик кўрсаткичлари (pdf):

http://www.undp.org/poverty/publications/pov_red/Review_of_Poverty_Concepts.pdf

“Соушлуоч” ташкилоти фикри бўйича камбағаллик кўламлари:

<http://fp.chasque.apc.org:8081/socwatch/1997/dimpov.htm>

Камбағаллар ва камбағаллик манзарасини тинглаб:

Орегон штатидаги камбағаллик манзаралари:

<http://eesc.orst.edu/agcomwebfile/edmat/html/em/em8743/default.html>

Бутунжаҳон банки: Камбағаллар овози:

<http://www.worldbank.org/poverty/voices/index.htm>

Сейнт Питер коллежи кутубхонаси: Камбағалликни тадқиқ этиш: Камбағаллар ёнини олиб: <http://www.spc.edu/library/pov3.html>

Камбағаллик бўйича маълумотлар:

БМТ Тараққиёт дастурининг камбағаллик ҳолати тўғрисидаги ҳисоботи:

<http://www.undp.org/povertyreport>

БМТ Тараққиёт дастурининг инсон тараққиёти тўғрисида ҳисоботлар тузиш бюроси:

<http://www.undp.org/hdro>

Иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт ташкилоти ОЭСР/DAC:

<http://www.eocd.org/dac/> ва <http://www.paris21.org/betterworld/>

Бутунжаҳон банки:

<http://www.worldbank.org/poverty/data/trends/index.htm>

Камбағаллик ва очлик


Очлик масалалари билан алоқадор саҳифа:

<http://www.thehungersite.com/cgi-bin/WebObjects/HungerSite>

Бойлик ва камбағаллик: Гипертекстни ўқиш гуруҳи:

<http://sunset.backbone.olemiss.edu/~jmitchel/class/contents.htm>

Асосий статистик маълумотлар



- Дунёда ҳаммаси бўлиб 50 миллион одам мажбуран аралаштириб юборилганларнинг қурбонлари ҳисобланишлари мумкин.
- 14 миллионга яқин одам, расм бўлиб қолган шу сўзнинг маъноси билан таърифлайдиган бўлсак - қочоққа айланган: булар - таъқиблардан, қуролли можаролардан ва зўравонликлардан химояланиш учун ўз мамлакатларини қолдириб кетган инсонлардир. Бу сонга яна ҳеч қандай халқаро ёрдам ва қўллаб-қувватлашлардан баҳра олмаётган, турар жойларини қолдириб кетган жуда кўпсонли одамларни ҳам қўшиш мумкин. Уларнинг кўпчилиги ўз мамлакатлари сарҳадларининг атрофларидадир.
- Дунё бўйича қочоқларнинг учдан икки қисми Яқин Шарқ ва Африкададир. Қочоқлар оқими ҳамма жойда ҳам учрасада, уларнинг асосий манбаи бир неча мамлакат ҳисобланади. Қочоқларнинг ярми учта мамлакат - Фаластин, Афғонистон ва Ироқдан чиқмоқда. Қочоқлар чиқаётган мамлакатлар рўйхатини Серра-Леоне, Сомали, Судан, Югославия, Ангола, Хорватия ва Эритерия сингари ўнлаб мамлакатлар давом эттиришлари мумкин.
- БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссар бошқармаси ташкилоти БМТнинг ҳамма жойда қочоқларни муҳофаза этиш ва уларнинг муаммоларини ҳал қилишга йўналтирилган халқаро ҳаракатларини мувофиқлаштириш бўйича ваколатига эга. БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан 1951 йилда ташкил этилганидан сўнг бу Бошқарма Иккинчи жаҳон уруши натижасида бошпанасиз қолган 1,2 миллион қочоқни Европада кўчириш билан шуғулланди.

2.

Қочоқлар



“Тўқсонинчи йилларда уруш, биринчи навбатда давлатлар ичкарисида олиб борилди. Бунинг устига, урушлар гоаят бешафқат бўлиб, беш миллиондан ортиқ одамнинг қурбон бўлишига олиб келди. Инсонпарварлик конвенциялари ҳамма жойда бузилди, уларнинг қошига ёрдам сўраб келган тинч фуқаролар “стратегик нишон”га айландилар, болаларни эса қотил бўлишга мажбур этдилар”.

**Бош котиб Кофи Аннанинг
“Мингйиллик маърузаси”дан**

— **Ҳозирги қочоқлар кимлар?**

Қочоқ, бу - ўз мамлакатидан қочиб кетган одамдир. У ирқи, дини, миллати, муайян ижтимоий гуруҳларга ёки сиёсий қарашларга мансублиги туфайли таъқиб этилаётгани учун тўлиқ асосли қўрқув сабабли мамлакатига қайта олмайди ёки қайтишни хоҳламайди...

Қочоқлик мақоми тўғрисида конвенция, 1 модда (А.2)

Қочоқ бўлиш ҳеч қандай одамга хуш келмайди ва бундай тақдирни ҳеч ким ўз хоҳиш-иродаси билан ихтиёр этмайди. Қочоқ, бу одатдаги чет эллик деган гап эмас. Қочоқлик, бу - қувғинда яшаш ва кўпинча, овқат, кийим-бош ва бошпана каби оддий имкониятлар борасида ҳам бировларга мутеъликдир.

Одамларнинг бир ва ундан кўпроқ асосий ҳуқуқлари бузилган ҳолда, улар қочоққа айланадилар. Кўпчилик уруш ёки сиёсий, диний ё бўлмаса бошқа таъқиблар қурбонига айланадилар. Қочкинлик ва ўзга мамлакатлардан бошпана қидириш пайтидаги алғов-далғовларда қурбонларнинг кўпчилиги ҳар қандай маданий жамиятнинг асосини ташкил этувчи барча ҳуқуқ ва мулкларидан: уйлари, шахсий буюмлари, мактаблари, соғлиқни сақлаш хизматлари, оила аъзолари ва ҳатто, баъзида ўз шахсиятларидан ҳам жудо бўладилар. Қочоқ хотин-қизлар ва болалар, қариялар билан биргаликда жуда нозик қатламни ташкил этади.

— **Фойдали таъриф**

Қочоқлар: ўзи келиб чиққан мамлакатидан ташқарида юрган ва ўз мамлакатига асосли

таъкиб этилаётганидан кўрқкани сабабли қайта олмайдиган ёки қайтишни хоҳламайдиган шахслардир.

Қайтганлар: келиб чиққан мамлакатда бўлмаган пайтида халқаро ҳамжамиятни ташвиш-хавотирга солган ва қайтганидан кейин ҳам муайян давр ичида диққат эътиборда турадиган шахслар.

Мамлакат ичкарасида аралашиб кетган шахслар: можаролар туфайли ўзларининг мамлакатлари ичкарасида арлашиб кетган шахслар. Аралашиб кетган шахсларнинг баъзи гуруҳларига БМТ ёрдам беради.

Сиёсий бошпана қидирган шахслар: келиб чиққан мамлакатини ташлаб кетиб, бошқа мамлакатларда қочоқ сифатида тан олинисларини қидирувчи шахслар, уларнинг муурожаатлари ҳамон жавобсиз қолмоқда.

Ташвиш-хавотир туғдираётган бошқа шахслар: бу гуруҳга қочоқлар ҳолатида бўлган ва шундай ҳолат билан расмий тан олинмаган шахслар киради. Булар собиқ Югославиядаги уруш қурбонлари ва МДХ мамлакатларидаги турли гуруҳларга мансуб одамлардир.

— Кочқин

“Аралашиб кетган одамларнинг янги тошқинлари Афеонистон пойтахтигача етиб бормоқда”. “Руандалик қочоқлар Кисанганида ҳаётдан кўз юммоқдалар”. “Гонконг қайиқларда истиқомат қилувчиларни қувламоқдалар”. “Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссар бошқармаси Европада сиёсий бошпана бериш ҳуқуқи хавф остида қолганини билдиради”. “Грузиялик қочоқлар ўзларининг ватанга қайтиш ҳуқуқларини талаб қилмоқдалар”. “Колумбиядаги зўравонлик ҳаракатлари минглаб



одамларни ўз жойларидан қўзғолишга мажбур этди”. “Ҳарбий интервенция Албаниядан оммавий тарзда кўчишга олиб келмоқда”.

Мана шу сарлавҳаларнинг барчаси газеталарда бир хафтанинг ўзида пайдо бўлди. Уларнинг ичидаги бутун минтақани ташвишга солган ва жамоатчилик ҳамда сиёсатчиларнинг кучли хавотирларига сабаб бўлган аралашиб кетиш муаммосини қандай тушунса бўлади?!

Одамлар ҳаёти хавф остида қолган пайтдагина улар ўз мамлакатларини ташлаб кетишга мажбур бўладилар. Дунёда ҳар куни янги-янги қочоқлар пайдо бўлмоқда.

Кейинги ўнйилликда баъзи можароларнинг кўлами кенгайиб кетди. “Мингйиллик маърузаси”да Бош котиб таъкидлаганидек, кўпгина минтақаларнинг фуқаролари асосан ички можаролар туфайли қочиб кетишга мажбур бўлмоқдалар. Косово, Шарқий Тимор, Серра-Леоне ва Африкадаги Буюк кўллар вилояти сингари турли-туман мамлакатлар ҳамда минтақалардаги воқеаларнинг гувоҳлик беришича, баъзан можаролар ва аралашиб кетишларнинг туб сабаблари, этник гуруҳлар ва турли ижтимоий қатламларнинг истак-орзулари ва ҳуқуқлари етарли даражада тан олинмаганлигидадир. Бу - айниқса, илгари автоном бўлган районларда сепаратистик талабларга сабаб бўлади. Миллатчилик ва этноцентризм кучаяди. Кўпгина ҳолларда сепаратистик рағбатлар бешафқатларча жиловлаб қўйилади. Бундай репрессияларнинг қурбони, кўпинча, гуруҳлар бўлиб чиқади. Булар барчасининг оқибати - қочоқлар билан боғлиқ кутубларга ажралган жамият, аралашиб кетиш ва бўҳронлардир.

Шундай қилиб қочоқлар сони ўсиб бормоқда, улар ер шарининг ҳар қандай нуктасида учрамоқдалар, уларга ёрдам кўрсатиш бўйича ваколат ҳар беш йилда чўзилмоқда. БМТнинг қочоқлар муаммолари бўйича ташкилоти ўзининг ёрдам ва фавқулодда операциялар кўламини кенгайтирди ва кейинги йилларда қочоқларникига ўхшаган аҳволда яшаётган бошқа гуруҳ шахсларига у янада кўпроқ ёрдам бераверишига тўғри келмоқда. Бундайлар тоифасига гуруҳланган ва соф инсонпарварлик асосда химояга олинган, тўлиқ қочоқлар сифатида тан олинмаган одамлар киради.

Одатда, ўз уйларини фуқаролар уруши натижасида қолдириб кетган, лекин ўз мамлақати сарҳадларидан чиқиб кетмаган. Шундай шароитда яшаб турган жуда катта гуруҳ кишиларини аралашиб кетганлар дейилади. Масалан, 1991 йили Бош котиб БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссар бошқармасини БМТнинг собиқ Югославиядаги етакчи инсонпарварлик ташкилоти этиб тайинлади, бу ташкилот можаро давом этган бутун давр мобайнида қарийб 3,5 миллион қочоқлар, аралашиб кетган шахслар ва урушдан жабр кўрган бошқа одамларга ёрдам берди. Мазкур агентликнинг тезкор тажрибасидан Босния-Герцеговинанинг қарийб бутун аҳолисига, жумладан, аралашиб кетганлар ҳам, қочоқлар ҳам бўлмаган, 1999 йил Косово бўҳронидан қочиб кетган фуқароларга ёрдам кўрсатиш учун фойдаланилди.

— **Хавфсизлик чорраҳаларида**

Дунёдаги кўплаб мамлакатларнинг ҳукуматлари қочоқларга бошпана беришга розилик билдирдилар. Бошпана бериш - ўз мамлақатида хавф-хатар гирдобиди қолган одамларни химояга олиш демакдир. Бошпана берган мамлакатлар томонидан қочоқларни муҳофаза этишни таъминлашнинг усулларидан бири, мазкур мамлакатларга бу вазифани бажаришда ҳар томонлама ёрдамлашиш ва давлатлар томонидан қочоқларни ҳамда тангликдан халос бўлиш учун бошпана қидираётганларни муҳофаза этиш бўйича мамлакатлар ўз мажбуриятларини яхши англаб олишларини ва ҳурмат қилишларини таъминлаш ҳисобланади.

БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссар бошқармаси, шунингдек, қочоқлар ва аралашиб кетганларни химоя қилиш фаолияти доирасида БМТ Низомнинг халқаро тинчлик

ва хавфсизликни барқарор этиш, давлатлар ўртасида дўстлик муносабатларини ривожлантириш ва инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларининг хурматлигини қўллаб-қувватлаш сингари мақсадларига эришиш ва тамойилларини бажаришга кўмаклашади.

Ваколати бўйича, БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссар бошқармаси сиёсий эмас, инсонпарварлик фаолияти кўрсатиши керак. БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссар бошқармасини ташкил этиш тўғрисидаги низом ўзида унинг бир-бири билан алоқадор бўлган икки функциясини: қочоқларни ҳимоя этиш ва уларнинг муаммоларини узоқ муддатларга мўлжалланган ечимини кидиришни мужассам этади. Биринчи ва янада муҳим вазифа “халқаро муҳофазага олиш” сифатида аниқ ва равшандир. Бу вазифа инсоннинг асосий ҳуқуқларини таъминлаш учун, айниқса, биронта қочоқ ҳам таъқиб этилиши хавфи бўлган мамлакатга мажбуран қайтарилмаслиги учун йўналтирилган.

Ҳар бир қочоқ хавфсиз бошпана топиш ҳуқуқига эга. Бироқ халқаро ҳимоя фақатгина жисмоний хавфсизлик дегани эмас. Қочоқ фикрини эркин ифода этувчи ва эркин ҳаракатланувчи, шунингдек, қийноқлардан ва тажирловчи муомалалардан холи, муайян таянч ҳуқуқлар сингари камида ҳар бир чет эллик қонуний мустақил шахсга хос ҳуқуқ ва ёрдамларга эга бўлиши керак. Қочоқлар ҳам худди бошқа шахслар каби иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларга эга бўлишлари керак. Ҳар бир қочоқ медицина хизматидан баҳраманд бўлиши лозим. Катта ёшдаги ҳар бир қочоқ ишлаш ҳуқуқига эга бўлиши шарт. Бирорта ҳам қочоқ бола мактабдан маҳрум этиб қўйилмаслиги зарур. У ҳарбий хизматга чақирилмаслиги ёки фоҳишалик билан шуғулланишга мажбур этилмаслиги керак.

— Қочоқлар дардига малҳам бўлиб...

Қочоқларни ҳимоя қилиш, уларга ёрдамлашишни қочоқларга тааллуқли муаммоларнинг узоқ муддатга мўлжалланган ечимини турли йўллار билан амалга ошириш мумкин. Ҳимоя вазифасини бажаришнинг йўллари билан бири, масалан, қочоқлар бўйича халқаро битимларга амал қилинишини таъминлаш ва бу мажбуриятларнинг бажарилишини ҳукуматлар томонидан мунтазам назорат этиш ҳисобланади. Улар ўз мамлакатларида инсон ҳуқуқларининг оёқости қилинишидан қочиб қутилган бўлсалар, бошпана берган мамлакатда янги даҳшатлар билан юзма-юз келишлари мумкин. Жинсий зўравонлик, эксплуатация ва жисмоний жабр-зулумнинг айниқса, катта хавф туғдираётган шакллари қочоқлар аччиқ тажрибаларининг энг мудҳиш кўринишларидир. Халқаро ташкилот ходимлари, муҳофаза имкониятларини яратиш ва жисмоний ҳужумлар хавфини иложи борича камайтиришга ҳаракат қилиб пойтахтлардаги сингари чет жойлардаги лагерларда ва чегара районларида ҳам иш олиб бормоқдалар.

Қочоқларга фавқулодда ёрдам - озиқ-овқат маҳсулотлари, сув, қон, дори-дармон, кўрпа-тўшак, санитария ва ошхона жиҳозлари ҳамда асбоб-ускуналар сифатида кўрсатилиши мумкин. БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссар бошқармаси томонидан тайёрлаб берилаётган чодирлар манзаранинг одатдаги қисмини ташкил эмоқда, чунки фавқулодда ходисалар сони кўпайиб бормоқда. Шунингдек, лагерларда ёки бошқа жамоаларда яшаётган қочоқлар учун мактаб ва шифохоналар ташкил этиш дастури ҳам мавжуд. Муҳими, қандай йўл билан бўлмасин, қочоқларни тезроқ ўзлари эплаб кетишлари учун барча имкониятларни ишга солишдир. Бунинг учун озроқ грант ва даромад манбаларини ташкил этиш бўйича расмий чоратadbирлар ёки янги касб-хунар ўргатиш лойиҳалари зарур бўлиши мумкин.

Ва ниҳоят, қочоқлар муаммосини узоқ муддатли ҳал этиш - уларни ватанларига **қайтариш**, бошпана берган мамлакатда **интеграциялаш** ёки учинчи бир мамлакатга **кўчириш** йўллари билан топилиши мумкин.

- Сомалилик 17 ёшли қочоқ қиз Фотимани Шарқий Кениядаги Дадааб қочоқлар лагери ёнида эчкиларни боқиб юрган пайтда зўрлаб номусига тегдилар. Шу боис ўз жамоаси ундан юз ўгирди. БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссар бошқармаси қизалоқни медицина, ижтимоий ва ҳуқуқий ёрдам билан таъминлади, ниҳоят, олти ойлик музокаралардан сўнг у аста-секин ўз жамоасига қайта бошлади.
- 1994 йилдаги Руандада ўтказилган этник тозалаш юз минглаб болаларни ота-оналари ва боқувчиларисиз, уйдан қочиб кетишга мажбур этади. БМТнинг Болалар жамғармаси Кодак компанияси билан биргаликда бу болаларнинг кўпчилигини топишга ва ота-оналари қучоғига қайтаришга ёрдам берди. Саккиз ёшли Оливер шу болаларнинг бири эди. Унинг расми ҳам бошқа юзлаб расмлар орасида Заирнинг Гома шаҳридаги Оливер яшаган лагер саҳнасида осийлиқ турарди. Унинг онаси 1995 йилнинг апрелида Оливерни кўрганида ундан “Сен биласанми, мен кимман?” деб сўради. Оливер онасини тўққиз ой кўрмаган эди. “Сиз Беатрис, менинг онам”, - деди у бироз иккиланиб турганидан сўнг. Кейин у онасининг қучоғига ўзини отди.

== Тамаз Библия ўз йўлини топди

СССРнинг тарқалиб кетиши натижасида Грузия мустақил мамлакатга айланганидан сўнг, Абхазия ундан ажралиб чиқишга ҳаракат қила бошлади. Бу эса можаролар чиқиб кетишига олиб келди. Бу можароларда 10 мингдан ортиқ одам қурбон бўлди. Юз минглаб одамлар аралашиб кетган шахсларга айландилар.

Минглаб одамлар Зугудиди шаҳрига келиб қолдилар, уларнинг орасида Тамаз Библия ҳам бор эди. Болакай у ерга борганида чўнтагида бир мири ҳам йўқ эди, лекин тўрт йилдан сўнг БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссар бошқармаси ҳамда кўнгилли ташкилот - Қутқариш бўйича халқаро қўмита ёрдамида у бизнесменга айланди ва бироз ишлатилган кийимлар савдоси билан шуғуллана бошлади.

1997 йилда Тамаз Қутқариш бўйича халқаро қўмита томонидан ташкил этилган кичик бизнесни ташкил этиш бўйича машғулотларга қатнай бошлади. Дастур БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссар бошқармаси томонидан молиялаштирилди. Унда эскирок буюмлар билан савдо қилиш ғояси пайдо бўлди ва дастурдан 820 доллар қарз олди.

Тамазнинг бизнеси яхши илгарилай бошлади. У ўзига ўхшаган учта абхазиялик болани ишга ёллади. У бир гуруҳ БМТ ходимлари ҳузурда гуруҳ билан бир неча кундан кейин янги дўкон очишини маълум қилди. “Мен янги кредит олдим, шу боис яна уч кишига иш беришим мумкин”, деди у.

“БМТ ҳаракатда” видеофильмидан мослаштириб олинди

== Тараққиёт аломатлари

Кейинги йилларда кўплаб сондаги одамлар ўз уйларини ташлаб кетиб, бошқа жойлардан хавфсизлик қидиришга мажбур бўлмоқдалар. Бироқ кўпчилик ўз мамлакати ва жамоасига қайта олдилар.

Афғонистон: 1989 йилдан буён Покистон ва Эрондан 2,6 миллион афғоннинг уйларига қайтишлари учун ёрдам берилди.

Африкадаги Буюк кўллар райони: БМТ 1994 йилдан бошлаб Буюк кўллар районидаги бўҳрон пайтида 1,7 миллиондан ортиқ руандалик кочоққа инсонпарварлик ёрдами тақдим этди. 1996-97 йилларда уларнинг кўпчилиги Руандага қайтдилар.

Босния ва Герцеговина: одамларни Сараевода ҳаво орқали ташиш тарихдаги энг узокка чўзилган инсонпарварлик ҳаво кўприги бўлган эди. У 1992 йилнинг июлида бошланган ва 1996 йилнинг январидан тугалланган эди. Бу ерда 2,7 миллион эркак, аёл ва болага ёрдам кўрсатилди.

Кавказ: Мустақил давлатга айланган Арманистон, Озарбайжон ва Грузияда 450 мингга яқин кочоқлар ва сиёсий бошпана қидираётганлар, шунингдек, қарийб 970 минг аралашиб кетган шахслар ёрдам оладилар.

Гватемала, Салвадор, Никарагуа: БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссар бошқармаси ва БМТнинг Тараққиёт дастури 1,9 миллион аралашиб кетганларнинг уйларига қайтишларига ёрдам берди.

Мали ва Либерия: БМТ тинчликка эришиш ва ўзининг реинтеграция дастурини амалга ошириш йўли билан ҳаётий муҳим рол ўйнамоқда. Ярим миллиондан ортиқ одам ўз уйларига қайтишга муваффақ бўлдилар.

Мазамбик: 400 мингга яқин кочоқ, уларни Мозамбикка қайтаришда ёрдам олдилар. Шунингдек, БМТ улар ўз ҳаётларини янгидан бошлашлари учун тараққиёт ва реинтеграция соҳасидаги дастурига қарийб 100 миллион доллар сарфлади.

Шимолий Ироқ: 1991 йилда Форс қўлтиғидаги уруш туфайли аралашиб кетган Ироқ курдларига қарийб 500 минг доллар инсонпарварлик ёрдами кўрсатилди.

Ветнам: БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссар бошқармасининг молиялаши билан қайиқларда яшаётган 109 минг ветнамлик ўз мамлакатларига қайтдилар.

— Жейкобнинг ҳикояси

Суданнинг жанубидаги менинг қадрдон шахримнинг ҳамма ерида уруш кетар эди. Мен эндигина 9 ёшга кираётган бўлсам ҳам, доим уруш бўлмайдиган хавфсиз, яна мактабга қатнашим мумкин бўлган жойга қочиб кетиш тўғрисида ўйлар эдим. Бизнинг шаҳарчамиздан кўплаб одамлар, масалан, ёнгинамиздаги қўшни аёл ҳам урушдан омон қолиш учун аллақачонларга кетиб қолди.

Бир кун мен ҳам, ҳеч кимга, ҳатто, отамга ҳам “чурк” этмасдан кетиб қолдим.

Йўлда кетиб бораётган одамлар роса кўп эди. Менинг на кийим-бошим, на озиқ-овқатим - ҳеч нарсам йўқ эди. Биринчи кун туз ҳам тотмадим. Фақат қочиб кетавердим. Эсимда, биринчи кун йўлда кечаси ёввойи ҳайвонларни кўрдим. Шундан кейин дарахтга чиқиб олиб, устида ухлашга тўғри келди.

Эртасига мен қўшни аёлни учратиб қолдим. У мени бирга олиб кетишга рози бўлди. Тез орада биз миналар бор жойга келиб қолдик. Кимлардир минада портлаб кетди, кейин ҳамма чопиб ўтди. атроф, ҳаммаёқ қон бўлиб кетган эди. Бир-биримизни қўлимизни маҳкам ушлаб олиб даладан чопиб кетдик.

Биз тез орада дарёга етиб бордик. Унинг нариги томонида одамлар турар, уларнинг

хаммаси оч эдилар. Биз йўлда давом этавердик, сафимизга яна одамлар кўшилишди. Бизлар бўм-бўш шаҳардан ўтдик. Йўлда бўшаб қолган қишлоқларни кўрдик, у ерда ҳеч ким, ҳатто, мушук ҳам қолмаган эди. Бизда овқат йўқ эди, ниҳоят одамлар барглари ея бошладилар.

Ўн кундан сўнг бизнинг гуруҳимиздаги одамлар ўла бошладилар. Бир куни кечаси қари амаки йўл устига ўтириб олди ва энди бошқа юролмаслигини айтди. У бир соатдан сўнг жон берди. Биз яна бир дарёдан амаллаб ўтиб олдик, шунда ортимиздан самолёт билан бомба ёғдириша бошладилар. Мен жуда чарчаб қолдим ва хаёлимдан, биз лагерга ҳеч қачон етолмасак керак, деган фикр кетмай қолди. Лекин қўшни аёл “Яқин қолди. Ҳабашистон чегарасидан ўтишимиз билан ташвишлардан қутиламиз” деб тушунтирди.

Уч соатдан сўнг биз қочоқлар лагерига етиб бордик. Бу ерда менга ўхшаган суданликлар жуда кўп эди. Бу - ўша мен орзу қилган жой экан. Энди мен мактабга бораман. Лагерда овқат ва дори-дармонлар бор. Энди самолётларнинг овози кўрқита олмайди. Мен яхши биламан, улар бу ерга бомбалар эмас, озиқ-овқатлар олиб келишади.

Аммо самолётлар овози менга уйимизда қолган отам ва ака-укаларимни эсга солади ва шундай пайтлари жуда хафа бўлиб кетаман. Ўша куни уйдан чиқиб кетаётганимда уларни қанчалик яхши кўришимни ўйламаган эканман. Менинг яна уйга қайтгим келар эди.

**БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича Олий
комиссар бошқармасининг “қочоқ болалар”
нашридан қисқартириб олинди.**

— Эътиборга муҳтож соҳа

1999 йилда Косово ва Шарқий Тимордаги можаролар чоғида жуда кўплаб сондаги қочоқлар пайдо бўлди. Ҳар икки можарога ҳам халқаро ҳамжамият ёрдамга шошилди. Кўп ҳолларда халқаро кўмак кечикади, у ночор ва тарқоқ ҳолда берилади. Бу, айниқса, Африка мисолида кўзга ташланади.

Кейинги бир неча йил давомида Африка қочоқлари билан боғлиқ бўҳронларнинг моҳияти бирмунча ўзгарди. Қочоқлар зўравонликлар ва можаролардан ҳамон қашшоқ ҳолда қочиб келмоқдалар ва бирмунча хавфсиз мамлакатлардан бошпана қидирмоқдалар. Уларнинг яна бошқалар, яъни аралашиб кетган шахслар сифатида ўз мамлакатининг хавфсизроқ нуқталаридан бошпана қидираётганларининг сони ҳам ўсиб бормоқда.

- Анголанинг 20 фоиздан ортиқроқ аҳолиси мамлакат ташқарисиди ва унинг ичкарасида қочоққа айланган.

Баъзида чегарадан ташқарига чиқиб кетган қочоқларга қараганда, аралашиб кетган шахслар билан иш олиб бориш қийинроқ кечади. Хавfli ва ташқи дунёдан ажратиб қўйилган жойлардаги кўпсонли одамлар ҳузурига етиб боришнинг ўзи катта қийинчилик ҳисобланади, чунки фуқаро аҳолига ўз мамлакатларида ёрдам кўрсатилишини қийинлаштиришга, кўпинча ҳолатни назорат этиб турган ўз ҳукуматлари ёки қўзғолончи кучларнинг ўзлари сабабчи бўладилар. Ҳозирги пайтда инсонпарвар агентликлар Жанубий Судан, Конго Демократик Республикаси, Бурунди, Ангола ва Серра-Леоне сингари хавф-хатар кучайган районлардаги юз минглаб одамлар, асосан аралашиб кетган шахслар ҳузурига етиб бора олмаптилар. Бу ерларда кириб бориш имкони бўлган жойлар бор, кўпинча бундай жойлар хавфлидир. Шунинг учун ҳам халқаро ҳамжамият етарли маблағ тақдим эта олмай, бу билан Африкадаги руандаликларнинг ёппасига қочиб кетаётгани ёки Серра-Леонедаги фуқаро аҳоли ўртасидаги хунрезлик сингари янги фожиалар хавфини кучайтираётгани ҳолати айниқса, ташвиш туғдирмоқда.

— Инсоний азоб-уқубатлар билан юзма-юз

1999 йил 19 ва 20 май кунлари Бош котиб Кофи Аннан Албания ва Собик Югославиянинг Македония Республикасидаги қочоқлар лагерларига ташриф буюрди ва у ерда майнинг охирларига бориб сони 800 минг нафарга етган Косово қурбонлари билан “мудҳиш икки кун”ни бошидан кечирди. Жаноб Аннан Нью-Йоркка қайтганидан сўнг ўз ташрифи тўғрисида қуйидаги ҳисоботни ёзди:

“Косово чегарасида, Блас шаҳрида мен кўзларида ёш билан “Ноҳат, мен шундай ёшда, шундай аҳволга тушиб қолишим керак?” деб сўраган 100 ёшли кампирнинг қўлларини сиқдим. Мен уч ҳафтагина илгари, тоғда, яшириниб ётган жойида туққан ёш аёл билан учрашдим.

Қўлида уч яшарли боласини кўтарган аёл, эрини охирги марта уни қамоққа олаётганда кўрганини айтиб берди. Шундан буён эри тўғрисида бирор хабар эшитмаган. Македониядаги Стенковац лагеридан мен бутун қишлоқ аҳолиси ҳар жойдан бошпана қидириб икки ой мобайнида яшириниб юрганини, ҳали бу ерга келмаганлари тўғрисидаги бир қариянинг ҳикоясини эшитдим. Албаниядаги Кукес лагеридан дала госпиталида, қўлига янги туғилган боласини олиб уйдан қочиб кетаётганда оёғини жароҳатлаган ёш аёлни кўрдим.

Албания ва Косово чегарасида катта ҳурмат билан кутиб олган бир оиланинг оддий чодирига кирдим, уларнинг менадан сўраган бирдан бир саволлари - ўз ватанларига қачон қайтишлари мумкин бўлиши эди. Фақатгина, унга, биз ҳам шуни қанчалик хоҳлашимизни айтдим, холос.

Ростдан ҳам бунини бутун дунё талаб этмоқда. Мен лагердан қайтар эканман, косоволик одамларнинг саховати ва шиддати бутун қалбимни забт этди. Ходимлардан бири менинг ёнимга келиб ЮНИСЕФнинг кичкинагина нишонини узатди ва бу 9 ёшли қизнинг совғаси эканини, уни БМТдаги дўстига бериб қўйишни сўраётганини айтди”.



— Ўқувчиларга тавсия этиладиган фаолият турлари

1. Можароларни конструктив, фаол ва зўравонликларсиз ҳал этишга ёрдам берадиган походларни кенг қулоч ёйдилинг. БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссар бошқармаси сайтидаги адресда қочоқлар билан боғлиқ масалалар билан ишлаш; ўқувчиларнинг сиёсий бошпана ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро декларация сингари тушунчаларни билиб олишлари; ушбу масалалар бўйича ўқувчиларнинг қочоқлар тажрибасини тушуниб олишларига ёрдам берадиган бошқа ахборотларни олишлари учун маълумот ресурслари мавжуд.
2. Зўравонликлар ва можароларга олиб келадиган, ўз навбатида бу қочоқларнинг ўз уйларидан, ўз мамлакатларидан қочиб кетишларига мажбур этадиган бир неча мураккаб жараёнлар тўғрисида ўқувчиларнинг аниқ тушуниб олишлари учун ёрдам беринг. Ўқувчиларнинг қочоқлар муаммосига эътиборларини тортиш учун, болалар, балки ўз мактабларида “Қочоқлар куни”ни ташкил этишлари, унга ўзларининг туманларида яшайдиган қочоқларни таклиф қилишлари мумкин. Бу масала бўйича маълумотлар олиш учун қочоқлар масалалари бўйича Давлат мувофиқлаштирувчи бюроси ёки қочоқлар билан ишлайдиган ноҳукумат ташкилотлари билан мулоқот ўрнатинг. Мактаб ички телевидениясида бу борада кўрсатувлар ташкил этиш ҳам яна бир имконият ҳисобланади, у орқали қочоқларга кўрсатилаётган ёрдам тўғрисида бошқа ўқувчиларга ҳикоя қилиб бериш мумкин.
3. Ўқувчиларда бошқалар билан ҳамжихатликда яшаш ҳамда ўзини инсонлар асосий ҳуқуқларига ҳурмат-эътибор билан ёндошишга тайёрлаш борасида уларнинг маънавий оламида бунинг учун зарур бўладиган шахсий ва ижтимоий фазилатларни тарбиялашларига ёрдам беринг. Кўчирадиган ташкилотлар билан алоқа ўрнатинг ва ўқувчиларнинг қочоқлар билан муомала қиладиган тилни ўрганиш имкониятларини қидириб кўринг? Ёрдамнинг яна бир хили - кўчирадиган ташкилотлар билан биргаликда янги келаётган қочоқлар учун шампун, кийим-бош, болалар буюмлари ва бошқа зарур нарсаларни йиғишни ташкил этинг.
4. Қочоқларга ёрдам кўрсатишнинг яна бир усули шуки, БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссар Бошқармаси орқали қочоқларга маблағ йиғиш учун ташкил этилган www.peaceforall.com веб-саҳифага кириш. Саҳифани очиб кўнгиллилар йиққан бадалларни ўтказиш учун тегишли кнопкани босинг. Қочоқларга пул тўплаш учун ўқувчилар одамлардан ойига бир марта бадал ундиришни қўллаб-қувватлайдиган кампанияни бошлаб юборишлари мумкин.

== Баъзи манбалар

Интернетда

www.unhcr.ch

www.unicef.org

Босилган материаллар:

“Инсонпарварлик кун тартиби”, БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссар бошқармаси, 1997

“Ечимларни қидириш йўлида”, БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссар бошқармаси, 1995

“ Мухофаза этиш муамолари”, БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссар бошқармаси 1999

Ишчи ҳужжат №16: Хатарсизлик ҳолати: Кениядаги қочоқлар жойлашган районларда зўравонлик сиёсий иқтисоди, Жефф Крисп, БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссар бошқармасининг Сиёсатни баҳолаш ва таҳлил этиш бўлими. CP2500, CH-211 Женева 2, Швейцария (1999 йил, декабр)

Ишчи ҳужжат №15. Қайтаётганлар қочоқларми ёки оқиб келаётган қишлоқ кишилари? Африкалик қочоқларни ўз розилиги билан ватанларига қайтариш дастурини қайта кўриб чиқиш, Оливер Бейквелл, 27 Тайнмаут Реуд, Тотнэм, Лондон № 15 4АТ, Бирлашган Қироллик /1999 й. декабр/

**(Ушбу бўлим БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича
Олий комиссар бошқармаси томонидан тузилган)**

Асосий статистик маълумотлар



- Ҳайвонлар ва ўсимликларнинг турлари табиий суръатга қараганда 50-100 марта тезроқ йўқолиб бормоқда, бу суръатнинг янада тезлашиши прогноз қилинмоқда.
- Мавжуд жараёнларни ҳисобга олганда, қарийб 34 минг турдаги ўсимликлар ва 5200 турдаги ҳайвонлар, жумладан, паррандаларнинг саккиздан бир қисми йўқолиб кетиш хавф остида турибди.
- Қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари асосий насларининг 30 фоизга яқини айни пайтда йўқолиб кетиш арафасидадир.
- 1990 йилдан 1995 йилга қадар бўлган муддат мобайнида, ривожлан аётган мамлакатларда ҳаддан ташқари қаттиқ фойдаланилаётгани туфайли 65 миллион гектар ўрмон йўқ қилиб юборилган.
- Асосан ўсимликлардан тайёрланадиган медицина дори-дармонлари 3 миллиарддан ортиқроқ одамларни биринчи медицина ёрдами билан таъминлайди.
- Кейинги ярим асрда балиқ тутиш қарийб беш баробар ошди, жаҳон океанидаги балиқчилик билан шуғулланадиган районларнинг қарийб 70 фоизи ёки батамом ишдан чиқди, ёки улардан ҳаддан ташқари кўп фойдаланилмоқда.
- Ҳозирги пайтда жаҳон океанидаги рифларнинг ярмидан кўпроғи хавф-хатар остидадир.



Биологик рангбаранглик

“Экологик барқарорлик, бу - ҳар бир кишига тааллуқли бўлган муаммо... Бизнинг мақсад - ҳозирги авлоднинг иқтисодий эҳтиёжини қондириш учун, сайёраemiz қобилиятларини хавф остига қўймаган ҳолда келгуси авлодлар эҳтиёжларини қондиришдан иборат бўлиши керак.”

Бош котиб Кофи Аннанинг “Мингйиллик маърузаси”дан

— Биологик рангбаранглик ҳаёт асоси

Биологик рангбаранглик ёки биорангбаранглик - ердаги, шунингдек, табиий тизимдаги, табиат томонидан яратилган тирикликни барча турларининг хилма-хиллигини билдиради. Биз бугун кузатаётган биорангбаранглик, бу - табиий жараёнлар таъсири ва тобора ўсиб бораётган инсон таъсири остидаги миллиардлаб йиллик эволюциянинг натижасидир. У - биз ҳам ажралмас қисми ҳисобланган ва унга биз ҳам тўла-тўқис қарам бўлган ҳаётнинг ўша мураккаб тўқималарини шакллантиради.

Кўпинча биорангбаранглик атамаси остида ўсимликлар, ҳайвонлар ва микроорганизмларнинг ғоят кенг кўламдаги турлари англашилади. Бугунги кунда 1,75 миллион тур аниқланган ва уларнинг кўпчилиги - ҳашоротлардир. Тахмин қилинаётган турлар сони 3 миллион билан 100 миллион ўртасида айланаётган бўлса-да, олимлар, аслида 13 миллион тур бор, деб ҳисоблайдилар. Шунингдек, биорангбаранглик тушунчаси турлар ўртасидаги, масалан, ўсимликлар турлари ҳамда ҳайвонлар зотлари ўртасидаги генетик фарқларни ҳам англади. Саҳроларда, ўрмонларда, зах ҳудудларда, тоғларда, кўлларда, дарёларда ва қишлоқ хўжалик экинзорларидаги экотизимнинг рангбаранглиги яна бир жабҳа ҳисобланади. Улар, атроф муҳит билан биргаликда, Ерни инсоннинг ноёб маконига айлантирган, ҳаётнинг турли-туман шакллари ва уларнинг бир-бирлари ўртасидаги ўзаро таъсирнинг ўша муштараклиги ифодасидир.

— Биз ердаги ҳаётни ўзгартириб юбормоқдамиз

Биорангбарангликни сақлаб қолиш, бизнинг учун зарур. Табиат туфайли қишлоқ хўжалиги, косметика, фармацевтика ва қоғоз тайёрлаш саноати, боғдорчилик, қурилиш ва чиқиндиларни қайта ишлаш сингари соҳалар мавжуд. Биорангбарангликнинг камайиши бизнинг озиқ-овқат захираларимизга, дам олиш ва туризм имкониятларига, шунингдек, ёғоч, дори-дармонлар ва энергия манбаларига хавф-хатар туғдиради. Шу каби, бундай ҳолат энг муҳим экологик функцияларга ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Бир ўйлаб кўрингчи, экотизим биз учун қандай товарлар ва хизматлар рангбаранглигини таъмин этиши мумкин:

- Озиқ-овқат маҳсулотлари, ёқилғи, тола ва қурилиш материаллари;
- Ҳаво ва сувни тозалаш, шунингдек, чиқиндиларни зарарсизлантириш ҳамда ажратиш;
- Ер иқлимини барқарорлаштириш ва тартибга солиш;
- Сув тошқинлари, қурғоқчилик, тасодиқий, экстремал иссиқ-совуқларни шамол кучини тартибга солиш;
- Тупроқ унумдорлигини, жумладан, озиқ моддалар айланишини ташкил этиш ва тиклаш;
- Ўсимликларни, жумладан, қишлоқ хўжалиги экинларини чанглаш; ўсимликлар зараркунандалари ва касалликларига қарши кураш;
- Қишлоқ хўжалиги экинларининг турлари ва жониворларининг зотлари хилма-хиллигидаги муҳим ҳисса сифатида генетик захираларни, шунингдек, медицина дори-дармонларини барқарор этиш;
- Маданий ва эстетик завқ олиш.

Шубҳасиз, пандалар, йўлбарслар, филлар, каркидонлар, китлар сингари ноёб жониворлар ва турли-туман қушларнинг йўқолиб бораётгани, ўрмонлар, ботқоқликлар, маржон қоялари ва бошқа экотизимларнинг нураб, таназзулга юз тутиб ва тўғридан-тўғри йўқолиб бориши билан биологик рангбарангликка хавф-хатар солинаётганлиги бизнинг эътиборимизни ўзига тартади.

Бизнинг маданий тафаккуримиз ўзимизнинг биологик муҳитимизга чуқур сингиб кетган. Ўсимликлар ва ҳайвонлар бизнинг оламимиз тимсоллари ҳисобланади, улар байроқларда, ҳайкалларда ва бошқа тасвирларда ўз аксларини топганлар, биз, ўзимизни улар ёрдамида тасавур этамиз. Табиатнинг гўзаллиги ва қудрати биз учун битмас-туганмас илҳом манбаи.

Аслда ўсимлик ва жониворлар турларининг қисқариб бориши ҳар доим табиий ҳолат бўлсада, инсонлар фаолияти оқибатида уларнинг йўқола бориш жараёни кескин тезлашди. 65 миллион йиллар илгариги динозаврлар йўқотилган даврлардан буён, биз ўз қўлимиз билан улкан табиий катстрофа яратмоқдамиз. Турларнинг йўқола бориши - ортга қайтариб бўлмайдиган ҳодисадир, шундай экан, озиқ овқат учун ишлатиладиган ўсимликлар, дори-дармонлар ва бошқа биологик ашёларга қарамлигимизни эътиборга олганда, бу билан биз ҳаётимизга, келажагимизга катта хавф-хатар яратмоқдамиз.

— Харакатлар тўғрисидаги келишув

Атроф мухит муҳофазаси борасидаги ташвиш-хавотирлар бутун тарихда бир қизил ип каби ўтган бўлсада, экологик таназзул, турлар ва экотизимларнинг йўқолиб бораётгани тўғрисидаги хайқириқ халқаро саъй-харакатларни фақатгина ўтган юзйилликнинг 70-йилларидан бошлаб жипслашишга олиб келди. 1972 йилда Стокгольм шаҳрида ўтган БМТнинг Атроф мухит борасидаги конференцияси БМТнинг Атроф мухит бўйича дастурини (ЮНЕП) тузиш билан тугалланди. Кейинги йилларда давлатлар, кўпинча ЮНЕП раҳбарлигидаги зах худудларни ва кўчиб юрувчи турларни муҳофаза этиш, шунингдек, йўқолиб кетиш хавфи остида қолган турлар билан халқаро савдо қилишни тартибга солиш сингари аниқ масалалар бўйича қатор минтақавий ва халқаро битимлар имзоладилар.

Орадан 20 йил ўтгач, 1992 йилда Бразилиянинг пойтахти Рио-де-Жанейродаги БМТнинг Атроф мухитни муҳофаза этиш ва тараққиёт борасидаги конференциясида жаҳон раҳбарларининг тарихда энг йирик учрашуви бўлди. “Ер саммити”да битимларнинг тарихий пакети, жумладан, иккита мажбурий келишув: карбонат ангидрид сингари саноат ва бошқа парник газлари ажралиб чиқишининг келгусидаги чегараларини белгилаб берган Иқлим ўзгаришлари тўғрисидаги конвенция ва биологик рангбарангликни сақлаб қолиш ва ундан барқарор фойдаланиш бўйича биринчи халқаро битим - Биологик рангбаранглик тўғрисидаги конвенция имзоланди. Шартномани Риодаги Конференцияда 150 дан ортиқ мамлакат имзолади, ҳозирга қадар уни 175 мамлакат ратификация қилди.


Конвенция қуйидаги учта асосий мақсадни белгилаб беради:

- Биорангбарангликни сақлаш;
- Биорангбарангликнинг таркибий қисмларидан барқарор фойдаланиш;
- Генетик ресурслардан савдо-сотик ва бошқа соҳаларда фойдаланишдан пайдо бўлган фойдани адолатли ва тенг тақсимлаш.

Конвенция тарихда биринчи бўлиб, биологик рангбарангликни сақлаб қолиш “инсониятнинг умумий вазифаси” ва тараққиёт жараёнининг таркибий қисми эканини тан олади. Шунингдек, у ҳам технологиялар ишлаб чиқиш ва алмашлаш, улардан келадиган фойдани тақсимлаш ҳамда биологик хавфсизликқа дахл қилган ҳолда кенгайиб бораётган биотехнология соҳасини тез қамраб олмақда. Конвенция, шунингдек, биорангбарангликни бирмунча қисқариш ёки йўқолиш хавфи мавжуд бўлган жойларда эҳтиёткорлик тамойилларига асосланган қарорлар, ориентирлар қабул қилаётган шахслар олдига, шу хавф-хатарни бартараф этиш ёки камайтириш бўйича тадбирларнинг қолдирилиши учун тўлиқ илмий аниқликни йўқлигидан сабаб сифатида фойдаланилмаслик зарурлигини шарт қилиб қўйди.

Конвенцияда кўплаб масалалар, жумладан, қуйидагилар кўриб чиқилади:

- Биологик рангбарангликни сақлаб қолиш ва ундан барқарор фойдаланиш тадбирлари ва омиллари;
- Генетик ресурслардан тартибли ҳолда фойдаланиш;
- Технологиялардан баҳраманд бўлиш ва уларни алмашлаш, жумладан, биотехнологиялардан баҳраманд бўлиш;
- Техник ва илмий ҳамкорлик;
- Таъсирнинг даражасини баҳолаш;
- Таълим ва жамоатчилик тушунчасини кенгайтириш;
- Молиявий ресурсларни тақдим этиш;
- Шартнома бўйича мажбуриятни бажарилиши тўғрисидаги миллий ҳисоботни тақдим этиш.



— Миллий ҳаракатлар

Халқаро шартнома ҳисобланган Биологик рангбаранглик бўйича конвенция умумий муаммоларни белгилайди, асосий мақсадларни, сиёсатни ва умумий мажбуриятларни аниқлаб беради ва техник ҳамда молиявий ҳамкорликни ташкил этади. Бироқ унинг асл мақсадларига эришиш учун жавобгарлик, асосан давлатларнинг ўзларини зиммаларига тушади. Биорангбарангликка салбий таъсир этаётган ҳаракатларнинг катта қисмини миллий даражадаги хусусий компаниялар, ер эгалари, балиқчилар ва фермерлар содир этмоқдалар. Ҳукуматлар, айниқса, улар ер ва сув ресурслари устидан бевосита назоратга эга бўлган жойларда табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солувчи қоидалар ўрнатишлари ва биорангбарангликни ҳимоя этишлари билан раҳбарликдаги ҳал этувчи ролни таъмин этишлари керак.

Конвенцияга мувофиқ ҳукуматлар биорангбарангликни сақлаб қолиш бўйича миллий стратегияни ва ҳаракат режаларини ишлаб чиқишлари лозим ва уларга атроф муҳит муҳофазаси ва тараққиётнинг янада кенгроқ миллий режаларини киритишлари зарур. Бу айниқса, ўрмончилик, кишлоқ хўжалиги, балиқчилик, энергетика, транспорт ва шаҳарни режалаштириш сингари секторлар учун айниқса, муҳимдир.

Шартнома бўйича бошқа мажбуриятларга қуйидагилар кирди:

- Барқарор асосда сақлаб қолиш ва ундан фойдаланиш зарур бўлган биорангбарангликнинг муҳим таркибий қисмлари таърифи ва мониторинги;
- Айни пайтда атроф муҳит учун хавфсиз, ёндош районларда тараққиётга кўмаклашиш билан, биорангбарангликни сақлаб қолиш бўйича қўриқланадиган ҳудудлар ташкил этиш;
- Таназзулга юз тутган экотизимларни тиклаш ва ката ташкил этиш ҳамда маҳаллий аҳоли билан ҳамкорликда йўқолиб бораётган турлар сонини кўпайтириш;
- Туб халқлар ва маҳаллий ҳамжамиятлар иштирокида биологик рангбарангликдан барқарор фойдаланиш тўғрисидаги анъанавий билимларни хурматлаш, сақлаб қолиш ва қўллаб-қувватлаш;
- Экотизмга, яшаш жойларига ва турларга хавф туғдирадиган бегона турларнинг кўпайишини олдини олиш; улар устидан назорат қилиш ва уларни йўқотиш;
- Биотехнология ёрдамида ҳосил қилинган, яратилган организмлар туғдирадиган хавф-хатарни назорат этиш;
- Бу ишдаги аҳолининг иштирокини кенгайтириш, уларни ўқитиш ва жамоатчиликнинг биологик рангбарангликнинг аҳамияти ва уни сақлаб қолишнинг зарурлиги борасидаги тушунчаларини юқори савияга кўтариш;
- Ҳар бир мамлакат томонидан биорангбаранглик мақсад-вазифаларига эришиш тўғрисидаги ҳисоботларнинг тузилиши.

— Чоралар қабул қилиб...

Ҳар бир мамлакат биорангбарангликни ҳар хил йўллار билан сақлаши мумкин. Генлар, турлар, экотизим ва уларнинг табиий муҳитини, масалан, қўриқланадиган ҳудуд ташкил этиш, таназзулга юз тутган экотизимларни тиклаш ва йўқолиб кетиш хавфи остида қолган туларни муҳофаза қилишга хизмат қилувчи қонунчилик актлари ишлаб чиқиш йўллари билан асраб қолишга йўналтирилган “жойлардаги” муҳофаза - биорангбарангликни сақлаб қолишнинг асосий усуллари ҳисобланади. “Зонадан ташқарида”ги муҳофаза ҳайвонот боғлари, ботаника боғлари ва ген банкларидан фойдаланишни кўзда тутати. Биорангбарангликни сақлаш ва ундан барқарор фойдаланиш мақсадлари интеграцияси бўйича мамлакатлар даражасида қўллаб ташаббуслар мавжуд:

- 1994 йилда Уганда дастур қабул қилди, унинг доирасидаги ёввойи кўрикхоналар ўз даромадларининг бир қисмини маҳаллий аҳоли билан бўлишди. Эндиликда бундай тадбир бир неча Африка мамлакатларида қўлланилмоқда.
- 1996 йилда Коста-Рикада қабул қилинган Ўрмон хўжалиги тўғрисидаги қонунга ўз ерларидаги ўрмонларни сақлаб қолаётган ва кўпайтираётган хусусий ер эгалари ва ўрмон хўжалигининг бошқарувчиларига бадал тўлаш тўғрисидаги қоида киритилган.
- “Фермерларнинг дала мактаблари” баъзи Осиё мамлакатларидаги ўзларининг хафталик машғулотида гуруч етиштириш амалиётини яхшилаш мақсадида уларнинг тропик гуруч экотизими, жумладан, гуруч экинзорлари зараркунандалари ва уларнинг табиий душманлари ўртасидаги ўзаро таъсир, шолиторларда балиқлар урчитиш ва гуруч етиштириш тўғрисидаги маълумотларини бойитдилар. Натижада шолити парваришlashда пестицидларни энг кам миқдорларда қўллаган ҳолда гуруч ҳосилдорлигини кўтаришга эришилди.
- Канаданинг Ванкувер оролларидаги ғарбий қирғоғидаги “Клэйокот Саунд” ўз таркибига ўрмон, денгиз ва қирғоқ экотизими мужассамлаштиради. Ҳозир у ерда ўрмон ва дарё ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш мақсадида туб аҳолини жалб этиш билан, маҳаллий даражада экотизимини нуқтаи назаридан ёндошувни амалга ошириш учун мослаштирилган бошқарув тизими ишлаб чиқилмоқда.

Конвенцияни амалга оширишдаги муваффақият дунёнинг барча мамлакатларининг биргаликдаги сазй-харакатларига боғлиқ. Конвенцияни амалга ошириш учун жавобгарлик алоҳида давлатлар зиммасида ва унинг бажарилиши маълум даражада хабардор этилганлик манфаатдорлигига ва бошқа давлатлар ҳамда жамоатчилик фикри томонидан кўрсатиладиган босимга боғлиқ. Конвенциянинг Монреалда жойлашган котибияти мунтазам равишда бутунжаҳон ва минтақавий учрашувлар ўтказиб туради. Бу учрашувларда ҳукуматлар, ноҳукумат ташкилотлари, илмий ва академик доиралар, хусусий сектор ва бошқа манфаатдор гуруҳлар ҳамда шахслар гоёлари билан ўртоқлашадилар ва ўзларининг стратегияларини қиёслаб кўрадилар.

■ Генетик ресурслардан фойдаланиш натижаларини тақсимлаш

Биорангбаранглик муаммосини муҳокама этишнинг муҳим таркибий қисми тижорат ҳамда фармацевтик маҳсулот сингари генетик материалдан бошқа жойларда фойдаланишлардан, шунингдек, уларни тақсимлашдан тушган фойдадан баҳраманд бўлиш ҳисобланади. Шартнома ҳар қандай мамлакатни унинг генетик ресурслари устидан суверенитетини тан олади ва кўрсатиб берадики, қимматбаҳо биологик ресурслардан баҳраманд бўлиш “ўзаро келишилган шартлар асосида” ва келиб чиққан мамлакатларни “илгаридан хабардорлиги, розилиги” шароитда амалга оширилиши керак. Агар бирор бир микроорганизм, ўсимлик ёки жонивор тижорат учун ишлатилса, унинг келиб чиққан мамлакати нақд пул ёки тўпланган турлар кўринишида ёхуд миллий тадқиқотчиларни ўқитиш, иштирок эттириш, ноу-хау ва биотехнологик жиҳозларни бериш ҳамда даромаднинг бир қисмини олиш ҳуқуқига эга. Мазкур концепцияни ҳаётга татбиқ этиш бўйича ишлар бошлаб юборилди ва аллақачон фойдани тақсимлаш тўғрисидаги келишувларнинг намуналари пайдо бўлди:

- 1995 йилда Филлиппин тадқиқотчи-биологлардан ҳукумат ва маҳаллий аҳолининг “дастлабки розилиги”ни олишни талаб этди.
- Коста-Рика биорангбаранглик институти йирик фармацевтика компанияси билан тижорат учун фойдаланилаётган биологик материалдан маблағ олиш ва фойдани бўлишиш борасида тарихий биологик тадқиқотлар тўғрисидаги тарихий битимни имзолади.

■ Биологик хавфсизлик тўғрисида протокол

Илк қишлоқ хўжалиги ҳайвонини қўлга ўргатилган ва биринчи ўсимлик парваришлай бошланган даврларидан кейин биз селекция ва четдан уруғлантириш йўллари билан уларнинг генетик кифёларини ўзгартириб юбордик. Натижада қишлоқ хўжалиги самарадорлигини оширишга ва одамлар озиқ-овқатларини яхшилашга муваффақ бўлдик.

Биотехнология ютуқлари кейинги йилларда бизга бир турдаги генларни бошқасига ўтказиш ёрдамида турлар ўртасидаги тўсиқни олиб ташлашга ёрдам берди. Эндиликда бизда уларни музлаб қолишдан химоя этиш мақсадида ўзгартирилган помидорлар, қулупнайлар сингари трансгенетик ўсимликлар бор. Картошка ва маккажўхорининг баъзи навларига ўз инсектицидларини ўзлари ишлаб чиқишларига ёрдам берадиган бактериялар генлари киритилган. Бошқа ўсимликлар эса шундай ўзгартирилганки, улар бегона ўтларга қарши қўлланиладиган гербицидларга чидай оладилар. Модификация қилинган, яъни ўзгартирилган тирик организмлар маҳсулотлар, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари ва овқатларга ишлатиладиган қўшимчалар, ичимликлар, дори-дармонлар, елимлар ва ёкилғиларнинг таркибига яна ҳам кўпроқ қўшилмоқда. Қишлоқ хўжалиги ва фармацевтиканинг модификация қилинган тирик организмлари тезда саноатнинг миллиардлаб фойда олиб келадиган бутунжаҳон тармоғига айланди.

Биотехнология ўсимликлар ўстириш ва дори-дармонлар ишлаб чиқаришнинг энг яхши усули сифатида тарғиб-ташвиқ этилади, бироқ у одамларнинг саломатлиги ва атроф муҳитга бериши мумкин бўлган қўшимча эффект борасида ташвиш-хавотир билдиради. Баъзи мамлакатларда генетик ўзгартирилган озиқ-овқатлар ҳеч қандай баҳс-мунозарасиз сотилиб турган бир пайтда, айниқса, унинг генетик ўзгартирилганидан харидорлар огоҳлантирилмасдан сотилаётганида, бошқа мамлакатларда улардан фойдаланишга қарши оғзаки норозиликлар билдирилди.

Жамоатчиликнинг бу хавотирига жавобан ҳукуматлар Конвенцияга трансчегаравий савдода яширин хавф-хатарлар ва модификация қилинган тирик организмларни тасодифий тақдим этилиши тўғрисида қўшимча битим ишлаб чиқдилар. 2000 йилнинг январида қабул этилган Биологик хавфсизлик тўғрисидаги Карфаген протоколи давлатларга, айни пайтнинг ўзида модификация қилинган тирик организмлар ва улардан фойдаланиш тажрибаси бўйича ахборотлар алмашилишни осонлаштириш учун таъсис этилган механизм - Биологик хавфсизлик бўйича ҳисоб-китоб палатаси орқали жаҳон ҳамжамиятига ўз қарори ҳақида хабар берган ҳолда, улар таркибида модификация қилинган тирик организмлар бўлган импорт қишлоқ хўжалик товарларини қабул қилишни хоҳлаш-хоҳламасликларидан хабардор бўлишларига имкон беради. Бунга қўшимча сифатида, модификация қилинган тирик организмлари бўлган товарларда, улар экспорт қилинганда, албатта, тегишли ёрликлари бўлиши керак.

Экспорт қилувчилар ҳам атроф муҳитга киритишга мўлжалланаётган уруғлар, тирик балиқлар ва бошқа модификация қилинган тирик организмларни етказиб беришдан илгари импорт қилинаётган мамлакатларнинг ҳар бирига аниқ маълумотлар тақдим этиши керак, фақат шундан кейингина импорт қилувчи етказиб беришга рухсат этиши керак. Ушбу механизмнинг мақсади - ҳозирги замон биотехнология маҳсулотларига хос бўлган хавф-хатарни баҳолаш учун уларни қабул қилиб олувчи мамлакатларга имконият ва лаёқат беришидир. Протокол, уни 50 мамлакат ратификация қилганидан сўнг кучга киради.

Бош котиб Кофи Аннан биотехнология ва биоинженериянинг қўлланиш қўлами ўсиб бораётгани билан боғлиқ хавф-хатар ва имкониятлар борасидаги шу масалалар ва бошқа чалкаш муаммоларни ҳал этиш учун юксак даражада глобал сиёсат тармоғи ташкил этишни тақлиф қилди.

— Болалар нималар қилиши мумкин?

Қоғоз Йўлбарс:

Ҳиндистонлик 13 яшар қизалоқ томошани ижро этади, унинг ёрдамида атроф муҳитни муҳофаза этишни тарғиб ва ташвиқ қилади. Қизча бу томошани 1700 марта ижро этди. Томоша шундан иборатки, қизалоқ қоғозни ейди ва оғзидан қайта ишланган қоғознинг чек-чекгарасиз ўрамларини тортиб олади. Шу билан биргаликда у чувалчангларни тарғиб этади. Ҳа-ха, чувалчангларни! Қизалоқ чувалчангларни компост қилиб қайта ишлаш учун тақдим этилган ахлат солинган банкага ташлайди. Бир неча кундан сўнг ахлат қимматбаҳо ўғитга айланади. Бу ҳолни бир ўқ билан икки куёни уриш деб баҳолаш мумкин, яъни бу ҳолда бир пайтнинг ўзида ҳам ахлат қайта ишланади, ҳам ўғит ишлаб чиқилади.

Синфдаги тадбир:

Уммон султонлигидаги табиатни муҳофаза қилиш борасида иш олиб бораётган “кўк нўхотчалар” деган маҳаллий ёшлар гуруҳи шу қадар жонсарақлик билан ишлайдиларки, ҳатто бу болаларнинг ўқиш учун қачон вақт топишларига ҳайрон, бўлиб қоласиз. “Биз дарсдан сўнг ташкилотларга фильмларни сотиш ва уларни кўрсатишдан пул ишлаймиз”, - дейди 17 ёшли Ҳасан ал Солиҳ. Бу пулнинг ҳар бир акри тропик ўрмон сотиб олишга сарф этилади. Ўрмонда йўқолиш хавфи остида қолган жониворлар кўчириб келтирилади. “Кўк нўхотчалар” йилига икки марта пляжларда тозалаш ишлари ўтказадилар. “Мактабда ва ундан ташқарида бу муаммоларни жамоатчилик яна ҳам англаб етишлари учун биз кўп ишлар қилдик. Агар сиз билан ҳам биргаликда ишлайдиган бўлсак, у ҳолда бутун оламни гулистонга айлантириб юбориш мумкин.”

Болалар рифларни муҳофаза этади:

Бутун Филиппиндаги 40 аквалангчи Маниланинг жанубида жойлашган Батангасда рифларни тозалаш дастурини ташкил этдилар. “Болалар рифларни муҳофаза этади” дастури қирғоқлардаги ахлатларни тозалаш лойиҳасига ёшларнинг эътиборини жалб қилдилар. Ушбу дастур одамларнинг Филиппин рифларининг қанчалик нозик эканлигини тушуниб етишларига ёрдам берди. Маржонларнинг маълум бўлган 500 туридан 400 таси Филиппинда бор. Бу ҳол мазкур муаммо билан шуғулланиш учун 400 хил ташвишни енгиб ўтишни тақозо этади!

“Экспресс” сайёраси:

19 ёшли шотланд қизи Эми Сондерс Интернетда ёшлар учун глобал муаммолар бўйича сайт ишлаб чиқади. “Экспресс” сайёраси, бу - бутун жаҳондан йиғиладиган олимлар ғоялар билан ўртоқлашишга ва қандайдир ижобий ташаббусларни бошлаш учун учрашишлари мумкин бўлган жойдир”, - дейди Эми. - “У ёшларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли ва улар учун яратилгандир. Бизга ёш муаллифлар, дизайнчилар, жамоатчилик билан ишлайдиган мутахассислар ва координаторлар керак”.

“Энерго-рейнжерлар”:

Гамбиянинг Ессау шаҳридаги бошланғич мактабда 13-14 ёшдаги болаларнинг эски батареяларни йиғадиган ва уларни хавфсиз жойга тахлаб қўядиган гуруҳи бор. “Биз, қараб турсак, одамлар батареяларни дуч келган жойга улоқтириб юбормоқдалар”, - дейди уларнинг бири. “Улар саломатлик учун қандай хавф-хатар келтиришини ёшлар билмайдилар. Биз, районимиздаги бошқа мактабларни ҳам жалб этиб, бу лойиҳани кенгайтираемиз.”

**ЮНЕП ва Бирлашган Қиролликдаги Иванс
Бразерс Лимитедга қарашли “Пачамама”
нашридан мослаштириб олинди, 2000**

— Экотизимнинг баҳоси бўйича янги ташаббус

Кейинги йилларда биз инсоннинг ҳаёти том маънода унга боғлиқ бўлган табиий экотизим хавф остида қолаётганини янада чуқурроқ хис эта бормоқдамиз. Бироқ биз бу зарар ёки сабабларнинг аниқ кўламларини ҳалигача аниқ билмаймиз. Бош котиб Кофи Аннан ўзининг “Мингйиллик маърузаси”да беш асосий экотизимнинг: ўрмонлар, чучук сув захиралари, яйловлар, қирғоқ бўйлари ва қишлоқ хўжалигининг ҳолатини ҳақиқий, комплекс глобал баҳолаш зарурлигини таъкидлаган эди.

Такдим этилган “Экотизимнинг мингйиллик остонасидаги баҳоси” худди шундай экспертиза ўтказиш учун йўналтирилган.

Бутунжаҳон ресурслар институти, Бутунжаҳон банки, БМТ Тараққиёт дастури ва БМТнинг атроф муҳитни муҳофаза этиш бўйича дастурларининг ташаббуси ҳисобланган мазкур баҳо мавжуд маълумот мнбаларини ягона қилиб бирлаштиради ва етишмаётган билимлар ўрнини тўлдирадиган янги тадқиқотлар ўтказишга ёрдам беради.

Бош котиб БМТга аъзо давлатларнинг барчасини “Экотизимнинг мингйиллик остонасидаги баҳоси” учун зарур молиявий қўллаб-қувватланишини таъминлаш учун кўмаклашишга ва уни ўтказишда фаол ёрдамлашишга чақирди. Тадқиқот ишлари ривожланган мамлакатлар ҳукуматларига ҳам, ривожланаётган мамлакатлар ҳукуматларига ҳам фойдали бўлади. Бу ҳол хусусий секторга ҳам фойдали ҳисобланади, чунки улар янада ошқора прогнозлашдан фойдаланишлари мумкин. Бундан ташқари Баҳо фуқаролик жамиятини, корпорация ва ҳукуматларни, уларнинг атроф муҳит муҳофазаси бўйича мажбуриятларини бажаришга масъулликни бўйниларига олишга чақириш учун зарур ахборот билан таъминлайди.

— Муштарак саъй-ҳаракатлар

Ушбу жараёнда ҳукуматлар раҳбарлик ролини ўйнашга чақирилган айни пайтда жамиятнинг бошқа қатламлари ҳам шунингдек, фаол иштирок этишлари зарур. Пировардида, фақат танлаш ва миллиардлаб одамларнинг ҳаракатлари биорангбарангликни сақлаб қолиш ва ундан барқарор фойдаланиш имкониятларини белгилаб беради.

Дунё ишларида экономикага етакчи рол бериб қўйилган даврда ишбилармон доираларнинг атроф муҳит муҳофазаси ва табиат ресурсларидан барқарор фойдаланишда ихтиёрий равишда иштирок этишлари илгариги ҳар қандай даврдагидан ҳам муҳимроқдир. Бахтимизга, борган сари кўпроқ компаниялар, атроф муҳитга кўрсатилаётган таъсир қискартириладиётган айни пайтда, бу билан ўз ишбилармон ҳамкорлари, хизматчилари ва истеъмолчиларида, мазкур масалада яхши ниятлар уйғотиш билан фойда олиш йўллари топяптилар.

Энг муҳим ролини маҳаллий ҳамжамиятлар ўйнамоқдалар, чунки худди шулар ўзлари яшаётган экотизимнинг ҳақиқий “бошқарувчилари” ҳисобланадилар. Кейинги йилларда кўплаб лойиҳалар ишлаб чиқилди, маҳаллий ва туб халқлар ҳамжамиятлари улар доирасида биорангбарангликни барқарор бошқаришда иштирок этмоқдалар.

Нихоят, биорангбаранглик масалалари бўйича қарорлар қабул этишда ҳар бир кишининг ўзи энг юқори босқич ҳисобланади. Инсон фаолиятига боғлиқ бўлган, табиатдан фойдаланадиган ва уни ифлослантирадиган ўша ҳар кунлик танлов, шунингдек, айникса шахсий эҳтиёжлар тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. Ҳатто оддий одамлар ҳам ўзи сотиб олаётган ашёларини синчковлик билан танлаш ва ўз ҳукуматининг муайян ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш билан дунёни барқарор тараққиёт сари юз буришига кўмаклашиши мумкин. Ҳукуматлар, компаниялар ва бошқалар аҳолини хабардор этиш, охир-оқибатда, жумладан, энг бош ролни ўйнайдиган, биз кунига миллион марта такрорлайдиган ҳар биримизнинг шахсий танловимиз учун жавоб берадилар.

Амалиётда бизнинг ҳар биримиз куйидаги тадбирларда иштирок этишимиз мумкин:

1. Ўсимликларнинг маҳаллий турларидан фойдаланиб мактаб ҳовлилари ва боғларни кўкаламзорлаштириш;
2. Ташландиқ ҳолда ётган ҳовлилар ва жамоатчилик боғларини қайта тиклаш ёки маҳаллий паркларни оталиққа олиш;
3. Бир-бирларингизни ҳайвонлар ва ўсимликларнинг маҳаллий турларидан хабардор қилиш;
4. Ёввойи ҳайвонлар ва ўсимликларни муҳофаза этиш бўйича ташкилот тузиш ёки мавжуд ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб бориш.

■ Навбатдаги қадамлар

Иқтисодий тараққиёт инсонлар эҳтиёжларини қондириш ва дунёда жуда кўплаб одамларни қийноққа солиб турган камбағалликни бартараф этиш учун зарурдир. XXI юзйилликнинг даъвати - тараққиёт сиёсатида, бизнесда қарорлар қабул этиш ва истеъмолчиларнинг хоҳиш-истакларини биорангбарангликдан барқарор фойдаланишнинг ҳаракатлантирувчи моҳиятига айлантиришдан иборатдир.

Конвенция ўзининг қарийб универсал аъзолиги, комплекс, илмий асосланган мандати, миллий лойиҳаларни халқаро молиявий қўллаб-қувватлашлари, бутунжаҳон даражасидаги илмий ва технологик маслаҳатлашуви ва ҳукуматларнинг сиёсий иштироклари туфайли барқарор тараққиёт йўлида яхши ютуқларга эришди. У илк бор ҳукуматлар, хусусий сектор, атроф муҳит бўйича мутахассислар, туб халқлар, маҳаллий ҳамжамият ва манфаатдор фуқаролар сингари турли хоҳиш-иродали одамларни ягона мақсад йўлида бирлаштира олди. Бироқ илгарида куйидаги сингари кўплаб муаммоларни ҳал этиш масаласи қўндаланг бўлиб турибди:

- Аҳолининг кўпайиши ва истеъмолнинг кенгайгани туфайли биологик ресурсларга ўсиб бораётган талаб-эҳтиёжларни қондириш;
- Бизнинг талаб-эҳтиёжларимиз даражасини ва биорангбарангликни англаб етишни, унинг кадриятлари ҳамда олдида турган хавф-хатарларни ҳужжатлар бўйича асослаб бериш;
- Биорангбарангликдан фойдаланишни тартибга солиш бўйича сиёсатни, қонунчиликни, асосий тамойилларни ва маблағларга оид чораларни такомиллаштириш;
- Биорангбарангликдан барқарор фойдаланишга ёрдам берадиган коидалар ҳамда савдо амалиётига кўмаклашиш;
- Биорангбарангликни сақлаб қолиш ва ундан барқарор фойдаланиш учун етарли даражада молиявий ресурслар билан таъминлаш;
- Технологиялардан янада оқилона фойдаланиш;
- Биорангбарангликни узоқ муддатларга сақлаб қолишни таъминлаш ва ундан барқарор фойдаланишга зарур ўзгартиришлар киритиш учун сиёсий ва жамоатчилик қўллаб-қувватлашларини ташкил этиш.

Биологик рангбаранглик бўйича конвенция ҳали “чақалок” бўлсада, ўзининг қулоқни батанг қилувчи “йиғи”си билан эътиборни тортди. Барқарор тараққиёт фалсафаси, экотизим бўйича ёндошув ва зўр бериб ҳамкорлик иттифоқлари ташкил этиш биорангбаранглик бўйича глобал ҳаракатни шакллантиришга ёрдам беради. Бир-бирлари билан фикрлашишга ёрдам берадиган ҳукуматлар тўплайдиган маълумотлар ва ҳисоботлар муаммоларни англаб етиш, уларнинг ечимини кидириб топиш борасидаги изланишлар учун барқарор асосни ташкил этади.

Илгариди амалга ошириш керак бўлган жуда-жуда кўп ишлар турибди. Бунинг устига, аҳолининг, айниқса, ривожланаётган мамлакатларда кескин кўпайиши кутилмоқда, истеъмоли килиш очик-ойдин геометрик прогрессия асосида ўса бошлади, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг турлари, шунингдек, экотизим яна муҳимроқ хавф-хатарлар билан юзма-юз келади. Агар, Конвенцияда мужассам этилган чора-тадбирларни амалга оширишга ва ғояларга ҳар бир киши амал қила олса, биорангбарангликни сақлаб қолиш ва ундан барқарор фойдаланишга устуворлик берилсагина биз барча келажак авлодлар учун инсоният ва табиат дунёси ўртасидаги янги ва барқарор ўзаро муносабатни таъмин этишимиз мумкин.

== **Ўқувчиларга тавсия этиладиган фаолият турлари**

1. Қуйидаги тадбирларни ўтказишда саъй-ҳаракатларни бошқалар билан бирлаштириш:
 - мактаб ҳовлиларни ва боғларни ўсимликларнинг маҳаллий турларидан фойдаланган ҳолда кўкаламзорлаштириш;
 - ташландиқ участкаларни жамоатчилик боғларига айлантириш; маҳаллий боғларни оталиққа олиш;
 - ҳайвонлар ва ўсимликларнинг маҳаллий турлари борасида бир-бирини хабардор қилиш;
 - ёввойи ҳайвонлар ва ўсимликларни муҳофаза этиш бўйича ташкилот тузиш ёки мавжуд ташкилотлар билан иш олиб бориш;
 - расмий дастур доирасида дарахт кўчатлари экиш;
 - маҳаллий инкубаторда икра олиш ва балиқчаларни мустақил тарзда қўйиб юборадиган бўлгунига қадар боқиш сингари, турларнинг хилма-хиллигини кенгайтириш бўйича лойиҳаларни тузиш;
 - консерва қутилари, шишалар ва қоғозларни қайта ишлаш;
 - сабзавотлар ва боғ чиқиндиларини қайта ишлаб ўғит олиш.

2. Ўзингизни экологик билимларингизни такомиллашуви учун атроф

муҳит муҳофазаси борасида қандай ишлар қилганингизни ёзиб боринг. Тушиб ётган қоғозни олиб кетасизми, чиқиндиларни қайта ишлаш учун берасизми, истеъмоли қилишни қисқартирасизми, энергияни тежайсизми, жамоатчилик транспортдан фойдаланасизми? Ушбу шартлар тўғрисида синфда сўзлаб беринг. Шу йўналишда синфда бирмунча қутилмаган, одатдагидан ўзгача, кўламли ва ижодий ҳаракатлар учун мусобақалар ўтказинг.

3. Маҳаллий ҳайвонот боғи ёки ботаника боғига боринг, ё бўлмаса улар биорангбарангликни сақлаш учун қандай ишлар қилаётганликлари тўғрисида суҳбатлашиш учун ходимларини синфга таклиф этинг.

4. “Тикланадиган, тикланмайдиган доимий ресурслар, кўп марта фойдаланиладиган ресурслар” терминларига таъриф беринг ва улар ўртасидаги фарқни тушунтиринг. Ўйин ўйнаш учун синфдаги болаларни тўрт гуруҳга бўлинг. (А) Ҳар бир командага 16 дона маккайи бодрок, конфет ёки ёнғоқ беринг. Бу команданинг ҳар тур ўйиндан кейин тўлдириладиган, қайта тикланувчи ресурслар захирасини акс эттиради. Ҳар бир ўқувчи команда захирасидан ўзига қанча керак бўлса, шунча олади, аммо бу ҳолда қуйидаги қоидаларга амал қилади: (1) Ўйин охирида ҳар бир команда аъзоси улар томонидан тўпланган бутун бодрокларни ейиши керак. (2) Ҳар ким бутун ўйин тури давомида ушлаб туриш учун ҳеч бўлмаганда бир дона олиши керак. (3) Ҳар бир раунд тугаганида ресурслар бошлангандагига нисбатан ярим ҳажмда тўлдирилади. (Б) Ҳар бир ўқувчи команда захирасидан қанча хоҳласа, шунча олади, аммо олганининг сонини ва командага қанча қолганини ёзиб қўйиши керак. (В) Захирани, ундан олиб кетилганининг ярми билан тўлдиринг. (Г) Ҳар бир раунддан сўнг

танаффус қилиб, уч-тўрт раунд ўйнанг. Танаффусда ўқувчилардан ким бардош бера олмаслигини аниқланг. Кейин ҳар бир команданинг захирасини юқорида айтилган миқдордаги бодрок билан тўлдилинг. (Д) Тўрт-беш раунд ўйналганидан сўнг, қандай ҳол юз бераётгани тўғрисида болалар фикр алмашиб кўришсин. Қайси командада ҳамма омон қолди? Ўқувчилардан қайси бирининг ҳаммадан кўп ортиқча захира бодроғи бор? Қайси командада бодрокнинг энг катта умумий захиралари тўпланган? Командаларнинг қайси бири бу ресурс қайта тикланар экан, улар абадул абад бодрок ея олишлари мумкин деб ўйлайди? Бу командаларнинг аъзолари ҳар бир раундда неча донадан бодрок олдилар? (Е) Ресурслардан барқарор ва беқарор фойдаланишнинг афзалликлари ва камчиликларини муҳокама этинг. Агар команда “аҳолиси” шу ўйин давомида ўсганларида қандай воқеалар содир бўлиши мумкин эди?

5. Қандайдир майдонга, боққа ёки мактаб ховлиси яқинидаги қайсидир жойга боринг ва унинг аниқ экотизимини диққат билан ўрганинг. Сиз бу ерда аниқлай олган ҳаёт шаклларини: ўсимликлар, кичик ва катта жониворлар ва инсон ҳаётидан гувоҳлик берувчи ашёларнинг барчасини ёзиб олинг. Бу жониворлар ва ўсимликларнинг яшашига қандай унсурлар ёрдам беради? Уларнинг қайсидир биттаси йўқолиб кетса қандай ҳол юз беради? Ўз кашфиётларингиз ва амалларингизнинг харитасини тузинг. Бу жойларни ўсимликлар ва ҳайвонларнинг яшаш жойлари тарикасида кадриятлар такдимотига тайёрланг.

6. “Ҳаёт тўқималари” деган тадбир. (А) Категориялар рўйхатини шундай тузингки, инсонга тааллуқли барча тирик, нотирик олам уларнинг биттасига тўғри келсин. (Масалан, ўсимликлар, жониворлар, минераллар, технологиялар, маданият, дин, санъат, ҳаяжон ва бошқалар). Рўйхатни ҳаммага кўринадиган жойга илиб қўйинг. (Б) Ўйин бошида бир копток ипни ўқувчиларнинг биттасига беринг ва қайсидир категориядан ниманидир айтишни сўранг (масалан, “ўсимликлар” категориясидан “гуллар” сингари). Ипнинг учини ушлаб олган ўқувчи коптокни бошқа, қайсидир категориядан ниманидир (масалан, “Санъат” категориясидан “картина”) айтиши ва уларнинг ўртасини нима боғлашини тушунтириши керак бўлган болага отади ёки унга қараб думалатиб юборади. Кейин ипни ушлаб туришда давом этиб коптокни иккинчи боланинг ҳаракатини такрорлайдиган учинчи ўқувчига ва бошқа ўқувчиларга берилади. Барча ўқувчилар ип билан боғланмагунларича ўйин давом этади. (В) Ер тизимининг қандайдир қисмига бевосита таъсир этган инсон фаолияти қандай қилиб бошқа кўплаб нарсаларга билвосита таъсир этишини муҳокама этинг. Мисол учун сувнинг ифлосланишини олинг ва ўқувчилардан қайси бири ифлосланиш салбий таъсир этадиган нарсани айта олиши мумкинлигини сўранг. Уларнинг биттасини (масалан, “ичимлик сув таъминоти” деб айтган болани) танланг. Ўша қизча ёки болача тегишли ипни тортиб, мазкур муаммо олиб келадиган қийинчиликларни тасвирлаб берсин. Бу ҳаракатлар бошқаларга қандай таъсир этиши мумкинлигини муҳокама этинг. (Г) Сиз ипни йиғиб олаётганда ўша оннинг ўзида, ипни қўйиб юбораётганда Ерни яшаш мумкин бўлган соғлом макон сифатида қолиши учун нималар қилиш мумкинлиги тўғрисида бирор нарса айтиб беришини сўранг. Барча ғояларни тўпланг, уларни битта рўйхатга бирлаштириб, ҳаётга татбиқ этинг.

-

== Баъзи манбалар

Интернетда:

www.unep.org
www.worldbank.org
www.undp.org
www.unesco.org
www.worldresources.org

Босилган материаллар:

“Ерда ҳаётни шакллантириш: биологик рангбаранглик бўйича конвенция табиатни муҳофаза этиш ва инсон фаровонлиги учун қандай ёрдам беради”; 2000, апрел, Биологик рангбаранглик бўйича конвенция котибияти; маълумотларни Интернетдан, қуйидаги адресдан топишингиз мумкин: www.biodiv.org/PubAware/pdf/CBD_ang.pdf.
Юқоридаги матннинг катта қисми шу сайтдан мослаштириб олинди. Шунингдек, у француз, испан, хитой тилларида “онлайн” режими учун ҳам яроқлидир.

“Атроф муҳит бўйича 2000 йил учун прогноз”; 1999, ЮНЕП ва Ертсқан нашри; www.unep.org/geo2000 дан топиш мумкин; босма тарзда француз ва испан тилларида мавжуд.

“Пачамама: бизнинг Ермиз - бизнинг келажагимиз”; 1999, ЮНЕП ва Иванс Бразерс Лимитед; қуйидаги адресдан топиш мумкин: www.unep.org/geo2000/pacha/index.htm.

“2000-2001 йиллардаги жаҳон ресурслари - одамлар ва экотизимлар: сийқалашган ҳаёт тўқималари”; сентябр 2000; ВИИ, ЮНЕП, БМТнинг Тараққиёт дастури ва Бутунжаҳон банки; қуйидаги адресдан топиш мумкин: www.wri.org/wr2000/index.html.

“Тадбирлар қабул этиб: атроф муҳит бўйича Сизга ва Сизнинг ҳамжамиятингизга йўл кўрсаткич”; 1995, ЮНЕП ва БМТнинг ноҳукумат ташкилотлари билан алоқа хизмати; адреси: www.nyو.unep.org/action.

(Ушбу қисм ЮНЕП томонидан тузилган)

Асосий статистик маълумотлар



- 2000 йилнинг июн ойидаги маълумотларга қараганда ОИТС келиб чиқишига сабаб бўладиган инфекцияси 34,3 миллион одамга юққан.
- Бутун жаҳон бўйича ОИТСдан 18,8 миллион одам жумладан, 3,8 миллион болалар ҳаётдан кўз юмдилар.
- Африкада Ер қурраси аҳолисининг атиги ўн фоизи истиқомат қилсада, ОИТС инфекциясини юқтирганларнинг 70 фоизи шу ердадир. Африка минтақасининг 16 мамлакатидаги аҳолининг 10 фоиздан ортиқроғи 15-49 ёшда ОИТС инфекциясини юқтирган.
- Эпидемия бошланган даврда 15 ёшдан кичик бўлган 13,2 миллион бола ОИТС туйфайли етим бўлиб қолдилар.
- ЮНЭЙДС/Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти берган энг сўнги баҳолашлар шуни кўрсатадики, 1999 йили 5,4 миллион одам ОИТС инфекциясини юқтирган.



“Жуда кўплаб мамлакатларда ОИТС борасидаги сукут сақлаш учун расмий тил бириктириш, ҳаётларини сақлаб қолиш мумкин бўлган одамларни ахборотдан маҳрум этмоқда. Биз ёшларга, уларнинг ушбу инфекцияга мойилликларини камайтириш учун, ўзларини ахборот ва олийжаноб ижтимоий муҳит ёрдамида ҳимоя этиш имкониятини беришимиз керак”.

**Бош котиб Кофи Аннанинг
“Мингйиллик маърузаси”дан**

— Сўз ёшларга

“Латвияда ёшлар сексуал ва репродуктив саломатлик тўғрисида аниқ ва тўлиқ ахборотга эга эмаслар. Бизнинг кўпчилигимиз секс ва ҳомиладорликни олдини олиш тўғрисида ҳеч нарса билмаймиз. Жуда кўплаб ёшлар жинсий йўллар орқали ўтадиган касалликлар ва ОИТСга чалинганлар. Мазкур муаммо Латвия ёшларининг келажагига салбий таъсир кўрсатади”.

(Томс. Латвия, 18 ёш)

“Африкада ота-оналар бу ҳақда гаплашишга уяладилар. Лекин улар барча далилларни тарози палласига қўя олишлари ва уларни секс тўғрисида гапириш кўпроқ уялтираяптими ёки болалари ОИТСдан қандай ҳалок бўлаётганини кўриб туришими, бунини ҳал этишлари керак.”

(Кениялик ўсмир қизалоқ)

“Одамлар сўзларимни жиддий қабул қилмаётгани мени талвасага солмоқда. Менинг ёш бўлишим, кўнглимда айтадиган ҳеч қандай дардим йўқлигини англатмайди. Шундай ҳуқуққа эга бўлишим керакки, мен нафақат дилимдагиларни тўкиб солишим, балки мени эшитишлари ҳам мумкин бўлсин.”

(Хуан, Перу, 17 ёш)

“Бизнинг ҳузуримизга мансабдор шахслар келса, асосан уларнинг ўзлари гапирадилар. Улар кўпроқ бизни тинглаганларида ва бизга мураккаб саволларимизни

беришга имкон яратганларида яхши бўлар эди. Нега катталар бизни ташвишга солаётган ҳолатларни тинглашга қулоқ тутмайдилар?

(Эфиопиялик йигит)

“ОИТСга янги чалинганларнинг 50 фоизи 15 дан 25 гача бўлган ёшлар гуруҳига тўғери келади. Агар биз ўзимизни келажак деб ҳисоблайдиган бўлсак, келажак, демак, йўқ, чунки биз ҳалок бўлмоқдамиз”.

(Замбиядаги ўсмир фаоллар томонидан нашр этиладиган ОИТС муаммолари борасидаги ойлик “Трендсеттерс” бюллетенининг бош муҳаррири - Мари ФИРИ)

— Муаммони аниқлаб олиш

ОИТС муаммоси тилга олинганида ёшларнинг бежиз жаҳллари чиқаётгани йўқ. Улар аҳолининг ОИТСга чалинишга энг мойил бўлган қатлами ҳисобланадилар. Чунки бутун жаҳон бўйича ҳар куни 8,5 минг болалар ва ёшлар бу касалликни юқтирмоқдалар.

ОИТС инфекцияси, асосан яқин муносабат натижасида, масалан, муҳофаза этилмаган секс (презервативсиз секс) ёки гиёҳванд моддалар қабул қилинаётганда кўпчилиكنинг битта игнадан фойдаланиши оқибатида тарқалиб кетмоқда. Бу касаллик, шунингдек, ОИТС инфекциясини юқтирган онадан хомиладорлик, туғиш ва эмизиш даврларида болага ўтиши мумкин. ОИТСни юқтирган одамда касалликнинг илк белгилари фақатгина ўн йилдан сўнг пайдо бўлиши мумкин. ОИТС, инсоннинг касалликка бардош бериш тизими ишдан чиққанидан кейин ва маҳаллий ҳамжамиятда тарқалган касалликларга осонгина берилиб кетаверганидан сўнг юзага чиқади. Чунки нафас олиш йўллари ёки тери касалликлари инфекцияси сингари белгилар бошқа касалликларнинг аломатлари сифатида қабул қилиниши мумкин ёхуд улар СПИДнинг кўзга кўринмас инфекциялари юққанидан кейин узок вақт ўтганидан сўнг пайдо бўлади. Мана шу ҳолат баъзиларга касалликнинг, нисбатан юз кўрсатмаётганига шубҳа қилиш учун имкон яратади. Аммо ОИТС вируслари жиддий хатардир. Ундан ҳамма химояланиши керак, чунки бундай хатар бизнинг ҳар биримизга хавф солиб турибди.

Мазкур касаллик вируслари юқиши эҳтимолини яратаётган ахлоқий омиллардан ташқари, шунингдек, аҳолининг ёшлар, ўзларини ўзлари укол қилувчи гиёҳвандлар, гомосексуалистлар ва қочоқлар сингари муайян қатламларини ОИТСга чалиниш хавфини кучайтирадиган иқтисодий ва ижтимоий омиллар мавжуд. Бу омилларга маълумотнинг ва маошнинг йўқлиги, ижтимоий ва иқтисодий ютуқлардан фойдаланиш имкониятларидан бебахра қилган маданий меъёр ва одатлар ҳам киради.

Агар биз ғоят катта кўламда таъсир кўрсатишни хоҳласак, ОИТС эпидемиясига икки ўлчамда - бихевиорал (ахлоқий) хатар ва ижтимоий-иқтисодий муҳит тарихида қараш ғоят муҳимдир.

— Урушдан ҳам мудҳиш

БМТ Бош қотиби Кофи Аннанинг сўзларига қараганда, “ОИТСнинг таъсири уруш вайронгарчиликларидан кам эмас, балки қайсидир маънода у урушдан ҳам кўпроқ жабр-жафолар келтириши мумкин”. Эпидемия энг кўп зарар келтирган минтақа - Сахрои Кабир жанубидаги Африка мамлакатларида ОИТС, асосан муҳофаза этилмаган секс оқибатида тарқалмоқда. ОИТСнинг кўлами Африка мамлакатларида шундай кенг қулоқ ёйдики, 2000 йилнинг январ ойида тарихда биринчи марта БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши ўз мажлисида ОИТСни тараққиёт муаммоси сифатида муҳокама этди.

Бу китъада ОИТС қутурмоқда: баъзи Африка мамлакатларида умр кечиришнинг ўртача

даражаси 15 йилга қисқарди; кўплаб одамлар меҳнат қобилиятларини йўқотдилар ва бу билан кўпгина компанияларнинг ишлаб чиқариш қудратини камайтирдилар; оилалар бузилди, кўпгина таълим олиш имкониятига ҳам эга бўлмаган бутун бир авлод етимлар ўзларига ўзлари ғамхўрлик қилишга мажбур бўлдилар.

- Баъзи Африка мамлакатларида ОИТС вируслари билан катта ёшдаги аҳолининг тўртдан бир қисмидан ортиқроғи зарарланган.
- ОИТС вируси минтақада урушдагидан кўра кўпроқ одамнинг ёстигини қуритди: 1998 йилда уруш оқибатида 200 минг африкалик қурбон бўлди, ОИТСдан эса 2 миллион киши ўлди.

ОИТС вирусларига чалиниш даражаси Осиёда Африкадагидек юқори эмас, лекин бу ердаги аҳвол ҳам катта ташвиш туғдирмоқда. Бу минтақада дунёнинг аҳоли сони энг кўп бўлган мамлакатлари - Хитой, Ҳиндистон ва Индонезия жойлашган. Бу жойдаги касалланишнинг даражаси шу билан фарқланадики, жуда катта сондаги одамлар шу вирус билан зарарланган ҳолда яшайдилар. Ҳиндистон, Камбоджа ва Мянмада аҳолининг ўзларини укол қиладиган гиёҳвандлар ва фоҳишалар сингари муайян гуруҳлари ўртасида эпидемия жуда жиддий даражага кўтарилди. Умуман олганда, масалани фақат аҳоли ўртасидаги касаллик кўрсаткичларигагина таяниб аниқлаш ҳам нотўғри бўлиши мумкин, чунки инфекциянинг тобора кўпроқ тарқалаётгани, бу - давр муаммосидир.

Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси мамлакатларида ОИТС эпидемияси турлича намоён бўлмоқда. Баъзи мамлакатлар, масалан, Кариб денгизи қирғоғида жойлашган Гондурас, Гватемала ва Белизда, шунингдек, Бразилияда ОИТС кўпроқ эркак билан аёл ўртасидаги жинсий алоқа натижасида тарқалапти. Аммо касаллик Коста-Рика ва Мексикада кўпроқ гиёҳвандлар ва гомосексуалистлар орасида авж олмақда. Шунга қарамай умид уйғотувчи ўзгаришлар кузатилмоқда. Масалан, 16-25 ёшдагилар тасодифий ҳамкорлар билан жинсий алоқаларнинг 87 фоизда презервативлардан фойдаланадилар. Аргентина, Бразилия ва Мексикада ОИТС вирусини юқтирганларнинг ҳаммасига антиретровирус даволаш (дори-дармонлар ёрдамида қондаги вируслар миқдорини камайтириш)ни тавсия этиш кўзда тутилмоқда.

Эпидемия Шарқий Осиё ва Марказий Осиёда укол орқали қабул этиладиган гиёҳвандликнинг ривожланиши билан ўсди. Собик СССР мамлакатларида ОИТС вирусининг тарқалиши ўзларини укол қилувчи гиёҳвандлар гуруҳлари ҳиссасига тўғри келади. Гиёҳванд моддалар кириб келишига эҳтиёт чоралари кўрилмаган ҳар қандай мамлакатда ОИТС инфекциясининг тарқалиши тезда ўзини намоён этади.

Европа ва Шимолий Америкада ОИТС вируслари, асосан ўзларини ўзлари укол қиладиган гиёҳвандлар ва гомосексуалистлар ўртасида тарқалмоқда. Фойдаланилган шприцларни янгиларига алмашлаб бериш дастури АҚШ сингари мамлакатда гиёҳвандлар ўртасида ОИТС инфекциясини тарқалишини қисқартиришдаги ўзининг самарасини кўрсатган бўлсада, сиёсий муҳолифат туфайли уни амалга ошириш рад этилди.

■ Чорловни қабул этиб

ОИТС билан курашда қатъият кўрсатаётган мамлакатлар бу оғир жабр-жафони бирмунча энгиллатишга муваффақ бўлдилар. 1993 йилда экспертлар Таиландда 2000 йилга бориб 2 миллиондан 4 миллионгача ОИТС вирусига чалиниш ҳолларининг бўлишини илгаридан мўлжаллаган эдилар. Аммо кенг кўламли профилактика туфайли 2000 йилда бундай касалликка чалинишнинг 1 миллиондан камроқ ҳолати кузатилди. Кенг кўламдаги сиёсий ва жамоатчилик кўллаб-қувватлашлари билан Уганда, эпидемиянинг ўсиш суръатини, у қўшни мамлакатларда 20 фоиздан ошиб кетаётган айни бир пайтда 8 фоиз даражасида барқарор ушлаб туришга эришди.

Ҳукумат ОИТС вирусининг юқиши муаммосига давлат аҳамияти билан қараса ва телевидение кўрсатувлари, радио эшиттиришларини ва матбуотдаги чиқишларни молияласа, шунингдек ушбу масалада жамоатчилик гуруҳларини, жумладан, ОИТС вирусини юктирганларни қўллаб-қувватлаб турса, у ҳолда умид уйғониши мумкин. Жанубий Африканинг Дурбан шаҳрида ўтган ОИТС бўйича XIII халқаро конгрессда африкалик раҳбарлар ОИТС муаммоси мавжудлигини тан олдилар ва бу тилсиз ёв ҳисобланган касаллик билан кураш бўйича ташаббусларни чуқурлаштириш мақсадида саъй-ҳаракатларни бирлаштирдилар.

Ҳукуматлар ОИТСни тараққиётга дахлдор масала сифатида тан олишлари билан унга янада фаоллик билан муносабат билдира бошлайдилар ва кенгайтирилган тармоқлараро дастурлар ишлаб чиқадилар. Илгари ОИТС эпидемиясига фақат соғлиқни сақлаш соҳасининг муаммоси сифатида қаралганидан қатъий назар, борган сари кўпроқ мамлакатлар унинг ижтимоий, маданий, иқтисодий ва сиёсий соҳалар билан ўзаро боғлиқлигини тушуна бошляптилар. Кўплаб мамлакатларда тараққиётнинг таълим, меҳнат, қишлоқ хўжалиги ва маҳаллий бошқарув сингари барча соҳаларида ОИТС билан боғлиқ дастурни амалга ошириш саъй-ҳаракатлари ишга солинмоқда. Бундан ташқари, фуқаролик жамияти, айниқса, ноҳукумат ташкилотларининг роллари муҳимдир, чуқи улар маҳаллий эҳтиёжларга мувофиқ тадбирларни ишлаб чиқишга маҳаллий жамоани жалб этиш борасида ўзининг катта қудратига эгадир.

Фирмалар ва корхоналар ҳам янада фаолашадилар. Уларнинг кўпчилиги бу бало-офат туфайли ўзларининг энг яхши ходимларидан ажралиб қоладилар ва бу ҳол уларнинг фаолиятларига салбий таъсир этади. Кўплаб компаниялар ОИТС бўйича дастурга эга, бунга ходимларга медицина хизмати кўрсатиш, ОИТС вируслари тўғрисида ахборотлар бериш, презервативлар билан таъминлаш, ОИТС тўғрисидаги янгиликларни тарқатиш ва маҳаллий ҳамжамиятлар билан доимий алоқада бўлиш кабилар қиради.

Қандайдир умид бахш этадиган тадбирлардан яна бири ОИТС билан оғриган онадан туғилган болалар муаммосидир. Туғиш олдидан AZT дорисини қўллаш инфекцияни болага ўтиши хавфини 50 фоизга камайтиради. Бу шундан далолат берадики, бўлғуси она, аввало ўзининг яқинда туғиладиган боласини химоя этиш учун ОИТС вирусини юктирмаганлигини аниқлаш мақсадида текширишдан ўтиши керак. Баъзи мамлакатларда бундай текширишлар ғамхўрлик ва қўллаб-қувватлашга уларнинг имкониятларини кенгайтурса, бошқа бир мамлакатларда бу тадбир уларни оилалари ва жамоалари билан юзкўрмас бўлиб кетишларига олиб келиши мумкин.

Кейинги йилларда касаллик вирусини юктирганларни ОИТС профилактикаси ва уни даволаш дастурига жалб этиш тенденцияси яна ҳам яққолроқ кўзга ташланмоқда. Эпидемияга қарши курашда СПИДга чалинганларнинг янада фаолроқ иштирок этиши тамойили муҳим омил сифатида тан олиниши ва бундай кураш доим кучайтириб борилиши керак. Профилактика муаммоларини ҳал этишдаги ва бу масалани қўллаб-қувватлаш ҳамда ёрдам кўрсатишдаги уларнинг тажрибалари ушбу эпидемия дахл қилганларга, жумладан, антивирус терапиясига янада кенгрок йўл очиш вирус юққан одамларни камситишларини бартараф этишга чақириш билан уларга катта фойда келтирадиган тадбирларга илҳомлантирди.

— **Замбия: ОИТС эпицентридаги умид учқуни**

Замбиянинг пойтахти Лусака шаҳрининг Чиболя районидаги чалакам-чатти қурилган кулбалар орасидаги ўйдим-чуқур йўлдан сакраб-сакраб бораётган оқ юк машинаси ёнига “Ҳаётингни эҳтиёт қил: ОИТС тўғрисида ҳаммасини билиб ол!” деб ёзиб қўйилган. Машинага ўрнатилган овоз кучайтиргич тўрт томонга жар солмоқда: “Беш минутдан сўнг “Чиболя - ОИТСга қарши” клубининг томошалари бошланади. Сиз ОИТС тўғрисида ахборотлар оласиз ва ўзингизни химоя қила оласиз”.

Қалин сарғиш чанг билан қопланган юк машинаси -ҳаммалари яшил, катакча иштон ва теннис қўйлақчаси кийиб олишган беш йигит ва бир аёл турган кенгликда тўхтади. 350 киши ва

кўплаб болалардан иборат томошабинлар ижрочиларни ўраб олдилар, улар кўшиқни бошлаб юборишди. Йиғилишнинг мавзуи ғоят жиддий бўлсада, кайфиятлар байрамона эди.

Уч барабан томошанинг бошланишидан дарак берди. “Биз ОИТС тўғрисида сизга рўй-рост айтгани келдик, *Уоза!* (Бу ёққа келинлар)”, - дея куйлай бошлашади, улар. Тенгдошлар орасидан икки ўсмир - бир қиз ва бир болакай югуриб чиқиб ўйинга тушиб кетадилар. Ўйинга тушаётганлар ўз ўринларини катта қизил ботинка, комбинзон ва ғаройиб шляпа кийган йигитга бўшатиб берганида ўйиндан завқланган одамларнинг кулгуси янграйди. У ўз кизини тергаётган ота ролини ижро этмоқда: “Сен, бу қадар кўп эркаклар билан учрашмаслигинг керак!”

Томошадан сўнг одамлар юк машинасига яқинроқ келдилар ва ОИТС тўғрисида саволлар бера бошладилар, презервативлар олдилар. Гуруҳнинг раҳбари, 23 ёшли Леви Кафути “Биз фойдали иш қилмоқдамиз”, - дейди. - “Томошаларимизга ҳар сафар кўпроқ одам йиғилмоқда. Ҳозирги болакайлар улғайиб катта бўлганларига қадар ўзларини қандай химоя этишни ўрганиб оладилар. Бу - бизга умид бахш этади”.

1995 йилда ташкил этилган “Чиболя - ОИТСга қарши” клуби Замбияда турли тадбирлар орқали ОИТС профилактикаси тўғрисида ахборотлар тарқатаётган 1760 клубнинг биттасидир. Масалан, Чиболядаги болаларнинг футбол ва қизларнинг волейбол жамоалари ўзларининг ўйинлари давомида ОИТС тўғрисида гапириб берадилар. Ўн кишидан иборат труппа “Оила саломатлиги” жамғармасининг “ОИТСмобил”ида юриб томошалар кўрсатадилар ва унинг аъзолари текин презервативлар, адабиётлар тарқатади ва маслаҳатлар берадилар.

ЮНИСЕФнинг 2000 йил учун “Жаҳон болаларининг аҳволи” ҳисоботидан мослаштириб олинди.

— Ёшлар илгариди

Бутун жаҳон бўйича ҳар йили ОИТС билан касалланганлар ва унинг вирусини юқтирганларнинг ярмини ёшлар ташкил этади. Шунингдек, улар ҳам секс тўғрисида янада очик-ойдин гапирмоқдалар ва касаллик вируси юқишини олдини олиш борасидаги аниқ тадбирларда, ўзларининг ёшлари гуруҳида иштирок этмоқдалар. Улар ОИТС муаммолари бўйича ўқитилмоқда ва мавжуд ахборотларни мактаблардаги, ижтимоий тадбирлардаги, спорт клубларидаги ва бошқа жойлардаги ўз тенгдошлари ўртасида тарқатмоқда. Шунингдек, улар маҳаллий газеталарнинг мухбирлари, жамоатчилик тренерлари сифатида иш олиб бормоқдалар, шу каби жинсий йўллар билан бошқаларга ўтадиган касалликлар даволанадиган клиника сингари соғлиқни сақлаш ташкилотларида ёшларнинг врачлар билан алоқа ўрнатишларига ёрдам бермоқдалар.

Ёшларга, уларнинг меҳр қўйган кишилари, масалан, таниқли спортчилар орқали таъсир этиш яхши самара бермоқда. Футбол командаси - кучли, масалан, футболчи Роналдо сингари дунёда донгдор бўлиш учун ўйинчиларни касалликлардан химояланишга, футболчиларга “ўйинни хавфсиз ўйнанг!” дея мурожаат эта олишлари учун эса мазкур кампанияга қўшилишга ундайди. Бу чоралар кутилган натижаларни бермоқда. Ёшлар сексуал алоқаларга эрта киришмаяптилар ва бундай ҳолларда эҳтиёт чораларини қўлламоқдалар.

- Замбиянинг Лусака шаҳрида қизларнинг турмушга чиққунларича секс билан шуғулланиш ҳоллари камайиб бормоқда: бу ҳол 1990 йилдаги 52 фоиздан, 1996 йилда 35 фоизга қисқарди.
- Бразилиядаги 16 ёшдан 25 ёшгача бўлган йигитларнинг 87 фоизи тасодифий танишган аёллар билан жинсий муносабатга киришганларида, доим презервативлардан фойдаланишларини айтдилар. Бу - презервативларни сотиш билан мувофиқ келувчи эсда қоладиган сондир.

— Ижобий натижалардан мисоллар

ОИТС эпидемиясига қарши курашда содир этилган жасорат ва ғайратга бутун дунё бўйича кўплаб мисоллар тўплаш мумкин. Қуйида уларнинг баъзилари келтирилган:

- Кениядаги ёшлар ўртасида ишлайдиган “Матхаре” Ёшлар спорт ассоциацияси ташкилотининг таълим дастури эса қоладиган мисол сифатида кўзга ташланади. Унинг бир неча юз кишини ташкил этадиган кўнгилли аъзоларининг кўпчилиги қисми 16 ёшдан кичик. Махсус тайёрланган бу кўнгиллилар кичик гуруҳларда, дам олиш кунлари спорт тадбирлари чоғида ўтказиладиган семинарларда суҳбатлар ўтказиш йўли билан маҳаллий аҳоли ўртасида ОИТС вируслари профилактикаси билан шуғулланишлар. Ҳар ҳафтадаги футбол ва бошқа спорт ўйинларига келадиган 12-20 ёшли ўсмирлар ўртасида бу дастурни амалга ошириш учун ҳар йили 50 янги ёш тренерлар ўқитилади. 1987 йилдан дастур 30 минг ёшни ўз қучоғига олди.
- УВЕСО (Етимларни муҳофаза этиш бўйича Уганда хотин-қизлар ташкилоти) аввалига уруш оқибатида етим қолган болаларга ёрдамлашди, бироқ ОИТС эпидемиясига жавобан ўз йўналишини ўзгартирди. УВЕСО ота-оналари ОИТС туфайли ўлиб кетган болалар таълимини ва уларга касб-хунар ўргатиш жараёнини молиялайди ва улар озроқ иш бошлашлари ёки савдо билан шуғулланишлари учун боқувчиларига унча катта бўлмаган қарзлар беради.
- Бутунжаҳон гид-қизлар ва скаут-қизлар ассоциацияси ОИТС бўйича кўкрак нишонлари бериш тизими ёрдамида амалга ошириладиган таълим дастурини ишлаб чиқди. Қизил лентали бу нишонлар ташкилотнинг тенгқурлари ўртасида профилактика ахборотларини тарқатиш билан шуғулланган ёки ОИТС вируси юқтирган Ассоциация аъзоларини боқиб парвариш қилишга ёрдамлашган аъзоларига берилади.
- Мисрнинг ОИТС бўйича “шошилич телефон”и секс ва сексга мойиллик тўғрисида ошқора гапирилмайдиган мамлакатда одамларга бу ҳақида гаплашиш имконини берадиган маслаҳат телефон хизмати ҳисобланади. Шахсиятини ошқора қилмаслик одамларни бу ерга бемалол кўнғироқ қилишларига имкон яратади. Шундай қилиб, “Шошилич телефон” кутилганидан анча ортиқроқ, мингтагача телефон кўнғироғини эшитмоқда.
- Замбияда Илмий ишлаб чиқариш ташкилоти гуруҳи Соғлиқни сақлаш министрлиги, район совети ва ёшларнинг ўзлари билан ҳамкорликда соғлиқни сақлаш хизматларини кўпроқ ёшларга томон йўналтириш саъй-ҳаракатларини мўлжалладилар. Улар икки ой мобайнида ҳомиладорлик, жинсий алоқа туфайли юқадиган касалликлар, гиёҳванд моддалар билан жиноятлар содир этиш, молиявий муаммолар ва секс масалалари бўйича маслаҳатлар бериш учун 52 йигитни тайёрладилар. Биринчи звено поликлиникаларида медицина ходимлари билан ёнма-ён ишлаган бу ёш маслаҳатчилар уларнинг ўзига хос эҳтиёжларини қондиришга ва уларга жамоатчилик соғлиқни сақлаш тизими мураккабликларини тушунишларида кўмаклашишга ҳаракат қилиб ўз тенгқурлари ва медицина ходимлари ўртасида боғловчи звено вазифасини бажармоқдалар. Натижада ёшларнинг соғлиқни сақлаш ташкилотларига мурожаат этиш даражасининг ўсишига ва ўз районларида авлодлар ўртасидаги ўзаро алоқани яхшилашга эришдилар.
- Непалдаги “Маити” лойиҳаси ноқонуний савдогарлар томонидан болалар ва ёш аёлларни “жонли товарлар” сифатида сотилишидан ҳимоя этади. Қизалоклар ва қизлар фоҳишалик машғулотини ўрнига касб-хунар, ёрдам ва маслаҳатлар оладилар. “Маити” саъй-ҳаракатлари туфайли 105 нафар болани ноқонуний сотганлар турмага тикилди.
- Ёшлар ва талабаларнинг миллий Эритрея иттифоқи ҳам кўнгилли ёшлар ўз тенгдошлари

ўртасида репродуктив саломатлик, жинсий алоқа йўли билан юқадиган касалликлар профилактикаси ҳамда ОИТС масалалари бўйича таълим бериш тадбирлари ўтказадиган ёшларнинг дам олиш ва саломатлик марказини очди. Улар мактаб билан қамраб олинмаган ёшларга маслаҳатлар берадилар.

— Кураш ҳали тугаган эмас

Ютуқлар борасида яхшигина мисоллар бўлсада, ОИТС вируслари билан давом этаётган курашдаги ғалабага ҳали узок. 1999 йилнинг ўзида у 5,4 миллион кишига юкди. Баъзи соҳаларда янада кучайтирилган саъй-ҳаракатлар мўлжалланган.

Етим болалар: ОИТС отаси ёки ота-онасини ҳалок этган 15 ёшгача бўлган 13,2 миллион болани етим қилиб қўйди. Бу болалар тўйиб овқат емайдилар, тирикчилик учун бирор нима ишлаб олиш ёки кичкина ука ва сингилларига қараш учун мактабни ташлаб кетадилар, касалланадилар ва сексуал зўравонлик ҳамда эксплуатация домига тушиб қоладилар, чунки уларни химоя этадиган ота-оналари йўқ. Бундай етимларни қабул этиб олган оилаларда, кўпинча уларни боқиш ва мактабда ўқитиш учун етарли даражада маблағлари бўлмайди. Бу етимлар ва уларнинг ука ва сингиллари, кўчада қолиб кетмасликлари ёки етимхонага боришлари зарур бўлгани учун ёрдамга мухтождирлар. Бу ҳолат уларнинг саломатликлари ва хавфсизликларини сақлаш имкониятларини чеклаб қўяди.

Қизалоқлар: Африканинг Саҳрои Кабирдан жанубдаги мамлакатларида қизлар ўртасида касалланиш болалар ўртасидаги касалланишга қараганда беш марта ортиқ. Мазкур сонлар авлодлар ўртасидаги жинсий муносабатларнинг ёрқин ифодасидир. Танзания Бирлашган Республикасида қарийб 17 фоиз турмушга чиққан жувонлар ўзларидан ўн ёш катта эркаклар билан жинсий алоқада бўлганлар. Қизалоқлар билан катта ёшдаги эркаклар ўртасидаги сексни бартараф этишга, улар, бу масалада, катта ёшдаги эркаклар ёрдамига мухтож бўлмасликлари учун қизалоқларни мактабда ўқитишга ҳақ тўлаш ва секс борасида ҳаддан ташқари ёш ҳамкорларни танлайдиган эркакларни қоралашга йўналтирилган тадбирлар зарур.

Гиёҳвандлар: ОИТС вирусларини гиёҳвандлар гуруҳларидагина ушлаб туриш мумкин, деб ўйлаш нотўғри, чунки улар бошқа одамлар билан жинсий алоқага киришадилар ва бу билан аҳоли ўртасида ОИТС вирусларини тарқатадилар. Кўпинча, гиёҳвандлар - гиёҳванд моддаларни сотиб олиш учун пул топиш мақсадида ҳам жинсий алоқага рози бўладилар. Шундай экан, ОИТС вирусларининг жинсий алоқа йўли билан тарқалиши эҳтмолдан узок эмас. Ўз таркибига ОИТС тўғрисида ахборот бериш презервативлардан фойдаланишни ташвиқ ва тарғиб этиш, фойдаланилган шприцни янгисига алмашлаб бериш ва гиёҳвандликни даволаш каби тадбирларни қамраб олган ОИТС вирусини бартараф этиш бўйича комплекс дастур АҚШ сингари ривожланган мамлакатда ҳам, шунингдек, Беларус сингари иқтисодиёти ўтиш давридаги республикаларда ҳам касалликнинг юқиш хавфини қисқартиришга ёрдам берди.

Таълим: Кўпроқ жабр кўрган Африка мамлакатларида кўплаб ўқитувчилар ОИТС дан вафот этишгани туфайли жуда кўп сондаги мактаблар бекилиб қолди. Бундан ташқари, кўпгина ўқувчилар мактабга тўлаш учун пулларининг йўқлиги ва касал оила аъзоларига қарашлари зарурлиги сабабли мактабни ташлашга мажбур бўлдилар. Келажақда ёшларга ишлаш имкониятини яратиш учун, ёш авлодни тарбиялашга йўналтирилган давлатнинг кўз тиккан таълим соҳаси хавф остида қолди. Бунинг устига, мактаблар ОИТС профилактикаси учун ҳам зарур бўлган, ҳаётий кўникмаларни ўрганиш канали сифатидаги ўзининг муҳим ва кучли ролини йўқотиб қўйди.

Жинсий ва репродуктив саломатлик соҳасидаги таълим ва хизматлар: Таълим ва

ахборот олиш ҳуқуқи инсоннинг энг асосий ҳуқуқларидан бири ҳисобланади. одамлар, айниқса, болалар ОИТС вирусига қарши курашда зарур бўладиган оддий ахборот, билим ва малакадан диний чеклашлар кучи билан, ё бўлмаса маданий ва ижтимоий афзалликлари туфайли четда қолган бўлса, бу билан улар ўзларининг касалликни юктириш хавфини қисқартириш қувватини анчагина камайтирган бўладилар. Шунингдек, улар саломатлик муаммоларини ечиш борасида, у ердан, кўпинча ёшлар юзма-юз келадиган бевақт ҳомиладорлик ёки гиёҳвандлик, шу каби ОИТС вируси профилактикаси ва жинсий йўллар билан тарқаладиган касалликлар тўғрисида билим ва ёрдам олишлари мумкин бўлган соғлиқни сақлаш муассасалари тўғрисидаги маълумотлардан ҳам маҳрумдирлар.

Дори-дармонлар таъминоти: ОИТС вирусларини юктирган одамларнинг 90 фоизи вируслар ва у билан боғлиқ касалликлар билан курашишга ёрдам берадиган дори-дармонлардан фойдаланиш имконига эга эмаслар. Дори-дармонлар ишлаб чиқариш учун патенти бўлган компаниялар ёки умумий тоифада дори ишлаб чиқарувчилар билан дори-дармонлар нарҳини пасайтириш борасида музокаралар олиб бориб бу дорилардан ривожланаётган мамлакатларда ҳам фойдаланиш учун имкон яратилади. Соғлиқни сақлаш секторини мустаҳкамлаш зарур. ОИТС вирусларини, шунингдек, сил касалликларни даволаш учун Клиника ва шифохоналарда мохир мутахассислар ва зарур дори-дармонлар доим бўлиши керак.

Иқтисодиётга таъсир: ОИТС фақат медицинанинг муаммоси эмас. ОИТС кучли тарқалган ҳамжамиятларда, айниқса, бу касалликнинг иқтисодий самараси очиқ-ойдин кўзга ташланади. Бу хасталик бор жойда ишчи кучлари қисқариб боради, оилалар тарқалиб кетади. ОИТС вирусини юктирган одамларни парвариш қилаётган оилаларга ёки ота-оналари ОИТСдан нобуд бўлган болаларга нафақат қарзлар ва грантлар ажратиш, балки уларнинг ОИТС вирусига заиф қилиб қўйган қашшоқликларига барҳам бериш мумкин.

Нафрат билан муомала қилиш ва камситишлар билан кураш: 1998 йилда Бутунжаҳон ОИТСга қарши кураш куни нишонланаётганда Жанубий Африкада ёш аёл ўз жамоасига ОИТСга чалиниб қолганлигини айтди. Орадан бир неча кун ўтганидан сўнг уни ўлар ҳолатгача тошбўрон қилдилар. Бу нафақат ягона тасодикий воқеа эмас. ОИТС вирусини юктирганларга медицина муассасалари, иш берувчилар, уй эгалари ва суғурта компаниялари ёрдам беришдан бўйин товлаб келадилар. Уларнинг бошқа мамлакатларга боришларига руҳсат бермайдилар, ҳатто ўз оиласи ёки умр йўлдоши ўз уйидан ҳайдаб юборади ва ҳатто ўлдирадилар. ОИТСга чалинган одамлар ҳуқуқини муҳофаза этишга нафақат касаллик профилактикаси билан шуғулланаётганлар, балки, шунингдек, ўзларини муҳофаза қилинган, деб ҳис этиш учун бу касалликка чалинганлар ҳам эҳтиёж сезмоқдалар.

— Мақсадларни кўндаланг қилиш ва чоралар қабул этиш

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Мингйиллик саммитида кўриб чиқиш учун тақдим этилган ўзининг “Мингйиллик маърузаси”да Бош котиб Кофи Аннан 2015 йилга қадар ОИТСнинг тарқалишини қисқартириш бўйича қатор тадбирларни, жумладан, қуйидагиларни тақлиф этди:

- ОИТС вирусининг юқиш қўлами бирмунча кенг мамлакатларда бу инфекция билан 15 дан 24 гача бўлган ёш гуруҳидаги касалланганларни 2005 йилга қадар 25 фоизга ва касалликнинг ўзини 2010 йилга қадар бутун дунё бўйича 25 фоизга қисқартириш сингарии аниқ мақсад-вазифа қабул этилган.
- Профилактика бўйича мақсад қилиб қўйилган аниқ кўрсаткичлар: ОИТС вируси тарқалиши

профилактикаси бўйича ахборот ва хизматлардан 2005 йилга бориб камида 90 фоиз, 2010 йилга борганда эса 95 фоиз аёл ва эркаклар баҳраманд бўладилар.

- ОИТС вируслари кенг тарқалаётган ҳар бир мамлакат Саммитдан сўнг бир йил мобайнида миллий ҳаракат режаларини ишлаб чиқади.

■ Сўнгги қадамлар

ОИТСга қарши кураш ишини барқарор этадиган кўплаб усуллар мавжуд, уларнинг баъзилари қуйидагилар:

1. Болалар ва ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя этиш борасидаги миллий сиёсатни кучайтириш ва уларнинг ОИТСга мойиллигини камайтириш.
2. Болалар ва ёшларга қарорлар қабул қилишда иштирок этишга, шунингдек, ўз тенгдошларига ёрдам кўрсатиш ва уларни ўқитишга имкон яратиб бериш.
3. Болалар ва ёшлар ўртасида ОИТС вируси юқиши хавфини кучайтирадиган ижтимоий меъёрларга қарши чиқиш.
4. Катталар, ёшлар ва болаларни сексуаллик ва жинсий соғломлик сингари нозик мавзуда фикр алмашишга ўргатиш.
5. Мактабда мактабдан ташқари соғлом турмуш тарзи, жинсий соғломлик ва ОИТС профилактикасини тарғиб-ташвиқ қилиш.
6. Болалар ва ёшлар манфаатларини ҳисобга олган соғлиқни сақлаш хизматлари тизимини ташкил этиш.
7. ОИТС билан касалланган болаларни парваришlash ва ёшлар ёки оиласида шундай касаллари бўлганларни қўллаб-қувватлаш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда маҳаллий ҳамжамиятларга ёрдам бериш.
8. ОИТС билан касалланганларга нисбатан салбий муносабат ва камситишларга барҳам бериш.

═ Ўқувчиларга тавсия этиладиган фаолият турлари

Мазкур фаолиятда иштирок этишнинг оддий ва амалий йўллари бор. Сизнинг кўпгина тенгдошларингиз қуйидагича самарали усулларини топишди:

1. ОИТС вирусини юктирган касалларни бориб кўриш.
2. Ўқувчилар ўз номларини сир тутган ҳолда саволлар беришлари учун синфга “саволлар кутучаси” қўйинг, саволларга, ўқитувчи бунинг учун алоҳида ажратилган вақтда жавоб беради.
3. Мактаб раҳбариятидан ўқувчилар презерватив ҳамда жинсий йўллар билан юқадиган касалликлар, ОИТС вирусининг юқиши тўғрисида ахборотлар олиши мумкин бўлган жойни ажратишни сўраш.
4. Мазкур эпидемия билан шикастланганларга бирдамлик мавзуида қўшиқлар ёзиш, уни ижро этиш.
5. Турли шаҳарлар ва мамлакатлардаги ОИТСга чалинган ва шундай оила аъзолари билан

- яшаётган болалар ва ёшлар билан хатлар ёзишишни ташкил этиш.
6. ОИТС вирусини юктириб яшаётган кишилар билан мактабда учрашувлар ташкил этиш.
 7. Соғлом турмуш тарзи, жинсий салматлик ва ОИТС тўғрисида профилактика ахбороти тарқатиш.
 8. Ўз тенгдошларингиз ва маҳаллий клиникадаги соғликни сақлаш мутахассислари ўртасида боғловчи звено бўлиш.
 9. Болалар ва ёшларга хизмат кўрсатиш учун махсус вақт ажратиш тўғрисида маҳаллий поликлиникадагилар билан келишиб қўйиш.
 10. Агар яшаётган районингизда болалар ва ёшлар манфаатларини кўзлайдиган соғликни сақлаш хизмати мавжуд бўлса, уни тарғиб ва ташвиқ этиш.
 11. Таниқли одамлар билан синф ёки мактабда учрашиш ва улардан ОИТС вирусини юктирганларга ёрдам бериш зарурлиги тўғрисида гапириб беришни илтимос қилиш.
 12. ОИТС муаммоларини ёритаётган журналистлар учун тақдирловчи совринлар таъсис этишни тавсия қилиш.
 13. Радио ва телесериаллар яратувчилари билан сценарийларга ОИТС тўғрисидаги ахборотларни киритиш борасида ҳамкорлик қилиш.
 14. “Хуқуқингизни биласизми” деган сарлавҳа билан чўнтак карточкалари ишлаб чиқиш ва уни босмадан чиқариш. Уни мактаб ўқувчиларига тарқатиш.
 15. Сиёсий ва бошқа раҳбарлар ўз чиқишларида, ОИТС вируслари тўғрисида, албатта, гапиришларини талаб қилиш.
 16. ОИТС вируслари инфекцияси профилактикасида ёшлар иштирокининг самараси ва фойдаси тўғрисида расмий шахслар учун семинарлар ўтказишга ёшларни рағбатлантириш.

== Баъзи манбалар

Интернетда

www.unaids.org - БМТнинг ОИТС бўйича бирлашган дастури. ЮНЭЙДС - ОИТС билан касалланиш тўғрисида ҳар бир мамлакат бўйича статистик маълумотлар беради, шунингдек, ОИТС ҳақидаги ахборотлар сақланадиган бошқа сайтлар тўғрисидаги кенг бўлим мавжуд.

www.unicef.org - БМТнинг Болалар жамғармаси. Унинг эътибори болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган.

www.unpdr.org - БМТнинг Тараққиёт дастури.

www.unfpa.org - БМТнинг Аҳоли қатламлари жамғармаси

www.undcpr.org - БМТнинг гиёҳванд моддаларни назорат қилиш дастури.

www.unesco.org - БМТнинг Маориф, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти.

www.who.org - Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти.

www.worldbank.org - Бутунжаҳон банки.

www.aegis.com - маълумотлари ҳар соатда янгиланадиган, ОИТС бўйича дунёдаги энг катта сайт.

www.cdc.gov/hiv/dhap.html - АҚШ ҳукуматининг илмий тадқиқотлар, профилактика, вакциналар яратиш, шунингдек, хавфлилик даражасини таҳлил этган слайдалари ва Болалар бурчаги бўлган ОИТС соҳасидаги тадқиқотлар сайти.

www.thebody.com - ОИТС бўйича халқаро конференциялардан маълумотлар ва ОИТС вируслари инфекцияси тўғрисидаги, агар сенда ОИТС вирусларига ижобий таъсир сезилса, бу - нималарга олиб келади ва ўзинг ҳақингда қандай қайғуришнинг кераклиги борасидаги ахборотлар.

www.stratshope.org - “Умид стратегияси” - асосан, Саҳрои Кабирдан жанубдаги Африка мамлакатлари тўғрисидаги китоблар ва видеоматериаллар серияси.

Босилган материаллар:

ОИТС глобал эпидемияси тўғрисида ҳисобот, ЮНЭЙДС, Женева, 2000 ЮНИСЕФнинг Дунё болалари аҳволи тўғрисидаги 2000 йил учун ҳисоботи, Нью-Йорк, 2000


“ОИТС: яхши иш, маҳсулдорлик ва тараққиёт учун хатар”, Халқаро меҳнат ташкилоти, Женева, 2000

(Ушбу қисм ЮНЭЙДС томонидан тузилган)

Асосий статистик маълумотлар



- Жаҳондаги олти миллиард одамнинг 1,2 миллиарди нихоятда қашшоқликда, кунига бир АҚШ доллари ёки ундан ҳам кам даромадга, уч миллиарддан камроқ; одам икки доллар ёки ундан ҳам камроқ даромадга кун кечирадилар.
- Ер қурраси аҳолисининг 19 фоизи яшайдиган саноати ривожланган мамлакатларга жаҳон хизмат кўрсатиш ва товарлар савдосининг 71 фоизи, тўғридан-тўғри чет эл сармояларининг 58 фоизи ва Интернетдан фойдаланувчиларнинг 91 фоизи тўғри келади.
- Бугунги кунда жаҳон валюта бозорларида ҳар куни 1,5 миллиард АҚШ доллари алмаштирилади.
- 1997 йилда тўғридан-тўғри инвестициялар 400 миллиард АҚШ долларига етди, очиғини айтганда, бу 1970 йилдаги ҳажмнинг етти баробарига тенгдир.
- Халқаро банклардаги пул алмашуви 1975 йилдаги 265 миллиарддан - 1994 йилда 4,2 триллионга ошди
- 1998 йилгача, тўрт йил мобайнида жаҳондаги 200 энг бой киши шахсий капиталларини икки баробардан оширдилар, бу - триллион доллардан ортиқроқни ташкил этади. Энг бой уч миллиардернинг сармояси 600 миллионли аҳолига эга барча кам тараққий этган мамлакатларнинг биргаликдаги ялпи миллий маҳсулотларидан ортиқроқдир.



“Зиммамиздаги бош муаммо, глобализация - бугун миллиардлаб одамларни қашшоқликка маҳкум этадиган восита эмас, балки жаҳоннинг барча халқлари учун ижобий куч бўлиб қолишига эришишдир. Кенгкамровли глобаллаштириш, аввало бозорнинг қудратли ҳаракатлантирувчи кучи туфайли барқарор этилиши керак, лекин бунинг учун фақат биргина бозорнинг қудрати камлик қилади. У бизнинг инсон зотига, унинг барча хилма-хилликларига умумий мансублигимиз асосидаги умумий келажакимизни шакллантириши учун янада кенгроқ саъй-ҳаракатлар талаб этади”.

Бош котиб Кофи Аннанинг “Мингйиллик маърузаси”дан

— Глобаллаштириш тўхтатиб бўлмайдиган кучми?

Кока-кола ўз ичимликларини деярли ҳар бир мамлакатда, деярли ҳар бир тилдаги ёрликларда сотадиган бутун жаҳон компаниясининг тимсолига айланган пайтлар ҳам бўлган эди. Эндиликда эса Бутун дунё учун “Макдоналдс”нинг гамбургерларини Москвада, Пекинда ва Карачида сотаётгани, “Тойота” юк машиналарининг Африка йўлларида жавлон уриши, “Сони” телевизорларининг бутун жаҳондаги уйларда марказий ўринни эгаллаши одатдаги хол бўлиб қолди.

Хозир тадбиркорлик, коммерция ва савдонинг олтин асри. Инсоният тарихида илгари ҳеч қачон шунча кўп молларни хозиргидагидек, шу қадар кўпсонли одамларга сотишнинг бундай имкони бўлган эмас.

Ушбу имкониятлардан нафақат ҳукмрон компаниялар, балки кичикроқлари ҳам фойдаланадилар. Яшин тезлигида тарқаладиган ахборот ва алоқа Гвиана аборигенларига қўлда тўқиладиган тўр беланчакларини Интернет орқали сотиш ва ҳатто, узоқ Питкэрн оролларида истиқомат қилувчи эллик нафар кишига ўзларининг маҳсулотларини ҳар қандай жойда сотиш имконини бермоқда.

Бир зумда ахборот узатиш ва алоқа ўрнатиш имкониятлари яратилганлиги туфайли ҳар бир кишига, ҳамма ерда, ҳар қандай ишларни амалга ошириш имконияти пайдо бўлди.

Эндиликда бозор бутун ер куррасини камраб олмоқда, баъзи корпарациялар эса, хатто кўплаб мамлакатлардан ҳам бой ва қудратлироқдир.

Мамлакатлар ва жамоалар ўртасида савдо азалдан мавжуд бўлган, аммо ҳеч қачон ҳозирги миқёсга яқин келмаган эди. Савдо тўсиқларини соддалаштириш, молиявий либерализация ва технология инқилобини бирга олиб бориш деярли барча саноати ривожланган мамлакатларда тадбиркорлик характерини мутлақо ўзгартирди.

- Жаҳон мамлакатлари 1950 йилга қараганда ўн марта кўпроқ ҳажмда мол экспорт қилмоқда ва эндиликда яна ҳам кўпроқ пуллар - кунига 1,5 триллион АҚШ доллари чегаралардан ўтмоқда. Бу сон 1973 йилда атиги 15 миллиард долларни ташкил этган эди.
- Одамлар чет элларга илгаригидан кўпроқ чиқадиган бўлдилар. Чет элга чиққанлар сони 1980 йилда 260 миллион бўлса, 1996 йилда 590 миллионга етди.
- Чет элларга одамлар илгаригидан кўп телефон қиладилар, бу - қиммат эмас. 1930 йилда Нью Йорк билан Лондон ўртасида телефонда уч минут сўзлашув 245 АҚШ доллари турган бўлса, 1990 йил бу сўзлашув учун атиги 3 доллар тўланади.

Лекин глобаллаштириш шу билан чегараланмайди. Интернет ва телекоммуникация ютуқлари ёрдамида Ҳиндистондаги савдо ва техника вакиллари АҚШдаги миждозларнинг саволларига жавоб беришлари мумкин. Суғурта идоралари бош муассасадан минглаб километр узоқликда, мамлакатнинг турли ҳудудларида, турли мамлакатларда ва хатто, турли қитъаларда бўлиши мумкин.

Кўпроқ савдо, кўпроқ бозорлар, кўпроқ фирмалар, кўпроқ ахборот, кўпроқ иш жойлари, кўпроқ имкониятлар... Глобаллашаётган дунё худуди мана шуларни ваъда қилмоқда. Глобаллаштириш тўлқинлари аллақачон дунёнинг илгари фақат камбағаллик ҳукмрон бўлиб келган минтақаларига бир қадар фаровонлик, ўша даврларда унчалик ёмон яшамаётган минтақаларга эса тўкин-сочинлик олиб келди. Шарқий ва Жанубий-Шарқий Осиёдаги мамлакатлар тараққиёт пиллапояларидан кўтарилиш учун экспортга асосланган иқтисодиётга мурожаат этдилар. Бозор қонуниятларига амал қилган жаҳон компаниялари Хитойнинг қирғоқбўйи районларидаги миллионлаб кишиларнинг турмуш даражаларини кўтаришга ёрдам бердилар.

Иқтисодий фаолликнинг бу шиддатли оқими кўплаб одамларга фойда ва фаровонлик келтирди. Иқтисодий ўсиш тезлашди, турмуш шароитининг даражаси ўсди, янгиликлар тезроқ кириб кела бошлади, одамлар ва мамлакатлар эса янги имкониятларга эга бўла бошладилар. Ахборот ва технология инқилоби туфайли дунё илгаригига қараганда янада жипс ва муштарак бўлиб бормоқда.

Глобаллаштириш фаровонлик келтириш билан биргалликда кўп имкониятлардан маҳрум ҳам этиши мумкин:

- 90 йилларнинг ўрталарида Осиё қирғоқларига жаладек ёққан миллиардлаб сармоялар 1997 йилдан ҳаммага яхши маълум бўлган Осиё молиявий бўҳрони даврида тўсатдан ўз йўналишини ўзгартириб, миллионлаб одамларни яна қашшоқликка маҳкум этиб қайтиб кета бошлади, унинг шиддати шу қадар кучли бўлдики, бу қарийб барча қитъалардаги мамлакатларга таъсир кўрсатди. Воқеаларнинг муваффақиятли давоми деб бўлмайдиган Осиё бўҳрони кейинги икки ўнйилликдаги энг жиддий бешинчи халқаро валюта-молиявий кризиси бўлди ва уларнинг барчаси Россиядан Лотин Америкасигача бўлган барча хонавайронликлар ва қашшоқликларда ўз изини қолдирди.
- Глобаллаштиришнинг афзалликлари кунига АҚШнинг 2 долларидан кам пулга яшашга



мажбур бўлаётган қарийб Ер куррасининг ярим аҳолисини, яъни 3 миллиард кишини четлаб ўтмоқда. Инсонийлик имкониятларидан йироқ бу одамлар янги бойликдан ўз улушларини ололмадилар ва уларнинг катта қисмида бу янги, жасур иқтисодий оламда иштирок этишлари учун зарур билим ва тажрибалар йўқ.

- Кўплаб мамлакатлар жаҳон иқтисодиётига ҳали кўникмаган Марказий Осиё ва Шарқий Европада бугун илгаригидан ҳам кўпроқ кишилар камбағаллик исканжасида яшамокдалар.
- Глобализация борасидаги барча шов-шувларга қарамасдан, жаҳоннинг катта қисми ундан бебаҳра қолмоқда. БМТ Бош котиби Кофи Аннан таъкидлаганидек, баъзи маълумотларга кўра, Ер куррасининг ярим аҳолиси телефондан ҳеч қачон фойдаланган эмас.

Бош котибнинг фикрига кўра, мавжуд барча муаммолардан қатъий назар глобаллаштириш Ер куррасида яшаётган барча одамлар учун ижобий куч бўлиб қолиши мумкин. “Глобаллаштириш бутун инсониятга фойда елтириши мўмкинлигига мен ҳали ишонаман. Аммо кўриниб турибдики, айти кунларда миллионлаб одамлар балки, ҳатто инсониятнинг кўпчилик қисми бундан юз ўгирмоқда. Улар ҳаётларида глобаллаштириш меваларининг кўплиги туфайли эмас, балки озлиги ёки бутунлай йўқлиги туфайли камбағалдирлар”.

Бирок, Бош котиб шуни ҳам тан оладики, глобаллаштириш кўплаб хавф-хатар олиб келади. Умуман, у таъкидлайдики, глобаллаштириш “одамларни бир-бирларига яқинлаштиради ва аждодларимизнинг ҳаёлларига ҳам келмаганидек, бизнинг орамизда танлов ўтказилишини тавсия қилади. У бизга янада самарали ишлаб чиқариш учун имконият беради ва ҳеч бўлмаганда орамиздан баъзиларимизнинг турмуш шароитларимизни яхшилаши мумкин. Афсуски, бу афзалликлар барчани бирдай қамраб олишдан ожиздир. Миллионлаб одамлар учун қандайдир маънога эга бўлган ижобий ўзгаришларнинг узок муддатли истиқболи бусиз ҳам йироқдир. Ҳамон миллионлаб кишилар жаҳон экономикаси таъсир доирасидан ташқарида яшамокдалар. Яна миллионлаб одамлар глобаллаштиришни имконият эмас, балки портлаш ва харобага айлантурувчи куч, ўзларининг одатдаги ҳаётларига, анъанавий ҳаёт тарзларига таҳдид сифатида тасаввур этмоқдалар. Ўзларини ана шундай чегаравий ҳолатда сезаётганлар сони тез ўсмоқда”.

(Бош котибнинг мурожаатидан, 1998 йил, 21 сентябр, Нью Йорк -SG/SM/6707)

— Глобаллаштиришга салбий муносабат

Кўриниб турибдики, глобаллаштириш ҳаммани ҳам бахтли қилавермайди. Кўпчилик глобаллаштиришни, бойлар ва қудратлиларга иш борасидаги манфаатларидан ташқари, маҳаллий маданиятга аралашгани ва маҳаллий анъаналарни йўққа чиқаришга ҳаракат қилиши ҳамда кишилар ҳаёт тарзига тажовуз этишга имкон бергани учун хуш кўрмайдилар. Макдоналдс кафеларидан бирида бебошлик келтириб чиқарган француз фермерини олқишлаганлар ҳам шундай кишилар эди. Мана шу америка кафелари глобаллашувга қарши норозилик билдирувчиларнинг севимли манзили бўлиб қолди.

Глобаллаштириш бирмунча анъанавий жамоаларнинг маданий ва диний асосларига таҳдид туғдиради. Саноати ривожланган давлатлар, шунингдек, тараққий этаётган мамлакатлардаги кўплаб одамлар ўзларини худди уларга глобаллаштириш хавф-хатар солаётгандек хис этадилар. Глобаллашган экономика маҳаллий маданиятни муҳофаза этишдан тортиб атроф муҳитни асраб-авайлаш ва ишчи ўринларига қадар бўлган сон-саноксиз муаммоларни кўтариб чиқади.

Бу ижобий муносабат ростдан ҳам мавжуд. Савдо имкониятларини янада кенгайтириши керак бўлган, ўтган йил декабр ойида Сиэтлдаги Бутунжаҳон савдо ташкилотининг барбод бўлган музокаралари чоғида минглаб намойишчилар фақат глобаллаштиришни хуш кўрмаётганликлари туфайли тартибсизликлар уюштирилди. Касаба уюшмалари янги савдо битими компания иш ўринларини чет элларга ўтказиб юборишни рағбатлантиришидан талвасага тушиб норозилик билдирди. Экологлар бутунжаҳон савдо битими атроф мухит хавфсизлиги ички тадбирларини поймол этишдан хавотирланиб норозилик эълон қилдилар. Миллатпарварлар эса янада глобаллаштириш нафақат миллий суверенитетга таҳдид солиши, балки, озодлик, мустақиллик ва ҳуқуқларнинг барбод бўлишига олиб келишидан хавотирга тушдилар.

Глобаллаштириш ҳамма нарсани издан чиқарадиган қайсар, шафқатсиз куч сифатида қораладимиз ёки порлоқ келажак ваъда этувчи қудрат сифатида қораладимиз - бунинг аҳамияти йўқ. Бу, мавжуд воқеалик. Ушбу ҳол худди об-ҳавога ўхшайди. Яъни у доим мавжуд, бор ва доимо интихосиз муҳокама ва мунозараларнинг сабабчиси. Аммо уни ўзгартириб бўлмайди. Демак, об-ҳавога ўхшаса, фақат одамлар унга мослашиб қутилишлари мумкин.

— Таҳликаларни мувозанатга солиб

Тараққиётнинг халқаро даражасида ва тараққий этаётган мамлакатларда таҳликага тушиш учун мутлақо турли хил сабаблар мавжуд. Қашшоқлик ҳукмрон бўлган тараққий этаётган мамлакатларда ҳар қандай йўл билан ривожланиш ўзанига киришга ҳаракат қилинади. Ҳозирги қудратли мамлакатлар атроф мухитни муҳофаза этиш муаммосига эътибор қаратилмаган даврлардаёқ, тараққий эта бошлаганликларини, меҳнат муҳофазаси меъёрлари илгари кўрқинчли бўлганини тан олган тараққий этаётган мамлакатлар - ўзларининг қай йўсин билан бўлмасин тараққиёт ўзанига киришдан бошқа йўллари йўқлигини таъкидлайдилар.

Шунингдек, тараққий этаётган мамлакатлар халқаро ҳамжамиятдан уларнинг тинкани қуритадиган қарзларини тўлаш муддатини узайтириш ёки улардан кечиб юборишни сўрадилар. Бу мамлакатлар илгариги коррупциялашган ёки диктаторлик тузумидан ва амалга ошмаган тараққиёт режасини молиялаш учун таклиф этган донордан олинган қарзни тўлашлари керак бўлади. Кўпинча, қарзларнинг бу тўловлари мамлакат соғлиқни сақлаш ёки таълим сингари ўзининг бошқа зарурий соҳаларига сарфлаши мумкин бўлган маблағдан бирмунча кўп сармояни ташкил этади.

Тараққий этаётган мамлакатларнинг таъкидлашларича молиявий ҳамкорлик ҳам, техникавий ҳамкорлик ҳам мутлақо камайиб кетди. Бу ҳолни статистика ҳам тасдиқламочда, кейинги ўнйилликда бой мамлакатлар камбағалларга берадиган моддий ёрдам кескин камайган. Баъзи халқаро молия институтлари ва донор-ҳукуматлар қарзларни кечиб юбориш ташаббуси билан чиқдилар, аммо бу дастурларда иштираётган этиш учун фақат озгина мамлакатлар хоҳиш-истак билдирдилар, шунингдек, қарзларни тўлаш учун ёрдам ҳам кам ажратилмоқда.

Яна бир томондан, тараққий этган мамлакатларнинг таъкидлашларича, ёрдам тўғрисидаги мусоҳабаларда бошқа мақсадлар кўзда тутилади. Уларнинг фикрларича, энг муҳими, бу хаёлий пуллар шахсий секторнинг тўғридан-тўғри чет эл сармоясидир. Уларнинг айтишларича, агар тараққий этаётган мамлакат сармоя киритадиган бўлса сармоя оладиган мамлакат бошқариш ва инфратизим нуқтаи назаридан дунё иқтисодиёти талабларига мослашиши керак.

Аслида, экспортга мўлжалланган иқтисодиётда кўпайтирилган чет эл сармояси ўзини тараққиётнинг қудратли кучи сифатида намоён этди. Осиё молиявий бўҳронигача ҳам, ундан кейин ҳам, охириги ўнйилликда таъбир жоиз бўлса "Осиё йўлбарси"нинг фавқулудда тез ўсиб етилишига ана шу чет эл сармояси сабабчи бўлди. Корея Республикаси, Таиланд, Филиппин ва Хитой сингари мамлакатлар чет эл сармояларининг қудратли оқимидан қувват олди ва тезлик билан ривожлана бошлади, бу ҳол миллионлаб одамларни камбағаллик домидан тортиб

олди. Чет эл сармояларининг умумий ҳажми ортган бўлса-да, уларнинг жуда катта қисми ягона мамлакат -Хитойга келиб тушмоқда, бошқа мамлакатларнинг кўпчилиги жуда кам сармоя олмоқдалар.

Бу борада муаммо шундаки, тараққий этаётган мамлакатлар чет эл сармояларини қабул қилиб олишга қодир бўлиш учун ҳаракат қилишлари лозим. Демак, бу - мазкур мамлакатлар тадбиркорлик фаолият кўрсата оладиган кенглик яратиш учун барқарор, демократик, ҳисоб-китобли ва ошқора ҳукумат ташкил этишлари кераклигини билдиради.

- Тўғридан-тўғри чет эл сармояларининг қарийб чораги ривожланаётган мамлакатларга тўғри келса-да, уларнинг барчаси ҳам берилаётган катта сармоялардан фойдаланмайдилар. Сармояларга талаб энг катта бўлган Сахрои Кабир жанубидаги Африка мамлакатларига қараганда Осиё 20 марта кўпроқ чет эл сармояси олади. Баъзи ривожланаётган мамлакатларнинг чет эл сармояларини кирита олмасликларининг сабабларидан бири - ўша мамлакатларда сармоя имкониятлари тўғрисида ахборотнинг бўлмаслигидир. БМТнинг Савдо ва тараққиёт бўйича конференцияси (ЮНКТАД) ва Халқаро савдо палатасининг биргаликдаги янги ташаббуси худди шу мақсадни кўзда тутди. Бу ташаббус сармоя имкониятлари ва кам тараққий этган мамлакатлардаги шароитлар, шунингдек, ҳукуматлар ва яширин сармоядорлар ўртасидаги мулоқотни тақдирлаш борасидаги тадбирлар тўпланган йўлланмаларни нашр этишни ўз зиммасига олади. Йигирма саккиз компания, жумладан, Хитой, Финляндия, Франция, Ҳиндистон ва Норвегия каби энг йирик мамлакатлар бу ҳамкорлик иттифоқини қўллаб-қувватламоқдалар.

— Корпорацияларнинг роли ва масъулиятлари

Даромадни кўпайтиришда уларнинг операциялари дунё миқёсида муваффақият қозонгани туфайли корпорациялар ҳукуматлардан катта имкониятлар, баъзан жуда улкан имтиёзларни қўлга киритди.

Корпорациялар глобал қоида ва низомлар бўлмаган айни пайтда завод ва фабрикаларни меҳнатга арзон ҳақ тўланадиган ва ресурслар арзон жойларга кўчириб халқаро бозорда эркин операциялар қила олдилар.

- Аммо корпорациялар, бу ҳол “ёввойи Ғарб”га ўхшаган театрдаги ҳарбий ҳаракатлар сахнаси бўлган тақдирда ҳам охир-оқибатда унинг қандайдир чегаралари борлигини англадилар. Виждон амри биланми ёки “юқоридан пастга” ташланган тасодифий бир нигоҳ туфайлими, кўпгина корпорациялар ниҳоят, ўзларининг имкониятларига қандайдир чек-чегара мавжудлигини, бундан ташқари улар хис этиши зарур бўлган масъулият мавжудлигини тасаввур қилдилар.
- Баъзи корпорацияларнинг ўз ҳаракатлари оқибатини англаб этишлари осонликча кечмади. Бу ҳақда “Юнион Карбайд” корпорацияси, унинг Бхопал (Ҳиндистон)даги кимёвий заводи 6 минг кишининг ёстиғини қуритган заҳарли газ чиқарганидан кейингина ўйлаб кўрди. Бу омил “Экссон” корпорациясининг хаёлига унинг “Экссон Владес” деб номланган танкери Аляска қўлтиғига 11 баррел нефтни ағдариб юборгандан сўнг келди, бу -саккиз йил давомида компания савдо ҳажмининг йилига 9,9 триллион АҚШ долларидан 4,8 триллионга камайиб кетишига, бунинг устига тозалаш ишлари учун яна бир триллион харажат сарфлашга олиб келди.

Бундай фожиали ҳалокатлар нисбатан кам учрайди. Аммо корпорацияларнинг экология ва меҳнат нормалари ёки инсон ҳуқуқлари борасидаги хато ва бузғунчиликларини бутун омманинг камчилиги деб эълон қилиш билан шуғулланаётган ноҳукумат ташкилотлари кўпайиб бормоқда. Кўпчилик компаниялар жамоатчиликнинг кўплаб салбий фикрларига дучор бўлмаслик

ёки шунчаки, тўғри қадамлар ташлаш мақсадида ўзларининг тинчлик операцияларини ўтказиш бўйича ўзлари турли-туман кодекслар қабул қилиб оладилар.

Компания ва корпорацияларни ижтимоий корпоратив масъулият тўғрисидаги мулоқотга жалб этиш учун БМТ Бош котиби - атроф муҳит муҳофазаси, инсон ҳуқуқлари ва ишчилар ҳуқуқи бўйича мавжуд халқаро битимларга асосланган, тўққизта тамойилдан иборат Глобал шартномани, компанияларни юритиш кодексини қабул қилишни таклиф этди. Корпорацияларнинг кўпчилик қисми бу тамойилларни бажаришни ўз зиммаларига олдилар, уларнинг баъзилари илгариги айрим кирдикорлари учун қаттиқ танқидга учради. Шундай корхоналардан бири - спорт пойабзаллари ишлаб чиқарадиган “Найк” компаниясидир, уни ишчи кучларини ривожланаётган мамлакатларда ишлатиш амалиёти туфайли кескин танқид қилдилар.

- “Найк” компаниясининг асосчиси Филип Найт ва унинг бош ижрочи директори БМТда Глобал шартнома бўйича охири учрашувда шундай деди: “Охир-оқибатда “Найк”ка айланиб кетган компанияни ташкил этаётганимизда Орегон штатидаги кроссовка сотадиган бу кичкина корxonанинг глобаллаштириш тимсолига айланиб кетишини хаёлимизга ҳам келтирган эмасмиз. Лекин шундай бўлиб чиқди. Яна қўшимча қилдики: “Найк” кўп жиҳатдан экономикада ўзаро янада боғлиқ бўлиб қоладиган - амалга ошиши ва йўлга қўйилиши зарур бўлган тадбирлар тимсолига айланди! Кўпмиллатли компаниялар нуктаи назаридан олиб қараганда бизнинг корхона унчалик йирик эмас, аммо молларимизни 50 мамлакатга жўнатамиз. Бу мамлакатларнинг ҳар бирида мутлақо ўзгача ҳуқуқий, ижтимоий, молиявий ва иктисодий тузум мавжуд. Мана шу ҳолнинг ўзи ҳам “Найк” олдида, минглаб бошқа компаниялар сингари-жаҳон миқёсида бизнинг масъулиятимиз қандай эканлигини ва шундан келиб чиққан ҳолда турли мамлакатларда қандай ҳаракат қилишимиз зарурлигини белгилаб олишдек улкан вазифа турганлигини билдиради”.

■ **Тараққий этаётган мамлакатлар эҳтиёт чораларини кўрмоқдалар**

Бироқ тараққий этаётган мамлакатлар ўзларига тикиштирилаётган шартлардан беҳаловат бўлмоқдалар. Улар Халқаро валюта фонди ёки Бутужаҳон банкидан қарз олишлари учун бир олам шартларга амал қилишлари керак, бунинг устига шартларнинг баъзилари фойдадан кўра кўпроқ зарар келтиради. Шунинг учун ҳам корпорация масъулиятини расмийлаштиришга қистаганларида бу ишга гумон ва хавотир билан ёндошадилар. Шубҳасиз, улар ҳам меҳнат нормаларини, “” атроф муҳит муҳофазасини ва инсон ҳуқуқларини қўллаб-қувватлайди, аммо кўпчилик бунинг бой мамлакатнинг ўз экономикасини рақобатдан асраш - протекционизмни бекитиши учун тутун парда эмасмикан, дея чўчийди. Мазкур тамойилларни ресурслари бўлмаган ҳолда бажаришдан кўрқадилар ва бу билан улар жазо чораларига нишон бўлиб қолишлари мумкин. Уларнинг эҳтиёткорликлари ҳам бежиз эмас, чунки АҚШ Президенти Билл Клинтон Сиэттлдаги Бутунжаҳон савдо ташкилотининг музокаралари чоғида жазо чоралари - санкциялар тўғрисидаги масалани кўтариб чиққан эди.

Тараққий этаётган мамлакатлар ҳам шунингдек, глобал шартномани қўллаб-қувватлаш борасидаги фикрларини билдиришни орқага чўзиб келмоқдалар, чунки уларнинг кўпчилиги - танлаб олинган тамойиллар, барибир, кўпроқ шимолий мамлакатларнинг фойдасига амал қилади, деб ҳисоблайдилар. Тараққий этаётган мамлакатларни монополияларнинг ўзларини қандай тутишлари, чет эл корпорацияларининг солиқ олинадиган базадаги ҳиссасининг зарурати ва технологияларни алмашлаши катта ташвиш-хавотирга солмоқда.



— Янги даъватлар

Глобаллаштиришнинг барча жабҳаларини тартибга солиб туриш учун бутун жаҳонни доимий бошқарадиган ҳукумат, табиийки, йўқ. Бундай ҳукуматнинг бўлишини кўпчилик хохламайди ҳам. Бирок, глобаллаштиришни бошқариш ва унинг афзалликларидан ҳамма бирдек фойдалана оладиган шароитни барқарор этиш учун жаҳон иқтисодиётининг ҳамма иштирокчиларига барча асосий қоидаларни ўзида акс эттира олган, кўпқирралилик тамойилига асосланган халқаро ҳуқуқ тизимига, янада комплекс глобал бошқарувга зарурат мавжуддир.

Ўзаро боғлиқликнинг кўпгина соҳалари глобал эътиборга муҳтож. Глобаллашган иқтисодиёт афзалликлари иқтисодий бўҳронлар, эпидемиялар, экологик таназзул, жиноятчилик ва гиёҳванд моддалар каби “бутунжаҳон мараз”ларини бартараф этиш ва қисқартириш учун янада кенгрок, ҳамкорлик асосида, бутун дунё миқёсида қўшиб олиб борилиши керак. Ҳамкорлик - макроиқтисодий сиёсатга, шунингдек, савдога, интеллектуал мулкни одилона химоя қилиш учун ёрдамга ва эҳтиёжга қаратилган бўлиши керак.

Ҳозирги вақтда мазкур масалалар билан шуғулланадиган ташкилотлар бор, аммо умуман олганда, уларнинг иши халқаро ҳамжамият томонидан мувофиқлаштирилмаепти ва яхши қўллаб-қувватланмаепти. Сиёсатга катта даражада боғлиқликка эришиш учун орадаги бўшлиқларни тўлдириш ва мавжуд тизимни яхшилаш зарур. Миллий ҳукумат устидан ҳукмрон бўлишга ҳаракат қилмаслик ва маданият ҳамда жамоатчиликни сиқувга олмаслик; бутунжаҳон бошқарувининг асосий роли - мақсадларни аниқлаб олиш, нормаларни белгилаш ва уларнинг бажарилишини кузатиб туришдан иборатдир.

Шартнома асосида 189 мамлакатдан ташкил топган БМТ ҳам бунга бир мисол бўла олади. Аммо одамлар эҳтиёжлари билан шуғулланишида у нафақат ҳукуматлар балки шунингдек, фуқаролар жамоатчилиги, хусусий сектор, парламент аъзолари, давлатнинг маҳаллий органлари, илмий доиралар ва кўплаб бошқа кишиларнинг қўллаб-қувватлашларига муҳтож.. Шу мақсадда Бош қотиб аниқ ёрқин ҳаракатга даъват этар экан, ривожланган мамлакатларни қуйидаги тадбирларга ундайди:

- Ўз бозорларини камбағалроқ мамлакатларда ишлаб чиқарилган молларни эркин кириб келиши учун очиб қуйиш;
- Қарзни енгиллатиш бўйича дастурни амалга ошириш, жумладан, жуда кўп қарз бўлиб қолган камбағал мамлакатларнинг барча расмий қарзларини бекор қилиш, бунга камбағаллик миқёсини қисқартириш бўйича мажбуриятлар намоён этилишини алмашлаш;
- Тараққиётга янада кўпроқ саховат билан ҳамкорлик кўрсатиш;
- Дори-дармонлар ишлаб чиқарадиган мамлакатлар билан ОИТСга қарши самарали ва арзон вакциналар тайёрлаш соҳасида ишлаш.
- Африка эҳтиёжлари учун махсус пул маблағлари ажратиш.

— Ўқувчиларга тавсия этиладиган фаолият турлари

1. Уйингиздаги буюмлар устида, уларнинг қаерда ишлаб чиқарилганини аниқлаш учун норасмий тафтиш ўтказинг. Уларнинг қаерда тайёрланганини аниқланг. Ёки қандайдир овқатни танлаб олинг ва унга солинган масаллик, рўйхатини тузинг. Уларнинг ҳар бири қаердан олиб келинганини билиб олинг. Ёки ёнингиздаги супермаркетга кириш.

Пештахтадаги маҳсулотларнинг ёрлиғига эътибор беринг ва уларнинг географик келиб чиқишини аниқланг. Тўпланган маълумотларни синфда муҳокама қилинг. Сиз қандай хулосалар чиқаришингиз мумкин?

2. Ўзингиз мансуб бўлган қандайдир гуруҳни танланг. Унинг ҳар бир аъзосидан ўзининг туб илдиэлари, уларнинг оила аъзоларининг этник келиб чиқишини сўраб кўринг. Уларнинг мураккаб илдиэларини намоеън этиш учун тўғноғич ёки нинага ўхшаган белгилловчи биланшу оилаларнинг илгариги бўғинлари бобо-бувиларнинг ҳаракатларини жаҳон харитасидан аниқланг. Тўпланган маълумотларингизни синфда муҳокама этинг. Қандай хулосалар чиқариш мумкин? Одамлар гуруҳининг янги жойларга кўчиб кетиши қандай иқтисодий товарларни олиб бориш фикрини туғдиради? Нима учун? Маҳаллий ашёлар асосида мисоллар келтиринг.
3. Бутунжаҳон савдо ташкилотининг Сиэтлдаги учрашуви материалларини тадбиқ этинг. Бутунжаҳон савдо ташкилоти нима? Қайси мамлакатлар унинг аъзолари ҳисобланадилар? Унинг вазифаси нималардан иборат? Қарорлар қандай қабул этилади? Сиэтлдаги норозилик ҳаракатларида қандай одамлар, нима учун иштирок этдилар? Норозилик ҳаракатлари давомида кўтарилган сабаб ва масалаларнинг баъзилари нималардан иборат бўлди? Ўз вакилларини юборган бир неча мамлакатни танланг. Ҳар хил масалалар бўйича мамлакатларнинг нуктаи назарини тушунтиринг.
4. Норозиликларга нишон бўлган компаниялардан бирини танланг. Компания, унинг фаолият кўрсатаётган жойи ва характери тўғрисида, захирадаги моллари тўғрисида, норозилик митингларида иштирок этган шахслар томонидан фойдаланилган асосий далилларнинг характери, компания фаолиятдан норозилик митингларига компаниянинг муносабати ва захирадаги молларининг нархи тўғрисида кўпроқ билиш учун тадқиқотлар ўтказинг. Интернетнинг Глобал шартнома саҳифасига қаранг, компания бу шартномага имзо чекканми?
5. “Форбс” ёки “Экономист” каби журналлар ёки уларнинг Интернетдаги саҳифаси сингари манбалардан фойдаланиб дунёдаги энг бой корпорациялар рўйхати ва уларнинг умумий савдо ҳажми рўйхатини тузинг. Бутунжаҳон банки манбаларидан фойдаланиб жаҳон мамлакатларининг ялпи маҳсулотлари (ҳажми бўйича кетма-кетликда тузилган) рўйхатини топинг. Барча рўйхатларни солиштиринг ва жаҳоннинг энг бой 100 субъекти рўйхатини тузинг. Бу рўйхатда неча мамлакат ва неча корпорация бор? Тўплаган ахборотингизни синфдагилар билан муҳокама қилинг. Сиз тузган рўйхатдаги қайси номлар сизга ва синфдаги бошқа ўқувчиларга яхшироқ таниш? Йирик корхоналарнинг энг сўнги кўшилиш ҳолларини кўпроқ тушунтиринг. Бу кўшилиш янги субъектларнинг аҳволига қандай таъсир кўрсатди?
6. Сизнинг уйингизда бўлган маҳсулотни тайёрлайдиган компанияни танланг. Шу компания тўғрисида, унинг бош қароргоҳи ва бошқа муҳим бўлинмаларининг қаерда жойлашганлиги, у чиқарган бирор мол ёки моллар, унинг тарихи ва ривожланиши ҳақида кўпроқ ахборотлар тўплаган. Унинг ўз ахлоқ кодекси борлигини билиш учун компаниянинг Интернетдаги саҳифасига қаранг. У атроф муҳитни, ишчиларнинг ҳуқуқларини ва инсон ҳуқуқларини муҳофаза этадими? Компанияга, унинг фаолияти борасидаги ўз қарашларингизни ёки уйингиздаги унинг маҳсулоти ҳақидаги мулоҳазаларингизни ифода этиб мактуб йўлланг.
7. “Корпорат уоч” ёки Сиёсатни тадқиқ этиш институти каби қандайдир ноҳукумат ташкилотининг саҳифасини топиб олинг. Улар қандай масалаларни ўрганадилар? Улар қайси корпорацияларни кузатиб борадилар? Нима учун? Уларнинг танқиди тўғрими?
8. Мактабингизда глобаллаштириш бўйича форум ўтказишни режалаштиринг. Унга тадбиркорлик бўйича, савдода, инсон ҳуқуқлари, атроф муҳитни муҳофаза этиш соҳаларида ва меҳнат муҳофазаси борасида ишлаётганларни таклиф этинг, улар

тегишли масалалар бўйича ўзларининг ички маълумотлари билан ўртоқлашадилар. Улардан сўзлаб беришни ва ўқувчиларга фаолиятнинг қандайдир турини тавсия этишларини илтимос , килиш мумкин. Барча фикр-мулоҳазаларни тингланг ва улардан қай бири сизнинг учун муҳимлигини ўзингиз хал этинг. Қизиқиб қолган ўқувчилар, балки, мана шу таклифларга асосланган қандайдир навбатдаги тадбирни режалаштириш ҳаракатига тушиб қолишлари мумкин.

9. Энг йирик газеталардаги қимматли қоғозлар бозори ҳисоботларини бир неча ҳафта мобайнида кузатиб боринг. Қайсидир бир бозордаги қандай илгарилаш бошқасига қай йўсинда таъсир этди? Билганларингизни синфдагилар билан ўртоқлашинг. Сиз қандай хулосалар қила оласиз?

Баъзи манбалар

Интернетда

БМТнинг Тараққиёт дастури: <http://www.undp.org/>

БМТнинг иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича департаменти: <http://www.un.org/esa/> шунингдек, Ижтимоий тараққиёт манфаатлари йўлида олий даражадаги бутунжаҳон учрашуви саҳифасига ва беш йил ўтганидан кейин қўлга киритилган натижалар обзорига қаранг:

<http://www.un.org.socialsummit>

БМТ Бош котиби Кофи Аннанинг Глобал шартномаси:

<http://www.unglobalcompact.org/> Бутунжаҳон савдо ташкилоти: <http://www.wto.org>

Бутунжаҳон банки: <http://www.worldbank.org/>

“Корпорат уоч” ташкилоти: <http://www.go.com/>

Ижтимоий масъулият учун бизнес: <http://www.bsr.org/>

Эркин касаба уюшмасининг халқаро кенгаши:

Сиёсатни тадбиқ этиш институти: <http://ips-dc.org>

Интер-пресс хизмати: <http://www.ips.org/>

Парламентлараро иттифоқ: <http://www.ipu.org/>

“Транспаренси интернэшнл” ташкилоти:

<http://www.transparency.de/index.html/>

Фридрих Эберт штифтунг: <http://www.fes.de/>

Форд жамғармаси: <http://www.fordfound.org/>

Босилган материаллар:

Тараққиёт масалалари бўйича кун тартиби, БМТ, 1997

Ўзгаришлар: инсоният тараққиётига хавф-хатарми ёки имконият?

БМТнинг Тараққиёт дастури, 1991

2000 йилда камбағалликни енгиб, БМТнинг Тараққиёт дастури, 2000

Инсон тараққиёти тўғрисида ҳисобот, БМТнинг Тараққиёт дастури, 1997

Асосий статистик маълумотлар



- ❑ Мактабга қатнамаётган 100 миллион боланинг, тахминан 60 фоизини қизалоқлар ташкил этади.
- ❑ 18 га тўлаётган қизалоқлар ва қизлар болаларга қараганда, ўрта ҳисобда 4,4 йил кам ўқийдилар.
- ❑ Дунёдаги кичик ёшдаги 130 миллион мактаб болаларининг қарийб 60 фоизини қизалоқлар ташкил этади.
- ❑ Саҳрои Кабирдан жанубда жойлашган баъзи Африка мамлакатларидаги ўсмир қизалоқлар ўртасида ОИТС вирусини юктириш даражаси болаларга қараганда беш марта юқорирокдир.
- ❑ Ҳомиладорлик ва туғиш билан боғлиқ саломатлик муаммолари ҳар йили қарийб 146 минг ўсмир қизалоқни ҳаётдан олиб кетади.
- ❑ Саҳрои Кабирдан жанубдаги Африка мамлакатларида туғайётган аёлларнинг ҳар ўн учтасидан биттаси нобуд бўлади, айти пайтда Ғарбий Европада туғиш чоғида ҳар 3200 аёлнинг биттаси ҳаётдан кўз юмиши мумкин.
- ❑ Бутун дунё бўйича, ўз ҳаётлари мобайнида ҳар уч қизалоқдан биттаси калтаклаш ва жинсий зўравонликка дучор бўлган.
- ❑ Ҳисоб-китобларга қараганда ривожланаётган мамлакатларда 450 миллион катта ёшдаги аёллар ёшлик чоғлариданоқ тўйиб овқатланмаганлиги оқибатида ривожланишдан орқада қолган.
- ❑ Ҳар йили икки миллион қизалоқлар ва аёллар жинсий муаммоларга боғлиқ операциялар туфайли мажруҳ бўлиб қоладилар.



Қизалоқлар ва қизлар

“Қизалоқларни кўплаб имкониятлардан маҳрум этиш, бу - оддийгина жинсига қараб камситиш масаласи эмас - аслда ёмон иқтисодиёт ва ёмон ижтимоий сиёсатнинг оқибати. Тажриба яна ва яна шунни тасдиқлайдики, қизалоқлар таълимига сарфланган сармоя бутун оила учун яхши овқатланиш, энг яхши соғлиқни сақлаш, туғилиш суръатининг пасайиши, камбағаллик кўламларини қисқартириш ва иқтисодий фаолиятнинг янада юқорироқ кўрсаткичлари кўринишида тез ва тўғридан-тўғри қопланиб кетади.”

Бош котиб Кофи Аннанинг “Мингйиллик маърузаси”дан

— Майя ҳикоя қилади

“Менинг отим Майя. 14 йил илгари камбағал деҳқон оиласида туғилдим. Оилада болалар кўп эди, шунинг учун мен туғилганимдан ҳеч ким хурсанд бўлмаган.

Жуда кичиклигимданоқ уй ишларида онамга ва опамга ёрдам беришни ўргандим. Яъни уйни супурдим, кир ювдим ва сув, ўтин ташидим. Менинг дўстларим ховлида ўйнашарди, лекин мен уларнинг ёнига боролмас эдим.

Мактабга боришга рухсат берганларида мен бахтиёр инсонлардан бири эдим. У ерда баъзи болалар билан дўстлашдим. Ниҳоят ўқишни, ёзишни ўргандим. Мен тўртинчи синфга борганимда отам мактабга қатнашни тақиқлаб қўйди. У мактаб учун тўлашга пули йўқлигини айтди. Бундан ташқари мен ўйда онам ва бошқаларга ёрдам бериш учун керак эдим.

Агар яна қайта туғилиш мумкин бўлганида эди, мен ўғил бола бўлиб туғилар эдим”.

— Таниш манзара

Бу ҳикоя, сўзсиз, ривожланаётган мамлакатлардаги кўплаб қизалоқлар ва қизларнинг тақдирини акс эттиради. Бироқ, одатдаги турмуш шундайки, ҳаётнинг ҳар бир жабҳасида, ҳар бир мамлакатда, одатда қизалоқлар ва жувонлар ўз елкаларида шундай оғир жабр-жафо юкини кўтариб юришга ва шундай муомалага мустаҳик этилганларки, бу ҳол уларнинг нотенгликларидан далолат беради.

Қизалоқлар, бутун дунё бўйича камситишлар билан юзма-юз келмоқдалар. Кўпинча

улар ўғил болаларга қараганда кам озиқ-овқат оладилар, мактабдан ҳам камроқ баҳраманд бўладилар ва кўпгина мамлакатларда 5 - 6 ёшларида ҳам иш соатини кўпроқ ишлайдилар. Олти - ўн ёшлардаги саккиз миллион қизалоқ умуман мактабга бормайди, буни юқорида келтирилган ҳикоя ҳам тасдиқлаб турибди.

Ўғил болалар, эркаклар жинси оилада бошқалардан қимматли ҳисобланадиган мамлакатларда, кўпинча қизлар:

- яшаш ҳуқуқларидан маҳрум этилганлар;
- миллат номини олишдан маҳрум қилинганлар.

Қизалоқларни турмушга эрта бериб юбориб ёки уйда қолиб хўжаликка ёрдам беришга мажбур этиш билан уларни қуйидаги имкониятлардан маҳрум этадилар:

- таълим олиш ҳуқуқи ва у бериши мумкин бўлган барча имтиёзларлардан;
- бошқалар билан эркин муомала қилиш ҳуқуқидан;
- эркинликлардан ноўрин чеклаб қўйиш билан боғлиқ ҳуқуқларидан.

Қизалоқлар ва қизларнинг ҳаётига уруш, қашшоқлик ва бошқа муҳтожликлар катта хавф туғдиради, чунки уларни зўрлашлари, жуда хавфли ҳолатларда ва шароитларда секс-кул сифатида, уй хизматкори - оқсоч сифатида фойдаланишлари ва қарз мажбуриятлари эвазига фабрика-заводларда ишлашга мажбур этишлари мумкин. Қизалоқлар ва қизлар амалиётда ўз ҳуқуқларидан фойдаланишга эришишлари учун халқаро ҳамжамият томонидан қўшимча ҳимоя ва ёрдам талаб этилади.

■ Қизалоқлар қандай ҳимояланган

1989 йилда қабул этилган ва ҳозирги кунга қадар дунёнинг кўплаб мамлакатлари томонидан ратификация қилинган Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция қизалоқлар ва қизларнинг нотенглиги ва камситишларининг ҳозирга қадар мавжуд бўлган барча шаклларини аниқлаш, уларнинг ҳуқуқларини амалга оширишга зарар етказаётган амалиётлар ва анъаналарни бартараф этиш ва уларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда муҳофаза этиш бўйича самарали стратегияни белгилаб олишдан иборат ҳаракат режасини кўзда тутди. Лекин ижобий ўзгаришларни таъминлаш учун уларни ҳаётга татбиқ этиш керак.

Болалар ҳуқуқлари конвенциясидан ташқари, яна қизалоқлар ва қизлар ҳуқуқларини кенгайтириш соҳасидаги бирмунча кенг кўламдаги халқаро битим ҳисобланган ва 163 давлат томонидан ратификация қилинган Хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг барча шаклларини бартараф этиш тўғрисидаги конвенция ҳам бор. Инсон ҳуқуқлари бўйича мавжуд халқаро шартномаларга асосланадиган бу Конвенция хотин-қизлар ҳуқуқи билан шуғулланадиган алоҳида ҳужжатдир. У камситишларнинг салбий оқибатларини изоҳлаб беради ва эркак билан аёлнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва оилавий соҳалардаги аҳволдан қатъи назар аёллар билан эркаклар ўртасидаги тўлиқ тенгликни барқарор этишга йўналтирилган. Хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг барча шаклларини бартараф этиш тўғрисидаги конвенцияни ратификация этган давлат қизалоқлар ва аёлларнинг тенглигини таъмин этувчи хотин-қизлар ҳуқуқлари бўйича қонунлар қабул қилиш, комиссиялар тузиш сингари аниқ қадамлар ташлаши керак. Бу каби ишларни БМТнинг Хотин-қизларга нисбатан камситишларни баратарф этиш бўйича қўмитаси кузатиб боради.

Конвенцияларнинг иккаласи ҳам аниқ кўрсатиб турибдики, қизалоқлар ва уларнинг оналарининг фаровонлиги ва ҳуқуқлари ўзаро мустаҳкам боғлиқ. Агар қизалоқ олийжаноб

мухитда ўсиб-улғайса ва унинг таълим олиш, саломатликни муҳофаза этиш, овқатланиш ва химоя этиш ҳуқуқларига амал қилинса, унинг ҳаёти аёл бўлганидан кейин бирмунча яхши кечиши мумкин. Айни пайтда қизалоқларнинг ҳаёти ва тарбияси, унинг онасининг қандай яшаши ва ҳуқуқлари қай даражада ҳурмат қилингани билан белгиланади. Агар она, маълумот олмай, кунига кўплаб соатлаб ишласа, мулкка эгалик қилиш ва оила ресурсларини назорат этиш ҳуқуқига эга бўлмай, фақат болаларни кўпайтириш билан шуғулланган бўлса, бундай оналар камбағаллик гирдобда қоладилар, улар ўз фарзандларига ҳам ҳаётда яхши шароит яратиб бера олмайдилар. Бу ҳолда жинс белгиси бўйича нотенгликнинг туб илдиэлари билан шуғулланиш муҳимдир. Камситишларнинг мустаҳкам кўрғонига илгарирок, улар таассурот ёки одат тусини ола бошлаган пайтдаёқ кириб бориб, зарба берганда уни ички меъёрга айланиб бўлганига қараганда тезроқ йўқотиш мумкин.

— Қизалоқлар ҳуқуқларини белгилаб берадиган туб тамойиллар нималардан иборат?

Қизалоқлар ҳуқуқлари тўғридан-тўғри барча болалар учун қўлланилиши мумкин. Болалар ҳуқуқлари конвенциясида уларнинг асосида ётадиган тўртта туб тамойил қуйидагича аниқлаб берилди:

- Боланинг келиб чиқиши, унинг ота-оналари ва қонуний боқимандасидан қатъий назар, болалар камситишлардан азоб чекмаслиги керак;
- Болалар яшашга ва энг кўп яшашга, ўзларининг ҳаётларининг барча жабҳаларида ривожланиш ҳуқуқига эга.
- Алоҳида бирор бола ёки умуман болаларга тааллуқли барча қарорлар ва саъй-ҳаракатларнинг қабул этилишида болалар манфаатларига устуворлик берилиши керак.
- Болалар, уларнинг ҳаётларига тааллуқли барча фикр-мулоҳазалари, ҳар қандай ҳолларда жиддий қабул қилиниш ҳуқуқига эга.

Мамлакатлар мазкур тамойилларни 1994 йил Коҳирада бўлиб ўтган Аҳоли қатламлари ва тараққиёт бўйича конференцияда яна ҳам мукамалроқ ишлаб чиқиб, қуйидаги масалалар бўйича битимлар тузишга муваффақ бўлдилар:

- Туғилган ўз қизларини ўлдириш ёки бола жинсини туғилгунига қадар танлаш сингари зарарли ва номақбул амалиётга олиб келувчи, туб сабаби ўғил болаларни афзал кўришдан иборат бўлган қизалоқларга тааллуқли камситишларнинг барча шаклларини бартараф этиш;
- Қизалоқларнинг кадриятлари борасидаги жамоатчилик фикрини яхшилаш, айни пайтда қизалоқларда ғурур ва ўзи тўғрисидаги фикрни, шунингдек, уларнинг статусларини мустаҳкамлаш;
- Қизалоқларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, айниқса, саломатлик, овқатланиш ва таълим савиясини ошириш.

— Ютуқлар сари йўл

1999 йилнинг охирларига қадар 9 Африка мамлакати ва дунёнинг 7 тараққий этган мамлакати аёлларни майиб қилиб қўядиган. уларнинг жинсий аъзоларига қилинадиган операцияни тақиқладилар. Кўплаб бошқа мамлакатлар таълим ва жамоатчилик фикрини шакллантириш ишини амалга оширишга киришдилар. 1990 йилдан болаларни бошланғич таълим билан қамраб олиш 50 миллион бола хисобига кўпайди, бу болаларнинг ярмини қизалоқлар ташкил этади.

- Қизларга таълим бериш бўйича Африка ташаббуси деган Халқаро кампания - 20 дан ортик мамлакатда 4200 мактаб ва саводсизликни тугатиш марказларида ёрдам кўрсатмоқда.
- Яманда ҳукумат қишлоқ жойларида яшайдиган қизалоқларни текин ўқитишни йўлга қўйди, бунинг учун 2 минг ўқитувчи тайёрланди.

Юқорида тилга олинган Аҳоли қатламлари бўйича конференциядан ташқари яна кўплаб халқаро конференциялар ўтказилди, уларда мамлакатлар янги декларацияни қабул этиб, ўз олдларига янги мақсадларни қўйиб, қизалоқлар ва умуман, хотин-қизларга тааллуқли камситишларга қарши курашда нималар қилаётганликлари тўғрисида ҳисобот бердилар. Бу конференцияларнинг баъзилари қуйидагилардир:

- Болалар манфаатлари бўйича олий даражадаги бутунжаҳон учрашуви (1990)
- Инсон ҳуқуқлари бўйича бутунжаҳон конференцияси (1993)
- Хотин-қизлар аҳоли бўйича тўртинчи бутунжаҳон конференцияси (1995)
- Аҳоли пунктлари бўйича бутунжаҳон конференцияси (1996)
- Пекин конференцияси+5 қарорларини бажариш бўйича 2000 йилги аёллар конференцияси

■ Ижобий натижалар ютуқларидан мисоллар

ЮНИСЕФ тараққий этаётган мамлакатларда қизалоқларнинг ҳуқуқларини барқарор этиш учун кўплаб муваффақиятли дастурларни амалга оширмоқда:

- Зимбабведа каттароқ қизалоқлар кичикроқларига таътил пайтида математика ва бошқа аниқ фанлардан ёрдамлашиб, мураббий вазифасини адо этмоқдалар. Непалдаги жамоатчилик марказлари кичик болаларга қараб туриш ишини ўз зиммасига олиб, бу билан қизалоқларнинг мактабга қатнашларига имкон яратмоқда. Мисрда жамоатчилик мактабларининг очилиши ва ўқитувчилар тайёрлашни яхшилаш ижобий натижаларни берди: Бу натижалар - қизалоқларни юқори даражада қамраб олиш (шимолий провинцияларда 30 фоиздан 70 фоизга қадар), яхши давомат ва миллий имтиҳонларда энг яхши натижалар демакдир.
- Таиландда Ёшлар тараққиёти дастури касб-хунар таълими бериш ва жинсий эксплуатацияга дучор этилиш хавфи юқори бўлган қизалоқларни ишга жойлаштириш каби тадбирлар билан шуғулланмоқда. Ҳисоб-китобларга қараганда ишчиларнинг 50 фоизини болалар ташкил этадиган Непалдаги гилам тўқиш фабрикаси, кўпинча иш берувчилар томонидан жинсий эксплуатацияга маҳкум этиладиган ва Ҳиндистон фоҳишахоналари таъмин этиладиган жой ҳисобланади. ЮНИСЕФ Калкуттада фоҳишалик билан шуғулланаётган 8 минг бола ўртасида ОИТС тарқалишини бартараф этиш бўйича дастурларни молиялаштиради.
- Сенегалнинг Дакар шаҳри яқинидаги қўрғонда аёллар жинсий аъзоларини кесиш ёки “қўлини ҳалоллаш”, жумладан, аёлларнинг соғлиқни сақлаш ҳуқуқлари бўйича инновация таълим компанияси туфайли таъқиқлаб қўйилди. Аёллар жинсий аъзоларини кесишни таъқиқловчи миллий қонунчиликнинг қабул этилишини қўллаб-қувватлаган бу дастур хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтди, жамоанинг хайрихоҳлигига сазовор бўлишга ёрдам берди ва шундай дастурнинг яна 60 қўрғонда амалга оширилишига кўмаклашди.
- Бангладешда овқатланишни яхшилаш билан шуғулланадиган ходимлар аёллар ва болалар,

айниқса, қизалоқларнинг яхшироқ овқатланишларига ёрдам берувчи мингдан ортик жамоатчилик марказларида хизмат қиладилар.

Бошқа ташкилотлар ҳам, шунингдек, болаларни зўравонликлар ва қуролли можаролардан муҳофаза этадиган дастурларни амалга оширмоқдалар.

- “Болалар билан алоқа ўрнатиш” дастури можаролар ва табиий офатлар туфайли ота-оналарини йўқотган болаларнинг ота-оналари билан қайта топишишлари учун энг яхши телекоммуникация технологияларидан фойдаланади. Халқаро кутқариш кўмитаси ташаббуси билан бошланган лойиҳа, унга йўқолган болалар тўғрисидаги маълумотлар ва расмларни, шунингдек, ота-оналар томонидан кидирув тўғрисида берилган эълонларни жойлаштириш мумкин бўлган, шу соҳада ишлайдиган барча ташкилотлар баҳраманд бўлиши кўзда тутилган маълумотларнинг умумий базасидан фойдаланади. Илгарилари ойлаб давом этадиган кидирув ишлари эндиликда бир неча соатга чўзилиши мумкин.
- Табиий офатларни илғаб оладиган янги дастур тезкор ва спутник телефон алоқалари, шунингдек, инсонпарварлик ёрдами кўрсатадиган ходимлар учун микроволна алоқани ташкил этиш ва барқарор қилишни таъминлайди. Бу - кўплаб бугунги кунда рўй бериши кутилмаган тасодифий офатларга инсонпарварлик акс-садоларини бирмунча яхшилади ва тезлаштиради.
- 2000 йилнинг июл ойида саккизта энг катта мамлакатларнинг (“Катта саккизлик”нинг) раҳбарлари овқатланиш бўйича умумий кампания бошланганини эълон қилдилар. Мактаб нонушталари дастури болаларнинг, жумладан, қизларнинг мактабга боришларини ота-оналар томонидан таъмин этилишига ўзига хос омил бўлади.

== Мушоҳада: тор чўққисидаги кичкина мўъжиза

Пушту тилида “Ларам” сўзи “чиён” деган маънони англатади. БМТга тегишли эски юк машинаси тор, ўтиш қийин бўлган, дарёлар бўйидаги, илгариги асрларни эслатувчи йўлдан зўрға-базўр ўтиб, ҳар ойда бир марта Покистон шимолидаги чегара районидаги тоққа тирмашиб олган қишлоқ томон илгарилайди. Унга ўз қизларини мактабга беришга розилик билдирган Ларманинг ота-оналарига тарқатишга мўлжалланган ўсимлик ёғи ортилган.

БМТ томонидан бошқариб борилаётган - қизлари мактабга бораётгани учун ёғ бериш лойиҳаси, бутунжаҳон курашида нафақат хотин-қизлар саводсизлигига қарши, балки, шунингдек очликка ҳам қарши қаратилган янги қуролдир. Бу ерда яшаётганлар шу қадар камбағалки, қизларини ўқитиш уларнинг хаёлларига ҳам келмайди. 1994 йилда БМТнинг Жаҳон озиқ-овқат дастури ўзининг “Қизлар учун мой” деб номланган дастурини амалга оширишга киришди. Унинг стратегияси ойига 20 кун мактабга қатнаган қизалоққа маҳаллий аҳоли учун энг қимматли озиқ-овқат маҳсулоти ҳисобланган - беш литрлик банкада ёғ беришдан иборат эди. Тақдирлашнинг мана шу чораси дарсдан қолишларни камайтирган ўқитувчилар учун ҳам қўлланилди.

Дастур оиладаги қизларнинг мавқеини тезда ошириб юборди. “Қизалоқ қўлида банка кўтариб келаяптими, бу, демак, жуда муҳим иш”, - дейди, БМТ ходимларидан бири. “У мана шу банкани ўз оиласига олиб боради”.

Дастур амалга оширила бошланиши билан қизалоқларни мактабдаги ўқиш билан қамраб олиш қишлоқда мисли кўрилмаган даражага кўтарилди. Мактабларнинг бирида ўқувчилар сони ўн мартага, 20 нафадан 220 нафарга кўпайди.



Қизларнинг баъзилари гоят қобилиятли. Уларнинг ўқитувчилари Хуссейн Аранинг айтишича, улар бундан кейин ҳам мактабга қатнай олишса, қачондир ўқитувчи бўлиб камбағалларга ёрдам беришлари мумкин.

**“Лос-Анжелис Таймс” газетасидан
(1977 йил, 22 декабр) мослаштириб олинди.**

■ Нималар қилиш мумкин?

Қизалоқларнинг ўз ҳуқуқларидан фойдаланишларига шароит яратиш ишида қўлга киритилган бирмунча натижаларга қарамасдан, бу мақсадга эришиш учун илгарида қилиш зарур бўлган жуда кўп ишлар турибди. Қизалоқлар ва аёлларни камситиш, тенгсизлик, лоқайдлик, эксплуатация ва зўравонлик борасида ҳал этилиши зарур бўлган кўплаб муаммолар мавжуд.

- Ушбу муаммоларнинг бир қисми - кўплаб давлатлардаги, шу мамлакатларнинг қизалоқлар ва аёлларга тааллуқли бўлган камситишлар ва нотенгликни қисқартириш сиёсатини амалга ошириш борасидаги олийжаноб саъй-ҳаракатларини йўққа чиқарадиган қашшоқликдир. Бош қотиб ўзининг “Мингйиллик маърузаси”да ҳукуматларни, ўз олдиларига 2015 йилга бориб бутун дунё бўйича қашшоқликда яшаётганлар сонини икки баробар қисқартириш ва 2020 йилга бориб харобаларда кун кечираётган 100 миллиондан кам бўлмаган кишилар турмушини бирмунча яхшилаш мақсадини қўйишга чақирди. Бундан ташқари, ҳукуматлар, ўз мамлакатлари аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашлари учун 2015 йилга қадар мунтазам тарзда баҳраманд бўладиган, баҳоси арзон, шундай манбаси ва тоза сувлари йўқ одамлар сонини икки баробар қисқартиришга чақирилади.
- Сифатли таълим сингари тадбирлар болалар, айниқса, қизалоқлар учун ҳеч қандай маъно аниқламайди. Ўтган ўнйилликда эришилган тараққиётга қарамасдан, мактабларда ўқиётган қизлар сони - болалар сонидан кам ва ҳатто, қизлар мактабга қатнаётган бўлсалар ҳам улар болаларга қараганда ёмон ўқийдилар. Қашшоқликнинг мустаҳкам қўрғонини вайрон этиш учун жуда кўп ишларни амалга ошириш керак. Бош қотиб 2005 йилгача бошланғич ва ўрта таълимда жинс бўйича фарқни бирмунча қисқартиришни ва 2015 йилга қадар барча болалар учун мажбурий бошланғич таълимни таъмин этишни тақлиф қилди.
- Айни пайтларда ОИТС ва унинг вирусларининг юқиши инсоният бошига жуда катта хавф-хатар солмоқда, бу ҳол муаммони яна ҳам мураккаблаштириб юбормоқда, чунки қизалоқлар худди шу ёшдаги болаларга нисбатан бу касалликни жуда кўп юқтириш хавфи остида қолмоқдалар. Тадқиқотлар шундан дарак берадики, кўплаб қизалоқлар бу бало-офат олдида ўзларининг қанчалик ҳимоясиз эканликларини, бу инфекциядан ўзларини асраш учун нималар қилишлари зарурлигини тасаввур ҳам этолмайдилар. Бош қотиб, ҳукуматларни, ёш эркак ва аёлларни инфекциядан 2005 йилга бориб камида 90 фоиз ва 2010 йилга бориб 95 фоиз даражада ҳимояланишлари учун, уларга керак бўладиган ахборотлардан, таълим ва хизматлардан баҳраманд бўлишларини таъминлаш борасидаги эришишлари лозим бўлган кўрсаткичларни белгилаб қўйишга чақиради. Бундан ташқари, ривожланаётган мамлакатлар ўз фирмалари томонидан ва бошқа ҳамкорлар билан ОИТС вируслари инфекциясига қарши арзон ва самарали вакциналар ишлаб чиқариш ва тарқатишга эришишлари учун рағбатлантириладилар.

Шунинг учун давлатлар қизалоқлар ва аёллар ўз ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланиш имконини бермайдиган ижтимоий ва маданий чеклашларни бартараф этишга йўналтирилган саъй-

ҳаракатларни икки баробар кучайтиришлари зарур. Бирмунча камбағал мамлакатлар, ўзларида бундай хизматларнинг йўқлиги, қизалоқларни камситишларга қарши кучайтириб юбориладиган асосий хизматларни таъминлаш учун бирмунча бой мамлакатлар мададига муҳтождирлар. Бош қотибнинг фикрига қараганда бу борада омадли мамлакатлар бошқаларига қуйидаги тадбирларда ёрдам беришлари мумкин:

- Ўз бозорларини тараққий этаётган мамлакатларда ишлаб чиқарилган товарларга, айниқса, бирмунча кам ривожланган мамлакатлардан келаётган экспорт товарларга, ҳар қандай божлар ва квоталарсиз очиб қўйиш;
- Кўпроқ қарз бўлган камбағал мамлакат қарзларини бекор қилиб ва уларнинг қарзларига хизмат кўрсатиш учун, соғлиқни сақлаш ва таълим дастурлари учун зарур маблағлар юбориб;
- Айниқса, камбағаллик кўламларини тез суръатлар билан қисқартираётган мамлакатларга тараққиёт соҳасида каттароқ ёрдам бериш билан;
- Тараққий этаётган мамлакатларга кенг кўламда тарқатиш учун ОИТС вирусларига қарши арзон ва самарали вакциналар ишлаб чиқариш соҳасида фармацевтика компаниялари билан ишлаб;
- Камбағалликни тугатиш ишида хусусий секторлар билан ҳамкорлик иттифоқлари ташкил этиб;
- Қитъа муаммоларини ҳал этишга йўналтирилган курашда Африка эҳтиёжларига алоҳида эътиборни жалб этиб...

== Ўқувчиларга тавсия этиладиган фаолият турлари

1. Ёшлар овози - болалар ва ёшлар масалалари ва ҳуқуқлари бўйича онлайн режимида “суҳбат хонаси”. Муҳокамада иштирок этиш учун ЮНИСЕФнинг www.unicef.org кейин “Ёшлар овози” сайтига кириш ва ўз мулоҳазаларингизни баён этинг, шунингдек болаларга тааллуқли кенг кўламдаги масалаларга овоз беришда иштирок этинг. Овоз бериш натижалари онлайн режимида акс этади.
2. БМТнинг мактаб клубида иштирок этинг, агар бундай клуб бўлмаса уни ташкил этинг.
3. Сизнинг мамлакатингиз Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ва Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шакллари бартараф этиш тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилганини текшириб кўринг ва бу борада қандай саъй-ҳаракатлар олиб борилаётганини аниқланг. Қизалоқларнинг турмуш шароитини ўзгартиришга таъсир эта олиши мумкин бўлган миллий раҳбарларингизга ва номзодларга хат ёзинг ва мактубингизни электрон почта орқали жўнатинг.
4. Ҳарбий шароитда қолган ёки қашшоқликда кун кечираётган қизалоқлар ва аёлларга ёрдам кўрсатишга йўналтирилган қандайдир дастурни қўллаб-қувватланг. Бундай ёрдамлар ЮНИСЕФга ўхшаган ташкилотлар томонидан тақдим этилиши мумкин.

== Баъзи манъалар

Интернетда

www.unicef.org

www.un.org/womenwatch/daw/committee.htm (Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шаклларини бартараф этиш тўғрисидаги конвенция).

www.unifem.undp.org БМТнинг хотин-қизлар тараққиёти жамғармаси

www.un.org/instraw Хотин-қизлар тумуш шароитини яхшилаш бўйича халқаро ўқув ва илмий тадқиқот маркази

www.savethechildren.org

www.unaids.org БМТнинг ОИТС бўйича бирлашган дастури.

Босилган материаллар:

“Қизалоқлар ва аёллар. ЮНИСЕФнинг тараққиёт соҳасидаги устуворликлари”, БМТнинг Болалар жамғармаси, 1993

“Тенглик, тараққиёт ва тинчлик - Хотин-қизларнинг 2000 йилги

“Пекин+5 конвенцияси, ЮНИСЕФ, 2000

“Камбағаллик кўламларини қисқартириш болалардан башланади”, ЮНИСЕФ, 2000

“Болалар ва хотин-қизлар учун Инсон ҳуқуқлари: уларни ҳаётга татбиқ этишга ЮНИСЕФ қандай ёрдам бераяпти”, ЮНИСЕФ, 1999

“Қизалоқлар: бутун дунёни чорлаб”, БМТ, 1995

(Ушбу бўлим ЮНИСЕФ томонидан тузилган)

Асосий статистик маълумотлар



- Куч ёки бошқа баъзи воситалар орқали ҳарбий ҳаракатларда қатнашишга маҳкум этилган ўн саккизга тўлмаган болалар сони, тахминан 300 минг нафарни ташкил этади.
- 15 ёшга тўлмаган аскарларнинг кўпчилиги нодавлат ҳарбий ташкилотлар таркибидадир.
- 18 ёшгача бўлган аскар болаларнинг кўпчилиги давлатлар томонидан ҳарбий кучлар сафига чақирилган.
- Энг кичик аскар болаларнинг ёши сал кам еттида.
- Болаларни ҳарбий хизматга чақириш ёки улардан аскар сифатида фойдаланишни тақиқлайдиган факултатив протокол тўла-тўқис ишлаб чиқилган ва 2000 йилнинг июн ойидан бошлаб барча давлатлар учун имзолаш ва ратификация қилишга очиб қўйилган.
- Айни пайтда 50 дан ортиқ мамлакатлар 18 ёшга тўлмаган болаларни ҳарбий хизматга чақирмоқдалар.



Аскар болалар



“Болаларнинг қуролли можаролардаги иштироки тўғрисидаги масала БМТнинг Тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш ва барқарор тараққиётга эришиш борасидаги асосий вазифаларининг ажралмас қисми ҳисобланади.”

**Хавфсизлик Кенгашининг 2000 йил 26 июлдаги
мажлисида Бош котиб Кофи Аннаниннг нутқидан**

— Оловли марралардаги ҳаёт

“Одамларнинг қўлларини кесганларини, ўн ёшли кизни зўрлаганларини ва у эртасига ўлиб қолганини мен ўз кўзим билан кўрдим... Менинг кўз олдимда кўплаб эркакларни ва аёлларни тириклай кўйдирдилар. Кўпинча, юракларим қон бўлиб кетар эди, аммо йиғлашга ҳам кўрқардим”, - дейди Серра-Леонедаги Инкилобий бирлашган фронтнинг қуролли гуруҳлари томонидан 2000 йилнинг январида ўғирлаб кетилган 14 ёшли қизалоқ.

Оловли марралардаги ҳаёт болаларни уруш даҳшатлари билан бевосита тўқнаштиради. Жуда кўплаб болалар зўравонликларни, жумладан, суд қилмасдан ёки тергов олиб бормасдан ўч олиш, махсус командалар билан отиб ташлаш, йўқотиб юбориш, кийноқларга солиш, қамаш ёки ҳибсга олиш, жинсий зўрлашлар, бомбардимон қилиш, зўрлаб кўчириб юбориш, турар жой ва мол-мулкларидан маҳрум этиш ҳамда оммавий кириб ташлаш сингари бедодликларни бошидан кечирдилар ё бўлмаса бундай ҳолларнинг гувоҳи бўлдилар. Улар болаликдан маҳрум этилдилар.

Уларнинг баъзилари бундай йўлни ўзлари танладилар: “Мен ҳеч нарсадан кўркмайман. Биз олишишга тайёرمىз. Биз бу ерда бўтқа қайнатаётганимиз йўқ, биз курашяпмиз”, - дейди 1998-1999 йилларда Косовонинг Озодлик армиясида оталарининг ўрнида жанг қилаётган Коше лақабли 14 ёшли қизалоқ.

Руандада уруш тугаганда омад Жан Полга бошқаларга қараганда ҳам яхшироқ қулиб боқди. Яна қўлга киритилган фуқаролар озодлигидан энди у бемалол баҳра олиши мумкин. У ўзининг ҳарбий либосини кўплаб қочоқлар кийиб юришгани сингари эски-туски кийимларга алмаштириб олиб, бошқалар билан хотиржам ҳазил-хузул қилади, овқат тайёрлайди ва дўстлари билан футбол ўйнайди. Аммо гоҳи-гоҳида унинг юзидаги хотиржамлик ўрнида беихтиёр ғам-ташвиш, зоҳир бўлади. Ўн беш ёшли Жан Пол - қақшаткич фуқаролар уруши давридаги ҳарбий ҳаракатларда иштирок этган 10 ёшдан 18 ёшгача бўлган 4,5 минг руандалик болаларнинг бири. Эндиликда у Заирнинг Гома шаҳри яқинидаги қочоқлар лагеридан яшамоқда. Жан шу

ерда ЮНИСЕФ молиялаштирган реинтеграция лойихаси доирасида ҳарбий ҳаракатлардан бўшатишга 630 аскар болаларга қўшилди.

Унинг ҳаётида мактабга қатнаш, касб эгаллаш ва ҳурмат эътиборини оширишга йўналтирилган маданий тадбирларда иштирок этиш учун илк бор имконият пайдо бўлди.

“Мен армияга ўз онамни, укаларим ва сингилларимни боқиш учун кирдим”, дейди Жан Пол. У қафтдеккина ерда макон қурган оиласини қолдириб Руанда ҳукумат армиясининг Кегали яқинида жойлашган қисмига келиб кирди. Аслида аскар болалар бевосита ҳарбий ҳаракатларда камдан-кам қатнашсаларда, уларнинг кўпчилиги даҳшатли муҳтожликни бошидан кечирадидилар. Бу болалар, солдатлардан кўра кўпроқ хизматкорларга ўхшаб қурооллар, ўқдориларни ташийдилар, ўтин терадилар, овқат тайёрлайдилар, кир ювадилар ва ўз хўжайинларининг топшириқларини бажарадилар. (Ўтган бир неча йил мобайнида Жан Пол ўнта шундай хўжайин билан ишлади.) Ўрнак олиш учун бошқа жиддий манбалардан ва мактабда ўқиш имкониятларидан маҳрум этилган бу болалар ҳарбийларнинг ҳам моддий, ҳам маданий кўмагига батамом суяниб қоладилар.

Аскар болакайлар - можароларнинг даҳшатли қурбонларидир. Улар қирғинбаротларни бошидан охирига қадар ўз қадр-қимматларини саклаган ҳолда бошдан кечири олмайдилар. Бунинг устига улар кўпинча, таналарини ҳам, руҳиятларини ҳам жароҳатлайдиган зўравонликларга дучор бўладилар. Оғир ёшлик ўта бориши билан уларнинг кўпчиликлари гиёҳванд моддаларга, ароққа ружў қўя бошлайдилар ёки ижтимоий муҳитга ёт ахлоқи билан четга чиқиб қоладилар.

■ Аскар болалар, аслида ким?

Аскар болалар - ҳарбий кучлар ёки гуруҳлар ичида қуроолли можароларда бевосита ёки билвосита иштирок этаётган 18 дан ёш бўлган шахслардир. Уларнинг баъзилари автоматлар, мачете ёки реактив гранаталар билан қуроолланиб илгариги марраларда турсалар, бошқа баъзилари “жанговар қўллаб-қувватлаш”ни хат-хабар ташувчи, разведкачи, ошпаз, миналарни тозаловчи, одамларни ташувчи ва секс-кул сифатида амалга оширадидилар. Ўлдириш ва жинсий зўрлашларда улар тез-тез иштирок этадилар. Бугунги кунда бутун дунё бўйича ҳарбий можароларда 300 мингга яқин бола фаол жангчи сифатида бевосита иштирок этмоқдалар.

Бундан ташқари баъзи болалар, ҳатто уларнинг мамлакатлари тинчлик ҳолатида бўлса ҳам қуроолли кучлар сафига қақирилмоқдалар. Масалан, Пентагон қарийб 400 минг юқори синф ўқувчиси доирасидаги болалар аскарлар каби қадам ташлайдиган, ўқ отадиган, ҳаракатлана оладиган ва фикрлайдиган дастурни молиялаб келмоқда. Европа мамлакатларининг ярмидан кўпроғи ўз қуроолли кучларига 18 ёшга тўлмаган болаларни қабул қилади. Қўшма Қиролликда 17 ёшлилар одатдаги ҳарбий ҳаракатларда иштирок этадилар. Расмий статистиканинг 1999 йил январ ойидаги маълумотларига қараганда бутун мамлакат бўйича умумий таълим мактабларида ҳаммаси бўлиб 6676 нафар 16 ва 17 ёшли йигит-қизлар ва 128 минг нафар 10 ёшдан 16 ёшгача бўлган курсантлар таълим олган. Ҳарбий билим юртлари Лотин Америкаси, Осиё ва Африка мамлакатлари учун одатдаги ҳолдир. Мазкур муаммони четлаб ўтган бирор минтақа йўқ.

■ Болалар қандай қилиб аскарга айланадилар

1996 йил учун тайёрлаган ҳарбий можароларнинг болаларга таъсири тўғрисидаги махсус маърузасида Граса Машел хоним бу ҳақда шундай ёзади:

“Очлик ва қашшоқлик ота-оналарни - ўз фарзандларини кафолотланган, доимий



озик-овқат, кийим-кечак ва медицина хизматидан баҳраманд бўлишлари учун ҳарбий хизматга тавсия қилишга ёки шундай йўл тутиш учун болаларни раёбатлантиришга мажбур этмоқда. Атрофда ҳукм сураётган зўравонлик ва бошбошдоқликлардан ўзини ва ўз оиласини ҳимоя этиш учун баъзи болалар аскар бўлиб кетадилар, айни пайтда уларнинг баъзиларини, айниқса ўсмирларни идеология ўзига жалб этади. Шунингдек, болалар ижтимоий ютуқларни - эътиқод эркинлиги, ўз тақдирини ўзи белгилаш, миллий озодлик ёки, масалан, Жанубий Африка ёхуд босиб олинган минтақалардаги сингари сиёсий эрк учун кураш билан айнан бир нарса деб ҳисоблайдилар.”

Шу каби бошқа сабаблар ҳам бор. Болалар таъсирчан бўлишлари билан биргаликда зехнли ва уқувли ҳам бўлишади. Улар уруш суронларига ҳаддан ташқари киришиб кетиб шафқатсиз бўлиб қоладилар ва уруш қуроолларининг асл вазифасини ҳам унутиб қўядилар. Аскар-болакайлар Серра-Леонеда жуда даҳшатли ваҳшийликлар содир этдилар. Енгил қуроолларнинг тарқалиши, улардан фойдаланиш жуда улкан жисмоний салоҳият ва техник билим талаб этмаслиги болаларга улардан жуда кичик ёшлариданоқ фойдаланиш имконини берди.

Баъзи жойларда болаларни ҳарбий хизматга зўрлик билан жалб этадилар. Қишлоқ жойларидан ўтиб кетаётган қуроолланган гуруҳлар бу ердаги болаларни олиб кетадилар. Бирнеча гуруҳлар етим болаларни атайлаб йиғиб, уларни садокат руҳида тарбияладилар.

Бундай қисматдан ҳатто, қизлар ҳам четда қолмайдилар. Сальвадор, Ҳабашистон ва Угандадаги муайян ҳолатлар ўрганиб чиқилганда, маълум бўлдики, аскар болаларнинг учдан бир қисми - қизлар экан. Қизлар Косовода Озодлик армияси таркибида, Туркияда эса Курдистон ишчи партияси томонида жанг қилганлар.

— **Ҳуқуқий асослар**

1989 йилда қабул қилинган Болаларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияда ҳарбий можаролар ва тинчлик пайтларидаги болаларнинг ҳуқуқлари ўз ифодасини топган эди. Конвенциянинг ҳарбий даврда муҳим аҳамиятга эга бўлган моддаларининг баъзилари соф омон қолиш ва оиласига қўмаклашишга, шунингдек, таълим олиш, соғлигини сақлаш ва бошқалар каби овқатланишга тааллуқлидир.

Катта ташвиш-хавотир уйғотадиган бошқа ҳуқуқлар ҳам барқарор этилган. Булар - эксплуатация ва зўравонликдан ҳимояланиш ҳуқуқи; кийноқлар ва бошқа турдаги шафқатсиз, ғайриинсоний ёки камситувчи муомала ва жазолардан ҳимояланиш ҳуқуқи; оилаларни қайта тиклаш, шунингдек ўз исми ва миллати ҳуқуқи кабилардир. Конвенция уни имзолаган давлатларни (уларнинг ҳукуматларини) болаларга тааллуқли халқаро ҳуқуқ меъёрларини амалиётда қўллаш ва “қуролли можаролар доирасида қолган болалар ҳимоясини ва уларга ғамхўрликни таъминлаш учун” имкони бўлган барча чораларни кўришга чақиради.

Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга 2000 йил 25 майда Бош Ассамблея томонидан Факултатив протокол қабул этилди. У кўплаб жиҳатлар, айниқса куйидаги ҳолатлар бўйича уни кучайтиради:

1. У мажбурий хизматга ёки тўғридан-тўғри ҳарбий ҳаракатларда иштирок этиш учун энг кичик ёшни 18 деб белгилайди;
2. У аъзо мамлакатларни қуролли кучлар сафига кўнгилли тарзда қабул этиш ёшини камида 16 га кўтаришга ва 18 дан ёш шахсларни ҳимоя ва эҳтиёт чора-тадбирлари билан таъминлашга чақиради;
3. У қуролли гуруҳларнинг ўз сафларига 18 ёшдан кичик бўлган шахсларни

- чақиришларини ёки улардан ҳарбий ҳаракатларда фойдаланишларини қатъиян ман этади;
4. У давлатларни - болаларни ҳарбий хизматга чақириш ва болалардан ҳарбий ҳаракатларда фойдаланишни олдини олиш учун техник ва молиявий ёрдам кўрсатишга ҳамда собик солдат болаларнинг ҳуқуқларини тиклаш ва ижтимоий реинтеграция қилишни яхшилашга чақиради.

Факултатив протокол уни 10 мамлакат томонидан ратификация қилинганидан сўнг кучга киради.

- 1999 йилда қабул қилинган **Болалар меҳнатини энг оғир шаклларда эксплуатация қилишни бартараф этиш тўғрисидаги Халқаро Меҳнат ташкилотининг конвенцияси** 18 дан ёш бўлган болаларни улардан ҳарбий можароларда фойдаланиш учун зўрлик билан ёки мажбурий жалб этишни таъқиқлайди.
- **Халқаро жиноий суднинг 1998 йилги Рим статутини ёши** 15 дан кичик бўлган болаларни миллий қуроли кучлар ёки қурооланган гуруҳлар томонидан тўплашни, улардан фуқаро аҳолига мўлжалланган ҳужумларда фойдаланишни, шунингдек ходимликка, инсонпарварлик ёрдами кўрсатаётган транспорт воситаларида, касалхоналарда ва ўқув юртларида ишлашга қабул қилишни ҳарбий жиноят деб белгилади.
- 18 ёшга тўлмаган шахсларни чақиришни ва уларнинг ҳарбий ҳаракатларда ёки ички низоларда тўғридан-тўғри иштирок этишларини тақиқлайдиган **Болалар ҳуқуқлари ва фаровонлиги бўйича Африка хартияси** 1999 йилнинг ноябр ойида кучга кирган эди.
- **Кўплаб минтақавий** ташкилотлар, жумладан, Европа хавфсизлиги ва ҳамкорлиги ташкилоти, Африка бирдамлиги ташкилоти, Европа комиссияси, Европа Парламент Ассамблеяси кенгаши, Миязакдаги “Катта саккизлик” учрашуви, Миллатлар Ҳамдўстлиги давлатларининг бошлиқлари, Америка давлатлари ташкилоти, Фарбий Африка давлатлари иқтисодий ҳамжамияти ва бошқалар болаларни ҳимоя қилишни, жумладан, болалардан аскар сифатида фойдаланмасликни қун тартибига қўйдилар.

Тараққиёт аломатлари

1994 йилда БМТ Бош қотиби Мозамбикнинг собиқ маориф ва таълим вазири Граса Машел хонимга ҳарбий можароларнинг болаларга таъсирини ўрганиш ишини топширди. Кенгқўламли тадқиқотлар, маслаҳатлар ва жойларга уюштирилган сафарлардан сўнг 1996 йилда, БМТ Бош Ассамблеясининг 51-сессиясида Машел хоним ўзининг “Қуроли можароларнинг болаларга таъсири” мавзусидаги маърузасини тақдим этди. Ҳисоботда: “Қуроли можаролар томонидан болаларга етказилган жароҳат - БМТнинг Болаларга ҳуқуқлари бўйича конвенциясини ишлаб чиқиш ва қабул этишга илҳомлантирган майл-рағбатларнинг барчасини ҳақоратлаш ҳисобланади”, -деб кўрсатилади.

Мазкур ҳисоботга жавобан Бош Ассамблея Қуроли можароларнинг болаларга таъсири бўйича Махсус вакил тайинлашни тавсия этди. 1997 йилнинг сентябрида БМТ Бош қотиби тинчлик учун кураш соҳасидаги таниқли арбоб, дипломат Олар Отуннуни Болалар ҳуқуқлари ва қуроли можаролар бўйича биринчи Махсус вакил этиб тайинлади.

Кейинги икки йил мобайнида жаноб Отунну БМТ вакиллари билан турли мамлакатларда, айниқса, ЮНИСЕФ координаторлари ва вакиллари билан можарога жалб этилган бир неча мамлакатларда, жумладан Бурунди, Колумбия, Конго Демократик Республикаси, Серра-Леоне, Шри-Ланка ва Суданда барча томонларнинг лидерларини ўзлари учун тегишли мажбурият

қабул этишга кўндириш мақсадида иш олиб борди. Улар баъзи тadbирларни қабул этишга рози бўлдилар, масалан:

- Болаларни қуролли можароларга жалб этмаслик ва улардан аскар сифатида фойдаланмаслик;
- Фуқаро аҳолига ҳужум қилмаслик ва ўз назоратидаги зонада аҳоли пунктларига бориш йўлларини тўсиб олмаслик;
- Инсонпарварлик ёрдами юклари тарқатилишига тўсқинлик қилмаслик;
- Юқумли касалликлардан эмлаш ёки инсонпарварлик юklarини тарқатиш мақсадида ўқ отишни тўхтатишга амал қилиш;
- Мактабларга ва касалхоналарга ҳужум қилмаслик;
- Фугаслардан фойдаланмаслик.

БМТ Хавфсизлик Кенгаши ўзининг 2000 йил августдаги резолюцияларида ҳарбий даврда, шу билан бирдек тинчлик пайтларида болаларнинг асосий ҳуқуқларини муҳофаза этишни таъминлаш учун ҳукуматлар, кўзғолончи гуруҳлар ва хусусий секторнинг жавобгарлигини белгилаб берди.

Хавфсизлик Кенгаши яна бир муҳим кадам сифатида БМТ Тинчлик ўрнатиш операцияларига болаларни ҳимоя қилиш бўйича маслаҳатчи жалб этишни тавсия қилди. Фуқаролардан иборат ушбу ходимлар барча тинчлик ўрнатиш операцияларида ҳамма болаларни ҳимоя этишлари ва улар ҳуқуқларининг устуворлигини таъминлашлари лозим. Болаларни ҳимоя этиш бўйича бундай маслаҳатчилар Серра-Леонеда ва Конго Демократик Республикасида аллақачон иш бошлаб юборганлар.

■ Кейинги қадамлар

БМТ саъй-ҳаракатлари туфайли эндиликда бутун дунё аскар болакайлар ва қуролли можароларга тортиб кетилган болаларнинг тақдири тўғрисида бир олам маълумотларни билади. Шунингдек, БМТ ва минтақалардаги ташкилотлар қуролли можароларда иштирок этаётган болаларни муҳофаза этишга йўналтирилган қонуний асосларни ишлаб чиқдилар. Бироқ, ҳамон кўплаб болалар армияларда ва қуролланган гуруҳлар таркибида хизмат қилмоқдалар, жуда-жуда кўп болалар можаролар гирдобидида азоб чекмоқдалар.

Бош қотиб Кофи Аннаниннг 2000 йилнинг июл ойида Хавфсизлик Кенгашига тақдим этган маърузасида БМТга аъзо давлатларга қуйидаги қадамларни ташлашни тавсия этади:

- Қуролли можароларда иштирок этаётган болаларни муҳофаза этадиган конвенция ва протоколларни ратификация қилиш;
- Ҳар қандай давлатда бўлмасин, болалар ҳуқуқлари чидаб бўлмас даражада бузилаётгани - жамоатчиликни қуролли можароларга миллий жиноят сифатида қарашини талаб қилади. Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик худди шу асосда қайта кўриб чиқилиши ва миллий суд - Халқаро жиноий суднинг ажримига мувофиқ бундай жиноятларга нисбатан “универсал юрисдикция” касб эта оладиган қонун таъминлай олиши керак;
- Геноцид, ҳарбий жиноятлар ва болаларга қарши қилинган бошқа чидаб бўлмас даражадаги жиноятларни тинч музокаралар даврида амнистия тўғрисидаги қонун қондалардан чиқариб ташлаш;

- Можароларни авж олдиришга ҳамда болалар ҳуқуқларини бузишга олиб келадиган валюталар, қурооллар ва тиббий ресурслар билан ноқонуний савдо қилиш билан шуғулланадиган шахслар ва корпорацияларни судлар орқали таъкиб этиш бўйича аниқ қадамлар ташлаш;
- Мамлакатлар ёки қуроолли гуруҳларга бериладиган ҳар қандай сиёсий, дипломатик, молиявий ва ҳарбий ёрдамлар, улар билан келишиб, болаларни химоя этишнинг халқаро меъёрларига мувофиқ ҳолда тақдим этилиши керак;
- Болаларни олиб кетиб қолиш ва уларни қуроолли можаролардаги иштирокларининг туб сабабларини бартараф этиш билан шуғулланиш, ҳамда ҳарбий даврда ўз болаларини химоя этишни таъминлашга ҳаракат қилаётган ҳамжамиятларга ёрдам бериш;
- Барча болаларни, айниқса собиқ аскар-болаларни можаролар пайтида ва ундан кейин доимий ўқитишни таъминлаш учун молиявий ёрдам кўрсатиш;
- Тинчликни йўлга қўйиш борасидаги музокаралар мобайнида болаларнинг манфаатларини ҳисобга олиш;
- БМТнинг тинчлик ўрнатувчи барча ходимларини болалар ва хотин-кизлар ҳуқуқлари ва уларни муҳофаза этиш билан боғлиқ масалалар бўйича мунтазам ўқитиб туриш;
- Урушдан кейинги қайта тикланиш даврида миллий устуворликларни белгилаётганда, ресурсларни тарқатаётганда ва миллий сиёсатни ишлаб чиқаётганда болаларнинг манфаатларига алоҳида аҳамият бериш;
- Қуроолланган гуруҳлар томонидан Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ва унга Факултатив протоколнинг меъёрларига амал қилинишига эришиш ва улар томонидан бу меъёрларга амал қилиш мониторинги борасида ҳамкорликни таъминлаш;

— Эришилган натижалар нега кўзга ташланмайди?

Қуроолли можаролар чоғида болаларни муҳофаза этиш бўйича БМТ қонунчилик асосларини аллақачон ишлаб чиққан бўлсада, бу қонунлар ҳаётга жуда секинлик билан татбиқ этилмоқда. Бунга, маълум даражада, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар мажбуриятларини, одатда, қуроолли кўзғолончилар гуруҳи каби ноҳуқумат субъектларига эмас, балки, айни шу ҳаракат билан инсон ҳуқуқлари қонунлари қўлланиш доирасини чегаралаган ҳолда - давлатларга юкланиши ҳам сабаб бўлади.

Халқаро шартномаларга асосланиб мажбурият юклаш масаланинг бир томони, уни бажариш эса бутунлай бошқа томонидир. Бош котибнинг Қуроолли можаролар чоғида болаларни муҳофаза этиш бўйича Махсус вакили Олар Отунну ҳозирга қадар болалар ҳуқуқларини поймол этаётган қуроолланган гуруҳларга халқаро ҳамжамият сиёсий босим кўрсатиш мумкин, деб ҳисоблайди ва у бундай гуруҳларни қоралаб, уларни қўллаб-қувватлашлардан маҳрум этади ва номларини ҳам аниқ айтади. “Шунингдек, биз химоянинг бошқа усулини кучайтиришимиз керак, бу - ҳарбий ҳаракатларнинг ажралмас қисми бўлган - болалар ҳуқуқларини химоя этиш ишининг мақбул даражада эмаслиги тўғрисида далолат берувчи миллий меъёрлардир.”

— Ўқувчиларга тавсия этиладиган фаолият турлари

1. Ўз котибияти ишларини ёритиш учун Бош котиб Махсус вакилининг Интернетда сайти бор: <http://www.un.org/children/conflict>. Сайтда шу масала бўйича мунтазам равишда янгиланиб турадиган Ахборот, вакилнинг Бурунди, Колумбия, Собиқ Югославиянинг

Македония Республикаси, Албания, Либерия, Мозамбик, Руанда, Серра-Леоне, Шри-Ланка ва Суданга қилган ташрифларининг обзори; мазкур муаммо бўйича кенг қўламдаги ҳужжатлар; матбуот учун маълумотлар мавжуд. Сиз ўз мулоҳазаларингизни Махсус вакилга юборишингиз мумкин.

2. БМТнинг Бош Асамблеяси 2002 йилнинг май ойида болаларнинг аҳволи бўйича махсус сессия ўтказди. Ушбу воқеа арафасида, сессияга қадар мамлакатлар болаларни қуролли можароларга жалб этиш борасидаги Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга Факултатив протоколни имзолашлари учун саъй-ҳаракатларни кучайтириш мўлжалланди. Сиз аскар-болалардан фойдаланишга барҳам бериш каолицияси сайтига (<http://www.childsoldiers.org>) ёки шу муаммо бўйича иш олиб бораётган агентликлар ва ташкилотлар сайтига (<http://www.cdi.org/atp/childsoldiers/links/html>) ташриф буюришингиз ва бу каби саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлайдиган қайси тадбирларда иштирок этишингизни ҳал қилишингиз мумкин.
3. Ҳарбий жиноятчилар бўйича суд жараёнларини кузатинг. Нималар бўлаётганини тушуниб олиш учун Руанда ва Собиқ Югославиядаги ҳарбий жиноятлар бўйича трибуналлар қандай ўтаётганини кузатиб боринг. Ахборотлар олиш учун ўзларингизнинг сеvimли манбаларингизни ишга солинг. Тадқиқот якунида синфларингизда мамлакатингиз қонунчилигига қуролли можаролар чоғида болалар ҳуқуқларини чидаб бўлмас даражада бузишни - миллий жиноят сифатида қиритиш тўғрисида баҳс ўтказинг.
4. Халқаро қонуний суд тўғрисида кўпроқ билиб олишга ҳаракат қилинг. Сизнинг мамлакатингиз Рим статутини имзолаганми? Бу ҳолда сизга Интернетдаги (<http://untreaty.un.org>) сайти ёрдам беради. Сиз ушбу ҳужжатни мамлакатингиз имзолаши зарур деб ҳисоблайсизми? Мамлакатингиз расмий шахсларига шу масаладаги ўз мулоҳазаларингиз баён этилган мактуб ёзинг.
5. Интернетдаги <http://www.un.org/children/conflict> сайтидан яқинда тайёрланган, саҳифаларида аскар болалар тўғрисидаги қоидалар бўлган ҳужжатнинг нусхасини ўқиб чиқинг. Унинг мазмуни борасида қандай фикрдасиз? Бош котибнинг қуролли можароларда болаларни муҳофаза этиш бўйича Махсус вакили “хавф-хатар ичида турган болалар ва хотин-қизларни қоғоздаги сўзлар қутқариб қолиши мумкин эмас” деди ва аскар болалардан оммавий фойдаланишни бартараф этиш учун уч йўлдан ёндошишни таклиф этди: а) ҳарбий кучлар сафига чақириш ва ҳарбий ҳаракатларда иштирок этиш учун руҳсат этиладиган энг кичик ёшни 18 га қадар кўтариш; б) ҳозирги кунларда болалар ҳуқуқларини бузаётган қуролли гуруҳларга халқаро босим кўрсатиш; в) болаларни аскарликка боришга мажбур этаётган омилларни бартараф этиш билан шуғулланиш. Сизнинг мамлакатингизда қуролли кучлар сафига чақириш сиёсати қандай? Сиз уни маъқуллайсизми? Сизнингча, мамлакатингиз бошқа мамлакатларда болалардан аскар сифатида фойдаланилаётганини қўллаб қувватлаши керакми? Ҳозирги пайтда қайси қуролланган гуруҳлар болалар ҳуқуқларини бузмокда? Уларга қандай босим кўрсатиш мумкин? Қайси гуруҳлар аскар болалар ҳуқуқларини қайта тиклашга ёрдам берапти? Бундай ташкилотлар билан алоқа ўрнатинг бу сингари дастурлар тўғрисида кўпроқ билишга ҳаракат қилинг (<http://www.cdi.org/atp/childsoldiers/links.html>).
6. ЮНИСЕФнинг “Ёшлар овози” сайтидан (<http://www.unicef.org/voy>). “Болалар ва уруш” қисмини ўрганинг. Жаҳоннинг бошқа болалари фикр-мулоҳазаларини ўз мулоҳазаларингиз билан тўлдиринг. У ерда тавсия этилаётган чора-тадбирлар тўғрисида ўқиб олинг ва ўзингизга тўғри келадиганини танланг. Амалга оширган ишларингиз юзасидан синфдагилар билан ўртоқлашинг.
7. ЮНИСЕФ сайти имкониятларидан фойдаланиб дунё болалари аҳволи тўғрисидаги

хисоботдаги харитани кўриб чиқинг (<http://www.unicef.org>). Аввало “Эълон қилинган материаллар”, кейин “Хариталар”, сўнгра “Қаттиқ хавф-хатарда қолган болалар ва ўсмирлар” қисмларини топинг. Синф учун катталаштирилган ҳолда нусха олинг. Балки, баъзилар бошқа қирраларни, жумладан қурбон бўлган болаларга тааллуқли, фугасларни қўллаш оқибатларини ўрганишни хоҳлаб қолар: муайян минтақадаги воқеа-ходисаларни гуруҳ бўлиб ҳам, яқка тарзда ҳам ўрганиш мумкин. Каолиция сайти (<http://www.child-soldiers.org>) сизга кўплаб манбалар бериши мумкин.

8. Мактабдошларингизнинг аскар болалардан фойдаланиш масаласига муносабатларини билиб олиш учун мактабингиз ўқувчилари ўртасида сўров ўтказинг. Сўровга сизнинг мамлакатингиз ички сиёсати ва бошқа мамлакатлардаги урушлар пайтида аскарлардан фойдаланиш муаммоларини киритиш мумкин. Бу ҳақида одамлар қанчалик хабардор қилинган? Балки, тадқиқотлар ўтказиш оқибатида сизнинг синфингиз воқеаларнинг ижобий томон ривожланиши тўғрисида кўпроқ билиб олишларига ёрдам бериш борасида мактаб учун махсус дастур тайёрлаш ҳаракатига тушиб қолиши мумкин. Мана бу сайтда www.itpolicy.gsa.gov/mkm/pathways/survey/scoop1.htm бу каби тадқиқотни ўтказиш борасидаги фикр-мулоҳазалар мавжуд. Унинг натижалари билан маҳаллий оммавий ахборот воситалари, ўзингизнинг делегатларингизни ёки БМТ Бош қотибини хабардор қилинг.
9. Синфда солдат болаларга тааллуқли бўлган факултатив протокол ёки яқинда имзоланган ҳарқандай битимни муҳокама қилиш ўйинини ўйнанг ва ўзингиз танлаб олган халқаро ҳужжат бўйича фикр мулоҳазалар ва сазъ-ҳаракатларни ўрганинг. БМТда қабул этилган маросимларни қайта ёдга олиш учун (<http://www.un.org/Pubs/CyberSchoolBus> сайтига қаранг. БМТнинг (<http://www.un.org>) сайтида қўшимча ахборот олиш мумкин бўлган ҳар бир мамлакатнинг мулоқот қилиш учун адреси бор. Аскар болалардан фойдаланишни бартараф этиш учун каолиция сайтидаги “Минтақавий хисоботлар” бўлимини текшириб кўришни унутманг. (<http://www/child-soldiers.org>). Айниқса, ёзиб олинган уларнинг қисқача мазмуни жуда фойдали ахборот хисобланади.

Баъзи манбалар

Интернетда

<http://www.child-soldiers.org>.
<http://www.unicef.org>
<http://www.cdi.org/atp/childsoldiers/links.html>
<http://www.un.org/Pubs/CyberSchoolBus>
<http://www.itpolicy.gsa.gov/mkm/pathways/survey/scoop1.htm>
<http://www.hrw.org>
<http://www.untreaty.un.org>

Босилган материаллар:

ЮНИСЕФнинг дунё болаларининг ахволи тўғрисидаги 1996 йил учун ҳисоботи
“Қуролли можароларнинг болаларга таъсири”, БМТ, 1996
“Қуролли можаролар гирдобидидаги болалар. Бош қотиб маърузаси”, БМТ, июл 2000
“Аскар болалар. қуролли можароларда болаларнинг роли”, Кохи ва Гудвил-Жил, Оксфорд
Юниверсити Пресс, 1994


Асосий статистик маълумотлар



- 5 ёшдан 14 ёшгача бўлган 250 миллионга яқин бола тўлик ёки тўлик бўлмаган иш кунда меҳнат қиладилар.
- Уларнинг қарийб ярми - 120 миллион бола йил бўйи тўлик иш кунда меҳнат қиладилар.
- Бу болаларнинг 61 фоизи Осиёда, 32 фоизи Африкада ва 7 фоизи Лотин Америкасида меҳнат қиладилар.
- Уларнинг 70 фоизи қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қиладилар.
- Уларнинг 70 фоизи соғлиқка зарар келтирадиган ишлар билан банд.
- 250 миллион боланинг қарийб 50 миллиондан 60 миллионгача қисми 5 ёшдан 11 ёшгача бўлиб, аниқланишича, уларнинг ёшлари ва ҳомояланмаганликларини ҳисобга олганда хавfli жойларда меҳнат қиладилар.
- Баъзи ҳолларда болалар меҳнати ривожланган мамлакатларда ҳам учрайди. Масалан, АҚШда 230 минг бола қишлоқ хўжалигида ишлайди ва 13 минг бола тинкани қуритадиган тизим синаб кўрилатган корхоналарда меҳнат қиладилар.



Болалар меҳнати



“Мақтабга борадиган, шунингдек ўқимайдиган 14 ёшдаги чорак миллиард бола қашшоқликда яшайтган ўз оилалари тарикчилигини тебраташ учун ишлашга, ишлаганда ҳам кўпинча, хавфли ёки ноқулай шароитларда ишлашга мажбур бўлмоқдалар. Аъзо давлатлар Халқаро меҳнат ташкилотининг Болалар меҳнатининг энг ёмон меъёрлари тўғрисидаги конвенциясини қўллаб қувватлаб, уни тўла-тўқис бажаришлари керак.”

Бош котиб Кофи Аннанинг “Мингйиллик маърузаси”дан

Иқбол Масиҳ воқеаси

Иқбол Масиҳни кул қилиб сотганларида у бор-йўғи 4 ёшда эди. У ўз оиласи томонидан қарз эвазига сотилганди. Жуда кичкина ва нимжон бўлишига қарамасдан уни гилам тўқиш фабрикасида ҳар куни 12 соат ишлашга мажбур этишди. Уни бетиним калтаклашар, ҳақорат қилишардилар. Олти йил мобайнида болакай занжир билан станокка бойлаб қўйилди. Овқатга қорни тўймаганлиги ва станок ёнидаги тор жойда ҳаракатсиз ўтказилган йиллар унинг ўсишига тўскинлик кўрсатди.

1992 йил Иқбол ва унинг бир неча дўстлари қарз мажбуриятлари бўйича қиланаётган меҳнатни бекор қилиш учун курашаётган бир гуруҳ уюшган кишилар томонидан Озодлик кунини байрам қилишга гиламдўзлик фабрикасида яширинча олиб борилганларидан сўнг ҳаммаси бошқача бўлиб кетди. Бу кишилар ёрдамида Иқбол озод бўлди ва тез орада болалар меҳнатига қарши таниқли курашчига айланди. У бошлаган ҳаракат кўпчиликни, айниқса қарз шартларини адо этиш учун болалардан фойдаланаётганларни ташвиш-хавотирга солиб қўйди. 1994 йилнинг декабрида Иқбол АҚШга борди, бу ерда унга инсон ҳуқуқлари учун курашчи сифатида мукофот топширилди. Қайтиб келганидан сўнг Иқболни фабрика эгаси томонидан ёлланган қотил отиб ўлдирди. Иқбол дунёдаги 250 миллион ишлаётган болаларнинг фақат биттасигинаси эди, аммо унинг тарихи кўпларни ўз ахволиги ўзгартириш учун курашга илҳомлантирди.

Болалар меҳнати нима?

Катталарнинг “болалар меҳнати” ибораси кўпчиликнинг кўз олдига дарҳол қоронғу тўқимачилик фабрикалари девори ортида станокларга занжирбанд этилган, айланиб келавериб тинка мадорни қуритадиган конвейр цехлардаги дунё шодликларидан маҳрум этилган болалар

келади. Болалар бундай меҳнатга бугун маҳкум этилганлари йўқ. Бундай азоб XIX асрнинг ўттизинчи йилларида ҳам мавжуд эди.

Аслда болалар турли хил шароитларда турли ишларни бажарадилар. Бу жараён боланинг ривожланишига мактабдаги ўқишига, қизиқишларига ва дам олишига ёрдам берадиган фойдали меҳнат доирасидан аста-секин уни тинка мадорини қуритадиган ва бутун куч қудратини сўриб оладиган меҳнат доирасига ўтиб боради. Фаолият турларидаги бир олам хилма-хиллик мана шу икки чегара ўртасидадир.

Бундай ҳолларга қарши курашаётганлар, болалардан ота-оналари ёки бобо-бувиларининг қарзлари эвазига улардан фоҳиша ё бўлмаса бемалол кул сифатида ёхуд ҳаддан ташқари хавфли шароитларда ишлаш учун фойдаланилаётган бир пайтда бутун саъй-ҳаракатларини худди шундай мудҳиш азобларга чек қўйишга қаратмоқдалар.

■ Ишлаётган болалар тоифасига кимлар киради?

БМТнинг Бутунжаҳон меҳнат ташкилоти таърифига кўра, “болалар меҳнати” ибораси 15 ёшдан кичик бўлган шахслар томонидан амалга оширилган ҳар қандай иқтисодий фаолиятга тааллуқлидир. Бу тушунчанинг фойдали доираси - мактаб ёки қонуний “ўқиш”дан кейинги, масалан, оилавий бизнесга кўмаклашиш ё бўлмаса оилавий фермага ёрдам бериш сингари “енгил меҳнат”дир. Болалар меҳнатининг тинка-мадорни сўраб оладиган йўллари қуйидагилардир:

- Мактабдаги самарали машғулотларга ҳалакит беради;
- Боланинг жисмоний ва руҳий саломатлиги учун хавфли ҳисобланади.

■ Меҳнат қилиш борасидаги ёш шартлари ҳамма мамлакатда бир хилми?

Ҳамма жойда болалар фаолиятини тартибга соладиган: уларнинг мактабни қачон тарк этишлари, уйланишлари ёки турмушга чиқишлари, овоз беришлари, суд-юримдик тизим томонидан балоғатга етган деб тан олинислари, қуролли кучлар сафига қақирилишлари ва иш фаолиятларини қачон бошлашларини белгилайдиган расмий ёш чегаралари мавжуддир.

Бирок фаолият турларига қараб ёш борасидаги шартлар ҳар бир мамлакатда ҳар хилдир. Масалан, ишлаш учун расмий ёш Мисрда - 12, Филиппинда - 14, Гонконгда эса - 15 ҳисобланади. Перуда турли ёш цензлари мавжуд. Қишлоқ хўжалик ишлари учун энг кичик ёш - 14, саноат учун - 15, очик денгизларда балиқ овлаш учун - 16, портлар ва денгизларда сузиш учун 18 дан иборат.

Кўпгина мамлакатларда енгил ва хавфли ишлар ўртасидаги меҳнат ёшидаги фарк белгилаб қўйилган. Енгилроқ ишлар учун энг кичик ёш -12 ни, оғир ишлар учун эса 16 дан 18 гача бўлган ёшни ташкил этади. Бутунжаҳон Меҳнат ташкилотининг конвенциясида ҳам масалага шу тарзда ёндошилади. Конвенция енгил ишларга 12 ёки 13 ёшдан, оғир ишларга эса 18 ёшга тўлганидан сўнг рухсат беради. Бутунжаҳон Меҳнат ташкилоти 15 ёшда мажбурий мактаб таълими тугагини ҳисобга олиб, меҳнат қилиш учун рухсат этиладиган энг кичик ёшни 15 деб белгилади. Ҳозирги пайтда бутун дунёда қанчалаб болалар меҳнат қилаётган бир пайтда бу - бирмунча кўп фойдаланиладиган стандарт ҳисобланади.

■ Хавфли иш, деганда нималарни англаш мумкин?

Болалар меҳнатининг 71 фоизи қишлоқ хўжалиги ва балиқ овлаш соҳасига тўғри келади.

Қишлоқ хўжалигидаги асосий юмуш - машиналар ва химиявий дорилар билан ишлаш, шунингдек хосилни йиғиш ва юклашдан иборатдир. Хавфли ишлар жумласига машина ва механизмларни, инсектицид ва гербицид сингари заҳарли моддаларни ишлатиш, оғир юкларни кўтариш ҳамда юқори ёки паст ҳароратлар кириши мумкин. Балиқ тутиш пайтида болалар баъзан очиқ денгизда тўрни маржон рифларига маҳкамлаш учун 60 метрга қадар чуқурликка шўнғишларига тўғри келади. Бу ерда улар юқори атмосфера босимига ҳамда йирткич ва заҳарли балиқларнинг ҳамласига дуч келишлари мумкин.

Болалар меҳнатининг 8,3 фоизи тўғри келадиган саноатда шиша билагузуклар, гугуртлар, портловчи петардалар ёки ғиштлар ишлаб чиқарилиши мумкин. Хавф-хатар хавфли буғлардан ва суюқ шишаларнинг иссиғидан; эриган шишани беҳосдан босиб олиш эҳтимолидан ёки шиша синикларининг кесиб юборишидан, шунингдек хавфли кимиёвий аралашмалар таъсирига тушиб қолишдан келиб чиқиши мумкин. Петардалар порох, билан тўлдириладиганда портлаб кетиш ёки ёнғин чиқиш хавфи мавжуд; шунингдек, силикат, кўрғошин ва ис гази билан ишлашда улар зарар келтиради. Ғишт ишлаб чиқаришда оғир юкларни кўтариш ва лой пишириладиган печ олдида туриш хавфлидир.

— Болалар меҳнати борасидаги ҳуқуқий асос

Бутун жаҳон бўйича болалар меҳнатини бартараф этиш иши билан БМТнинг икки агентлиги шуғулланади. Булар - БМТнинг Болалар жамғармаси (Юнисеф) ва Халқаро меҳнат ташкилотидир. Улар муаммони аниқлашга ва уни ҳал этишнинг халқаро ҳуқуқий асосини ишлаб чиқишга ёрдам бердилар. Мазкур саъй-ҳаракатлар туфайли эндиликда бизнинг болалар меҳнатини тақиқлайдиган ва ҳукуматлар қабул қилишлари лозим бўлган аниқ чора-тадбирлар белгиланган бир неча халқаро шартномаларимиз (ёки конвенциялар) бор. Қайсидир мамлакат конвенцияни ратификация этиши билан БМТ органлари унинг тегишли мажбуриятларни бажаришини кузата бошлайди ва мажбуриятларни бузаётган мамлакатларни бунинг учун жавоб беришга чақиради.

- 1919: Халқаро Меҳнат ташкилоти ташкил этилганидан сўнг бир неча ой ўтгач қабул қилинган Халқаро Меҳнат ташкилотининг болалар меҳнати борасидаги биринчи ҳужжати - Энг кичик ёш (саноатда) тўғрисидаги конвенция (5-конвенция) саноат корхоналарида 14 ёшдан кичик бўлган болалар меҳнатини тақиқлади.
- 1930: Халқаро меҳнат ташкилотининг Мажбурий меҳнат тўғрисидаги конвенцияси (29-конвенция) болаларни - ноқонуний сотилиши, Иқбол сингари қулликка бериш ҳамда фоҳишабозлик ва парнография каби қабих ишларга маҳкум этиш сингари ноилож ва мажбурий меҳнатдан ҳимоя қилади.
- 1966: Бош Ассамблея қуллик, ноилож ёки мажбурий меҳнатга эътиборни жалб этадиган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактни, шунингдек, ёшларни иқтисодий эксплуатациядан ва уларнинг ўсиб-улғайишлари учун хавфли бўлган ишлардан ҳимоя этишга чорловчи Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида Халқаро пактни қабул этди.
- 1973: Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан қабул этилган Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш (15 га тўлиш ёки мажбурий таълимни тугаллаш ёшига етиш) тўғрисидаги 138-конвенция ҳал қилувчи ҳужжат ҳисобланади.
- 1989: БМТ болаларни иқтисодий эксплуатациядан ва хавфли ишлардан ҳимоялаш ҳуқуқларини белгилаб берадиган ва давлатларни 15 ёшга етмаганларни қуролли кучлар сафига қақирмасликка даъват этувчи Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни қабул қилди.



1999: Халқаро Меҳнат ташкилоти Болалар меҳнатининг яна ҳам ёмон шаклларини таъқиқлаш ва уни бартараф этишнинг кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлари тўғрисидаги (№182) конвенцияни бир овоздан қабул этди. Конвенция давлатларни - болаларни эксплуатация қилишнинг бирмунча зарarli амалиётини ёки унинг айна пайтда мавжуд бўлган яна ҳам оғир шаклларини бартараф этишга чақирди. (Шу бобнинг охирига қаранг).

— Болалар меҳнатини бартараф этиш учун қонунлар қабул қилишнинг ўзи кифоя қиладими?

Албатта йўқ! Шундай бўлса ҳам БМТ болалар меҳнатини тақиқлаш мақсадидаги ҳуқуқий меъёрлар ўрнатувчи бирнеча халқаро конвенцияларни қабул қилди. Чунки мазкур муаммо ҳамон кенг тарқалиб кетган. Аслида, қонунлар бажарилмаса, улардан келадиган фойда камдан-кам бўлади. Бундан ташқари болалар меҳнатини бартараф этиш учун миллий миқёсда аниқ чора-тадбирлар қабул қилиш зарур.

Халқаро Меҳнат ташкилотининг фикрига кўра болалар меҳнати масалаларини ҳал этиш бўйича миллий саъй-ҳаракатлар ҳеч бўлмаганда куйидаги беш тадбирни кўзда тутишлари зарур:

Ҳаракатларнинг миллий режаси:

Болалар меҳнатидан фойдаланишга қарши қаратилган тарқоқ ҳаракатлар ёки алоҳида чора-тадбирлар барқарор таъсир этувчи қудрат касб этмайди. Ҳар қандай тадбир комплекс миллий режанинг бир қисми бўлиши лозим.

Тадқиқотлар:

Самарали миллий (ва халқаро) сиёсат ва дастур ишлаб чиқиш мақсадида болаларни меҳнатидан фойдаланиш борасидаги вазиятни аниқлаб олиш учун кенг кўламда тадқиқотлар ўтказиш зарур.

Муаммони англаб етиш:

Кўпинча, болалар меҳнати, шубҳасиз, камбағалликнинг оқибати сифатида кўриб чиқилади. Болалар меҳнатининг кўламлари ва эксплуататорлик моҳиятини англаб етмасдан ушбу ҳолатни ўзгартириш учун шароит ҳозир бўлмайди.

Кенг жамоатчиликнинг қўлни қўлга бериши:

Ҳукуматларнинг болалар меҳнатини бартараф этиш борасидаги саъй-ҳаракатлари, кўпинча, фақат қонун чиқариш билан чегараланиб қолаверади. Одатда, ушбу муаммонинг ташаббускорлари, ресурслари чекланган ноҳукумат ташкилотлари бўладилар. Аслида ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлари биргаликда фаолият кўрсатишлари керак. Шунингдек, фуқаролик жамиятининг бошқа қатламлари - оммавий ахборот воситалари, халқ таълими ходимлари, оммавий ахборот воситалари, артистлар ва парламент аъзолари ҳам бу курашда иштирок этишлари зарур.

Институционал куч-қудратлар:

Миллий сиёсатни ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш учун ҳукумат қошида институционал механизм (масалан, вазирлик ёки бирор муассаса) ташкил этиш керак.

— Мари

Мари - гаити оролида яшайдиган етти ёшли қизалоқ. У - “реставек”. Бу - французча “rester avec” сўзининг бироз бузилган шакли. Маҳаллий аҳоли - креоллар бутун жаҳонда учрайдиган малай болакайларни шундай сўз билан атайдилар. Булар - қишлоқдаги камбағал оилалар томонидан

бирмунча ўзига тўқ ҳамқишлоқ оилаларга хизмат қилиш учун берилган болалардир.

Мари эрта тонгда, соат бешда туради. Унинг янги куни яқин орадаги қудукдан бошига қўйиб оғир кўзада сув олиб келишдан бошланади. Кейин у нонушта тайёрлайди ва оила аъзоларига тортади.

Бундан кейин Мари хўжайиннинг беш ёшли ўғлини мактабга олиб бориб қўяди, туш пайти уни қайтариб олиб келади ва кийимларини алмашлаб олишга ёрдам беради.

Болани яна мактабга қайта олиб боришдан илгари у тушлик тайёрлашга ёрдам беради ва болани овқатлантиради.

Овқатгача бўлган танаффусда у бозорга чиқиб турли маҳсулотлар сотиб олиб келиши ва бошқа топшириқларни бажариши, шунингдек, ўчоққа кўз-қулоқ бўлиб туриши, ҳовлини супуриши, кир ювиши, қозон-товоқларни қиртишлаши, ошхонани тартибга келтириши, кунига камида бир марта хўжайин хонимнинг оёқларини ювиб қўйиши лозим. У хўжайинлар дастурхонидан қолган салқитлар ва маккажўхори бўтқаси билан кун кўради, кийим сифатида эски латта-лутталарни устига илиб олади, ялангоёқ юради ва кечалари ҳовлида ёки полда ухлайди.

Унга ўзи уйга олиб келган сув билан ювинишга рухсат этилмайди. Агар у буюрилган ишни бажаришда ҳаялласа ёки хўжайинларга уларни хурмат қиламаётгандек бўлиб туюлса, уни камчи билан савалайдилар. Унга мактабга боришга рухсат этмаётганлари тўғрисида гапириб ўтиришнинг ўзи ортиқча.

■ Тараққиёт аломатлари

Қонунчилик асоси: Дунё бўйича болалар меҳнатини тақиқлаш тўғрисидаги мавжуд 20 халқаро шартнома замирида эндиликда қонуний асос пайдо бўлди. Фақат уни миллий даражада амалга ошириш талаб этилади.

Халқаро саъй-ҳаракатлар: 1992 йилда Халқаро Меҳнат ташкилоти Болалар меҳнатига барҳам бериш бўйича Халқаро дастур таъсис этди. Дастур бу йўналишда тараққий этаётган мамлакатларга, уларнинг мазкур муаммони ҳал этиш бўйича куч-қудратларини мустаҳкамлашга ва ўз миллий ҳаракат режаларини ишлаб чиқишларига қўмаклашган ҳолда иш олиб бормоқда. Айни пайтда у қарийб 20 мамлакатда 1100 дан ортиқ дастурни амалга оширишга ёрдамлашди.

Саъй-ҳаракатларни бирлаштириш: БМТ болалар меҳнатини қўллашга қарши курашда ҳукуматлар, корхоналар эгалари ва халқаро донорларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни хоҳлайди. Масалан, Халқаро Меҳнат ташкилоти ва ЮНИСЕФ билан Бангладеш кийим тикувчилар ва экспорт қилувчилар ассоциациясининг биргаликдаги ташаббуси билан икки минг тикувчилик корхонасидан балоғатга етмаганларни озод этиш, уларни мактабларга жойлаштириш ҳамда оилаларини қўшимча даромадлар билан таъминлаш тадбирлари қабул этилди. Шунингдек, ЮНИСЕФ болалар меҳнати ёрдамида ишлаб чиқарилган молларни сотиб олмасликни таклиф этди. Баъзи ҳукуматлар бундай сиёсатни ёқлаб чиқдилар.

Халқаро бирдамлик: 1998 йилда ёшлар, манфаатдор фуқаролар ва Осиё, Африка, Европа, Шимолий ва Жанубий Америка мамлакатлари ҳукуматларининг ходимлари болалар меҳнатидан фойдаланишга қарши юришда иштирок этдилар. Улар ўз тарафдорларини тўплаб ва ушбу муаммога аҳолининг эътиборини жалб қилиб, ҳукуматларни болалар ҳуқуқлари бўйича конвенцияни ратификация қилиш учун уйғотиб 56 мамлакатни босиб ўтдилар (қаранг: <http://www.globalmarch.org>).

Ўқувчиларнинг иштироки: Бу ҳаракатда тобора кўпроқ ўқувчилар иштирок этмоқдалар.

Юриш ишлаётган болаларга мактаблар ва даволаш марказлари куриш учун маблағлар топмокда. Масалан, 13 ёшли фаол Крейг Килбургер ташкил этган, болалар меҳнاتини бартараф этишни кўллаб-қувватлайдиган Канаданинг “Болаларни озод этинг” ташкилоти Жанубий Осиёда мактаб куриш учун маблағ тўплади (<http://www.freethechildren.org>). Американинг Массачусетс штати мактаб ўқувчиларининг ташаббуси билан бошланган “Иқбол учун мактаб курамиз” деган болалар кампанияси Иқбол Масих хотирасига ота-оналарининг қарзларини узаётган покистонлик болалар учун мактаблар куришга бутун жаҳон диққат-этиборини жалб этди (www.digitalrag.com/iqbal/index.html).

Корпорациялар жавобгарлиги: Корпорациялар ушбу муаммони ҳал этишда ва бу борадаги муомаланинг корпоратив кодексини ишлаб чиқишда балоғатга етмаган ходимлар сонини қисқартириш ёки оиланинг бошқа аъзоларини ёхуд мактабда ўқиётган болаларни кўшимча иш билан таъминлаш йўлидан боришга қизиқиш кучайиб бораётганини намоён этишмоқдалар. Масалан, дунё бўйича футбол тўпларининг 75 фоизи кўлда ишлаб чиқилмайдиган Покистоннинг Сиалкот шаҳридаги энг йирик тўп ишлаб чиқарувчиларнинг барчаси корхоналарида 14 ёшга етмаган болалар меҳнатидан фойдаланишни қисқартириш борасида кўнгилли равишда дастур ишлаб чиқдилар. Халқаро Меҳнат ташкилоти ва ЮНИСЕФ - покистонлик корхона эгаларининг кўллаб-қувватлашлари билан мактабда ўқиётган болалар таъминотини яхшилаш ва уларнинг иш ўринларини шу болаларнинг бирор оила аъзоларига бериш бўйича дастурни амалга ошира бошладилар. Бундан ташқари эндиликда кўпгина кийим-кечак ишлаб чиқарувчилар ўзларининг корхоналаридаги иш шароитларини тафтиш этиш учун мустақил компанияларни ёлламоқдалар. Баъзи корхоналар шундай компанияларни топдилар, бошқалари эса бу ишни инсон ҳуқуқлари бюрасидаги қандайдир корпорацияларда ишламайдиган мустақил кузатувчилар қилиб беришлари учун келишиб олдилар.

Касаба уюшмасининг кўллаб қувватлаши: Бразилияда касаба уюшмалари Болалар меҳнатига барҳам бериш бўйича Халқаро дастур билан ҳамкорликда саккиз штатдаги 88 дан ортиқ муниципалитетда иш берувчилар билан тузиладиган шартномага болалар меҳнати тўғрисидаги қондани киритишга муваффақ бўлди. Бундан ташқари иш берувчилар кўмир ва пойабзал ишлаб чиқариш соҳаларида ва цитрус меваларини қайта ишлашда болалар меҳнатини бартараф этиш бўйича шартномага имзо чекишга розилик билдирдилар. Касаба уюшмалари бу ишга меҳнат шароитларини текшириш, ҳар хил хато ва камчиликларни қоралаш, таълим дастурига катта ёшдаги ишчиларни яна ҳам кўпроқ жалб этиш билан ёрдам кўрсатади ва барча бўғинларда сиёсатни ўзгартиришга йўналтирилган кампанияни амалга оширади.

Тинкани қуритадиган тизимга қарши ҳаракат: Меҳнат ҳуқуқлари бўйича гуруҳлар томонидан ўтказилган кампания тинка-мадорни қуритадиган тизимдан фойдаланилаётган корхоналарда меҳнат шароитларини яхшилашга ёрдам берди. Трансмиллий компанияларнинг болалар меҳнатини тақиқлаш ёки қисқартириш мақсадида ўз субпудратчиларига ҳам босим кўрсатаётган ҳолларига мисоллар бор.

— Мушоҳада: Бина Ахтарнинг орзуси

Бангладешнинг пойтахти Дакка шаҳридаги кийим фабрикасида иш бошлаганида Бина Ахтар эндигина 10 ёшга тўлган эди. АҚШга жўнатиладиган кўйлак ва шимларнинг осилиб турган ипларини кесиб ташлайдиган бу кизалоқ ойига 14 долларга яқин даромад қиларди. Орадан беш йил ўтган пайтда эса у аллақачон фабрикадаги ишни ташлаган, математика, инглиз тили ва тарих ўргатадиган мактабга қатнар эди.

БМТ томонидан бошланган дастурга мувофиқ шундай бўлди. Халқаро Меҳнат ташкилоти ва болалар жамғармасининг Бангладеш Ҳукумати билан биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билан



фабрика эгаларини барча цехлардаги 14 ёшдан кичик болаларни бўшатиб юборишга кўндирилди. Фабрика эгалари тўсатдан текшириш ўтказишга розилик билдирдилар. 1994 йилдан бошлаб Халқаро Меҳнат ташкилоти бундай фабрикалардан 14 ёшгача бўлган 50 минг болани бўшатишга эришди. Бу ерда 14 ёшдан бошлаб расмий жихатдан ишлашга рухсат этилади.

Бангладеш учун дастурни ишлаб чиқишга ёрдам берган Халқаро Меҳнат ташкилотининг ходими Рик ван Хаалемнинг айтишига қараганда, ўшанда текшириб чиқилган фабрикалардаги ишчиларнинг учдан бир қисми болалардан иборат бўлган. 1999 йилга келиб бу кўрсаткич 10 фоизга тушди.

Бина - Халқаро Меҳнат ташкилотининг инспекторлари асраб қолган қизлардан бири эди. У тезлик билан мактабга қабул этилди. Шу пайтга қадар у бирор марта ҳам синфга қадам босмаган эди.

“Ўқиш мен учун кийин эмас”, - дейди Бина. У медицина ҳамшираси бўлишни орзу қилади.

**“Эйжен Уолл-Стрит Жорнел” газетасидан соддалаштириб олинди
(2000 йил, 21 март)**

— Қайси соҳалар эътиборга муҳтож?

ЮНИСЕФ қуйидагиларни тавсия этади:

- Хавфли ва эксплуататорлик меҳнатига, жумладан, қарз мажбуриятлари бўйича қилинаётган меҳнатга, тижорат-фоҳишабозлик учун эксплуатация қилишга ва боланинг ўсиб-улғайишига халақит берадиган меҳнатга зудлик билан барҳам бериш.
- Бепул мажбурий таълимни таъминлаш, бу ҳолда болалар бошланғич таълим тугагунига қадар бутун ўқув куни мобайнида мактабда бўлишлари керак.
- Ҳуқуқий ҳимояни кенгайтириш ва унинг изчиллигини ҳамда ҳаётга ўзаро алмашилиш усули билан татбиқ этилишини таъмин этиш.
- Болалар ҳуқуқларини ҳимоя этишда унинг ёши тўғрисидаги гувоҳноманинг зарур бўлиши сабабли барча болаларни туғилган пайтдаёқ ҳисобга олиш.
- Маълумотлар йиғиш ва мониторингни кенгайтириш - бутун дунё бўйича болалар меҳнати тўғрисидаги солиштириладиган маълумотларни тўплаш ва таҳлил этиш.
- Муомала кодекси ва ишга олиш сиёсатини ишлаб чиқиш - корпорацияларнинг ўзлари ва уларнинг пудратчилари болаларни, уларнинг ҳуқуқларини бузган ҳолда ишга олмасликларини кафолатлайдиган муомала кодекслари қабул қилишлари ва бу кодексга амал қилишлари керак.

— Халқаро Меҳнат ташкилотининг 182-конвенциясини зудлик билан ратификация қилинг!

Халқаро Меҳнат ташкилотининг 182-конвенциясини кўпчилик, болалар меҳнати борасидаги гоят муҳим ҳуқуқий восита деб билади. У болалар меҳнатининг энг аянчли шакллари билан белгилаб беради ва ҳуқуқларни бунга чек қўйишга чақиради. Уларга қуйидагилар киради:

- Қулликнинг барча шакллари;
- Болалар фохишабозлиги;
- Болалардан ноқонуний фаолиятларда, айниқса, гиёхванд моддалар сотишда фойдаланиш;
- Болалар саломатлиги ва ҳаётини хавф остига қўядиган меҳнат.

Конвенцияни ратификация қилиш барча ҳукуматларнинг биринчи даражали вазифаси бўлиб қолиши керак. Демак, барча миллий парламентлар Конвенцияни қабул қилишлари керак. Бош котиб Кофи Аннан “Мингйиллик маърузаси”да БМТга аъзо барча мамлакатларни Конвенцияни кечиктирмасдан ратификация қилиш ва ҳаётга татбиқ этишга даъват этди.

Ратификация қилингандан кейин ҳукуматлар тегишли қонун қабул қилишлари ва Конвенцияни амалиётга қўллашлари зарур. Бошқа тадбирлар билан биргаликда қуйидагиларни амалга оширишлари лозим:

- Болалар меҳнатининг энг ёмон шаклларини бартараф этиш ва унга чек қўйишга йўналтирилган ҳаракатлар дастурини қабул қилиш;
- Болалар ҳуқуқларини тиклаш ва уларнинг ижтимоий интеграцияси учун тўғридан-тўғри ёрдамни таъминлаш;
- Уларнинг текин таълим олишларига имкон яратиш;
- Жиддий хавф-хатар доирасидаги болалар гуруҳларини аниқлаш.
- Қизалоқларни ва уларнинг алоҳида аҳволини эътибордан қочирмаслик.

Ҳукумат Халқаро Меҳнат ташкилоти олдида Конвенциянинг бажарилиши тўғрисида мунтазам ҳисобот бериб туришлари ва унинг ҳар қандай бузилишлари учун масъулиятни зиммасига олиши керак.

2000 йилнинг августига қадар Конвенцияни 30 мамлакат ратификация қилди.

— Ўқувчиларга тавсия этиладиган фаолият турлари

1. Ушбу фаолиятга маҳаллий ва миллий даражада мисоллар келтира оласизми? Бошқалар қандай ишларни амалга ошираётганларини тушунтиринг. (Агар имконият бўлса, Интернет манбаларига мурожаат этинг). Сизнинг фикрингизча, Болалар жамғармасининг қайси тавсиялари Сизнинг мамлакатингиз учун устуворликларга эга? Плакатлар қилинг. Сиз бу борада билганларингиз тўғрисида бошқаларга гапириб беринг.
2. Болалар меҳнати бўйича конвенцияни сизнинг ҳукуматингиз ратификация қилганини аниқланг (Давлатлар томонидан қайси конвенциялар, жумладан, 182-конвенция ратификация қилингани тўғрисидаги ахборот қуйидаги адресда мавжуд: <http://www.globalmarch.org/convention-campaign/index.html>). Ҳукуматингиз раҳбарларига мактуб йўлланг. Агар улар бу ишни қилмаган бўлсалар, уларни 182-конвенцияни ратификация қилишга даъват этинг. Хатни кўплаб болалар ёзишлари мумкин.
3. Агар Конвенцияни сизнинг ҳукуматингиз ратификация этган бўлса, хат ёзиб уни амалга ошириш бўйича нима ишлар қилинаётгани ҳақида сўранг. Сизнинг мамлакатингиз ҳаракат режасини ишлаб чиққанми? Агар ишлаб чиққан бўлса режада нималар кўзда тутилган? Жумладан, маҳаллий ва миллий муаммоларни ҳал этиш борасида қандай тадбирлар

белгиланган? Бу ишда кимлар ёрдам берадилар? Ушбу ёрдамни улар қандай қабул этадилар? Шу масалалар бўйича кўпроқ билиб олиш учун ўз мактабларингизда учрашув ташкил қилинг, унга мазкур масала билан шуғулланаётганларни таклиф этинг. Ўзингиз бу соҳада нималар қилишингиз мумкинлиги тўғрисида улардан тавсиялар сўранг.

4. Ўз мамлакатингизда болалар меҳнати шароитларини яхшилаш бўйича миллий қонунчиликка ўз қўллаб-қувватлашларингизни изҳор этинг.
5. Бошқалар, масалан, Канададаги “Болаларни озод этинг” кампанияси ёки АҚШдаги Иқбол учун мактаб қуриш кампанияси нима ишлар қилаётганини аниқланг. Мазкур саъй-харакатларни қўллаб-қувватланг ёки ўзларингизнинг шахсий кампанияларингизни ташкил этинг.
6. Бирор нарса харид этаётганда, албатта ақл билан иш қилинг. Сиз сотиб олаётган моллар қаерда, қандай ишлаб чиқарилганини сўраб-суриштиринг. Харид қилган нарсаларингизни болаларни эксплуатация қилишга эмас, балки уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш учун ишлатинг.
7. Ўз мактабларингизда хат ёзиш учун кампания ташкил этинг ёки илтимоснома учун имзолар тўпланг, уларни ўзларингизнинг қизиқишларингиз ва хавотирларингиз тўғрисида хабардор этиш учун маҳаллий ҳукуматга йўлланг.

== Баъзи манбалар

Интернетда

www.unicef.org - БМТнинг Болалар жамғармаси

www.un.org/CyberSchoolBus - БМТ

www.savethechildren.org

www.unhchr.ch - Болалар ҳуқуқлари қўмитаси

www.ilo.org - Халқаро Меҳнат ташкилоти

www.undp.org - БМТнинг Тараққиёт дастури

Босилган материаллар:

“Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари билан курашишнинг янги усуллари”. Халқаро Меҳнат ташкилоти, 1999

Дунёдаги болалар аҳволи тўғрисида 1977 йил бўйича ҳисобот, ЮНИСЕФ, 1997

“Ўз ҳуқуқингиз учун курашинг: дунё ёшлари томонидан ёзилган, безалган ва таҳрир этилган инсон ҳуқуқлари тўғрисида китоб”, Пис Чайлд Интернэшнл, 1998

Инсон тараққиёти тўғрисида 2000 йил учун маъруза, БМТнинг Тараққиёт дастури, 2000

Асосий статистик маълумотлар



- XIX аср охирларидан иқлимнинг глобал қизиши оқибатида жаҳонда Ер юзининг ўртача харорати Фаренгейт бўйича 0,6-1,2 градусга исиди.
- XX асрнинг энг иссиқ ўнйиллиги охирги 15 йилга тўғри келди. Уларнинг ичида энг иссиқ йил 1998 йил бўлди.
- XX асрда глобал иссиқ натижасида денгизларнинг ўртача сатҳи 10-15 сантиметрга кўтарилди, 2100 йилга қадар уларнинг яна 15 сантиметрдан 95 сантиметргача кўтарилиши кутилмоқда (эҳтимолга энг яқин кўтарилиши 50 сантиметр).
- XX асрда дунё қитъаларига ёғадиган ёғингарчилик миқдори бир фоиз атрофида кўпайди.
- Кейинги ярим аср мобайнида карбонат ангидрид ажралиб чиқиши тўрт баробар кўпайди.
- 1998 йилнинг ўзида рўй берган табиий офатлар 80-йиллар мобайнида юз берган барча табиий офатлардан кўпроқ талафот келтирди.
- Киото протоколини 84 мамлакат имзолади, аммо Иқлим ўзгаришлари тўғрисидаги шартноманинг ўзини атиги 22 мамлакат ратификация қилди, холос, бирорта саноати тараққий этган мамлакат уни имзолаган эмас.

Иқлим ўзгаришлари



“Мен мингйиллик саммити иштирокчиларини Киото протоколининг қабул этилиши ва амалга оширилишига ёрдам беришга чақираман. Бу ҳужжатни, айниқса, 2002 йилда кучга киритиш учун муайян чора-тадбирлар кўриши керак бўлган давлатларнинг ратификация қилишларига қизғин даъват этаман, 1972 йилда Стокгольм конференциясида ва 1992 йилда Рио-де-Жанейро конференциясида келишилган битимлар натижасида бу ҳужжатларнинг қабул қилиниши чинакам тараққиётга эришаётганимиздан далолат беради”.


**Бош котиб Кофи Аннан,
“Мингйиллик маърузаси”дан**

— Сайёрамизга қандай таъсир эта оламиз?

Кейинги бир неча ўнйиллик жаҳон мамлакатларининг атроф муҳит соҳасидаги ҳаракатларини танқидий таҳлил этиш даври бўлди.

— Саноатлаштириш инқилоби инсон билан табиат ўртасидаги муносабатни абадул бад бузиб кўйганини бора-бора яхшироқ тушуна бормоқдамиз. XXI аср ўрталарига келиб инсон фаолияти Ердаги яшаш имкониятларининг асосий шартларини бузиб юбориши хавфи яна ҳам аниқроқ намоён бўлмоқда.

1992 йилдаги БМТнинг Иқлим ўзгаришлари доирасидаги конвенцияси ва унга 1997 йилда Киотода қабул этилган протокол - жаҳон давлатлари мазкур муаммони ўз кучларини улар ёрдамида ҳал этиш учун бирлаштираётган кейинги даврдаги қатор сулуҳларга алоҳида бир мисолдир. БМТ раҳбарлигида қабул этилган ушбу масалага бағишланган бошқа ҳужжатларга океанларнинг ифлосланиши, қирғоқ ерларнинг таназзули, озон қатламига етказилган зарар, шунингдек, ҳар хил турдаги ўсимлик ва ҳайвонларнинг тез йўқолиб бораётгани тўғрисидаги шартномалар киради. Иқлим ўзгаришлари тўғрисидаги конвенция эътиборни ғоят долзарб муаммога - биз кўёш энергиясининг сайёрамиз атмосфераси билан ўзаро таъсир усулини ўзгартираётганимизга, атмосферанинг йўқола бораётганига эътиборни қаратади. Айни шу билан биз ерда иқлимнинг ўзгариш хавфини келтириб чиқармоқдамиз. Бундан - ер юзи ўртача ҳароратининг кўтарилиши ва бутун жаҳон бўйича одатдаги ўрганилган об-ҳаво шароитининг ўзгариши каби оқибатлар келиб чиқади. Шу каби бошқа оқибатлар ҳам юз кўрсатиши мумкин.



— “Иқлим ўзгаришлари” нима?

Иқлим ўзгаришлари одамлар тақдирига қадим-қадимлардан буён ўз таъсирини ўтказиб келади, одамлар бундай ўзгаришларга, кўпинча мослашиш, иш жойларини ўзгартириш ва бошқа топкирликлар билан жавоб қайтарганлар. Илгари глобал муҳит одамларни ўзгартирган. Энди эса одамлар муҳитни ўзгартириб юбормоқдалар. Бунинг аниқ оқибатлари ҳисоблаб чиқилган эмас, аммо ҳозирги прогнозлар тўғри чикса, мана шу юзйилликда иқлим ўзгаришлари инсоният тарихидаги ҳар қандай даврлардагидан кўра жиддийроқ бўлади.

Бугунги кунга келиб энг жиддий ўзгариш ер атмосферасида юз берди. Биз унинг таркибидаги газлар нисбатини ўзгартирдик ва ўзгартиришда давом этмоқдамиз. Бу айниқса, карбонат ангидрид (CO_2), метан (CH_4) ва азот окиси (N_2O) сингари “парник” газларига тааллуқлидир. Мазкур мувозанатни одамлар кўмир, нефть, табиий газ ёқиб ва атмосферага жуда катта ҳажмдаги карбонат ангидрид чиқариш билан ўзгартирадилар. Биз ўрмонларни кесганимизда дарахтларда тўпланган углерод ҳавога кўтарилади. Фаолиятнинг чорвачилик, шоликорлик каби бошқа турлари метан, азот окиси ва бошқа парник газларнинг ажралиб чиқишига сабаб бўлади. Агар улар худди ҳозирги суръатда ажралиб чиқаверадиган бўлса атмосферадаги карбонат ангидрид газининг миқдори, XXI асда шубҳасиз саноат тараққиёти даврига қадар бўлган даражага қараганда қарийб икки баробар ошиб кетади. Агар парник газлари ажралиб чиқишини қискартириш чоралари кўрилмаса, уларнинг миқдори 2010 йилга бориб уч баробарга кўпайиши эҳтимолдан йироқ эмас.

Иқлимнинг ўзгариши бўйича ҳукуматлараро эксперт гуруҳининг илмий асосланган ҳисоб-китобларига қараганда илгаридаги юзйилликда 1-3,5 даража Целсий “глобал қизиш” эҳтимол тутилган бирмунча тўғри натижа ҳисобланар экан. Ҳароратнинг - XIX аснинг 50-йилларидаги саноат инқилоби давридагидан бу каби кўтарилишининг Целсий бўйича қарийб ярим даражаси кейинги пайтларда чиқаётган парник газларининг айби туфайлидир.

Бу ҳолнинг бизга қандай таъсир кўрсатишини илгаридан айтиб бериш қийин, чунки, глобал иқлим ғоятда мураккаб тизимдир. Масалан, юзлаб, минглаб йиллар барқарор бўлиб келган ва миллионлаб одамларнинг тақдирини ҳал этган шамоллар - йўналишини, ёғинлар эса миқдорини ўзгартириши мумкин. Балки ороллар ва паст қирғоқ худудларида яшовчиларга хавф-хатар туғдириб денгизлардаги сувнинг сатҳи кўтарилиши мумкин. Аҳоли ҳаддан ташқари кўпайиб кетган ва борган сари кучлироқ тазйиқ сезаётган сайёрамизнинг аслида бусиз ҳам бир олам муаммолари бор, ушбу кўшимча таъсирлар очлик ва бошқа халокатларни келтириб чиқариши мумкин.

— Халқаро муносабат қандай бўлди?

“Кўп ҳолларда нима чора кўриш зарурлигини, аллақачон биз яхши биламиз, - деди БМТ Бош қотиби Кофи Аннан, 2000 йилнинг июн ойида Стэнфорд университети битирувчиларига мурожаат этар экан. - Иқлим ўзгаришлари тўғрисидаги Киото протоколини агар мамлакатлар, биринчи навбатда парник газларини энг кўп миқдорда чиқарувчи Қўшма Штатлар ратификация қилса ва бажарса, у углерод ажралиб чиқишини тартибга сола олиши мумкин. Бу - бутун сайёрамиз учун ғоят катта тухфа бўлиши мумкин эди”.

Иқлим ўзгаришлари тўғрисидаги Киото протоколи имзолангунига қадар узоқ даврлар мобайнида иқлим ўзгаришлари жуда муҳим муаммо сифатида тан олиб келинган эди. 1979 йилда иқлим ўзгаришлари тўғрисида ўтказилган Биринчи бутунжаҳон конференциясида иқлимнинг ўзгариши инсон фаолиятига қандай таъсир этиши мумкинлиги масаласи кўриб чиқилди. Кейинги ўн йилликлар давомида БМТ раҳбарлигида шу масалага бағишланган бошқа халқаро илмий ва ҳукуматлараро конференциялар ўтказилди.

“Ер муаммолари бўйича олий даражада учрашув” ўтказиш мўлжаллангандан сўнг 1992

йилнинг июнига қадар, белгиланган жуда қисқа вақт мобайнида дунёнинг 150 мамлакатидан бўлган учрашув қатнашчилари Конвенцияни атиги 15 ойда ишлаб чиқдилар. У 1992 йилнинг май ойида Нью-Йоркда қабул этилди ва Рио-де-Жанейрода 154 давлат ҳамда Европа ҳамжамияти томонидан имзоланди. Конвенция 1994 йилнинг 21 мартдан кучга кирди, 2000 йилнинг май ойига бориб унинг қатнашчиларининг умумий сони 184 тага етди.

1990 йилда Иқлим ўзгаришлари бўйича ҳукуматлараро экспертлар гуруҳи ўзининг биринчи баҳоловчи ҳисоботини чиқарди. 1988 йилда БМТнинг Атроф муҳит дастури (ЮНЕП) ва Бутунжаҳон метеорология ташкилоти томонидан тасдиқланган гуруҳ иқлим тизими ва иқлим ўзгаришлари борасидаги мавжуд билимларни, иқлим ўзгаришларига экологик, иқтисодий ва ижтимоий таъсир кўрсатишни, шунингдек, мазкур муаммони ҳал этиш мумкин бўлган стратегияни баҳолаш ваколатини олган. Синчиклаб ўтказилган эксперт баҳолашидан кейин маъқулланган Ҳисобот иқлим ўзгариши тўғрисидаги илмий гувоҳномани тасдиқлади. Бу - сиёсатчиларга, шунингдек, кенг оммага жуда катта таъсир кўрсатди ва 1991 йилнинг илк ойларида бошланган иқлим ўзгаришлари тўғрисидаги конвенциянинг тузилиши борасида музокаралар олиб боришга асос бўлиб хизмат қилади.

Иқлим ўзгаришлари тўғрисидаги конвенция жаҳон халқларининг сиёсий иродаси муаммонинг мавжудлигини, шунингдек, умумий ҳаракат йўналиши заруратини қандай тан олганлигининг исботидир. Бу конвенция алоҳида аҳамият касб этади, чунки у оқибатлари аниқ бўлмасда, ҳозирги яшаб турган авлоддан кўра набираларимизга кўпроқ зарар келтириши мумкин бўлган муаммога қаратилган.

Конференцияда “атмосферадаги парник газлари миқдорини иқлим тизими учун хавfli бўлган инсон таъсиридан холи этадиган даражада” барқарорлаштирадиган “пировард мақсад” шакллантирилади. Конференция белгилаб берадики, “бу даражага шундай муддатда эришиш керакки, ушбу вақт, озик-овқат маҳсулотлари етиштириш хавф остида қолмасин, иқтисодий тараққиёт эса барқарор давом этавериши мумкинлигига одамларнинг ишонч ҳосил қилишлари ҳамда экотизим иқлим ўзгаришларига табиий равишда мослашиши учун етарли бўлсин”. Бу - жаҳон ҳамжамияти қабул этишга рози бўладиган илмий изланишлар асосидаги изоҳларга, шунингдек, ёнберишлар ва таваккалчиликларга ўрин қолдиради.

- 1995 йилнинг декабрида Иқлим ўзгаришлари бўйича ҳукуматлараро гуруҳ ўзининг иккинчи баҳоловчи ҳисоботи билан чиқди. Бутун дунёда 2000 олим ва эксперт томонидан ёзилган ва ўрганиб чиқилган бу ҳужжат ўзининг “ушбу гувоҳнома инсон фаолияти Ер юзи иқлимига сезиларли таъсир кўрсатапти, деб ҳисоблашга мажбур этади” деган хулосаси билан тезда танилди. Аслида, ҳисоботнинг қадри бундан ҳам зиёда бўлди: масалан, у “афсусланиб қолмайдиган ҳолатлар” ҳам ва иқлим ўзгаришларига қарши кураш харажатлари нуқтаи назаридан бошқа самарали стратегиялар ҳам борлигини таъкидлади.
- 1997 йилнинг декабрида, Японияда Конвенцияга имзо чеккан давлатларнинг учинчи конференциясида қарийб юз минг делегат, шарҳловчи ва журналистлар тарихий Киото протоколини қабул этилишининг гувоҳи бўлдилар. Киото протокоliga биноан саноати тараққий этган мамлакатлар ажралиб чиқаётган парник газлари умумий ҳажмини 2008-2012 йилларга бориб 1990 йилги даражага нисбатан камида 5 фоизга қисқартириш учун расман мажбурият олдилар. Протокол камида Конвенцияни имзолаган 55 мамлакат томонидан, жумладан, ажралиб чиққан умумий карбонат ангидриднинг 55 фоизи улар зиммасига тўғри келган тараққий этган мамлакатлар томонидан ратификация қилингандагина кучга киради.

— Иқлим ўзгаришларининг таъсири

Иқлим ўзгаришларининг келажакдаги оқибатлари ёки унинг даражаси тўғрисида ҳеч ким қатъий ҳукм чиқара олмайди. Бу хавфни илғаб олиш, осон эмасга ўхшайди. Бироқ, илмий доираларнинг кўпчилиги олдидан аллақачон иқлим ўзгаришлари муҳим масалами ёки йўқ деган муаммо олиб ташланган. Бугунги саъй-ҳаракатлар ушбу муаммо қай тарика ривожланмокда, унинг оқибатлари қандай сезилади, улар қандай ошқор бўлади деган йўналишда давом этмокда. Аниқ-ёрқин жавоб топиш учун сайёранинг иқлим тизими сингари мураккаб жараённинг компьютер модели ҳали мукамал ишланган эмас. Бу моделлар ёрдамида яратилган умумий манзара қуйидагиларни эътиборга ҳавола этади:

- **Ёғингарчиликларнинг минтақавий тизими ўзгариб кетиши мумкин:** Дунёнинг аниқ қайси минтақаларида ёғингарчилик кўпаяди, қайси жойларга қурғоқчилик хавф солиши мумкин, олимлар бу борада аниқ бир тўхтамга келолганлари йўқ. Бироқ эътиборни аҳолининг тез ўсиб бораётгани ва иқтисодий фаолиятнинг бетиним кенгая бораётгани туфайли жаҳон сув ресурслари зиммасига тушаётган қийинчиликнинг ўзига қаратгандаёқ хавф-хатар муқаррар экани сезилади.
- **Иқлим ва қишлоқ хўжалиги зоналари кутб томонга кўчиши мумкин:** Қурғоқчилик туфайли ёзги ойларда экинлар ҳосилдорлиги камайиб кетиши мумкин, кутбга яқин бўлган қишлоқ хўжалиги районлари ҳароратнинг кўтарилишидан фойда олиши мумкин. Бироқ жойнинг ўзгариши ва ҳосилдорлик даражаси паст тупроқ мамлакатларга ҳозирги кундаги мавжуд бирмунча маҳсулдор зоналарда қисқариб кетган ҳосилни етиштириб олиш имконини бермайди.
- **Ҳароратнинг кўтарилиши сабабли музликларнинг эриши ва денгизлардаги сувлар ҳажмининг кўтарилиши пастликдаги қирғоқ зоналари ва унчалик катта бўлмаган оролларга хавф солиб жаҳон океани сатҳининг кўтарилиб кетишига олиб келиши мумкин:** бу ҳолда айниқса, дунёдаги энг камбағал бўлган бирқанча мамлакатларнинг заиф, яхши ҳимояланмаган ва аҳоли зич қирғоқбўйи районлари кўпроқ талафот кўришлари мумкин.

Бунга жавобан Конвенция, кейинроқ, аниқ саъй-ҳаракатлар доирасини ва келишув тартибларини белгилади. Дипломатлар 1992 йилдаёқ ҳукуматлар ўртасида иқлим ўзгаришлари билан алоқадор муаммоларни бирмунча муфассал ҳал этиш борасида келишувга эришишнинг иложи йўқлигини тан олдилар. Аммо ҳукуматларнинг мунтазам учрашувларига ёрдам бериши мумкин бўлган умумий тамойиллар, институтлар ва тартиб-қоидалар ишлаб чиқиш доираларидан илгари ўтиб кетган ҳолда ушбу муаммоларни ҳал этишга биринчи туртки бердилар.

Конвенция мамлакатларга янги илмий маълумотлар олишларига қараб келишувларни кучайтириш ёки сусайтириш имконини берадиган қилиб тузилган. Масалан, улар бирор аниқ саъй-ҳаракат (парник газлари ажралиб чиқишини муайян ҳажмга қисқартириш сингари) тўғрисида унга тузатиш ёки протокол қабул қилиш билан келишишлари мумкин. 1997 йилда Киото протоколи қабул этилганда иш шундай ҳал бўлган эди. Конвенция келиб чиқадиган кўпгина салбий оқибатларнинг ҳозирдан олдини олиш чораларини кўриб қўйиш имконини беради. Конвенцияни ратификация қилган давлат иқлим ўзгаришларини секинлаштириш бўйича миллий дастур ишлаб чиқиш учун розилик беради. Шунингдек, у мамлакатларни технологияларни алмашлаш ҳамда илмий тадқиқотлар ва маълумотларни тўплаш сингари бошқа соҳаларда ҳам ҳамкорлик қилишга рағбатлантиради.

— Иш ва масъулиятларни тақсимлаш

Шароит шуни тақозо этадики, парник газлари ажралиб чиқишига, асосан, турмуш тарзи юқори бўлган мамлакатлар кўпроқ жавобгар бўлиб чиқадилар. Бундай талаб ривожланаётган мамлакатлар олдига қўйилганда улар эндигина юз кўрсатиб келаётган саноатларини қисқартиришни талаб этишаётганини баҳона қиладилар. Чунки газнинг энергетика билан боғлиқ ажралиб чиқиши иқлим ўзгаришларининг асосий сабабчиси ҳисобланади, шу боис мамлакат ёқиладиган кўмир ва нефт ҳажмини қисқартириш мақсадида барча соҳаларга тобора кучлироқ босим кўрсатиши керак бўлади. Шунингдек, келажакка камроқ талафот етказиш учун илғор технологияларни жорий этиш фойдасига ҳам босим (аммо рағбатлантириш ҳам) кўрсатилади. Агар индустриалаштиришнинг илк босқичида турган мамлакат энг арзон, қулай ва саноат томонидан кўпинча фойдаланиб туриладиган қазиб олинадиган ёқилғидан фойдаланишни қисқартиришга розилик билдирадиган бўлса, улар қандай олға силжий оладилар? Бунинг зарарини уларга ким тўлайди?

Иқлим ўзгаришларига қарши курашиш учун Конвенция бой мамлакатлар зиммасига улкан масъулият улушини ва улкан харажатлар улушини юклайди. Бизнинг умумий атмосферамизни муҳофаза этилаётганда унга етказилган ҳар қандай талафот мамлакатлар ўртасида уларнинг “умумий, лекин табақалаштирилган жавобгарлиги ва тегишли имкониятлари, шунингдек, ижтимоий ва иқтисодий шартлари”га мувофиқ тенг тақсимланишига ишонч ҳосил қилиш учун Конференция барча имкониятларни ишга солади. Унда қайд этилишича газ ажралиб чиқишининг катта ҳиссаси тараққий этган мамлакатлар зиммасига тўғри келади. Шундай экан, восита ва технологияларни тақдим этиш борасидаги шартномалар бўйича аниқ-ёриқ мажбуриятни олиш фақат энг бой мамлакатларнинг вазифаларидир.

— Киото протоколи

Конвенция имзоланганидан кейин барча мамлакатларда газлар ажралиши даражаси ўсди. Яна ҳам кўплаб кишилар шундай хулосага келмоқдаларки, парник газларининг ажралиб чиқишини қисқартириш бўйича, фақат тараққий этган мамлакатлар томонидан қабул этилган аниқ ва қатъий мажбуриятларгина корхоналар, ҳамжамиятлар ва ҳар бир кишини бу борадаги ўз ёндошувларини ўзгартиришга ундай оладиган қудратли сигнал бўлиб хизмат қилиши мумкин.

1997 йил Конвенция Киото протоколи имзоланиши муносабати билан ошиб бораётган жамоатчилик босимига ўз муносабатини билдирди. Протокол - аллақачон қабул этилган шартнома билан боғлиқ алоҳида халқаро битим ҳисобланади. У Конвенциянинг қоидалари ва тамойилларига асосланади, аммо Конвенция қабул этилган пайтларидагига қараганда зиммасига яна ҳам мураккаброқ ва батафсилроқ янги мажбуриятларни қўшиб олади.

Мазкур мураккаб жараён парник газларининг ажралиб чиқишини назорат қилиш зарурати туфайли ташкил этилган улкан муаммонинг акс садосидир. Шунингдек, у келишувга эришиш учун тенглаштириш зарур бўлган сиёсий ва иқтисодий манфаатларнинг тафовути ҳамдир. Миллиардлаб доллар турадиган саноат соҳаси қайта қурилиши керак; бу ҳол уларнинг баъзиларига фойдали бўлса, баъзилари учун бефойдадир. Шу боис Киото протоколи иқтисодиётнинг деярли барча соҳаларига дахл қилиб ўтади, у атроф муҳит ва барқарор тараққиёт борасида азалдан қабул этилган сулуҳларнинг энг истиқболлиси ҳисобланади. Булардан ташқари Киото протоколи қуйидаги фазилатлари учун қадрланади:

- Ҳуқуқий жиҳатдан мажбурий ҳисобланган мўлжалдаги кўрсаткичларни ва тараққий этган мамлакатлар томонидан газ ажралиб чиқишини қисқартириш жадвалини белгилаб беради, жадвалга биноан улар газ ажралиб чиқишини камида 5 фоизга қисқартиришлари зарур; Европа иттифоқи мамлакатлари, шунингдек, кўпчилик Марказий ва Шарқий Европа

мамлакатлари 8 фоизга, АҚШ 7 фоизга, Канада, Венгрия, Япония ва Польша 6 фоизга қисқартиришлари керак. Ажралаётган газларни Норвегия 1 фоизга, Австралия 8 фоизга ва Исландия 10 фоизга қисқартирган айни пайтда Янги Зеландия, Россия ва Украина уларнинг ҳажмини бир маромга туширишлари керак.

- Асосан олтита парник газига, жумладан, карбонат ангидрид, метан, азот оксиди, фторли углеводород, перфторуглеродлар ва элегазларга эътиборни жалб этади. Бу газлар шундай алоҳида “идиш”га қамаладики, уларнинг ҳар бирини қисқартириш - карбонат ангидридниги мўлжалдаги ягона кўрсаткичига тенг миқдор билан ўлчанади.
- Уч асосий газ - карбонат ангидрид, метан ва азот оксиди ажралиб чиқишининг қисқаришини 1990 йилги асосий кўрсаткичларга нисбатан, қолган учта бирмунча илгаридан учрайдиган саноат газлари ажралишининг қисқаришини 1990 ёки 1995 йилларга нисбатан ўлчайди.
- Газ ажралиб чиқишини қисқартириш ишончли ва текшириб аниқлаш имкони бўлгандагина тан олинади. Ҳар бир мамлакатда газ ажралиб чиқишини баҳолаш ва унинг қисқаришини тасдиқлашнинг самарали миллий тармоғи бўлиши талаб этилади. Миллий кўрсаткичларнинг таққосланадиган бўлиши учун стандартлашган асосий тамойиллар ишлаб чиқилиши керак. Ушбу жараён очик ва ошқора бўлиши шарт.

Газ ажралиб чиқишининг тараққий этаётган мамлакатлар учун мўлжалдаги кўрсаткичлари тўғрисидаги масала, шунингдек, бутун жаҳонда ажралаётган газлар миқдори мунтазам кўпайиб бораётганини эътиборга олганда, мажбуриятлар келгусида қандай қилиб ўзгартирилиши ҳақидаги яна ҳам кенгрок кўламдаги муаммо кўплаб кескин баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда. Кўплаб тараққий этаётган мамлакатлар, уларда газ ажралиб чиқиши даражаси аҳоли жон бошига олганда тараққий этган мамлакатларга нисбатан кам эканлигини таъкидлаб, газ ажралиш даражасига хатто, ихтиёрий асосда белгиланадиган энг юқори чеклов борасида расмий мажбурият қабул этилишига ҳам қаршилиқ кўрсатмоқдалар.

Киото протоколи, албатта, охириги натижа эмас, уни келажакда кучайтириш ва кенгайтириш керак. Бунинг устига, айни пайтда тараққий этаётган мамлакатлар учун ҳеч қандай аниқ графиклар ва мўлжаллаб қўйилган кўрсаткичлар белгиланган бўлмасда, улар газ ажралиб чиқиш даражасини қисқартириш бўйича ўзлари чора тадбирлар қабул қилишлари ва иқлим ўзгаришлари борасидаги ўзларининг саъй-ҳаракатлари тўғрисида ҳисобот беришлари кутилмоқда. Кўплаб далиллар мавжудки, ривожланаётган давлатлар рўстдан ҳам парник газлари ажралиб чиқиш суръатини иқтисодий ўсиш суръатига қараганда паст бўлишига йўналтирилган қадамлар ташламоқдалар. Бу, айниқса, энергетикага тааллуқлидир.

— Тадбирларни амалга ошириш харажатлари

Иқлим ўзгаришларини бартараф этиш борасидаги сиёсат харажатларини “афсусланиб қолмайдиган ҳолатлар” деб аталадиган стратегия ёрдамида қисқартириш мумкин. Бундай стратегия, дунёда иқлим қанчалик тез ўзгариши мумкинлигидан қатъий назар, иқтисодиёт ва шунингдек, атроф муҳит нуқтан назаридан аҳамият касб этади. Масалан, энергиядан фойдаланиш самарадорлигини ошириш нафақат парник газлари ажралиб чиқишини қисқартиради, балки бу билан саноатни ва мамлакатнинг ўзини халқаро бозорда янада рақобатбардошли қилиб, энергия нархини арзонлаштиради. У шунингдек, шаҳарлардаги ифлосланган ҳавонинг одамлар саломатлиги ҳамда атроф муҳитга зарарли таъсирини камайтиради. Айни пайтда эҳтиёткорлик тамойиллари ва иқлим ўзгаришларидан кутилган пироварддаги талафот муайян харажатларни талаб этадиган бундай сиёсат қабул этилишини оқлайди.

Протокол киритган янгиликлар орасида томонлар ўзга мамлакатларда газлар ажралиб чиқишини қисқартирганликлари туфайли шартли очко олишлари учун фойдаланишлари мумкин

бўлган учта механизм мавжуд. Ғоя шундан иборатки, ажралиб чиқаётган газларни ўзлари қисқартириш уларга жуда қимматга тушадиган мамлакатлар, бу ишни бирмунча арзонроқ амалга ошира оладиган давлатга пул тўлаб қилдиришлари мумкин. Шундай қилиб, ажралиб чиқаётган газларни қисқартиришнинг глобал иқтисодий самарадорлиги ошади ва айни пайтда қисқартиришнинг 5 фоиздан иборат мўлжалдаги кўрсаткичига эришилади. Бироқ Протокол шуни ҳам кўзда тутадиги, бошқа мамлакатда ажралиб чиқаётган газларни қисқартиргани учун берилган шартли очко ажралаётган газларни ўз мамлакатада қисқартирганини ҳам ҳисобга олиши керак.

Мазкур уч механизм, жумладан, қандай тарзда ишлаши тўғрисидаги масалани ечиш ҳукуматлар олдида турибди. Улар қабул қиладиган қоидалар газларни қисқартириш кўрсаткичларига эришиш харажатларига кучли таъсир кўрсатади. Шунингдек улар, газ ажралиши борасидаги мажбуриятларга қандайдир ғайриқонуний йўллари йўлаб топишни эмас, балки механизмларнинг экологик жиҳатдан ишончлилигини, яъни уларнинг Протоколда белгиланган мақсад-вазифаларга эришишда ҳисса кўша олиш лаёқатини белгилаб беришлари керак. 2000 йилнинг ноябрида Конвенцияни имзолаган мамлакатларнинг Гаагада (Нидерландия) ўтказилган учрашуви кун тартибида бу масала устуворлик қилди.

Эмиссиялар - қимматли қорозлар билан савдо қилиш тартиби саноати тараққий этган мамлакатлар учун бир-бирларига эмиссия очколари сотиш имконини беради. Келишувда кўзланган кўрсаткичларга мувофиқ эмиссияни керагидан ортиқ ҳажмга чегаралаб қўйган ва қисқартирган давлатлар ортиқча эмиссия очколари мақсадларига эришишга қийналаётган ва бу уларга қимматга тушаётган мамлакатларга сотиб юборади. Бундай қоида бироқ ҳали қабул этилган эмас. Ҳозирга қадар ҳукуматлар эмиссияларни алмашлаш ўз ихтиёридаги эмиссиясини қисқартириш бўйича рағбатларни сўндириб қўймайдиган шароитни таъмин этишнинг энг яхши усулларини муҳокама этмоқдалар.

Ҳамкорликдаги лойиҳалар бошқа тараққий этган мамлакатлардаги лойиҳаларни молиялаш учун “эмиссияни қисқартириш бўйича компонентлар” тақдим этади. Биргаликдаги лойиҳа қуйидагича амалга ошириш мумкин. Тасаввур этамизки, А мамлакат парник газларининг ажралиб чиқишига катта миқдордаги пул сарфлаши керак. Бунинг ўрнига у В мамлакатдаги (бу мамлакат иқтисодиёти ўтиш даврида бўлса керак) янги, газ кам ажралиб чиқадиган технологияни жорий қилишни сармоялайди. А мамлакат газ ажралиб чиқишини камайтиргани (мамлакат ичкарасидагига қараганда кам харажат қилгани) учун очко олади, ажралаётган газларнинг бутун дунёдаги ҳажми эса камайтирилади, бир сўз билан айтганда бундан ҳамма ютади.

Бундай лойиҳаларда нафақат ҳукуматлар, балки корхоналар ва бошқа хусусий ташкилотлар ҳам бевоқиф иштирок этишлари мумкин. Бу ёндошувнинг бир неча жиҳатлари Конвенция доирасида, “Тадбирни биргаликда амалга ошириш” ихтиёрий дастури ёрдамида синаб кўрилган эди. Лекин илгариде лойиҳанинг ҳисоб-китоблар олиб бориш қоидалари, мониторинг тизими, институтлари ва асосий тамойилларини ишлаб чиқиш каби вазифалар бор.

Соф ривожланиш механизми газлар ажралиб чиқишини бартараф этиш ва қисқартириш бўйича лойиҳаларни молиялаш учун тараққий этаётган мамлакатларга кредитлар тақдим этади. Механизм шундай муҳим янги усулга айланишга ишонч уйғотмоқдаки, унинг ёрдамида ҳукуматлар ва хусусий корпорациялар экологик тоза, соф технологияни тақдим эта олиши ҳамда барқарор тараққиётга кўмаклашиши мумкин бўлади. Очколари эса “газ ажралиб чиқишининг тасдиқланиши” ҳисобига олинади.

Лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш ва маблағлар алмашиши пайтида фақатгина ривожланаётган мамлакатларнинг 5 фоизли умумий мақсадли кўрсаткичлари қисмининг жойи ўзгаради, холос, соф ривожланиш механизми тараққий этаётган мамлакатлардаги (аниқ мўлжалга олинган кўрсаткичи бўлмаган) маблағларга тааллуқлидир. Аслини олганда бу - газ ажралиб чиқиши

умумий ҳажмини оширади. Шу боис, мазкур механизм алоҳида текширилиши керак.

■ **Иқтисодиёт тараққиёти билан иқлим муносабатини уйғунлаштириш учун нималар қилиш керак?**

Парник газларини қисқартириш сиёсатчилардан алоҳида қарорлар қабул этишни талаб қилади. Улар фуқаролик жамияти истеъфода этадиган бутун ҳажмдаги энергия, айниқса, саноатда фойдаланиладиган энергия тўғрисидаги сиёсатни ишлаб чиқишлари зарур. Мавжуд беҳато рағбатлантирувчи омиллар ва босимларга қарамай, ишбилармон сектор бугунги кунда имкони бўлган газ кам ажралиб чиқадиган технологияни ва тезкор хизматларни таклиф этапти. Бу ҳолда фақатгина автомобил саноатининг ўзида нималар бўлаётганини эслашнинг ўзи кифоядир.

Мактаб, жамоатчилик гуруҳлари, оммавий ахборот воситалари, оила ва истеъмолчилар ҳам, шунингдек, ҳал этувчи рол ўйнашлари мумкин. Ҳатто, ҳар бир киши ҳам ўз одатларини ўзгартириб ёки ўйлаб-мулоҳаза қилиб харид этиш билан ҳам катта ҳисса қўшишлари мумкин. Харидорлар, агар ўйин қондаси ўзгараётганига ишончи комил бўлиб қолсалар, улар сон-саноксиз майда қарорлар қабул қила бошлайдилар. Қарорларнинг барчаси муштарак ҳолда газ ажралиши ҳажмига ҳал этувчи таъсир кўрсатиши мумкин.

Агар жамиятнинг қўпчилиқ қатламлари бундай ўзгаришлар қилиш тарафдори бўлсалар, у ҳолда тезда энергия сарфи нуқтаи назаридан янада самаралироқ технологик инновациялар ва экологик барқарор жамиятга ўтиш содир бўлишини кутиш мумкин. Ҳамма гап ишни бошлаб юборишда қолади.

Бу ҳолга Протокол шундай муносабат билдирадигани, унда эмиссияни қисқартириш бўйича қуйидаги самарали ички стратегиялар ҳамда тадбирлар белгилаб берилади:

- Углеродни кўп чиқарадиган тадбирларга сарф этиладиган маблағлар махсулдорлигини аста-секин қисқартириш;
- Айни пайтда мавжуд ва келажакда яратиладиган энг яхши технологияларни қўллашни рағбатлантирадиган, энергияни тежаб-тергайдиган ва бошқа меъёрларни жорий этиш.
- Иқтисодиётнинг парник газлари манбаи ҳисобланган транспорт, турар жойлар ва бошқа секторларига кўпинча бевосита масъул бўлган ҳокимиятнинг маҳаллий ва шаҳар органлари ҳам шунингдек қуйидаги йўллар билан ўз ролларини ўйнашлари мумкин:
- Жамоатчилик транспортининг такомиллашган тизимини ишлаб чиқиш ва яратиш;
- Одамларни ўзларининг шахсий автомобилларидан эмас, жамоатчилик транспортдан кўпроқ фойдаланишлари учун рағбатлантириш;
- Янги уйлар ва жамоатчилик биноларининг кам миқдордаги ёқилғи билан иситилиши учун қурилиш меъёрларига талабчанликни ошириш.

Муайян пайтларда саноат корхоналари қазиб олинadиган ёқилғи ва хом ашёлардан янада самаралироқ фойдаланиладиган янги технологияга ўта бошлайдилар. Имконияти бўлган турли жойларда улар энергиянинг шамол, қуёш сингари қайта тикланадиган манбаларига ўтишлари керак. Шу каби улар холодилниклар, автомобиллар, бетон аралаштиргичлар ва ўғитлар каби маҳсулотларнинг парник газларини кам чиқарадиган турларини яратишлари керак. Фермерлар чорвачилиқ ва шоликорликда метан ажралиб чиқиш миқдорини камайтирадиган технологиялар ва усулларга мурожаат этишлари керак. Орамиздаги ҳар бир одам ҳам ёқилғининг қазиб олинadиган турларидан камроқ фойдаланиши, жумладан, кўпроқ жамоатчилик транспортларида

юриши, бўш хоналардаги электр лампочкаларини ўчириб қўйиши, шу кабилар билан табиий ресурслардан янада тежаб-тергаб фойдаланишлари керак.

— Мушоҳада: сен нималар қилишинг мумкин?

- Ҳаракатланишнинг муқобил воситаларидан фойдалан: имкон борича яёв, велосипедда ёки жамоатчилик транспортида юр.
- Машинани ёқилғини энг кам сарфлайдиган, рухсат этилган тезликда ҳайда.
- Захарли газлардан ҳимояланиш учун дарахтлар ўтказ.
- Углеродларни тўпловчи - ўрмонларни асраб-авайла.
- Ишлаб чиқариш чикитларини камайтир ва уларни имкон қадар қайта ишла.
- Уйда ва ишхонада энергияни тежа: қайта тикланадиган ва муқобил манбалардан фойдаланишга қўмаклаш.
- Энг ақлли истеъмолчига айланишга ҳаракат қил - “яшиллар” ва энергияни тежайдиган технологиялар ёрдамида тайёрланган товарлар ва хизматлардан фойдалан.
- Миллий лидерларни, агар улар Киото протоколига имзо чекишмаган бўлса, бу ишни амалга оширишга чақир.


— XXI аср ва кейинги йиллар

Иқлимнинг антропоген ўзгаришлари билан юзма-юз келган одамлар ўнйиллик ва юзйиллик ўлчовлари билан фикрлай бошлашларига тўғри келади. Ҳали бу ишнинг бошланиши. Иқлим ўзгаришларининг кўпгина оқибатлари фақат икки ёки уч авлоддан кейингина юзага чиқади. Келажакда эса ҳамма бетиним шу муаммони эшитадиган ва шу билан яшайдиган бўлади.

Конвенция бу маълумотни эътиборга олади. Унга мувофиқ узоқ муддатли шартномалар ва иқлим ўзгаришларини камайтириш ҳамда унга мослашиш бўйича узоқ даврларга мўлжалланган саъй-ҳаракатлар мониторингини бажариш тадбирларини қўллаб-қувватлаш институтлари ташкил этилади. Шунингдек, ҳукуматлар Конвенцияни 1997 йилда Киотодаги сингари кучайтиришлари мумкин. Протоколнинг газ ажралишини 5 фоизга қисқартириш тўғрисидаги талаби ишга ҳали жуда камтарлик билан киришиш бўлиб туюлиши мумкин, лекин аксинча, яъни бу ҳолдан келиб чиқиши мумкин бўлган ажралаётган газларнинг кўпайиб кетишини эътиборга олганда ва қатор тараққий этган мамлакатларда ажралаётган газларнинг асос сифатида қабул этилган миқдори 1990 йилдан буён бетўхтов ўсаётганини эслаганда, ушбу мажбуриятни бажариш учун кўплаб мамлакатлар жиддий ҳаракат қилишларига тўғри келади.

Киото протоколи янги юзйилликнинг биринчи ўнйиллиги охирларига бориб тараққий этган мамлакатларда парник газлари ажралиб чиқишини камайтиришдек муҳим ваъдани беради. Бу билан саноати ривожланган мамлакатларда газ ажралишининг ўсишини тўхтатиш ва унинг ҳажмини 2000 йил даражасига қайтара олишга ва иқлим учун бехатар бўлган глобал экономикага ўтишни тезлаштиришга эришила олинса шунинг ўзи катта ютуқ бўлиб қолар эди.

Бош котиб Кофи Аннан ўзининг “Мингйиллик маърузаси”да Киото протоколига имзо чеккан барча давлатларни унинг бошқа давлатлар томонидан ҳам имзоланиши ва бажарилиши учун ёрдамлашишга чақирди. Айниқса, бу чақирик, уни ратификация қилишлари Конвенцияни 2002 йилда ҳаракатга тушириш учун зарур бўлган давлатларга тегишлидир.



== Ўқувчиларга тавсия этиладиган фаолият турлари

1. Куйида келтирилган фикрларни алоҳида қоғозларга ёзиб ўқувчиларга тарқат, улардан, фикрларини 1 балл (тўлиқ қўшилмаслик)дан - 10 балл (тўлиқ қўшилиш)гача шкала бўйича жойлаштиришларини сўра.
 - (A) Табиий ресурслар агар улардан фойдаланиш, қандайдир гуруҳ одамлар турмуш шароитини яхшилаши мумкин бўлса, улар тегилмасдан, ўз ҳолича қолдирилиши мумкин эмас.
 - (B) Агар одамларнинг кўпчилиги ёввойи табиат қўйнига боролмасаларда, улар учун бу каби жойларнинг сақлаб қолдирилиши муҳимдир.
 - (C) Дунё табиат ресурслари одамлар фойдаланишлари учун яратилган. Биз, кўпинча ўзимиз учун эп кўрмайдиган бу ресурсларни қандай бўлса шундайлигича, асраш - беҳуда ҳашамдир.
 - (D) Атроф муҳитнинг таназзулга юз тутиши - инсоният бугун тўқнаш келган энг катта муаммодир.
 - (E) Инсоният атроф муҳит муаммосини ҳал этиш учун, охир-оқибатда янги технологияни ишлаб чиқади.
 - (F) Ердаги ҳаётнинг барча шакллари сақлаб қолишнинг масъулияти одамлар зиммасидадир.
 - (G) Мамлакат табиий ресурслари ва табиий меросини муҳофаза этиш, аввало ҳукуматнинг бурчидир.
 - (H) Сенинг мамлакатингда атроф муҳитни муҳофаза этиш устида ҳукумат яхши иш олиб бораёпти.
 - (I) Атроф муҳитни яхшилаш бўйича - қайта ишлаш, одамлар амалга оширишлари мумкин бўлган ишларнинг энг муҳимидир.
 - (J) Одамлар ўзларининг хусусий ерларидан фойдаланишлари (деҳқончилик, уй-жой қурилиши, ёғочлар тайёрлаш) учун имконият бўлиши зарур, деб ҳисоблайдилар.
 - (K) Барча одамларнинг тоза ҳаво ва сувдан баҳраманд бўлиш ҳуқуқлари барқарордир.
 - (L) Ёввойи табиатни муҳофаза этиш билан одамларга иш ўринларини сақлаб қолиш ўртасида иккиланиш келиб чиққан ҳолда, биз биринчи навбатда инсонлар эҳтиёжини эътиборга олишимиз керак.
 - (M) Инсоният тақдири - бошқа тирик жонзотлар тақдири билан боғлиқ; агар инсоният барқарор бўлишни хоҳласа уларнинг барча турлари ва яшаш жойларини муҳофаза этиши керак.
 - (N) Аҳоли сонининг кўпайиб кетиши - экологик муаммоларнинг пайдо бўлиши ва мавжудлигига кўмаклашувчи ягона муҳим омил ҳисобланади.
 - (O) Атроф муҳитнинг ифлосланишига қарши кураш доирасида ҳукумат томонидан қабул этилган қонунлар ҳаво ва сувларни келажак авлод учун яхши савияда сақланишини таъминлашга кафил бўла олади.

2. Очиқ жой топ ва юқорида келтирилган фикрларнинг бирини танла. Ўқувчиларнинг танланган номерга мувофик саф тортишларини сўра. Бу саф синфдагилар фикрларининг хилма-хиллигини ифода этади, сафни бўл ва болаларнинг ярмини ўз ўрниларида қолишларини сўра, айни пайтда сафнинг тенг ярми қолганлар қаршисига ҳар ким ўз шериги билан рўпара бўлган ҳолда сафланадилар. Ҳар бир жуфт шерикларга ўз нуктаи назарларини ифода этишлари учун бир минутдан вақт бер. Шерик ўттиз секунд давомида айтилганларни ўз сўзи билан қайта ифода этиб бериши керак. Кейин унга тушунтириш учун бир минут берилади. Биринчи шерик эса бир минутдан кейин унинг мулоҳазаларини ўз сўзи билан ифода этиб бериши керак. Мухокама пайтида шу фикрни танлаганининг боисини ва аниқ ҳаётий ҳолатлардан ҳамда ўзгаришлардан мисоллар келтиришини; шунингдек, қўшимча маълумотларга эҳтиёжни, бунинг устига уларнинг кадриятлари қандай қилиб шаклланганини сўра. Бошқа ҳар қандай фикрлар устида ҳам шу амални такрорла.

== Баъзи манбалар

“Иқлим ўзгаришларини идрок этиш: БМТнинг Иқлим ўзгаришлари доирасидаги Конвенцияси ва унга Киото протоколини ўрганишни бошловчилар учун йўлланма”. 1999 йил, сентябр, ЮНЕП ва БМТнинг Иқлим ўзгаришлари доирасидаги конвенцияси ва Киото протоколи: Интернетдан қуйидаги адрес бўйича топиш мумкин: www.unep.ch/iuc/submenu/begin/beginner-99.htm.

Юқорида келтирилган матннинг кўпгина қисми шу манбадан содалаштириб олинган.

“Иқлим ўзгаришлари: маълумотлар тўплами”, 1999, июл, ЮНЕП; Интернетда қуйидаги адресда мавжуд:

www.unep.ch/iuc/submenu/infokit-1999.htm.

“Иқлим ўзгаришлари тўғрисида тез-тез учраб турадиган масалалар”, 1997, ЮНЕП ва Бутунжаҳон метеорологик ташкилоти; Интернетда қуйидаги адресда мавжуд: www.gcio.org/ipcc/ga/cover.htm.

“2000 йил учун бутунжаҳон экологик прогнози”, 1999, ЮНЕП ва “Эртскэн пабликешнз” нашриёти; Интернетдаги адреси: www.unep.org/geo2000.

“Пачамама: Ер курраси - келажакимиз”. 1999, ЮНЕП ва Эванс бразерс лимитед; Интернетда қуйидаги адресдан топилади: www.unep.org/geo2000/pacha/index.htm.

“Белгиланган тадбирлар: сенга ва сенинг ҳамжамиятингга экологик йўлланма”. 1995, ЮНЕП ва NGLS; Интернетдаги адреси: www.nyو.unep.org/action.

(Бу қисм ЮНЕП томонидан тузилган)

Асосий статистик маълумотлар



- 50 миллионли аудиторияни радио 38 йилда, телевидение 13 йилда Интернет эса бор-йўғи тўрт йилда эгаллаб олди.
- 1998 йилда Интернетдан 143 миллион киши фойдаланди, 2001 йилда уларнинг сони 700 миллионга етди.
- “Бутунжаҳон тўри” 1993 йилда 50 бетдан ошиқроқ эди; уларнинг сони бугун 50 миллион саҳифадан ортиқроқдир.
- Интернетга яқин беш йилнинг ўзида қарийб 900 миллион, айти пайтда бутун дунёдаги телефонлар сонига тенг бўлган миқдордаги электрон жиҳозлар уланиши кутилмоқда.
- Интернетга боғланган мамлакатлар 1990 йилда 20 та бўлса, уларнинг сони 1998 йилнинг июлида 200 дан ошиб кетди.
- 1998 йилда Интернетдан фойдаланувчиларнинг 88 фоизи, аҳолиси Ер қуррасининг атиги 15 фоизини ташкил этадиган, саноати тараққий этган мамлакатларда яшаганлар.
- Компютерни ўртаҳол америкалик бир ойлик маошига, ўртаҳол бангладешлик саккиз ойлик маошига сотиб олиши мумкин.
- Дунёдаги мамлакатларнинг тўртдан бир қисмидаги аҳолининг ҳар юз нафари ҳозирга қадар битта телефонга эга эмас.
- Бутун дунё мамлакатларидаги компютерлар сонидан АҚШдаги компютерлар сони кўпроқ, Таиланддаги уяли алоқа телефонлари сони бутун Африкадаги телефонлар сонидан кўпроқдир.

Ахборот ва коммуникация технологияси



Бугунги дунёдаги бошқа барча муассасалар сингари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳам аср ахборотининг кенг имкониятларидан бутун чоралар билан фойдаланиши керак. “Рақамлар инқилоби” технологик ўзгаришларнинг мисли кўрилмаган тўлқинининг кўтарилишига сабабчи бўлди. Камбағалликни бартараф этиш ва бизнинг шу каби бошқа устувор вазифаларимизни янада тўлиқроқ амалга оширишда унинг натижаларидан масъулият билан фойдаланишда бизнинг имкониятларимизни бирмунча кенгайтириши мумкин.”

Бош котиб Кофи Аннанинг “Мингйиллик маърузаси”дан“

— Тараққиёт

Сарҳадларни кенгайтириб

Денгиз сатҳидан уч минг метр баландликда жойлашган Андахдаги Пастокалле кишлоғининг деҳқонлари экинларга қирон келтира бошлаган чумолиларнинг бутун бошли армиясига дуч келдилар. Улар маҳаллий мутахассисларни ёрдамга чақиришди, бироқ бу юришни мутахассислар ҳам тўхтатиб қола олмадилар. Яқинда кишлоқдошлар биргаликда пул тўплашиб компьютер сотиб олишди ва уни Интернетга уладилар. Улар бутунжаҳон тамоғи бўйича ёрдам сўрадилар. Орадан бир неча кун ўтганидан сўнг уларга жавоб келди: бунинг учун Андахда топиш оппа-осон бўлган органик материалдан фойдаланиш мумкин экан. Пастокаллекликлар унинг билан ерга ишлов беришган кунданок чумолилар ғойиб бўлди.

Ахборот ва коммуникация технологияси биз яшаб турган дунёни ўзгартириб юборди. Компютер тармоғи, алоқанинг тезкор ва оддий, симли телефонлар, шунингдек, Интернет ва Сунъий йўлдошлар сингари дастурий таъминот, телекоммуникация воситаларига уланиш билан ахборот ва коммуникация технологияси дунёнинг икки четида турган одамларга қариндошлари, дўстлари ва ҳамкорлари билан дақиқаларда алоқа ўрнатиш, кутубхоналардан, ахборотлардан, ресурслардан ва бошқа кўплаб имкониятлардан баҳраманд бўлиш имконини беради.

— Рақамлар инқилоби

“Инсон тараққиёти тарихида, Интернет - алоқанинг бирмунча тез тараққий этган

воситаси, шу билан биргаликда ахборот тарқатишининг ҳам энг тезкор механизми ҳисобланади. Ахборот технологиясини ва Интернетнинг яқинлашуви дунёни индустриаллаштириш инқилоби каби ўзгартириб юбориши мумкин”.

Ахборот ва коммуникация технологияси паровознинг кашф этилиши сингари одамларнинг турмуш тарзини, ишларини ва ўзаро алоқасини ўзгартириб юборди. Бироқ илгариги технологик инқилоблардан фарқли ўларок ахборот коммуникация технологияси 50 миллионлик ихлосмандлар эътиборини тортиб олиши учун, бор-йўғи тўрт йил зарур бўлди. Бундай имконга қандай эришилди? Ахборот ва коммуникация технологиясининг қандай хусусиятлари бу қадар тез тарқалиш имконини берди?

- **Нархи.** Ахборот ва коммуникация технологиясидан дунёдаги турли хил даромадларга эга одамлар баҳра олишлари учун кейинги 30 йил мобайнида компьютер билан ишлов бериш 99, 999 фоизга арзонлашди.
- **Асосий маҳсулот: билим ва ахборот.** Ахборот ва коммуникация технологияси билим ва ахборотдан моддий ресурслардан фарқли равишда, асосий маҳсулот сифатида фойдаланади. Ахборот ва билим бинолар қуришга ишлатиладиган пўлатдан фарқли ўларок, ҳар хил мақсадлар ва ҳар хил эҳтиёжмандлар учун бир вақтнинг ўзида керак бўлиб қолиши мумкин; улар қанча кўп фойдаланса, шунчалик қимматли бўлиб бораверади.
- **“Янги иқтисодиёт”.** Гояларга асосланадиган ва янгилик кидирувчилар ҳамда илғор тоифада фикрлайдиган, ҳарқалай, капитал эмас, ахборотга эга бўлишни хоҳлайдиган одамларга имтиёз бағишловчи бу янги иқтисодиёт жаҳон сахнасидаги янги ўйинчиларга қимматли уфқлар очиб беради. Бир замонлар, бошқа соҳалар хали бўлмаган бир пайтда янги экономика ҳам худди шундай тарзда пайдо бўлган эди.
- **Ахборот ва коммуникация технологияси, чинакам глобал характерга эга.** Ахборот ва коммуникация технологияси учун одамларнинг жинси, ёши, ижтимоий ёки иқтисодий мавқеи рол ўйнамайди. Ахборот ва коммуникация технологияси - унга кириб бориш имкони ва шунингдек, зарур маҳорат, билим бўлганидагина барча одамларга электрон воситалар соҳасида бир хил ресурслар ва имкониятлар бахш этиши мумкин.

Малайзиянинг пойтахти Куала Лумпурга уч соатлик йўл бўлган жойда истиқомат қиладиган 13 ёшли бола Зулфенди Зулхисом Интернетда саҳифа очишни ўрганиб олиши мумкин, Камерунлик 57 ёшли она Доминика Лакомби чорвачиликнинг замонавий усуллари тўғрисида ахборот топиш учун ахборот коммуникация технологиясидан фойдаланади. Доминика Лакомби саводсиз, аммо бу унинг электрон алоқа воситаси билан яхши тадбиркор бўлишига ҳалакит бермади.

— **Ахборот коммуникация технологияси: билим - имкониятларни кенгайтириш воситаси**

Ахборот ва коммуникация технологияси инсоний ва иқтисодий тараққиётнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Ахборот ва коммуникация технологияси миллий экономика тараққиётини тезлаштириш, таълим, соғлиқни сақлаш ва атроф муҳитни муҳофаза этиш учун имкониятлар очиб, бизни камбағалликни бартараф этишга яқинлаштиради. (Камбағаллик тўғрисида маълумотлар олиш учун қаранг: <http://www.un.org/CyberSchoolBus/briefing/pov-erty/index.htm>)

Тоомас Коковкин Эстониядаги кичикроқ Хииюмаа оролида истиқомат қилади. Тоомас жўғрофий нуктаи назардан ихоталанган ҳолда яшаса ҳам, бир швед фирмаси учун картограф

бўлиб ишлаб, яъни электрон форматга эски, кўлда чизилган Уганда харитасини ўгириб тирикчилики учун бироз маблағ ишлайди.

Тоомаснинг ахволи Интернетдан фойдаланишга асосланган электрон коммерция - кичик, ўрта ва йирик фирмаларнинг жаҳон иқтисодиётига кириб боришига қандай ёрдам бераётганига мисол бўла олади. У нафақат жўғрофий чегараларни бартараф этади, шунинг билан бирга харажатларни, жумладан, бинолар учун тўловларни камайтиради ва жаҳон бозори дарвозаларини очади.

Ахборот ва коммуникация технологияси масофали ўқитиш ва телекоммуникациялар бўйича медицина билимларини тарқатиш ёрдамида ҳар қандай мамлакатда билимли, яхши ўқиган ва соғлом одамлар сонини имкони борича кўпайтиради. 1995 йилда тараққий этаётган мамлакатларда 2,2 миллион киши электрон курс туфайли таълим олдилар. Айни пайтда “Интернет орқали саломатлик” каби ташаббуслар коммуникациянинг янги йўлларини очади ва врачлар ҳамда уларнинг мижозларини медицина соҳасидаги энг сўнгги ахборотлар билан таъминлайди ҳамда турли манбалардан баҳраманд этади.

Ахборот ва коммуникация технологияси одамларга атроф муҳит тўғрисида ва биз яшаётган дунёни қандай ободонлаштириш ҳамда муҳофаза этиш имкониятлари ҳақида билиб олишга ёрдам беради. Ҳукумат электрон воситаларга барча жорий қонунчилик ва ўз сиёсати тўғрисида ахборот берган (<http://www.minjus.gov.pe>) Перу каби мамлакатларда эса Интернет одамларга уларнинг ҳукуматлари атроф муҳитни, шунингдек, инсон ҳуқуқларини муҳофаза этаётганига ишониш имконини беради.

“Сакраб ўтиш”

“Янги технология тараққий этаётган мамлакатларга тараққиётнинг бир неча босқичларидан “сакраб ўтиш”нинг мислсиз имконини беради. Одамларнинг янги ахборот тармоқларидан максимал даражада баҳраманд бўлишлари учун ҳамма чораларни кўриш керак.”

Ахборот ва коммуникация технологиясининг ўзига хос қирраси мамлакат учун янги технологияларни ўзлаштириш ва шунинг билан тараққиётнинг янада юқори босқичларига “сакраб ўтиш”нинг нодир имконияти ҳисобланади. Ўзининг шахсий эҳтиёжларини қондириш ва янги технологияларни яратиш ёки эски тахнологияларни янги фойдаланувчиларга бериш учун давлат ёки фирма ўз фаолиятини аллақачон мавжуд бўлган самарали технологияларда асослаганда шундай “сакраш” юз бериши мумкин.

— Пуллик уяли алоқа телефонлари

Бангладешнинг узок қишлоқларида яшайдиган аёллар телефонлар ўтказилишини 10 йил кутиб ўтирмасдан, тўғридан-тўғри алоқа воситаси ва даромадлар манбаи бўлган тезкор телефонларга ўтишди. Тадбиркор аёллар унча катта бўлмаган грант олишиб уларни тезкор уяли алоқани сармоялаш учун ишлатдилар, кейин эса уни пул тўлаб фойдаланишлари учун қишлоқдаги бошқа одамларга тақдим этдилар. (<http://www.grameen.org>)

Ахборот коммуникацияси тараққиётга йўналтирилган

саъй-ҳаракатларга зарар келтириши мумкинми?

Рақам аломатлари бўйича бўлиниш

Ахборот ва коммуникация технологияларининг салбий томонлари ҳам мавжуд. Ушбу технологиялардан баъзи мамлакатлар катта фойда олаётган бўлсалар, ундан бутун дунёнинг 95 фоиздан ортиғи ҳозирга қадар бебаҳрадир. Мамлакатлар ўртасидаги, шу сингари, мамлакатлар ичкарисидаги жамоаларнинг турли қатламлари ўртасидаги мавжуд ахборотдан баҳраманд бўлганлар билан баҳраманд бўлмаганлар ўртасидаги бу фарқ - “рақамлар фарқи” ёки “ахборот қашшоқлиги” сифатида ҳаммага маълумдир.

Ушбу фарқ камайиш ўрнига кундан-кунга ошиб бормоқда. Зарур малакалари ёки “Интернет-экспресс” дан фойдаланиш имкониятлари бўлмаган одамлар ва давлатлар даромадларининг нотенглиги ва икки қарама-қарши гуруҳга бўлинишлари янада кучайишининг сабаби ҳам худди ана шу ҳисобланади.

Шу фарқ боис тараққий этаётган мамлакатларнинг ахборот технологияларига эга ва жуда тез илгарилаб бораётган саноати ривожланган мамлакатларни қувиб етишлари янада қийин бўлиб қолмоқда.

Рақамлар аломатлари борасидаги йўл қўйиб бўлмайдиган даражадаги фарққа қўшимча равишда, шунингдек, давлатлар Ахборот ва коммуникация технологияси маблағларни асосий эҳтиёжлардан чалғитиш ва миллий ҳамда минтакавий ўзига хосликларни хиралаштириш билан тараққиётга йўналтирилган саъй-ҳаракатларга зарар етказишидан хавотирга тушмоқдалар:

- **Маблағларни чалғитиш:** Тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқишда раҳбарлар ресурсларни қандай ва нималарга ажратишни танлашлари керак. Шу туфайли, Ахборот ва коммуникация технологиясидаги сармоялаш ресурсларни асосий эҳтиёжлар ва бутун дунёда одамлар эришишлари қийин бўлаётган ҳуқуқлар акс этувчи - таълим, соғлиқни сақлаш ва атроф муҳит муҳофазаси соҳаларидан чалғитишидан хавотир пайдо бўлмоқда.
- **Астойдил рағбатлар: маданият ва таъминот:** Интернетдаги саҳифаларнинг 80 фоизи инглиз тилидадир. Бундай саҳифаларнинг эгалари Лотин Америкаси ва Қариб ҳавзасининг барча мамлакатларига қараганда Финляндияда кўпроқ. Кучайиб бораётган бундай таъсир 77 гуруҳдаги саноати ривожланган мамлакатларни (http://www.g77.org/Docs/Declaration_G77Summit.htm) миллий ва минтакавий анъаналар, маданият ва ўзига хос удумлар ваколати ва ўзига хосликларининг йўқолиб бораётгани нуқтаи назаридан ташвиш-хавотир билдиришига сабаб бўлди.

— Дикқат-эътибор доираси

**Ҳозирга қадар тўйиб овқатланолмаётган одамлар бор экан,
Ахборот ва коммуникация технологиясини сармоялашнинг нима кераги бор?**

Ҳозирги кунларимизгача тўйиб овқатланолмаётганлар бор экан, ахборот ва коммуникация технологиясини сармоялаш нима учун зарур? Бу -Ахборот ва коммуникация технологиясининг тараққиёт билан ўзаро таъсири борасида шуғулланаётганлар учун зудлик билан ҳал этилишини кутаётган масаладир. 1998 йилда кам даромадли мамлакатлардаги туғилган ҳар минг боланинг 108 нафари беш ёшга етмасдан ҳаётдан кўз юмди, бу юқори даромадли мамлакатлардаги кўрсаткичларга қараганда 18 баробар ортиқроқдир. Кам даромадли мамлакатнинг қарийб 20 тасида катта ёшдаги аҳоли ўртасда саводхонлик 50 фоиздан камроқни ташкил этади, тоза сув ёки санитариядан бебаҳра қолаётган аҳолининг хиссаси, ўртача кўрсаткич 30 фоиз бўлгани ҳолда, баъзи мамлакатларда 69 фоизга етди.

Ушбу ачиқ ҳақиқатни эътиборга олганда ахборот ва коммуникация технологияларини сармоялашни қандай оқлаш мумкин? Оч, бемор ёки саводсиз бўлганларга компьютер қандай ёрдам кўрсата олади? Балки бу саволга бугун “ҳеч қандай!” деб жавоб беришингиз мумкин, аммо эрта кундаги яширин имтиёзлар улқандир.

Миллат ўзи учун хизмат қилишга даъват этган рақамлар технологияси тавсия этадиган турли-туман имкониятлар ичида - ички ялпи маҳсулотларнинг кўпайишига ёрдам берадиган жаҳон бозорига кириб бориш, аҳоли турмуш шароитини яхшилайдиган таълим ва медицина масалаларида энг сўнги ахборотларни олишининг янада кенгрок йўллари, шунингдек, инсон

хуқуқларини таъминлаш бўйича ҳукумат фаолиятини кузата олиш кабилар мавжуддир.

Айниқса, ўз аҳолисининг энг зарур эҳтиёжларини қондиришга бутун эътиборни қаратиб, “Интернет экспресс”га суяниб ўтирмасликни афзал кўрадиган мамлакатлар икки қарама-қарши фикрли гуруҳларга бўлиниш, жаҳон бозорига, балки бутунлай яқинлаша олмаслик ва ўзларига тавсия этилган иктисодий ва ижтимоий имкониятлардан бебаҳра қолавериш каби қалтис йўл тутган бўладилар.

Ахборот ва коммуникация технологияси бўйича Олий даражадаги эксперт комиссияси хисоботида таъкидланганидек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо давлатлар ўртасидаги умумий нуқтаи назар шундан иборатки, асосий муаммо “ахборот ва коммуникация технологияси соҳасидаги инқилобнинг чорловига жавоб бериш керакми, йўқми эканлигида эмас, балки унга қандай жавоб бериш зарурлигида ва бу жараёни глобал ҳолатга қандай айлантиришда ҳамда унинг хизматларидан барчанинг бирдек фойдаланиши учун имконият яратишдадир.”

Умуман, бирмунча самарали деб хисобланадиган стратегия ахборот ва коммуникация технологиясининг асосий эҳтиёжлари ва тараққиётини қаноатлантиришни ўз зиммасига олади. Мамлакатнинг таълим, соғлиқни сақлаш ва атроф-муҳит муҳофазаси каби энг зарур эҳтиёжларини қондириш юзасидан сармоялаш, шунингдек, айнан мувофик инфратузилма ва сиёсат орқали ахборот коммуникация технологияси учун мос иқлим яратишда давлатлар ўз аҳолиси эҳтиёжларини узокни кўзлаб қондиришлари мумкин, бу ҳолда “Интернет-экспресс”ни эътибордан четда қолдирмайдилар.

Куба сингари баъзи мамлакатлар ушбу жараёнларнинг барчасини ҳатто, бирлаштира олдилар.

— Кубадаги “Инфомед”

Давлат соғлиқни сақлаш миллий тармоғи Куба қамал қилинганда ва бу ерда эпидемия энг авжига чиққан онларданоқ фаолият кўрсата бошлади. Мамлакатда ахборот инфратузилмаси бўлмаган пайтда тузилган мазкур тармоқ ишни оддий билимларни тарқитишдан ва электрон почта орқали ахборот олишни осонлаштиришдан бошлади. Унда мавжуд технологияларнинг энг яхшиларидан фойдаланилди. Ташкил этилган дамларидан бошлаб тармоқ кенгайиб борди ва бутун мамлакатни қамраб олди, унинг минтақавий ва вилоят пунктлари мавжуд. Шунингдек, медицина журналларидаги мақолаларни қамраб оладиган виртуал кутубхона компонентлари мавжуд. У янги ахборот технологияларини бошқариш бўйича миллий потенциални яратиш ва аҳоли имкониятларини кенгайтиришга ўзининг ҳиссасини қўшди.

Фавқулодда тадбирлар тариқасида бошланган ишлар Куба ва унинг халқи учун узок муддатли медицина ресурсига айланди ва ахборот олувчилар сонини ошириш билан янада кенгрок имкониятларга эга бўлган кишиларни кўпайтириб мамлакатга ижобий таъсир кўрсатди.

— Кейинги қадамлар

БМТдаги асосий устуворликлар

Бош котиб улкан имкониятларни, шунингдек кучайиб бораётган фарқни тан олган ҳолда ўзининг “Биз, халқлармиз” деган “Мингйиллик маърузаси”да, ўртадаги фарқни бартараф этиш ва асосий устуворлик сифатида рақамлар технологиялари билан боғлиқ имкониятларни ривожлантириш кераклигини кўрсатиб берди.

“Одамларнинг янги ахборот тармоқларидан баҳраманд бўлишларини максимал даражада кенгайтириш ва уларни рақамлар инқилоби таклиф этаётган имкониятлардан чеклаб

кўйилмаганликларига ишонтариш учун ҳамма чораларни кўриш керак”.

Ресурслар ва малака етишмаслиги, бир-бирларига ўхшамаган асосий инфратизимлар, саводсизлик, тил борасидаги тўсиқлар ва имкон доирасидан ташқари бўлган харажатлар шароитида ахборот ва коммуникация технологиялари имтиёзларини эгаллаб олиш осон бўлмасда, ҳарқалай бунинг имконини топиш мумкин.

Давлатлар, шахсий корпорациялар ва халқаро ташкилотлар ўртадаги фарқни бартараф этиш ва потенциал ҳамда таъминотга мувофиқ уланишнинг универсал имкониятларига эришишда бутунжаҳон бирдамлигини намойиш этишлари керак.

“Билим - ягона ресурс ҳисобланади, инсоният тараққиёти кимнингдир кучли таъсири, билим етишмаётгани учун эмас, балки ундан тегишли тарзда фойдаланишдаги ҳозирги бизнинг ноқобиллигимиз туфайли тўхтатиб турилибди”.

Уланиш имкониятлари:

одамлар ахборот ва коммуникация технологиясига кириб бормасдан унга ёки унинг имтиёзларига эгаллик қила олмайдилар. Универсал уланишга эришиш бўйича саъй-ҳаракатлар симларсиз уланиш ва арзон мосламалар орқали уланиш сингари инновацион муносабатларни талаб этади. Шунингдек, шерикчилик, жумладан, гуруҳ бўлиб ва коммунал уланиш, ҳамда шахсий сектор томонидан сармоялаш зарур бўлади.

Кучлар:


бахраманд бўлиш имкониятларидан фойдаланиш учун зарур кучларсиз, универсал уланишнинг маъноси йўқ. Таълимни сармоялаш, асосий ва инфорацион сармоялаш одамларга ахборот ва коммуникация технологиясидан самарали фойдаланиш учун билим ва малака беради. Бошланғич синфлардан умрнинг охирига қадар таълим ва кучларни ривожлантириш ҳар қандай миллий, минтақавий ва халқаро технологик стратегиянинг диққат марказида бўлиши керак.

Таъминот:

муайян таъминотсиз уланиш ва кучларни ривожлантириш имконияти ножоиз бўлиб қолади. Интернетда маҳаллий таъминотни ишлаб чиқиш маданий ва лингвистик жиҳатлардан хилма-хил киберкенгликлар яратишга ва билимларга асосланган иқтисодийга кириб боришни енгиллатишга ёрдам беради.

Бош котиб мамлакатларнинг ахборот ва коммуникация технологияларидан бутун дунё бўйича энг кўп фойда олишларига ёрдам бериш учун БМТ ва унинг шериклари томонидан мўлжалланган учта муҳим ташаббусни қисқача баён этиб берди:

- Интернетдан, ахборот ва коммуникация технологияларидан ва уларнинг имкониятларидан фойдаланишга тараққий этаётган мамлакатларда одамларни ўқитиш учун БМТнинг ахборот-техника хизмати /ЮНАЙТС/ деб аталадиган кўнгиллилар корпусини ташкил этиш.
- Медицина бўйича замонавий ахборотлардан бахраманд бўлишни таъминлаш учун тараққий этаётган мамлакатлар шифохоналарида 10 минг он-лайн майдончалари ташкил этишга йўналтирилган “Соғлиқни сақлаш интертармоғи”. Мазкур ташаббус Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, БМТ жамғармалари ва бошқа шериклар томонидан қўллаб-қувватланмоқда.
- Табиий офатлардан жабр кўрган минтақаларга ва фавқулудда вазиятларда инсонпарварлик ёрдами хизмати ходимлари учун тезкор ва Ер сунъий йўлдоши телефонлари, шунингдек микроволна алоқа тақдим этадиган “Зудлик билан етиб



бориш” хизмати - табиий офатларга тез жавоб бериш ташаббуси. Ушбу лойиҳани БМТ ва Халқаро Қизил хоч ва Қизил яримой федерациялари билан шерикликда “Эрикссон” компанияси бошқаради.

Давлатлар - ҳамкорлик, самарали сиёсат ва стратегия орқали ҳар бир кишининг рақамлар технологияси имтиёзларидан ва ахборот даврининг буюк истиқболларидан фойдаланиш имкониятларидан баҳраманд бўлишини таъминлайди.

— **Ўқувчиларга тавсия этиладиган фаолият турлари**

1. Мазкур тадбир, ахборот технологияси биз яшаётган дунёга қандай таъсир этаётганини ва бу таъсир ҳар бир кишига қандай тегиб ўтишини тушуниб олиш учун йўналтирилган.
 - a. Ахборот ва коммуникация технологияси сизнинг ҳамжамиятингизга қандай таъсир кўрсатаётгани тўғрисидаги мисолларнинг рўйхатини тузинг.
 - b. Ўзингизнинг фикрингизга кўра бирмунча муҳим ҳисобланган учта таъсирни танлаб олинг. Мана шу таъсирлар бошқаларидан қай жихатлари билан муҳимлигини аниқлаш учун сиз қандай мезонлардан фойдаландингиз?
 - c. Шу рўйхат ёрдамида дўстингиз ёки дугонангиздан сиз яшаётган ҳамжамиятга ахборот ва коммуникация технологияси, уларнинг фикрларига қараганда, қандай таъсир кўрсатганини сўраб чиқинг, уларнинг нуқтаи назарига қараганда қайси уч таъсир бирмунча кучли бўлган? (Балки, сиз интервью олаётган дўстингизга ахборот ва коммуникация технологияси тўғрисида таъриф беришни хоҳларсиз?..)
 - d. Ўзингизнинг жавобларингиз билан интервью олаётган дўстингизнинг жавоблари бир хил чиқдими ёки турлича? Ўйлаб кўринг, нега? Ахборот ва коммуникация технологияси ҳаммага шундай таъсир этадими?
 - e. Ўз ота-онангиздан, буви ёки бобонгиздан, дўстингиз ёки дугонангизнинг ота-оналари, буви ёки боболаридан интервью олинг. Ахборот ва коммуникация технологияси уларнинг ўз ҳаётларига ва ҳамжамиятлари ҳаётига қандай таъсир этганини сўранг. Уларнинг жавоблари сизнинг ва дўстингизнинг жавобларидан фарқ қиладими? Ахборот ва коммуникация технологияси таъсири авлодларга нисбатан ўзгарадими?
2. Мазкур тажрибадан, ахборот ва коммуникация технологияси - ўтмишдаги техник ютуқлардан нима билан фарқ қилишини, БМТ котиби ахборот ва коммуникация технологияси таъсирини нима учун “инқилоб” деб атаганини тушуниб олиш учун фойдаланинг.
 - a. Ахборот ва коммуникация технологияси - ўтмишдаги инқилобдан нима билан фарқ қилиши ва уларнинг қандай умумий томонлари борлиги тўғрисида ўйлаб кўриш учун, аввало сизнингча биз ҳозир яшаётган дунёга кучли таъсир кўрсатган ўтмишдаги технологик ютуқлар рўйхатини тузинг.
 - b. Бундан кейин иккинчи рўйхат тузинг, унда нега бу ютуқларнинг биттаси ёки иккитаси революция деб аталганини кўрсатинг. Ушбу рўйхатни рақамлар инқилобининг тўрт муҳим характеристикаси билан солиштиринг. Уларнинг бозорга кириб бориш таъсири, даражаси ва тезлигини эътибор учун қабул қилинг. Икки рўйхат ўртасидаги фарқ нимада ва улар қайси жихатлари билан ўхшаш. Илгариги инқилоблар томонидан қўлга киритилган ютуқлар адолатли тақсимланганми? Ёки уларда ҳам ўзига хос “рақамлар аломати бўйича фарқ” бўлганми?
3. Мазкур тадбирдан Бош котибнинг “Биз, халқлармиз” деган докладида кун тартибига қўйилган

муҳим мақсадлардан бири - рақамлар аломати бўйича фарқларни бартараф этиш учун курашда бизнинг ҳар биримизнинг ролимиз тўғрисида ўйлаб кўриш учун фойдаланинг <http://wwwO.un.org/cyberschoolbus/briefing/report/index/htm>).

- a) Аввало рақамлар аломати бўйича фарқнинг нима эканлиги тўғрисида ўйлаб кўринг. Мамлакатлар ўртасидаги ва уларнинг ичидаги шундай фарқга сиз мисоллар келтира оласизми? Шундай фарқга сиз ўзингизнинг ҳамжамиятингиздан мисоллар топа оласизми? Мисоллар рўйхатини сиз ўз дўстларингиз ёки синфдошларингиз билан туза оласизми?
- b). Рўйхатга қараб чиқиб, бу фарқни бартараф этиш йўллари тўғрисида ўйлаб кўра оласизми, бунинг учун сиз қандай ҳисса қўшишингиз мумкин?

4. БМТ шерикларига бағишланган [e-pals.com](http://www.epals.com) саҳифасига кириш ва рақамлар аломати бўйича фарқларнинг муҳокамасида иштирок этиш. ([http://www.epals.com/projects/digital divide/results en.html](http://www.epals.com/projects/digital%20divide/results%20en.html)) Бу ўқувчилардан кимнингдир тажрибаси сизникига ўхшайдими, йўқми? Ҳар бир мамлакатда нега ҳар хил тажриба мавжудлигига ҳеч бўлмаганда учта сабаб айтиб бера оласизми?

Баъзи манбалар

Интернетда:

<http://www.un.org/millennium/sg/report/full.htm>
<http://www.undp.org>
<http://www.undp.org/info21/index2.htm>
<http://www.sdn.undp.org>
<http://sdnhg.undp.org/it44dev/>
<http://www.unicef.org>
<http://www.itu.it>
<http://www.unesco.org/webworld>
<http://www.worldbank.org>
<http://www.infodev.org>
http://www.g77.org/Docs/Declaration_G77Summit.htm
<http://www.netaid.org>
<http://www.epals.com>
<http://www.ilo.org>
<http://g8.market2000.ca>
<http://www.open.ac.uk/frames.html>
<http://www.grameen.org>

Босилган материаллар

Бутунжаҳон банки. Жаҳон тараққиёти тўғрисида 1998/99 йиллар учун ҳисобот: тараққиёт учун билим. Нью-Йорк: Оксфорд Университи Пресс, 1999.

Робин Мансел ва Ута Уен. “Билим” жамияти: барқарор тараққиёт учун ахборот технологияси. Нью-Йорк: Оксфорд Университи Пресс, 1999.

Халқаро телекоммуникация иттифоқи. Тармоқ ундови: Интернет тараққиёт учун. Женева. ХТИ, 1999.

“Выбор” (БМТ Тараққиёт дастурининг журнали)

“Манбалар” (ЮНЕСКО журнали)


Асосий статистик маълумотлар



- БМТ 500 дан ортиқ кўптомонлама шартнома ва битимларнинг тузилишига кўмаклашди.
- БМТнинг халқаро савдо ҳуқуқи бўйича комиссияси (ЮНИСТРАЛ) халқаро савдо ҳуқуқининг ягона халқаро меъёрлари ва стандартларини ишлаб чиқади.
- БМТнинг 34 экспертдан ташкил топган халқаро ҳуқуқ комиссияси халқаро ҳуқуқ ва унинг кодификациясини ишлаб чиқишни рағбатлантиради.
- Дипломатик алоқалар тўғрисидаги Вена конвенцияси (1961) ва Консуллик алоқалар тўғрисидаги Вена конвенцияси (1963) давлатлар ўртасидаги бугунги алоқаларнинг тамал тошидир.
- Денгиз ҳуқуқлари борасидаги (36 йил олиб борилган музокаралардан сўнг 1994 йилда тўлдирилган) конвенция дунёдаги энг муҳим халқаро денгизлар қонуни ҳисобланади.
- Бугунги кунда дунёда ҳаммаси бўлиб, умуман 2 мингдан ортиқроқ кўптомонли шартномалар мавжуд; улардан 500 дан ортиқроғи Бош Котиб ташаббуси ҳисобланади.



Халқаро ҳуқук



“Мен, халқаро ҳуқуқнинг ўзагини ташкил этувчи турли конвенцияларни, битимларни ва шартномаларни имзоламаган барча давлатларни, бу ишни амалга оширишга чақираман”.

Бош котиб Кофи Аннанинг “Мингйиллик маърузаси”дан

— Айбдор!

“Жиноятларнинг шак-шубҳасиз шафқатсизлигидан ва улар халқаро ҳамжамиятда уйғотган ўша туйғулардан қатъи назар, судьялар - судланувчиларнинг айбсизлик презумпциясидан фойдаланаётганликларини ёдда тутган ҳолда, тақдим этилган далилларни ҳолисона ўрганиб чиқдилар”.

Ана шундай сўзлар билан Руандадаги Халқаро трибунал Жан Пол Акайесуни геноцид ва инсонийликка қарши жиноятларда айбдор деб топиб тарихда биринчи бор халқаро суднинг қарорини эълон қилган эди. Бу воқеа - 1999 йилнинг 2 сентябрида, Танзаниянинг Аруша шаҳрида содир бўлган эди.

Геноцид - қандайдир миллий, этник, ирқий ёки диний гуруҳларни тўлиқ ёки қисман йўқотишга мўлжалланган муаян ҳаракатларда иштирок этиш ҳисобланади. Хуту жамоасига мансуб бўлган ва Марказий Руандада Таба коммунасига мэр бўлган жаноб Акайесу 1994 йилда 2 мингга яқин одам қириб ташлангани учун жавоб беришга чақирилди. Ўша йили уч ой мобайнида асосан Тутси элатига мансуб бўлган 800 000 киши ўлдирилган эди. 1995 йили ушбу геноцид учун жавобгарларни судга бериш мақсадида БМТ халқаро трибунал ташкил этди.

— Ахлоқ меъёрларини ўрнатиш

Жаноб Акайесу томонидан содир этилган жиноятни белгилашда 1948 йилги геноцид жиноятларини бартараф этиш ва унинг учун жазолаш тўғрисидаги конвенция асос бўлиб хизмат қилди. У халқаро доирада БМТ томонидан қабул этилган илк ҳужжат эди. Эндиликда, орадан беш ўнйиллик ўтганидан сўнг 500 дан ортиқ шундай конвенция ва халқаро шартномалар

пайдо бўлди. Уларнинг ҳар бири ҳужжатларни ратификация қилган ёки унга қўшилган давлатлар учун юридик жиҳатдан мажбурийдир. Уларнинг миллий ва халқаро даражада қўлланилишини кузатиш ва текшириш мумкин.

БМТ халқаро ҳуқуқнинг бевосита асосчиси бўлмасда, мазкур ташкилот унинг мустақамланиши ва бирмунча кенгайишида муҳим рол ўйнади. Халқаро ҳуқуқ ассоциацияси ташкил этилган 1873 йилда бутун дунё бўйича 133 дан ортиқроқ кўптомонлама шартномалар бор эди. Илгарилари кўптомонлама шартномалар бор-йўғи бир неча мамлакатлар томонидан, уларнинг аъзолари бўлган ўндан камроқ мамлакатлар томонидан имзоланган. Эндиликда БМТнинг одатдаги конвенциясига камида 50 аъзо-давлат қўшилади. Бу мана шу давлатлар конвенцияни ратификация қилгани ва унинг меъёрларини миллий қонунчиликка киритганидан далолат беради. Баъзи энг йирик ҳисобланган Болалар ҳуқуқлари сингари конвенцияларга 191 тагача аъзо давлат имзо чеккан. Шу шартнома ёки конвенциялар - анъанавий халқаро қонунлар ва халқаро ҳуқуқларнинг бошқа манбалари билан биргаликда халқаро ҳуқуқнинг асосларини ташкил этади.

БМТ Низоми тўртта асосий мақсадни белгилаб беради: тинчлик, тараққиёт, инсон ҳуқуқлари ва халқаро ҳуқуқларни тараққий эттириш. Инсониятнинг мақсади 1945 йилда шундай бўлган эди, янги мингйилликда ҳам шундай бўлиб қолади.

Бош Котиб ўзининг “Мингйиллик маърузаси”да диққат-эътиборни БМТнинг асосий мақсадларидан бирига - барча халқларни уруш хавфидан, айниқса ёвузликнинг бугунги кунда дунёдаги икки асосий манбаи бўлган фуқаролар можаролари ва оммавий қирғин даҳшатларидан халос этишга жалб қилади. Бунга фақат, биз халқаро даражадаги қонунга, “айниқса, қурооллар устидан назорат ўрнатиш бўйича шартномаларнинг келишиб олинган қоидаларига, шунингдек халқаро инсонпарварлик ҳуқуқлари ва инсон ҳуқуқларига” ҳурмат-эътиборни кучайтирганимиздагина эришиш мумкин бўлади.

Бош Котибнинг сўзларига қараганда, ушбу конвенциялар “бутунжаҳон тамаддунининг асосий қоидаларини белгилаб беради”.

— Халқаро ҳуқуқ қандай амал қилмоқда?

Халқаро ҳуқуқ иқтисодий ва ижтимоий тараққиётда, шунингдек халқаро тинчлик ҳамда жаҳон халқларининг хавфсизлигида марказий ролни ўйнайдиган шартномалар, одатдаги қонунлар, судлар қарорлари ва шунга мувофиқ бошқа манбалардан ташкил топади. БМТ раҳбарлигида ўтказилган музокаралар асосида тузилган шартномалар давлатлар ўртасидаги муносабатларни бошқариб борувчи қонунларга асос бўлиб хизмат қилади. БМТнинг бу соҳадаги ишлари яққол эътиборни тортмаётган бўлса ҳам, у бутун дунёдаги одамларнинг кундалик ҳаётига ўз таъсирини кўрсата олади.

БМТ сиёсий-саъй ҳаракатларининг катта қисми инсоний фаолиятнинг барча ташвиш-тарадудлари билан боғлиқ бўлган халқаро қонунлар, қоида ва меъёрларни ўрнатиш ёки узайтиришга бағишлангандир. Унга инсон ҳуқуқлари, қочоқлар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, одамлар билан, гиёҳванд моддалар билан ноқонуний савдо қилиш, халқаро савдо ва тараққиёт, транспорт ва алоқа, хотин-қизларнинг аҳволи, ахборот эркинлиги, денгизлар ҳуқуқи, космик фазодан фойдаланиш, телекоммуникациялар, қуроолсизланиш, халқаро терроризм ва атроф муҳит муҳофазаси бўйича меъёрлар кирази.

Ушбу соҳаларни баъзиларининг кундалик ҳаётимизга алоқаси йўққа ўхшаб кўринсада, аслда, бундан қатъий назар, алоқалари бор, яъни улар: биз нафас олаётган ҳаво сифатини; савдога тавсия этилаётган моллар хилма-хиллигини; қандайдир маданият ёки муносабатларни бошқа мамлакатлар ва маданиятлар вакиллари билан барқарор этиш учун гиёҳванд моддалар

билан ноқонуний савдо қилишга таъсир кўрсатишни тартибга солиб туради. Масалан, Лондон ёки Мехикода ҳавонинг автомобиллардан чиқаётган газлар билан ифлосланиши Работ ёки Токиодаги иқлимга таъсир этиши мумкин, чунки корхоналар ва машиналар чиқараётган карбонат ангидрид ва бошқа газлар атмосферанинг қизишига олиб келади. Колумбия сингари мамлакатдаги гиёҳванд моддаларни назорат қилиш дастури гиёҳванд моддаларни сотишдан топилган маблағга асосланган сайёҳлик соҳасидаги бандликка яхшигина таъсир кўрсатиш мумкин. Қўшни мамлакатлардаги фуқаролар бесаранжомлиги чет эллардан бошпана қидираётган кўпсонли қочоқларнинг пайдо бўлишига олиб келиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

БМТ бу шартномалар бўйича музокаралар олиб бориш, ушбу соҳаларнинг ҳар бири бўйича мамлакатлараро муносабатлар меъёрларини ўрнатишга ёрдам берди. Масалан, БМТнинг 1992 йилги Иқлим ўзгаришлари доирасидаги конвенцияси мувофиқ тараққий этган мамлакатлар карбонат ангидрид ва ҳавонинг қизишига олиб келаётган бошқа газлар ажралиб чиқишини қисқартиришлари зарур. БМТнинг 1988 йилги Гиёҳванд ва беҳуш қилувчи моддаларни ноқонуний сотиш тўғрисидаги конвенцияси савдо қилувчиларни, уларнинг нопок пулларидан, эркин ҳаракатланишдан маҳрум қилишга даъват этилган. 1951 йилги Қочоқлар мақоми тўғрисидаги конвенция (ва 1967 йилги унга Протокол) қочоқларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб беради.

— Қонунлар яратиб, меъёрлар ўрнатиб...

БМТ доимий тарзда ўзини қизиқтирган муайян мавзуларни муҳокама этиб туради, одатдаги мавжуд қонунларни кодлаштириш ёки янгиларини ишлаб чиқиш тадбирларини рағбатлантиради. давлатлар бу жараёнда тобора фаолроқ иштирок этмоқдалар.

Бу ҳол мавжуд шартномаларнинг кўпаяётгани ва бошқалари билан олиб борилаётган ишларнинг давом этаётгани билан ҳам тасдиқланади. БМТ Котибиятида аъзо давлатлар билан ишлаб чиқилган 50 мингдан ортиқ шартномалар ва халқаро битимлар рўйхатдан ўтказилган, бу - дунёдаги ягона ўзига хос коллекциядир.

БМТнинг кўпгина бўлинмалари халқаро ҳуқуқни ишлаб чиқиш билан банддир, жумладан:

Бош Ассамблея, БМТнинг бош сиёсий форуми сифатида халқаро ҳуқуқ қонун-қоидаларини ишлаб чиқишда асосий механизмга айланди. У ташаббуслар билан чиқади, кўптомонлама шартномалар бўйича музокараларни тайёрлайди ва ўтказиладиган жойлар билан таъминлайди. Конвенция Бош Ассамблея томонидан қабул қилинади ва кейин аъзо давлатлар учун имзолаш ҳамда ратификация қилишга очилади. Шунингдек, ассамблея халқаро муносабатларни тартибга солувчи кенг кўламдаги турли масалалар бўйича декларациялар қабул этади. Декларация муайян масала борасидаги мақсад-вазифалар тўғрисидаги баёнот бўлгани учун ҳам, қонун кучига эмас, балки маънавий таъсир кучига эгадир. Бундан фарқли равишда, қандайдир давлат томонидан ратификация қилинган конвенция миллий қонун кучини касб этади.

Халқаро ҳуқуқ комиссияси Бош Ассамблея томонидан 1947 йилда таъсис этилган бўлиб, халқаро ҳуқуқнинг янада ривожланиши ва кодлаштирилишига ёрдам беради. У халқаро ҳуқуқнинг ёки ўзи танлаб олган ёки Бош Ассамблея томонидан тавсия этилган мавзулари бўйича лойиҳалар тайёрлайди. Комиссия мавзу бўйича ишни яқунлаганидан сўнг, лойиҳани конвенцияга айлантириш учун, одатда Бош Ассамблея халқаро конференция чақиради. Кейин конвенция давлатлар имзолашлари учун очилади. Бу - унинг қоидалари бўйича мажбуриятларни бажариш учун розилик ҳисобланади. Комиссия кўплаб муҳим халқаро шартномалар тузишга ёрдам берди. Ҳозирги пайтда комиссия хавфли фаолият туфайли

етказиладиган трансчегаравий зарарни бартараф этиш; давлатларнинг масъулиятлари; давлатларнинг биртомонлама актлари ва дипломатик муҳофаза ҳуқуқи сингари масалалар билан шуғулланмоқда.

Хавфсизлик Кенгаши қуролли можаролар чоғида фуқароларни ҳимоялаш, инсон ҳуқуқларини тараққий эттириш ва уруш гирдобиди қолган болаларни ҳимоя этиш масалалари билан тобора кўпроқ шуғулланмоқда. Масалан, Собик Югославия ва Руандада халқаро инсонпарварлик ҳуқуқларининг оммавий тарзда бузилиши - бу бузғунчиликлар учун жавобгар шахсларни суд жавобгарлигига тортиш учун Кенгаш томонидан иккита халқаро трибунал таъсис этишга олиб келди. Трибуналларнинг иккаласи ҳам БМТ Низомининг VII Моддасига (қонунларни мажбурий бажариш чораларига бағишланган) биноан ташкил этилган бўлиб, Хавфсизлик Кенгашининг ёрдамчи органи ҳисобланади.

Халқаро суд давлатлар ўртасидаги можароларни мавжуд халқаро ҳуқуққа асосан бартараф этиш учун ёрдам беради. Унинг қароргоҳи Нидерландиянинг Гаага шаҳридадир. Жаҳон суди (одатда уни шундай ном билан атайдилар) давлатлар ўртасидаги. уларнинг умумий чегараларига тааллуқли баҳсларни ҳал этади ва ҳудудий сувлар чегараларини, балиқчилик юрисдикциясини, бошқа мамлакатлар ҳудудлари орқали ўтиш ҳуқуқларини белгилаб беради, мустамлакачиликдан ҳалос этиш муаммоларини, ҳарбий баҳсларни, миллатга тегишли масалаларни ва сиёсий бошпана бериш ҳуқуқи масалаларини ҳал қилади. 1999 йилда Суд Ботсвана билан Намибия ўртасидаги мураккаб чегара жанжалини бартараф этди. 1994 йилда чиқарилган бошқа қарори туфайли Суд Чад билан Ливия ўртасидаги чегаравий баҳс-мунозарага чек қўйди. 1992 йилда у - 1969 йил қисқа, бироқ қон тўқишларга олиб келган Салвадор ва Гондурас ўртасидаги можарога нуқта қўйди.

БМТнинг ихтисослаштирилган агентликлари ва дастурлари - БМТнинг Атроф муҳитни муҳофаза этиш дастури, БМТнинг Болалар жамғармаси, Халқаро Меҳнат ташкилоти, Халқаро Фуқаро авиацияси ташкилоти, Халқаро денгиз ҳуқуқлари ташкилоти ва Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти кабилар ўзларининг диққат эътиборида бўлган соҳаларда халқаро шартномалар ишлаб чиқиш ва уларни қўллашда муҳим рол ўйнадилар.

— Халқаро ҳуқуқлар жаҳон савдосига қандай ёрдам беради?

Халқаро ҳуқуқ давлатлар ўртасидаги муносабатларни йўлга қўйишга ёрдам беради. Бу муносабатлар жумласига савдо, экспорт ва импорт, шунингдек товарларнинг чегаралар орқали ҳаракатланиши кабилар киради. БМТ, ўзининг Халқаро савдо ҳуқуқи комиссияси (ЮНИСТРАЛ) орқали фаолият кўрсатиб халқаро савдо учун, уни уйғунлаштиришга мўлжалланган конвенциялар, типовой қонунлар, қоидалар ва ҳуқуқий справочниклар ишлаб чиқишга ёрдам беради. 1966 йилда Бош Ассамблея томонидан таъсис этилган ушбу Халқаро комиссия дунёнинг жўғрофий минтақаларининг вакиллари ҳамда асосий иқтисодий ва ҳуқуқий тизимларни бирлаштирди.

ЮНИСТРАЛ халқаро савдони изга солиб турадиган бир неча фундаментал шартномаларни ишлаб чиқишга ёрдам берди. Уларнинг орасида 1985 йилдаги Халқаро савдо арбитражи тўғрисидаги типовой қонун, 1976 йилдаги Арбитраж тўғрисидаги конвенция, 1980 йилги Келишув регламенти, 1994 йилдаги Товарлар сотиб олиш, қурилиш ва бошқа хизматлар тўғрисидаги типовой қонун, шунингдек 1995 йилдаги БМТнинг Мухтор қафолатлар ва заҳира аккредитивлар тўғрисидаги конвенция бор. 1996 йилда Бош Ассамблея ЮНИСТРАЛнинг электрон савдо тўғрисидаги қонунини қабул қилди.

БМТ ёрдамида қабул қилинган Атроф муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуни

нафақат бутун дунёда табиатни химоя қилишни барқарор этади, шунингдек у бизнесни тўғри олиб боришга ҳам кўмаклашади. Масалан, Биологик хавфсизлик тўғрисидаги Картаген протоколи (2000) мамлакатларга, ичида генетик ўзгартирилган организмлар ҳам бўлиши эҳтимоли бор қишлоқ хўжалиги экспорт товарларини аниқ тамғалаш вазифасини юклайди ва давлатларга бундай импорт молларини қабул этишни хошлайдиларми, йўқми, шу тўғрида мурожаат этиш имкониятини беради. Трансчегаравий хавфли чиқиндиларни ташиш ва уларни йўқотишни назорат қилиш тўғрисидаги Базел конференцияси (1989) ҳам шундай шартномалардан биридир. Ушбу шартнома пайдо бўлган хавфли чиқиндиларнинг хажми ва заррелик даражасини энг кам миқдорга камайтириш ҳамда уларни экологик жихатдан хавфсиз қайта ишлашни таъминлаш учун давлатларнинг зиммасига заррели чиқиндиларни ташиш ва юклашни камайтириш вазифасини юклайди.

БМТ ва унинг ҳуқуқ конун-қоидалари жаҳон савдосига кўмаклашадиган кўплаб йўллар мавжуд. Қуйидагилар уларга мисол бўла олади:

- Тижорат авиакомпанияларнинг самолётлари мамлакатлар чегараларини кесиб ўтишга ва қутилмаган ҳолатларда БМТ тизимининг бир қисми ҳисобланган Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти ёрдамида тузилган сулуҳга биноан қўнишга ҳақи бор.
- Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ҳам БМТнинг бир қисми ҳисобланиб, бутун дунё бўйича муаллифлик ҳуқуқларини, савдо белгиларини ва патентларни муҳофаза этиш борасида халқаро ҳамкорлик қилиш учун ёрдам беради.
- Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти дори-дармонларнинг сифат мезонларини белгилаб беради ва уларнинг номларини стандартлаштиради.
- Халқаро электр алоқаси иттифоқи томонидан частоталарнинг белгилаб берилиши радиоволналарни блокада қилишга чек қўяди.
- БМТнинг интеллектуал мулк ташкилотининг арбитражи Интернетда доменлар номларидан фойдаланишга ёрдамлашиш билан кибернетик кенгликлардан ўзбошимчалик билан фойдаланишга чек қўяди.

■ Тараққиёт аломатлари

Инсон ҳуқуқлари: Бугунги кунда инсоният инсон ҳуқуқлари борасида, ҳамма одамларнинг, жумладан болалар, хотин-қизлар ва ҳатто, турли элатларнинг ҳуқуқларини муҳофаза этадиган конвенцияларнинг зўр таассурот қолдирадиган туркумига эга. Халқаро ҳамжамият инсоннинг индивидуал ҳуқуқларини химоя эта олиши тўғрисидаги ғоя халқаро ҳуқуқнинг энг буюк интеллектуал ва амалий ютуқларидан биридир (Яна ҳам батафсилроқ ахборот олиш учун болалар ҳуқуқлари ва инсон ҳуқуқлари бўлимларини ўқинг).

Атроф муҳитни муҳофаза этиш тўғрисидаги конунчилик: Энг муҳим шартномалар бўйича олиб борилган муваффақиятли музокаралар ҳамма жойда атроф муҳитни муҳофаза этишга ёрдам беради. Эндиликда саҳрога айланишга қарши, биологик хилма-хиллик, биологик хавфсизлик, иқлим ўзгаришлари, хавфли чиқиндиларнинг трансчегаралар орқали ташилишини ва уларнинг йўқ қилинишини назорат этиш, озон қатлами, ҳавонинг трансчегаравий ифлосланиши, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсининг йўқолиб бораётган турлари ва дунё океанининг ифлосланиши сингари халқаро шартномалар мавжуд. Ушбу шартномаларни қўллаш ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ноёб турларини асраб қолиш, тропик ўрмонларни муҳофаза этиш ва саҳрога айланиш жараёнини секинлаштириш ёки тўхтатишга ёрдам беради.

Денгизлар ҳуқуқи: 1982 йилда қабул қилинган ва бирмунча кенгўламли халқаро ҳуқуқий



тартиб-қоидалар мажмуи ҳисобланган мазкур конвенция океан кенгликлари ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ муаммоларнинг барча жиҳатларини, жумладан: кемалар қатнови ва самолётларнинг учиши, ресурсларни қидириб топиш ва улардан фойдаланиш, муҳофаза этиш ва ифлосланиш, балиқ тутиш ва транспортда юк ташиш сингари соҳаларни қамраб олади. Ҳозирги кунларда бунинг бирмунча аниқ таъсири 12 мил кенгликдаги зонани мамлакат қирғоқбўйи сувларининг ҳудудий чегараси ва денгизларнинг 200 мили доирасининг ресурсларини қайта ишлаш учун эксклюзив иқтисодий зона сифатида қарийб ҳамма томонидан қабул қилинишида яққол сезилмоқда. Шунингдек, у денгиз тадқиқотлари учун қирғоқбўйи мамлакатларини назорат қилиш, ифлосланишларни бартараф этиш ва денгизга чиқиш йўллари бўлмаган мамлакатларни денгизлардан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш сингари бошқа соҳаларни ҳам қамраб олади. Конвенция доирасида унинг амалга оширилишини назорат қилиш учун таъсис этилган учта органнинг барчаси аллақачон ишламоқда. Булар - Ямаиканинг Кингстон шаҳрида жойлашган Денгизлар туби бўйича Халқаро орган; Германиянинг Гамбург шаҳрида жойлашган Денгизлар ҳуқуқи бўйича халқаро трибунал; ва Нью-Йоркда, БМТ бош қароргоҳида фаолият кўрсатаётган Минтақавий Шелф чегаралари бўйича комиссиядир.

Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқлари: Бу соҳадаги асосий ҳужжатлар фуқаролардан иборат аҳолини, касал ва ярадор ҳарбийлар ҳамда ҳарбий асирларни муҳофаза этган ҳолда ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш восита ва усулларини тартибга солиб туради. Ушбу асосий ҳужжатлар Халқаро Қизил хоч қўмитасининг раҳбарлигида ишлаб чиқилган. Бош Ассамблея геноцид, ҳарбий жиноятлар, инсонийликка қарши жиноятлар ва одатдаги қурол яроғларнинг баъзи турларидан фойдаланиш бўйича бошқа қатор муҳим ҳужжатларни ишлаб чиқди.

Халқаро трибуналлар ва Халқаро жиний суд: Собиқ Югославиядаги Руандада содир этилган ҳарбий жиноятларда айбдор шахсларни жазолаш учун Хавфсизлик Кенгаши халқаро трибуналлар таъсис этди. Бу ишда бир неча киши айбдор деб топилди ва бунга мувофиқ жазоланди. 2000 йилнинг августида, шунингдек, Кенгаш Серра Леоне бўйича ҳам шундай трибунал таъсис этишга розилик билдирди. 1998 йилда Римда инсонийликка қарши жиноятларни суд томонидан таъкиб этиш учун доимий халқаро суд ташкил этиш статутини қабул этилган эди. Бундай суд фаолият кўрсата бошлаши учун шартнома камида 60 мамлакат томонидан ратификация қилиниши зарур. 2000 йилнинг 30 июлидан шартномага 98 давлат имзо чекди ва уни 14 мамлакат ратификация қилди.

Халқаро терроризм: БМТнинг ҳуқуқий соҳаларида ва унинг Халқаро фуқаро авиация ташкилоти, Халқаро денгизлар ташкилоти ва Халқаро атом энергияси агентлиги сингари ихтисослаштирилган агентликлари ўзида терроризмга қарши кураш бўйича асосий ҳуқуқий воситаларни акс эттирган қатор халқаро битимларни ишлаб чиқди. Бунга Самолётларда содир этилган қонунбузарликлар тўғрисидаги (1963), самолётни қўлга киритишни олдини олиш тўғрисидаги (1971), одамларни гаровга олишга қарши кураш тўғрисидаги (1979), ядровий ашёларни муҳофаза этиш тўғрисидаги (1979) ва пластик портловчи ашёларни, уларни топиб олиш имконини яратадиган тамғалаш (1988) сингари конвенциялар қиради. Бош Ассамблея халқаро терроризмнинг барча актларини мунтазам равишда, сиёсий даражада қоралади. 1997 йилда у бомбали терроризмга қарши кураш тўғрисида халқаро конвенция қабул қилди, бу ҳужжат террорчилик портлатишларида айбланаётганларни ёки суд орқали таъкиб этиш ёки уларни тутиб беришни тавсия этади.

■ Келажакка бир назар

БМТ дунё бўйича, мамлакатлар ичкарасида ҳам, улар ўртасидаги муносабатларда ҳам қонун устуворлигини барқарор этишга асос ярата олди. Бош Котиб назоратидаги Конвенция халқаро ҳамжамиятнинг ўзлари учун ҳуқуқ ва бурчларини белгилаб олиш, қонун устуворлигига

хақиқатан амал қилиш истакларини ифода этади. Бироқ қабул этилган қонун ёки кўптомонлама шартнома бу каби глобал тартиб ўрнатишнинг илк қадамидир. Биз, бутун дунё бўйича, транспортдан тортиб бандликкача, атроф мухит муҳофазасидан тортиб савдогача ва ҳатто, бошқаларга бўлган муносабатимизга қадар, бутун дунё бўйича барча соҳалардаги тараққиётга фақат шу конвенцияларни амалга ошириш йўли билан эришишимиз мумкин.

Бош Котиб энг муҳим 25 конвенцияни танлади ва уларни ратификация қилмаган аъзо давлатлардан бу ишни амалга оширишни сўради. Ушбу шартномалар БМТнинг янги мингйилликдаги энг муҳим сиёсий мақсадлари билан боғлиқ ва БМТ Низоми руҳини яхшироқ ифода этади (қуйидаги шартномалар рўхатига қаранг).

Бу конвенцияларнинг кўпчилиги аллақачон кучга кирди, аммо кўпчилигининг умумий ратификация қилинишига эришиш керак. Шартномаларни ҳали имзоламаган ва ратификация қилмаган давлатларнинг бу ишни кечиктираётганларига сабаб конвенцияларни маъқулламаганликлари эмас, балки техник ва инсон ресурсларининг етишмаётганлигидир. БМТ қуйидаги ёрдамлар билан уларнинг баъзи қийинчиликларни енгиб ўтишларига кўмаклашишга ҳаракат қилмоқда:

- Миллий қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун давлатларнинг илтимосларига биноан экспертлар тақдим этиш, семинарлар ва брифинглар ўтказиш йўли билан мансабдор шахслар ва қонун чиқарувчиларга консултациялар уюштириш;
- Халқаро ҳуқуқни яхшироқ тушуниш ва қўллаш мақсадида судлар ва адвокатларни ўқитиш;
- Ҳуқуқий коллежлар ва олий ўқув юртларида халқаро ҳуқуқдан дарслар беришга кўмаклашиш.

— Кўптомонлама, энг асосий 25 шартнома

Инсон ҳуқуқлари

1. Бош Ассамблея томонидан 1948 йил 9 декабрда қабул қилинган геноцид жинояти ҳақида огоҳлантириш ва унинг учун жазолаш тўғрисида конвенция, 1951 йил 12 январда кучга кирди.
2. Имзолаш учун 1966 йил 7 мартда Нью-Йоркда очилган Иркий камситишнинг барча шакллари бартараф этиш тўғрисидаги халқаро конвенция. 1969 йил 4 январдан кучга кирди.
3. БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан 1966 йил 16 декабрда қабул қилинган Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт. 1976 йил 3 январда кучга кирди.
4. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1966 йил 16 декабрда қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт. 1976 йил 23 мартда кучга кирди.
5. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1966 йил 16 декабрда қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга Факултатив протокол. 1976 йил 23 мартда кучга кирди.
6. БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан 1989 йил 15 декабрда қабул этилган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга ўлим жазосини бекор қилишга бағишланган Иккинчи факултатив протокол. 1991 йил 1 июлда кучга кирди.
7. БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан 1979 йил 18 декабрда қабул этилган Аёлларни

камситишларнинг барча шакллари бартараф этиш тўғрисида конвенция. 1981 йил 3 сентябрда кучга кирди.

8. БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан 1999 йил 6 октябрда қабул қилинган Аёлларни камситишларнинг барча шакллари бартараф этиш тўғрисида конвенцияга Факултатив протокол. Ҳозиргача кучга киргани йўқ.
9. БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан 1984 йил 10 декабрда қабул этилган Қийноқлар ва бошқа бешафқат, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни таҳқирлайдиган муомала ва жазоларга қарши конвенция. 1987 йил 26 июнда кучга кирди.
10. БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция. 1990 йил 2 сентябрда кучга кирди.
11. Болаларга ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга болаларнинг қуролли можаролардаги иштирокига тааллуқли Факултатив протоколнинг лойиҳаси. БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан ҳали қабул қилинмаган.
12. Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга болаларни сотиш, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли Факултатив протокол лойиҳаси. Бош Ассамблея томонидан ҳали қабул қилинмаган.
13. БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан 1990 йил 18 декабрда қабул қилинган Барча меҳнатқаш мигрантлар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро конвенция. Ҳали кучга кирган эмас.

Қочоқлар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар

14. 1951 йил 8 июлда Женевада имзоланган Қочоқлар мақоми тўғрисидаги конвенция. 1954 йил 22 апрелда кучга кирган.

Жиноий жазо масалалари

15. БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан 1994 йил 9 декабрда қабул қилинган БМТ ва унинг ходимлари хавфсизлиги тўғрисидаги конвенция. 1999 йил 15 январда кучга кирган.
16. БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан 1997 йил 15 декабрда қабул этилган Бомбали терроризм билан кураш тўғрисидаги халқаро конвенция. Ҳали кучга кирмаган.
17. 1998 йил 17 июлда Римда қабул қилинган Халқаро жиноий суднинг Рим статутини. Ҳали кучга кирган эмас.

Қуролсизланиш

18. Ҳаддан ташқари вайронагарчиликлар келтирадиган ва аниқ нуқтага урмай, ялпи вайрон этадиган Одатдаги қуролларнинг муайян турларини қўллашни таъқиқлаш ва чеклаш тўғрисидаги конвенция (ва унга протоколлар) 1980 йил 10 октябрда Женевада қўллаб-қувватланди. 1983 йил 2 декабрдан кучга кирди.
19. 1996 йил 3 майда Конвенцияга аъзо давлатларнинг Женевадаги Конференциясида қабул қилинган 1996 йил 3 майдаги таҳрирдаги Миналарни, қопқон-миналарни ва бошқа қурилмаларни қўллашни тақиқлаш ёки чеклаш тўғрисидаги протокол (1996 йил 3 майдаги 11-сон протокол), ҳаддан ташқари вайронагарчиликлар келтирадиган ва

- аник нуқтага зарба бермай, ялпи вайрон этадиган Одатдаги қуроолларнинг муайян турларини қўллашни тақиқлаш ва чеклаш тўғрисидаги конвенцияга илова 1998 йил 3 декабрда кучга кирган.
20. Химиявий қуроолларни тайёрлаш, ишлаб чиқариш, тўплаш ва улардан фойдаланишни тақиқлаш ҳамда уни йўқ қилиш тўғрисидаги конвенция имзолаш учун Парижда 1993 йил 13 январда очилди. 1997 йил 29 апрелда кучга кирди.
 21. БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан 1996 йил 10 сентябрда қабул қилинган Ядро синовларини кенг қўламли тақиқлаш тўғрисидаги шартнома. Ҳали кучга кирган эмас.
 22. 1997 йил 18 сентябрда Ослода қўллаб-қувватланган Пиёдаларга қарши миналардан фойдаланишни, уларни тўплаш, ишлаб чиқариш ва беришни тақиқлаш ва уларни йўқ қилиш тўғрисидаги конвенция. 1999 йил 1 мартда кучга кирган.

Атроф муҳит

23. 1997 йил 11 декабрда Киотода қабул қилинган БМТнинг иқлим ўзгаришлари доирасидаги конвенциясига Киото протоколи. Ҳали кучга кирган эмас.
24. 1992 йил 5 июнда Рио-де-Жанейрода имзолаш учун очилган Биологик рангбаранглик тўғрисида конвенция. 1993 йил 29 декабрда кучга кирган.
25. 1994 йил 14 октябрда имзолаш учун Парижда очилган Қаттиқ қурғокчиликни бошидан кечираётган мамлакатларда ва ёки, айниқса Африкада саҳрога айланишга қарши кураш тўғрисида халқаро конвенция. 1996 йил 29 декабрда кучга кирган.

== Ўқувчилар учун тавсия этиладиган фаолият турлари

1. Ёлғиз ёки гуруҳ бўлиб тадқиқотлар ўтказиш учун халқаро ҳуқуқнинг сизни қизиқтираётган ёки ташвиш-хавотир уйғотаётган бир соҳасини танлаб олинг. Шу масала бўйича кўпроқ билиб олинг, унинг барча муаммоларидан хабардор бўлинг. Шу соҳада ишлаб чиқилган конвенциялар тўғрисида кўпроқ билинг. Сизга бу ишда Интернетдаги БМТ шартномалари тўплами (<http://www.untreaty.un.org>) ёрдам беради. У ёки бу конвенцияни қайси мамлакатлар ратификация қилган, қайсилари қилмаган, кўриб чиқинг. Ўз мамлакатингиз тўғрисидаги маълумотлар билан танишинг. Агар қандайдир конвенция ратификация қилинмаган бўлса, ўзларингизнинг ҳукуматларингиздаги мансабдор шахсларга ёки хат йўллаб, ёки телефон қилиб бу тадбир нега амалга оширилмаганлигини сўранг. Агар сизнинг мамлакатингиз конвенцияни ратификация қилган бўлса, шундан кейин уни амалга ошириш бўйича қандай қадамлар ташланганини билиб олиш фоят муҳимдир. Бунинг учун синфга бу борада яхши маълумотга эга бўлган мутахассисни таклиф этинг.
2. Битта ёки бир неча аниқ конвенцияларни амалга оширишга жуда қизиқадиган кўплаб ноҳукумат ташкилотлар бор. Агар шундай ташкилотларни топсангиз, улар сизни ҳукуматларингиз томонидан ишлаб чиқилган ҳаракатлар режасига тааллуқли ахборотлар билан таъминлаши мумкин. Кўплаб ноҳукумат ташкилотлар дунёда ўтказилаётган ассамблеяларда ва минтақавий йиғилишларда иштирок этадилар. Шундай тадбирлар сизнинг минтақангизда ҳам ўтказиладими? Агар сиз бирор аниқ конвенция бўйича ишлаётган ноҳукумат ташкилотини билсангиз, унда қандай муаммолар

тўғрисида гап боради? Сизнинг манфаатларингиз доирасидаги маҳаллий ва миллий масалаларни ҳал этиш учун нималар қилинапти? Бу ишда кимлар ёрдам бермоқда? Мухолифлар нималар дейишмоқда? Нима учун? Кимнингдир ҳаракатини қўллаб-қувватланг, сиз улар учун нималар қила олишингиз мумкин? Аҳволни яхшилаш муаммолари ва бунинг учун мўлжалланаётган тадбирлар тўғрисида фуқароларни хабардор қилишдаги сизнинг ёрдамингиз аҳолининг конструктив иштироки учун асос ҳозирлайди.

3. Сизни қизиқтирган конвенция тартиб-қоидаларини ҳаётга татбиқ қилишга ёрдамлашадиган миллий ёки маҳаллий қонунни қўллаб-қувватлашингизни изхор этинг. Дўстларингиз билан маслаҳатлашинг, қонуннинг амалга ошишини қўллаб-қувватлаб илтимоснома ёзишга ёрдамлашинг. Шу масалага қизиқадиган ўқувчилардан спикерлар гуруҳи ташкил этинг. Мисол тариқасида болалар меҳнати масалалари бўйича “Болаларга озодлик” саҳифасига мурожаат этинг: (<http://www.freethechildren.org/>) / Зарур ўзгартиришлар киритинг ва ҳаракатни бошлаб юборинг.
4. Ҳукуматнинг сиз танлаб олган масалалар билан шуғулланадиган департаменти билан алоқа ўрнатинг. Шу департамент томонидан қўллаб-қувватланаётган ташаббуслар тўғрисида яна ҳам кўпроқ билиб олинг. Бу, айниқса атроф муҳит, инсон ҳуқуқлари, болалар, хотин-қизлар, қочоқлар, бандлик ва ирқий камситишларга тааллуқли конвенцияларни амалга оширишда ёрдам бериши мумкин.

== Баъзи манбалар

Интернетда

www.un.org/law
<http://www.untreaty.un.org>
www.un.org/law/counsel/info.htm
www.un.org/Depts/los/index/htm
www.uncitral.org

Босилган материаллар

“XXI юзйиллик арафасида халқаро ҳуқуқ: Халқаро ҳуқуқ комиссиясининг фикрлари”, БМТ, 1997

“БМТнинг халқаро шартномалари”. Тўплам, БМТ, 1996

Мингйиллик саммитининг кўптомонлама шартномалар доирасидаги дастури: ҳаммининг иштирок этиши учун таклиф, БМТ, 2000


“Спикерлар учун қайдлар: инсон ҳуқуқлари”, БМТ, 1998

Асосий статистик маълумотлар



- 1948 йилдан буён БМТ 53 тинчлик ўрнатиш операциясини амалга оширди; уларнинг 40 таси 1988 йилдан 2000 йилга қадар Хавфсизлик Кенгаши томонидан ўтказилди.
- 2000 йилнинг 15 июнидан ҳозиргача 39 миссия яқунланди, яна 14 таси ўз ишини давом эттирмоқда. Мана шуларнинг 3+15 таси (давом этаётган/яқунланган) Африкада олиб борилди; 8 таси (яқунлангани) Америкада; 3+6 таси Осиёда; 5+5 таси Европада ва 4+5 таси Яқин Шарқда иш олиб борди.
- 1999 йилнинг 31 декабридан бошлаб БМТнинг 87 аъзо мамлакати тинчлик ўрнатиш операциялари бўйича заҳира тўғрисидаги битим тизимига бирлашдилар; 65 давлат ҳарбий бўлинмалар, баъзи шахслар, фуқаролар ва ҳарбий мутахассислар ихтисослаштирган хизмат турлари, жихозлар ҳамда транспорт ва бошқалар борасидаги тақдим этишлари мумкин бўлган аниқ имкониятлар тўғрисида маълумотлар бердилар. (2000 йилнинг 1 майдаги Лойиҳани амалга оширишнинг бориши тўғрисидаги Бош котибнинг ҳисоботи).
- Тинчлик ўрнатиш миссияларида 2000 йилнинг 14 июлига қадар 1648 тинчликпарвар қурбон бўлди; уларнинг саккиздан еттитаси ҳарбий мутахассислар бўлган; ўлганларнинг учтадан биттаси ўзаро душманлик можароларида қурбон бўлдилар. Тинчлик ўрнатиш операцияларида 111 мамлакатдан 750 нафардан ортиқ ҳарбийлар ва полициячилар, шунингдек минглаб фуқаролар иштирок этдилар.
- 1998 йилда БМТнинг тинчлик ўрнатувчилари жаҳоннинг Нобел мукофотини олдилар.

Тинчлик ўрнатиш фаолияти



“Тинчликни барқарор этиш бўйича анъанавий операцияларнинг диққат марказида илгари, энг муҳими ўт очиш тўхтатилишининг кузатилишини кучайтириш турган бўлса, ҳозирги комплекс операциялар бутунлай бошқа характер касб этади. Аслини олганда уларнинг мақсади жанжаллашаётган томонларга ўз манфаатларини асосий воситалар билан таъминлашга ёрдам беришдан иборатдир.”

Бош котиб Кофи Аннаннынг “Мингйиллик маърузаси”дан“

— Тинчлик ўрнатувчи икки миссия

БМТнинг Шарқий Тимордаги миссияси

Ўша кечаси баъзилар биринчи бўлиб овоз бериш учун тунни бедор ўтказдилар. Шарқий Тиморда янги ҳаёт бошланди ва унинг иштирокчилари бўлиш учун одамларда журъат тўлиб-тошаётган эди. Кўпйиллик сиёсий маҳдудликдан ва фуқаролик бошдоқликларидан сўнг мазкур худуднинг келгусидаги ривожланиш йўлини аниқлаб бериши керак бўлган сайлов ўтказилди. Сайловнинг ташкил этилишига БМТ масъул эди, бу эса одамлар қалбида қатъият ва умид учкунларини чакнатарди.

Камбоджалик БМТ кўнгиллиси, БМТ миссиясининг аъзоси Ваннари Инг сайлов куни Шарқий Тиморда кузатувчилар орасида эди. “БМТда ишлаб эришганларим тўғрисида озгина бўлсада сиз билан ўртоқлашаётганимдан бахтиёрман”, - дейди Ваннари. Салкам тўққиз йил илгари 1993 йилнинг май ойида унинг кадрдон мамлакати ҳам БМТ раҳбарлигида шундай синовдан ўтган эди.

“Дунёнинг қайси минтақасида турганлигингдан қатъий назар одамларнинг азоб-уқубатларини кўриб туриш оғир, қийин. Бундай фожиаларга қанча яқин турсанг, уларни тўхтатиш тўғрисидаги қатъият олови кўксингда кўпроқ аланга олади”, - дейди Шарқий Тимор тинчликпарварларидан яна бири.

БМТнинг Руандадаги миссияси

Руандадаги БМТ миссияси таркибидаги Гана баталони аъзоси, майор Анакома-Дансо Комфортга хотиралари ҳамон тинчлик бермайди. Ҳали мамлакатни, охир-оқибатда миллион инсон ҳаётига зомин бўлган қақшатқич этник уруш зир титратаётган эди. Миссия у ерга

кириб борганда хали “ягона ўлим воқеаси” гина содир бўлган эди. Мамлакатда қолган, асосан чет эл ҳарбий бўлинмаларидан иборат бўлган баталоннинг вазифаси қиргин қурбонларини оммавий дафн этиш, шунингдек, экспертиза учун гўрдан қовлаб олиш ва қайта кўмишдан иборат эди.

“Бу можарода қувонтирадиган ҳолатларни топиш маҳол эди” - таъкидлади майор.

— Тинчлик ўрнатиш - БМТнинг янги тадбири

БМТ Низоми дунёнинг барча халқларини “халқаро тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлаш учун кучларини жипслаштиришга чақиради ва Хавфсизлик Кенгаши зиммасига “тинчликка бўлган ҳар қандай хавф-хатарни аниқлаш ва унга қарши қандай чора-тадбирлар қабул этиш кераклигини ҳал қилиш” вазифасини юклайди.

Тинчлик ўрнатиш Низомнинг бирор жойида ҳам БМТ фойдаланиши лозим бўлган механизмлардан бири сифатида эсга олинмайди. Можарога киришган мамлакатлар ёки ҳамжамиятларни тинчлик ўрнатиш тадбирлари қабул этилгунига қадар маълум муддатга ҳарбий ҳаракатлардан тийиб туриш учун БМТ қўл остидаги армиядан фойдаланиш сингари янги усулни ташкил этишга бор-йўғи уч йил талаб этилди. Тинчликни қўллаб-қувватлашнинг бу усулидан БМТ ташкил этилганидан кейинги илк қирқ йил давомида ўн уч марта фойдаланилди. Шундан сўнг тинчликни қўллаб-қувватлаш тушунчасини кескин кенгайтириб юборган ва мустаҳкам тинчлик ўрнатиш ҳамда тинч қурилиш доирасига кириб борган яна қирқта тинчлик ўрнатиш миссияси қабул этилди.

Тинчлик ўрнатиш, асосан ҳар бир аниқ воқелик зарурати асосида пайдо бўлди ва ривожланди. Ҳар бир операция муайян можаро эҳтиёжларини қондириш учун алоҳида ишлаб чиқилди. Тинчлик ўрнатиш - концепция сифатида БМТ Низомнинг VI ва VII боблари ўртасида баён этилган:

- VI бобда мамлакат можароларни уларнинг ёрдамида бартараф этиши мумкин бўлган қуйидаги аниқ воситалар санаб ўтилади:
музокаралар, тадқиқотлар, воситачилик, яраштириш, хўжалик судлари, суд ҳукмини эълон қилиш, минтақавий институтлардан фойдаланиш, келишувлар ва бошқа тинч воситалар.
- VII бобда БМТга аъзо давлатлар қабул қилишлари мумкин бўлган мажбурий чора-тадбирлар, жумладан қуроли кучлардан фойдаланиш ёки “тинчликка солинган хавфни бартараф этиш борасидаги бошқа коллектив чоралар кўзда тутилади.

— Тинчлик ўрнатиш деганда нимани тушунасиз?

Оддий қилиб айтадиган бўлсак, тинчлик ўрнатувчилар, бу можаро гирдобиди қолган мамлакатларга ўз ихтилофларини тинчлик йўли билан ҳал этишга ёрдамлашувчи одамлардир. Мана шу одамлар - солдатлар, ҳарбий кузатувчилар ёки фуқаро полициячиларининг иштироки душман гуруҳларни ҳарбий ҳаракатлар ўрнига ихтилофларни тинч йўл билан ҳал этишларига рағбатлантиради.

Одатдаги бош кийимларининг ранги туфайли кўпинча “зангори беретлар” деб аташадиган БМТ тинчлик ўрнатувчиларининг кўпчилиги собиқ ҳарбийлар бўлиб, ўзларининг ҳукуматлари томонидан, тинчликни тиклаш ва барқарор этиш: ўт очишни тўхтатиш мониторинги, душманлик қайфиятидаги қўшинларни ажратиш ва оралик зонани қўллаб-қувватлаш учун кўнгилли асосда



йўлланадилар. Кейинги йилларда БМТ тинчликпарварлари сафига фуқаролар полициячилари, сайловларнинг ўтишини кузатувчилар ва бошқа фуқаро мутахассислар ҳам қўшилдилар. Уларнинг зиммаларида муҳофаза этишни таъминлаш ва инсонпарварлик ёрдами кўрсатишдан тортиб собиқ муҳолифларга мураккаб тинчлик келишувларини амалга оширишларигача бўлган кенг қўламдаги вазифалар бор.

Анъанавий тинчлик ўрнатиш операциялари икки асосий категорияга бўлинади: **кузатувчилар миссияси ва тинчлик ўрнатувчи кучлар.**

- Кузатувчилар миссияси, одатда ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги келишувларни ҳаётга татбиқ этувчи қуролланмаган ҳарбийлар ва фуқаролардан ташкил топади.
- Тинчлик ўрнатувчи кучлар енгил қуролланган қўшинлар ва жумладан, барча зарур ашёлар билан таъминланган пиёда қисмлардан ташкил топади.

— Ташаббус шундай бошланган эди

БМТнинг биринчи тинчлик ўрнатувчи операцияси - ярашиш шартлари бажарилишини кузатиш бўйича орган ёки қисқаси -кузатувчилар миссияси 1948 йилда Яқин Шарқда амалга оширилган эди.

Бироз илгарирок, 1947 йилда БМТ Фаластинни бўлиш ва бу ерда яҳудий давлати ҳамда араб давлати ташкил этиш режасини қабул қилди. 1948 йилнинг 15 май куни Буюк Британиянинг Фаластиндаги маъмурий ваколатининг муддати расмий жихатдан тугади ва 24соат ичида Исроил давлати эълон қилинди. Яҳудий ва араб аҳолиси ўртасида яшин тезлигида қашатқич қуролли тўқнашувлар бошланиб кетди. Бу можарога БМТ томонидан воситачи этиб тайинланган швед графи Бернадотт музокаралар туфайли ўт очишни тўхтатиш тўғрисида битим тузишга эришди.

Бироқ, ҳарбий ҳаракатлар давом этгани ва Исроилни ташлаб кетаётган фаластинликлар сони ортиб бораётгани туфайли Хавфсизлик Кенгаши ўт очишни тўхтатишни кузатиш учун ярашиш комиссияси тузишга қарор қилди. Бу ишда граф Бернадоттга ҳарбий кузатувчилар гуруҳи ёрдам бериши керак эди. Афсуски, 1948 йилнинг 17 сентябрида графни Қуддуснинг Исроил қисмида ўлдирдилар. Унинг ўрнини воситачи вазифасини бажара бошлаган америкалик Ральф Бунш эгаллади. У ҳарбий кузатувчилар ҳаракатини бошқарди ва операцияни ўтказиш тартибини ишлаб чиқди.

Бугун орадан 50 йил ўтган бўлсада, ҳамон Исроил ва араб қўшинлари ўртасида тинчликни сақлашга ёрдамлашиш, Ярашиш шартларини бажарилишини кузатиш бўйича орган фаолият кўрсатиб келмоқда.

— Тинчлик ўрнатиш операцияларининг умимий хусусиятлари

БМТнинг ҳар бир тинчлик ўрнатиш операцияси бетакрор бўлса ҳам,

- уларнинг барчаси можарога жалб этилган томонларнинг розилигини талаб этади;
- бирортаси ҳам бирёклама тарзда ёки ташқаридан тикиштирилган эмас;
- бирортаси ҳам, жуда кам ҳолларда ўзини-ўзи химоя қилиш ёки фуқаро аҳолини муҳофаза этиш заруратини ҳисобга олмаганда мажбурий ҳарбий гадбирларга ёки зўрма-зўракилик орқали амалга ошириладиган ҳаракатларга мурожаат этмайди;
- барчаси БМТнинг штатдаги ходимларини мамлакатлар ҳукуматлари томонидан Бош котибга тақдим этилган ҳарбийлардан ва фуқаролардан иборат ходимларни дала

шароитларида жойлаштиришни ҳам зиммасига олади;

- уларнинг барчаси БМТ Бош котибининг тезкор раҳбарлиги остида бўлади;
- барчасидан халқаро можароларни ёки кўпроқ ва тез-тез халқаро аҳамиятга эга бўлган ички можароларни назорат этиш ҳамда ҳал қилишда ёрдам кўрсатиш учун фойдаланилади.

— Тинчлик ўрнатиш миссияси қандай бошланади?

Одатда халқаро тинчлик ва хавфсизликни барқарор этиш учун жавобгар бўлган тинчлик ўрнатиш операциялари БМТ органи -Хавфсизлик Кенгашининг қарори билан бошланади. Кенгаш операция кўлами, унинг умумий мақсадлари ва муваққат доираси тўғрисида қарор қабул этади. Чунки, БМТнинг ўзини шахсий ҳарбий кучлари ёки полициячилари йўқ. Миссияда қатнашиш-қатнашмаслик масаласини аъзо давлатлар ҳал этадилар. Агар қатнашадиган бўлсалар улар қандай мутахассислар, ходимлар ва қандай жиҳозлар тақдим этишларини маълум қиладилар. Ҳозирги мавжуд тизим бўйича тинчлик ўрнатувчи кучлар ваколат олиб тайинланган жойга етиб келгунларича анча вақт ўтиши мумкин.

Баъзи ҳолларда тинчликпарвар кучлар етиб борган жойда улар қўллаб-қувватлайдиган тинчликдан асар ҳам бўлмайди. Серра-Леонедаги тинчлик сулҳлари мониторингида БМТ кучларининг солдатлари ҳамкорликдан кўра, кўпроқ нафратомуз муносабатга дуч келдилар; уларни бу ерда ўғирлаб кетишди, кейинроқ баъзиларини ўлдирдилар. Сомалида томонлар ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги келишувни мунтазам равишда бузиб келдилар ва БМТ ходимлари - ўлдириш, ўғирлаб кетиш ва қўрқитишларга нишон бўлди. Бундай жиноятни қилганлар қурбонлар берилган тақдирда тинчлик ўрнатиш операциялари учун кўшин тақдим этган давлатлар ўз қўллаб-қувватлашларини тўхтатиб қўйишини яхши билар эдилар. Ангола ва Камбоджадагидек тинчлик сулҳлари бўлган ҳолларда ҳам тинчлик ўрнатувчилар исёнчиларнинг уруш улар учун фойдали фаолият ҳисобланган қайсар гуруҳлар билан мулоқот қилишларига тўғри келди, чунки бу гуруҳлар олмос, гиёҳванд моддалар ва ёғоч каби қимматбаҳо экспорт молларини назорат этар эдилар.

— Бунинг қиммати қанча?

БМТнинг тинчлик ўрнатиш бўйича 2000 йил учун ҳисоб бюджети қарийб 2,2 миллиард долларни ташкил этди. Бу - БМТнинг 1995 йилги собиқ Югославияда тинчлик ўрнатишга сарф этилган харажатларидан 3 миллиард камроқдир. БМТнинг барча аъзо давлатлари тинчлик ўрнатиш операцияларига келишилган ва тасдиқданган маблағларни берадилар. 2000 йилнинг июнигача давлатлар шу йилнинг ва ўтган йилнинг тинчлик ўрнатиш бадаллари юзасидан БМТдан 2,5 миллиард доллар қарздор бўлиб қолдилар. Аммо бой берилган инсон умри ўрнини ҳеч қандай маблағ билан қоплаб бўлмади.

БМТ фаолият кўрсатадиган атроф муҳитнинг беқарорлиги ва хавфлилиги тинчлик ўрнатувчилар ўртасидаги қурбонларнинг кўпаяётганида ўз аксини топмоқда. 1998 йилнинг 1 январидан - 1999 йилнинг 19 августига қадар тинчлик ўрнатувчи операцияларда 34 БМТ ходими ҳалок бўлди. Бу йўқотишни ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайди.

Кейинги пайтларда тинчлик ўрнатиш операциялари қандай ўзгарди?

Илк бор ишлаб чиқилган тарздаги БМТ тинчлик ўрнатувчи кучларининг анъанавий концепцияси, масалан, Исроил ва Сурия кучлари ўртасида Голан тепаликларидаги сингари “оралик зона” да қўшинларни кенг қулоқ ёйдиришдан иборат бўлган.

Бугун унинг мазмуни ўзгарди, яъни роли ва масъулияти ошди. Эндиликда кўпчилик тинчлик ўрнатиш операциялари ўз зиммасига бир қанча жабҳаларни қамраб олмоқда, бу - тинчликни барқарор этиш ва тинч қурилиш каби турли вазифаларни ўз ичига олади. Бош котиб Кофи Аннан БМТнинг ишлари тўғрисидаги 1999 йилги маърузасида шу вазифаларни қуйидагича умумлаштирди:

“Гарчи анъанавий тинчлик ўрнатиш операцияларини амалга ошириш давом этаётган бўлсада, тинчлик ўрнатувчилар бу ўнйилликлар мобайнида тинчлик сулухларининг ҳаётга татбиқ этилиши билан алоқадор бўлган можаролардан кейинги тинч қурилишнинг янада кенгроқ жараёнларида иштирок этдилар. Можаролардан кейинги тинч қурилиш қочоқларнинг, мажбуран кўчирилганларнинг қайтиши ва жипслашуви, ярашув, суд тизимини тиклаш, инсон ҳуқуқларини кенгайтириш ва ҳимоялаш чораларини мустаҳкамлаш, сайловлар ўтказишда ёрдам кўрсатиш, урушлар туфайли вайрон бўйланган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий инфратузилмаларни қайта тиклашга кўмаклашиш, шунингдек яна ҳам анъанавий бўлган тинчлик ўрнатиш вазифаларини яхшироқ ҳал этишни кўзда тутди.”

Тинчликни барқарор этиш ва тинчлик ўрнатиш битта медалнинг икки томони ҳисобланади. Солдатлар ва фуқаро кузатувчилар урушаётган гуруҳлар ўртасида тинчликни сақлашга ёрдам бериб турган пайтда дипломатлар можароларни бартараф этиш ва барқарор тинчлик ўрнатиш учун музокаралар ўтказиш саъй-ҳаракатини кучайтирадилар. Тинчликни барқарор этиш ташвиши фақат можаро пайдо бўлгандан кейин келиб чиқади, ўша пайтда тинчлик ўрнатиш тадбири ундан анча илгари бошланган бўлиши керак. БМТ янги ихтилофларнинг юзага келиши ёки уларни жиддий келишмовчилик ва можарога айланиб кетмаслигини ҳар хил йўللар билан олдини олиш чораларини кўрмоқда. Бунга ҳар хил мулоқотларга киришиш, Бош котиб воситачилигидан фойдаланиш, вазиятни тадқиқ этиш бўйича миссия ташкил этиш ёки илгаридан огоҳлантириш тизимини ўрнатиш кабилар кириши мумкин.

Тинч қурилиш тинчликни барқарор этиш учун хизмат қилаётган жабҳаларга саъй-ҳаракатларни аниқ белгилаб олиш ва қўллаб-қувватлашда ёрдам беради. Тинч қурилиш жараёни ўт очишни тўхтатиш ва тинчлик сулҳлари тузилганидан кейин бошланиши мумкин. Шундагина томонларни қуролсизлантириш ва қуролларни йўқотишга, қочоқларни ватанларига қайтариш ва сайловлар ўтказишга инсон ҳуқуқлари мониторинги бўйича қадамлар ташлашга киришиш мумкин бўлади. Можарога икки ва ундан ортиқ давлат аралашган ҳолларда иқтисодий, ижтимоий ва этник муаммоларни ҳал этиш бўйича ҳамкорликка асосланган давомли ишларни амалга ошириш мумкин. Тинч қурилиш бўйича амалга оширилган шундай чора-тадбирларгина қўлга киритилган тинчликни мустаҳкам асосга қуриши мумкин.

Кейинги йилларда можароларнинг характери ўзгарди. Улар ўзида давлатлараро ва ички можароларнинг мураккаб омухтасини намоён этади. Уларнинг илдизлари, асосан ички бўлиши мумкин, лекин улар чет давлатлар, шунингдек нодавлат кучлари аралашуви билан мураккаблашаверади. Уларнинг оқибати қочоқларнинг бесарамжон оқими сифатида тезлик билан халқаро характер касб этиши мумкин, гуруҳлар бир-бирларининг ортидан имкон қадар чет элга кета бошлайдилар. Кейинги йилларда Серра-Леонеда, Анголада, Руандада, Конго Демократик Республикасида худди шундай бўлган эди.

Юқорида тилга олиб ўтилган ҳар бир ҳолатларда БМТ қуйидаги каби бир неча муаммолар билан шуғулланишига тўғри келди: ўт очишнинг тўхталишини қўллаб-қувватлашга, шунингдек, қуролсизланиш ва урушаётган томонларни тарқатиб юборишга ёрдамлашиш; барча манфаатдор томонлар ўз манфаатларини жанг майдонида эмас, қонуний усуллар билан ҳимоя эта олишлари учун ҳаётий муҳим институтлар ҳамда жараёнларни қуриш ва мустаҳкамлашга, инсон ҳуқуқларига амал қилишга ёрдамлашиш; сайлов тизимини ислоҳ қилгандан сўнг бу ислоҳнинг самарасини таъминлаш учун сайловлар ички мониторингини амалга ошириш; аҳоли азоб-уқубатларини

енгиллаштириш учун инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш ва можаролардан кейинги бирорта ҳам тизим, агар у аҳолининг камбағал қатлами аҳволини яхшиламас экан, узоқ муддат собит туролмаслигини англаб етиш асосидаги ўтиш даври ҳукуматини ўрнатиш йўли билан узоқ муддатли иктисодий ўсиш ва тараққиёт учун асос яратиш.

— Бирнеча янги мисоллар

Бош котибнинг фикрларига қараганда, БМТ кейинги ўнйилликда ёки ундан сал ортиқроқ муддатда, 80-йилларнинг охирларида Намибиядан тортиб Мозамбикда, Салвадорда, Марказий Африка Республикасида, Гватемалада, Шарқий Словенияда, Собик Югославиянинг Македония Республикасида ва ҳеч бўлмаганда, қисман Камбоджадаги ўзининг тинчлик ўрнатиш операцияларида қўлга киритган яхшигина муваффақиятларига даъвогарлик қилиши мумкин. Ушбу операциялар Намибияда мустақилликни қўлга киритишга, Мозамбикда демократик сайловлар ўтказишга, Салвадорда кенг қўламдаги сиёсий ислохотлар ўтказишга ва Гватемалада инсон ҳуқуқларини муҳофаза этишга ёрдамлашди.

- **Сайловлар мониторинги:** Намибиядан Никарагуача, Камбоджадан Хорватиягача, Мозамбикдан Либериягача БМТ кузатуви ва мониторинги остида ўтказилган сайловлар демократия томонга йўл тутишга ёрдам берди. Бунга - сайлов қонунчилиги ва тартибининг техник масалалари бўйича маслаҳатлар бериш, овозбериш учун зарур нарсаларни ташишга ва сайлов участкалари ҳамда алоқа тармоқлари ташкил этишга ёрдамлашиш, шунингдек, овоз бериш эркинлиги ва ҳалоллигини таъминлаш учун халқаро кузатувчилардан фойдаланиш қабилар қиради.
- **Полициячиларни ўқитиш:** БМТ томонидан ва Гаити, Босния, Герцеговинадаги, шунингдек, Хорватиянинг Шарқий славян вилоятидаги мониторинг дастури томонидан полициячиларга берилган таълим полиция кучлари фаолиятини улар патруллик қилаётган районларда аҳоли ҳуқуқларини ҳимоялашда янада ихтисосли савияга кўтарди.
- **Миаларни зарарсизлантириш:** Ҳозирги пайтда миаларни зарарсизлантириш тинчлик ўрнатиш операцияларининг таркибий қисми ҳисобланади. БМТ тинчлик ўрнатувчилари нафақат миаларни зарарсизлантиради, балки шунингдек, маҳаллий сапёрларни ўқитади, шу масала бўйича аҳоли огоҳлигини ошириш дастурини амалга оширади ва миаларни қидириб топиш ишларини бажаради. Бундай дастурлар бир неча мамлакатда, жумладан Афғонистон, Ангола, Босния ва Герцеговина, Камбоджа, Лаос халқ демократик республикаси, Мозамбик, Руанда ва Яманда олиб борилди.
- **Ҳарбийларни тарқатиб юбориш:** БМТ тинчлик ўрнатувчилари Никарагуа, Салвадор, Мозамбик ва Гватемалада тарқатиб юборилган солдатлардан йиғилиб қолган қурооларни йўқотилишини кузатиш ишларини амалга оширди. Шунингдек, БМТ баъзи мамлакатларда қуроолли муҳолифларни сиёсий партияларга айланишига ёрдам берди.

— Тинчлик ўрнатишга ҳукуматлар қандай ҳисса қўшмоқдалар?

Ҳукуматлар тинчлик ўрнатишга ўз хиссаларини турли тарзда, одамлар, шунингдек моддий ресурслар шаклида қўшмоқдалар. БМТнинг тинчлик ўрнатиш операцияларида қатнашадиган солдатлар, офицерлар танлаб олинади, ўқитилади ва ўз мамлакатларидан можаролар бўлаётган районга жўнатилади. Бу ерга ҳарбийлардан ташқари, кўпинча полициячилар, йўл қурилиши инженерлари, медицина ходимлари, учувчилар, алоқа воситалари мутахассислари ва кўплаб бошқа ихтисос эгалари жўнатилади. Операцияларда ҳарбийлар, халқаро фуқаро шарҳловчилар ва маҳаллий

фуқаролар иштирок этадилар.

Шунингдек, ҳукуматлар тинчлик ўрнатиш операцияларини ўтказиш учун ўз хиссаларини чодирлар, йиғма уйлар, шифохона ёки идоралар, мебел ва жиҳозлар, автотранспорт, транспорт авиацияси сингари турли-туман воситалар, шунингдек денгиз ва ҳавода стратегик юкларни ташиш сингари хизматлар сифатида қўшишлари мумкин.

== Руандада геноцидни бартараф этиш мумкинмиди?

1994 йили Руандада элатлар ўртасидаги қонли тўқнашувларда, асосан тутсилардан, шунингдек хутулардан ҳаммаси бўлиб 80 минг киши қурбон бўлди. БМТнинг унчалик катта бўлмаган тинчлик ўрнатиш операцияси бу геноцидни тўхтатиб қололмади. Бирнеча миллий гуруҳлар қирғинбарот ичидан чиқариб олинди.

Амалда нима рўй берганини ва бунинг учун ким масъул эканини аниқлаш учун 1999 йилда БМТ мустақил текшириш ўтказди. Текширган комиссия ўзининг 1999 йил декабрда босилган ҳисоботида таъкидлашича, Руандадаги можароларнинг олдини олишдаги, қолаверса, оқибатда келиб чиққан геноцидни бартараф этишдаги муваффақиятсизликлар БМТ барча тизимларининг умумий айбидир. Асосий сабаб ресурслар етишмовчилиги, Руандадаги воқеалар борасидаги сиёсий тарафқашлик ва бу мамлакатдаги БМТнинг иштироки бўлди.

Харакатларга нисбатан БМТга аъзо давлатлар томонидан доимий сиёсий рағбат ёки ўз харакатларига нисбатан қатъият етарли даражада бўлмади. Сиёсий рағбатнинг бундай сустиги, шунингдек, Котибиятнинг эътиборсизлиги Хавфсизлик Кенгаши қарорларига ҳам таъсир этди ва бу мудом такрорланадиган БМТнинг Руандага ёрдам кўрсатиш бўйича миссияси учун қўшинни барқарор этиб туриш қийинчиликларида намоён бўлади.

Хуллас, Текшириш комиссияси БМТнинг Руандага ёрдам кўрсатиш бўйича миссияси доимий тарзда ресурслар етишмовчилигини ва сиёсий имтиёзлар камчилигини бошидан кечирган бўлсада, тан олиш керакки, бу ҳолда БМТ қўл остидаги мавжуд воситалардан фойдаланишда жиддий хатоларга йўл қўйганини аниқлади.

(Сиз ҳисоботни тўлиқ ҳолда ўқишингиз мумкин бўлган манба:
http://www.un.org/News/ossg.rwanda_report.htm)

== Янги давр - янги чақириқлар

Кейинги йилларда тобора кўпроқ мамлакатларнинг ўз ҳукуматлари фуқаро аҳолини ягона мақсадлари ҳокимият ва шахсий бойлик орттиришдан иборат бўлган маҳаллий ҳарбий “барон”лар ва жангари лидерларнинг юришларидан ҳимоя этишга борган сайин ноқобил бўлиб қолаётганга ўхшайди. Халқаро яққалаб қўйиш ёки норозилик тадбирлари уларга ҳеч қандай таъсир этмаяпти. Шундай бир вазиятда БМТ қандай тадбирлар қабул этиши мумкин?

- Серра-Леонеда айбсиз фуқароларни ўлдирган ва уларни жиддий жароҳатлаган жангариларга Фодей Санкох рабарлик қилди. Баъзи маълумотларга қараганда жангарилар унга муҳолиф деб гумон қилинганларнинг қўл ва оёқларини кесганлар. Бу ерга БМТ қўшинлари жўнатилганда уларга ҳужум уюштирилган; бир неча солдат ўлдирилган ва юзлаб солдат ўғирлаб кетилган.

Яқинда Вашингтондаги Жон Хопкинс университети талабалари ҳузуридаги чиқишида Бош котиб Кофи Аннан Фодей Санкох номини эсга олди ва бу билан қуйидаги саволга жавоб берди:

“Мазкур муаммоларнинг ғоят кенг қўламлигига, шунингдек кўп ҳолларда, уларни агар БМТ амалга оширмаса бошқалар қилмаслигига эътиборни қаратганда, тинчлик ўрнатиш операцияларини қай вазиятда ва қандай қилиб амалга оширишимиз зарурлиги тўғрисида ўзимиз ғоят қатъий нуқтаи назар қабул қилиб олишимиз керак бўлади. Биз томонларнинг ҳолислиги ва совуқ уруш даврида муваффақиятли операциялар асосини ташкил этган кучларни ишга солишга тааллуқли баъзи асосий шарт-шароитларни қайта кўриб чиқишимизга тўғри келди”.

Кофи Аннан таъкидлагани каби тинчлик ўрнатишнинг атроф муҳити ўзгарган айти пайтда муваффақиятларга эришишга бўлган асосий талаб илгаригича қолди. Етарли ҳажмдаги маблағлар, буни амалга ошироқчи бўлган давлатларнинг қатъий ваколати ва хохиш-иродаси, юқори савиядаги ҳарбий ва ташкилий қўллаб-қувватлаш кабиларни ҳеч қандай омил билан солиштириб бўлмайди. “Энг яхши тинчлик ўрнатувчи, бу - яхши таълим кўрган, тартибли ва яхши қуролланган солдатдир”.

- Шарқий Словенияда элатлар ўртасида кескинликнинг кучайиши халқаро тинчликка хавф-хатарнинг ортишига олиб келди. БМТ механизациялашган пиёдалар ва ҳарбий вертолётларни кенг қўламда ёйиб юбориб, аммо уни ишга солмай, фақат кучларни намоёиш этиш билан ўз мандатини муваффақиятли адо этди.

■ Қайси минтақалар янада жиддий эътиборга муҳтож?

Ютуқлар бўлгани сингари, шунингдек Руанда операцияси ва Сребреник омадсизлиги сингари фожиавий ўпирилишлар ҳам рўй берди. Юзага келган ёки келмаган ҳар бир вазиятга нисбатан акс садонинг хилма-хиллигида тизим камчиликлари мутлақо яққол намоён бўлади. Уларнинг асосийлари қуйидагилар:

- Кучларни кенг ёйишдаги кечикиш
- Кучайтирилган тайёргарлик ҳолатида бўлган заҳирадаги ҳарбий тизимларнинг камлиги
- Миссия учун, диққат-эътибори ҳуқуқ тартиботини таъминлаш эҳтиёжларига сафарбар этилган полициячилар, судялар ёки ахлоқ тузатиш муассасалари билан шуғулланадиган кишилардан иборат ихтисослашган фуқаро ходимларни тўплашдаги қийинчиликлар.

Операцияни ишга тушириш тизими баъзида кўнгилли ўт ўчириш билан қиёсланади. Лекин бу жудаям ошириб юборилган ўхшатиш. Ҳар сафар ёнғин бошланганда БМТ оловни ўчиришга киришишдан илгари, аввало ўт ўчирадиган машина ва уни ишлатиш учун маблағ топиши лозим. Мавжуд тизим қарийб батамом ҳар бир конкрет ҳолатга, фуқаро ходимларни, ҳатто ҳарбийлардан кўра ҳам яхшироқ таъминлаш маъносида, уларни сақлаб туришни кафолатлайдиган охириги дақиқалардаги тайёрланишларга ҳам боғлиқдир.

■ Тезкор кучлар қудрати

БМТ кўп йиллар мобайнида Хавфсизлик Кенгаши операция ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилган зохати ишга киришишга ҳозир турадиган, яхши тайёргарлик кўрган ва қуролланган қўшиннинг ишончли тизимини яратишга ҳаракат қилиб келади. **Заҳира тўғрисида келишувга** биноан 80 дан ортиқ; мамлакат ўзида зудлик билан хизматни бажаришга тақдим этиши мумкин бўлган 80 мингга яқин сондаги қўшинни белгилаб қўйди.

Бироқ БМТга аъзо давлатлар барибир операцияга қатнашишдан бош тортишлари мумкин. Бу - Заҳира келишувини саёҳларнинг бир имзоли чекига ўхшаган нарса эканлигини кўрсатади:

унинг эгаси ҳам имзо чекмагунча валютадан фойдаланиш имкони бўлмайди. Тезкор ҳаракат муаммосини ҳал этиш учун захира тўғрисидаги келишув амалиёти кифоя эмаслиги аён бўлиб қолди.

- Баъзи мамлакатлар Хавфсизлик Кенгаши қарор қабул қилганидан сўнг, агар БМТга аъзо муайян давлат операцияда иштирок этишга қарор қилса 48 соат ичида ҳарбий тайёр ҳолатга келиши мумкин бўлган, кучли тайёргарлик кутган кўпмиллатли “ШИРБРИГ” захира бригадалари тузиш тўғрисида ташаббус билан чиқдилар.

== Мустақил комиссиянинг тавсияси

2000 йилнинг мартада Бош котиб Кофи Аннан БМТ тинчлик ўрнатиш операцияларини такомиллаштириш тadbирлари бўйича тавсияларни кўриб чиқиш ва қайта ишлаш учун халқаро экспертлар комиссиясини таъсис этди. Комиссия 2000 йилнинг августида, Мингйиллик саммити (6-8 сентябр) арафасида ҳисоботини нашр этди. Ҳисоботнинг асосий қондалари қуйидагилар:

Комиссия БМТнинг тинчлик ўрнатувчи қўшинларига, улар фуқаро аҳолига қарши зўравонлик ҳаракатларига жавоб қайтара олиши ва можарода иштирок этаётган ва тинчлик келишувларини бузаётган бир томонга қарши чора-тадбирлар қўллай олиши учун ваколат, жиҳозлар ва ёрдам берилиши кераклигини тавсия этди. Хавфсизлик Кенгашига, операцияни муваффақиятли бошлаб юбориши учун зарур бўладиган қўшин ва ресурслар тақдим этиш бўйича БМТга аъзо давлат ўзига мажбурият қабул қилмагунига қадар йирик тинчлик ўрнатиш операциялари ўтказиш учун ваколат берадиган узил-кесил қарорларни қабул қилмаслик қатъий тавсия этилади. Бош котибда дала шароитидаги энг муҳим тинчлик ўрнатиш постларига малакали номзодларнинг рўйхати бўлиши тавсия қилинди, БМТга аъзо давлат эса операцияни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган заҳоти кенг ёйиб юбориш мумкин бўладиган тинчликпарварларни тайёрлаб қўйиши керак.

- Комиссия БМТнинг Тинчлик ўрнатиш бўйича депортаментини “махсус операцияларнинг муваққат характери билан БМТнинг асосий вазифаси бўлган тинчлик ўрнатиш ва бошқа тинч операцияларнинг доимий ўзгармаслиги”ни чалкаштириб юбормаган ҳолда янада барқарор молиялашга даъват этади.
- Маҳаллий томонларнинг келишуви, ҳолислик ва кучлардан фақат ўз-ўзини ҳимоя этиш учунгина фойдаланиш тинчлик ўрнатиш операцияларининг асосий тамойили бўлиб қолавериши лозимлигини таъкидлаган. Комиссия - ҳолисликни ҳаракатдан тўхтаб қолиш сифатида қабул этмаслигини уқтиради. Баъзи ҳолларда “тинчлик сулҳини имзолаган бир томон, унинг шартларини аниқ ва сўзсиз бузади, БМТнинг барча томонларга давом этаверадиган тенг муносабати ижобий ҳолларда самарасизликка, салбий ҳолларда эса бадкорликларга йўл қўйиб беришга олиб келиши мумкин.”
- Комиссия “БМТ обрўйига ва 90-йиллардаги тинчлик ўрнатиш операцияларига бўлган ишончга, унинг қурбонлар ва босқинчилар ўртасидаги тафовутни белгилаб қўйишга майли йўқлиги зарардан ортиқ ҳеч қандай талафот ўтказа олмаган”лигини таъкидлайди. Бундай ҳолатнинг олдини олиш, БМТ қўшинлари ташаббусини ўзларига қарши ҳужум қилаётганларга бериб қўймасликлари учун Комиссия жангга киришиш қондасини зарур даражада такомиллаштиришни тавсия этади. Бундан сўнг шуни унутмаслик керакки, фуқаро аҳолига зўравонлик ҳаракатларининг гувоҳи бўлиб турган БМТнинг тинчликпарварлари ўзларининг қўл остиларида бўлган барча воситалар билан, БМТнинг энг муҳим тамойилларига амал қилган ҳолда, зўравонликни бартараф этиш ваколатига эгадирлар.
- Комиссия таъкидладикки, можароларнинг олдини олиш “кимки аксинча, ҳарбий ҳаракатлар

натижасида жабр кўраётган бўлса, улар учун афзалдир ва халқаро ҳамжамиятга ҳарбий ҳаракатлар, фавқулодда инсонпарварлик ёрдами ёки ҳарбий ҳаракатлардан кейинги тиклашга қараганда бу арзонга тушади”.

- Комиссия БМТ доирасида можароли ҳолатлар тўғрисидаги билимларни тўплайдиган, уларни самарали таркатадиган, сиёсат таҳлилини ишлаб чиқадиган ва узоқда мўлжалланган истиқболни ифода этиб берадиган ахборотларни тўплайдиган ва таҳлил қиладиган янги бирлик ташкил этишни тавсия қилди.
- Ҳисобот, шунингдек тезлик билан чақириб олиш мумкин бўлган юзлаб тажрибали ва малакали офицерлар, шу каби фуқаро полицияси, халқаро суд экспертлари ва криминалистлари рўйхатини, инсон ҳуқуқлари бўйича мутахассисларнинг рўйхатини тузиб қўйишга даъват этади. Ҳисоботга мувофиқ, БМТга аъзо давлатлар полициячи офицерлар ва тегишли экспертлар захирасини тузишлари лозим.
- Комиссия оғохлантирадики, агар БМТга аъзо давлат ўзининг сиёсий иродасини илгари сурмаса, тинчлик ўрнатувчи куч сифатида ростдан ҳам ишонч қозониши учун БМТга сиёсий, молиявий ва тезкор ёрдам кўрсатмаса комиссия томонидан тавсия этилган бу ўзгаришлар узоқ муддатли таъсир қудратига эга бўлмаслиги мумкин.

===== **Ўқувчиларга тавсия этилган фаолият турлари**

1. Тинчлик ўрнатиш миссиялари қўлами ғоят кенглигини эътиборга олиб, баъзи - ё давом этаётган ёки тугалланган миссияларни ўрганиб чиқиш тавсия этилади. Материалларни БМТнинг Жамоатчилик сўровлари бўлиmidан, тинчлик ўрнатиш бўйича БМТ саҳифасидан ёки оммавий ахборот воситаларининг кенг доирасидан олишингиз мумкин. Баъзи



- операцияларга оммавий ахборот воситалари бошқаларига қараганда нега кўпроқ эътибор берадилар? Турли миссияларни янгиликлар саҳифаларида ёритилишини таққосланг. Ёритиш кўламига қандай омиллар таъсир этади? Ҳар бир миссияни ўрганиш тахминан қуйидаги режалар асосида ўтказилиши керак: ўтказилган жойи, муддати, қароргоҳи, рухсат этилган қўшин сони, маблағ берувчилар ва тарихий шарт-шароит. Кейин ўқувчилар барча ахборотларни ўз ичига олган янгиликлар варақалари тайёрлашлари мумкин.
2. БМТ фаолиятининг - БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича олий комиссари, БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, БМТнинг Тараққиёт дастури. Атом энергияси бўйича халқаро агентлик, Бутунжаҳон озик-овқат дастури. БМТнинг маориф, фан ва маданият бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) сингари бошқа соҳаларини тадқиқ этинг. Баъзи тинчлик ўрнатиш миссиялари тўғрисида нималарни биласиз, шу агентликларнинг ишлари миссия ишлари билан қандай уйғунлаштирилади? Миссияни амалга ошириш районида бошқа ноҳукумат ёки кўнгилли хусусий (Халқаро қизил хоч, Оксфам, Чегара билмас врачлар, Болаларни асранг, Дунё шарпаси, Дўстларга хизмат қилиш Америка кўмитаси, Католик ёрдам хизмати сингари) ташкилотлар қандай фаолият олиб борадилар?
 3. Қайсидир миссияни танланг ва қуйидаги қадамларни синчиклаб ўрганинг:
 - (а) Қарама-қарши томонлар ёки кучлар ўртасидаги зиддиятми ё уруш
 - (в) Масаланинг Хавфсизлик Кенгаши олдида қўйилиш тарзи
 - (с) Масалан, ўт очишни тўхтатиш мониторинги, чегара ҳудудларида патруллик қилиш, инсонпарварлик юқларини ташиш, сайловлар мониторинги сингари операциянинг аниқ мақсадлари учун қарама-қарши кучларнинг розилигини олиш
 - (д) Хавфсизлик Кенгаши томонидан муайян муддатга тайинланган тинчлик ўрнатиш операцияси ва миссияси (одатда олти ойга тайинланади) мандатини белгилаб берган қарорининг чиқарилиши
 - (е) Мамлакатлар операция учун ихтиёрий равишда қўшин ва асбоб-ускуналар ажратиш билан мандат амалга оширила бошланади; операция харажатлари БМТга аъзо давлатлар ўртасида тақсимланади
 - (ф) Бош котиб ўзига ҳисоб бериб турадиган БМТ ҳарбий операцияси кўмондонини, шунингдек унга ёрдам берадиган БМТ кучларининг бошқа мамлакатлардан бўлган кўмондонларини тайинлайди
 - (г) Бош котиб миссиянинг барча фуқаролик ва ҳарбий тадбирларини уйғунлаштириб турадиган махсус вакилни танлайди
 - (ҳ) Бош котиб операциянинг бориши тўғрисида Хавфсизлик Кенгаши олдида ҳисоб беради
 - (и) Келишиб олинган муддат охирида (агар зарурат туғилиб қолган ҳолда эртарок) Хавфсизлик Кенгаши кейинги қадамни (давом эттириш, қайта тадбирлар белгилаш ёки миссияни тўхатишни) белгилаб беради.
 4. Бирор аниқ мамлакатни танлаб, унинг тинчлик ўрнатиш ҳаракатларига қандай ҳисса қўшаётганини кузатинг. Тинчлик ўрнатиш ёрдами олаётган баъзи мамлакатлар маблағ ажратувчи мамлакатга айланганлар, уларнинг қайси эканини сиз аниқлай оласизми?
 5. Сизнингча муваффақиятли ёки энг яхши тинчлик ўрнатиш миссияси қандай кўринишга эга бўлиши кераклиги тўғрисида визуал тақдимнома ишлаб чиқинг. Бу тақдимномани бошқалар билан муҳокама этинг.
 6. “Мақтаб киберавтобуси” саҳифаси учун тайёрланган тинчлик ўрнатиш бўйича дарс режаларини топинг. Тинчлик ўрнатувчилар билан мулоқот олиб боринг (<http://www.un.org>) га қаранг.

7. Бир неча муваффақиятли ва коникарсиз миссияларни тадқиқ этинг. Миссияни муваффақиятга ёки муваффақиятсизликка олиб келган омилларни солиштиринг. Бу тажрибалардан қандай хулоса чиқариш мумкин? БМТнинг тинчлик ўрнатиш бўйича саҳифасининг шундай хулосалар кўриб чиқилган қисмига киринг ва ўз баҳоларингизни БМТ ходимлари баҳолари билан солиштиринг.
8. БМТнинг Камбоджадаги тинчлик ўрнатиш миссияси энг йирик тадбирлардан бири бўлган эди. Камбоджа тарихини Ветнам уруши даврларидан тадқиқ этинг. Сиз, балки китоб ўқишни ёки “Қотил майдонлар” фильмини томоша қилишни хоҳларсиз. БМТнинг Камбоджадаги икки миссиясини ўрганинг. Уларнинг қандай мандатлари бор эди? Ўша мандатлар бажарилдими? Тинчлик ўрнатиш операцияси расмий жиҳатдан яқунланган ҳозирги пайтда бу мамлакатда қандай янгиликлар бўлмоқда?
9. Ливан жанубидаги сўнги воқеаларни ўрганинг. У ерда қандай ўзгаришлар юз берди? БМТ миссияси учун бу қандай оқибатларни келтириб чиқариши мумкин?
10. БМТнинг тинчлик ўрнатиш фаолияти тўғрисида мактабингиз ва туманингизда жамоатчилик фикрини аниқлаш бўйича сўров ўтказинг. Одамлар тезкор фаолият кўрсатувчи кучлар тўғрисида қандай фикрдалар? БМТнинг тинчлик ўрнатиш фаолияти борасида уларда қандай саволлар бор? Одамлар, ўзларининг мамлакатлари қуроли кучлари БМТнинг тинчлик ўрнатиш операцияларида иштирок этишлари зарур деб ҳисоблайдиларми? Жавобларни кўриб чикинг ва мактаб ҳамда туман газетасига мақола ёзинг.
11. Аини пайтда давом этаётган битта миссияни танланг. Бу миссияда кимлар хизмат қилаётганини сўраб почта орқали ёки электрон почта билан хат жўнатинг. Сизнинг мактабдошларингиз қандай қўшимча ёрдам бериши мумкинлигини аниқланг. Шундай ёрдамни ташкил этинг.

== Баъзи манбалар

Интернетда:

www.un.org/Depts/dpko

www.un.org/peace

www.sipri.org

Нашр этилган материаллар

“Яшил беретлар”, БМТ, Нью-Йорк, 1996 “Инсонпарварлик муаммолари билан юзма-юз: олдини олиш маданиятига”, Кофи Аннан, БМТ, 1999 “Қуроли можароларнинг олдини олиш”, Қуроли можароларни олдини олиш бўйича Карнеги комиссияси, Нью-Йорк, 1997 Инсон тараққиёти бўйича ҳисобот, БМТ Тараққиёт дастури, Нью-Йорк, 1996

“Тинчлик ва тинчлик ўрнатишни қўллаб-қувватлаш тўғрисида” БМТ. 1994 “БМТ тўғрисида доим сўраганларинг”, БМТ, 1999

Асосий статистик маълумотлар



- Бугунги кунда дунёда 190 миллионга яқин гиёҳванд бор.
- Бутун дунё бўйича гиёҳванд моддалар қабул қилувчи ёшларнинг доираси кенгаймоқда. Гиёҳвандларнинг кўпчилиги ўттиз ёшга бормаган одамлардир.
- Укол орқали дори қабул қилинадиган наshawандлик мавжуд бўлган мамлакатлар сони 1992 йилдаги 80 тадан - 1999 йилда 136 тага кўпайди. Бу мамлакатларнинг 93 тасидаги наshawандлар орасида ОИТСга чалинганлар учрайди.
- Дунёнинг барча минтақаларида энг кўп тарқалган гиёҳванд модда берадиган ўсимлик наshawадир.
- Гиёҳванд моддалар билан жиноят содир этиш АҚШ иқтисодиёти учун йилига 70 миллион долларга тушади.
- Колумбияда кокаин истеъмол қилиш ишлаётганларга қараганда ишсизлар орасида ўн марта юқорирокдир.
- Ноқонуний гиёҳванд моддалар етиштириш йилига 400 миллиард доллар билан баҳоланади.



Гиёҳвандлик

“Беҳуш қилувчи моддалар билан жиноят содир этишга тўхтовсиз ўсиб бораётган раббатни ва уларни ишлаб чиқаришни ортга қайтариш керак... Биз гиёҳванд моддалар билан савдо қилиш жамиятга шунчалик оғир шикаст етказишига йўл қўя олмаймиз. Бутун дунёда кокаин ва героин қабул қилувчи 21 миллион, бошқа беҳуш қилувчи омиллар - амфитаминлар қабул қилувчи 30 миллион одам бор. Агар бунга қарши курашмас эканмиз, биз гиёҳвандларни, шунингдек уларнинг ота-оналарини ва қариндош уруғларининг азоб-уқубатларини енгиллаштиришга муваффақ бўла олмаймиз”.

**Бош котиб Кофи Аннанинг Бош
Ассамблеянинг 1998 йилдаги гиёҳванд
моддалар муаммолари бўйича
сессиясидаги нутқидан**

— Омади бор экан!

Ҳаниф бизга бефарқ ва совуқ бир нигоҳ билан қараб турарди. унинг кўнгли айнир, тинка мадори қуриб бораётган эди. Айни пайтда у ўз исминигина зўрға-базўр эслай олар эди. Бугун захарланишдан фориг бўлишнинг тўртинчи куни бўлса ҳам, у ўз фикрларини бир жойга тўплаб, ҳатто ёлғон гапларни гапиришга ҳам мажоли йўқ. Героин қабул қилган ҳарқандай гиёҳванддан абстиненция ҳолати тўғрисида сўрасангиз, у учинчи кундан бешинчи кунгача қандай азоб чеккани тўғрисида гапириб бериши мумкин. Мана шу кунларда кўнгил айниш, ич кетиш, галлюцинация ва титраб қақшаш тинкани ҳаддан ташқари қуритади. Ўн кунгача ана шундай азоб чекишга тўғри келади, агар шунга чидамас экан, Ҳанифнинг соғайиши тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Агар унинг ўзига қўйиб берадиган бўлсангиз яна ўн йилдан буён қабул қилиб келаётган героин кучоғига қайтади.

Аmmo бу гал имкони бор. Унинг чет элда медицина ҳамшираси бўлиб ишлаётган онаси “Янги ҳаёт” деб аталадиган шу марказда даволаниши учун пул жўнатган. Бу - мамлакатдаги 200 га яқин даволаниш ва саломатликни тиклаш марказларидан биридир.

— Гиёҳвандлик нима?

Ростдан ҳам Ҳанифга омад қулиб бокди. Дунёда кокаин ва героин қабул қиладиган 21 миллиондан ортиқроқ гиёҳванд бўлиб, даволаниш учун аниқ имкониятлари йўқ. Бу ғоят

кўпсонли одамларнинг бир қисми беҳуш қилувчи моддаларни медицина, диний ва кўнгил очиш мақсадларида илагридан қабул қилиб келадилар.

Одамлар гиёҳванд моддаларни ўзларининг ҳолатларини, ўй-хаёлларини ёки феъл-атворларини ўзгартириш учун қабул қиладилар. Булар руҳиятга фаол таъсир этувчи психоактив моддалар ҳисобланади ва ўз ичига алкагол, тамаки, шунингдек табиий ва сунъий дориларни ҳам олади. Илагридан гиёҳванд моддаларнинг кўпгина қисми - кокаин олинadиган кока бутасидан, героин тайёрланадиган кўкнор ва гашиш ҳамда марихуана сифатида ишлатиладиган наша каби ўсимликлардан тайёрланган. Кейинги пайтларда экстаз ёки ЛСД сингари гиёҳванд моддалар турли-туман химиявий моддаларни синтез қилиб тайёрланадиган бўлди.

Гиёҳвандлик одамларнинг миллатидан, этник келиб чиқишидан, динидан ва жинсидан қатъий назар дунёнинг бой мамлакатларида ҳам, камбағал мамлакатларида ҳам тарқалган. Гиёҳвандлар орасида бошпанасизлар ва хизматдагилар, толиблар ва фермерлар, қаровсиз болалар ва ўсмирлар бор.

— Улар қандай гиёҳванд модда истеъмол қиладилар?

Гиёҳванд моддалар уч гуруҳга бўлинади:

- руҳий кайфиятни оғирлаштирувчи - **депрессантлар** (масалан, героин, барбитуратлар),
- кучайтирувчи - **стимуляторлар** (масалан, кокаин, крэк, амфитаминлар), ва
- **галлюциногенлар** (масалан, марихуана, экстази, ЛСД¹).

Уларни хидлайдилар, чекадилар, укол қиладилар ёки бурунга тортадилар.

Депрессантлар - нерв системасига таъсир этиб тинчлантирувчи модда. Сунъий релаксация, хавотир ва аклий тангликдан соқит бўлиш, психологик қарамликка ва уларни ишлатишдан тийилиш жуда оғирлик билан кечишига олиб келади.

Стимуляторлар - бу нерв фаолиятини фаоллаштирадиган, интенсивлаштирадиган ёки оширадиган моддалардир. Уларнинг ичида амфетаминлар ва иштаҳани пасайтириш учун фенметразин ҳамда метилфенидат сингари синтетик моддалар бор. Улар заҳарланишдан дарак берувчи аломатлар, жумладан тахикардия, қорачиқларнинг кенгайиши, қон босимининг ошиши, кўнгил айниш ва қусиш, шунингдек хулқ-атворида жанжаллашишга мойиллик, хаяжон ва тўғри фикрлаш қобилиятининг издан чиқиши сингари ҳолатлар пайдо қилиши мумкин. Балки алаҳсираган ҳолда психоз рўй бериши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Галлюциногенлар ўз-ўзидан кайфият кўтарилиши, ваҳимага тушиш, ёлғон-яшиқ гапириш, алланарсаларнинг кўзга кўриниши, алаҳлаш, параной ва депрессия сингари чуқур ментал кечинмаларни келтириб чиқаришга қодир бўлган, кимёвий нуқтан назардан моддаларнинг турли туман гуруҳлари ҳисобланади. Улар қаторига мескалин ва ЛСД киради.

¹ Диэтиламид лизергин кислотаси



— Гиёҳванд омиллар қанчалик тарқалган?

У ёки бу турдаги гиёҳванд омилларнинг тарқалиши бир минтақага нисбатан бошқасида, бир мамлакатга нисбатан бошқасида анчагина фарқ қилади.

Марихуана ва гашиш: Тахминий ҳисоб-китобларга қараганда наша ўсимлиги дунёнинг барча минтақаларида бирмунча кенг тарқалган гиёҳванд ўсимлик ҳисобланади. Уни 141 миллион одам (ер юзи аҳолисининг 2,4 фоизи) исьтемом қилади, деб ҳисобланади. Бу одамларнинг кўпчилиги ёшлардир. Баъзи мамлакатларда бу гиёҳни мактаб ўқувчилари ва ёшларнинг 37 фоизигача бўлган қисми, ҳеч бўлмаганда, кейинги йил давомида бир марта, 10-15 фоизи эса кейинги ой мобайнида бир марта исьтемом қилганлар. Умуман, наша туфайли жиноят содир этиш ҳоллари кўпгина мамлакатларда ортиб бормоқда, бундай суиистеъмомликлар даражаси азалдан юқори бўлган мамлакатларда эса, бирмунча пасаймоқда.

Синтетик гиёҳванд моддалар: БМТнинг ҳисоб-китобларига қараганда синтетик гиёҳванд моддалар, айниқса амфетамин типигаги огулар билан жиноят содир этиш бутун дунё миқёсида кенг тарқалган ва яна ҳам кенг қулоч ёйиб бормоқда. 30 миллионга яқин одам шу типдаги синтетик стимуляторлар билан жинояткорликлар содир қилмоқдалар.

Амфетамин стимуляторлари типигаги гиёҳванд моддалар тарқалишининг 80-йиллардаги бирмунча суст суръатига қараганда 90-йилларда уларнинг Европада, Австралияда, Шимолий Америкада ва Жанубий-Шарқий Осиёда тарқалиш суръати тезлик билан ўсди. Ушбу минтақаларнинг баъзиларида мазкур гиёҳванд моддани исьтемом қилиш бирқадар камайган бўлсада, бутун дунё бўйича олганда, айниқса, Шарқий ҳамда Жанубий-Шарқий Осиёда унга талаб ҳамон ошиб бормоқда. Айниқса, ёшлар ўртасида синтетик гиёҳванд моддалар, кўпинча наша билан биргаликда ишлатилганда дам олиш ва эрмакнинг энг маъқул воситаси сифатида борган сари яхшироқ аҳамият касб этмоқда. МДМА² (экстази) тараққий этган мамлакатларда, айниқса Европада машхур.

Ўсимликлардан олинадиган бошқа гиёҳванд моддалар: Умуман, “базуко” (кокаин пастаси) сингари турли ясамалари билан биргаликда кокаин иккала Америкада ҳам нашадан кейинги энг кўп тарқалган иккинчи гиёҳванд модда ҳисобланади. Даволанишга мажбур бўлганларнинг кўпчилиги шу ясама гиёҳванд моддаларни исьтемом қилганлар бўлиб чиқмоқда. БМТнинг Гиёҳванд моддаларни назорат қилиш дастурига мувофиқ бутун жаҳон бўйича 13 миллионга яқин одам кокаин исьтемом қилади; бу кўрсаткич ҳаммасидан ҳам Қўшма Штатларда, кейинги йилларда кўпгина Лотин Америкаси мамлакатларида қузатилган бироз камайишга қарамай, барибир юқоридир.

Бошқа гиёҳванд моддаларга нисбатан героин ва ундан ташқари қорадори билан жиноят содир этиш камроқ тарқалган. БМТ ҳисоб-китобларига қараганда, асосан Европа, Жанубий-Шарқий ва Жанубий-Ғарбий Осиёда 8 миллионга яқин одам қорадори исьтемом қилади. Умуман олганда, ушбу минтақаларда аҳолининг 2 фоизга яқини қорадори исьтемом қилади, бироқ бу кўрсаткич кўкнор ўсимлиги экиладиган баъзи минтақаларда бундан ҳам юқорироқ бўлиши мумкин. Баъзи маълумотларга қараганда, уни исьтемом қилиш даражаси Шарқий Европа ва Марказий Осиёда ўсиб бормоқда.

— Гиёҳванд моддалар билан жиноятлар содир этаётганлар кимлар?

Статистика гиёҳванд моддалар билан жиноят содир этаётганларнинг кўпчилиги уни исьтемом қилишга мойиллигини таъкидласада, бу каби жиноят билан жамиятнинг барча қатламларидаги

² Метилдиоксиметамфетамин

одамлар шуғулланадилар. Масалан, гиёхванд моддалар истеъмол қилишга аёллардан кўра, кўпроқ эркеклар ёки уйланганлар ёхуд турмушга чиққанлардан кўра сўққабашлар, қишлоқда яшовчилардан кўра, кўпроқ шаҳарликлар ва улуг ёшдагилардан кўра ёшлар мойилроқдирлар. Қамокдаги ва бошпанасиз болаларнинг ҳам кўпчиллик қисми гиёхвандлардир.

Бутун дунё бўйича ёшлар ўртасида гиёхванд моддаларни истеъмол қилиш бўйича энг сўнгги маълумотлар жиддий ташвиш-хавотир тугдирмоқда. Маълумотлар шунини кўрсатадики, гиёхванд моддалар истеъмол қилиш даражаси аҳоли ўртасидагига нисбатан ёшлар ўртасида уч ёки тўрт баробар юқори. Улар энг маъқул кўрадиган гиёхванд модда - наша бўлиб, уни истеъмол қилиш даражаси кенгайиб бормоқда.

Синтетик гиёхванд моддаларни истеъмол қилиш бирмунча кенг тарқалди, экстази истеъмол қилиш эса Ғарбий Европа мамлакатларида юқори даражада одат тусига кирган бўлса, эндиликда у бошқа минтақаларга ҳам тарқалмоқда. Экстази ўрта ҳисобда аҳолининг 2,6 фоизи томонидан истеъмол қилинмоқда.

Кокаин ёшлар ўртасида унчалик хуш кўрилмайдиган гиёхванд моддага ўхшайди. Бироқ кейинги фикр-мулоҳазалар уни истеъмол қилиш Европада (айниқса, Лондон ва Амстердамда) бирмунча ўсганидан гувоҳлик бермоқда. Кейинги 15 йил мобайнида Қўшма Штатларда ёшлар ўртасида кокаин истеъмол қилиш қисқарган эди, бироқ энг сўнгги маълумотлар унинг бирмунча ўсганидан далолат бермоқда.

Героин укол орқали қабул этиш Шарқий Европа мамлакатларининг ёшлари ўртасида ўсиб бормоқда ва шунингдек, (Қўшма Штатларда ва Ғарбий Европада) уни чекиш бирмунча кенг тарқалаётгани тўғрисида маълумотлар бор.

Ўрта ҳисобда 1,9 ва 1,0 фоизни ташкил этган кокаин ва героин ёшлар маъқул кўрадиган гиёхванд модда ҳисобланмайди.

Токсикомания (клея ва бошқа эритмаларни истеъмол қилиш) кенг микёсда (ўртача 7,8 фоиз) тарқалган ва кўплаб ёшлар учун жиддий муаммо бўлиб қолмоқда.

■ Гиёхванд моддалар қанчалаб тавсия этилмоқда?

ЖУДА-ЖУДА КўПЛАБ! 1999 йилда бутун дунё бўйича қорадори - опий тайёрлаш рекорд даражага - 5794 метрик тоннага етди. Бу қадар кўп микдордаги қорадори 219 минг гектар майдонда ўстирилган кўкнор ўсимлигидан олинади. Қорадорининг 75 фоиздан ортиқроғи Афғонистонда тайёрланган. Бутун жаҳон бўйича коки барглари тайёрлаш 317926 тоннага етди. Унинг плантациялари 183 минг гектарни ташкил этади. Коки баргларининг қарийб 60 фоизи Колумбияда тайёрланади. Буни қаердан билиб олиш мумкин? Аэрофото усулида суратга олиш, жаҳон мамлакатлари ерларини юзини баҳолаш ҳамда спутниклардан суратга олиш ёрдамида гиёхванд ўсимликлар ноқонуний ўстириляётган районларнинг аниқ-ёрқин хариталари тузилди ва уларнинг ҳосилларини аниқ баҳолашни таъминлаш учун мамлакатлар орасида тайёрлов ишлари қаерда қамаяётгани ва қаерда кўпаяётгани аниқланди.

■ Бундан ким манфаатдор бўлмоқда?

Гиёхванд моддаларни ноқонуний ишлаб чиқариш соҳаси билан унга бўлган талаб соҳаси ўртасида жуда баравж бизнес ёки тўғрироғи “бизнес” эмас, иқтисодийни издан чиқарадиган ва давлатларга зарар келтирадиган омил пайдо бўлди. Гиёхванд моддалар билан ноқонуний савдо қилиш - эҳтиёткорлик чоралари ишлаб чиқиб, қўлланилгунига қадар глобаллаштиришдан ўз манфаатлари йўлида фойдаланаётган уюшган трансмиллий синдикатлар қўлидадир. Чегараларнинг очиб юборилиши ва электрон алоқа воситаларининг тез қулоқ ёйиши уюшган жиноий гуруҳларга гиёхванд моддаларни тарқатиш ва бундан даромад олишга ёрдам берди.

Сурат: 1999 йилда бутун дунё бўйича корадори тайёрлаш рекорд даражага - 5794 метрик тоннага, кўкнор экинзорлари эса 219 минг гектарга етди.

— Қандай оқибатлар келиб чиқади?

Гиёхванд моддалар, қабул этган пайтдаги таъсири ва кейинги қарахтлиги билан инсон саломатлигига ҳар томонлама зарар келтиради. Хатто доимий тарзда эмас, ахён-ахёнда истеъмол қилинган марихуана ҳам инсоннинг таълим олиш ва қисқа муддатли хотира қобилиятларини сусайтириб юборади. Бундан ташқари унинг идрокига, сезгисига ва ҳаракатларини мувофиқлаштиришга таъсири бахтсиз ҳодисаларга олиб келиши мумкин.

Галлюциногенлар (масалан ЛСД) идрокни чалкаштиради, юракни қисқариш частоталарига, қон босимига таъсир этади ва охир-оқибатда неврологик камчиликлар содир бўлишига, рухий тангликка, безовталикка, кўзга ҳар хил нарсалар кўринишига ва ўзини илгари бўлиб ўтган воқеалар орасида юргандек ҳис этишга олиб келади.

Кокаин ва амфетаминлар аввало тремор, бош оғриғи беради, қон босими кўтарилади ва юрак уруши тезлашади. Кейинроқ кўнгил айниш, уйқусизлик, ўзини енгил ҳис этиш, томирлар тортишиши ва рухий безовталиқ сингари ҳолатларни ҳосил қилади.

Героин қабул қилиш, аввало кўнгил айнишга олиб келади, нафас олиш секинлашади, тери қуруқшайди, кичишади, гапириш суръати секинлашади ва ғайритабиий ҳаракатлар ҳосил бўлади. Маълум муддатдан сўнг жисмоний ва психологик қарамлик оғушига берилишга рағбат ортади, бу эса борган сари дорини кўпроқ истеъмол қилишга, хатто охир-оқибатда нафас олиш марказларини бўғиб қўядиган даражада, ҳаддан ташқари катта даражада қабул этишга олиб келади.

Наша, экстаз сингари баъзи гиёхванд моддаларни, асл кирдикорларига нисбатан камроқ зарарли деган тасаввурлар мавжуд. Бу ҳолда уларнинг узоқ муддатли таъсири ва ўсмирларнинг баъзи энг муҳим бўлган тафаккури ва эслаб қолиш сингари ўзлаштириш функцияларига етказадиган зарарларга эътибор қилинмади. Экстази озгина қўшимча таъсир кўрсатади ёки ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди деб ҳисоблансада, тадқиқотларнинг кўрсатишича, уларни истеъмол қилиш миянинг муайян фаолиятларини тузатиб бўлмас қилиб ўзгартириб қўяди, жигар ва бошқа аъзоларга зарар етказди.

Таксикоманлик таъқиқлаб қўйилган бўлмасада, бу қусур имкониятлардан маҳрум этилган ёшлар ўртасида кенг учрайди. Ёлим, бўёк, бензин ва тозалайдиган суюқликлар сингари баъзи буғланувчи моддалар жигар, буйрак ва юракка заҳар сифатида таъсир этади, уларнинг баъзилари миянинг тез суръатда айнишига олиб келади.

Рухиятга кучли таъсир этувчи моддалар борасидаги асосий муаммо шундан иборатки, уни қабул этганлар, асосий эътиборларини улар учун мақбул бўладиган ҳис туйғуни жунбушга солишига ва сархушликка қаратадилар ва худди шу пайтда ҳосил бўладиган жисмоний ва ақлий жиҳатдан кучли, қўшимча зарарли таъсирларга эътиборсизлик билан қарайдилар. Аслида хавфсиз деб айтиш мумкин бўлган ҳеч қанақа гиёхванд модда йўқдир. Ҳар қандай ҳолда ҳам рухиятга кучли таъсир этувчи моддалар инсон организмнинг нормал фаолият кўрсатишига тўсқинлик қилади ва охир-оқибатда унга катта зарар етказди.

— ОИТС билан муносабат

Гиёхванд моддаларни укол орқали қабул этадиганлар ўртасида ОИТСнинг тарқалиши яна ҳам долзарб муаммога айланмоқда. Венага бўлмасин, тўқималарга ёки тери остига бўлмасин битта мосламанинг ўзидан қилинган укол ОИТС вирусларини, шунингдек бошқа инфекцияларни, қон орқали В ва С турдаги гепатитни юктириш учун катта хавф-хатар ҳисобланади.

2000 йилнинг июнига қадар ОИТС вируси 34 миллиондан ортиқ одамга юккан. Уларнинг кўпчилиги Саҳрои Кабир жанубидаги Африка мамлакатларида яшайдилар. Вирус юкишининг энг кўп тарқалган йўли эркак ва аёл ўртасидаги жинсий алоқадир, бироқ Африкадан ташқаридаги кўплаб мамлакатларда вируснинг тарқалишига бошқа эпидемия - укол воситасидаги гиёҳвандлик сабаб бўлмоқда.

- Баҳрайн, Грузия, Италия, Қозоғистон, Португалия, Испания ва Югославияда ОИТСга чалиниш ва унинг вируси юкиши барча ҳолларининг ярмидан кўпроғига укол воситасидаги гиёҳвандлик сабабчи ҳисобланади.
- 1998-99 йилларда Россия Федерациясида янгидан ОИТС вируси юкиши ҳолларининг 90 фоиздан ортиқроғи укол воситасидаги гиёҳвандликка тўғри келади.
- 1999 йилга келиб укол воситасидаги гиёҳвандлик кенг тарқалган мамлакатлар сони 1992 йилдаги 80 нафардан 136 тага ўсди. Мана шу 136 мамлакатнинг 93 тасида ОИТС вируслари гиёҳвандлик моддаларини укол орқали қабул этадиганларда топилган.

Кўпинча укол воситасидаги гиёҳвандлик билан шуғулланадиганлар СПИД инфекциясини юктириш фактига эътибор билан қарамайдилар. Гиёҳванд моддалар заҳарлаши оқибатида нашавандлар ўзларини назорат этолмай қоладилар, бу эса хавфли шахвоний ҳис-ҳаяжон домига тушиб қолишга ва вирусни юктиришга олиб келади.

Гиёҳвандлик баъзи одамлар учун жисмоний таъсирдан ташқари ғоят чуқур ижтимоий ва иқтисодий қийинчиликлар ҳам келтиради.

■ БМТ қандай таъсир кўрсатмоқда?

Гиёҳвандлик масаласини ҳал этиш муаммолари билан БМТ ўзининг ташкил этилган пайтлариданок шуғулланмоқда.

- 1946 йилда, унинг таркибига айланма асосда 53 мамлакат кирадиган Гиёҳванд воситалар бўйича комиссия тузилган эди.
- БМТнинг гиёҳванд моддаларга қарши кураш билан шуғулланадиган бўлинмаси 1990 йилда БМТнинг гиёҳванд моддаларни назорат қилиш бўйича халқаро дастури (ЮНДСП) билан бирлашди.
- Дастур 1999 йилда Халқаро жиноятчиликдан огоҳлантириш бўйича Марказ билан бирлаштирилди ва Гиёҳванд моддаларни назорат қилиш ва жиноятчиликдан огоҳлантириш бошқармаси ташкил этилди. Бошқарманинг қароргоҳи Вена шаҳрида жойлашган.

Гиёҳвандлик жиддий муаммолар келтириб чиқариш ва бу масалага жиддий эътибор зарурлигини англаб етиш оқибатида 1990 йилда Шанхайда - илк бор пайдо бўлган Опиум комиссиясининг ишлари натижаси ўлароқ биринчи халқаро чеклашлар ўрнатилди. Шундан буён медицина мақсадларида ишлатиладиган турли моддаларни сотиш ва улардан фойдаланишни чеклайдиган кўплаб халқаро битимлар имзоланди. Бироқ жаҳон мамлакатлари ушбу муаммога фақат БМТ ёрдами билангина мувофиқлаштирилган таъсир кўрсатиш чораларини ишлаб чиқа олдилар.

Гиёҳванд воситалар тўғрисида ягона конвенция (1961) медицинада фойдаланиладиган турли моддаларни сотиш ва улардан фойдаланишни чеклайдиган ҳар хил шартномаларни бирлаштирди. У 1972 йилда гиёҳвандларни даволаш ва авф этиш бўйича хизматларнинг тақдим этилиши зарурлигини таъкидлаган Протокол билан тўлдирилди.

Бехуш қилувчи моддалар тўғрисидаги конвенция (1971) ақлий фаолиятга таъсир этадиган фармацевтика дори-дармонлари ва бошқа моддалар рўйхати бўйича халқаро назорат тизимини ўрнатади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг гиёҳванд ва бехуш қилувчи моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича конвенцияси (1988) гиёҳванд моддалар билан ноқонуний савдо қилиш масалалари билан шуғулланади ва ўз ичига бундан даромад олиш ҳамда ноқонуний гиёҳванд моддалар тайёрлаш учун фойдаланилган химявий моддаларни асраб қолиш масалалари билан шуғулланади.

Узоқ йиллар мобайнида халқаро ҳамжамият гиёҳвандлик муаммосига “четда турган ташвиш” сифатида қараб келди. Тўғрироғи, гиёҳванд моддалар ривожланаётган мамлакатларда тайёрланади ва ривожланган мамлакатларда истеъмол қилинади, деб ҳисобланар эди. Шу боис унга бўлган талабни қисқартириш учун яхшироқ эътибор жалб қилинмади. Бирок вазият кескин ўзгариб кетди. Эндиликда энг кўп истеъмол қилувчилар ривожланаётган мамлакатлар бўлиб қолмоқда, наша ва синтетик гиёҳванд моддалар Шимолда, шунингдек Жанубда тайёрланмоқда.

Натижада БМТ бу ортикча ташвишни қисқартириш билан биргаликда, айти пайтда унга бўлган талабни ҳам қисқартиришга бирдай ёндошиш йўллари ишлаб чиқди. 1998 йилда Бош Ассамблея ўзининг гиёҳванд моддаларнинг бутунжаҳон муаммолари бўйича махсус сессиясида қатор мақсад-вазифаларни кўзда тутган аниқ муддатлар билан чекланган ва ушбу мувозанатнинг иккала томонини бирдек кўзда тутган Сиёсий декларация қабул қилди:

- 2003 йилга қадар талаб-эҳтиёжни қисқартириш бўйича янги стратегияни ишлаб чиқиш ёки мавжуд стратегияни мустаҳкамлаш ва гиёҳванд моддаларга қарши кураш борасидаги миллий қонунчиликни ва дастурларни яратиш ёки мавжудларини мустаҳкамлаш, шунингдек гиёҳванд моддалардан олинадиган даромадларга қарши миллий қонунлар қабул этиш;
- 2008 йилга бориб эҳтиёжни анчагина камайтириш ва бартараф қилиш ёки гиёҳванд моддаларни (жумладан, синтетик моддаларни) ноқонуний сотиш, ишлаб чиқиш ва ўстиришни бирмунча камайтириш.

■ ЮНДСПнинг роли

БМТнинг гиёҳванд моддаларга қарши кураш борасидаги барча фаолиятларини мувофиқлаштириш учун жавоб берадиган ЮНДСП қуйидаги уч мақсадни кўзда тутди: ноқонуний гиёҳванд моддаларга бўлган эҳтиёжни қисқартириш, ноқонуний гиёҳванд моддалар ишлаб чиқаришни қисқартириш ва гиёҳванд моддалар билан ноқонуний савдо қилишни қисқартириш. ЮНДСП мамлакатларга миллий дастурлар ва сиёсатни ишлаб чиқишда ёрдам бериш учун гиёҳвандлик тўғрисидаги ахборотларни тўплайди ва тарқатади. У гиёҳванд ўсимликларнинг ноқонуний экинзорларини йўқ қилиш ва фермерларнинг муқобил фаолият билан шуғулланишларига ёрдам бериш бўйича лойиҳаларни мувофиқлаштиради. Гиёҳванд моддалар билан ноқонуний савдо қилишни қисқартириш учун ЮНДСП маълумотлар тўплайди, қўллаш ҳуқуқлари бўйича эксперт маслаҳатлари билан таъминлайди ва гиёҳванд моддалар устидан назорат ўрнатиш бўйича халқаро фаолият мувофиқлаштиради.

- ЮНДСП муқобил тараққиётга қўмаклашиб, фермерларнинг ноқонуний экинлар ўстиришдан иқтисодий қарамлигига барҳам беради ёки бу жараёни қисқартиришга ёрдамлашади. ЮНДСП баъзи мамлакатларда, масалан, Мексикада каучук ва бошқа қимматбаҳо дарахтларни экиб парваришлаш ишончли ва узоқ муддатли даромад манбаи бўлиб қолишини кўрсатиб берди (қўшимча материалларга қаранг).
- Ноқонуний экинларни йўқ қилиш борасида муайян ютуқлар қўлга киритилди. Масалан, 1979 йили Покистонда 800 тонна ноқонуний қорадори етиштирилган эди, айти пайтда, 1999 йилга келиб бу кўсаткич, қарийб 15 тоннага қисқарди.

- ЮНДСПнинг гиёхванд моддалардан даромад олишга қарши глобал дастури бизнес, қонунларни қўллаш ва суд ишлари бўйича мутахассислар тайёрлаш, жумладан, молиявий тадқиқотлар ўтказиш бўйича семинарларни молиялаштириб Молиявий тадқиқотлар бўлимлари ташкил этиш учун замин хозирлайди.
- ЮНДСП ОИТСга қарши курашда БМТнинг бошқа олтига агентлиги ва дастури билан биргаликда Бразилияда гиёхвандликка қарши курашда комплекс дастурни амалга оширмоқда. Бу тадбир ўз ичига маҳаллий ҳамжамиятлар билан ишлаш бўйича лойиҳаларни, презервативлар тарқатиш, ОИТС инфекцияси бўйича тадқиқотлар ва маҳаллий тарғиботчиларни ўқитиш каби тадбирларни олади. Бу каби лойиҳалар укол воситасидаги гиёхвандлик ва ОИТС вирусига тааллуқли ҳаддан ташқари аянчли вазият пайдо бўлган Шарқий Европа, Россия Федерацияси ва Марказий Осиёнинг баъзи давлатларида амалга оширилмоқда.

■ Муваффақият тафсилоти: Боливиянинг “Қадриятлар дастури”

1997 йилнинг декабридан Боливия ҳукумати “Қадриятлар дастури” деган гиёхванд моддаларга қарши кураш кампаниясини амалга оширишга киришди. Унинг мақсади -2002 йилга қадар Боливияни кокаин ишлаб чиқаришдан холос этишдан иборатдир. Бугунги кунда боливияликларнинг кўпчилиги ноқонуний ўстирилган гиёхванд экинларни йўқотиш мумкинлиги тўғрисида иккиланиб ўтирмайдилар. Бу иш мумкин эканлигини улар яхши биладилар. Бу ҳақда сонлар қуйидагича хикоя килади:

- Уч йил мобайнида ҳаммаси бўлиб 78 фоиз коки экинзорлари йўқотилди, бундай экинзорлар кескин қисқарди. Мазкур ноқонуний фаолиятдан келадиган даромад 1995 йилдаги 400 миллион доллар ҳажмидан 1998 йилда 183 миллион долларгача камайди,
- Муқобил тараққиёт 1999 йилда фермерларга ва хусусий тадбиркорларга 87 миллион доллар даромад олиш имконини яратди, бу 1998 йилдагидан 26 фоизга ортиқроқдир.

ЮНДСП асосан Чапаре районидаги ўрмон хўжалигида мавжуд, мамлакатда қолиб кетган 80 фоиз ноқонуний коки экинзорларига қаратилган қарийб 64,2 миллион доллар ҳажмдаги дастурни амалга оширишга ёрдам бермоқда. Каучук ва бошқа қимматли дарахтларни парваришlash ва кесиш, даромад топиш ва бандлик учун янги имкониятлар яратмоқда. Ҳозир Чапаре иқтисодийоти ананаслар, палма дарахти ёнғоғи, цитруслар, асал ва гуллар етиштиришга асосланмоқда.

Фермерларнинг коки тайёрлашдан иқтисодий қарамлигини камайтириш ва уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш учун кўприклар ва йўллар қурилди, шунингдек водопровод ва канализация тизимлари ҳамда электр узатиш линиялари ўтказилди ва таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари очилди. Чапаре дастурининг аста-секин эришган ютуқлари, таъқиқланган экинларни ўстираётган фермерлар, агар уларга имконият яратиб берилса қонуний даромадни маъқул кўришларини исботлади.

■ Маҳаллий ҳамжамиятларни жалб этиш

Тажрибалар шунини кўрсатадики, агар гиёхванд моддалар билан жиноят содир этиш муаммолари билан фақат маҳаллий ҳамжамиятларнинг ўзлари шуғулланганларидагина натижа самарали бўлиши мумкин. Бу ишга ёшлар, уларнинг ота-оналари, ўқитувчилар ва диний арбоблардан тортиб маҳаллий бошқарув органлари, полиция, соғлиқни сақлаш хизмати ва ноҳукумат ташкилотларигача - ҳаммани жалб этиш муҳимдир. Ёшлар ўртасида гиёхвандликни бартараф

етиш учун ЮНДСП ва Бутунжахон соғлиқни сақлаш ташкилоти Беларусия, Филиппин, Россия, Жанубий Африка, Таиланд, Танзания Бирлашган Республикаси, Ветнам ва Замбиядаги шундай лойихаларга иштирок этмоқда.

Қаровсиз қолган болалар билан ишлаш: ЮНДСП ғоят зарур эҳтиёжларга янада кўпроқ эътибор қаратмоқда. Масалан, ЮНДСП Жанубий-Шарқий Осиёнинг қатор мамлакатларидаги қаровсиз болаларни қамраб олиш учун - ЮНЭЙДС ҳамда “кўча болалари” (СКИ) Халқаро ноҳукумат ташкилоти билан ҳамкорлик қилмоқда. Бу мамлакатлардаги ёшлар билан ишлайдиган кўплаб ходимлар кўчада яшайдиган болалар билан гиёҳванд моддалар орқали жиноят содир этиш тўғрисида қандай гаплашиш зарурлигига ўргатилган эди. Ходимлар СКИ томонидан яратилган икки қаровсиз норасида - Қаратэ исмли бола ва унинг Нина деган сингилчаси тўғрисида ҳикоя қилинадиган “Тилла тиш” деб номланган сериядаги расмлардан фойдаланадилар. Улар гиёҳванд моддалар истеъмол қила бошлайдилар ва кўчада зўравонлик билан юзма-юз келадилар. Бошқа қаровсиз болалар сингари улар ҳам жаннат ваъда қиладиган ва айни пайтда ўзлари бошқаларнинг бахтсизлиги ҳисобига яшаётган “Тилла тиш” лақабли бадкорлар, қўшмачи ва гиёҳванд моддаларни сотувчилар билан муомала қилишларига тўғри келади. Бу сериядаги расмлар 25 тилга таржима қилинган ва 100 мамлакатда фойдаланилмоқда.

ЮНДСП, шунингдек, қаровсиз болалар билан ишлайдиган ходимларни ўқитадиган Эквадордаги марказ қурилишига ёрдам бермоқда. Марказ болалар ва ўсмирларга маслаҳатлар бериш билан, айниқса қаровсиз қолган ва ишлаётган болалар ўртасида жинояткорликнинг олдини олиш билан анчадан буён шуғулланиб келаётган юзлаб шундай ходимлар тайёрлади.

Ишлаётганларни иш жойларида қамраб олиш: Кўплаб гиёҳвандлар ишламасалар ва улар аросатда қолган бўлсаларда, бутун ер юзиде гиёҳванд моддалар билан кўзга кўринмас ришталар орқали боғланиб қолган кўплаб ишлаётган одамлар бор. ЮНДСП Халқаро меҳнат ташкилоти ва Бутунжахон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан биргаликда давлат ҳамда хусусий фирмалар ва корхоналарнинг гиёҳвандликни олдини олишларини, жамиятдаги собиқ гиёҳвандларнинг интеграциялаш дастурларида иштирок этишларини қўллаб қувватлайди. Бундай ишларда иштирок этаётган Мексикадаги бир компаниянинг хабар беришича, у БМТнинг гиёҳвандликнинг олдини олиш дастурини амалга оширгач, ишдан қолишлар 7 фоиздан 3,7 фоизга қисқарди, ярадор бўлиш ҳоллари камайди, муҳими иш самарадорлиги ва маҳсулот сифати яхшиланди.

1998 йилда Канаданинг Банаф шаҳрига, ёшлар ўртасида гиёҳвандликнинг олдини олиш масаласини муҳокама этиш учун 24 мамлакат ёшларидан 200 киши форумга тўпландилар. Бу ерга тўпланишдан илгари бу ёшлар бир неча ойлар мобайнида ЮНДСП томонидан уюштирилган юзлаб семинарларда иштирок этдилар. Форум қатнашчилари “Муаммога Банафдан ташланган назар” номи билан ҳужжат ишлаб чиқдилар. Ушбу ҳужжатда ёшлар ўзларининг гиёҳванд моддалар билан боғлиқ муаммоларини катталарнинг биров ёрдамлари билан ҳал этишга киришиш усуллари ўз аксини топди.

Бош қотиб Кофи Аннан бу ҳужжатнинг нусхасини жаҳон лидерларини унга жиддий эътибор билан қарашга чақириб ёзган хати билан биргаликда барча аъзо давлатларнинг бошлиқларига жўнатди. Кўпгина лидерлар бу чақирикқа ўзларининг ёшлар гиёҳвандлик иллатидан озод бўладиган келажакка содиқликларини тасдиқлаш билан жавоб қайтардилар.

Дунёдаги 24 мамлакат ёшлари гуруҳидан ташкил топган гиёҳвандликнинг олдини олиш бўйича глобал тармоқ мавжуд.

— **Ўқувчиларга тавсия этиладиган фаолият турлари**

1. Бутун синф бўйича “ақлий юриш” ташкил қилинг ва инсон гиёҳванд моддаларни



кабул этишни хохлаши мумкин бўлган сабабларнинг рўйхатини тузинг. Муҳокамани куйидаги саволлар билан давом эттиринг: Қандай манбалар бор? Қанақа гиёҳванд моддалар тавсия этилади? Уларнинг нархи қандай? Уларга бўлган талабни қондириш учун пул топиш мақсадида гиёҳвандлар қандай йўлларга қирадилар? Ёшлардан бирортасини гиёҳванд моддани татиб кўришга мажбурлаш учун қанчалик кучли босим кўрсатилади? Қайси даврдан гиёҳванд моддани қабул қилиш одатга айланади? Бундай одатдан қутилишга ёрдам бериш учун нималар қилиш керак?

Юқоридаги сабаблар рўйхатига қайтинг. Яна “ақлий юриш” қилинг ва бу одатни ўзгартириш учун нималар қилиш мумкинлигини ёзиб чиқинг. Ташланган қадам учун қандай жавоб бериши керак ёки жавоб беради? Мазкур жараёнга ёрдам бериш учун гуруҳ ёки ҳар бир одам нималар қилиши керак? Қандай ёрдам беришни мўлжаллаганингизни ҳал этинг ва шундай ёрдамни амалга оширинг.

2. Синфга маҳаллий ҳуқуқ-тартибот органи ходими ва (ёки гиёҳвандликни даволаш бўйича маҳаллий дастур ходимларини таклиф этинг ва яшаётган районда гиёҳванд моддалар билан қилинаётган жиноятлар тўғрисида ҳикоя қилиб беришни илтимос қилинг. Гиёҳванд моддалар истеъмол қилишни яна давом эттириб, бу билан қонунни бузаётганлар тақдири нима бўлади? Гиёҳванд моддалар истеъмол қилиш тўғрисида қонунчиликда нималар дейилади? Даволаш дастури қандай? Даволаш дастурларида қандай муқобил усуллар қўлланилмоқда? Гиёҳванд моддаларни узок муддат мобайнида истеъмол қилиш қандай оқибатларга олиб келади? Шунингдек, ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларни беришлари мумкин.
3. Тамаки чекиш ва алкоголь истеъмол қилишни гиёҳванд моддалар билан солиштириб бўладими? Уларнинг умумий томонлари нимада? Яхши томонлари нима? Сизнинг районингизда тамаки чекиш ва алкоголь истеъмол қилиш борасида қандай қонунлар бор? Бундай “наркотик”ларни қабул қилишнинг одатдаги амалиёти қандай?
4. Гиёҳванд моддалар истеъмол қилиш муаммоси устидан назорат ўз ичига таклифлар билан биргаликда унга бўлган талабни ҳам қамраб олади. Ушбу муаммони ўз районингиз маълумотлари бўйича таҳлил этинг. Таклифларни назорат қилиш учун қандай тадбирларни амалга ошириш мўлжалланади? Улар қанчалик самаралар беради? Талабларни қамраб олиш учун нималар қилинмоқда? Гиёҳванд моддалар билан жиноят содир этиш бўйича маърифий дастурлар орқали аҳоли қай даражада қамраб олинган? Улар қандай самара беради? Бутун синф бўйича таклифлар сингари талабларни ҳам қисқартиришга ёрдам бериши мумкин бўлган тадбирлар рўйхатини тузинг. Сизнинг ўзингиз яқка ҳолда ва гуруҳ билан биргаликда қайси-қайси ишларни амалга оширишингизни ҳал этинг. Саъй-ҳаракатларингиз туфайли эришган ютуқларингизни синфдошларингиз билан ўртоқлашинг.
5. ОИТС касаллиги ва унинг вирусини юқтирганлар муаммоси сизнинг районингизда қай даражада тарқалган? Сиз, балки ОИТС қисмига кўз ташлагингиз ёки бу муаммо тўғрисида маҳаллий, миллий ё бўлмаса бутун дунё миқёсида кўпроқ билиб олгингиз келиб қолар.
6. Гиёҳванд моддалар истеъмол қилиш оилага қандай таъсир этади? Жуда кўплаб таниқли одамлар гиёҳванд моддалар билан жиноят содир этиш билан шахсан ёки оила аъзолари туфайли юзма-юз келганлар. Уларнинг ҳаётлари тўғрисида кўпроқ ўқинг. Сизнинг кутубхоначингиз бу мавзудаги китобларни тавсия этиши мумкин.
7. Интернетдаги сиз қатнашингиз мумкин бўлган гиёҳванд моддалар билан жиноят содир этишнинг нималар билан изоҳланиши, бу ҳолларда қатъий жазо чоралари қўллаб бўладими ва авф этиш усулларини қандай бўлиши тўғрисидаги мунозарада иштирок этишингиз мумкин бўлган Youthnet site' сингари сайтларга мурожаат этинг. Уларга томоша қилиш мумкин бўлган гиёҳванд моддалар билан боғлиқ юзлаб слэнглар - кўча

катламлари гуруҳларининг адреслари ҳам киритилган. Синфдошларингизга бундай сайтларнинг мазмунини ва қандайдир тадбирларда иштирок этиш имкониятлари тўғрисида хикоя қилиб беринг.

8. Ёшлар тармоғи ишида қандай иштирок этиш учун ахборотлар олиш борасида қуйидаги адреслар бўйича ташкилотларга мурожаат этинг:

Youthnet
C/o UNDCP Demand Reduction Section
P.O.Box 500
A-1400 Vienna
Austria
Факс: (+43-1) 26060 5866
E-mail: youthnet@mail.undcp.org

Баъзи манбалар

Интернетда

http://www.undcp.org/report_1999-06-01_1.html

http://www.undcp.org/report_1999-03-31_1.html

http://www.undcp.org/report_1997-12-31_1.html

<http://www.ccsa.ca/> Тамаки чекиш, алкохол ва бошқа гиёҳванд моддалар истеъмол қилиш билан боғлиқ зарарли оқибатларни энг кам даражагача қисқартириш устида иш олиб бораётган нотижорат ташкилоти - Гиёҳванд моддалар билан жиноят содир этиш бўйича Канада маркази. Фойдали сайт, кўплаб ахборот ресурслари. Гиёҳвандлик муаммоси бўйича кўп нарсаларни англаб етиш учун яхши илк манба.

<http://www.nida.nih.gov/NIDAHome.html> Гиёҳванд моддалар истеъмол қилиш бўйича Гиёҳвандлик муаммолари бўйича АҚШ миллий институтининг илмий ахборотлари.

<http://www.youthnet.org>. Ёшлар учун гиёҳванд моддалар, бўш ўринлар, энг сўнги музыка ва фильмлар тўғрисидаги фойдали ахборотлар билан жуда қизиқарли саҳифа. Шунингдек, ўйин ва суҳбат учун хонага кириб олиш ҳам мумкин.

<http://www.UNICEF.org/vo> Ёшлар, айниқса болалар учун фойдали ахборотлар тўпланган. "Ёшлар овози" (Vo) ҳамдунёнинг бошқа мамлакатларининг ёшлари билан турли масалаларда фикр алмашилиши имконини беради.

Босилган материаллар:

ЮНДСП: муаммо билан юзма-юз, ЮНДСП, Вена

Гиёҳванд моддалар муаммолари бўйича бутунжаҳон хисоботи, Оксфорд Университе Пресс, Оксфорд, 1997

(Ушбу бўлим ЮНДСП томонидан тузилган)

Асосий статистик маълумотлар



- Гэллап институти ўтказган халқаро сўровга биноан 1999 йилда сўралганларнинг ярмидан камроғи БМТ фаолияти натижаларини қониқарли деб баҳолаганлар.
- БМТнинг бутун тарихи мобайнида биринчи бор кейинги беш йил давомида ҳар йили унинг 400 нафарга қадар ходими ишдан бўшатилади.
- БМТ, кўпроқ, жойларда иш олиб боришни афзал кўрадиган ташкилотга айланиб бормоқда: унинг уч ходимидан иккитаси айнан дала шароитида иш олиб бораяпти.
- БМТ - халқаро савдо, иқтисодиёт ва демография, шунингдек статистика ва тизимлаштириш халқаро усуллари асосий обрўли манбалари бўйича статистика маълумотларининг дунёдаги энг йирик ношири ҳисобланади.
- 90-йилларда ўтказилган БМТнинг бутунжаҳон конференциялари халқаро ҳамжамият томонидан бошқа ҳеч қаерда муҳокама этилмаган йирик глобал масалалар бўйича амалий ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқди.
- Хавфсизлик Кенгашининг бешта доимий ва ўн та муваққат аъзодан иборат таркиби тўртта янги аъзога кўпайгунига қадар, 1965 йилдан буён ўзгармаган эди.
- Халқаро ноҳукумат ташкилотларининг сони бутун дунё бўйича 1975 йилдаги қарийб 5 мингдан 1998 йилда 23 мингга кўпайди.



Бирлашган Миллатлар Ташкилотини янгилаш йўлида



“Бирлашган Миллатлар ташкилоти учун глобаллаштириш вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш, пировард оқибатда, халқлар эҳтиёжини қондиришни англатади. Низом улар номидан имзоланган, уларнинг орзу-умидларини амалга ошириш йиғирма биринчи асрда бизнинг учун истиқболдаги вазифа бўлиб қолаверади”.

Бош котиб Кофи Аннанинг “Мингйиллик маърузаси”дан

— Ўша кадриятлар - янги усуллар

“Биз амалга ошираётган барча ишларимиз марказига одамларни қўйишимиз керак... Кенг кўламда одамлар эҳтиёжи томон мўлжал оладиган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, кадрлар нуқтаи назаридан ҳам, шунингдек ресурслар ажратиш нуқтаи назаридан ҳам аниқ натижаларга кенг кўламда мўлжал оладиган ташкилот бўлиши керак” Бош котибнинг “Мингйиллик маърузаси”дан олинган бу иқтибос ҳозир ташкилот амалга ошираётган ва у XXI асрда давлатларга ҳамда одамларга янада яхшироқ хизмат қилиши учун йўналтирилган ўша янгиланишлар натижаларининг якунини акс эттиради.

БМТ, улар ёрдамида ўз мақсадларига эришаётган ўша янгиланиш йўллари - тинчлик, гуллаб-яшнаш, ижтимоий адолат ва барқарор келажақдир. Худди шу мақсадлар сари - Интернет сингари янги ахборотлар технологиясидан фойдаланиб хусусий корпорациялар, шунингдек, ноҳукумат ва жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорлик орқали - сабот-матонат билан интиломда. Шу каби, БМТни янада мукаммаллаштириш ва самарадорлигини оширишга йўналтирилган дастурларни оқилона амалга оширишда мижозларга суянадиган кўринишда, ташкилотнинг ўзида ҳам ички янгиланишлар содир бўлмокда.

Янги мингйилликнинг кириб келиши ва унинг атрофидаги воқеалар БМТга аъзо давлатларга БМТ миссиялари ва озодлик, бағрикенглик, адолат, зўравонликларга барҳам бериш, табиатга диққат-эътибор, масъулиятларнинг тақсимлаб қўйилиши каби унинг энг асосий кадриятларига садоқатини яна бир бор тасдиқлашнинг ноёб имкониятини беради. Бундан ярим аср илгари, Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тузилиши инсониятнинг адолатли ва тинч халқаро ҳамжамият яратиш борасидаги улкан умидларининг ифодаси бўлган эди. Барча мамлакатлар унинг аъзолари бўлган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамон ягона бутунжаҳон институти бўлиб қолмокда.

Бироқ БМТнинг муҳим мақсадларга эришиш усуллари мумкин қадар самаралироқ бўлиши керак. “Дунё халқлари биз тўқнаш келаётган муаммоларни эътиборга олиб, бизнинг



илгариги ютуқларимизни етарли эмас демокдалар. Биз янада кўпроқ ва яхшироқ ишлашимиз керак”, - деб ёзади Бош котиб “Мингйиллик маърузаси”да. БМТ дунёнинг бошқа мамлакатлари билан ўзаро алоқасини яхшилаш ҳамда камбағалликка барҳам беришга имконият яратиш учун Интернет ва бошқа илғор технологиялардан жадал фойдаланмоқда. Бош котиб ахборот технологияси лидерларига бу борада БМТга ёрдам қўлларини чўзишлари учун чакирик билан мурожаат этди.

■ БМТ янгиланиш йўлида

Мазкур муаммони Бирлашган Миллатларнинг кучли Ташкилотисиз ҳал этиш бирмунча мураккабдир. БМТни мустаҳкамлаш - барча томонларга мақбул бўлган тўхтамлар топиш учун ҳукуматларнинг, айниқса, уларнинг бошқа тузилмалар - ишбилармон доиралар, ноҳукумат ташкилотлари ва кўптомонлама агентликлар билан иш олиб бориш хоҳиш-истакларига боғлиқ. Бошқаларнинг саъй-ҳаракатларини рағбатлантириш учун БМТ катализатор сифатида ҳаракатланиши лозим. У янги технологиялардан, айниқса ахборот технологиясининг бутун имкониятларидан кенг фойдаланиши керак. Бош котиб қуйидаги тўрт етакчи соҳада ҳаракат қилишни тавсия этади:

- **Асосий кучли томонларни аниқлаш.** БМТ - халқаро саҳнада муомаланинг янги меъёрлари ишлаб чиқиладиган ва улар бўйича кенг қўламли консенсус ўрнатиладиган форум бўлиб қолиши керак.
- **Ўзгаришлар мақсадида тармоқлар ташкил этиш.** БМТ - аъзо давлатлар ичида, шунингдек, улар ўртасида биргалликдаги саъй-ҳаракатлар катализатори ва янги нодавлат субъектлари орасида ёрқин йўлчи юлдуз бўлиши керак.
- **Рақамлар кўприги ҳосил қилиш.** БМТ тараққий этаётган мамлакатлар ҳиссасини яхшилаш учун ўзига технологиялар қудратини бўйсундириши керак.
- **“Сокин инқилоб”нинг олға силжиши.** БМТ дунё халқлари учун янада самарали, ихтисослашган ва амалий қўмақдан баҳраманд этадиган ташкилот бўлиши керак.

■ Асосий қудратли томонларни аниқлаш

БМТнинг бутун жаҳонга ўтказадиган таъсири кўпчилик ўйлаганидан кўра ҳам бирмунча кучлироқдир. Бу таъсир кучларни намойиш қилишда эмас, балки БМТ касб этадиган ўша кадриятларда; долзарб муаммоларни ҳал этиш учун унинг барча мамлакатлар манфаатли иштироклари ва саъй-ҳаракатларини рағбатлантириш лаёқатида ва шунингдек, унинг одамлар турмуш тарзини яхшилаш борасидаги амалий ишлари туфайли пайдо бўлган ишончда ўз ифодасни топади.

Қуйидаги маълумотлар тўғрисида мулоҳазалар юритиб кўринг:

- Бир замонлар уруш ҳар қандай мамлакатда одатдаги ҳол ҳисобланган: эндиликда эса, баъзи алоҳида ҳолатларни ҳисобга олмаганда у ҳамма жойда қораланмоқда.
- Демократия нафақат кўпсонли мамлакатларни қамраб ола бошлади, балки ҳамма жойда унга ҳокимиятнинг энг қонуний ва энг мақбул шакли сифатида қаралмоқда.
- Ҳозирга қадар фақат мустақил давлатлар учун ташвиш-хавотир ҳисобланган инсон ҳуқуқлари эндиликда ҳукуматлар ваколати, шунингдек, давлатлар ваколати сифатида чегаралардан ошиб кетмоқда.
- Шундай ҳуқуқий қоида пайдо бўлмоқда: қонун устуворлигини барқарор этиш бир

пойдеворга айландики, ўтган мингйилликнинг кўплаб ижтимоий муваффақиятлари унинг устига қурилган.

Бош котиб, асосан биз қонун устуворлиги муҳимлигини талаб этган ҳолда мазкур кучли томонларга таяниб ҳаракатланишда давом этаверишимиз зарур деб ҳисоблайди. Шунингдек, у БМТни, айниқса, Хавфсизлик Кенгашини биз шундай қайта қуришимиз керакки, у самарали ишлай олсин ва шак-шубҳасиз қонуний ваколат касб эсин, деб ҳисоблайди. Биз, яна БМТнинг фуқаролик жамияти ташкилотлари ҳамда хусусий секторлар ва жамғармалар билан муносабатларини ҳам кенгайтиришимиз керак.

Бош котибнинг фикрларига кўра ғоят муҳим соҳалардан бири Хавфсизлик Кенгашини ислоҳ этишдан иборат: “Кенгаш самарали иш олиб бориши керак, лекин у ҳам сўзсиз қонуний тартибда иш кўриши лозим. Мана шу иккита нозик мезон масала ҳал этилиши лозим бўлган доирани белгилаб беради”.

Хавфсизлик Кенгашига аъзолик борасидаги ҳар қандай ўзгаришлар БМТ Низомига - БМТга аъзо бўлган давлатларнинг учдан икки қисми (жумладан, беш доимий аъзо) - Хитой, Франция, Россия, Бирлашган Қироллик ва Америка Қўшма Штатлари ратификация қилган ўзгартиришларни киритишни талаб этади. Совуқ урушлар тугаганидан кейинги Кенгаш таркибидаги яширин ўзгаришлар тўғрисидаги масала узоқ давр мобайнида муҳокама этиб келинади. Аммо ҳамон консенсус топилган эмас.

- “Икки масала биринчи планда турибди: Кенгашда мажлисни ким олиб боради? Ветого кимнинг ҳаққи бўлади? Идора ислоҳотчилари Кенгаш таркибини ўзгартириш борасида аллақачонлардан буён савдолашиб келишади - Япония ва Германия доимий аъзолikka номзодлар сифатида эсга олина бошлади - лекин Кенгашнинг беш доимий аъзосидан биттаси ҳам бунга қизиқмади: “Ҳали ҳеч нарса синган бўлмаса, уни бутлаш на ҳожат”. Фарбий мамлакатлар ичида айниқса, Италия доимий аъзолар сонини кенгайтириш ва бу икки мамлакатни қўшишга (Германия кичик доирага кириб оладиган бўлса, у орқада қолиб кетади) мутлақо қарши чиқди... Бугун “доимий бешлик”нинг БМТ бюджетдаги жами молиявий хиссаси 41 фоизни ташкил этади - доимий бешлик 1946 йилда бюджетнинг 75 фоизини тўлаган экан, ўртадаги фарк яққол кўзга ташланади”, (Жеффри Лауренти, БМТ - АҚШ Ҳамкорлик ассоциацияси)

— Ўзгартиришлар мақсадида тармоқлар ташкил этиш

Бош котиб умумий мақсадларга эришиш йўлида халқаро институтларни, фуқаролик жамияти ташкилотларини, хусусий секторни, шунингдек ҳукуматларни бирлаштириб расмий институтларни сиёсатнинг норасмий тармоғи билан тўлдириш тарафдоридир. БМТ ресурслардан энг кам даражада фойланган ҳолда ўз ишини ишбилармонлар доираси, ноҳукумат ташкилотлари ва ҳукумат органлари сингари турли-туман ва нуфузли ноҳукумат субъектлари билан чуқурлаштирди. Мақсад - барча манфаатдор томонларни жалб этиш ва бунинг билан глобаллаштиришнинг салбий оқибатларини орқага қайтариш ва оламни барчага бирдек яшартириш учун глобал сиёсат тармоқларини кенгайтиришдан иборатдир.

Бутун дунёдан келган бизнес арбоблари билан тарихий учрашув 2000 йилнинг 26 июлида Нью-Йоркда БМТнинг бош қароргоҳида бўлиб ўтди. Бу - БМТнинг глобал муаммоларни ҳал этиш мақсадидаги давлатнинг хусусий компаниялар билан ҳамкорликка йўналтирилган янги саяё-ҳаракатларига илҳомбахш мисол бўла олади.

Бош котиб Кофи Аннан Глобал шартномага қўшилиш учун БМТга келган таниқли кўпмиллатли 50 компаниянинг, ўнлаб меҳнат ташкилотларининг ва кузатувчи гуруҳларнинг юқори

лавозимли кишиларига мурожаат қилиб “Охир-оқибатда, қачон яхшигина ойлик маошлари ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида ҳукуматларнинг қарор қабул этишларини компаниялар кутиб ўтирмасликлари керак” деди.

Ушбу шартнома улар зиммаларига инсон ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш, болалар меҳнатига барҳам бериш, эркин касаба уюшмаларига руҳсат этиш ва бизнес билан шуғулланаётган жойларида атроф муҳит ифлосланишига йўл қўймаслик бўйича мажбуриятлар юклайди.

Ушбу шартномани имзолаганлар орасида - “Байер”, “Дюпон”, “Эрикссон”, “Хелтеон/ВебМД” ва “Юниливер” компаниялари, шунингдек, Амнести Интернэшнл ва Ёввойи табиатни муҳофаза этиш бутунжаҳон жамғармаси ташкилотлари бор. Учрашув глобаллаштиришдан бебаҳра қолган одамларга ёрдам беришда ҳукуматлар сингари корпорацияларнинг раҳбарлари ҳам бир-бирларига янада кўпроқ ишона олишларини намойиш этди. БМТ мазкур муҳим масалаларни ҳал қилишни инфратизимларга тадбиқ этади.

— Рақамли кўприкларни барпо этиш

БМТ янги ахборотлар технологиясидан фойдаланган ҳолда янада малакали ишлаши ва дунёнинг қолган қисми билан ўз алоқасини янада яхшилаши мумкин. Бунинг учун у ўзгаришларга қаршилик қиладиган қоқоқликка барҳам бериши керак. Бош котиб бу борада БМТга ёрдам кўрсатиш учун ахборот технологияси билан шуғулладиган саноат вакилларига илтимос билан мурожаат этди.

- БМТ Интернетдан дунёдаги ривожланаётган мамлакатларнинг шифхоналари ва клиникалари тўғрисидаги ахборотлар бўлган, медицина бўйича мавжуд 10 минг саҳифа билан боғлиқ. янги саҳифа очишни режалаштирмоқда. Бу саҳифани ВебМД жамғармаси, шунингдек бошқа жамғармалар ва корпоратив ҳамкорлар олиб боради. Шаклланиш даври 6 ойдан 12 ойгача чўзиладиган ва Ҳиндистондан бошланган бу тадбир ушбу мақсад учун танлаб олинган мамлакатлар эҳтиёжларини баҳолаш ва давлатнинг соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича устувор дастурларига алоҳида эътибор жалб этган ҳолда интернет порталининг мазмунини белгилаб бериш билан шуғулланади.
- БМТ юксак технологиялар соҳасида, шунингдек, ўз таркибига ривожланаётган мамлакатларда ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда мутахассислар гуруҳларини ўқитадиган Канада ва Американинг тармоқ компанияларини ҳам олган Ахборот технологияси хизматини - мутахассисларнинг кўнгилли консорсиумини таъсис этди. Ахборот технологияси хизмати ўз фаолиятини 2000 йилнинг 1 августидан бошлади. Кўнгиллиларнинг илк гуруҳлари Ҳиндистоннинг Орисса штатида иш бошладилар. Ахборот технологияси хизматининг ишлаб чиқиладиган жараёндаги бошқа ташаббуслари Бутан, Ботсвана, Чили, Эквадор, Иордания, Мўнғолистон, Сенегал ва Жанубий Америкадаги лойиҳаларни ўз ичига олади.

— “Нетэйд.орг” қашшоқлик масалалари билан шуғулланади

Ҳар 77 онанинг биттаси туғиш пайтида ҳалок бўлаётган, ҳар тўққизинчи бола бир ёшга етмай нобуд бўлаётган Руанданинг қишлоқ районларида на компьютер, на Интернетдан баҳраманд бўлиш, на юқори тезкорликдаги технологиялар бор. Бироқ Интернет ва технологияларнинг камбағалликка қарши кураш бўйича нодир саҳифаси - www.netaid.org. га

асосланган имкониятлари Руанданинг жанубий-шарқий райони - Кибунгода истикомат қиладиган минглаб бўлғуси оналарга ва уларнинг чақалоқларига яшаб қолиш учун кўпроқ имкониятлар беради. Чикаголик, парижлик ва куала лумпурлик www.netaid.org саҳифасига ташриф буюрувчлар Кибунго районида яшайдиган қандайдир онага ва уларга ёрдам берадиган анъанавий доя кампирларга бериш мақсадида “Чақалоқлар учун камплектлар”дан битта сотиб олишлари мумкин.

Оналар ва болаларнинг яшаб қолишлари бўйича лойиҳа ҳам - БМТ Тараққиёт дастури ва “Сиско Системс” 1999 йилда бошлаган, интернетга келувчиларга қашшоқлик билан курашиш учун маблағлар тавсия этадиган ва улар томонидан кўрсатилган онлайн молиявий ёрдамлари натижаларини рўйхатга оладиган қашшоқликдан огоҳ этувчи “нетэйд.орг.” каби камбағалликни бартараф этиш бўйича глобал ташаббусга яна бир мисол бўлади. 2000 йилнинг бошларида “Нетэйд. орг.” 12 миллион доллар хайр-эҳсон олди.

■ Иноқлик самаралари

Сўнгги уч ўнйиллик мобайнида юз берган табиий офатлар кўлами ва характери унинг билан курашадиган ташкилотларга талабларни кучайтиришни тавсия қилмоқда. Ушбу омил шу соҳадаги алоқани яхши йўлга қўйиш заруратини намоён этди. Бунга жавобан “Эрикссон” корпорацияси, бошқа ташаббуслардан ташқари, инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш бўйича операцияларда яшин тезлигидаги алоқалар ҳамда тажрибалар учун жиҳозларни таъминловчи, уларнинг ишини барқарор этиб турувчи, шунингдек керак бўлган жойда мавжуд коммуникация тармоқларини яхшилашга кўмаклашувчи, табиий офатларни тезкорлик билан олдини оладиган “Ферст он зе граунд” (“Биринчи етиб бориш”) деган йирик дастурни амалга оширишга киришди. Дастур “Эрикссон” компаниясининг 140 дан ортиқ мамлакатлардаги вакилларидан ёрдам олади. Бу - БМТнинг ташаббуси билан бутун дунё бўйича табиий офатлар қурбонларига янги технологияларни хизмат қилдиришга йўналтирилган хусусий ва давлат субъектлари ўртасидаги ҳамкорликка бир мисол, холос.

- 1998 йилда Гондурасда Мич довули қўзғалди. Бу - ўтган юзйилликда мазкур мамлакатга энг кўп талафот келтирган табиий офат бўлди. БМТнинг молиявий ёрдами билан Тегусигалпада тузилган маҳаллий ҳукуматнинг атиги тўрт ходими, тўрт компьютер ва 30 телефон линияси бор эди. Аммо ҳукумат зарур пайтда, яъни довул кўтарилганда керакли жойда ҳозир эди. Тўрт соатга яқин вақтда электрон почта орқали халқаро ёрдам кўрсатиш бўйича биринчи мажбурият етиб келди. Гондурас тоғларидаги Санта-Барбара қишлоғида етарли озиқ-овқати, ичимлик суви ва дори дармони бўлмаган бошпанасиз 2200 ҳамқишлоқлар, жумладан, 900 бола ночор, паноҳ остида қолиб кетдилар. Врачлар, медицина ҳамширалари электрон почта орқали ўз хизматларини тавсия этишди, кўпгина ташкилотлар ва баъзи кишилар ёрдам тўғрисидаги чақириққа “лаббай” дея жавоб қайтардилар.

■ “Тинч инқилоб”га берилган ёрдам

Бош котиб, ўзи бошқарадиган БМТ котибиятида узоқни кўзлаган ўзгаришларни амалга оширишни таклиф этди. Мазкур ташкилотни янада мукамал ва самарадор қилиб ислоҳ этиш борасида баъзи чора-тадбирлар алақачон қабул этилди. Бу тадбирлар ичида қуйидагилар ҳам бор:

- Бошқарув масалалари бўйича Бош котиб ўринбосари лавозими таъсис этилди;
- Бошқариш тартиби содалаштирилди;
- Ресурслар шундай қайта таксимландики, маъмурий сектордан бўшатиб олинган

маблағлар тараққиёт соҳасидаги дастурларни амалга оширишга йўлланадиган бўлди;

- Бошқарувнинг кабинет тамойили жорий этилди;
- Бир-бирларидан узоқлашиб кетган БМТ оиласига кирувчи ташкилотлар ўртасидаги мувофиқлашиш яхшиланди.

Агар БМТ ўз мақсадларига энг кам ресурслар сарфлаган ҳолда эришишга интилар экан, у ҳолда мана шу ресурсларни истифода этиши мўлжалланаётган ташкилотларнинг ички иш тартибларини ва сиёсатини ислох қилиши зарур. БМТнинг асосий вазифалари учун ажратиладиган бюджет йилига атиги 1,25 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Бу Нью-Йорк шаҳри йиллик бюджетининг қарийб тўрт фоизига тенг ва Токио шаҳрида ёнғин хавфсизлигига сарф этиладиган йиллик харажатлардан бир миллиард доллар камдир. “Зиммамизга юкланган масъулият ва умидлар ресурсларимиз билан солиштириб кўрилганда кўзимиз чарақлаб очилади... Бизнинг ресурсларимиз, глобал вазифаларимиз билан мутлақо мутаносиб эмас”, - дейди Бош котиб.

Маблағлардан оқилона фойдаланиш ва XXI аср талабларини қондириш учун амалга ошириш керак бўлган ишлар:

- Аъзо мамлакатлар ўртасида уларнинг устуворликлари бўйича янада аниқроқ консенсус;
- Одатдаги бошқарувни жонга тегадиган даражада назорат этмаслик;
- Бош Ассамблеянинг янги ташаббуслар борасида муваққат чеклашлар ўрнатиш ёки “кайта кўриб чиқиш тўғрисида қоидалар” бўйича қарорлари;
- Бюджетни натижаларга асосланган тарзда тузилиши.


■ Ютуқлар қандай ўлчанади?

Бош котиб БМТга аъзо давлатларни, мазкур ташкилотни ходимларни танлаб олиш маъносида, шунингдек ресурсларни ажратиш маъносида натижаларни ҳисобга олган ҳолда иш кўрадиган ташкилотга айлантиришга чақирди. “Бюджет тўлиқ натижаларни мўлжалга олган ҳолда тузилганда, у улкан самарадорликка ва мослашувчанликка рағбат бағишлайди, айти пайтда бу ҳол ошқораликни ва Бош котиб котибиятининг аъзо мамлакатлар олдидаги ҳисобдорлик бурчини кучайтиради”, - дейилади “Мингйиллик маърузаси”да. Ташкилотни бошқаришда айти жараён бошланганда қўшиладиган ҳиссага эмас, кўпроқ унинг ишидан олиннадиган натижаларга эътиборни кучайтириш керак. Ташкилот диққат марказига одамларнинг кўйилиши уларга мўлжалланган дастурлардан ҳар қандай инсонларга қанчалик фойда келтиришига эътиборни қаратади.

Мақсадлар ҳар бир дастурлар ёки иш турлари бўйича аниқ белгилаб олинган ва шу институт ташкилотчиларининг эмас, балки маълум мақсад учун тузилган гуруҳнинг эҳтиёжларига қаратилган бўлиши керак. Дастурларнинг молиявий ресурслари чекланган бўлганлиги сабабли дастурлар, маҳсулотлар ва хизматлар бўйича бундай аниқ мақсадли кўрсаткичларнинг мавжудлиги яна ҳам муҳим аҳамият касб этади.

■ “БМТ ишламоқда”

БМТ ўзининг кундалик ишлари билан бутун дунёдаги одамларнинг орзу истаклари ўртасидаги алоқани намойиш этиш учун тарғибот компаниясини бошлади. Мақсадли аудитория - оддий одамлар, асосан ёшлар, шунингдек ҳам ривожланган, ҳам ривожланаётган дунёда бу ахборотни



тарқатишга кўмаклашиши мумкин бўлган, жамоатчилик фикрига таъсир эта оладиган шахслардир.

Кампанияни оддий ва эътиборни тортадиган даражага кўтариш учун, унда мақсадлар - камбағаллик, очлик ва касалликлар билан курашиш, тараккиётга, саводхонликни оширишга, аёллар тенглигига ва атроф муҳит муҳофазасига кўмаклашиши тўғрисида маълумотлар берувчи “БМТ ишламоқда” деган жўшқин шиор қўлланилади. “Мингйиллик саммити” арафасида (2000 йилнинг 6-8 сентябрида) бошланган кампания БМТ амалга ошираётган ишлар тўғрисида жамоатчиликни кўпроқ хабардор этиш бўйича узок муддатли коммуникация стратегиясининг марказий қисми ва бу билан қуйи даражадагиларнинг кенгроқ қўллаб-қувватлашларига эришиш учун унинг одамлар кундалик ҳаётига ижобий таъсири сифатида кейинроқ ҳам давом этди.

— Кейин нима бўлди?

Бош котиб БМТга аъзо давлатларни, жумладан, қуйидагиларни муҳокама этиб ҳаракатларни бошлашга кириш учун чақирди:

- Хавфсизлик Кенгаш ислоҳ қилиш муаммолари билан тезда шуғулланиши керак бўлади.
- Бош Ассамблея ўзининг фуқаролик жамиятлари, жумладан, ноҳукумат ва ҳукумат ташкилотлари билан алоқаларини. уларнинг хиссаларидан имкон қадар кўпроқ фойда олиш нуктаи назаридан ўз маслаҳат ишларини қайта ташкил этиш асосида яхшилаш имкониятларини кидириб кўриши керак. Фуқаролик жамияти БМТ билан барча йўналишларда олиб борилаётган ишларга қандай ҳисса қўшаётганини ўрганиш учун “амалиётдаги энг яхши намуна”ни тадбиқ эта бошлаш керак.
- БМТ ахборот технологияси бўйича ўзининг ички куч-қудратини замонавийлаштириши ҳамда такомиллаштириши ва ўзининг ахборот ресурсларини Интернетга тўплаши керак.
- Бош Ассамблея янги ташаббуслар учун аниқ муддатлар белгилашни қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги қоидадан фойдаланишни тасдиқлаши керак.
- Бош Ассамблея бюджетнинг натижаларга асосланган ҳолда тузилишини тўлиқ қўллаб-қувватлаши керак.

— Ўқувчиларга тавсия этиладиган фаолият турлари

БМТ олиб бораётган ишлар мураккаблигини моделлаштириш ёрдамида яхшироқ тушуниб олиш мумкин. БМТнинг маҳаллий модел-клубига аъзо бўлинг ёки ўзларингизнинг шундай клубларингизни ташкил этинг. Буни қандай ташкил этиш мумкинлиги тўғрисидаги маълумотларни қуйидаги адресдан олинг: www.unpausa.org. Ушбу мунозаралар натижасида масалалар ва тавсия этилган фаолият турлари муҳокама этилгандан сўнг, сизга ёқадиган тарзда сиёсат олиб бораётган алоҳида кишиларга, ҳукуматлар ва ташкилотларга мактублар йўллаб ёки ушбу саъй-ҳаракатлар учун ёрдам маблағлари тўплаб ўзингиз афзал деб ҳисоблаган ҳаракатни қўллаб-қувватлаш учун илк қадамларни ташланг.

1. БМТнинг ислоҳ қилинишидан сизнинг мамлакатингиз қандай манфаатдор эканлигини ўрганиб чиқинг. Турли-туман масалалар бўйича мамлакатларнинг нуктаи назарлари Интернетдаги БМТ саҳифасида баён этилган. Ўша жойдан мамлакатингиздаги БМТнинг Доимий ваколатхонаси билан алоқа ўрнатинг. Маълумотларни қуйидаги

адресдан топасиз: www.un.org/Overview/unmemer.html. Ўз мамлакатингизнинг сиёсати тўғрисида қандай фикрдасиз? Ўзларингизнинг сайланадиган мансабдор шахсларингиз тўғрисидаги ўз фикр-мулоҳазаларингизни баён этинг. Кенг манфаатлар доирасини қамраб олган кўпсонли ноҳукумат ташкилотлар БМТ қошида, нафақат бош қароргоҳи, шунингдек унинг бутун жаҳон бўйлаб тарқалган ихтисослаштирилган агентликлари қошида рўйхатга олинган. Сизнинг минтақангизда ишлаётган ноҳукумат ташкилотлари номларини топиш учун қуйидаги саҳифага кириг: www.un.org/MoreInfo/ngolink/dpingo.htm. Сиз мазкур ташкилотлар аъзоларидан интервью олишингиз ёки ушбу ташкилотнинг БМТ билан қандай ҳамкорлик қилаётганини муҳокама этиш учун уларни синфга таклиф қилишингиз мумкин.

2. Глобал шартномада иштирок этиш учун кўплаб йирик корпорациялар таклиф этилган эди. Сизнинг мамлакатингизда фаолият кўрсатаётган корпорациялар ҳам унда иштирок этаётгани тўғрисида билмоқчи бўлсангиз [www.unglobalcompact.org/га](http://www.unglobalcompact.org/) ва [www.un.org/partners/business/га](http://www.un.org/partners/business/) кириг. Балки Сиз номлари рўйхатларда қайд этилмаган йирик корпорациялар билан алоқа ўрнатишни ва уларнинг БМТ билан иш олиб боришдаги манфаатдорликларини аниқлашни хоҳлаб қоларсиз. Бунинг ҳам имкони бор.
3. БМТ ва унинг кўплаб бўлинмаларининг ҳар томонлама ишлари тўғрисида кўпроқ билиб олиш учун синфингиз ёки мактабингизда тахминан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти куни (24 октябр) нишонланадиган муддатларда махсус тадбир ўтказишни режалаштириг. БМТнинг сизнинг мамлакатингиздаги Ахборот маркази ёки БМТ ассоциациясининг маҳаллий бўлинмаси Сизга ўз фоялари ва ёрдамларини таклиф этиш билан ёрдам кўрсатиши мумкин.
4. Қуйидаги саҳифада Сизнинг ўқув дастурингиз билан БМТ ўртасида алоқа ўрнатиш ва ташкилот ишида иштирок этишнинг қизиқарли йўллари мавжуд: www.un.org/Pubs/CyberSchooloBus/. Уни кўриб қўйишни унутманг.
5. Мактабингизда БМТга нисбатан ўзларингизнинг шахсий текширишларингизни ўтказинг. БМТ шуғулланаётган масалалар бўйича ўқувчиларнинг билимларини аниқланг; уларнинг БМТ тўғрисидаги тушунчаларини билиб олинг; болалар у тўғрисидаги маълумотларни қаердан биладилар; БМТ яна нималар қилиши керак ва бошқаларни суриштириг. Интернетнинг www.itpolicy.gsa.gov/mktm/pathways/survey/scoop1.htm саҳифасида бу каби текширишларни қандай ўтказиш йўл-йўриқлари берилган. Унинг натижалари тўғрисида маҳаллий оммавий ахборот воситаларига, ўзларингизнинг сайлаб қўйиладиган вакилларингизга ва Бош котибга хабар беринг.

Баъзи манбалар

Интернетда

www.un.org

www.netaid.org

www.unausa.org

www.epals.org

www.un.org/Pubs/CyberSchoolBus/

Босилган материаллар

“БМТ тўғрисида асосий маълумотлар”, БМТ жамоатчилик ахборотлари департаментининг “Тармоқ чакириклари”, “Интернет тараққиёт йўлида” нашрлари, Халқаро телекоммуникация иттифоқи, 1999 йил, октябр.


“Танлов”(инсон тараққиёти масалаларига бағишланган журнал), БМТ Тараққиёт дастури, 2000 йил, июн.



Асосий статистик маълумотлар



- Кейинги ўнйилликда мактабга қатнаётган болалар сони 1990 йилги 599 миллиондан - 1998 йилда 681 миллионга кўпайди.
- 1990 йилдан бошлаб мактабга қайтаётган болалар сони ҳар йили 10 миллион нафарга ошмоқда, бу 1980-1990 йиллардаги ўртача кўрсаткичдан икки баробар ортиқроқдир.
- Шарқий Осиё, Тинч океани ҳавзаси Лотин Америкаси ва Кариб денгизи ҳавзаси мамлакатлари умумий бошланғич таълимга эришишга жуда яқин бориб қолдилар.
- Мактабга қатнамаётган болалар сони 1990 йилги 127 миллиондан 1998 йилда 113 миллионга қисқарди. Масалан, Лотин Америкасида ва Кариб ҳавзаси мамлакатларида бундай болалар сони яримга: 1990 йилдаги 11,4 миллиондан - 1998 йилда 4,8 миллионгача камайди.
- Кейинги ўнйилликда мактабгача тарбия муассасаларига қатнаётган болалар сони 5 фоизга ўсди. 1998 йилда 104 миллионга яқин бола шундай муассасаларга қабул этилди.
- 1970-1998 йиллар мобайнида катта ёшдаги саводлилар сони икки баробар ўсди: 1,5 миллиарддан - 3,3 миллиардгача етди. Бугунги кунда 85 фоиз эркаклар ва 74 фоиз аёллар ўқийди ва ёза олади.
- Дунёда ёшларнинг (15-24 ёшдаги) 87 фоизга яқини саводли.
- Сон кўрсаткичларининг ўсишига қарамасдан, саводсизлик даражаси ҳамон юқорилигича қолмоқда. Айни пайтда, камида 875 миллион катта ёшдаги одамлар саводсиз, уларнинг 63,4 фоизи аёллардир. Шундай нисбат 10 йил илгари ҳам кузатилган эди.



Таълимдан ҳамма баҳраманд бўлсин

“Таълим - бутун умр мобайнида, бошланғич мактабдан тортиб узлуксиз таълимга қадар билим олиш - янги, глобал иқтисодиётнинг калитидир. Ривожланиш, ижтимоий тараққиёт ва инсон озодлиги учун у туб аҳамиятга эга.”

Бош котиб Кофи Аннанинг “Мингйиллик маърузаси”дан

— Таълим нега шунчалик муҳим?

Қизалокларни, улар қиз бола бўлгани учун ҳам мактабга боришга рухсат этишмаётганини тасаввур этинг.

Мактабда қарийб ўқимаган ёки бутунлай ўқимаган, на иши ва на бехатар бошпанаси бўлган, кўчада яшаётган ташландиқ болақайларни ёки сафдан бўшатилган кичик ёшдаги аскар болани тасаввур этинг.

Оналари дори солинган шишага ёпиштирилган ёрликни ўқий олмагани учун жон таслим қилаётган болани, ёк юридик ҳужжатни ўқий олмагани учун мерос бўлиб қолган ердан маҳрум бўлиб қолаётган фермерни кўз олдингизга келтиринг. Асосий таълим ҳар доим қарамлик, васваса ва қашшоқликдан халос бўлиш учун калит ҳисобланган. Таълим, бу - камбағалликка қарши курашадиган самарали қурол. У кўплаб одамларнинг ҳаётини сақлаб қолади ва инсонларга, уларнинг яшаш тарзларини яхшилаш учун имкон ҳадя этади. У одамларга ўз овоз бериш ҳуқуқидан фойдаланишга имкон беради. У миллатнинг қудратини ва рақобатбардошлигини оширади, ижтимоий ва сиёсий тараққиётни рағбатлантиради.

— Асосий таълим нима?

Асосий таълим, бу - фақатгина ўқишни, ёзишни ва ҳисоблашни ўрганиб олиш эмас. У ўз таркибига жуда кенг маънодаги - ҳам расмий, ҳам норасмий ва барча ёшдаги таълимларни жамлаб олади. Таълим жараёни мактабда ё бўлмаса ундан ташқарида, жумладан, уйда, маҳаллий ҳамжамият доирасида ва иш жойларида, шунингдек, дам олишда ёки шу каби бошқа жойларда кечиши мумкин. Болалик ва йиллар залвари билан чегараланмайдиган шахснинг шаклланиш жараёни қариш ёшдан бошланиб бир умрга чўзилади.

“Асосий таълим” тушунчасининг ўзи нимани англатади? “Асосий” сўзи истеъдод, удалаш, муносабат, кадрият ва далиллаш маъноларини англатади, бу эса одамларнинг тўлиқ саводли бўлишлари ва ҳаётларининг қолган қисми мобайнида ўз таълимларини такомиллаштиришларига маърифий пойдевор қўйилиши учун ғоят зарур ҳисобланади.

Асосий таълим - қолипга солинмаган ва аниқ белгилаб қўйилган тушунча эмас. Кўпгина мамлакатларда, мактабдаги расмий ўқувнинг биринчи босқичини назарда тутган ҳолда, бу тушунча бошланғич таълим маъносини англатади. “Асосий” сўзи эндиликда тўлиқсиз ўрта маълумотга нисбатан қўлланаётган мамлакатлар сони кўпаймоқда, уларнинг баъзиларида бу сўз тўлиқ ўрта маълумотга нисбатан қўлланилади. Масалан, Хитой бошланғич мактабдан мажбурий тўққиз йиллик таълимга ўтмоқда, ундан илгари кичик ёшдаги болаларни парваришlash ва маориф соҳасида қатор дастурлар мавжуд эди. Бразилияда 1996 йилда қабул қилинган қонун болаларни ўрта мактабдаги таълимнинг охирига қадар парваришлаб ўстиришдан, “асосий таълим” беришдан тортиб бутун тизимни асослаб беради. Европанинг кўплаб мамлакатлари, Шимолий Америка, Австралия, Япония ва Жанубий-Шарқий Осиёнинг қатор мамлакатларида асосий таълим таркибига бошланғич, шунингдек, ўрта маълумот бериш кабилар қиради.

Кўпгина мамлакатларда, (бундай мамлакатлар сони тобора кўпайиб бормоқда) “асосий” таълим тушунчаси таркибига маорифнинг “ўрта маълумотдан кейинги таълим” деган кўриниши ҳам кириб келмоқда, бу эса, ишлаш учун пойдевор ёки ёшлар таълимининг навбатдаги босқичи сифатида олиб қаралади.

— Сон ўрнига сифатга эътибор

Ҳамма сифатли таълим олсин деган иборанинг - таълимдан ҳамма баҳраманд бўлсин деган иборадан фарқи бор, албатта. Бугунги кунда болаларни мактабга беришнинг ўзи билан иш битмаслигини кўпчилик яхши билади. Мухими, болалар мактабда ниманидир ўрганишлари ва уни ташлаб кетмасликларидир.

Эндиликда мамлакатларнинг кўпчилиги, жумладан, Бангладеш, Бразилия, Хитой ва Мексика сингари аҳоли кўп яшайдиган мамлакатлар ҳам сифат тўғрисида бош қотирмоқдалар. Бу тушунча ўз доирасига мактабларнинг моддий аҳволдан тортиб яхши ўқитувчилар тайёрлашгача ва ўқув қўлланмаларини яратишдан тортиб бу ишга ота-оналарни фаолроқ жалб этишгача бўлган муаммоларни қамраб олади.

Таълим тизимида самарадорликни зудлик билан оширишга эҳтиёж сезилмоқда. Бугунги кунда Жанубий Осиё ва Саҳрои Кабирдан жанубдаги мамлакатлардаги ҳар тўрт ўқувчининг учтаси мактабларнинг бешинчи синфига етиб боролмаяптилар. Уларнинг мактаб тизимларида, самарадорлик нуқтаи назаридан, иккинчи йилга қолиб ўқийдиганлар ва мактабни ташлаб кетаётганлар учун ресурсларнинг тўртдан уч қисми сарфланмоқда. Мактабга 1995 йилда борган 96 миллион ўқувчининг қарийб тўртдан бир қисми, тўғриси айтганда, бешинчи синфга етиб бормасдан ўқишни ташлаб кетадилар. Кўплаб одатдаги ва ўзлаштиролмаётган ўқувчиларнинг эҳтиёжларига мос фаолият кўрсата олмаган мактабларнинг фаолият кўрсатиши қийинлашади ва улардан барча болалар баҳраманд бўла олмайдилар.

Бунинг бирнеча сабаблари бор. Кўпгина мамлакатларда таълим тизими иктисодий бўҳронлар ва сифатга салбий таъсир кўрсатадиган бошқа омилларга жуда секинлик билан мослашади. Кўпинча, мактабда бугун ўргатилаётган билим шу куннинг эҳтиёжлари билан мос келмайди. Таълим дастурлари давр билан ҳамоҳанг, меҳнат бозори ёки маҳаллий маданиятга вобаста бўлмаса, эртами, кечми, барибир ўз “мижозлари”ни йўқотади.

Таълим сифатига, ниҳоят, кўплаб ташқи омиллар ҳам таъсир этади, жумладан, бу ҳолда ижтимоий аҳвол ва ўқувчилар саломатлиги кабилар ҳам энг охириги сабаблар эмасдир. Таълим сифати - фақатгина яхши ўқитувчилар ва ўқув материаллари, дегани эмас. Бу даражани яхши ўқувчилар ҳам белгилайди. Чунки, болалар ҳам соғ-саломат, қоринлари тўқ ва таълим учун тайёр бўлишлари керак.



— Имкониятлардан маҳрум этилган болалар ва ёшлар

Бугунги кунда 113 миллион бола таълимдан бебахра қолмоқда. Уларнинг кўпроғи қизлардир. Ушбу болаларнинг юз миллиони тараққий этаётган мамлакатларда яшайдилар. Имкониятлардан маҳрум этилган болалар, бу - қўшинлар таркибига чақириб олинган Жанубий Американинг тоғларида яшайдиган қабилалик бола ёки Осиё хилватгоҳларида фоҳишабозлик билан шуғулланаётган қизалоқдир. Лекин улар, ташландиқ болалар сингари инсонийликнинг бирмунча тубан даражасида турадилар. Бошқа ҳолларда ҳам сабаб жуда оддий бўлиши мумкин, аммо самара, бари бир ҳалокатлидир. Бундай ҳолатлар, масалан, африкалик норасидани, одатда қизалоқларни далада ишлашга, сув ташишга ёки кичикрок болаларни боқишга мажбур этишларида намоён бўлади.

Ижтимоий, маданий, иқтисодий ва жисмоний омилларнинг ғоят чигаллашиб кетган тўри болаларни таълим тизимидан маҳрум этади. Таълимдан болаларни - ота-оналар шерик сифатида қўллаб қувватламаганликлари учун мактаб; ўқитувчиларни баб-баробар қўллаб-қувватлаш таъминланмагани учун тўрачилик; болалар манфаатлари учун сиёсат олиб бормаётган ҳукуматлар маҳрум этмоқдалар. Чунки ҳукуматлар норасмий таълим доирасини қамраб олишда ҳаддан ташқари сусткашлик қилмоқдалар, камбағал болалар таълими билан, кўпроқ ноҳукумат ташкилотлари шуғулланмоқдалар. Бироқ аниқ тараққиётга эришиш учун ноҳукумат ташкилотлар ва ҳукуматлар ўртасида яна ҳам самарали ҳамкорлик муносабатлари зарур бўлади.

Жамият хилватгоҳларида қолиб кетаётган болаларни қамраб олиш - ихтирочилик фазилатларини намоён этган ҳолда ҳал қилинадиган қийин ва қимматли вазифадир.

Бугунги имкониятлардан маҳрум этилган болалар, бу - эртанги аросатда қолган ёшлардир. Таълим билан қамраб олинмаган болалар ёшликка жамиятда яшаш учун зарур бўладиган асосий кўникмасиз қадам қўядилар. 15-24 ёшдагилар сони тарихда мисли кўрилмаган миқдорни - қарийб бир миллиардни ташкил этмоқда. Бу сон яна ҳам ўсиб борапти.

Турли ижтимоий гуруҳлар ўртасида муаллақ, яъни аросатда қолиш фақатгина ривожланаётган мамлакатлардаги ёшларни қамраб олган эмас. Ёшлар орасидаги ишсизлик ва ижтимоий имкониятлардан бебахраликнинг бошқа шакллари саноати ривожланган йирик мамлакатларда юқори нуктага етди. Ёшларни “generation salle d'attente” - “кутиш хонасидан чиққан авлод” деб чақиришадиган Францияда, ҳар тўртинчи ёш ишламайди. Кейинги ўнйилликда ёшларнинг имкониятлардан бебахра қолишларига қарши жамоа ва кечки мактаблар, радиодан сиртки таълим дастурлари ва камбағалларга, уларнинг тирикчилик учун зарур маблағни топишларига керак бўладиган малакани эгаллашларига ёрдам беришда фойдаланиш сингари янги усуллар пайдо бўлди.

— Хўрлаш эмас, таълим бериш керак

Қизларга таълим бериш нафақат иқтисодий, балки инсоний тараққиёт нуктаи назаридан ҳам самара беради. Бироқ бугунги кунда, жаҳонда қизлар, илгаригидек, жинси туфайли камситилиши оқибатида, ўғил болаларга қараганда кўпгина имкониятлардан доимий тарзда маҳрум этиб келинмоқда. Ривожланаётган мамлакатлардаги мактабга бормаётган 110 миллион боланинг 60 фоизи қизлардир. Болалар ва аёлларга таълим бериш кўпгина мамлакатларда кун тартибига киритилганига қарамай жинси бўйича фарқлаш ҳамон тоқат қилиб бўлмас даражада катталигича қолмоқда, шунинг ҳам қайд этиш керакки, айни кунларда 1990 йилга қараганда 44 миллиондан кўпроқ қизалоқ бошланғич мактабларга қатнамоқда.

Асосий таълим қизларга яхши самара беради, жумладан:

- Маълумоти бўлган қиз, одатда турмушга кечроқ чиқади ва оилани режалаштириш усулларига тез-тез муурожаат этади.

- Болалар ўлими камаяди, чунки маълумоти юқори ота-оналарнинг фарзандлари гўдаклик даврини эсон-омон бошдан кечиришлари ҳақиқатга яқинроқдир.
- Оила даромадлари кўпаяди, чунки маълумоти юқори ота-оналар, болаларни оилада кўпайтирмайдилар ва яхши маош тўлайдиган ишларда ишлашлари ҳақиқатга яқинроқ.
- Маълумоти юқори ходимлар самаралироқ меҳнат қиладилар ва ўз ишини такомиллаштириш йўлларини қидириши эҳтимолга яқинроқ.

Борган сари кўпроқ ҳукуматлар қизлар таълимининг муҳимлигини тушуна бошламоқдалар.

- Мисрда ҳукумат қизлар учун жамоа мактабларининг муваффақиятли концепциясини - болаларнинг расмий таълим тизимини босиб ўтишларига мўлжалланган катта эътибор билан ўқитиш ва синфга раҳбарлик қилишни жорий этмоқда.
- Малавида мактаб учун тўланадиган ҳақ ва мактаб формаси бекор қилиниб, ота-оналарнинг таълим учун сарфлайдиган харажатлари камайтирилди.
- Хитойнинг Машан округида қизларни мактабга бериш учун самарали тадбирлар қабул қилаётган қишлоқлар ва оилаларга қарзлар ва тараққиёт учун маблағлар биринчи навбатда берилади.
- Баъзи мамлакатларда қизларни мактабда қолишлари учун, кўпинча уларга алоҳида хожатхона қуриб бериш каби оддийгина тадбирнинг ўзи кифоядир.

Жинс бўйича фарқлашни камайтириш борасида, айниқса Африка ҳамда Жанубий Осиё мамлакатларида амалга ошириш зарур бўлган катта ишлар турибди. Жанубий Осиёда, ўрта ҳисобда олти ёшли қизалоқ мактабда 6 йил, ўша ёшдаги боладан уч йил кам ўқишни мўлжаллай олиши мумкин, холос. Агар шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги фарқ жинслар ўртасидаги фарқ билан чуқурлашиб борса, қизлар янада кўпроқ йўқотишга маҳкум бўладилар. Қишлоқда яшаётган қизнинг мактабни ташлаб кетиш эҳтимоли шаҳарлик боланинг мактабни ташлаш эҳтимолидан уч марта ортироқдир. Синфларда камситиш кучаймоқда. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, шундай анъаналар борки, эркак ўқитувчилар ҳам, аёл ўқитувчилар ҳам ўғил болаларга кўпроқ эътибор билан қарайдилар. Бундай ёндошувларга барҳам бериш учун ҳозирги пайтда алоҳида ўқув дастури ишлаб чиқилди.

Жинс бўйича фарқлаш, баъзи ҳолларда анъанавий динларда ва амалиётда илдири отган. Яъни қизлар уйга ва укаларига кўз-қулоқ бўлиб туришлари, эртароқ эрга чиқишлари керак, деб ҳисобланади. Баъзи ҳолларда қизлар - болалар ва хатто, ўқитувчилар томонидан жинсий яқинлик қилишга мажбурланишидан қўрққан ота-оналар уларни таълим тизимида ишонмайдилар.

Аmmo, оналари юқори маълумотга эга бўлган қизларнинг мактабга боришлари эҳтимолга яқин. Шу боис, БМТнинг маориф, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) қизларни ҳам, уларнинг оналарини ҳам битта дастурнинг ўзи билан қамраб олиш зарурлигини таъкидлайди. Бой фантазия ёрдамида топишмоқлар, қофияланган шеърлар ва радиоэшиттиришлардан фойдаланган ҳолда маҳаллий компания томонидан Малининг қишлоқ районларидан бирида Кайс лойиҳаси бўйича ўтказилган бу икки томонлама ёндошув муваффақиятли чиқди ва қизалоқлар ва хотин-қизларга бўлган анъанавий муносабатни ўзгартириб юборди. Қишлоқ аёллари саводсизликни тугатиш ва даромад манбаларини яратиш фаолиятига жалб этилгани зоҳати улар қизларга таълим бериш ҳаракатини қўллаб-қувватлаб юбордилар.

Маорифни молиялаш учун қарзларни ҳисобдан чиқариш

Ривожланаётган мамлакатларда ташқи қарзлар маориф бюджетини кесиб қўядиган тўсиқлардан бири ҳисобланади. Таълимни сармоялаш йирик, узоқ муддатли фойда берса ҳам, ҳукуматлар ташқи қарзларга хизмат кўрсатиш маблағларининг кўплаб қисқа муддатли талабларига дуч келадилар. Тўловлар муддатини кечиктириш мамлакатнинг янги қарзлар олиш ва импорт учун тўловлар имкониятларида зудлик билан ўз аксини топади. Бироқ давримизнинг бой мамлакатлар камбағалларга ёрдамларини қисқартираётган ҳозирги босқичида, камида бир неча ташқи қарзни ҳисобдан чиқариш эвазига ва ушбу ресурслардан таълимни сармоялаш учун фойдаланиш харажатлари нуқтаи назаридан глобал даражада кучли асос мавжуд.

Бирмунча қарзга ботган мамлакатларнинг қарзларини ҳисобдан чиқариш борасидаги Бутунжаҳон Банки ва бир гуруҳ бой мамлакатлар томонидан қўллаб-қувватланган 1966 йилги ташаббус тузилмавий қайта қуриш сиёсатида ижтимоий аҳамият касб этди. 1999 йилда Германиянинг Кёльн шаҳрида бўлиб ўтган учрашувда таркибида дунёнинг бир неча энг бой мамлакати бўлган “Катта саккизлик” унинг қўламларини кенгайтди. Аммо кўпчилик, қарзларни ҳисобдан чиқариш учун ёрдамлашиш жуда секинлик билан борапти, бу ишда сансоларлик қилинмоқда ва жараён кўплаб махсус шартлар билан чегаралаб қўйилмоқда. деб ҳисобламоқдалар.

— Таълимдан ҳамма баҳраманд бўлсин: тараққиёт босқичлари

- 1948: БМТ томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқларининг умумий декларацияси. Таълимни инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бири деб эълон қилади.
- 1959: Болалар ҳуқуқлари декларацияси. Таълим олишни ҳар бир боланинг ҳуқуқи деб эълон қилади.
- 1966: Ирқий камситишларнинг барча шакллари бартараф этиш тўғрисидаги Халқаро Конвенция - ирки ва этник келиб чиқишидан қатъи назар ҳар кимнинг таълим олиш ҳуқуқи борлигини эълон қилади.
- 1981: Хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг барча шакллари бартараф этиш тўғрисидаги конвенция хотин-қизларни камситишга чек қўйиш ва уларга таълим соҳасида тенг ҳуқуқни таъминлашга чақиради.
- 1990: Ҳаммага таълим бериш бўйича Тайланднинг Жомтиен шаҳрида Ҳаммага таълим бериш бўйича ўтказилган Бутунжаҳон конференциясида қабул этилган Ҳаммага таълим бериш бўйича Бутунжаҳон Декларацияси - “Ҳар бир бола, ҳар бир ёш, катта ёшдаги ҳар бир одам таълимнинг, уларни ўқишга бўлган асосий талабларини қондиришга йўналтирилган имкониятларидан фойдаланишлари мумкин” деб эълон қилиб, таълимдаги янги йўналишни белгилаб берди.
- 1993: Таълим масалалари бўйича олий даражада ўтказилган “Е-9” учрашувида дунёнинг аҳоли кўп истикомат қиладиган тўққиз мамлакатининг ҳукумати - бошланғич таълимга умумий мақом бериш ва 2000 йилгача ўз мамлакатларида саводсизликни бирмунча қисқартириш мажбуриятини олдилар.
- 1996: Ҳаммага таълим бериш бўйича Халқаро консултатив форумда қабул қилинган Уммон мурожаатномаси 1990 йилги Ҳаммага таълим бериш борасидаги конференция томонидан белгиланган мақсад-вазифаларга эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатларни жадаллаштиришга чақиради.
- 1996: ЮНЕСКО ўзининг XXI аср таълими бўйича Халқаро комиссияси ҳисоботида таълимга



тўрт “асосий ғоя” дан ташкил топган ялпи ёндошувини: билим олиш учун ўқиш; яратишни ўрганиш; яшаб қолишни ва биргаликда яшашни ўрганишни тарғиб этади.

2000: 2000 йилнинг 26-28 апрелида Сенегалда ўтказилган Таълим бўйича Бутунжаҳон форумида қабул этилган Таълим доирасидаги Дакар ҳаракат дастури ҳукуматларни, қизлар таълимига алоҳида эътиборни жалб этган ҳолда 2015 йилга қадар ҳамма учун сифат даражаси юқори бўлган асосий таълимни таъминлаш вазифасини юклайди. Мамлакатлар ва донор институтлар, “асосий таълимга чинакамига интилаётган бирор мамлакатда, бу мақсадга эришиш йўлига маблағнинг йўқлиги ғов бўла олмайди” деган мажбуриятни қабул қиладилар.

— Таълим соҳсидаги янги вазифалар

Таълим олиши учун келгусидаги саъй-ҳаракатлар мураккаб муаммолар билан боғланиб кетган, жумладан: кенг тарқалган эпидемик касалликлар - пандемия ўқитувчилардан жудо этиш, ота-оналарни йўқотиш билан вайрон этувчи даражасида таъсир кўрсатган Африка сингари минтақаларда ОИТСга чалинганларни таълим билан қандай қамраб олиш мумкин бўлади, шунингдек ўқитувчилар, ўқувчилар томонидан дарсларни қолдиришга қандай барҳам бериш мумкин? Сон санови ўсиб бораётган қочоқлар ва аралашиб кетган шахсларни таълим билан қандай таъминлаш мумкин? Ўқитувчиларнинг ўз ролларини янгича тушуниб олишлари учун қандай ёрдам бериш керак? Ва, ниҳоят, янги технологиядан камбағалларнинг манфаати учун қандай фойдаланса бўлади?

Балки, дунёдаги барча чақириклардан ҳам муҳими, бўйнидаги катта қарзлар билан 700 миллион одам яшаётган 42 мамлакатга - таълим камбағаллик устидан ғалаба қилиши учун ва миллионлаб болалар ўз куч-қудратларини тўлиқ рўёбга чиқаришларига имконият яратиш учун ёрдам кўрсатишдир?

Таълимда ҳаммасидан ҳам зарур бўлган омил, бу - қўшимча маблағлардир. БМТ Бош қотиби Кофи Аннан ўзининг “Мингйиллик маърузаси”да таъкидлашича, ривожланаётган мамлакатлардаги 130 миллион болани, улар бебаҳра қолаётган бошланғич таълим билан таъминлаш учун таълимни ўн йил мобайнида йилига қўшимча равишда 7 миллиард доллар билан сармоялаб туриш талаб этилади. Фақат мактаблар билан муаммо ҳал бўлмайди. “Мактаблар талаб даражасида бўлиши, малакали ўқитувчилар хизмат кўрсатиши ва дарсликлар, ўқув қуроллари ҳамда камбағаллар учун зарур бошқа ашёлар, шарт-шароитлар билан таъминланиши керак”.

Бош қотиб жуда аниқ мақсад-вазифаларни белгилаб берди: 2005 йилга бориб бошланғич ва ўрта таълимда жинс бўйича фарқлашни сезиларли даражада камайтириш, 2015 йилга бориб болаларни ҳам, қизларни ҳам барча кичкинтойларни, ҳамма жойда бошланғич таълим олишларини барқарор этиш.

“Ушбу марраларга эришиш бизнинг ғоят хушёрлигимизни, топқирлигимизни ва журъатимизни талаб этади. Бу - бутун халқаро ҳамжамият учун имтиҳон бўлади” - деди жаноб Аннан 2000 йилнинг апрелида Сенегалнинг Дакар шаҳрида ўтказилган маориф бўйича Бутунжаҳон форумида.

— Ўқувчиларга тавсия этиладиган фаолият турлари

1. Биласизми, Инсон ҳуқуқлари умумий декларациясининг қайси моддасида таълим олиш ҳуқуқи тўғрисида гапирилади? Декларациянинг бир нусхасини топинг ва таълимнинг ушбу ҳуқуққа қирадиган турли жиҳатларини тушунтиринг (<http://www.unhchr.ch/udhr/index/htm>).
2. Бу ҳуқуқни сизнинг мамлакатингизда, ҳамжамиятингизда ҳурмат қиладиларми? Агар ҳурмат қилмаётган бўлсалар бунга нималар тўсқинлик қилмоқда? Синф учун шу мавзуда лойиха тарикасида тадқиқот ўтказинг.

3. Дўстларингиз, оила аъзоларингиз, маҳаллий таниш-билишларингиз ва сайланадиган шахслар иштирокида “Таълимдан ҳамма баҳраманд бўлсин” деган кампания ўтказинг.
4. Бутунжаҳон саводлилик куни (8-сентябр)ни кўргазмалар, семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқа шу каби турли-туман тадбирлар билан нишонланг. Мактабга қаровсиз болалар, аросатда қолган ёшлар билан ишлайдиган, катталарнинг саводини чиқариш, қочоқлар ва имкониятлардан маҳрум этилган бошқа гуруҳлардаги одамлар билан шуғулланадиган маҳаллий ташкилотларнинг вакиллари чақиринг, улар билан баҳс-мунозара уюштиринг (<http://www.unesco.org/education>).
5. Ўқитувчилар ва маориф ходимлари бизнинг жамиятимизни тамал тоши ҳисобланадилар. Бутунжаҳон ўқитувчилар куни (5-октябр)ни ота-оналар, маҳаллий маориф ташкилотлари, маҳаллий ҳамжамият раҳбарлари ва оммавий ахборот воситалари билан биргаликда нишонлаб, ўқитувчиларни қандай баҳолашингиз ва қўллаб-қувватлашингизни намойиш этинг (<http://www.unesco.org/education>).
6. Саводсизликни тугатиш билан шуғулланадиган маҳаллий ассоциация ёки жамоатчилик ташкилоти ёхуд норасмий таълим лойиҳаси ташкилотчилари билан боғланинг, улар билан билим ва тажрибаларингизни ўртоқлашинг. Катталарни саводини чиқариш учун кечки курслар ташкил этинг ва ўқиётганларга ўз ҳаётлари ва анъаналари тўғрисида тажриба алмашиниш тариқасида гапириб бериш учун уларни таклиф этинг.
7. Нохукумат ташкилотлари, маҳаллий гуруҳлар ва баъзи шахслар томонидан тавсия этилган ва амалга оширилган, таълим соҳасидаги турли-туман, унчалик йирик бўлмаган лойиҳаларни молиялаштиришга ёрдамлашаётган, ЮНЕСКОнинг Биргаликдаги ҳаракатлар дастури орқали бутун дунёни ҳаяжонга солаётган муаммолар тўғрисида кўпроқ билиб олишга ҳаракат қилинг ва уни қўллаб-қувватланг. Сиз муҳтожлик исканжасида қолган Самоа болалари; Буркина-Фасодаги қишлоқ болалари; Гватемаладаги аросатда қолган ёшлар кутубхоналари ёки шу сингари ҳарқандай хайрли иш учун маблағ тўплашингиз мумкин. ЮНЕСКОнинг Биргаликдаги ҳаракат дастури (ташкилотнинг қароргоҳи Парижда жойлашган, телефони (+33-1) 45 68 215 66 ёки факс (33-1) 45 68 55 07) лойиҳалари тўғрисидаги китобчага мурожаат этинг.

== Баъзи манбалар

Интернетда

www.unesco.org - БМТнинг маориф, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти
www.unesco.org/efa - Таълим бўйича бутунжаҳон форуми
www.unicef.org БМТнинг Болалар ташкилоти
www.ie-ei.org - Халқаро таълим
www.un.org Бирлашган Миллатлар Ташкилоти
www.worldbank.org - Бутунжаҳон банки
www.undp.org - БМТнинг Тараққиёт дастури
www.unesco.org/education/e_learning - Интернетдаги маориф ва ўқитиш тўғрисидаги материаллар тўпланган бўлимга кириш

Босилган материаллар:

Таълимдан ҳамма баҳраманд бўлиши тўғрисидаги бутунжаҳон декларацияси, 1990

Дунёдаги маорифнинг ахволи тўғрисидаги ҳисобот, ЮНЕСКО, 2000

“Машк: ички бойлик”, 1996, ЮНЕСКОнинг Жак Делор раҳбарлик қилаётган маориф бўйича комиссиясининг XXI асрга ҳисоботи.

“Таълимдан ҳамма баҳраманд бўлсин 2000 йил учун эксперт баҳоси: глобал таҳлил”, ЮНЕСКО, 2000

“Таълим бўйича Бутунжаҳон форумининг якуний ҳисоботи (Дакар, Сенегал, 26-28 апрел 2000)”, ЮНЕСКО, 2000

“Таълим доирасидаги ҳаракат дастури. Таълимдан ҳамма баҳраманд бўлсин: бизнинг жамоа мажбуриятларининг бажарилиши”. Таълим бўйича Бутунжаҳон форуми томонидан қабул қилинган

“Барча инсон зоти... Инсон ҳуқуқлари соҳаси учун таълим бўйича қўлланма”, ЮНЕСКО, 1998 йил

(Ушбу бўлим ЮНЕСКО томонидан тайёрланган)

Асосий статистик маълумотлар



- Тараққий этаётган мамлакатлардаги 500 миллиондан ортиқ болалар кунига бир доллардан кам маблағ ҳисобига кун кечиришга мажбур.
- Тараққий этаётган мамлакатларда ҳар йили 2 миллионга яқин бола тоза ичимлик суви ва шу сингари санитария-гигиена шарт-шароитлари бўлмаганлиги туфайли ҳаёт билан видолашмоқда.
- Дунё бўйича 110 миллиондан ортиқ кичик ёшдаги болалар мактабга бормайдилар.
- ОИТСдан 1999 йили 15 ёшдан кичик бўлган 500 минг бола ҳалок бўлди, эпидемия бошланганидан буён шу ёшдаги 3,8 миллион бола ҳаёт билан видолашди.
- Ҳар йили соғайтириб олиш мумкин бўлган сабаблар билан 11 миллион бола ўлиб кетмоқда.
- 33 миллиондан ортиқ болалар кўрмай қолишга ва кўп учраб турадиган қизамиқ ҳамда ичаклар бузилиши каби касалликлардан ҳалок бўлишга олиб келадиган А витамини етишмаслигидан азоб чекадилар.
- Ҳисоб-китобларга қараганда бутун дунё бўйича 250 миллионга яқин бола ишлайди.
- Ўтган ўн йиллик мобайнида қуролли можароларда қарийб 2 миллион бола ўлдирилган.

Болалар ҳуқуқлари



“Барча болаларга - барча ҳуқуқлар” тамойили ҳалигача ҳаётда ўз ўрнини эгаллаган эмас”.

БМТ бош котиби Кофи Аннанинг 2000 йил учун “Миллатлар тараққиёти” ҳисоботидан.

— Кўча боласининг қисмати¹

“Менинг отим Америго. Ёшим ўн учда, кўчада, ёлғиз яшайман. Қачонлардир отам ташлаб кетган, онам мен билан бирга яшашни хоҳламайди. Отам жуда узоқда яшайди. Мен унинг ёнига боришим мумкин, лекин у ҳам мени олишни хоҳламайди.


Хуллас, менинг уйим - кўча. Илгарилари латта-путталарни йиғиб, эски-тускиларни сотувчига пуллар эдим. Мен қандайдир бир жиддий касалликни юқтирганимдан сўнг, доктор менга бу машғулоти тақиқлаб қўйди. Бироз вақт музқаймоқчи билан ишладим. Мен пляжда музқаймоқ сотар эдим. Бу - машаққатли ва бесамар иш. Оғир яшиқ тўла музқаймоқни кўтариб юришга тўғри келади. Ҳозир пойабзалларни тозалаяпман. Бу ҳам оғир иш. Бирок ҳеч қачон қорин тўймайди, кейинги кеча қаерда тунашимни билмайман. Мен уйда яшашни ва хотиржам ухлашни жуда-жуда хоҳлар эдим. Қишда кечалари роса совуқ бўлади. Совуқдан кўчада ўлиб қолиш ҳеч гап эмас.”

Болалар ҳуқуқларини ҳимоя этиш бўйича халқаро шартнома

Америгонинг ахvoli - ягона воқеа эмас. Бутун дунё бўйича юзлаб болалар кўчаларда яшайдилар, хавфли жойларда ишлайдилар. Уларни ҳар доим камситадилар, кўпинча бу болаларнинг оддийгина ҳуқуқлари ҳам йўқ. Худди шундай болаларни муҳофаза этиш мақсадида БМТ 1989 йили тарихий ҳужжатни - Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни қабул қилди.

Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция болалар ҳуқуқларини ҳамма жойда амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқилган инсон ҳуқуқлари борасидаги халқаро шартнома

¹ “Инсон ҳуқуқлари ҳақида” китобидан мослаштириб олинди, БМТ, 1992



ҳисобланади. У қарийб бутун жаҳон ҳамжамиятлари томонидан ратификация қилинган. Конвенцияни ратификация қилган 191 мамлакат кўнгилли тарзда зиммаларига Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция қоидаларини маъмурий, қонунчилик, суд ва бошқа чора-тадбирлар ёрдамида ҳаётга татбиқ этиш мажбуриятини олдилар.

■ Кимларни болалар деб ҳисоблаш мумкин?

Конвенцияга мувофиқ 18 ёшгача бўлганлар болалар ҳисобланадилар. Болаларнинг алоҳида эҳтиёжлари бор, деган фикр - болаларга ҳам ҳуқуқларнинг катталар учун зарур бўладиган фуқаролик, сиёсий, ижтимоий, маданий ва иқтисодий сингари камалаклари зарурдир, деган ишончга ўз ўрнини бўшатиб берди. Конвенцияга биноан, болалар ҳуқуқлари ҳар қандай камситишларсиз амалга оширилиши керак. Барча ҳаракатлар ва сиёсат мутлақо болалар манфаатлари йўлида амалга оширилиши керак. Болалар ҳар доим барча тадбирларга иштирок этиш учун жалб қилинишлари ва барча ҳаракатлар болаларнинг ўсиб-унишлари ва ривожланишларини таъминлашга йўналтирилган бўлиши керак.

■ Ратификация нимани англатади?

Ҳуқуматлар Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилганларида, актни амалга оширганларида, бу билан ўз зиммаларига уни бажариш бўйича расмий ва ошқора юридик мажбурият оладилар, улар болалар ҳуқуқларини ҳимоя этишга ва қўллашга, шунингдек, бу ишга Конвенция қоидаларига мувофиқ ёрдамлашишга киришадилар. Ўн нафар мустақил, сайлаб қўйиладиган инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро экспертдан ташкил топган БМТнинг Болалар ҳуқуқлари қўмитаси мазкур ҳуқуқларга амал қилинишини текшириб туриш ишларини амалга оширади.

■ Болалар ҳуқуқларини ривожлантириш тарихи

- 1924: Миллатлар лигаси Болалар ҳуқуқлари бўйича биринчи декларацияни тасдиқлайди.
- 1945: БМТ Низоми мамлакатларни инсонларнинг ҳуқуқ ва асосий эркинликларини ҳурмат қилинишига ёрдам беришларини қўллаб-қувватлайди.
- 1948: БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқларининг умумий декларацияси “барча инсонлар ўз кадр-қиммати ва ҳуқуқлари билан, озод ва тенг бўлиб туғилдилар” дея тасдиқлаб, болалар ҳуқуқларини ва оналик ҳамда болалик алоҳида эътибор ва ҳимояга муҳтож эканлигини тан олади.
- 1948: Бош Ассамблея етти пунктдан иборат бўлган, 1924 йилги Декларация қоидаларига асосланган қисқа ҳужжатни - Болалар ҳуқуқларининг иккинчи декларациясини қабул этади. Унда шундай дейилади: “... барча мамлакатларнинг эркаклари ва аёллари инсоният болаларга энг яхши нарсаларни беришлари лозимлигини тан олиб, бу мажбуриятни ҳар жиҳатдан адо этиш зарурлигини тантанавор вазиятда эълон қилади ва буни ўзининг вазифаси деб билади.”
- 1959: Бош Ассамблея учинчи, янада батафсил Болалар ҳуқуқлари декларациясини қабул қилади.
- 1961: Халқаро қонунчилик асоси иккита - фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги ҳамда иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактлар

қабул қилиниши билан мустаҳкамланади. Ушбу шартномалар 1976 йилда кучга кирди ва ҳар бир одамнинг давлатлар томонидан ҳурмат қилиниши борасида маънавий ва юридик мажбуриятлар қабул қилинишини таъминлади.

1989 йилда Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни қабул қилишга ва уни 1990 йилда кучга киритишга олиб келган барча саъй-ҳаракатлар, ҳамма мамлакатлар, маданиятлар ва динларга тааллуқли одамлар зиммаларига, унда бутун дунё болалари, бунга ҳақ-ҳуқуқлари бўлган - яшаш, саломатлик ва таълим олиш ҳуқуқларидан, оилага ғамхўрлик қилиш, ўйинлар ўйнаш ва маданий дам олиш ҳуқуқларидан, эксплуатация ва турли хил бадкорликлардан ҳимояланиш ҳуқуқларидан фойдаланишлари мумкин бўлган шундай шароитни таъминлашлари учун иш олиб боришни юклаганга йўналтирилган. Шунингдек, бу кишилар турмушларига тааллуқли бўлган масалалар бўйича қарорлар қабул этишда улар билан ҳам ҳисоблашишлари ва фикр-мулоҳазаларини инobatга олишлари сингари ҳуқуқларга ҳам эгадирлар.

— Болалар манфаатларини янгича қандай тасаввур этиш мумкин?

Конвенцияда, ҳамма болалар, барча одамларга азалдан хос бўлган ҳуқуқларнинг чинакам эгалари эканлиги, бу ҳуқуқлар уларга берилаётган алоҳида эркинлик сифатида қаралмаслиги, болаларга зўр марҳамат, инъом, ё бўлмаса хайр-саховат тариқасида инъом этилмаслиги аниқ-ёркин таъкидлаб кўрсатилади. Бу ҳуқуқлар ҳар бир одамга бурч ва масъулият юклайди. Болалар табиатидаги нозиклик ҳамда уларнинг ўзгача муҳофаза этилганлиги ва уларга ёрдам кўрсатиш борасидаги ижтимоий масъулиятни эътироф этган ҳолда Конвенция ижтимоий ўзгаришларнинг янада кенгрок жараёнларида қарорлар қабул этишда боланинг фуқаро, ҳамкор сифатидаги кадр-қиммати тўғрисида изох беради. Шундай қилиб, Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция болаларни ҳаётда фаол иштирок этувчи, жамиятнинг тўлақонли ва қимматбаҳо аъзоси сифатида олиб қарайди.

— Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция қай жиҳатлари билан қадрли

- У комплекс характерга эга. Бу - болалар учун инсон ҳуқуқларининг фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий сингари барча товланишларини таъмин этадиган ягона конвенциядир.
- У универсал характерга эга, барча ҳолатларда ва чинакамига барча халқаро ҳамжамиятларда, барча болалар учун татбиқ этиш мумкин.
- У қатъий фаолият кўрсатади ва барча ҳукуматларни болаларни ҳаммасининг ҳуқуқларини ҳимоя этиш учун саъй-ҳаракатлар қабул этишга чакиради.
- У - яхлитдир, чунки унинг таъкидлашига қараганда барча ҳуқуқлар муҳим, муштарак, бир-бирларига боғлиқ ва тенгдир.

— Болалар парламенти

Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция, шунингдек, болалар ҳаётига дахлдор бўлган қарорларни қабул қилишда болаларнинг ўзларини ҳам иштирок этишларини кўзда тутлади. агар болаларга сайлаш имконияти ва бунинг учун зарур ахборотлар берилганда улар қандай хисса кўшишлари мумкинлигини Ливандаги “Болалар парламенти” кўрсатиб турибди. 1996 йилдаги миллий парламент сессияларининг бири чоғида парламентчилар ўринларини 8 ёшдан 16 ёшгача

бўлган 128 бола эгаллади. Улар ўзларининг ҳуқуқларини атроф муҳит муҳофазаси масалаларини муҳокама этдилар.

“Болалар парламенти” мажлиси бўлиб ўтган даврдан кейин ижобий ўзгаришлар рўй берди. Эндиликда барча болалар саломатлигини суғурта қилиш, ногирон болалар ҳуқуқлари ва давлатнинг болалар харажатлари каби масалалар Ливан сиёсатининг олдинги марраларида туради.

— Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг тўрт асосий тамойиллари

- Болалар “уларнинг ота-оналари ва боқувчиларининг ирқлари, терисининг ранглари, жинслари, тиллари, динлари, сиёсий ва бошқа эътиқодлари, миллий, этник ёки ижтимоий келиб чиқишлари, моддий мавқелари, соғ-саломатликлари ва туғилганликлари ҳамда қандай бўлмасин, бошқа ҳолатлардан қатъи назар” камситишларга маҳкум этилмасликлари керак (2-модда).
- Болалар ўз ҳаётларининг барча жабҳаларида, жумладан, жисмоний, ҳиссий, рухий, ақлий, ижтимоий ва маданий соҳаларда яшаш ва ривожланиш ҳуқуқига эгадирлар (6 ва 27-моддалар).
- Ҳар бир кичкинтой ёки барча болаларга тегишли ҳамма қарорлар ёки ҳаракатларда болаларнинг манфаатлари ҳисобга олинishi керак. Бу - ҳуқуматлар, маъмурий ва суд органлари, шунингдек, оилалар томонидан қабул этиладиган қарорларга тааллуқлидир (3-модда).
- Болалар тинч йиғилишлар ўтказиш, ўзларининг ҳаётларига боғлиқ барча ишларда фаол иштирок этиш, фикр-мулоҳазаларини эркин ифода этиш ва ўз қарашларига жиддий муносабатда бўлиш ҳуқуқларига эгадирлар.

— Ютуқлар сари

Конвенция ратификация этилганидан сўнг ўтган 10 йил мобайнида жиддий ютуқлар қўлга киритилди. Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ратификация этган ҳуқуматларнинг қарийб ушбу ҳуқуқларни амалга ошириш учун юридик базани таъмин этувчи қонунлар қабул этдилар. Бу қонунларнинг барчасида болаларнинг ҳуқуқларига асосий урғу берилди. Қатор мамлакатлар болалар тўғрисидаги қонунлар миллий қонунчиликнинг барчаси жабҳаларида ўз ифодасини топиши учун Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция тамойилларини ўз конституцияларига киритдилар.

- Мамлакатлар болалар ҳуқуқларини амалга оширишга тараққиёт мониторинги учун қўмиталар таъсис этган бир пайтда, баъзи мамлакатларда болалар омбудсмани (баъзи шахсларнинг давлат органларига шикоятларини кўриб чиқадиган расмий шахс) лавозимини жорий қилдилар. Болалар омбудсманини 1981 йилда тайинлаган биринчи мамлакат Норвегия бўлди.
- Эндиликда қарийб ҳар бир мамлакатда болалар учун, уларнинг ҳаётларини яхшилаш учун, шунингдек, сиёсатни ишлаб чиқишда болалар ҳуқуқларини ҳисобга олишлари учун масъул бўлган министрлик, комиссия ва кенгаш бор. Шу қонунларга қадар 20 мамлакатда болалар ҳуқуқлари бўйича мустақил органлар таъсис этилди ёки таъсис этилиш жараёни кетмоқда.
- Малайзияда Болалар ҳуқуқлари бўйича конвенция мажбуриятларни бажариш

мониторинги учун ноҳукумат ташкилотлари ва давлат органларининг идоралараро гуруҳи ташкил этилган эди.

- Мўғилистонда болаларни ҳимоя этиш ва ўзларига тегишли масалаларни ҳал этишдаги уларнинг иштироки даражасини баҳолаш бўйича индикатор ишлаб чиқилмоқда.
- Коста-Рикада Болалар ҳуқуқлари бўйича конвенция мандатининг бажарилиши ва бажарилмаслиги мониторинги ҳамда баҳоси учун болалар ва маҳаллий ҳамжамиятлар иштирокида ижтимоий ҳуқуқлар “аудити” ўтказилмоқда.
- Жанубий Африкада ҳукумат ювенал адлия тизимини ислоҳ қилиш билан шуғулланди. Саъй-ҳаракатлар болаларга тегишли суд юритиш ишларини жиноий юстиция тизимидан чиқариб, адлия воситачилигининг “болалар суди” сингари таниқли соҳасига топшириш учун йўналтирилди.
- Ҳарбий можаролар ҳолатидаги баъзи Лотин Америкаси ва Африка давлатлари ўзларининг аскар болаларини расмий тарзда қуролли кучлар сафидан бўшатиб юбордилар.
- Болалар ҳуқуқлари, шунингдек миллионлаб болаларнинг саломатликлари ва турмушларини яхшилаш мақсадида самарали халқаро ҳамкорлик иттифоқлари ёрдамида ҳам муҳофаза этилади. Масалан, иммунитет ҳосил қилиш ҳар йили 3 миллион бола ҳаётини сақлаб қолади, йод етишмовчилигини бартараф этиш йилига 12 миллион болани ақлий заифликдан сақлаб қолади. Полиомиелит қарийб тугатилган. Айни пайтларда тарихда ҳар қачонгидан кўп бола мактабга қатнайди, уларнинг тоза сувдан ва санитариядан баҳраманд бўлиш имкониятларини кенгайтиришда ҳам жиддий ютуқлар қўлга киритилган.

■ Тараққиёт аломатлари

Болалар ҳуқуқларини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида ЮНИСЕФ ёрдамида ҳукуматлар ва маҳаллий ҳамжамиятлар томонидан амалга оширилаётган кўплаб, масалан, қуйидагича муваффақиятли дастурлар мавжуд:

- Филиппиндаги қатор қишлоқларда илк болалик ва тараққиётга ялпи ёндошув ўзида соғлиқни сақлаш, овқатланиш, психологик ёрдам ва кичик ёшдаги болалар учун илк таълим каби тадбирларни бирлаштиради. Болалар марказларида кичкинтойларга ўйинлар учун вақт ажратилади, улар китоблар ва бошқа билим доирасини кенгайтирадиган материаллар билан таъминланадилар. Соғлиқни сақлаш ва овқатлантириш масалалари бўйича мутахассислар ота-оналарни ўз болаларини қандай парвариш қилиш зарурлигига ўргатадилар, режали иммунитет учун эмлайдилар ва ҳар бир боланинг ўсиш суръати, йодланган туздан ва бошқа микроэлементлардан, шунингдек тоза сув ва санитариядан баҳраманд бўлиши белгилаб қўйиладиган харита юрғазадилар.
- Бангладешда 1995 йили Халқаро Меҳнат ташкилоти, ЮНИСЕФ ва Бангладеш кийим ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар асассацияси ўртасида бир-бирларини тушуниш тўғрисида имзоланган меморандум ишлаётган болаларни мактабда ўқишга жалб этиш ва тикувчилик саноатида банд бўлган болалар сонини бирмунча қисқартириш имконини берди. Болаларнинг иш ўринлари уларнинг катта ёшдаги оила аъзоларига тақдим этилди.
- Боливияда ЮНИСЕФ, соғлиқни сақлаш хизмати борасидаги молиявий тўсиқларни

йўқотиш мақсадида Оналар ва болаларни суғурта қилиш бўйича миллий дастурни амалга оширишга ёрдам берди. Шу туфайли беш ёшгача медицина хизматидан фойдаланадиган хотин-қизлар ва болалар сони кўпайди. икки йил мобайнида пренатал ташрифлар сони 63 фоизга, соғлиқни сақлаш муассасаларида туғиш учдан бир қисмга, зотилжамдан тузалиб кетган болалар сони 40 фоизга кўпайди.

- Индонезиянинг Фарбий Ломбок районида ҳукуматнинг маҳаллий органлари янги қурилаётган биналарнинг барчасида хожатхоналар бўлишини талаб этди. ЮНИСЕФ бу районда 1994 йилдан 1998 йилга қадар ҳар йили 25 минг хожатхона қурилишига кўмаклашди.
- Нигерияда ЮНИСЕФ кўпинча 14 соат ишлайдиган аёлларни, уларнинг оилаларини озик-овқат маҳсулотлари билан мўл-кўл қилиш учун янада махсулдор қишлоқ хўжалик қуруллари ва материаллари билан таъминлади, бу тадбир дон етиштиришнинг ўсишига ва дон кооператив банкни ташкил этишга кўмаклашди. Бу банк ҳосилни йиғиб олиш мавсуми арафасида донни камбағал оилаларга арзон нархларда сотди. Бунинг оқибатида болалар ўртасида тўйиб овқатланмаслик даражаси бирмунча камайди.
- ЮНИСЕФ Яманда аёл ўқитувчилар тайёрлашга кўмаклашиб, мактаблар қурилишини қўллаб-қувватлаб, мактаб ва маҳаллий жамоалар ўртасидаги ўзаро муносабатларни мустақкамлаб ҳамда қизалоқларнинг таълим олишлари, ҳуқуқлари борасидаги жамоатчиликнинг ахборот билан таъминланганлик даражасини ошириш учун оммавий ахборот воситалари ва диний, фуқаролик ташкилотлари раҳбарларини жалб этиш билан мактабларда жинсий тафовутни қисқартиришга ёрдам бермоқда.

Бошқа халқаро ташкилотларда болаларни зўравонликлардан ва қуроли мижозлардан ҳимоя қилишга йўналтирилган дастурлар мавжуд.

- “Болалар билан алоқа ўрнатиш” дастури мижозлар ёки табиий офатлар туфайли ота-оналарини йўқотиб қўйган болаларнинг топишишлари учун энг янги телекоммуникация технологияларини ишга солмоқда. Халқаро қутқарув кўмитасининг ташаббуси билан бошлаган лойиҳа унга йўқолган болалар тўғрисидаги маълумотлар ва болаларнинг расмларини, шунингдек ота-оналар томонидан берилган қидирув тўғрисидаги эълонни жойлаштириши мумкин бўлган, шу соҳада иш олиб борадиган барча ташкилотлар фойдаланишлари мумкин бўлган маълумотларнинг умумий базасидан фойдаланади. Қидрув бир пайтлар ойлаб давом этган бўлса, эндиликда бир неча соатларга чўзилиши мумкин.
- Табиий офатларга қарши янги дастур **тезкор ва спутник телефонлари, шунингдек, инсонпарварлик ёрдами кўрсатувчилар учун микротўлқинли алоқа ўрнатиш ва уларнинг барқарор ишлаб туришини таъминлайди. Бу - айти кунларда рўй берадиган кўплаб қутилмаган офатларга инсонпарварлик тадбирларини яхшилайти ва тезлаштиради.**

— Қайси соҳалар яна кўмакка муҳтож?

Кейинги ўнйилликдаги эсда қоларли муваффақиятларга қарамадан ҳалигача яшаш, яхши соғлиқ, таълим ва тараққиёт ҳуқуқларини эндигина қўлга киритаётган кўплаб болалар бор. Кўпгина мамлакатлар ҳали Болалар ҳуқуқлари бўйича конвенция мажбуриятларини бажараётганлари йўқ. Дунёнинг турли мамлакатларида жинсий, этник келиб чиқиши ва тилига қараб камситишлар ҳамон болаларнинг ривожланишларига тўсиқ бўлмоқда. Қуроли мижозлар болаларга ўз ҳуқуқларидан фойдаланиш имконини бермаяпти, миллионлаб болалар

аралашиб кетишга ва қочоқлар аҳволига тушиб қолишга маҳкум этилган. Камбағаллик, ўзини - ёмон санитария шарт-шароитлари, тўйиб овқат емаслик, нотоза ичимлик сувлари, саломатликнинг ёмонлиги билан намоён этади, буларнинг ҳаммаси болалар билан биргаликда катталарнинг ҳам ҳуқуқларига тўсик бўлиши мумкин.

Болалар ҳуқуқларини амалга оширишга ОИТС энг катта хавф-хатарлардан бирига айланди. Касаллик ота-оанларни ҳалокатга олиб келиб, миллионлаб болаларни етим қилиб қўймоқда. Етимлар сони ҳозирги кунда 13,2 миллионни ташкил этади. Бу болалар мактабдан бебаҳра қоладилар, тирикчилик учун маблағ топиш илинжида корхоналардаги энг хавфли ишларга ёки фоҳишахоналарга ёлланишга мажбур бўладилар. Кўпгина мамлакатларнинг тақчил ресурслари, иқтисодиётнинг бошқа муҳим соҳаларини маблағсиз колдириб, шу касаллик билан курашиш учун сарф этилмоқда.

— Илгаридаги марралар

Болалар ҳуқуқларини ҳимоя этишга ёрдамлашиш учун БМТ Бош котиби ўзининг “Мингйиллик маърузаси”да қуйидаги мақсад-вазифаларни амалга оширишни тавсия этади:

Камбағаллик кўламларини қисқартириш: Ҳукуматлар ўз олдидарига 2015 йилга бориб қашшоқликда яшаётган аҳоли сонини икки баробар қисқартириш, бунинг оқибатида 1 миллиардга яқин одамларни камбағаллик домидан озод этиш вазифасини қўядилар.

Таълим: 2005 йилга қадар бошланғич ва ўрта таълимда жинс бўйича тафовутни сезиларли даражада қисқартириш. 2015 йилгача шундай ҳолатга эришиш керакки, унда барча болалар бошланғич таълим тўлиқ курсини ўтасинлар.

Бандлик: Ёшлар ўртасидаги ишсизликка самарали ёндошувни ишлаб чиқиш учун Бутунжаҳон банки ва Халқаро Меҳнат ташкилоти раҳбарлари билан биргаликда, юксак сиёсий даражада ёшлар билан ишлаш ва уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича тармок ташкил этилади.

ОИТС: 2005 йилга бориб ОИТС билан касалланишни, бундан кўпроқ зарар кўрган мамлакатлардаги 15 - 24 ёшлилар ўртасида 25 фоизга. 2010 йилгача эса бутун дунёда шунча фоиз микдорида қисқартириш.

- Ҳукуматлар ўз зиммаларига, эркаклар ва аёллар ўзларини бу инфекциядан 2005 йилга бориб камида 90 фоиз ва 2010 йилга бориб камида 95 фоиз даражада муҳофаза этилишлари учун зарур бўладиган ахборотлар, билимлар ва хизматлардан баҳраманд этадиган ОИТСнинг олдини олиш бўйича мақсадли кўрсаткичларни ўрнатиб олишлари зарур.
- Тараққий этаётган мамлакатлар ОИТС вирусларига қарши арзон ва самарали вакциналар ишлаб чиқариш мақсадида ўзларининг фармацевтика компаниялари ва бошқа ҳамкорлар билан иш олиб боришлари керак.

Тоза сув: 2015 йилга бориб арзон ва тоза ичимлик сув манбаларидан мунтазам равишда баҳраманд бўлолмаётган одамлар сонини икки баробар қисқартириш.

— Бу мақсадларга эришиш учун бой мамлакатлар қандай ёрдам кўрсатишлари мумкин?

- Ўз бозорларини тараққий этаётган мамлакатларда ишлаб чиқилган товарларнинг эркин кириб келиши учун очиб қўйишлари ва кам тараққий этган мамлакатлардан

импорт қилинаётган қарийб барча товарлар учун бозорларни пошлиналар ва квоталарсиз очиб қўйиш бўйича БМТнинг Учинчи конференциясини илк қадам сифатида қабул қилишлари;

- Қашшоқлик домига тушиб қолган, қарзи бирмунча кўп камбағал мамлакатларнинг қарзларини қисқартириш, яхшиси, бекор қилиш ва қарзларни узиш учун тўланадиган маблағларни соғлиқни сақлаш ва таълим дастурларига йўналтириш;
- Камбағаллик кўламларини, айниқса тез суръатлар билан қисқартираётган мамлакатларга тараққиёт соҳасида кўпроқ ёрдам бериш;
- Тараққий этаётган мамлакатларга тарқатиш учун Фармацевтика компаниялари билан ОИТС вирусларига қарши арзон ва самарали вакциналар ишлаб чиқариш соҳасида иш олиб бориш;
- Камбағалликни бартараф этиш ишида хусусий сектор билан ҳамкорлик иттифоқлари ташкил этиш;
- Қитъа муаммоларини ҳал этишга йўналтирилган курашда Африка эҳтиёжларига алоҳида эътибор бериш;
- Барча аёл ва эркакларни уруш офатидан халос этиш;
- Барча аёл ва эркакларни, айниқса болалар ва набираларни Ер қуррасидаги ҳаёт, бузилган антропоген фаолият, уларнинг эҳтиёжларини кондира олмаётган ресурслар хавфидан озод этиш.

Ўқувчиларга тавсия этиладиган фаолият турлари

1. Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг нусхасини топинг, унинг асосий тамойиллари билан ўзингиз танишинг ва синфдошларингизни таништиринг. Унинг нусхасини кўпайтиринг ва тарқатинг. Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг тўлиқ матнини www.unicef.org/crc.htm сайтидан топиш мумкин.
2. Ёшлар овози - онлайн режимида болалар ва ёшларнинг муаммолари ва ҳуқуқлари бўйича “сухбат хонаси”. Муҳокамада иштирок этиш учун ЮНИСЕФнинг www.unicef.org сайтига, кейин “Ёшлар овози” қисмига кириш.
3. Сизнинг маҳаллий радиостанцияларингиз ўқувчилар иштирокида қандай тадбирларни режалаштирганини аниқлаб, Халқаро болалар эшиттиришлари кунда (ҳар йилнинг 10 декабрида) иштирок этинг. Унда ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишлари ва ўз раҳбарларининг болалар муаммолари бўйича фаолиятлари борасида саволлар беришлари учун болаларга бошловчи, муаллиф ва репортёр бўлиш имкониятларини берган ҳолда 2 мингдан ортиқ радио эшиттириш станциялари иштирок этадилар. Агар сиз бу тадбирда иштирок этишни хоҳласангиз (212) 326-7000 телефони орқали ЮНИСЕФнинг жамоатчилик билан алоқалар бўлимига қўнғироқ қилинг.
4. Мактабдаги БМТ клубига аъзо бўлинг, агар бундай клуб бўлмаса, уни ўзингиз ташкил этишингиз мумкин. Клубни қандай тузиш тўғрисидаги ахборотни БМТнинг ассоциациялари қисмидан олишингиз мумкин.
5. Агар сиз сайлаб қўйиладиган раҳбарлар ёки бошқа маҳаллий, миллий ёки халқаро лидерларга, уларнинг диққат-эътиборларини болаларнинг дунёнинг аллақасериди

ташвишга сабаб бўлаётган ахволига жалб этиб, электрон почта орқали мактуб йўллайдиган бўлсангиз, бу билан болалар муаммоларининг оғир юкини енгиллатишга кўмаклашасиз ва улар ҳуқуқларини ҳурмат қилинишини таъминлай оласиз. Шунингдек, сиз юқорида қайд этилган ҳаракатларнинг баъзиларини, ўзингизга тўғри келадиган, бирмунча ютуқларга эришган мамлакатлар борасида амалга оширишга ҳам ҳаракат қилишингиз мумкин.

6. Сиз мактаб ёки маҳаллий ҳамжамият орқали уруш ё бўлмаса табиий офатлар (зилзилалар, сув тошқинлари ва очарчилик сингари) дан жабр кўрган болалар учун маблағлар йиғишга ҳаракат қилишингиз мумкин.
7. Болалар манфаатларини ёқлаш ишига муҳим ҳисса қўшган халқаро лидерларнинг рўйхатини топиш учун ЮНИСЕФ сайтига, кейин “Босилган материалларнинг сарлавҳалари” қисмига, сўнгра “Дунё болаларининг ахvoli тўғрисида 2000 йил учун ҳисобот”га ва ниҳоят “раҳбарлик ва болалар манфаатлари” қисмига кириш. Мамлакатингиздаги Ер юзида болалар турмушини яхшилаш учун курашчилар сафига қўшилиш.
8. Ахборот мажлиси ташкил этиш ва ўз районингизда Болалар ҳуқуқлари тўғрисида конвенция материалларини тарқатиш.
9. Ўзларингизни маҳаллий ва миллий қонун чиқарувчиларингизни болалар билан ишлайдиган - ўқитувчилар, медицина ходимлари, ижтимоий соҳа ходимлари, полициячилар ва ҳуқуқни муҳофаза этиш органларининг, бошқа мутахассисларининг барчасини болалар ҳуқуқлари бўйича ўқитиш ва тайёрлашга ишонтириш.

== Баъзи манбалар

Интернетда

www.unicef.org - БМТнинг Болалар жамғармаси
www.un.org - БМТ
www.savethechildren.org
www.unhchr.ch - Болалар ҳуқуқлари бўйича қўмита
www.ilo.org - Халқаро меҳнат ташкилоти
www.humanrightswatch.org
www.undp.org БМТнинг Тараққиёт дастури
www.unesco.org - БМТнинг маориф, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти
www.who.org - Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти
www.amnesty.org - “Эмнести Интернэшнл”
www.childrensdefense.org - Болаларни ҳимоя қилиш жамғармаси
www.crin.org - Болалар ҳуқуқлари бўйича ахборот тармоғи
www.freethechildren.org - “Болаларни озод этиш”

Босилган материаллар:

“Болалар - энг аввало: ЮНИСЕФнинг ўтмиши ва ҳозирги куни”, Мэгги Блэк, Оксфорд Университи Пресс, 1996
“Болалар манфаатлари йўлида: маданият ва инсон ҳуқуқларининг мурасасозлиги”, БМТ Болалар жамғармаси, Филип Алстон муҳаррирлиги остида, Оксфорд Университи Пресс, 1994
“Қизалоқлар ва аёллар: ЮНИСЕФ тараққиёти устуворлиги”, БМТ Болалар жамғармаси, 1993

“Тенглик, тараққиёт ва тинчлик - Пекин+5, Хотин-қизлар масалалари бўйича конференция, 2000”, ЮНИСЕФ
“Камбағаллик кўламларини қисқартириш болалардан бошланади”, ЮНИСЕФ, 2000
“Хотин-қизлар ва болалар учун инсон ҳуқуқлари: уни ЮНИСЕФ ҳаётга қандай татбиқ этмоқда”, ЮНИСЕФ, 1999
“Қизалоқлар: оламга чорлов”, ЮНИСЕФ, 2000
“Болалар иштироки: маҳаллий ҳамжамиятларни ривожлантириш ва атроф муҳит муҳофазасига ёш фуқароларни жалб этиш назарияси ва амалиёти”, ЮНИСЕФ, 1997
“Болалар ҳуқуқларини воқеликка айлантириб. БМТ конвенцияси: У нималардан дарак беради ва бутун дунёда болалар ахволини қандай ўзгартириш мумкин”, Томас Хаммарберг
“Ўз ҳуқуқинг учун кураш: жаҳон ёшлари томонидан ёзилган, безатилган ва таҳрир қилинган инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги китоб”, Пис Чайлд Интернэшнл, 1998
“Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни амалга ошириш ҳақида қўлланма”, ЮНИСЕФ, 1998
“Аввало болаларни чорланг”, ЮНИСЕФнинг эсдалик нашри, 2000
“Жаҳонда болаларнинг ахволи тўғрисидаги ҳисобот”, ЮНИСЕФ, 2000
“Милатлар тараққиёти”, ЮНИСЕФ, 2000
Йиллик ҳисобот, ЮНИСЕФ, 2000
“Сонлар ва далиллар”, ЮНИСЕФ, 2000

(Ушбу қисм ЮНИСЕФ томонидан тузилган)

Асосий статистик маълумотлар



- 1948 йилда бир овоздан қабул этилган ва 300 дан ортиқроқ, тилларга таржима қилинган “Инсон ҳуқуқларининг умумий декларацияси” дунёдаги инсон ҳуқуқлари борасидаги энг машҳур ва энг кўп иқтибос олинадиган ҳужжатдир.
- Ҳозирга қадар инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқроқ халқаро воситалар яратилган.
- Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фаолият учун масъул бўлган БМТнинг мансабдор шахси - Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссарнинг идораси йилига 200 мингдан ортиқ бузғунчилик тўғрисида маълумот қабул қилиб олди.
- 1998 йилда Халқаро жиний суд тузиш тўғрисида қонунчилик акти қабул этилган эди. 2000 йилнинг апрел ойига қадар у БМТга аъзо давлатларнинг 100 дан ортиқроғи томонидан имзоланди.
- Инсон ҳуқуқларининг бузилиши борасидаги шикоятларни қабул этиш учун Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар бошқармаси факс орқали “тезкор линия” ташкил этди. Факснинг Женевадаги номери - 41-22-917-9018.



UNIVERSAL DECLARATION

of Human Rights

Инсон ҳуқуқлари

... and freedom from
... of the
... of man in
... to rebellion against
... be produced by the
... essential to promote
... the
... of the United Nations
... fundamental human
... and in the spirit

... and
... determined to promote
... larger freedom.

... Member States
... cooperation with the
... and education

... of the
... the

... of
... of human



“Мен Бош котиб сифатида, БМТ томонидан амалга ошириладиган ҳар бир дастурда ва биз шуғулланаётган ҳар бир миссияда инсон ҳуқуқларига биринчи даражали аҳамият билан қарайман. Мен бунга шунинг учун ҳам эътибор билан қарайманки, бизнинг ишларимизнинг ҳар бир жабҳаси ва бизнинг Низомнинг ҳар бир моддаси асосида инсон ҳуқуқларини ривожлантириш ва ҳимоя этиш ётади. Ва, биринчи навбатда, мен ҳисоблайманки, Бирлашган Миллатлар халқлари билан бизнинг мўътабар алоқаларимизнинг марказида ҳам инсон ҳуқуқлари туради.

Кофи АННАН, “Аралашиш муаммоларига”. 1999

■ Тетапоя қадамлардан...

Боливия, Аргентина, Бразилия ва Парагвайда 200 мингга яқин гуарани ҳиндулари истиқомат қиладилар. Узоқ йиллар мобайнида мазкур мамлакатлар мактабларида дарслар фақат испан тилида олиб борилди, хинду тилларидан фойдаланишга рухсат этилмади. Гуарани миллатига мансуб болалар янги тилни ўзлаштиришга қийналдилар, натижада ўқишдан орқада қола бошладилар. Кўпчилик, уларни ақлсизликда, тараққиётдан орқада қолганликда айбладилар. Шунда 1989 йили БМТнинг икки агентлиги - ЮНИСЕФ ва ЮНЕСКО

гуарани хинду болаларига икки тилни - испан ва гуарани тилларини ўрганиб олиш имконини берадиган янги мактаб дастурини амалга оширишга киришди.

Бу ташаббус тезда ўз меваларини бера бошлади. Гуарани миллатига мансуб болалар мактабдаги барча дарслар бўйича бирмунча юкори баҳолар ола бошладилар. Натижада мактабни битирмай ташлаб кетувчи болалар сони қискарди. БМТ саъй-ҳаракатлари туфайли эндиликда гуарани хиндуларини ўз она тилларида гапирганлари учун жазоламайдиган бўлдилар.

■ ...улкан сакрашларга

Орадан ўн йил ўтганидан сўнг, айти пайтда, жаҳоннинг туб халқлари, жумладан америкалик хиндулар яна бир муҳим эътирофга сазовор бўлдилар. Дунёда биринчи бўлиб БМТ - туб халқларга тааллуқли муҳим масалаларни муҳокама этиш учун доимий форум таъсис этди. БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгашининг кичик гуруҳи ҳисобланадиган мазкур



форум жаҳоннинг туб халқлари турмушига алоқадор бўлган инсон ҳуқуқлари, атроф муҳитни муҳофаза этиш, таълим ва тараққиёт масалалари билан шуғулланади.

“Бу тарихий ва ҳаяжонли кун” - деди туб халқнинг вакили.

Бу - БМТнинг барча халқларга “Инсон ҳуқуқлари умумий декларацияси” да абадийлаштирилган барча ҳуқуқларининг умумий эътирофи тамойилини барқарор этиш йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлди. Ҳуқуқ ифодаси ва мазмуни худди Умумий декларацияда қандай кўринишда, қай ҳолда талқин этилган бўлса шундайлигича кенг кўламдаги эътирофга сазовор бўлди. Бугунги кунда 300 дан ортиқ миллий ва маҳаллий тилларга ўгирилган Умумий декларация ҳамманинг айни тилидаги ва дилидаги олийжаноб тилаклар мужассами бўлиб, инсон ҳуқуқлари борасида гап кетганда, кўпинча унга суянилади. У кўпсонли халқро шартномалар ва декларациялар, шунингдек, кўплаб мамлакатларнинг конституциялари ва қонунларини тузиш учун андоза бўлиб хизмат қилди. Декларация халқро ҳамжамиятни инсон ҳуқуқларини ривожлантириш ва ҳимоя этиш бўйича доимий ҳуқуқий шартномалар комплекс тизимини ташкил этган инсон ҳуқуқлари бўйича 80 халқро йўл-йўриқларни ишлаб чиқишга даъват этди.

Айни пайтларда инсон ҳуқуқлари ўз таркибига қуйидагиларни камраб олиши халқро даражада тан олинган:

- сиёсий танлов ҳуқуқи;
- жамоатчилик ташкилотлари ташкил этиш эркинлиги;
- фикрлар ва уларни ифода этиш эркинлиги;
- ўз шахсий маданиятини ифода этиш ва амалга ошириш ҳуқуқи;
- асоссиз қамоққа олиш ва қўлга олишдан озод бўлиш ҳуқуқи;
- турмушнинг муайян даражаси, жумладан, сиҳат-саломатлик, турар жой, озиқ-овқатларининг мавжудлиги ҳуқуқи;
- эркинлик ҳуқуқи;
- меҳнат қилиш ҳуқуқи.

Кейинги беш ярим ўнйиллик мобайнида халқро қонунчиликда изоҳланадиган ва таърифланадиган ҳуқуқлар сони бирмунча кенгайди ва улар қаторига тараққиёт ҳуқуқи, энг олий жазо, ҳарбий можаролар пайтида болаларнинг ҳуқуқлари, қурбонларга товон тўлаш, меҳнат қобилиятини йўқотиш, ОИТСга чалинганларни камситиш, мажбуран ёки ғайририхтиёрий йўқотиш, атроф муҳит, жазога тортилмай қолиш, туб халқлар муаммолари, ишчи мигрантлар, тинчлик ўрнатиш операциялари, болаларни сотиш, терроризм, инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари, ҳарбий жиноятлар ва бошқа кўплаб масалалар ҳам қўшилди.

Бироқ жазога тортилмай қолиш туфайли, айниқса дунёнинг барча минтақаларида юз бераётган инсон ҳуқуқларини поймол этиш бу муаммони ҳамма кишилар учун бир қадар ҳавотир туғдирувчи манбага айлантириб қўймоқда. 1999 йилда Халқро Гэллап институти томонидан ўтказилган энг йирик жамоатчилик сўровида кўплаб кишилар инсон ҳуқуқларига амал қилиш даражасига кенг кўламда норозиликларини изҳор этдилар. У ёки бу минтақадаги ҳар ўн кишидан биттадан камроқ одам инсон ҳуқуқлари муносиб ҳурматга сазовор эканига ишонч билдирди, учдан бир қисми эса умуман, инсон ҳуқуқларига бутунлай амал қилинмаётганини кўрсатдилар. Бу ҳолда умумий ташвиш-ҳавотирга сабаб бўлаётган масалалар - ирқий ва жинсий жиҳатдан камситишлар ҳисобланади.

Таркибий қисмлар

Инсон ҳуқуқлари ва инсон тараққиёти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларга тўғри келади. 1945 йилда қабул этилган БМТ Низоми, ундан сўнг қабул қилинган Инсон ҳуқуқларининг умумий декларацияси инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бўйича халқаро мажбуриятлар соҳасида янги даврни бошлаб берди. Бошқаларидан фаркли ўларок ушбу ҳужжатлар ўзининг қуйидаги ҳиссаларини қўшди:

диққат марказида барча инсонларнинг тенглиги турган ҳуқуқнинг универсаллик характерини таъкидлади;

инсон ҳуқуқларини барқарор этиш бутун инсониятнинг муштарак мақсади эканлигини тан олди;

ҳамма одамлар учун барча ҳуқуқлар - фуқаролик, сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқларнинг барча комплексини белгилаб берди;

инсон ҳуқуқларини барқарор этишга ёрдам берадиган ва бунинг учун меъёрларни белгиловчи халқаро қонунчиликни ишлаб чиқувчи ва унинг бажарилишини (бу мажбурий қўллаш ҳуқуқини бермайди) кузатувчи институтларни жалб этган халқаро тизим ташкил қилди;

давлатларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича мажбуриятларига ҳамда халқаро қонунчилик билан мувофиқ мажбуриятларига амал қилишлари учун масъулиятларини белгилаб беради.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро қонунчиликни яратиш борасидаги ишлар давом этаяпти. Лекин совуқ урушлар натижасида қутубларга ажралиб кетган инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги фикрлардан, кўпинча геополитик манфаатлар борасидаги расмий тарғибот қуроли сифатида фойдаланиб келинди. Ғарб социалистик мамлакатлар амал қилмаётган фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларни таъкидлаб кўрсата бошлади. Социалистик (ва кўпгина тараққий этаётган) мамлакатлар ўз фуқароларининг ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларини таъминлай олмаётган бирмунча бой Ғарб мамлакатларини танқид қилиб, ҳуқуқнинг айни шу соҳаларини таъкидлаб кўрсата бошладилар. Натижада 1960 йили икки алоҳида ҳужжат: битта фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича, битта иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича шартномалар тузилди.

Саксонинчи йилларда мазкур масалаларга қизиқиш ортди ва халқаро майдонда фуқаролик жамияти фаолияти таъсирида демократия, болалар ва хотин-қизлар ҳуқуқи, туб халқлар ҳуқуқлари ва бошқа соҳаларда саъй-ҳаракатлар фаоллаштирилди. Мазкур соҳадаги бирмунча муҳим бўлган иккита муваффақият - Аёлларга нисбатан барча шаклдаги камситишларни бартараф этиш бўйича конвенция (1979) ва Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция (1989) ҳисобланади. 1984 йилда қабул этилган турли зулмкорликларни халқаро жиноят деб эълон қилган қийноқлар ва бошқа бешафқат, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни таҳқирлайдиган муомала ва жазоларга қарши конвенция ҳам бу борада ўзига хос бир босқич бўлиб қолди.

1986 йилда Тараққий этиш ҳуқуқи тўғрисидаги декларация қабул этилди. Мажбуриятлар, кейинроқ, 1993 йилда Венадаги Инсон ҳуқуқлари бўйича бутунжаҳон конференциясида тасдиқланди. Шундан сўнг БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари лавозими таъсис этилди, халқаро майдонда, шунингдек, баъзи мамлакатларда мазкур ҳуқуқ бўйича кураш кучайтирилди. Тўқсонинчи йиларнинг охирилари ва янги юзйилликнинг бошланиши ушбу соҳага янги ютуқлар олиб келди:

- Халқаро жинойий суд таъсис этиш тўғрисидаги 1998 йилги Рим шартномаси инсониятга қарши жиноят қилган шахслар устидан суд тартибида назорат ўрнатиш имконини

берди. 2000 йилнинг апрелига қадар уни қарийб 100 мамлакат имзолади.

- Собик Югославия (1993) ва Руанда (1994) бўйича халқаро трибуналарнинг ташкил этилиши ҳарбий жиноятлар учун шахсий жавобгарликни жорий этишга ёрдам беради.
- Хотин-қизларга нисбатан барча шаклдаги камситишларни бартараф этиш тўғрисидаги конвенцияга факултатив протокол (1999) алоҳида шахсларга аёллар ҳуқуқларини поймол этиш тўғрисидаги даъволар билан мурожаат этиш имкониятини берди.
- Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга қабул этилган иккита янги факултатив протокол - яъни ҳарбий ҳаракатлардаги иштирок этган болалар тўғрисидаги ҳамда болаларни сотиш тўғрисидаги ҳужжатлар 1989 йилдаги ўша машҳур шартномани янада мустаҳкамлади.
- Беш йиллик натижаларни кўриб чиқиш бўйича Пекин ва Копенгаген конференциялари хотин-қизлар ҳуқуқлари ҳамда ижтимоий тараққиёт бўйича давлатлар дастурлари борасидаги ишларни яқунлаш соҳасида фойдали тадбирларни амалга оширди.
- Ўзига мос турмуш шароитини яратиш, озиқ-овқатларга эга бўлиш ҳуқуқи, глобаллаштириш ва унинг инсон ҳуқуқларидан фойдаланишга таъсири бўйича учта Махсус маърузачининг тайинланиши инсон ҳуқуқларининг эътиборини ўзига янада кўпроқ жалб этаётган мазкур жабҳаларга кучларни янада кўпроқ жалб этишга ёрдам беради.

Инсон ҳуқуқлари бўйича асосий халқаро ҳужжатлар

- Ҳуқуқ тўғрисида халқаро билл: Ҳуқуқ тўғрисидаги халқаро билл таркибига Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги умумий декларация, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро битим ва унга иккита факултатив протокол, шунингдек Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро битим киради. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги умумий декларация Бош Ассамблея томонидан қабул этилган декларация бўлиб, унинг ратификация қилинишига ҳожат йўқ. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро битим 144 мамлакат, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро битим 142 мамлакат томонидан ратификация қилинган.
- Ирқий камситишларнинг барча шакллари бартараф этиш тўғрисидаги халқаро конвенция: 1965 йилда қабул этилган ва 1969 йилда кучга кирган. Камситишларнинг сабаблари ирқи, терисининг ранги, келиб чиқиши ёки миллати ҳисобланади. 1956 мамлакат ратификация қилган.
- Хотин-қизларга нисбатан барча шаклдаги камситишларни бартараф этиш тўғрисидаги конвенция: 1979 йилда қабул этилган ва 1981 йилда кучга кирган. Хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг барча шакллари таъқиқловчи ва ҳукуматларни хотин-қизлар тенглигини барқарор этиш бўйича зарур чораларни кўришга даъват этувчи илк комплекс ва юридик мажбурият юқловчи халқаро ҳужжат. 1965 йилда ратификация қилинган.
- Қийноқлар ва бошқа бешафқат, ғайринсоний ёки кадр-қимматни таҳқирлайдиган муомила ва жазоларга қарши конвенция: 1984 йилда қабул этилган ва 1989 йилда кучга кирган. Конвенция ҳукуматлар қийноқлар ва бошқа бешафқат ҳамда кадр-қимматни таҳқирлайдиган муомила ёки жазолар бўйича илгаридан қабул этадиган қадамларни изоҳлайди. 119 мамлакат томонидан ратификация қилинган.

- Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция: 1989 йилда қабул этилган ва 1991 йилда кучга кирган. Конвенция болаларни муҳофаза этиш ва уларнинг ҳуқуқларига амал қилиш учун алоҳида эътибор зарурлигини тан олди. 191 мамлакат томонидан ратификация қилинган.

**Ратификация тўғрисидаги маълумотлар
2000 йил 30 июлга қадар олинган.**

— Қайсидир мамлакат томонидан конвенция ратификация этилгандан сўнг унинг бажариш мониторинги қандай амалга оширилади?

Инсон ҳуқуқлари бўйича олтита асосий шартноманинг ҳар бирида унинг амалга ошириш мониторинги органини ташкил этиш тўғрисидаги қоидалари мавжуд. Бу орган шартномани ратификация этган давлатларнинг ҳисоботларини кўриб чиқади. Улар ҳар йили қарийб 60 миллий ҳукуматларни сўраб-суриштиради ва бу борадаги ишларни яхшилаш бўйича мустақил экспертларнинг фикр-мулоҳазалари ва таклифларини ишлаб чиқади. Бу органларнинг баъзилари қуйидагилардир:

- Иркий камситишларни бартараф этиш бўйича қўмита
- Хотин-қизларга нисбатан иркий камситишларни бартараф этиш бўйича қўмита
- Болалар ҳуқуқлари бўйича қўмита
- Қийноқларга қарши қўмита
- Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита
- Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича қўмита

Буларга қўшимча равишда, конвенциялардан ташқари махсус масалаларни ҳал этиш учун механизм ташкил этилган эди. Бу механизмга қуйидагилар кириди:

- БМТнинг махсус маърузачилари
- Бош котибнинг махсус вакиллари
- Экспертлар
- Ишчи гуруҳлар.

— Инсон ҳуқуқлари ва хавфсизлик

Тўксонинчи йилларда дунё инсон ҳуқуқларининг кўпол тарзда бузилишига гувоҳ бўлди. Дунёнинг турли мамлакатларида ҳеч қандай айби ва гуноҳи йўқ фуқаро аҳоли, кўпинча қуролланган гуруҳлар томонидан бошқарилган, инсон ҳуқуқлари ҳаёлларига ҳам келмайдиган ва инсон ҳаёти қадрига мутлақо аҳамият бермайдиган, мисли кўрилмаган террорга нишон бўлди. Баъзи ҳолларда ҳукуматлар ўз аҳолисини ҳимоя этолмай қолдилар; бошқа ҳукуматлар эса фуқароларга, айниқса, кичик миллат ва элатларга ҳужум қилишда ўзлари ҳам иштирок этдилар. Ангола, Серра-Леоне, Босния, Косова ва Шарқий Тиморда миллионлаб одамлар ўлдирилди 30 миллиондан ортиқроқ одам ўзларининг яшаётган жойларини ташлаб кетдилар. Сон-саноксиз эркаклар, аёллар, хотин-қизлар ва болалар энг оддий инсон ҳуқуқларидан бебаҳра қилиндилар.

— Бундай инсоний бўҳронлар юз берганда нималар қилиш керак?

Миллий чегараларни пана қилиб олиб одамларни хўрлаганларида БМТ ва халқаро ҳамжамият бундай ҳолатлар билан мутлақо келиша олмайди, - дейди Бош котиб Кофи Аннан. - “БМТ, инсоннинг ҳуқуқларини бевосита муҳофаза эта олмайди, чунки бу - баъзан ўзини ҳам ҳимоя этишга қийналиб қоладиган БМТдир. Инсон ҳуқуқлари соҳасида бизнинг миссиямиз қаердан бошланиб қаердан тугагани биз яхши биламиз: ҳар бир инсондан, унинг умумий ва дахлсиз ҳуқуқидан тортиб, ҳуқуқ - ўз виждонига монанд гапириш, ҳаракат қилиш, униб-ўсиш, ўқиш ва яшаш ҳисобланади”, - деди у.

Инсонпарварлик соҳасидаги янги муаммоларни ҳал этиш борасида Бош котиб ўзининг Хавфсизлик Кенгашига ҳисоботида БМТга аъзо давлатлар кўриб чиқишлари учун аниқ тавсияларни, жумладан, қуйидагиларни таклиф этди:

- **Халқаро шартномаларни ратификация қилиш ва бажариш:** У давлатларни халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи, инсон ҳуқуқи ва қочоқлар ҳуқуқи соҳаларида асосий шартномаларни ратификация қилишга, шунингдек бажаришга чақирди.
- **Ҳарбий жиноятлар учун жавобгарлик:** Агар ҳукуматлар ва гуруҳлар халқаро инсонпарварлик қонунчилигини бажармаса мажбур этиш чораларини қўллашни кўриб чиқиш лозим. У давлатлардан Халқаро жиноий суд бўйича шартномани ратификация этишни илтимос қилди.
- **Қуролли кучлар сафига чақиришнинг энг кичик ёши:** У давлатларни қуролли кучлари сафига чақиришнинг энг кичик ёшини 18 га қадар оширишни қўллаб-қувватлашларини илтимос қилди.
- **Халқаро қонунчилик доимий тарзда бузилган ҳолларда қўлланиладиган чоралар:** У давлатлардан сурункали оммавий бузғунчиликлар юз берганда тегишли мажбурий чоралар қўллашни кўриб чиқишни сўради.

— Инсон ҳуқуқлари ва тараққиёт

БМТ Тараққиёт дастури томонидан нашр этилган “Инсон тараққиёти тўғрисидаги 2000 йил учун маъруза”да қайд этилишича, “Камбағаллик инсон озодлигини чеклаб қўяди ва уни ўз кадр-қимматидан маҳрум этади”. Бу сўзлар Инсон ҳуқуқлари умумий декларациясида (1948), Тараққиёт ҳуқуқлари декларациясида (1986) ва 1993 йилда ўтказилган Инсон ҳуқуқлари бўйича конференцияда қабул қилинган Вена декларациясида қилинган очик-ойдин мурожаатни яна бир бор такрорлайди.

Бош Ассамблея томонидан қабул этилган тараққиёт тўғрисидаги декларацияда қайд этилишича “тараққиёт жараёни марказида инсон турибди, шунинг учун ҳам тараққиёт сиёсати уни тараққиётнинг бош иштирокчисига ва ҳаракатлантирувчи кучига айлантириши керак”. Бироқ мислсиз иқтисодий ўсиш даврида миллиарддан ортиқроқ одам қашшоқлик даражасида яшайдилар: қарийб 800 миллион одам тўйиб овқатлана олмасликдан азоб чекади, 140 миллион бола мактабга бора олмайди; 900 миллион киши саводсиздир. Умумий меҳнат ресурсларини ташкил этган 3 миллиард кишининг 140 миллиони батамом ишсиз ва чорақ қисмидан - учдан биргача бўлган қисми иш билан тўлиқ банд эмас.

- “Ушбу бебахралик дард-алам, ночорлик, умидсизликка ва энг оддий озодликдан ҳам

махрумликка, ўз навбатида, камбағалликка олиб келади”.(Бош котиб Кофи Аннан, “Мингйиллик маърузаси”).

- “Қандайдир одам қийноққа солинганлиги тўғрисидаги хабарнинг ўзи жамоатчиликнинг беадад нафратини кўзгайди. Аммо, асосан, бартараф этиш мумкин бўлган сабабларга кўра кунига 3 минг бола ҳаётдан кўз юмаётгани тўғрисидаги маълумот бирор одамни ташвишга солмайди. Нега шундай? Чунки бу болалар камбағал бўлганлари учун ҳам эътибордан четда қоладилар” (Инсон тараққиёти тўғрисида ҳисобот, БМТ Тараққиёт дастури, 2000).
- Камбағаллик билан инсон ҳуқуқларининг амалга оширилиши даражаси ўртасидаги алоқа мутлақо равшан ва кучли. Камбағаллар қарийб ҳеч қандай инсон ҳуқуқларидан фойдаланмайдилар: одатдаги турар жойларда яшаш, биринчи медицина ёрдами, таълим ва озик-овқатлардан баҳраманд бўлиш ҳуқуқларидан фойдаланмайдилар, ҳурмат-иззатини сақлаш ва адолат тамойилларидан фойдаланиш, камбағаллар ҳаётига алоқадор бўлган қарорларни қабул қилишда иштирок этиш, шунингдек ахборотлар ва технологиялар оламига кириб бориш сингари фуқароларнинг энг оддий устуворликлари тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас” (Мэри Робинсон, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комисари).

Инсон ҳуқуқларининг бу сурункали бузилишларига тараққиётга ҳуқуқ асосида ёндошишнинг ташкил этилиши ўзига хос жавоб ҳисобланади. Робинсон хонимнинг гапларига қараганда, бу жавоб Инсон ҳуқуқлари халқаро тизимининг аллақачон белгиланган меъёрлари, стандартлари ва тамойилларини - сиёсат ва камбағаллик кўламларини қисқартириш режалари билан бирлаштиришдан ташкил топади. Бундай ёндошув камбағалликнинг туб илдизларини бартараф этишга йўналтирилган ва ҳуқуқни жорий этувчилар ва вазифаларни бажарувчилардан илгарироқ қарорни тавсия этади.

Ушбу эҳтиёжга БМТ жавоб беришга ҳаракат қилган усуллардан бири - уларга эришишга йўналтирилган аниқ мақсад ва ишнинг йўлга қўйилишидир. Тўқсонинчи йилларда ўтказилган ҳар бир йирик конференция олдида БМТ шундай мақсадлар қўйди, кейин эса эришилган тараққиётни текшириб кўрди. БМТ кейинги йиллар тажрибасига асосан ва Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти, Бутунжаҳон банки ва Халқаро валюта фонди билан яқиндан ҳамкорликда 2000-2015 йилларда эришилиши керак бўлган еттига аниқ мақсадни ишлаб чиқди. “Иккимингинчи йил: баркамол дунёга” сарлавҳаси остида санаб ўтилган ушбу мақсадлар қуйидагилардан иборат:

- 1990- 2015 йилларда қашшоқликда яшаётган одамлар сонини икки баробар камайтириш;
- 2015 йилга бориб барча болаларнинг бошланғич таълимдан баҳраманд бўлишларини таъминлаш;
- 2015 йилга бориб бошланғич ва ўрта таълимда жинс аломатлари бўйича тенгсизликни бартараф этиш йўли билан жинслар тенглиги, хотин-қизлар ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш борасида илгари силжишни таъминлаш;
- 1990-2015 йилларда гўдақлар ва болалар ўлимини учдан иккига қисқартириш;
- 1990 - 2015 йилларда оналар ўлимини тўртдан учга қисқартириш;
- 2015 йилга бориб репродуктив саломатлик хизматларига бўлган барча эҳтиёжларни қондириш;
- Атроф муҳит ресурсларини йўқотиш жараёни 2015 йилда орқага қайтиши учун 2005 йилда барқарор тараққиёт бўйича миллий стратегияни амалга ошириш.

Бош котиб Кофи Аннанинг фикрига қараганда ушбу мақсадлар утопия эмас. Бу ҳол чиранишга ўхшаб туюлсада, унга эришиш мумкин. “Уларга эришиш учун кунт билан ишлашимизга тўғри келади”.

Шунингдек, бу ҳам “Мингйиллик маърузаси”нинг асосий ғояларидан биридир.

■ Тараққиёт аломатлари

- Бош Ассамблея томонидан 1989 йилда қабул этилган онларданок, Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни дунёнинг барча мамлакаглари томонидан ратификация қилиниши уни инсон ҳуқуқлари борасидаги бутун инсоният тарихида энг кўп сондаги мамлакатлар тан олган ҳужжатга айлантирди. Унинг амалга оширилишида муҳим ўзгаришлар рўй бермоқда. Камида 22 мамлакат болалар ҳуқуқларини ўзларининг конституцияларига киритдилар. Эллиқдан ортиқроқ мамлакат қонунчилигида унинг конвенция қоидаларига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида қайта кўриб чиқиш жараёни кечмоқда. Бразилия, Жанубий Африка ва Шри Ланка парламентлари болалар билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш учун қарор қабул қилдилар ва миллий бюджетлардан маблағлар ажратдилар. Жинсий органларга шикаст етказиш билан боғлиқ миллий урф-одатлар эндиликда қатор Шарқий Африка мамлакатларида, жумладан, Буркина, Фасода ва Сенегалда таъқиқлаб қўйилди. Мактаб ва оилада болаларни тан жароҳати етказиб даволаш Австрияда, Кипр ва Скандинавия мамлакатларида таъқиқланди.
- Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга иккита янги факултатив протокол қабул этилган. Уларнинг биттаси болаларни қуроли конфликтларга жалб этишга тааллуқли. У ёш цензини, ҳарбий тўқнашувларда иштирок этишга қатнашиш учун бериладиган руҳсатни 15 ёшдан 18 ёшга кўтарди, қуроли кучлар сафига мажбурий қақаришни 18 ёшга қадар таъқиқлайди. Иккинчи факултатив протокол болаларни сотиш, болалар фоҳишабозлиги ва парнография масалаларини кўриб чиқади. Унда асосий эътибор болалар ҳуқуқларини жиддий бузиш жиноий ишларнинг текшириш методикасига, жумладан, болаларни сотиш, қонуний фарзандликка олиш, болалар фоҳишабозлиги парнография кабиларга берилди.
- Хотин-қизларга нисбатан барча шаклдаги камситишларни бартараф этиш тўғрисидаги конвенцияга янги факултатив протокол шахсларга Конвенцияда изоҳланган ҳуқуқларининг бузилганлиги борасида судга мурожаат этиш имконини беради.
- Эндиликда ноҳуқумат ташкилотлари ҳам, давлатларга, инсон ҳуқуқларига амал қилинишини кузатиб борадиган барча, органларга давлатлар тақдим этадиган ҳужжатларга қўшимча равишда, уларни тўлдирадиган “норасмий” ҳисоботлар - муқобил ҳужжатлар тақдим этиш ҳуқуқига эгалар.
- Руанда бўйича халқаро жиноий трибунал Жан-Пол Акайесни геноцидда айбдор эканини тан олди. Бу халқаро трибунал томонидан геноцидда айбдор деб топилган биринчи одамдир.
- Камбоджадаги кизил кхмерлар режими инсониятга қарши содир этган жиноятлар бўйича халқаро трибунал таъсис этиш саъй-ҳаракатлари мўлжалланмоқда. Бош котиб Кофи Аннан бундай трибуналга халқаро мақом беришни тавсия этди.
- Бир неча йирик халқаро корпорациялар ҳамма жойда, жумладан, бундай ҳуқуқлар охиригача тасдиқданмаган мамлакатларда ҳам асосий инсон ҳуқуқларига, меҳнат ҳуқуқларига ва аτροφ муҳит меъёрларига амал қилишга ўзларининг розилгини билдириб БМТнинг Глобал шартномасига қўшилдилар.

■ Етти озодлик

БМТнинг Тараққиёт дастури томонидан тайёрланган “Инсон тараққиёти тўғрисидаги 2000 йил учун маъруза”да тараққиётга ҳуқуқларни ҳурматлаш асосида ёндошишни ишлаб чиқишда муҳим ҳисса сифатидаги барча кишилар фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган етти озодлик санаб ўтилади:

- **Камситишлардан озодлик** - Хотин-қизлар, шунингдек, ирқий ва этник гуруҳлар доим камситишлардан азоб чекадилар. Хурофотларга қарши кураш айна пайтда озодлик борасида кўпгина муваффақиятларга сабаб бўлсада, у ҳозирга қадар камситишлардан азоб чекаётган миллионлаб одамлар учун ҳамон бартараф бўлган эмас.
- **Муҳтожликдан озод бўлиш** - Етарли даражада озик-овқат маҳсулотлари мавжуд, бироқ уларнинг нотекис тақсимланиши ҳамон очлик ва тўйиб овқатланмасликнинг сабаби бўлиб келмоқда. Миллий ва бутунжаҳон иқтисодий тизимлари муҳтожлик томонидан таҳқирланган одамларга нисбатан ўзларининг мажбуриятларини бажаришлари керак.
- **Шахсий ривожланиш озодлиги** - Комуникация ва ахборот соҳаларидаги фундаментал ўзгаришлар қарийб ёруғлик тезлигида юз бермоқда. Шахсий ривожланиш учун технологик ўзгаришлар очаётган имкониятлар ғоят улкан. Аммо ҳалига қадар дунёда “рақам белгилари” бўйича бўлиниш анъаналари мавжуд. Ахборотлар турлитуман, улардан фақатгина ахборотга эҳтиёж сезган ва уларни хоҳлайдиган одамларгина баҳраманд бўладилар. Агар камбағаллар тирикчиликлари учун маблағ ишлаб ололмас экан, бизнинг барчамиз ожиз ҳисобланамиз. Бундай имкониятни ҳаммага яратиб бериш бизнинг виждон амримиздир.
- **Шахсий хавфсизликка таҳдидлардан озод бўлиш** - Инсоният тарихида қийноқларнинг тез-тез учраб туриши инсонлар қалбига сингиб кетган ўша ёвузликнинг фожиавий кўрсаткичидир. Қийноқларни бартараф этиш, шунингдек уни миллий ва халқаро даражада амалда қўллаётганларни таъкиб этиш - давом этаётган шахсий хавфсизлик озодлиги учун курашнинг марказий вазифаларидан бири ҳисобланади. Зўрлаш муаммолари содир бўлар экан, бунинг учун хотин-қизларга кадр-қиммат ва муҳофаза борасидаги ғамхўрликларни рад этаётган институтлар ва кадриятлар жавоб бериши керак.
- **Иштирок этиш эркинлиги** - Демократиянинг глобал муваффақиятлари ҳали жуда кичик. Барча одамларни фуқаролик институтларига фаол жалб этиш ва ахборотлардан, билимлардан мисли кўрилмаган тарзда баҳраманд бўлиш асосий сиёсий эркинликни мустаҳкамлайди.
- **Ноҳақликдан озод бўлиш** - Ушбу озодликни таъминлаш одамларни барча ҳолатларга аниқ қоидаларни қўллаш йўли билан ҳимоя этувчи институтларни яратишни талаб этади. Ижтимоий институтлар қонунийликка, ҳамжихатликка ва қонуннинг устуворлигига суяниши керак.
- **Ишлаб чиқарувчи фаолияти озодлиги** - Болаларни муҳофаза этиш ва катталарнинг меҳнат шароитларини яхшилаш соҳаларида кўпгина ютуқлар қўлга киритилган. Бу озодликдан кўпчилик фойдаланади, аммо бошқалар ишларининг йўқлиги туфайли ўзларини ижтимоий мазлум сифатида ҳис қилаётган бир вақтда миллионлаб кишилар ғайриинсоний шароитларда меҳнат қилмоқдалар. Инсоний кадр-қиммат хўрланганларни одатдаги инсоний турмуш тарзига қўшилишлари ва ғоят қийин турмуш шароитларини бартараф этиш бўйича мажбуриятлар қабул қилишни тақозо этади.



— Ўқувчиларга тавсия этиладиган фаолият турлари

1. Глобал шартномага имзо чекканлигини билиб олиш учун ўзингиз яхши кўрган бир фирмани танланг ва у билан алоқа ўрнатинг. Бу масала ҳақида кўпроқ билиб олиш учун қуйидаги саҳифага кириш: <http://unglobalcompact.org>.
2. Интернетдаги БМТнинг қуйидаги www.un.org саҳифааси ёрдамида ҳарбий жиноятлар бўйича трибунал ишларини ва инсон ҳуқуқлари бўйича турли кўмиталарга мамлакатларнинг ҳисоботларини кузатиб бориш.
3. Инсон ҳуқуқлари ташкилоти инсон ҳуқуқлари тамойилларига мувофиқликни баҳолаш учун қуйидаги мезонлардан фойдаланади:
 - Камситишларга йўл қўймаслик - ҳамма билан бирдай муомалада бўлиш
 - Бир хил тараққиёт - ресурсларни йўналтириш ва муаммоларни ҳал этишга эътиборни қаратиш
 - Чинакам иштирок этиш - одамларни, уларнинг ҳаётларига алоқадор бўлган қарорларни қабул этишга жалб қилиш
 - Самарали суд ҳимоя воситаси - ҳуқуқ, бузилган ҳолларда унинг учун товон тўлашни таъминлашКонвенциялардан бирини танлаб олинг ва инсон ҳуқуқлари мониторинги билан шуғулланаётганларнинг ҳисоботларида бу мезон қандай акс этганини кўриб чиқинг.
4. Инсон ҳуқуқлари бузилиши даврдан сўнг ўнғланаётган кўпгина мамлакатларда ҳақиқий аҳволни аниқлаш ва ушбу бузғунчиликларни ҳужжатлаштириш учун келиштириш бўйича Комиссия тузилган эди. Қуйида санаб ўтилган мамлакатларнинг бирини танланг. Бу комиссиялар фаолиятлари натижаларини ва уларнинг ҳисоботларини тадқиқ этинг: Боливия (1982), Аргентина (1983), Филиппин (1986), Чили (1990), Чад (1992), Салвадор (1992), Германия (1992), Руанда (1993), Гватемала (1994), Гаити (1994), Уганда (1994), Жанубий Африка (1995), Нигерия (1999), Сепра-Леоне (1999).
5. Интернет саҳифасидан БМТнинг инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича радио эшиттиришлар ва телекўрсатувлар матнларини олинг. Уни синфда қайта “жонлантинг”. Тақдим этилган ҳар қандай саҳифадан фойдаланиб ўзингизнинг сценарийингизни ёзинг.
6. Мазкур ахборотлар тўпламидан фойдаланиб ўз синфингизда “ток-шоу” кўринишидаги дастурни тайёрланг ва ўтказинг. Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссар, Бош котиб, инсон ҳуқуқининг бузилиши қурбони, инсон ҳуқуқлари мониторинги гуруҳи аъзоси, Гэллап Институти томонидан сўровга жалб этилган шахс ва шу каби бошқа ролларни тақсимланг. Синфда инсон ҳуқуқлари бўйича аниқ бирор дастурга хатлар жўнатиш ёки пуллар йиғиш каби турдаги фаолиятлар билан шуғулланиш масаласини ҳал этинг, бу каби тадбирлардан сўнг қандай ишларга киришишни хоҳлар эдингиз?
7. Ўз мамлакатингиз Конституциясини Инсон ҳуқуқлари умумий декларацияси ва шу масаладаги бошқа асосий ҳужжатлар билан солиштиринг. Уларнинг умумий томонлари қаерда? Сиз унга қандай ўзгаришлар киритган бўлар эдингиз?
8. 1948 йилда Бош Ассамблея томонидан Умумий декларация қабул этилгани шарафига мактабингизда 10 декабрда Инсон ҳуқуқлари кунини ташкил этинг. Сиз, эътиборингизни инсон ҳуқуқларининг қайси жабҳаларига қаратмоқчи эканингизни ҳал

килинг ва мазкур масалани яхши биладиган, эришилган натижалар ҳамда мавжуд муаммолар ҳақида хикоя қилиб берадиган ва қандай ҳаракатларга киришиш мумкинлигини тавсия этадиган маърузачиларни таклиф этинг. Сиз халқаро, миллий ёки муайян ҳудуд кўламидаги мавзунни танлаб олишингиз мумкин.

9. Инсон ҳуқуқлари мавзуида энг яхши плакат конкурси ўтказинг. Бунинг учун сиз битта мақола ёки битта конвенцияни танлашингиз мумкин. Плакатларда бузғунчиликнинг айнан ўзини, ундан суд орқали ҳимояланиш воситаларини ва бу ҳолга барҳам беришдаги тараққиётни тасвирлашга ҳаракат қилинг.
10. Синфда инсон ҳуқуқларининг бузилиши харитасини ишлаб чиқинг. Интернетдаги инсон ҳуқуқлари бўйича ташкилот саҳифасидан фойдаланиб ўзингиз кўрсатмоқчи бўлган, асосан бузилаётган инсон ҳуқуқларининг, бундай ҳоллар юз бераётган, тезкор саъй-ҳаракатлар учун эҳтиёж бўлган минтақаларнинг рўйхатларини тузинг. Сизнинг синфингиз ўқувчиларини ташвишга солаётган бузғунчиликларни бартараф этиш учун қандай ҳаракатларга киришиш кераклигини ҳал этинг.

== Баъзи манбалар

Интернетда

untreaty.un.org
www.un.org/rights
www.unicef.org
www.unhchr.ch

Босилган материаллар:

Инсон ҳуқуқлари: халқаро шартномалар тўплами, БМТ, Нью-Йорк
Барқарор инсоният тараққиётида инсон ҳуқуқлари интеграцияси, БМТ, Нью-Йорк.
БМТ ва инсон ҳуқуқлари, БМТ, Нью-Йорк.
Инсон тараққиёти тўғрисида 2000 йил учун маъруза,
БМТ Тараққиёт дастури, Оксфорд юниверсити пресс, Нью-Йорк
Инсон ҳуқуқлари таълими, БМТ, Нью-Йорк

Асосий статистик маълумотлар



- Жаҳоннинг буюк давлатлари ўртасидаги охири можаро тугаганига 2000 йилда 55 йил тўлди. Бу, ҳозирги давлатчилик тизими тарихида можароларсиз ўтган энг катта даврдир.
- 2000 йил шундай ўнйиллик тугалланганини ҳам нишонладики, бу даврда халқаро қурооллар бозорида қуроол-яроғларнинг кенг кўламдаги савдосига имкон яратган фуқаролар урушлари, этник тозалашлар ва геноцид актлари беш миллиондан ортиқ, одамнинг ёстиғини қуритди, айниқса, уларнинг кўпчилиги ёки асосий қисми фуқаролар эди.
- Кейинги ўн йилда дунё мамлакатларининг учдан бирида қуроолли можаролар бўлиб ўтди.
- 90-йилларда содир бўлган, катта миқдордаги қурбонлар берилган можаролар, иқтисодиёти ўнлаб йиллар ортга итқитиб ташланган унга жалб этилган мамлакатларнинг ҳисоб-китоб қилиб бўлмайдиган қанчалаб йўқотишларини ҳисобга олмаганда ҳам, халқаро ҳамжамият учун қарийб 200 миллион АҚШ долларига тушди.
- 40 дан ортиқ дипломат ва БМТнинг юқори лавозимли шахслари Бош қотиб томонидан тинчлик ўрнатувчи бош миссияларга ёки вазиятни ривожланишини кузатиш, воситачилик хизмати кўрсатиш ва яраштириш ишларига махсус вакил ва махсус элчи қилиб тайинландилар.



Можароларнинг олдини олиш

“Ҳамма яхши тушунадики, дардни олдини олиш уни даволашдан яхшироқдир, шу боис можароларнинг олдини олиш стратегияси уларни фақатгина зўравонлик кўринишидаги ташқи аломатларини бартараф этиш эмас, балки туб сабабларини йўқ қилишга йўналтирилиши керак”.

Бош котиб Кофи Аннанинг “Мингйиллик маърузаси”дан“

— Бир мисқол олди олинса...

Олмос билан савдо-сотик қилишни назорат этиш қуроли тўқнашувларнинг олдини олади дея кўрманг. Аслида олмос ниҳоятда чиройли бўлади. Кўпчилик учун у муҳаббат ва вафо тимсоли. Одатда биз улар қаердан келганини, кимлар кидириб топганини суриштириб ўтирмаймиз. Қолаверса, олмоснинг фуқаролар урушига ҳам алоқаси йўқ. Афсуски, “конранг” деб аталадиган баъзи олмослар ноқонуний казиб олинади ва ўқ харид қилиш, отиш қуроллари учун ишлатилади.

Серра Леонедаги ёввойиларча хунрезлик минглаб кишиларнинг ёстиғини қуритди. Ярашув тўғрисидаги шартномани бузган ҳолда исёнчилар ўз қурашларини давом этирмоқдалар. Бу исёнчи гуруҳлар мамлакатдаги олмос казиб олингандаги районни назорат қиладилар ва ноқонуний даромадларини ўзларининг урушларини молиялаш учун сарфлайдилар. Бу ноқонуний савдони тўхтатишга ҳаракат қилиб 2000-йил 5 июлда БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши Серра Леонедаги рухсат этилмаган олмос импортини тақиқлаб қўйди.

Мазкур тақик Хавфсизлик Кенгашининг табиий ресурслардан қуроли можароларни давом эттириш учун ноқонуний фойдаланишни чеклаб қўйиш борасидаги саъй-ҳаракатларини қатъийлаштирганини тасдиқлайди. “Қонли олмослар” савдосини бартараф этиш ишида олмос казиб оладиган саноат ҳам ишгирок эта бошлади. Яқинда Олмос казиб олувчиларнинг халқаро ассоциацияси ва Олмос биржаларининг бутунжаҳон федерацияси олмоснинг қаердан олинганини тасдиқлайдиган сертификация тизими ташкил этилишини эълон қилди.

— ...Бир олам даво топади

Инсоний жамиятда, одатда можаролар мунтазам содир бўлади. Улар албатта, қонли бўлиши шарт эмас, ҳатто ҳеч қандай муаммо келтириб чиқармаслиги ҳам мумкин. Бу фақат бизнинг хилма-хил мақсадда эканимизни ва ҳаётда ўзгаришлар ясашни ифодалаш воситаларидан

бири. Агар жамиятдаги можаролар талаб даражасида бошқариш ва қайта тиклаш борасида бўлса, бу балки ривожланишга ёрдам берган бўлар эди. Бошқа жихатдан эса, яъни курашаётган томонлар можароларни жиловлаб тура олмасалар ва айна пайтда бунга ноҳақлик, нотенглик ёки армон бўлиб қолаётган хохиш-истаклар каби омиллар аралашиб кетса, можаролар қонли ва давомли бўлиб кетаверади.

Қуроли можаролар даҳшатли оқибатларга олиб келиши мумкин. Кўпчилигимиз унинг оқибатларини дарҳол тасаввур этамиз. Бу орада оиламизнинг баъзи аъзоларидан жудо бўламиз ёки туғилиб ўсган юртдан қочиб кетишга тўғри келади. Ё булмаса, кунимиз майиб бўлган қўл ва оёққа қолиши мумкин. Яна баъзи бирларимиз дўстларимиз ёки таниш-билишларимизнинг азоб-уқубатларига гувоҳ бўлиб изтиробга тушамиз. Кимлар эса, бу фожиалардан газета ёки телевизор орқали хабар топадилар холос.

Статистика афсусланарли фактларни ҳавола этади. Кейинги юзйилликда давлатлар ўртасидаги можаролар 100 миллион кишининг ёстиғини қуритди, сиёсий можаролар натижасида 170 миллион киши қурбон бўлди. Бугунги кунда одамлар умрига зомин бўлаётган - ихтилофлар -қўзғолонлар, этник тозалаш ва очкўзлик туфайли келиб чиқаётган миллат ичидаги урушлардир. Кейинги ўн йил мобайнида миллий чегаралар атрофидаги можароларда беш миллион киши ҳалок бўлди. Бу қурбонларнинг кўпчилиги, баъзи ҳолларда қарийб 90 фоизи оддий фуқаролар эди. Урушлар натижасида 20 миллионга яқин қочоқлар ва 24 миллион аралашиб кетганлар пайдо бўлди.

Можаролардан кўпчилик ҳалок бўлди, омон қолганларнинг ҳам ҳаёти захарланди. Можаролардан қолган мерос - ҳаммаёқда ижтимоий таназзул ва бошбошқоқдик бўлади. Улар иқтисодий тараққиётни ўнлаб йиллар орқага улоқтириб юборади. Бу ҳолда мактаблар ва бошқа инфратизимлар вайрон бўлганда малакали, моҳир врачлар, ўқитувчилар ва бошқа мутахассисларни йўқотишдан жамият кўрадиган зарарни ким ҳам ҳисоблар эди! Ёки бутун бир авлод болаларни йўқотиш миллат учун қанчага тушушини қандай ҳисоблаб бўлади?

— Туб илдизларни бартараф этиш

Табийй офатларни, балки илмий асослаб бериш мумкиндир, аммо уруш сабабларини тушунтириш бирмунча қийинроқдир. Ижтимоий ахлоқ - довул, зилзила сингари жисмоний қонунларга бўйсунмайди. Одамлар ўз тарихларини ўзлари яратадилар. Бунинг учун баъзида зўравонликдан ҳам фойдаланганларини эса асло тушуниб бўлмайди. Ҳаракатдаги кучлар ғоят мураккаб. Ҳар ҳолда, агар биз қуроли тўқнашувларни муваффақиятли бартараф этишни хоҳласак бундай вазиятга қандай омиллар сабаб бўлишини яхши билишимиз керак.

Биз уруш эҳтимолини оширадиган баъзи шартларни аниқлаб олишимиз зарур.

- **Камбағаллик.** Кейинги йилларда уруш гирдобига, масалан, бой мамлакатлардан кўра камбағал мамлакатларни тортиб кетилиш эҳтимоли кўпроқ бўлди. Можароларни бошқариш учун камбағал мамлакатларнинг иқтисодий ва сиёсий ресурслари кам. Бироқ камбағалликнинг ўзи ҳам ҳал этувчи омилга ўхшамайди, чунки камбағал мамлакатларнинг кўпчилиги узок йиллар мобайнида тинч яшайдилар.
- **Нотенглик.** Уруш томонидан жароҳатланган мамлакатлар, баъзан ўз ичидаги ижтимоий гуруҳларнинг нотенглигидан азоб чекадилар. Бу нотенглик этник, диний, миллий, иқтисодий ва ижтимоий сабабларга асосланиши мумкин. У сиёсий ҳокимиятнинг “кўзини очирмай кўяди”, бу билан тинч ўзгаришлар йўлини ёпади. Баъзида илгаридан норозилик билдириш мақсадида қуроли можаролар алангаланиб кетади. Этник, диний ва миллий ёлғон-яшиқларни ва ғайриинсоний ғояларни тарқатишга кўмаклашувчи “қолипга тушган сиёсат” сиёсий сафсатабозларнинг

миллатчилик хоҳиш-истакларини оппа-осон қўллаб-қувватлаш учун сафарбар этилишини таъминлайди. Агар 20 фоизга яқин давлатларнинг этник жиҳатдан бирхиллигини ҳисобга олганда бу ҳол айниқса, равшан бўлади.

- **Иқтисодий тушқунлик.** Сиёсатнинг табиатига кўра иқтисодий ўсиш кузатилаётган давлатга қараганда иқтисодий таназзулга юз тутган давлатнинг можароларга тортилиб кетиши осонроқ кечади. Бунинг устига, иқтисодий ислоҳот ва тизимни қайта қуриш - тикланадиган ижтимоий сиёсат билан бирга олиб борилмайди, бу эса барқарорликка путур етказиши мумкин. Бундан ташқари, ночор ҳукуматнинг ғалаёнлар пўртанасини ва кенг қулоч ёйган зўравонликларни тўхтатиш учун етарли имкониятлари ҳам бўлмайди.
- **Очкўзлик.** Уруш бутун жамиятга, ҳаммага талафот келтирсада, у баъзилар учун мўмай даромад манбаи бўлиб қолаверади. Бундай ҳолларда кураш олмослар, ёғочлар ва бошқа моллар сингари табиий ресурслар устидан назоратни қўлга олиш учун кетади. Баъзан орага гиёҳванд моддалар ҳам киради. Бу можаролар баъзида турли манфаатдор шахсларни, шунингдек, хомтама бўлиб турадиган қўшни давлатларни ғимирлатиб қўяди. Шу каби енгил даромад топиш, бебилиска пуллар тўплаш учун можаролар зонасига қурол-яроғларнинг оқиб келишини қўллаб-қувватлашда халқаро бизнес манфаатлари ҳам қўшилиши мумкин.

— Можарони олдини олган яхши, лекин...

Кўплаб ташкилотлар ва кишилар қуролли можароларни бартараф этиш устида, агар бундай можаро аланга олса, уни ўчириш, ёки унинг яна ҳам қайта алангаланмаслиги устида иш олиб борадилар. БМТнинг ўзи ҳам, аслида “кейинги авлодларни уруш офатидан химоя этиш” учун ташкил этилган. Бироқ ҳамма шуни эътироф этадики, тўқнашувларнинг бартараф этилиши яхшию, бироқ можароларни олдини олиш чоралари амалий қўллаб-қувватлашга айланиб кетиши шарт эмас. Давлатлар ички курашлари учун ҳар гал, қайта-қайта “ташқи аралашув”га йўл қўйиб бераверишни, ё бўлмаса, ўзларининг миллий манфаатлари учун дунёнинг бутунлай бошқа минтақасидаги можароларни бартараф этишни ҳар доим ҳам хуш кўравермайдилар. Шу сабабли сиёсий раҳбарларнинг жамоатчиликни чет элларда огоҳлантирувчи сиёсат олиб бориш учун катта сармоя талаб этилишига ишонтира олишлари ғоят мушкул ишдир. Шунинг учун ҳам БМТ Бош котиби “можароларни бартараф этиш, аввало, сиёсий раҳбарларни даъват этишдир”, дея таъкидлаган эди.

— Фойдали механизмлар

“БМТ учун қуролли можароларнинг олдини олишдан биринчи даражалироқ мақсад, азизроқ, мажбурият ва қудратлироқ азму қарор йўқдир. Инсоният хавфсизлигини барқарор этиш БМТнинг том маънодаги муҳим вазифаси ҳисобланади. Бу вазифани амалга оширишнинг асосий воситаси можароларни олдини чинакам ва мустақкам олишдан иборатдир. Унинг ҳал этувчи таркибий қисмлари - демократиялаш, ҳуқуқий давлат ташкил этиш ва инсон ҳуқуқларига ҳурматдир”.

БМТ Бош котиби Кофи АННАН

БМТ Низоми - низоларнинг олдини олишни, шунингдек, халқаро тинчликка нисбатан тажовузларни бартараф этишни ва ташкилот устуворликларидан бири сифатида, хавфсизликни таъминлашни ҳамда Бош Ассамблея, Хавфсизлик Кенгаши, Бош котиб БМТ Халқаро суди ва ҳатто, Иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича кенгашнинг умумий масъулият доираларини

белгилаб берди. Кейинги пайтларда Хавфсизлик Кенгаши қуролли можароларнинг олдини олиш масаласининг ўзига бағишланган бир неча мажлис ўтказди ва мазкур муаммога йўналтирилган чораларни амалга оширишда ўзининг ролини кўрсатиб берди. Мазкур органлар ихтиёридаги воситалар орасида - музокаралар, расмий талаб, воситачилик, яраштириш, ҳакамлар суди ва суд қарорини чиқариш кабилар бор. БМТ огоҳлантирувчи ҳаракатлар сифатида қуйидаги тадбирлардан фойдаланиши мумкин:

■ **Огоҳлантирувчи дипломатия**

Одатда, огоҳлантирувчи дипломатия олиб борилаётган айти пайтда у ҳақда бирор нарса билиб олиш қийин. Кўпинча, бу олий даражадаги, ошқора этиб бўлмайдиган, қатор норасмий мулоқотлардир. У ҳам воситачилик ва музокаралар шаклида амалга оширилиб, қанча илгарироқ ўтказилса шунча кўпроқ муваффақият қозониши мумкин. Гоҳида кун кеч бўлганида кузатувчиларга - ростдан ҳам огоҳлантирувчи дипломатия аҳвол ёмонлашувининг олдини олди ёки вазиятнинг ўзи изга туша бошладими, буни аниқ айтиб бериш қийин. Иккинчи томондан эса, огоҳлантирувчи дипломатия муваффақиятсизликка учраб қолса бас, бу дарров ҳаммага аён бўлади.

Огоҳлантирувчи дипломатия учун асосий жавобгарликни Хавфсизлик Кенгаши ўз зиммасига олади. Кенгаш илгаридан текширишлар ёки кузатувлар ўтказиши, санкция киритиши, шу каби у тинчлик ўрнатувчи кучлар юбориши мумкин. Шунингдек, Бош котиб ҳам огоҳлантирувчи дипломатияда иштирок этади. У баъзида бевосита иштирок этиши, ёки ўзининг воситачиси, гоҳида ўзининг махсус вакили ёки элчиси орқали ҳаракат қилиши мумкин. Тинчлик ўрнатувчи кучларни мана шу махсус ихтисосга эга бўлган ва ишончли вакиллар бошқарадилар. Улар узундан-узоқ музокаралар жараёнида Бош котиб вакили сифатида иштирок этадилар. Шунингдек, илгаридан махсус миссиялар жўнатади ва вазиятнинг боришини қузатишга ёрдам беради.

Можароларни олдини олишда, бошқаришда ва уни бартараф этишда “фуқаролик дипломатияси”, яъни фуқаролик жамиятининг алоҳида шахслари ва ташкилотлари ҳам муайян рол ўйнашлари мумкин.

Масалан, Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш жараёнидаги “Осло-99” битимини тайёрлашда унчалик катта бўлмаган Норвегиядаги тадқиқот институти ҳал этувчи рол ўйнади.

■ **Огоҳлантирувчи кучларни кенг қулоч ёйдириш**

Кенг қулоч ёйган огоҳлантирувчи кучлардан кескинлик мавжуд бўлган зоналарда ёки қурашаётган гуруҳлар ўртасида ишонч ҳосил қилишга ёрдамлашиш мақсадида “юпқа яшил саф” яратиш учун фойдаланилади. Ҳозирги кунларгача Кенг қулоч ёйган огоҳлантирувчи кучларга фақат битта мисол бор эди. Илгари Югославия таркибида бўлган Македония 1992 йилда минтақада кетаётган уруш унинг худудига ҳам тарқалиб кетиши хавфининг олдини олиш учун БМТнинг ҳарбий кузатувчиларини юбориш борасида илтимос билан мурожаат этди. Мазкур мамлакат бу билан чет эл аралашуви имкониятини ишга солишдан кўра минтақадаги тинчлик ва бракарорлик учун кўпроқ қайғураётганини намоиш этди. (Қуйидаги “Содир бўлган воқеаларни тадқиқ этиш” мавзусига қараң).

■ **Огоҳлантирувчи қуролсизланиш**

Огоҳлантирувчи қуролсизланиш - можаролар рўй берган минтақаларда ўқ отиш қуроллари ва енгил калибрли қуроллар сонини қискартиришга йўналтирилгандир.

БМТнинг тинчлик ўрнатувчи кучлари, масалан, Шарқий Словенияда фукаро аҳоли ўртасида “сотиб олиш” деб номланган дастурни амалга оширдилар. БМТ тараққиёт дастурини “Қуролларни тараққиётга алмашлаш” деб номланган программаси Албанияда ўқ отиш қуроллари ва ўқ-дорилар ўрнига маҳаллий тараққиёт лойиҳаларини амалга оширишга ёрдам берди. БМТ Салвадорда, Мозамбикда ва бошқа мамлакатларда қуролли бирлашмаларни тарқатиб юборишга, шунингдек, тинчлик ўрнатиш умумий дастурини амалга ошириш доирасида уларнинг қуролларини йиғиб йўқ қилишга ёрдам берди. БМТнинг яна бошқа бир саъй-ҳаракатлари - ўқ отувчи қуроллар ва енгил калибрли қуроллар, умуман, бугунги қуролли можароларнинг кўпчилигида фойдаланилаётган ягона турдаги қуроллар билан ноқонуний савдо қилишни қисқартиришга йўналтирилган. Мазкур қуроллар уруш сабабчиси бўлмаса-да, улар ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш воситаси ҳисобланади.

■ Огоҳлантирувчи тинчлик ўрнатиш

Ҳарбий ҳаракатлар тугаши билан уларнинг яна қайта бошланиб кетмаслигининг чоратadbирларини кўриш зарур. Кейинги йилларда БМТ барқарор тинчликка эришиш учун зарур шароитларни ҳозирлашга янада комплекс ёндоша бошлади. Бу жараён ўз таркибига анъанавий тинчлик ўрнатишни, сайловлар ўтказишни ёки тинчликни тиклаш, яхши бошқарув ўрнатиш ёки инсон ҳуқуқларига ҳурмат эътиборни тиклаш ва қонун устуворлигига йўналтирилган саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш бўйича БМТ бўлими тузиш қабиларни жамлайди. Бунда нафақат БМТ, балки, шунингдек унинг қатор агентликлари ва бошқа иштирокчилар ҳам қатнашишлари мумкин.

Масалан, Гвинея-Биссауда БМТнинг бўлими тинчлик ўрнатувчиларнинг қўллаб-қувватлашлари билан айни пайтда юз берган муаммоларни комплекс ҳал этиш масалаларини мувофиқлаштиради. (Қуйидаги “Содир бўлган воқеаларни тадқиқ этиш мавзусига қаранг). Либерияда БМТ миллий ярашиш бўйича саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватламоқда. У Гватемалада тинчлик битимларини бажарилишини текширишга қўшимча равишда тинчликни тиклаш, воситачилик, маслаҳатлар бериш ва жамоатчиликни хабардор қилиш бўйича қатор можаролардан кейинги тадбирларни амалга оширапти. Камбоджада БМТ ҳукуматга, унинг саъй-ҳаракатлари билан давлатчиликни ташкил этишга, жумладан, демократик институтларни кучайтиришга ва инсон ҳуқуқларини ривожлантиришга кўмаклашмоқда.

Бошқа стратегиялар ўз таркибига огоҳлантирувчи исонпарварлик акцияларини ва тараққиётни ривожлантириш жабҳасидаги огоҳлантирувчи фаолиятларни ҳам қамраб олади.

— Жазо чоралари оқилона бўлиши мумкинми?

“... менга жазо чораларини фақатгина “янада оқилона” қилиш етарли эмас, деб тасаввур қилишга изн беринг. Барча муаммо шундаки, жазо чораларининг нисбатан аниқ ва конкрет мақсадлари консенсусига эришиш учун механизмларни мувофиқ тарзда ростлаш, ундан кейин эса зарур маблағлар билан таъминлаш зарур. Бу - Хавфсизлик Кенгаши ва БМТга аъзо мамлакатлардан нафақат техник, тезкор масалалар, балки биз бўйсунмас мамлакатлар халқаро ҳамжамияти хоҳиш-иродаларини янада тўлиқроқ ва кенгроқ қўламда бажаришни қандай уддалаётганимиз билан боғлиқ янада кенгроқ сиёсий масалалар билан ҳам шуғулланиш истагини талаб этади”.

БМТ Бош котиби Кофи АННАН

Жазо чоралари Хавфсизлик Кенгаши учун ўз қарорларини ҳаётга татбиқ этишда муҳим -тадбир сифатида хизмат қилади. Кенгаш бу борада қуролли кучлардан фойдаланмаган ҳолда

иш олиб боради. Жазо чоралари қурооларни сотишни тақиқлаши ёки савдо ва молиявий чегаралар ўрнатиши мумкин. Бунга юкларни ҳавода ташиш ёки чет элдаги миссияни тўхтатиш ҳам кириши мумкин. Умуман, Кенгаш ҳукуматларнинг халқаро тинчлик ва хавфсизликка хавф солиш йўллари ва режимларини ўзгартириш учун жазо чораларини киритади. Мажаролар чоғида жазо чоралари қуроолар ёки ёқилғи келадиган йўллари бекитиш билан, давом этаётган ҳарбий ҳаракатларни тўхтатишга йўналтирилади. Шундай экан, жазо чоралари қуроолли мажароларни бартараф этиш ёки унинг қулоч ёзиб кетишини чегаралаб қўйишда самарали чора бўлиб қолиши мумкин.

Одатда, жазо чоралари яхши натижаларни қўлга киритиш учун мўлжалланса-да, улар мажароларга бевосита алоқадор бўлмаган кўплаб кишиларга зарар ҳам келтириши мумкин. Масалан, Ироққа нисбатан қўлланилган жазо чоралари, қуроолсизланишни чеклашда яхши натижалар берди, ammo бу чора инсонпарварлик бўҳронини кучайтирганликда айбланди. Бошқа баъзи бир ҳолларда олий ҳокимият жазо чоралари ҳаражатларини энг кам имтиёзга эга бўлган гуруҳлар зиммасига юклаб юборади ва чекланган ресурсларнинг тарқалишини назорат қилиш билан ўз манфаатларини “қора бозор” фаолиятдан чиқариб олиш пайида бўладилар ва бу билан жазо чораларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Мавжуд жазо чоралари жамиятга салбий оқибатлар ҳам олиб келиши мумкин, яъни жазо чораларини бузувчилар, контарабандачилар ва шу каби носоғлом кучлар иктисодий пиллапояннинг юқори нуқтасига кўтарилиб кетадилар. Шундай қилиб, ҳеч қандай айби бўлмаган фуқаролар нафақат ўз ҳокимиятлари, балки шунингдек, халқаро ҳамжамият ҳаракатларининг қурбонига айланиши мумкин.

Шунингдек, жазо чоралари, уларни бажариш маъносида самараси кам ва мураккаб бўлиши, гоҳо улар кенг кўламда инкор этилиши ҳам мумкин. Масалан, Босниядаги урушда қуроол-яроғ етказиб бериш учун эмбарго критига кўпгина мамлакатлар, агрессорга устунлик яратиб бериш ва БМТ аъзоси бўлган бошқа давлатни эса ўзини-ўзи ҳимоя қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш сифатида қарадилар. Уларни яраштириганда, бунинг оқибатида, албатта талафот кўрадиган қўшни мамлакатларга кўп ҳолларда уларнинг зарарлари ундириб берилмайди.

— Суверенитет ва инсонпарварлик аралашувлари

“Биз чинакам тараддуд олдида турибмиз. Инсонни муҳофаза қилиш ва суверенитетни ҳимоя этиш - булар биз қўлиб-қувватлашимиз зарур бўлган тамойиллар эканлигига ҳамма эътироз билдирмаса керак. Афсуски, ўртада ихтилоф пайдо бўлганда қайси тамойил устун келишидан бу бизга дарак бера олмайди”.

Бош котиб Кофи Аннанинг “Мингйиллик маърузаси”дан

1999 йилнинг сентябрида БМТ Бош котиби ташкилот сиёсий, ҳуқуқий ва инсонпарварлик бўҳронларини ҳал этишда аралашув билан биргаликда яна қандай воситалардан фойдаланиши масаласини янгидан кўриб чиқиш учун аъзо мамлакатларни таклиф этди. “Серра-Леонедан Судангача, Анголадан Болконгача, Камбоджадан Афғонистонгача кўплаб халқлар борки, уларга халқаро жамиятдан ҳамдардликдан кўра кўпроқ ёрдам керак, - деди Бош котиб зўравонлик ҳаракатларини бартараф этиш учун уларга аниқ ва барқарор мажбуриятлар зарур”.

БМТ Бош котиби аралашув концепциясига кенг таъриф беришни таклиф этди. Бу таъриф ўз таркибига мутлақо рамзийларидан тортиб исталган натижаларга мажбуран бўлса ҳам эришиш учун ишлаб чиқилган ҳаракатларнинг барчасини киритиши керак эди. У минтақа ёки мамлакатдан қарамликдан қатъий назар, аралашув мезонларини адолатли ва изчил қўллаш бўйича мажбуриятлар билан қўлни-қўлга берган ҳолда амалга оширила бориши керак.

Баъзи бир бўҳронлар чоғида ҳеч қандай ҳаракатлар амалга оширилмайди, чунки бундай

холларда кўпинча, давлатнинг ўзи четдан ҳар қандай аралашувни хоҳламайди, ё бўлмаса бундай ҳаракатлар уларнинг миллий манфаатларига мос келмайди. Бош котиб янги мингйилликда миллий манфаатларнинг - “Низомнинг демократия, плюрализм, инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлиги каби улкан қадриятларига эришишга интилишлари учун давлатларни янада мустаҳкамроқ жипслашишга ундаш”и мумкин бўлган янги концепцияни қабул этишни таклиф қилди. Биз, барчамиз инсонлар эканмиз, инсонийликни муҳофаза этиш йўлида БМТнинг аъзо давлатлари Низом тамойилларига амал қилишлари борасида, албатта умумий тил топишишлари лозим.

Аралашув мавзуидаги тугалланмаган бахс-мунозаралар билан ҳарбий можарони олдини олиш учун қачон ва қандай қилиб ҳаракатланиш тўғрисидаги ҳал этилмаган масала ҳам алоқадордир. Можароларнинг олдини олишни, умуман олганда, барча давлатлар қўллаб-қувватлайдилар, бироқ бундай қўллаб-қувватлашлар амалиётга келганда чекланишларга, гоҳ молиявий мулоҳазаларга, гоҳида суверенитетни сақлаш билан алоқадор сабабларга бориб тақалади. Баъзи мамлакатлар БМТнинг можароларни олдини олишга йўналтирилган бирмунча фаоллашган Хавфсизлик Кенгаши тарафдоридир. Улар, қуролли можаро бошланган ҳолда аралашувга кўрсатилган қаршиликнинг ўзи суверенитетни қисқаришига олиб келиши мумкинлигини таъкидлайдилар. Бошқа баъзи мамлакатлар эса Кенгашнинг “огоҳлантириш маданияти” ўрнатаётган ҳар қандай ҳаракати ғоят синчиклаб кўриб чиқилиши зарур деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрича, аралашув давлатнинг ҳудудий яхлитлигига даҳл қилмаслиги зарур. Ички можаро юз берганда давлат вазиятни дарҳол “байналмилаллаштириш”га ошиқмаслиги керак ёки можарони ҳарбий йўлдан бошқа йўл билан ечиш имкони борлигини тан олиши лозим.

■ Содир бўлган воқеаларни тадқиқ этиш

■ Огоҳлантирувчи дипломатия ва тинчлик ўрнатиш: Тожикистон

Собиқ СССР тарқаб кетганидан сўнг 1992 йилда Тожикистонда ўткир ижтимоий ва иқтисодий бўҳрон пайдо бўлди. Уруғ-аймоқлар орасидаги, минтақавий ва сиёсий кескинлик ҳамда тараққиётнинг дунёвий ва ислом фундаментализми каби йўналишлари тарафдорлари ўртасидаги ихтилоф туфайли аллақачон барқарорликка путр етган эди. 1992 йилнинг майида ҳукумат тепасига Тожикистон муҳолифати келди. Улар устидан ҳукумат кучлари ғолиб келганидан сўнг саккиз ойдан кейин Афғонистонга қочиб кетдилар ва чегара ортидан тез-тез хужум уюштириб турдилар. Баъзи ҳисоб-китобларга қараганда 1993 йилнинг ўрталаригача 50 мингга яқин одам ўлдирилди. Уларнинг кўпчилик қисми оддий фуқаролар эди. Оқибатда 60 минг киши қочоққа айланди. Уларнинг маълум қисми ўз мамлакатларининг турли бурчакларига, кўпчилик қисми бошқа мамлакатларга кетиб қолдилар.

1992 йилнинг сентябрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош котибга юзага келган вазиятни аниқлаш учун бу районга миссия жўнатишни таклиф этди. Бу миссия ортидан, аввало воситачилар миссияси, кейин эса кичикроқ сиёсатчилар, ҳарбий ва инсонпарварлик бўйича мутахассислар гуруҳи кириб келдилар. 1993 йилнинг апрелида гуруҳ можаронинг кенгайиш хавфи борлиги тўғрисида огоҳлантирди. Бош котиб 26 апрелда тезлик билан сулуҳга эришиш ва ўт очишни тўхтатиш учун Тожикистонга махсус элчи тайинлади. Бу тадбирда воситачилик хизмати кўрсатиш ва музокаралар жараёнини тиклаш ҳам кўзда тутилган эди.

Мазкур саъй-ҳаракатлар тожиклар ўртасида қатор музокаралар ўтказиш, 1994 йилнинг сентябрида вақтинча ўт очишни тўхтатиш тўғрисида битим имзолаш ва мониторинг мезханизмини тузиш, шунингдек, БМТдан ҳарбий кузатувчиларни жўнатишни сўраш каби меваларни бера бошлади. Хавфсизлик Кенгашининг кузатувчилар миссияси ташкил этиш тўғрисидаги қарорни қутаётган Бош котиб БМТ гуруҳига бирмунча қўшимча кузатувчиларни тайинлади.

Хавфсизлик Кенгашининг Тожикистонда БМТ кузатувчилари миссиясини ташкил этиш тўғрисидаги қарори 1994 йилнинг декабрида қабул этилди. Миссия Тожикистонга 2000 йилнинг 15 майига ойига қадар хизмат кўрсатди.

Мазкур саъй-ҳаракатлар ва тинчлик жараёнининг умумий ижобий натижаларини таҳлил этган Бош котиб бунинг сабаблари можарога БМТнинг эрта аралашуви, Хавфсизлик Кенгаши ва минтақа ташкилотлар билан ҳамкорлик, бўҳронни самарали бошқара олиш ва энг аввало, тожик халқининг урушни тўхтатиш ва сиёсий имкониятлар кидириб топишга бўлган хоҳиш-иродаси эканини қайд этди.

■ Огоҳлантириш ҳаракатлари: Собик Югославиянинг Македония Республикаси

90-йилларнинг ўрталарида Югославиянинг парчаланиши унинг собик таркибий қисмлари ўртасида, шунингдек унинг ичкарасида қуролли можаролар чиқишига олиб келди. Қуролли ҳаракатлар собик Македония Республикасига ҳали тарқалмаган бўлса-да, унинг Президенти БМТ кузатувчиларини юборишни сўради. Уларнинг ваколатлари мутлақо огоҳлантирувчи характерда бўлиши, яъни улар республикада барқарорликни бузиши мумкин бўлган ёки унинг ҳудуди учун хавф-хатар соладиган ҳар қандай ҳаракатни кузатишлари ва бу ҳақда хабар беришлари керак эди. Мана шунга асосан кузатувчилар ва фуқаро полицияси чегара районлари бўйлаб кенг қулоч ёйдирилди ва улар кескинликни камайтиришга, чегара атрофи районларини бошқаришни осонлаштиришга ва чегарадаги жанжалларни тўхтатишга муваффақиятли ёрдам кўрсатди.

1994 йилга келиб ички омиллар ҳам беқарорлик манбаи бўлиб қолаётгани тан олинди. Мамлакатда сиёсий вазият, қисман, аҳоли этник жиҳатдан аралаш бўлгани туфайли, фавқулодда мураккаб эди. Ҳукумат ва ўзларининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва маориф соҳасидаги аҳволларини яхшилашни талаб этаётган этник албанларнинг баъзи қатламлари ўртасидаги муносабат кескин эди. Шунингдек, ҳукумат билан Македония кўпчилиги миллий унсурлари ўртасида ҳам кескинлик мавжуд эди. Бунинг устига иқтисодиётда тушқунлик ҳукум суради, ишсизлик даражаси эса жуда юқори эди. БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши мана шундай вазиятда Бош котибнинг Махсус вакилини ўз воситачилик ваколатини тинчлик ва барқарорликни сақлаб қолиш учун сафарбар этишга даъват қилди. БМТ миссияси шунга мувофиқ мамлакатда, жумладан, можаролар юз бериши мумкин бўлган районларда турли гуруҳларни яраштириш мақсадида вазиятни ривожлантириш мониторингига киришди. Шунингдек, миссия махсус муниципал хизматлар ва инсонпарварлик ёрдамчиси ҳам таклиф этди. Натижада Хавфсизлик Кенгаши миссиянинг вазифасини кенгайтди. Унинг вазифасига мониторинг ва қуролларни ноқонуний айлантириш ҳамда таъқиқланган бошқа фаолиятлар бўйича ҳисобот тақдим этиш ҳам кирадиган бўлди.

Миссия фаолияти энг авж олган пайтларда унда 1050 ҳарбий, 35 кузатувчи, 26 полициячи ва 50 мамлакатдан бошқа фуқаролар иштирок этдилар. Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари миссия фаолияти муддатини узайтириш борасида бир қарорга келолмаганлари туфайли 1999 йилнинг феврилида БМТнинг огоҳлантирувчи кучлари миссияси тугади.

БМТнинг кенг қулоч ёйган огоҳлантирувчи кучлари - огоҳлантирувчи ҳаракатнинг комплекс модели бўлиб қолди. Юқорида зикр этилган мажбуриятлар билан биргаллик БМТнинг кенг қулоч ёйган огоҳлантирувчи кучлари, шунингдек, оқилона бошқаришни ташкил этиш, қонун устуворлигини барқарор этиш, миллий куч-қудратни ва инфратузилмани ривожлантириш ва давлат ҳамда жамоатчилик секторида институционал қурилиш ва тараққиётни барқарор этиш бўйича қатор дастурларда иштирок этди. Миссия - мамлакат ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшишлари, можароларни бартараф этишда воситачи бўлишлари ҳамда демократия ва инсон ҳуқуқларини барқарор этишлари учун жамиятнинг кўплаб гуруҳлари билан ҳамкорлик олиб борди. У ижтимоий тинчлик ва барқарорликка йўналтирилган узоққа мўлжаллаган дастурлар

ва тадбирлар воситасида халқаро тажриба тўплашга ёрдам берди. Шунингдек, у халқаро ташкилотлар билан яқин ҳамкорликда ишлади.

■ **Огоҳлантирувчи қуролсизланиш: Албания**

Албанияда, фуқаро аҳоли орасида ярим миллион бирликдан ортиқ қуроллар - асосан, ярим автомат винтовкалар, бир неча миллионлаб қўл гранаталари ва миналар бор эди. 1999 йил БМТ ўзининг “Қуролни тараққиётга алмашув” деган дастурини амалга оширишга киришди. Бир неча ой мобайнида Грамш туманининг бир ўзидан 5770 бирлик қурол ва 100 тоннадаи ортиқ ўқ-дорилар йиғиб олинди. Фақат шунга алмашиш сифатида 100 га яқин қишлоқ телефон алоқаси ва полиция ҳамда соғлиқни сақлаш тизими билан боғлана олиш имкониятини қўлга киритди. Шунингдек, Грамш шаҳрида кўчаларни ёритиш йўлга қўйилди.

■ **Тинчлик қурилиши: Гвинея-Биссау**

1998 йилнинг 7 июнида Президентга содиқ бўлган кучлар билан армия бош штаби бошлиғига содиқ кучлар ўртасида ҳарбий ҳаракатлар олови алангаланиб кетди. Президент қўшни мамлакатдаги исёнчи-сепаратистлардан қурол сотиб олганларга алоқадорлиги тасдиқлангани туфайли штаб бошлиғини истеъфога жўнатиб юборди. Кейинги бир неча ойлар мобайнида музокаралар натижасида иккала томон можарони ҳал этишга йўналтирилган қатор битимларга эришдилар. БМТ Хавфсизлик Кенгаши бу битимни олқишлади ва Бош қотибдан Гвинея-Биссаудаги миллий яраш жараёнига БМТ томонидан ёрдам кўрсатиш имкониятларини аниқлаб чиқишни сўради.

1999 йилнинг апрелига келиб Бош қотиб ўзининг БМТнинг Гвинея-Биссаудаги тинчлик қурилишини қўллаб-қувватлаётган бўлимини бошқарадиган вакилини тайинлади. Орадан бироз вақт ўтгач бўлим иш бошлади. У сиёсат ва инсон ҳуқуқлари бўйича мутахассислардан, шунингдек, сайловлар ўтказувчи мутахассислар ва ҳарбий маслаҳатчидан тузилди. Бўлимнинг энг аввалги вазифаларидан бири ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи органларига сайловлар ва президентни сайлаш учун тартиб-қоидалар ва тинч сайловлар ўтказишга шароит хозирлаш эди.

Бўлим очилган даврдан айни кунларга қадар Бош қотиб унинг мандатини тинчлик жараёни воқеалари ва характери қандай ўзгараётганига қараб тартибга солиб келди. Хавфсизлик Кенгашининг қўллаб-қувватлашлари туфайли бўлим Гвинея-Биссауда 2001 йилнинг охирига қадар фаолият кўрсатмоқда:

- Мамлакатларнинг жипслашиш ва тинчликни қадрлаш демократия ва қонун устуворлиги, жумладан, демократик институтларни мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш;
- Мамлакатларнинг фуқаролик жамиятини мустаҳкамлаш, ярашишга эришиш, бағрикенглик ва ихтилофларни тинч йўл билан бартараф этиш каби саъй-ҳаракатларини рағбатлантириш
- Гвинея-Биссау ва қўшнилари ўртасида ҳамда халқаро ҳамкорлар билан ўзаро ишонч, дўстлик муносабатлари ўрнатиш ташаббусларини рағбатлантиради;
- Ҳукуматлар ва бошқа томонларнинг қуролларни ўз хоҳишлари билан йиғиб топшириш ва йўқ қилиш дастурларини қабул этиш бўйича мажбуриятларини олиш;
- Мамлакатда БМТ тизими фаолиятини уйғунлаштириш ва интеграциялаш мақсадида сиёсий асослар ва раҳбарликни таъминлаш;
- БМТ тизими, жумладан, Бреттонвуд институтлари билан яқин ҳамкорликда Гвинея-Биссауда

тараққиёт устуворликларини тиклаш, қайта қуриш учун халқаро сиёсий қўллаб-қувватлашларни сафарбар этишни осонлаштириш.

== Ўқувчиларга тавсия этиладиган фаолият турлари

- (1) 90-йилларда можаролар кўтарилиб кетган минтақани танланг: Гаити, Чеченистон, Афғонистон, Серра-Леоне, Руанда, Бурунди, Заир, Либерия, Судан, Ирок, ёки Босния. Тадқиқот олиб бориш мақсадида қуйидаги саволларга жавоб топинг: Можарога ким жалб этилган? Ҳарбий ҳаракатларга қандай масалалар сабаб бўлган? Сиз унинг туб сабабларини қайси тоифага қўшган бўлар эдингиз? Ҳарбий ҳаракатларни бартараф этиш ёки муносабатларни тинч йўл билан ҳал қилиш учун қандай саъй-ҳаракатлар қабул қилинди? Мазкур саъй-ҳаракатларда кимлар иштирок этди? Можарони ҳал этишда, ютуқларни қўлга киритишда қайси омиллар тўсқинлик қилди/ёрдам берди?
- (2) Жазо чоралари қўллаш жараёнини тадқиқ этинг. Сиз Жанубий Африкага қўлланилган жазо чораларини кўриб чиқиб санкциялар тўғрисидаги тушунчага эга бўлишингиз мумкин. Улар қандай муддатга белгиланган эди? Қандай жазо чоралари қўйилган эди? Уларни бажаришга ким ёрдам берди? Жазо чораларининг натижаси қандай бўлди? Яна неча ҳолда жазо чоралари қўлланилган эди? Кимларга? Нима учун? Уларнинг самараси қандай бўлган эди? Қўлланилган жазо чоралари можарога тўғридан-тўғри жалб этилмаган томонларга ҳам салбий оқибатлар олиб келган ҳолларни биласизми? Натижа қандай бўлган эди?
- (3) Сизнинг мамлакатингиз қандайдир бошқа бир мамлакатдаги можарога ёки можароларни ҳал этишга жалб қилинганми? Можаронинг сабаблари нимада эди? Сизнинг мамлакатингиз томонидан қандай тадбирлар қабул этилган эди? Аралашув ташаббускори ким бўлди? Мазкур аралашув тўғрисида қандай жамоатчилик фикрлари билдирилди? Аралашувга ким тарафдор ва ким қарши бўлиб чиқди? Ҳар бир давлат қандай далиллардан фойдаланди? Тадқиқот натижаларини синфдошларингиз билан муҳокама этинг ва синфда аралашув мавзuida болалар фикри юзасидан сўров ўтказинг. Айни кунларда ахвол қандай?
- (4) БМТ Хавфсизлик Кенгашида музокаралар олиб борилаётган можарони танланг. Синфдошларингизга Хавфсизлик Кенгаши аъзолари ролларини тақсимлаб беринг, тадқиқот ўтказинг ва Кенгаш мажлиси моделини ўз синфингизда тасаввур этинг. БМТдаги аъзо давлатлар вакилликлари бундай тадбирларга ўз мулоҳазаларини катта қизиқиш билан билдирадilar. Бу тўғрида қуйидаги саҳифадан билиб олиш мумкин: www.un.org. “БМТга аъзо давлатлар” қисмини, уларнинг БМТдаги доимий вакиллиги саҳифасини топинг.
- (5) Давлатларнинг ташқи сиёсати ёки гуруҳларнинг қуйидаги мақсадларини қараб чиқинг: *ижтимои-психологик омиллар* (ҳокимиятга интилиш ёки миллий ғурурни тиклаш); зарур хом *ашёлар* манбалари таъминоти; *бозорлар* таъминоти; *мафкуранинг* қулоч ёйиши; *миллий хавфсизликни* ташқи хавф-хатарлардан ҳимоя этиш; қўшимча ҳудудларда *аҳолининг кўпайиб кетганлиги* муносабати билан эҳтиёжларни қондириш; *этноцентризмни* қулоч ёйдириш; *ички жипсликка* эришиш; *ўз тақдирини ўзи ҳал этишга* эришиш; *инсонпарварлик саъй-ҳаракатларини* қўллаб-қувватлаш. Буларни уч гуруҳга бўлинг, яъни муҳимлик нуқтаи назаридан уч устувор мақсадга тақсимланг. Натижаларини синфдошларингиз билан муҳокама қилинг.(I) қисмда қайд этилган минтақалардан бирини танланг. Сизнинг фикрингизча, сиз танлаган можарога йўналтирилиши мумкин бўлган ўша мақсадларни муҳимлиги юзасидан тақсимланг.



Тадқиқотларингиз натижаларини солиштиринг. Ўз мамлакатингизнинг ўша можарога нисбатан ҳаракатларини қараб чиқинг. Қайси мақсадлар тезроқ амалга ошиши зарурга ўхшайди? Сиз бунга қўшиласизми?

- (6) Давлатлар ихтиёридаги, бошқа давлатларга нисбатан ҳаракат учун қўлланиладиган воситалар тўпламини кўриб чиқинг: ташвиқот-тарғибот; дипломатия; савдо алоқалари; чет эл ёрдами; иттифокларни тузиш /барқарор этиш; БМТ сингари халқаро ташкилотлар ёрдами билан саъй-ҳаракатларни кучайтириш; байкот; санкция ва бошқа жазо чоралари; ҳарбий кучлардан фойдаланиш (қуролли можароларни бартараф этиш бўйича Карнеги комиссияси тузган “Қуролли можароларни олдини олиш бўйича ташкилий _манбалар” руйхатидан). Ҳар бир воситадан фойдаланиш учун мисоллар топинг. Имкон борича ўз мамлакатларингиз мисолларидан фойдаланишга ҳаракат қилинг. Сизнингча қандай воситалар алоҳида самара берди? Нима учун? Ўша воситаларни БМТ ихтиёрида бўлган воситалар билан ва ушбу ҳужжатда тақдим этилганлари билан солиштиринг. Гап сизнинг ҳукуматингизнинг ташқи сиёсий акциялари борасида кетганда, сизнинг солиқларингиздан қандай фойдаланилишини хоҳлар эдингиз? Нега?
- (7) Айни дамларда ҳарбий можаролар кетаётган минтақаларга назар солинг. Бу ҳолатларга сизнинг хис-ҳаяжонга тўлиқ муносабатингиз қандай? Шундай ҳолат сизнинг бошингизга тушганда ўзингизни қандай хис этар эдингиз? Ҳар бир манфаатдор инсон нуқтаи назарини тасаввур этиб кўринг. Бу вазият сизга, сизнинг оилангизга, дўстларингиз, туманингиз, мамлакатингиз ва бутун жаҳонга қандай таъсир кўрсатиши мумкин? Бу вазият борасида сиз қандайдир чора-тадбирларни амалга оширишга бурчлимисиз? Нима учун? Нега хоҳламайсиз? Ким бурчли? Ҳамма ҳам худди сиз каби мушоҳада этганда нима бўлар эди? Агар сиз қандайдир ёрдам қилишни хоҳласангиз нима ҳаракатлар қилар эдингиз? Бу ҳаракат эҳтиёжларни қандай қондиради? Ҳар бир ҳаракат баъзи қутилмаган натижаларни бериши мумкин? Қайси хил ишлар кўпроқ самара бериши мумкин? Нега? Сиз кўзда тутган ўша ишларни амалга оширишда ўзингиз қандай қадамлар ташлашингиз керак бўлади? Шундай қадамлар ташланг!
- (8) Қуйида келтирилган ҳаракатлар зўравонлик кўринишларининг туб сабабларини бартараф этишга ёрдам бериши мумкин. Мактаб лойиҳаси сифатида айни пайтда амалга оширалаётган маҳаллий саъй-ҳаракатлар борасида тадқиқотлар ўтказинг ва тадбирларни амалга ошираётган шахслар ёки гуруҳларга тавсиянома йўлланг. Уларни синфга тақлиф этинг ва қуйидаги ҳаракатларни сиз қандай қўллаб-қувватлашингизни тушунтириб беринг:

- Ялпи қирғин қуроллари: ядро, химиявий ва биологик қуролларни назорат этиш, қисқартириш ва охир-оқибатда йўқ қилиш;
- Оддий қуроллар билан савдо қилишни назорат этиш;
- Барқарор ва демократик ҳукумат ташкил этиш;
- Қонун устуворлигини барқарор этишга ва ҳалол, самарали суд тизимига ёрдам бериш;
- Бағрикенгликка ва кичик элатларнинг тинч-тотув яшашига ёрдам бериш;
- Иқтисодий тараққиётга қўмаклашиш;
- Можароларни ҳал қилиш стратегиясини ишлаб чиқишга ёрдамлашиш;
- Соғлиқни сақлаш меъёрларини ошириш ва амалиётини яхшилаш;

- Саводлилиқ даражасини ошириш;
- Ресурслар ва технологияларни кўпсонли ўрта класс ташкил этишга ёрдам бериш мақсадида бошқариш.

(Рўйхат қуролли можароларни бартараф этиш бўйича Карнеги комиссияси тузган “Қуролли можароларни олдини олиш бўйича ташкилий манбалар рўйхати”дан олинган)

== Баъзи манбалар

Интернетда

www.un.org/peace
www.un.org/news
www.sipri.org

Турли нашрлар

“Уруш ва қашшоқликни бартараф этиш: кенгайиб бораётган қўламларга глобал чорлов”, Кофи АННАН: <http://www.un.org/Docs/SG//Report99/toc.htm>

“Можаролардан кейинги ҳолатларда ижтимоий интеграцияга кўмаклашиб: Бош котиб ҳисоботи”, А/АС.253/23,24 феврал 2000

“Можароларнинг олдини олиш бўйича БМТ тизими куч-қудратини мустаҳкамлаш”. Инспекциянинг қўшма гуруҳи. А/50/853, 22 декабр 1995

“Қуролли можароларни бартараф этиш: якуний ҳисобот”. Қуролли можароларни бартараф этиш бўйича Карнеги комиссияси, Нью Йорк, 1997. <http://ccpdc.org/pubc/rept97/finfr.htm>

“Можароларнинг сабаблари ҳамда Африкада мустаҳкам тинчлик ўрнатиш ва барқарор тараққиёт: Бош котиб ҳисоботи” А/52/871-S/1998/318

<http://www.un.org/ecosocdev/geninfo/afrec/sgreport/index.html>

Можароларнинг сабаблари ҳамда Африкада мустаҳкам тинчлик ва барқарор тараққиёт тўғрисидаги ҳисоботда баён этилган тавсияларни амалга ошириш тўғрисида Бош котибнинг ҳисоботи. S/1999/1008

Асосий статистик маълумотлар

- 1945 йилда фақат бир мамлакатдагина ядро бомбаси бор эди. Бугунги кунда бешта мамлакат ядро қуроли борлигини расмий тан олган, яна уч мамлакат унга эга бўлиш қудратига эга.
- 1989 йилда қуролига сарф этиладиган харажатлар 1 триллион доллардан ошиб кетди. Кейин, бирмунча пасайиш давридан сўнг яна ўса бошлади ва 1999 йилда 780 миллиард долларга етди.
- Ҳозирга қадар 35 минг ҳарбий ядро қаллаги ҳали жанговар навбатчиликда, отишга тайёр ҳолда турибди.
- Бугунги кунда қуролланишга кетаётган бутун дунё харажатининг 80 фоизи қуролининг одатдаги турлари ва тизимларига тўғри келаяпти.
- Қуролланиш учун сарф этилаётган харажатларнинг 80 фоизга яқини саноати ривожланган мамлакатларга тўғри келмоқда.
- Қурол-яроғ ишлаб чиқаришнинг қарийб ярими АҚШга; ўн фоиздан миқдори Франция ва Бирлашган Қиролликка; ва 4 фоиздан миқдори эса Германия, Россия ва Японияга тўғри келади.
- Қуролини ривожланаётган мамлакатларга бериш йилига 30 миллиард долларга яқин нарҳда баҳоланади.
- Пиёдаларга қарши миналар кўплаб тўпланиб қолган мамлакатлар ижтимоий ва иқтисодий қийинчиликлар туфайли бу ҳолатни бартараф этишлари қийин бўлиб қолади.
- Бутун дунё бўйича 500 миллион бирликдаги ўқ отиш қуроли муомалада бўлиб келмоқда.



Қуролсизланиш



“Икки категориядаги қуроллар алоҳида ташвиш-хавотир туғдиради: булар - ўқ отиш қуроллари ва енгил қурол-яроелардир, чунки кўплаб урушлардаги жуда кўп одамлар ана шу қуроллардан ҳалок бўлмоқдалар, шу каби, ядро қуроли ҳамон ўзининг оммавий қирғин солиш қудрати билан даҳшатлидир”.

Бош котиб Кофи Аннанинг “Мингйиллик маърузаси”дан

— Янги қуроллар, янги воситалар

Динамит ва бошқа портловчи моддаларни кашф этган Алфред Нобел, ўзининг Нобел мукофотини ҳам таъсис этди. Бир куни ёзувчи ва тинчлик учун курашчи, баронесса Берта фон Суттнерга ёзган мактубида у шундай дейди: “Мен тинчлик учун, Сиз ўз маърузаларингиз билан хизмат қилганингиздан кўпроқ хизмат қилаяпман”.

Нобел пацифист эди. Портловчи моддаларнинг вайронагарчилик келтирувчи қудрати урушларни йўқ қилиб юборишига унинг ишончи комил бўлган. Бироқ у янглишган эди. Орадан бир йил ўтганидан сўнг бошқа мактубида, қурол - фақат қуроли кучларнигина эмас, балки, шунингдек фуқаро аҳолини ҳам яқсон қила оладиган даражада қудратли бўлгандагина урушларга чек қўя олади, дея таъкидлайди.

Нобелнинг вафотидан сўнг бор-йўғи бир неча ўнйиллик ўтиши билан инсоният ана шундай босқичга кўтарилди. Одамлар бутун дунёни яқсон қиладиган, яна бир эмас, бир неча марта йўқ қилиши мумкин бўлган қудратга эга бўлдилар.

1945 йилнинг августидан, жаҳон ядро урушлари даврига кириши билан дунё бутунлай ўзгариб кетди. 1945 йилнинг 6 августидан Япониянинг Хиросима шаҳрига биринчи атом бомбаси ташланди. Ушбу бомба 78 минг одамни ўлдирди ва яна 40 минг кишини майиб-мажруҳ қилиб қўйди. Шаҳарнинг ярми вайрон бўлди. Орадан уч кун ўтганидан сўнг бошқа бомба 40 минг кишининг ёстиғини қуритиб, Нагасаки шаҳрини бутунлай вайронага айлантди.

— БМТга қарши қуроллар

Оммавий қирғин қуроллари ва БМТ тенгдошдир. Буларнинг биринчиси - инсониятнинг яшаб қолиши учун ягона ва энг катта хавф-хатар ҳисобланади, иккинчиси - мана шу хавф-хатарга қарши бизнинг энг кучли химоячимиздир.

БМТ Низоми 1945 йилнинг биринчи ярмида Сан-Францискога тўпланишган 50 мамлакат вакиллари томонидан ёзилган эди. Унинг асосий мақсадларидан бири - “кейинги авлодни уруш офатидан” асраб қолишдан иборат эди. шундан икки ой ўтганидан кейин, ядро бомбаси портлаб Хиросима ва Нагасаки ер юзидан супуриб ташланиши билан БМТ ташкил этилганини расмий тарзда тасдиқлаган ҳолда Низом кучга кирди. У халқаро қонунчилик тизимини яратиш учун воситачи бўлиш ҳамда халқаро тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлаш учун мўлжалланган эди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг тинч келажакка бўлган умид тезда қўрқув-хавотир билан алмашинди. Давлатлар ўртасидаги, айниқса Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари ўртасидаги муносабатларнинг ёмонлашуви Низомда кўрсатилган коллектив хавфсизликка раҳна солди. “Совуқ урушлар” даври сифатида маълум ва машҳур бўлган ўша йилларда қуроолларни қисқартириш ҳаддан ташқари секинлик билан илгари силжиди.

Тўқсонинчи йилларга келиб, “совуқ урушлар” барҳам топганида, ниҳоят дунё Шарк билан Ғарб ўртасидаги рақобатга барҳам берди. Бу - қуроолсизланиш соҳасида бирмунча ютуқларни қўлга киритишга ёрдам берди: ядро синовларини батамом тақиқлаш тўғрисида шартнома имзоланди. Пийёдаларга қарши миналарни тақиқлаш ва химиявий қуроолларни ишлаб чиқаришни, ундан фойдаланиш ва уларни сақлашни тақиқлаш тўғрисидаги конвенция кучга кирди, Ядро қуроолларининг сони ярмига қисқартирилди, бутун дунё бўйича қуроолланишга сарф этиладиган харажатлар 1990 йилдан 1998 йилга қадар қарийб 30 фоизга қисқартирилди.

Мазкур ютуқларнинг кўпчилиги БМТ саъй-ҳаракатлари туфайли амалга ошди.

Афсуски, бизнинг дунё ҳамон ташвиш-хавотирлардан фориг бўлгани йўқ. Ўнлаб маҳаллий урушлар давом эмоқда; қуроолларнинг заҳиралари кўпайиб борапти; ҳар куни яна ҳам кўпроқ одамлар харбий тайёргарликдан ўтмоқда, қуроолланиш пойгаси ҳаддан ташқари авж олиб кетмоқда.

— Агар кенг қўламли ядро уруши бошланса нима бўлади?

Нагасакига ядро бомбасини ташлаганларида Юмико Ямамото эндигина ўн ёшга тўлган, шу ердаги Ягами бошланғич мактабида ўқир эди. Орадан ўн бир йил ўтганидан сўнг, у йигирма бир ёшга тўлгач турмушга чиқди. Икки йил ўтганидан сўнг ўғил, яна бир йилдан сўнг қиз кўрди.

Бу аёлнинг қизи - Жунко Мина бошланғич мактабни тугаллаганидан сўнг бурнидан қон кела бошлади, ниҳоят 1974 йилнинг апрел ойида қон раки касаллигидан вафот этди.

Ўн бир йилдан сўнг у ўғлидан ҳам жудо бўлди. Жунко сингари унинг ҳам бурни қонай бошлади ва қон ракидан вафот этди. Бу болакай 1975 йил 6 августда, Хиросимага атом бомбаси ташланганлигининг ўттиз йиллиги нишонланаётган кунларда ҳаётдан кўз юмди.

Агар дунёда тўпланган ядро қурооллари заҳираларининг учдан икки қисми ишга солинса, бунинг устига уларнинг ярми шаҳарлар устида портласа нима бўлади?

БМТ томонидан 1987-88 йилларда ўтказилган тадқиқотда иштирок этувчи экспертлар шундай хулосага келдиларки, бундай қўламдаги ядро уруши миллиарддан ортиқ одамни турган жойида ер тишлатиши мумкин. Яна шунча миқдордаги одам майиб-мажруҳга айланади ва яна кўплаб одамлар кейинги хуружлар билан азоб чекадилар. Бундай урушнинг яна бир аянчли оқибати табиатга келтирилган қирон бўлади. Тутун ва чанг Ер юзига етиб келадиган қуёш нури ва иссиқлик миқдорини камайтириб юборади; шунингдек, харорат ҳам шу даражада пастлаб кетадики, бундан кишлоқ хўжалиги экинлари зарар кўради. Атмосферадаги озон қалқони ҳам сийраклашиб кетади ва Ер ултрабинафша нурлар билан яна ҳам кўпроқ даражада шикастлана бошлайди.

Бундай уруш майдонида омон қолганлар чек-чегарасиз азоб-укубатга дучор бўладилар.



— **Оммавий қирғин қуроли ва одатдаги қуроли**

Химиявий, бактериологик ва одатдаги қуроли ҳам ядро қуроли сингари ўлим уруғини сочиши ва вайронагарчиликлар келтириши мумкин. Химиявий ва биологик қуроли ҳам ядро қуроли сингари оммавий қирғин қуроли хисобланади. Асабга кучли таъсир этадиган газдан иборат **химиявий қурол** тезда ҳалокатга олиб келади. Бинар қуроли иккита химиявий моддадан иборат бўлади. Бу моддалар, алоҳида ҳолда, заҳарлаш нуқтаи назаридан хавфли эмас, аммо улар биргаликда қўлланилганда ўлимга олиб келади.

Микроблар бошқа тирик организмлар ёки тирик организмлар ҳосил қиладиган заҳарлар - токсинлардан фойдаланишга асосланган **биологик қуроли** аҳоли руж жойлашган районларда қўлланилса минглаб одамларнинг аста-секин, азоб билан ўлишларига сабабчи бўлиши мумкин.

Одатдаги қуроли таркибига қуруқликда, денгизларда ва ҳавода фойдаланиладиган анъанавий қурол-яроғлар киради. Яқиндаги ҳисоб-китобларга қараганда, бутун дунёнинг одатдаги қуроли таркибида қарийб 140 минг жанговор танк; 35 минг самолёт; 21 минг вертолёт; мингта йирик жанговор кема ва 900 жанговор сув ости кемаси бор. Бутунжаҳон ҳарбий харажатларининг 80 фоиздан ортиқроғи одатдаги қуроли ва қуроли кучларга тўғри келади.

Ўқ отиш қуроли ва енгил қуроли: даҳшатли хавф

Ўқ отиш қуроли шахсий тарзда фойдаланиш учун мўлжалланган, айна пайтда енгил қуролидан фойдаланиш учун бир неча киши, яъни бир бутун команда зарур бўлади. Ўқ отиш қуролига револверлар ва ўзи ўқланадиган пистолетлар, винтовкалар, автоматлар, штурмда қўлланиладиган винтовкалар ва енгил пулемётлар киради. Енгил қуроли жумласига оғир пулемётлар, грнатамётнинг баъзи турлари, кўтариб юриладиган зенит ва танкларга қарши пушкалар, шунингдек зенит ракеталари учун кўтариб юриладиган ишга солиш механизми кабилар киради. Айна кунларда ушбу қуроли ҳар қачонгидан ҳам даҳшатлироқ хавф-хатар тугдирмоқда.

“Улар туфайли тўкиладиган қонларни эътиборга олганда, ўқ отиш қуролини бемалол оммавий қирғин қуроли деб аташ мумкин бўлади”, - деди жаноб Аннан.

Бир пайтлар БМТ саъй-харақатлари туфайли ядровий, биологик ва химиявий қуроли устидан назорат бўйича келушувга эришилди, ҳозирги пайтда эса ҳатто, ўқ отиш ва енгил қуроли борасида назорат ўрнатиш тўғрисида ҳеч қандай тадбир йўқ. Шу боис 1999 йил БМТ Бош Ассамблеясидаги вакил мамлакатлар ўқ отиш қуроли ва енгил қуроли билан ноқонуний савдо қилишнинг барча жиҳатлари бўйича 2001 йилда БМТнинг конференциясини ўтказишга қарор қилдилар.

Пиёдаларга қарши миналар

Ҳар 20 минутда пиёдаларга қарши мина одам ўлдиради ёки мажруҳ келади. XX асрнинг бошларида пиёдаларга қарши миналарнинг қарийб 80 фоиз қурбонлари ҳарбийлар эди. Ҳозир бундай қурбонларнинг 80 фоизи оддий фуқаролардир.

“Пиёдаларга қарши мина - бенуксон аскардир. У доим довжорак, ҳеч қачон ухламайди ва ўқи хато кетмайди”. Пиёдаларга қарши мина қўйилганидан сўнг 50 йил мобайнида доим портлашга тайёр туради. Уни қайтариб олиш ҳам осон иш эмас. Бу - жуда катта меҳнат талаб этадиган ва қимматга тушадиган жараён. Пиёдаларга қарши мина атиги 3 доллар туради, уни зарарсизлантириш учун кетадиган харажат эса кунига 300 доллардан 1000 долларгача етиши мумкин. Миналарнинг

“капалак” дейиладиган детали шундай чиройли кўринадики, айниқса, у болаларни сирли ўйинчок сингари ўзига тортади.

“Мен Камбоджада пиёдаларга қарши минани қўллашнинг оқибатларини ўз кўзим билан кўрдим. Мен курашаётган кучларнинг бирор қисмини ёки қандайдир армия томонидан ушлаб турилган территорияни кўрганим йўқ. Лекин мен қўлтиқтаёқда юрган жажжигина болаларни ёки кўр бўлиб қолган гўдакларни, шунингдек, ўз боласига қарашдан ёки иш топишдан маҳрум бўлиб қолган оёғи йўқ ёш оналарни кўрдим. Мен вертолётдан улкан кенгликларда ястаниб ётган, узоқ йилар мобайнида ишлатилмаган ерларни кўрдим. Чунки бу ерларга мина қўйилган.”

**Ясуши АКАШИ, БМТ Бош котибнинг собиқ ўринбосари
(Камбоджанинг кўппартияли демократияга ўтиш пайтида у
кузатувчи сифатида сўзга чиққан эди)**

— Куролсизланиш нима учун керак?

Бирдан олтимишга қадар санаб кўринг, бу - бир минут. Сиз мана шу санаб турган пайтингизнинг ўзида дунёда 30 га яқин бола тўйиб овқат емаслик, очлик ва бедаво касаллар туфайли ҳаётдан кўз юмади. Худди шу муддат мобайнида ҳарбий мақсадларга 1,7 миллион доллар харажат қилинади.

Мамлакатларнинг хавфсизлик муаммосидан хавотирга тушишлари қуролланиш пойгасининг ҳаракатлантирувчи кучига айланди. Кўплаб мамлакатларда иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт учун ўзи етишмай турган ресурсларни ҳарбий харажатлар яна ҳам қисқартириб юбормоқда. Қуролланиш пойгасининг иқтисодий ва ижтимоий харажатлари борасида турли-туман ҳисоб-китоблар пайдо бўлди. Жумладан, қуйидагилар тўғрисида ўйлаб кўринг:

- Битта аскарни ўқитиш харажатлари 80 болани ўқитиш харажатларига тенг; битта бомбани ишлаб чиқишга кетган харажатлар чечак касаллигини 10 йил бартараф этишга кетадиган харажатга тенг; бортида ядро ракетаси бўлган битта сувости кемасини қуришга кетган маблағга 450 минг уй қуриш мумкин.
- Жаҳоннинг бир йиллик ҳарбий харажатига БМТ айна кунлардаги харажатлари миқёси билан икки юз йил фаолият кўрсата олиши мумкин.
- Жаҳон 11 та кўзга кўринмас бомбардимончи учун 24 миллиард долларга яқин маблағ сарфламоқда. Мана шу пулга айна кунларда мактабда ўқимаётган 135 миллион болани бошланғич таълимдан баҳраманд этиш мумкин.

Қуролларнинг тўпланиб қолиши ҳам, иқтисодий тараққиёт ҳам кенг қўламдаги инсоний ва моддий ресурслар сарф этишни талаб қилади. Аммо ресурслар чек-чегарали бўлгани учун бир жараён иккинчисининг ҳисобига кечмоқда. Охир-оқибатда, дунё ё қуролланиш пойгасини давом эттиравериш, ё бўлмаса барча инсонлар фаровонлиги учун барқарор ижтимоий ва иқтисодий тараққиётга эришиш мумкинлиги борасидаги консенсусга тобора яқинроқ силжимоқда. Иккала жараённи бирлаштириш эса, мумкин эмас.

Қуролли можаролар, бу - мамлакатлар хавфсизлигига таҳдид солаётган ягона ҳатар эмас. Бугунги кунда очлик, тўйиб овқат емаслик ва касалликлар икки кун мобайнида Хиросимага ташланган бомба ҳалок этган миқдордаги одамни ўлимга маҳкум этмоқда. Агар ҳарбий харажатларнинг бир қисми тинчлик мақсадларига сарфланганда эди, турмуш даражаси, шунингдек, иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт бирмунча яхшиланган бўлар эди.

Тараққиёт йўлидаги қуролсизланиш

Кенг маънода олганда қуролсизланиш, бу - қуролли кучлар кўлами ва маблағларини қисқартириш, қуролларни қисмларга ажратиш ва уларни йўқ қилиш, аста-секинлик билан янги қуроллар ишлаб чиқиш қувватларини тугатиш, ҳарбийларни тарқатиб юбориш ва уларнинг кундалик ҳаётда фуқаро сифатида ўз ўрнини топишларига кўмаклашиш ҳисобланади.

Баъзи мамлакатларда сиёсатчилар “қуролланиш” сўзидан, у, қуролларни бутунлай ман этиш маъносини англатиб тургани учун фойдаланишни хуш кўрмайдилар, яна баъзилар эса бу иборани ҳаддан ташқари тор тушунча деб ҳисоблайдилар. Улар “қуроллар устидан назорат” сўзини, яъни қуроллар ва ҳарбий ҳаракатларни аниқ бир сиёсат ёки битим шартларига мувофиқ тарзда ростлаш, чеклаш ёки қисқартириш маъносида қўллашни маъқул кўрадилар. Бироқ бошқа бир мамлакатлар “қуроллар устидан назорат” каломи қуролларни чеклаш ва қисқартириш борасидаги мажбуриятни узил-кесил ифода этмайди деб ҳисоблайдилар ва “қуролсизланиш” сўзини афзал биладилар.

“Хавфсизлик” - шундай шарт ҳисобланадики, давлатлар унда ўзларининг мустақилликларини, суверенитетларини ва сиёсий институтларини ҳақиқатан мавжуд, кучли ёки пўписа сифатидаги хавф-хатарлардан муҳофаза этилган дея ҳисоблайдилар. Ўз хавфсизлигига самарали кафолат бўлмаган тақдирда, дахлсиз индивидуал ва коллектив ўз-ўзини муҳофаза этиш ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда, давлат, ҳарбий маънода ўз хавфсизлигини кидиришда давом этаверади.

Жаҳон бўйича ўзаро боғлиқликнинг қарор топиши хавфсизликни, янгича ноҳарбий идрок этишга олиб келиши мумкин. Секин ёки номақбул иқтисодий ўсиш ва ижтимоий тараққиёт, кенг кўламдаги ишсизлик, ресурсларнинг, озик-овқат ва энергетика захиралари етишмаслиги таҳдиди ҳамда атроф муҳитга келтирилган беаёв қирон миллий ва халқаро хавфсизликни хавф-хатар остига қўйиши мумкин.

Қуролсизланиш, аслида хавфсизликни кучайтириши мумкин. Шу ҳолат кенг доирада тан олинадики, давлатнинг ҳарбий қудрати унинг иқтисодий асосларидан ошиб кетиши мумкин эмас, улар ўртасидаги фарқнинг ўсиб бориши ўзида хавфсизликнинг ғоят муҳим муаммоларини акс эттиради. Бундан ташқари, ҳеч бир мамлакат ўзининг мавжуд ёки тасаввур қилинаётган хавфсизлигини бошқаларнинг хавфсизликлари ҳисобига таъминлаши мумкин эмас. Давлатларнинг ноҳарбий хавфсизлик хавф-хатарларни қуролсизланиш билан мустаҳкамлаган ҳолда бартараф этиш бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатлари яна ҳам хавфсизроқ дунёга эришиш истикболларини барқарор этади. Қуролларни қисқартириш тўғрисидаги минтақавий даражадаги битимлар ҳам глобал даражадаги битимлар ҳам қуролланиш пойгасидан анчагина арзонга тушади.

БМТ - қуролсизланиш форуми сифатида

Самарали халқаро назорат остида тўлик ва умумжаҳон қуролсизланиши бундан кейин ҳам БМТнинг бош мақсади бўлиб қолаверади. Унинг тинчликни барқарор этиш борасидаги бевосита вазифалари, бу - уруш хавфини, айниқса ядро уруши хавфини бартараф этиш, ҳамда қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва қисқартиришдан иборатдир.

БМТнинг бош маслаҳат органи - **Бош Ассамблея** халқаро хавфсизлик ва қуролсизланишнинг барча масалаларини кўриб чиқади. Кейинги пайтларда Ассамблея йилига шу масала бўйича қарий олтмишга яқин резолюция қабул қилади. Бош Ассамблеянинг уч махсус сессияси қуролсизланишга бағишланди. Ассамблеянинг ёрдамчи органи - **Қуролсизланиш бўйича комиссия** барча аъзо мамлакатларни бирлаштириб, қуролсизланишнинг аниқ муаммоларини муҳокама этиш учун ҳар йили форум ташкил этади. Қуролсизланиш бўйича конференция халқаро ҳамжамиятнинг музокаралар ўтказиш учун ягона кўптомонлама форуми

хисобланади. Ушбу конференцияга 66 мамлакат аъзо бўлган. БМТ Котибиятида **Қуролсизланиш масалалари бўйича депортамент** асосий йўналишларни қўллаб-қувватлашни ва қуролсизланиш билан шуғулланадиган органлар ҳамда муайян тадқиқотларни амалга ошираётган эксперт гуруҳларига ташкилий жиҳатдан қўмак беришни таъминлайди. Шунингдек, у ҳисоботлар тайёрлайди ва тадқиқотлар ўтказиши. У 1982 йил бошланган ва қуролларни чегаралаш ҳамда қуролсизланиш борасидаги кампанияларни умумий қўллаб-қувватлаш ва англаб етишни таъминлашга йўналтирилган қуролсизланиш бўйича ахборот дастурини амалга оширади. Шу каби у Африкада, Осиёда; Лотин Америкасида ва Қариб ҳавзаси мамлакатларида жойлашган учта минтақавий тинчлик, қуролсизланиш маркази учун жавоб беради.

Женевадаги кўнгилли равишда йиғиладиган бадаллардан молиялаштирилладиган **БМТнинг Қуролсизланиш муаммоларини тадқиқ этиш мустақил институти** қуролсизланиш ва у билан боғлиқ муаммолар, айниқса, халқаро хавфсизлик масалалари бўйича мустақил тадқиқотларни олиб боради.

— **Тараққиёт аломатлари: БМТнинг қуролсизланиш соҳасидаги саъй-ҳаракатлари**

Қуроллар устида назорат ўрнатиш ёки қуролсизланиш бўйича музокаралар ёхуд қатор битимлар учун форум сифатида БМТ муҳим рол ўйнади:

Антарктика тўғрисидаги шартнома (1959) ҳар қандай ҳарбий манёврлар ва қуроллар синовлари, шунингдек Арктика зонасига ҳарбий иншоотлар қуришни ёки ҳарбий фаолият натижасида пайдо бўлган радиоактив чиқиндиларни қўмишни тақиқлайди. Шартнома ўзида турли минтақаларда бундай зоналар ташкил этиш учун кечроқ қўлланган ядросиз зона концепциясининг биринчи амалий ифодасини акс эттиради.

Синовларни қисман тақиқлаш тўғрисидаги шартнома (1963) атмосферада, космосда ва сув остида ядро синовлари ўтказилишини тақиқлайди.

Тлателолко шартномаси (1967) Лотин Америкаси ва Қариб ҳавзаси мамлакатларида ядросиз зона ташкил этади.

Космик фазо тўғрисидаги шартнома (1967) очик космос фақат тинчлик мақсадларида фойдаланилиши кераклиги учун қарор қилади ва фазога ядро қуролини жойлаштириш ва уни синаб қўришни тақиқлайди.

Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисида шартнома (1968) тинчлик мақсадларидаги ядровий технологияларни алмашишни осонлаштириш билан биргаликда, ядро қуролларини ядровий мамлакатлар томонидан ядро қуроли бўлмаган мамлакатлар ўртасида тарқатилишини тақиқлайди ҳамда ядровий мамлакатлар зиммасига ядровий қуролланиш пойгасини бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар қўриш учун музокаралар олиб бориш масъулиятини юклайди. 187 мамлакат томонидан имзоланган Ядро қуролларини тарқатмаслик тўғрисида шартнома тарихда халқаро хавфсизлик бўйича энг кенг қўламда тан олинган шартнома бўлиб қолди. 1995 йилда аъзо давлатлар уни чекланмаган муддатга узайтиришга қарор қилдилар.

Денгизлар тублари тўғрисида шартнома (1971) ҳар қандай мамлакат атрофидаги 12 мил қирғоқбўйи зоналардан ташқаридаги денгиз тубларига ёки унинг остига ядро ва бошқа оммавий қирғин қуролларини жойлаштиришни тақиқлайди.

Бактериологик (биологик) ва заҳарли қуроллар тўғрисидаги конвенция

(1972) чинакамига қуролсизланишга мўлжалланган, яъни бутун бир тоифадаги оммавий қирғин қуролларини тақиқлайдиган биринчи халқаро битим ҳисобланади.

Раротонг шартномаси (1985) Тинч океанининг жанубий қисмида ядросиз зона ташкил этади.

1993 йил имзоланган ва 1997 йилда кучга кирган **Химиявий қуроллар бўйича конвенция** бутун бир синфга мансуб бўлган оммавий қирғин қуролларини қонундан ташқарида деб эълон қилади.

Бангкок шартномаси (1995) Жанубий-Шарқий Осиё зонасида ядросиз зона ташкил этади.

Пелиндоб шартномаси (1996) Африкада ядросиз зона ташкил этади.

Ядровий синовларни кенг қўламда тақиқлаш тўғрисидаги шартнома (1996) барча мухитларда (атмосферада, космосда, сув ости ва ер остида) ҳар қанда ядровий портлатишларни тақиқлайди.

Пиёдаларга қарши миналар тўғрисидаги шартнома (1997) пиёдаларга қарши миналарни ишлаб чиқаришни, экспорт қилишни ва улардан фойдаланишни тўла-тўқис тақиқлайди.

Халқаро суд 1996 йилда давлатлар қатъий халқаро назорат остида, барча кўринишлардаги ядровий қуролсизланишга олиб келадиган музокараларни давом эттиришлари ва охирига етказишлари зарурлиги тўғрисидаги маслаҳат-хулосани тақдим этди.

■ Эгизак муаммолар

Бундан 59 йил илгари АҚШ Президенти Франклин Делано Рузвелт тўрт асосий эркинлик тўғрисидаги ўз мулоҳазаларини баён этган эди. Мана шу рўйхатда тўртинчи бўлиб ваҳималардан озод бўлиш қайд этилади. “Бу мақсад” узоқ мингйилликларнинг хаёли эмас”, - дейди Президент Рузвелт. - “Бу бизнинг ҳозирги авлод ўз ҳаётлари чоғида эришиши мумкин бўлган тинчлик учун аниқ асос ҳисобланади”.

БМТ Бош Ассамблеясининг (2000 йил, 6-8 сентябрдаги) Мингйиллик саммити арафасида чиқарилган ўзининг “Мингйиллик маърузаси”да Бош котиб Кофи Аннан жаҳон лидерларини Ер юзида истиқомат қилаётган барча инсонлар учун ваҳималардан озод бўлишларини барқарор этишни таъминлашга чақирар экан, Рузвелтнинг ўша гапларини ёдга олади. Шу мақсадда у устувор фаолиятларнинг икки жабҳасини белгилаб беради, улар - ядровий қуролларни йўқотиш ва ўқотар қуроллар билан ноқонуний савдо қилишни тақиқлаш.

Ядро қуроллари: Ядровий қуролларни кенг қўламда тақиқлаш тўғрисидаги шартнома ядровий қуролсизланиш ва ядро қуролларини тарқатмаслик учун кураш тарихида муҳим босқич ҳисобланади. У халқаро миқёсда кенг қўламда қўллаб-қувватлашга сазовор бўлди ва кучга кириш пайтига қадар уни назорат этишнинг мураккаб тизими яратилади. 2000 йилнинг 26 июлида шартномани 155 мамлакат имзолади ва уларнинг 60 таси ратификация ҳам қилди.

Бироқ Ҳиндистон ва Покистон ўзларининг ядро иншоотларини портлатганларидан сўнг қуролсизланиш бўйича глобал сазъ-ҳаракатлар анчагина ортга сурилиб кетди. Бу мамлакатларнинг иккаласи ҳам Исроил ва Куба билан биргаликда Тарқатмаслик тўғрисидаги шартномадан ташқарида қолмоқдалар. Шартнома кучга кириши учун имзолари зарур бўлган 44 мамлакатнинг 12 тасидан ортиқроғи, жумладан, иккита ядровий буюк давлат - Хитой ва АҚШ ҳалигача уни ратификация қилмадилар. Ядровий қурол-аслаҳаларни қискартириш тўғрисидаги АҚШ ва Россия Федерацияси

ўртасидаги икки томонлама музокаралар ҳам секинлашиб қолди. АҚШнинг ракеталарга қарши миллий мудофаа тизимини қулоч ёйдириш борасидаги режалари жиддий ташвиш-хавотир туғдирмоқда, чунки бу ракеталарга қарши мудофаа тизимини чеклаш тўғрисидаги шартномани бузилишига олиб келиши мумкин.

Мавжуд тенденцияларни орқага буриш учун Бош котиб қуйидагиларни тавсия этади:

- Ядровий қуролсизланишга энг юксак даражада сиёсий садоқатни тасдиқлаш;
- Ядро хавфини бартараф этиш йўлларини аниқлаб олиш учун эътиборли халқаро конференция чақириш;
- Қандайдир ракеталарга қарши мудофаа тизими қулоч ёйгунига қадар барча манфаатдор томонлар ўртасида келишувга эришиш.

2000 йилдаги Таркатмаслик тўғрисидаги шартнома фаолиятини кўриб чиқиш бўйича конференция ядровий қуролсизланишга эришиш борасида бирнеча амалий қадам ташлади. Ядровий давлатлар зиммаларига “ўз қурол аслаҳаларини ядровий қуролсизланишга олиб борадиган, батамом йўқ қилиш ишини поёнига етказиш” бўйича “бир томонлама” мажбурият олишга рози бўлдилар. Шу мақсадда ядроси бўлган буюк мамлакатлар - ўз қурол-аслаҳаларини бир томонлама қисқартириш бўйича яна қадамлар ташлашни режалаш, уларнинг ядровий қудрати масалалари бўйича транспарентликни кучайтириш, ностратегик ядровий қуролларни қисқартиришни давом эттириш, ядровий қуроллар тизими оператив статусини қисқартиришни давом эттириш, хавфсизлик сиёсатини амалга оширишда ядровий қуролларнинг ролини камайитириш ва ядро қуролларини йўқ қилиш жараёни билан имкон борича биргаликда, тезроқ шуғулланиш тўғрисида келишиб олдидилар.

Ўқотар қуроллар: Ҳозирги можароларда, айниқса ички келишмовчиликларда ўқотар қуроллар ва енгил қурол-аслаҳалар маъқул кўрилмоқда. Улар, нисбатан олганда арзон, ўлдира олиш имкониятларига қодир, ихчам, ниқоблаш учун ҳам қулай ва улар билан муомала қилиш ҳам шу қадар осонки, ундан жанг пайтида ўн ёшли болалар ҳам бемалол фойдалана олишлари мумкин. Шу боис фуқаролар урушларида, кўпинча мамлакат ичкарасидаги қуролланган гуруҳлар ўрталарида улардан яна ҳам кўпроқ фойдаланилмоқда. Дунёдаги энг кўп қон тўкилаётган, жумладан, Ангола, Конго Демократик Республикаси ва Серра-Леоне сингари мамлакатлар ортиқча ўқотиш қуролларининг энг катта қисми учун ахлатхонага айланиб қолди. Шунингдек, у дунёнинг бошқа бурчакларидаги, жумладан, Осиёдаги - Афғонистон, Лотин Америкасидаги - Колумбия ва Европадаги Чеченистонга ҳарбий восита бўлиб ҳисобланади. Ҳатто, ички можаролар тугаган ҳолларда ҳам ўқотар қуроллар фуқаролик жамиятига хавф-хатар солишда давом этмоқда, чунки бу қуроллар гиёҳванд моддалар билан ноқонуний савдо қилаётганлар ва террорчилар сингари жиноятчилар томонидан фойдаланилмоқда ёки шундай гуруҳлар томонидан бошқа давлатларга жўнатилмоқда. Баъзи Африка мамлакатларида ўлим уруғини сочувчи штурмда ишлатиладиган винтовкани битта жўжа ёки бир қоп маккажўхорининг баҳосига сотиб олиш мумкин.

Ўқотар қуроллар жаҳон савдосининг қарийб ярми қонуний йўллар билан, қолган ярми эса ноқонуний амалга оширилади. Ўқотар қуролларни бошқа мамлакатларга қонуний экспорт қилаётган давлатлар, кўпгина ҳолларда уларни юк сифатида тайинланган жойларига етказиб беришни таъминлаш қудратига эга бўлмайдилар. Бошқа бир мамлакатлар ўз қурол-аслаҳалари устидан давлат назоратини таъминлай олмайдилар, баъзи ҳолларда қуролларни сақланаётган жойларидан сотиш ва ўғирлашга нопок мансабдор шахслар ҳам аралашган бўладилар. Ўқотар қуроллар сотишга қўл урган давлатлар мустаҳкам бўлмаган ўз чегараларидан ноқонуний савдо қилувчиларни суқулиб киришларини бартараф этишга ожиз бўлиб қоладилар.

Чунки, БМТ ўқотар қуролларини тарқалишига қарши қурашда ноқонуний савдо қилиш

устидан назорат ўрнатишга эришишни биринчи зарурий қадам деб ҳисоблайди, у 2001 йилда ўқотар қурооллар билан ноқонуний савдо қилишни ҳар томонлама муҳокама этиш учун БМТнинг эътиборли конференциясини чақирди. Бош котиб аъзо давлатларни 2001 йилдаги конференциядан ўқотар қурооллар билан ноқонуний савдо қилишни қисқартириш бўйича қатъий чоралар қабул этиш учун фойдаланишга чақирди.

Агар биз қурооллар билан ноқонуний савдо қилишга чек қўйганимизда ҳам, ҳозир муомалада бўлган ўша миллионлаб бирлик ўқотар қуроолларнинг тақдири нима бўлади? Бош котиб уларни қайтариб олишни таъминлаш учун бозор омилларидан фойдаланишни таклиф этди. Яъни одамлар қуроолга алмашлаб тикув машинаси, велосипедлар, плуглар сингари асбоблар, ҳамда қурилиш материаллари олишлари мумкин. Алмашлашнинг бу каби ишончли шакли Албанияда, Салвадорда, Мозамбикда ва Панамада синовдан ўтди.

— Қуроолсизланиш бўйича янги кун тартиби

Дунё янги мингйиллик сари қадам ташлаётгани туфайли БМТ аста-секин қурооллар ва қуроолсизланиш устидан янги назорат тизимини яратаяпти. БМТ Бош котибининг қуроолсизланиш масалалари бўйича ўринбосари Жайанта Дханапала мазкур янги кун тартибининг турли унсурларини куйидагича изоҳлайди:

1. Мавжуд ядро қуроол-аслаҳаларини янада кескин қисқартириш;
2. Очиқ космосдаги қуроолланиш пойгасига барҳам бериш;
3. Жанг майдонидаги ядро қуроолларини йўқ қилиш; барча ядровий мамлакатларни ядро қурооллини биринчи бўлиб қўлламаслик сиёсатини қўллаб-қувватлашга рағбатлантириш;
4. Қуроол учун фойдаланиш мумкин бўлган, қўриқланмайдиган барча ядровий ашёларни ишлаб чиқаришни тўхтатиш;
5. Таркатмаслик тўғрисидаги шартнома, Химиявий қурооллар бўйича конвенция ва Биологик қурооллар бўйича конвенцияга умумий аъзоликни ва Ядровий қуроолларни кенг қўламда тақиқлаш тўғрисидаги шартнома кучга киришини таъминлаш.
6. "Тараққиёт учун қуроолсизланиш"ни рағбатлантириш;
7. "Тез пайқаб олиш маданияти" ўрнига "бартараф этиш маданияти"ни жорий этиш;
8. БМТни тинчлик ва хавфсизликка қўмаклашиш мақсадларида мустаҳкамлаш;
9. Ҳарбий харажатлар ва қуроол-яроғлар билан савдо қилиш тўғрисидаги маълумотларнинг очиқ-ойдин ва ошкоралигига эришишга ёрдамлашиш.

Бирок, бу ташаббуслар қанчалик маъқул бўлгани билан, улар зарур бўлган шароитларни таъминлай олмайди. Аслини олганда, фақат қуроолсизланишнинг ўзи уруш хавфини бартараф этиб, тинчликни таъминлай олмайди. Танзаниянинг собиқ Президенти Жулиус Нерере шундай деган эди:

"Урушга қуроолланиш сабаб бўлмайди; бу- урушнинг бир воситаси, холос. Шу боис, ҳақиқий ва барқарор тинчлик фақат қуроолларни йўқотиш билангина юзага чиқмайди, чунки, урушнинг асоси - ноҳақлик, чинакам тинчликнинг асоси эса - адолат ва тенгликдир".

БМТ Халқаро можароларни бартараф этиш ва хавф-хатарини йўқотиш ҳамда иқтисодий ва ижтимоий тараққиётга қўмаклашиш билан қуроолсизланиш ва тинчликка эришиш шароитларини яратиш устида иш олиб бораёпти.



— Ҳуқуқчилар учун тавсия этиладиган фаолият турлари

1. Хавфсизлик ва бехатар яшашга ишонч ҳар бир одамнинг, шунингдек ҳар қандай жамоанинг эҳтиёжи ҳисобланади. Ушбу эҳтиёжни қондириш учун ҳукуматлар таркибига оммавий қирғин қуроли (ядровий, биологик ва химиявий қуроли), одатдаги қуроли (самолётлар, кемалар, танклар, артиллерия ва бошқалар), пиёдаларга қарши миналар, шунингдек, ўқотар ва қўлаки қуроли ишлаб чиқиш ва уларни тўплаш тўғрисидаги қарорлар қиладиган хавфсизлик чора-тадбирларини ишлаб чиқадилар. Бирор мамлакатни танлаб олиб унинг ҳукуматининг хавфсизлик ва мудофаа бўйича қарорларини ўрганинг. Бунинг учун ресурслар қандай ажратилади? Бу ресурсларни соғлиқни сақлаш ва таълим сингари ижтимоий дастурларга сарф этиладиган харажатлар билан қандай таққослаш мумкин?

2. Юқорида тилга олиб ўтилган қуроли турлари (масалан, ядровий, биологик, одатдаги ва бошқалар)дан бирини танлаш ва уларни ишлаб чиқиш ҳамда тарқатиш билан бирмунча фаол шуғулланаётган мамлакатлар бўйича маълумотларни ўрганинг. Шунингдек: қуйидагиларга эътибор бериш:

- Уларни ишлаб чиқариш билан ким шуғулланмоқда: саноатнинг қайси соҳаси нима ишлаб чиқармоқда?
- Уларни ишлаб чиқариш учун нималар зарур? Ўша ашёлар қаёқдан олинмоқда?
- Қуроли қандай ўтиб бормоқда: қуролини бу сингари тақдим этиш қонунийми ёки ноқонунийми? (Ушбу масала бўйича ҳисобот қуйидаги адресда мавжуд: <http://www.basicint.org>).
- Қурол ишлаб чиқарилаётганини қандай кузатиб бориш мумкин? Бу ишни ким амалга ошириши мумкин?
- Қандай ҳолларда қуроли мусодара қилинади ёки йўқотилади, уни нималарга алмашлайдилар?
- Қуролидан кимларнинг фойдаланишга ҳақлари бор ёки кимлар фойдалана олишлари мумкин?
- Қуролининг тақсимланишини қандай кузатиб бориш мумкин? Унинг тақсимотини кузатиб туриш ёки назорат қилиб туриш учун ҳукуматлар қандай чора тадбирларни амалга оширишни мўлжалламоқдалар?

Бу тадқиқотни ўтказиш учун БМТнинг <http://www.un.org> сайтидан фойдаланиш мумкин. “Тинчлик ва хавфсизлик” қисмига кириб боринг, кейин “Қуролсизланиш” бўлимига ташриф буюринг ва бундан кейин сиз Биринчи қўмита тўғрисидаги репортажни кўриб БМТнинг қуролсизланиш масалалари бўйича саҳифасига, Химиявий қуроли бўйича конвенция ва Ядровий синовларни кенг қўламда тақиқлаш тўғрисидаги шартномани имзолашга олиб келган музокараларни бошқарган ягона кўпқиррали музокаралар олиб борувчи орган - Қуролсизланиш бўйича конференцияга, шунингдек, БМТнинг қуролсизланиш соҳасидаги тадқиқотлар институтига кириб боришингиз мумкин. Шу каби Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартнома ва миналардан тозалаш борасидаги маълумотлар тўплами саҳифаларига кириш мумкин. Халқаро атом энергияси сайтини қуйидаги адресдан топишингиз мумкин: <http://www.iaea.org>. Ядровий синовларни кенг қўламда тақиқлаш тўғрисидаги шартнома - <http://www.ctbto.org>. Шунингдек, Ноҳукумат қуролсизланиш ташкилоти - <http://www.peacenet.org/disarm> билан танишиш ҳам фойдалидир.

3. Хавфсизликни таъминлаш саъй-ҳаракатлари минтақавий ташкилотлар томонидан алоҳида мамлакатлар саъй-ҳаракатлари билан биргаликда тақдим этилиши мумкин. Хавфсизлик борасидаги Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Африка бирдамлиги ташкилоти, Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари ташкилоти ва Америка давлатлари ташкилотлари сингари минтақавий ташкилотларнинг аъзолари кимлар? Уларга ўша минтақадаги бошқа давлатлар ҳам киришлари мумкинми? Тинчлик ўрнатиш операциялари ўтказиш тўғрисида ҳам қоидалар борми? Хавфсизлик масалаларида Яқин Шарққа, Жанубий ёки Шимолий-Шарқий Осиёга қайси минтақавий ташкилот ёрдам кўрсатиши мумкин?
4. Ўз мамлакатингиз ёки ҳар қандай бошқа мамлакатни танланг ва эркаклар ҳамда аёлларни ҳарбий хизматга чақириш тўғрисидаги қоидалар аниқланг. Тинчликни барқарор этиш ёки воситачилик корпусларида муқобил хизмат тўғрисида қоидалар борми? Агар бўлса, ушбу муқобил хизмат қилувчилардан фойдаланиш учун нималар қилиш керак? Агар бўлмаса, нима учун йўқ? Сиз шу масала бўйича ўз фикрларингизни сайлаб қўйиладиган шахсларга ёзиб юборишингиз мумкин.

== Баъзи манбалар

Интернетда

<http://www.un.org/Depts/dda/index.html>

<http://www.un.org/Depts/dpko/mine>

<http://www.un.org/Pubs/CyberSchoolBus/peaceflag/results/index.html>

Эълон қилинган материаллар

БМТнинг қуролсизланиш бўйича ҳар йили эълон қилинадиган тўплами (4том; 1998), БМТ, Нью-Йорк.

Қуролсизланиш масалалари бўйича тадқиқотлар серияси: ўқотар қуроллар, БМТ, Нью-Йорк, 1999

“БМТ тўғрисида асосий далиллар”, БМТ, 1999

Асосий статистик маълумотлар




- Бугун демократик тузумдаги мамлакатларда илгари инсоният тарихида мисли кўрилмаган даражада кўп одам истиқомат қилади.
- 1998 йилнинг охирларида, бутун дунё мамлакатларининг 61 фоизини ташкил этган 117 мамлакатда, демократик сайловлар тизими мавжуд эди. Ушбу мамлакатларнинг аҳолиси Ер қурраси аҳолисининг қарийб 55 фоизини ташкил этади.
- Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси мамлакатларидаги умумий сайловларнинг қарийб 90 фоизи 1987 йилдан 1997 йилгача ўтказилди.
- Саҳрои Кабирнинг жанубидаги 47 мамлакатнинг 38 тасида ҳукуматнинг қонун чиқарувчи органларига сайловлар 1990 йилдан 1994 йилга қадар бўлган муддатда ўтказилди.
- 34 мамлакатда сиёсий партиялар аёлларнинг ҳукумат органларига ва қонун чиқарувчи мажлисларга сайловларда иштирокига чегараловчи квота белгиладилар.
- Бугунги кунга қадар 144 мамлакат фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактни ратификация қилдилар.



20

Бошқарув



“Амалиётда оқилона бошқарув - қонунийликни барқарор этиш, кичик элатларга ва муҳолиф гуруҳларга бағрикенглик, сиёсий жараёнларнинг транспарентлиги, мустақил суд тизими. қатъий фуқаролик назорати остидаги холис полиция кучлари, эркин матбуот ва фуқаролик жамиятининг фаол институтлари, амалий сайловларни ифода этади. Аммо энг аввало, яхши бошқарув инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишда акс этади.”

**Кофи АННАН, “Урушлар ва камбағалликни бартараф этиш.
Ташкилот иши тўғрисида 1999 йил учун йиллик маъруза”**

— Бошқарув нима?

Кўпчилик бошқарув деганда кўз олдига ҳукуматни келтиради. Аслида бу икки тушунчанинг туб илдизлари муштаракдир. Лекин “бошқарув” сўзи “ҳукумат” сўзидан бирмунча кенг маънога эга. Бу - бутун “жамиятни” батартиб этувчи мураккаб ва кенгқамровли кучдир. Кундалик турмуш шароитида одамлар ўзаро инсоний муносабатларини, мамлакатлар эса бир-бирларининг орасидаги ҳамкорликни ва ўз фаолиятларини бошқарадилар.

Бирок, биз мамлакатни бошқариш сифати ҳақида гапирганда унинг (парламент сингари) институтларини ва (сайловлар сингари) жараёнларни, шунингдек, халқаро ишбилармонлик операцияларига коррупция, порахўрликнинг аралашмаганини, раҳбарларнинг ўз ҳаётларига таъсир кўрсатувчи қарорларни қабул этишда иштирок қилишга имконият берган халқ олдидаги ҳисобдорлигини тушунамиз. Бу, шунингдек шахсий секторнинг ва фуқаролик жамияти ташкилотларининг ҳам эркинлик даражаси ва уларнинг давлат ишларида иштирок этиш имкониятларидир. “Оқилона” ва “демократик” бошқарув ҳукумат обрў-эътибори халқ иродасига асослангандагина ва уни аниқ ифода этгандагина воқеликка айланади. Бундай бошқарув - очик демократик институтлар одамларга сиёсий ҳаётда иштирок этиш имкониятларини берганидагина, химояланган инсон ҳуқуқлари - сўз эркинлигини, мажлислар қилиш ҳамда ўзгача фикрлаш эркинлигини кафолатлагандагина барқарор бўлади. Бундай бошқарув ҳукумат ва ҳукумат органлари камбағалларни химояга олганларида ва барча аҳолининг барқарор ривожланишига ёрдам бергандагина амалий қудратга айланади.

Ҳозирги даврда бошқарув сифати тўғрисидаги масала мамлакат ичкарисида ҳам, шунингдек, мамлакатлар ўртасидаги муносабатларда ҳам катта эътибор талаб этмоқда.



Демократик тузумдаги мамлакатлар бетўхтов ўсиб бормоқдалар ва оқилона бошқарув мамлакатга халқаро миқёсда ишонч ва ҳурматнинг ортишида муҳим мезон бўлиб қолди. Бироқ яхши бошқарув йўлга қўйилган тақдирда ҳам муаммолар тугамайди. Бугун бошқариш ишига коррупция, зўравонлик ва қашшоқлик турли таҳдидлар олиб келмоқда. Буларнинг ҳаммаси очиқ-ойдин иш юритишга, хавфсизликка, аҳолини давлат ишларида иштирок этишларига ва асосан, фуқароларнинг эркинликларига соя ташламоқда.

— Бошқарувнинг сифатини қандай аниқлаш мумкин?

Чунки, “оқилона бошқариш” субъектив тушунча бўлиб, ундан фойдаланишда аниқ мезонларни кўзда тута билиш керак. Оқилона бошқариш муайян сифатни акс эттиради, албатта. У адолатга, аҳолининг иштирокига, плюрализмга, ошкораликка, ҳисобот бериб туришга ва қонун устуворлигига ёрдам беради. У узокқа мўлжалланган истиқболдаги самарали, малакали, ҳозиржавоб ва бардошли чора ҳисобланади. Камбағалликни бартараф этиш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва қайтадан тиклаш, шунингдек жинсий жиҳатдан тенгликка эришиш ва барқарор даромад манбаларини яратиш йўллари билан жамиятни инсоният тараққиётига янада муваффақиятлироқ бошлаш учун бошқарув худди мана шу тамойилларга асосланиши керак.

Ушбу тамойиллар ҳаётда қуйидаги воситалар асосида амалга ошади:

- Эркин, адолатли ва тез-тез бўлиб турадиган сайловлар;
- Давлатнинг қонун чиқарувчи ва унинг бажарилишини кузатувчи вакиллик органлари;
- Қонунни изоҳлаш билан шуғулланадиган мустақил суд тизими.

Улар ҳам шунингдек, инсон ҳуқуқларига амал қилишда ва қонуннинг устуворлигида, шу билан бирга ошқора ва халқ олдида ҳисобдор институтларнинг мавжудлигида намоён бўлади. Зарурат туғилганда оқилона бошқарув, фуқароларнинг бошқарувда янада фаолроқ рол ўйнашлари учун маҳаллий ҳукумат органларига вакиллик ва ресурслар юбориб туради. Ва ниҳоят, оқилона бошқарув - устуворликларни белгилашда ва жамиятни унинг бирмунча заиф фуқаролари эҳтиёжидан хабардор қилиб туришда фуқаролик жамияти фаол рол ўйнайдиган вазиятни таъминлади. Умуман олганда одамлар ўз ҳаёт йўллари топиб оладиган жамиятнинг барқарорлигини таъминлагани, халқни камбағаллик, муҳтожлик, қўрқув ва зўравонликдан халос этгани, атроф муҳитни қўллаб қувватлагани ва аёллар мавқеини кўтаришга ёрдам бераётгани учун ҳам бошқарувдан минатдор бўлишлари керак.

— Бошқарувнинг оқилона бўлиши нега муҳим?

Кўпгина мамлакатлар бошқарувнинг сифатини ўзларининг ички ишлари, миллий *суверенитетнинг* бир бўлаги деб ҳисоблайдилар. Бундай нуқтаи назарга қараганда, уларнинг чегаралари ичкарасида юз бераётган ҳар қандай воқеа дунёнинг қолган қисмини асло ташвишлантормаслиги керак экан. Бироқ биз яхши биламизки, айти кунлардаги доим ўзаро алоқада бўлган, “глобаллашган” дунёда кимсасиз оролда қолиб кетган давлатнинг бўлиши мумкин эмас. БМТнинг роли - жаҳон ҳамжамияти барча аъзоларининг суверен тенгликлари тамойилларини ҳурмат қилишга, ўзаро тенгликка ва халқларнинг ўз тақдирларини ўзлари белгилашларига асосланган. Бу омил миллатлар ўртасида тинч ва дўстона муносабатлар учун зарур бўлган барқарорлик ва фаровонликка шароит яратишда уларга ёрдам беришдан

иборатдир. Бир томондан, БМТ Низоми халқлар суверенитетини ҳимоя қилса, иккинчи томондан, у ҳеч қачон ҳукуматларга инсон ҳуқуқларини бузиш ва инсон кадр-қимматини поймол этиш учун рухсат беришни кўзда тутган эмас. Бош котиб таъкидлаганидек, "суверенитет нафақат ҳокимият, балки масъулиятни тақозо этади".

Бундан ташқари ҳам биз ўйлаб кўришимиз зарур бўлган муҳим сабаблар мавжуд. Уларнинг биттаси - бошқаришнинг бошқа мамлакатларда ҳам оқилона ташкил этилганлигини аниқлашдир. Ўз жонажон халқларимиз фаровонлиги учун умумий мақсадларимиз номи билан бирмунча ночор мамлакатларнинг бошқарув қудратини мустаҳкамлашга ёрдамлашимиз керак, чунки яхши бошқарилаётган мамлакатлар сарҳадларига зўравонлик ва камбағаллик таҳдид солиши қийин. Инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилинган ва халқаро ҳамжамиятга кириш имконияти топилган мамлакатларда фуқаролар ўз муаммоларини ҳал этиш учун зўравонликка мурожаат этиши камдан кам учрайдиган ҳолдир. Шунингдек, ҳукумат қабул қилаётган қарорларда камбағаллар ҳам иштирок этаётган мамлакатларда сармоялар миллий сиёсатнинг камбағалликни бартараф этиш йўналишига сарфланиши, албатта эҳтимолга яқинроқдир. Давлат институтлари ва уларнинг сиёсати диққат марказида халқ манфаатлари ва эҳтиёжлари, инсон ҳуқуқлари турган мамлакатларда қашшоқлик билан кураш борасида аниқ, ютуқларга эришиш мумкин. Оқилона бошқариш тараққиёт меваларини одилона тақсимлаш учун жуда қулай муҳит яратади. Бир сўз билан айтганда, янада тинч ва янада обод мамлакатларгина Ер қуррасини янада осойишта ва фаровон этишлари мумкин.

— Мали яхши бошқарувга ўтмоқда¹

Мамаду Траоренинг иш микиёси ҳаммага маълум. 1999 йилнинг сентябрида у Ғарбий Африкадаги Мали давлатининг Жанубий Ғарбида жойлашган Каниого қишлоғининг демократия асосида биринчи марта сайланган мери бўлди. Энди унинг олдида - пастки бўғинда демократик бошқариш аниқ, маъно касб этишини яқкапартияли авторитар давлатдан мерос бўлиб қолган эски иерархик бошқарув тизимига қараганда бу ерда истиқомат қилаётганларга хизмат кўрсатиш ва тараққиёт жараёнини янада тезлаштиришни таъминлаш афзал эканлигини исботлаш вазифаси турибди.

Африканинг энг камбағал мамлакатларидан бири бўлган Мали қитъанинг ичкарироғида жойлашган қурғоқчил ўлкадир. 1991 йилда у демократик кўппартияли тизим ташкил этиб сиёсий эркинликни қўлга киритди.

Кейинги уч йил мобайнида Малида, Африка учун бирмунча истиқболли бўлган, сиёсий ва маъмурий жиҳатдан марказлашмаган системага ўтиш дастури амалга оширилди. Марказлаштиришни барбод қиладиган бундай тадбирнинг асосий мақсади - ресурсларни тақсимлаш ва одамлар ҳаётига бевосита таъсир этадиган шаҳар ва қишлоқлар даражасидаги қарорларни миллий микёсида қабул этиш ваколатини йўқотиш эди.

Мазкур дастур ҳозир бутун мамлакат бўйича Каниогога ўхшаган аҳоли пунктларида синовдан ўтмоқда. Агар Каниоголиклар турмушлари савиясини кўтаришда, соғлиқни сақлаш ва таълим хизматларини кўрсатишда узоқ муддатли яхши томонга бурилишларни кутадиган бўлсалар уларнинг олдиларида жуда улкан бошқарув муаммолари турибди. Мэрнинг таъкидалшича, ҳамқишлоқларни ташвишга солаётган муаммолар тараққиётнинг, жумладан - аҳолида бирдамлик ҳиссини тарбиялаш, соғлиқни сақлаш ва таълимни такомиллаштириш, ўзларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш каби асосий масалаларидир.

Траоре яшайдиган қишлоқда 11 мингдан ортиқроқ, аҳолига атиги иккита поликлиника

¹ Пол Меллинг "Выбор" журналидан мослаштириб олинган мақоласи. 2000 йил. март.

ва учта амбулатория хизмат кўрсатади. Бу ерда кўпчилик безгак, вабо, полиомиелит каби касалликлардан азоб чекадилар. Кўпчилик қишлоқларда бошланғич мактабларгина бор, аммо ўқитувчилар етишмайди, кўпинча дарслар икки синфни қўшиб олиб борилади. Баъзи синфларда 120 тагача болалар бор. Мазкур муаммони ҳал этишнинг маҳаллий шароит учун маъқулланган бир йўли - ҳар бир ўқитувчига озик-овқат маҳсулотлари етиштириш учун ер участкалари ажратиб бериш бўлди. Қишлоқ аҳолиси ҳар йили ерларни ўзларининг ҳўкизларини қўшиб хайдайдилар. Қишлоқда яшайдиган болалар имтихон топшираётганларида улар ўқитувчиларга дала ишларида қўшимча ёрдам беришларини айтдилар. Бу маҳаллий ёрдам ва жонбозлик тўғрисидаги гаплар аста-секин пойтахтдаги миллий педагогика коллежига ҳам етиб борди ва кўпгина битирувчилар Траоре мэр бўлган қишлоққа ишга юборишларини сўрай бошладилар.

Ҳозир бутун мамлакат бўйлаб амалга оширилаётган марказлашишни бекор қилиш дастури одамларга ўзларининг ҳамжамиятларини ривожлантиришда маҳаллий, худудий даражада бевосита иштирок этиш учун имконият берадиган шундай қувватларни озод этиш ва шундай гоёларни кўпайтиришга қодирдир. Марказлашишни бекор қилиш борасидаги охириги реформаси маҳаллий қабила ўз ишларини фақат ўзи бошқарган мустамлакачиликкача бўлган даврга қайтишга ўхшаб кетадиган Мали каби мамлакатда демократик бошқарув тўғрисидаги ҳозирги тасаввурларни аънавий ҳукумат тизими билан бирлаштириш энгил кечмайди, албатта.

■ Асослар

■ **БМТ Низоми** 1945 йилда мазкур халқаро ташкилотни тузиш бўйича БМТ конференциясининг яқунловчи мажлисида имзоланган. Низомнинг IX моддаси БМТни турмуш шароитини яхшилаш, иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт учун шарт-шароит яратиш, шунингдек, инсон ҳуқуқ ва асосий эркинликларини, унга бўлган ҳурмат-эътиборни ошириш учун ёрдам беришга чакиради.

■ 1948 йилда БМТнинг Бош Ассамблеяси дунёдаги барча одамларга туғилганлариданоқ улар ҳақли бўлган беминнат ва тенг ҳуқуқ сифатида, бутун дунёда озодлик, адолат ва тинчликни эълон қилган **Инсон ҳуқуқуларининг умумий декларациясини** қабул этди.

■ 1966 йилда БМТ Бош Ассамблеяси **Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро битимни ҳамда фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро битимни қабул қилди**. Мазкур ҳужжатларда таъкидланишича, фуқаролик ва сиёсий эркинликларидан фойдаланувчи ҳамда кўрқув ва қашшоқликлардан озод, эркин одамларнинг идеалига фақатгина ҳар бир киши ўзининг фуқаролик ва сиёсий, шунингдек иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларидан фойдалана олишларига шароит яратилган ҳолдагина эришиш мумкин бўлади.

Тараққиёт аломатлари: сўнгги воқеалар

■ БМТ тараққиёт дастурининг 1997 йилдаги **Инсон тараққиёти тўғрисидаги ҳисоботи** инсон қашшоқлиги тушунчасига янгича ўлчов олиб кирди. Унда таъкидлаб кўрсатилишича, агар даромаднинг келиши тўкин-сочинлик бағишламас, даромаднинг бўлмай қолиши камбағалликнинг сабабчиси эмас. Шундай экан, камбағалликни баҳолаганда диққат-эътиборни одамларда нима бор ёки йўқлигига эмас, балки улар нима қила олишлари мумкину, нима қила олишлари мумкин эмаслигига қаратиш

керак бўлади. Бу ҳолда шу фикр назарда тутиладики, жамият янада кўпроқ одамларнинг эҳтиёжини қондиради ва уларга ҳаётда янги имкониятлар яратиб беради.

- 1997 йилда БМТ **Барқарор ривожланишга эришиш ва адолат мақсадларида бошқариш бўйича халқаро конференция** ўтказди. Конференция жалб этиш, ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик сиёсатини кенг қўламда олиб борувчи оқилона бошқариш инсон тараққиёти ва қашшоқликка барҳам беришнинг муҳим шартидир, деган хулосага келди. Демократик жараёнда сайловлар ғоят муҳим қадам бўлиши мумкин, аммо демократия жуда чуқур тушунчадир. У ўз таркибига фаолият кўрсатиб турадиган парламент, суд тизими ва инсон ҳуқуқлари институтларини ҳам камраб олади.
- Янги демократик мамлакатлар форуми тарихда биринчи марта 1999 йилнинг июлида Яманда бўлиб ўтди ва ўзига демократия йўлидан бораётган мамлакатлардан сиёсий, фуқаровий ва иқтисодий лидерларни жалб этди. Унда тараққий этаётган мамлакатлар ўзларининг демократияга, оқилона бошқарувга содиқликларини тасдиқлаган ва халқаро ҳамжамиятни демократик институтлар ташкил этаётган ва демократик жараёнларни амалга ошираётган мамлакатлар олдидаги мажбуриятларини тасдиқлашга ҳамда бундай вазибаларни амалга оширишга ресурслар ажратишга чақирган Декларация қабул этилди.
- 2000 йилнинг июн ойида БМТ тизимидаги тараққий этаётган мамлакатларнинг энг йирик коалицияси - “77 гуруҳи” Гавана /Куба/ да олий даражада учрашув ўтказди. Унда “77 гуруҳи” ўзининг “қонун устуворлиги, қарорларнинг демократик асосда қабул этилиши ҳамда халқаро ҳуқуқ ва БМТ Низоми тамойилларини тўла-тўқис ҳурматлаш асосидаги глобал тизим” яратишга содиқлигини эълон қилди.
- 2000 йилнинг июн ойида Варшава /Польша/ да министрлар даражасида “Демократик мамлакатлар ҳамжамияти мавзуида конференция ва “Демократиянинг бутунжаҳон форуми” деган ноҳукумат конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияларнинг иккаласи ҳам ривожланаётган ва ривожланган мамлакатларнинг умумий демократик кадриятлар ва меъёрларга, жумладан “ҳукумат ва давлат асосини халқ иродаси ташкил этиши зарур, бу -фуқароларнинг ўз вакилларини мустақил сайлов органлари кузатувида, яширин овоз бериш билан, қаллобликларсиз ва қўрқитишларсиз тенг сайлаш ҳуқуқи асосида мунтазам, эркин, ҳалол ўтадиган кўппартиявий сайловларда ўз ҳуқуқлари ва фуқаролик бурчларини амалга оширган ҳолда сайлашларида намоён бўлиши керак” деган қоидага содиқликларини тасдиқладилар.
- Халқаро институтлар ҳисобланган **БМТнинг тараққиёт дастури, Бутунжаҳон банки ҳамда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти**, шунингдек, кўпгина бошқа ташкилотлар одамларнинг турмуш шароитини яхшилашда бошқарувнинг аҳамияти катта эканлигини эътироф этадилар. БМТнинг тараққиёт дастури 1992 йилдан 1999 йилга қадар тараққий этаётган мамлакатларда давлат бошқарувини ва давлат ресурсларини бошқаришни ривожлантиришга ўз маблағларининг 50 фоизидан ортиқроғини сарф қилди. Бутунжаҳон банки яхши бошқаришни ривожлантиришга ва коррупцияга қарши курашга ёрдам бермоқда. Таркибига 29 мамлакат кирган Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг шароитлар яратиш борасида иш олиб бориш жараёнида бу ерда ҳукуматлар ўзларининг иқтисодий ва ижтимоий сиёсатларини муҳокама этишлари, ривожлантиришлари ва такомиллаштиришлари мумкин. Мазкур ташкилот бошқарувни ўзининг муҳим соҳасига айлантириб олди.
- Баъзи мамлакатлар бошқарув соҳасида жиддий натижаларни қўлга киритдилар.

Ривожланаётган мамлакатлар ичида аҳоли сони бўйича энг катта мамлакатлар **Индонезия ва Нигерия** 1999 йилдан демократия томон юз бурди. Узоқ вақтлар Индонезиянинг бир бўлаги бўлган **Шарқий Тимор** айна пайтда БМТнинг протекторати ҳисобланиб, тўлиқ мустақилликка ўтиш даврини бошдан кечирмоқда. **Нигерия** эса тўрт йиллик ҳарбий бошқарувдан кейингина демократик фуқаролик ҳукумати кўлига қайтди. Кўплаб бошқа мамлакатлар - фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини тараққий эттириш ва химоя қилишда - баъзилари кўпроқ, баъзилари эса жуда катта ютуқларга эришдилар.

- Ҳамма ёқда **фуқаролик жамияти** тараққий этмоқда. (*Фуқаролик жамияти тушунчасига шахсий секторнинг турли-туман манфаат ва мақсадлардаги, кенг кўламдаги ташкилотлари ва гуруҳлари, жумладан касб-ҳунар усталари, ишбилармонлар, хизмат кўрсатувчилар, диндорлар, дам олиш - кўнғил очиш соҳаси ходимлари ва бошқалар кирради*). Фуқаролик жамияти ташкилотлари орқали кўрсатиладиган ёрдам учун ажратиладиган маблағ ҳажми кўпайди ва у ҳар йили 10 миллиард АҚШ долларига яқин ҳажмни ташкил этмоқда. Баъзи тараққий этаётган мамлакатларда фуқаролик жамияти гуруҳлари 100 га етмоқда. (Масалан, ноҳукумат ташкилотлари Боснияда 180 та, Мозамбикда эса қарийб 100 тани ташкил этади).
- Бошқарув соҳасида фаолият кўрсатадиган Ҳамкорлик иттифоқлари тез-тез ва кўплаб ташкил этила бошлади. Бугун БМТ тизими ташкилотлари бу соҳада улар йирик донорлар билан мулоқот қилганларидек ҳамкорлик олиб борадилар. Бошқариш масалалари билан бирмунча жиддий шуғулланадиган БМТнинг Тараққиёт дастури - БМТ нинг агентлиги сифатида бошқарув масалалари билан миллий даражада ҳам, шунингдек, халқаро даражада ҳам шуғулланувчи Бутунжаҳон банки, шу каби ҳукуматлараро ва ноҳукумат ташкилотлари билан Ҳамкорлик иттифоқи тузди.
- **“Фридомхаус”** ташкилотининг обзорида таъкидланганидек, “муваффақиятсизликларга қарамай одамларнинг озодлиги ХХ аср ҳаракат йўналишида юксалиш нуктаси бўлиб қолганлигини эслашнинг ўзи кифоядир. Бутун юзйилликка назар ташлаганда демократия ва фуқаролар озодлиги эришган муҳим ва катта аҳамиятга эга бўлган ютуқлар яхлит кўзга ташланади”.

— Кўпмиллатли корпорацияларнинг роли

Кўпмиллатли корпорациялар сифатида маълум бўлган йирик халқаро компаниялар халқаро доирада хал қилувчи рол ўйнайди. Уларнинг баъзилари шу қадар улканки, йиллик даромадлари кўпгина мустақил давлатларникидан ортиқроқдир. Биз яшаб турган жойнинг ўзини ягона иқтисодий минтақа деб эълон қилганлар - бошқа эмас, худди мана шу компаниялардир. Кўплаб одамлар ва ҳатто, бутун-бутун мамлакатларнинг иқтисодий истиқболи уларнинг қарорларига боғлиқ бўлиб қолган. Уларнинг халқаро миқёсда ишлаш ҳуқуқлари халқаро битимлар ва миллий сиёсатлар билан бирмунча кенгайтириб қўйилди, лекин бу ҳуқуқлар бутунжаҳон корпоратив фуқаролиги концепцияси ва амалиётига мувофиқ жуда катта масъулият ҳисси билан бирга амал қилиши керак. Бундай фуқаролик аломатлари шароитга қараб ўзгариши ҳам мумкин, лекин битта умумий чегара мавжуд: қанчалик кенгроқ уюшмаларни аниқлаб олишларига мувофиқ имконият ва зарурат даражасида “фойдали фаолият” билан шуғулланиш истаги! Лекин ночор меъёрий тизимлар ёки қабул этган мамлакатнинг нотенг қоидаларидан фойдаланмаслик шарт.

1999 йил Давосдаги Бутунжаҳон иқтисодий форумида БМТ Бош қотиби Кофи Аннан ишбилармонлар олами лидерларини ўз фаолиятлари доирасида жажоннинг фойдали фуқаролигини

намойиш этиш учун ўз хиссаларини қўшишга чақирди. У бутунжаҳон миқёсида келишув мавжуд бўлган уч соҳа - инсон ҳуқуқлари, меҳнат нормалари ва атроф муҳит муҳофазаси бўйича “Глобал шартнома” тузишни таклиф этди. 2000 йилнинг июл ойида қарийб энг йирик 50 шахсий корпорация расмий равишда Глобал шартномага амал қилиш мажбуриятларини ўз зиммаларига олдилар.

— Амалга ошириладиган бир олам ишлар


Гэллп Халқаро Институти 60 мамлакатда ўтказган “Мингйиллик сўрови”да аниқлашича, кўпгина мамлакатлардаги кўплаб жавоб берувчилар сайловларни эркин ва адолатли деб баҳолаганлар. Аммо, шунга қарамадан жавоб берганларнинг учдан икки қисми, уларнинг мамлакатлари халқ иродасига мувофиқ бошқарилмаётгани тўғрисидаги фикрни билдирдилар. Кўпгина мамлакатларда оқилона бошқарув чала-чулпа аҳволда ёки у ўз тамойилларини йўқотган. Айнан шу каби, БМТ тараққиёт дастурининг Инсон тараққиёти тўғрисидаги 2000 йил учун ҳисоботида таъкидланишича “кичик элатларни таҳқирлаш баъзи демократик мамлакатлар учун “Ахиллеснинг пайи” (“Кимсанинг заиф томони”) ҳисобланар экан ва айтиш керакки, “кейинги 20 йил ичида ўрнатилган юздан ортик, демократик кўппартиявий тизимнинг ҳаммасини ҳам яхши савияда деб бўлмайди”.

Ҳозирга қадар 1,2 миллиард одам кунига бир АҚШ долларидан кам маблағга истиқомат қилмоқдалар, 150 миллион одам ишсиз, 100 миллион бола кўчада ишлаш ва яшашга мажбур. Кўп ҳолларда шароит бу одамларга ўзларининг асосий ҳуқуқ ва эркинликларидан тўлиқ фойдаланиш имконини бермайди. Бунинг устига тараққий этган мамлакатлар томонидан тараққий этаётган мамлакатларга берилаётган ёрдам миқёси кейинги йилларда қисқарди. 1985 йилда ривожланаётган мамлакатларга расмий ёрдам тараққиётининг юқори даражасига эришган мамлакатлар ялпи миллий маҳсулотларининг ўрта ҳисобда 0,33 фоизини ташкил этган эди. Бу ёрдам орадан ўн йил ўтганидан сўнг ўша мамлакатларга ўрта ҳисобда 0,24 фоизни ташкил этди. Кўпгина мамлакатлар бундай ёрдам иқтисодий ўсиш мақсадларига эришиш, тараққиёт ва камбағаллик миқёсини қисқартириш учун кутилган самарани бермайди, деб ҳисоблаган ҳолда уни қисқартирганлар. Бундай ёрдам, сиёсий кўмаклардан фарқли ўлароқ инсон тараққиёти мақсадларига эришишга қандай ҳолларда фойда беришини кўрсатиш учун нималар қилиш керак; балки ёрдам олаётган мамлакатнинг бир қисмига айланиш керакдир; балки донорлар билан яхшироқ мослашиб олиш зарурдир ва энг муҳими, балки яхши бошқарув ва жаҳон, гуркираб ўсиш ва инсон ҳуқуқлари ўртасида ўзаро алоқа ўрнатиш керакдир.

=== Ўқувчиларга тасвия этиладиган фаолият турлари

- Ўзингиз камроқ билган ёки бутунлай ҳеч нарса билмаган бир мамлакатни танланг ва ундаги бошқарув аҳволини тадқиқ этинг. Тарих дарслигидаги маълумотларни, сиёсий тизимни, иқтисодий вазиятни, бошқарувда халқнинг иштироки даражасини ва бошқаларни кўшинг. Тадқиқотингиз натижаларини гуруҳ йиғилишига тақдим этинг.
- Транспэрэнси Интернэшнл ташкилоти тақдим этган тадбиркорлар, аналитиклар ва аҳоли томонидан коррупция даражасини идрок этишни характерлайдиган ва 10 (коррупциянинг мутлақо йўқлиги) дан 0 (юқори даражада коррупциялашган ҳукумат) гача бирликка қадар бўлган Порахўрликни идрок этиш индексини аниқланг. Мана бу рўйхатдан ўз мамлакатингизни топинг: <http://www.transparency.de/documents/cpi/index.html>
- “Фридомхаус” ташкилотининг сиёсий ҳуқуқлар ва фуқаролар озодлиги бўйича йиллик

БМТнинг Тараққиёт дастури ва инсоният тараққиёти борасидаги бошқарув



Бу расмда БМТ Тараққиёт дастурининг инсоният тараққиёти борасидаги бошқарув концепцияси акс этган.

Бошқарувнинг учта - ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий жабҳаси учбурчакнинг юқори чўққисида берилган; бошқарув субъектлари - ҳукумат, фуқаролик жамияти ва шахсий сектор бир-бирларини кесиб ўтадиган учта доира сифатида тасвирланган; инсоният тараққиётининг мақсадлари ромб шаклида тақдим қилинади; яхши бошқариш тамойиллари ички овалда таъкидлаб кўрсатилади. Мазкур чизма динамик тарздаги ўзаро алоқа тўғрисида тасаввур беради, бу жараён мобайнида турли ички қисмлар бир-бирлари билан мунтазам мулоқотда бўлади.

обзорини ўқинг: <http://freedomhouse.org/survey/2000> Обзор методологиясини тўлиқлиги, мазмуни ва ҳолислиги нуқтан назаридан муҳокама қилинг.

- <http://www.ifes.org/index.htm> да тақдим этилган Халқаро сайлов системалари фондининг сайловлар тақвимини ўрганинг. Тез орада бўладиган сайловни танланг ва оммавий ахборот воситалари орқали сайлов олди ҳаракатларини (сиёсий партиялар ҳисоботи, сайлов комиссияларининг фаолияти, мавсумни ўтказиш масалалари ва бошқалар) кузатиб боринг. Сайловлар жараёнини, жумладан, ундан кейин бўладиган воқеаларни нашр этилган манбалар ва электрон воситалар орқали кузатинг.
- Бир мамлакатни танланг ва қуйидаги адресдаги унинг конституцияси билан танишинг: <http://www.charter88.org.uk/politics/links/link-cons.html>. Асосий озодликка ва ҳокимиятни тақсимлашга қандай амал қилинаётганини кузатинг. Шу мамлакат конституциясини ўз мамлакатингиз конституцияси билан солиштиринг.
- Амалий ишга киришинг. Қандайдир жамият ёки ёшлар гуруҳига кириш ва сиёсий мавсум мобайнида ишлаб кўринг. Ўзингиз сайлаган вакил ёки давлат ходимига ўзингизни қизиқтирган савол билан мурожаат этинг. Фуқаролар ҳуқуқлари ва сайловлар масаласи бўйича тадбирлар ўтказишда ўз ёрдамингизни тавсия этинг. Сайлов жараёнида иштирок этинг. Одамларга овоз беришда кўмаклашиш каби фаолиятларга ёрдам бериш учун ўз хизматингизни тавсия этинг. Бундай масалаларда янги ахборотлар топинг, ўзингиз ва бошқаларнинг ҳамма нарсадан хабардор сайловчиларга айланиши учун ёрдамлашинг.
- Ўз мактабингиз ва талабалар кенгашларида оқилона бошқарув тамойиллари амалиётини жорий этинг. Ўз синфдошларингиз ва курсдошларингизни қарорларни ошқора қабул қилиш ва раҳбариятнинг ҳисобдорлигини белгилаб қўйиш борасидаги йиғилишларга иштирок этишларига ёрдамлашинг.

== Баъзи манбалар:

Интернетда:

БМТ Тараққиёт дастурининг иқтисодий ва давлат бошқарувини ривожлантириш масалалари бўлими: <http://magnet.undp.org/>

БМТ Тараққиёт дастурининг иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича депортаменти: <http://www.un.org>

Бутунжаҳон банки: <http://www.worldbank.org/>

Парламентлараро иттифоқ: <http://www.ipu.org/>

Халқаро демократия ва сайловларга кўмаклашиш институти: <http://www.idea.int/>

Маъмурий бошқарма ва сайловлар харажатлари: <http://www.aceproject.org/>

Халқаро оламни қўллаб-қувватлаш бўйича Карнеги жамғармаси: <http://ceip.org/index.html>

Транспаренси Интернэшнл: <http://www.transparency.de/index.html>

Фридомхаус: <http://www.freedomhouse.org/>

Бошқарув институти: <http://www.iog.ca/>

Герман тиллари бўйича маълумотлар: <http://agence.francophonie.org/>

Халқаро ишлар миллий демократик институти: <http://www.ndi.org/ndi.htm>

Фридрих Эберт жамғармаси: <http://www.fes.de/>

Форд фонди: <http://www.fordfound.org/>

Босилган материаллар:

“Барқарор инсоният тараққиёти борасидаги бошқарув”. БМТнинг Тараққиёт дастури, (1997 БМТнинг Тараққиёт дастурининг бошқарув ва унинг инсоният тараққиёти билан ўзаро алоқаси масалалари бўйича дастурий ҳужжатлари)

“Бошқарув концепциясининг ўзгариши”. БМТнинг Тараққиёт дастури, 1997

“Инсоният тараққиёти тўғрисида 2000 йил учун ҳисобот”. БМТнинг инсон тараққиёти тўғрисида ҳисоботлар бюроси (ҳисоботда инсон ҳуқуқлари билан демократия, оқилона бошқарув ва тараққиёт ўртасидаги ўзаро алоқа тўғрисида сермазмун боблар мавжуд)

“Демократиянинг ўзгараётган характери”, 1998, “Ю-Эн Университи Пресс” (демократия ва бошқарув тўғрисидаги ажойиб мақолалар тўплами)

“Жаҳон тараққиёти тўғрисида 1997 йил учун ҳисобот: ўзгараётган дунёда давлат”, 1997, Бутунжаҳон банки

(Мазкур ҳужжатни БМТнинг Тараққиёт дастури тузган)



Бош котибнинг мактуби

— Сиз нималар қила оласиз?

Дунё айни бизнинг давримизда юзма-юз келаётган асосий муаммоларни сиз билиб олдингиз. Энди, табиийки, шундай савол туғилади:

“Бу ишда ёрдам бериш учун сиз нималар қила оласиз?”

Бу саволга Бош котиб қуйидагича жавоб беради: ¹

Ёшлар менга кўпинча умид уйғотувчи “Аҳволни ўзгартириш учун мен нима қилишим керак?” деган савол билан мурожаат қиладилар. Менинг маслаҳатим шундай: ишни вазиятни ўрганишдан ва атрофга назар солишдан бошланг. Турмуши сизларникига қараганда яхшироқ бўлган одамлар билан танишинг. Улар билан ҳамфикр бўлинг. Биз бошқаларни бутун бўй-басти билан фақат ана шундагина баҳолашимиз мумкин. Бундай ўрганиш жараёнини бирор киши билан биргаликда тушлик қилганда ёки дунёнинг нариги бурчагида яшаётган одам билан электрон почта орқали хатлар ёзишгандагина давом эттиришимиз мумкин.

Компютерлар ва модемлар биз бир-биримиз билан океанлар орқали гаплашишга ёрдам беради. Бирок, бизнинг умумий дардларимиз бўлмаганида булар бизга ҳеч қандай фойда бермас эди. Ҳар бир жамият умумий кадриятларга мухтожлик сезади. Бу - бизнинг жаҳон ҳамжамиятимиз учун - тенг бўлган инсон ҳуқуқларига ҳурмат демакдир. Бизнинг динимиз, тилимиз ва теримизнинг ранги ҳар хил бўлиши мумкин, лекин биз ҳаммамиз ягона инсон ирқига мансубдирмиз. Биз битта оиланинг аъзоларимиз, оиланинг бир қисмида ишлар яхши бўлса, ҳамманинг ишлари яхши бўлади. Шунинг учун биз бошқаларга ҳам ўзимизда мавжуд бўлган имкониятлардан баҳра олишларига ёрдам беришни хоҳлаймиз.

Агар сиз, аллақачон бошқалар билан алоқа ўрнатган бўлсангиз, уни бир-бирларингизни қўллаб-қувватлаш, бир-бирларингиз билан дардлашган ҳолда очиқ-ошкора давом эттиришга ҳаракат қилинг. Кимнингдир ишончини қозонганимдагина бирор нарсани у билан биргаликда ўзгартиришим мумкинлигини билганим учун ҳам, Бош котиб бўлиб ишлар эканман, мен ҳам шундай йўл тутишга ҳаракат қиламан. Сиз ҳам шундай қилишингиз мумкин. Одатдагига ўхшамаган, ноқулай аҳволга кўзингиз тушиб қолганида, бу ҳолда муаммо қанчалик улкан бўлмасин, ўзингизга савол беринг: “Буни яна ким ўзгартира олиши мумкин? Биз биргаликда қандай иш олиб боришимиз мумкин?” Сиз билан ҳаммаслақ бўлган бошқа одамларга ҳам шундай нуқтаи назардан ёндошинг. Нималарнидир амалга оширишга ишонч боғлаган ҳолда қатъиятли бўлинг. Баъзан ҳаётда олға ташланган бирор кичкина қадам ҳам қандайдир аҳамият касб этиши мумкин. Ҳозиргача бирор тайинли иш қилмаган бўлсангиз, бу - ҳеч нарса қилиб бўлмайди, деган гап эмас. Бу демак, агар сиз шу ишни амалга оширсангиз, сиз биринчи бўласиз. деганидир.



**Кофи АННАН,
БМТ Бош котиби.**

¹ Бош котибнинг 2000 йил 24 июнда Швейцариянинг Базел шаҳрида бўлиб ўтган Бутунжаҳон болалар фестивалида билдирган фикрларидан.

МУНДАРИЖА

Ўқитувчиларга мурожаат	3
Мингйиллик маърузаси (мухтасар хулоса)	5
Мингйиллик саммити: Янги даврнинг янгича қиёфасининг таърифлаб	11
1. Камбағаллик	13
2. Қочоқлар	27
3. Биологик ранбаранглик	39
4. ОИТС	53
5. Глобаллаштириш	65
6. Қизалоқлар ва қизлар	77
7. Аскар болалар	87
8. Болалар меҳнати	97
9. Иқлим ўзгаришлари	109
10. Ахборот ва коммуникация технологияси	123
11. Халқаро ҳуқуқ	133
12. Тинчлик ўрнатиш	145
13. Гиёҳвандлик	159
14. Бирлашган Миллатлар Ташкилотини янгилаш йўлида	173
15. Таълимдан ҳамма баҳраманд бўлсин	185
16. Болалар ҳуқуқлари	195
17. Инсон ҳуқуқлари	207
18. Мажароларнинг олдини олиш	221
19. Қуролсизланиш	235
20. Бошқарув	249
Бош котибнинг мактуби	261

